ЎТКИР ҲОШИМОВ

САЙЛАНМА

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 2001

www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎТКИР ҲОШИМОВ

САЙЛАНМА

ИККИ ЖИЛДЛИК

БАҲОР СОҒИНЧИ

БИРИНЧИ ЖИЛД

Қиссалар
Ҳикоялар
Саҳна асарлари
Ҳажвий ҳикоялар
Ўйлар

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент – 2001

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўз2
Х—80

Х $\frac{4702620201 - 66}{М352(04) - 2001}$ –режа 2001

ISBN 5-635-02010-0

© Ўткир Ҳошимов, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001 й.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ИЖОД ВА ЖАСОРАТ

...Ўткирнинг қандай китоблар ёзганини гапириб ўтириш ортиқча. Улар ўзбек ва қардош халқлар мулкига айланиб кетган. Шундоқ бўлса ҳам бу истеъдодли адибнинг асарларини тилга олмаслик инсофдан бўлмас. "Баҳор қайтмайди", "Қалбингга қулоқ сол", "Нур борки, соя бор", "Дунёнинг ишлари", "Икки эшик ораси", "Тушда кечган умрлар", "Икки карра икки — беш" каби қисса ва романлари, юздан ортиқ дилбар ҳикоялари халқ орасида жуда машҳур бўлиб кетган...

..."Икки эшик ораси" романи ўзбек адабиёти хазинасидан ўз ўрнини топган асарлардан бири бўлиб қолди. Бу асар халқлар бошига кулфат солган иккинчи жаҳон уруши тўғрисида ёзилган аччиқ ва аламли йилномадир...

..."Тушда кечган умрлар" романини ҳам лоқайд, ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди. У китобхонни ларзага солади. Халқ бошига кулфатдан бошқа нарса солмаган қонли урушни бошлаган телба урушқоқларга дил-дилдан лаънат ёғдиради. Ўткир — сўз санъаткори. Юқорида тилга олганимиз романларда халқ тили шунчалар равон, шунчалар ифодалики, ҳар бир сатри шеърдай равон оқади...

Айниқса, "Дунёнинг ишлари" асарини қисса эмас, достон деб аташни истардим. У қўшиқдай ўқилади. Уни ўқиб туриб, ўз оналаримизни эслаб кетамиз. Шу мушфиқ, шу жафокаш оналаримиз олдида бир умр узиб бўлмас қарзларимизнинг ақалли биттасини узолдикми, деган бир андиша, бир савол кўз олдимизда кўндаланг туриб олади. Қисса бизни инсофга, инсонни қадрлашга, ҳурмат қилишга чақиради...

...Мен Ўткир билан жумҳуриятимизнинг ҳамма вилоятларини, ҳамма туманларини неча марталаб айланиб чиққанман. Қаерга бормайлик, уни одамлар ўраб олади, китобларидан олган таассуротларини тўлиб-тошиб гапиради...

...Қува туманида китобхонлар билан учрашув бўлганди. Ўшанда Мушаррафхон деган қора кийинган бир аёл ўрнидан туриб, Ўткирнинг олдига келди.

— Болам, мен ҳув анави кўриниб турган ўрта мактабда фаррошман. Гўдаклар ивирситган синфларни ювиб, тозалайман. Сенинг онанг Пошша опа ҳам фаррош бўлган эканлар, илоё

www.ziyouz.com kutubxonasi

жонлари жаннатда бўлсин. Буни мен мактаб кутубхонасидан олган манави китобдан ўқиб билдим. — У қўлида ушлаб турган "Дунёнинг ишлари" китобини кўрсатди.— Инсоннинг боши тошдан бўларкан. Бир ўғлим афғон урушида нобуд бўлди. Чидадим, чидамай иложим қанча? Кел, болам, ўғлим ўрнига ўғил бўл. Ёзувчи ўғлим бор, деб қувониб юрай! — У шундай деб нимчаси қўйнидан марғилон нусха дўппи олиб, кўзида ёш билан, бошинг тошдан бўлсин, деб Ўткирга кийғизганида тўпланган тумонат одамнинг ҳам кўзида ёш қалқиганини ўзим кўрганман...

...Тоталитар тузумнинг оқаваси бижғиб оқиб турган бир пайтда "Ўзбек иши", "Давлат сири", "Дўстлик ҳурматдан бошланади" каби ўнлаб мақолаларни ёзиш учун катта жасорат керак эди...

Москва матбуоти тарқатган туҳмат ва ҳақоратлардан сабр косаси тўлган Ўткир Ҳошимов КПСС XXVIII съезди минбаридан туриб уларни баралла фош қилди:

"Ўзбек иши" деган гапни ким ўйлаб топди? Нима учун "рус иши", "арман иши", "молдован иши" эмас-да, айнан "ўзбек иши?" Ўзбек нима ёмонлик қилди? Қўшиб ёзишлар бошқа жойда йўқми? "Ўзбек иши" туфайли армиядаги қанчадан-қанча йигитларимиз нобуд бўляпти! Темир тобутлар фақат Афғонистондан эмас Совет иттифоқининг турли чеккаларидан ҳам келиб турибди. Бизнинг фарзандларимизга "босмачи", "қўшиб ёзувчи", "порахўр" деб қарашяпти ва очиқдан-очиқ ўлдиришяпти! "Ўзбек иши" деган ҳақоратли гапни ўйлаб топганлар ҳали тарих олдида жавоб берадилар!"

Мустабид тузумнинг энг катта раҳбарлари минбарда савлат тўкиб ўтирганида, маршаллару генераллар олтин погонини ялтиратиб, шоп-шолопларини жаранглатиб турганида уларнинг кўзига тик қараб туриб бундай гапларни айтиш учун чексиз жасорат ва фидойилик керак эди...

Мана шуларни эслаганимда Ўткир Ҳошимовнинг Халқ ёзувчиси деган шарафли номга чинакам муносиб ижодкор эканига яна бир бор иқрор бўламан. Ўткир шу заҳматкаш, пок халқни "Менинг халқим" деб куйлайди... Халқ эса уни менинг ёзувчим, деб ардоқлайди...

Мен Ўткир Ҳошимовни жасоратли, қўрқмас, ҳақиқатни ҳар қандай шароитда ҳам айтоладиган ёзувчи деб атадим. Бу таъбиримни иккиланмай ҳар қачон, ҳар ерда дадил айта оламан...

САИД АҲМАД
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚИССАЛАР



БАҲОР ҚАЙТМАЙДИ

Бўстон қишлоғига оғир-вазмин қадамлар билан куз кириб келди. Туманлик қўйнида жимгина мудраган тонглар, илк совуқ оғушида жунжиккан серюлдуз оқшомлар бошланди. Ҳавога елпиғичдай қат-қат булутлар чиқди. Қуёшнинг илиқ, тансиқ нурлари одамларга хуш ёқадиган бўлиб қолди. Ҳавода ананас иси аралаш ёнғоқ хазонларининг ўткир ҳиди гуркиради. Ёз бўйи мева тугиш дардида яшнаган боғлар, шодон шовуллаган теракзорлар ҳаётнинг мангу, бешафқат ҳақиқати олдида ўйчан, ғамгин бош эгди. Чор-атроф япроқларнинг мунгли шивир-шивирига тўлди.

Сумбула туғди. Қишлоқни ҳалқадай ўраб оқаётган анҳор бирдан тиниқлашди. Телба тўлқинлар энди жиловланиб, ювош бўлиб қолди.

Одамлар қиличини кўтариб келаётган қишдан чўчигандай шоша-пиша ҳаракатга тушдилар. Кимдир чорбоғида ўтин арралади, кимдир қўшнисининг том сувоғига ҳашарга чиқа бошлади.

Ҳамма ягона бир ташвиш билан, куз ташвиши билан туриб, куз ташвиши билан ётадиган бўлди.

Фақат битта ҳовлида — қишлоқ чеккасида, шундоққина анҳор ёқасида жойлашган ҳовлида сукунат ҳукм сурар, фақат бир киши ёлғиз ўз ташвиши билан банд эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

У паст-баланд қоялар орасидан от чоптириб бораётганмиш. От елдек учармиш, тоғу тошлар чирпирак бўлиб орқада қолиб кетармиш. Бирдан ҳаммаёқни зулмат қоплабди. От алланимага қаттиқ қоқилибди-да, қоп-қоронғи жарликка мункиб кетибди. У отни бўйнидан маҳкам қучоқлаб олганча шувиллаб пастга тушиб кетаётганмишу ерга ҳеч етмасмиш. Нафаси бўғзига тиқилиб, даҳшатдан оёқ-қўллари тошдай қотиб қолганмиш...

— А-а-а!

Алимардон ўз овозидан ўзи чўчиб уйғониб кетди. Анчагача қаерда ётганини билолмай, кўзларини катта-катта очганча шифтга тикилиб қолди. Аъзойи бадани ўт бўлиб ёнар, пешанасини муздек тер босган, бир тутам сочи тер аралаш қошларига ёпишиб қолган эди.

У анчагача беҳуш тикилиб ётди-да, вассажуфтлари сарғайиб кетган шифтни, токчадаги лаган-товоқларни, бурчакдаги шкаф устида турган, чақа солинадиган ганч мушукчани кўриб секин уф тортди. Хайрият, уйда экан!

Бир лаҳзадан кейин кўз ўнгидаги нарсалар тағин сийрак туманлик ичида йўқолди-ю, яна алаҳлай бошлади. Зум ўтмай тағин кўзини очди. Бора-бора фикри тиниқлашиб, шифтга тикилиб қолди. Қаердандир бир қалдирғоч уйга отилиб кирди. Шифт тагида айлана-айлана вассажуфтдаги узун михга келиб қўнди. Ғамгингина вижирлаб қўйди. Оқ-сарғиш бўйнини буриб Алимардонга қаради. Мунчоқдек кўзларини тикиб узоқ қараб турди-да, яна бир сайраб қанотини ёзди. Лип этиб пастга шўнғиди, деразанинг очиқ тавақасидан ҳовлига отилди.

Алимардон кўрпа остидан қўлларини машаққат билан суғуриб олди. Тирсагига таяниб, секин дераза томонга ўгирилди. Терлаб ётган баданига совуқ шамол тегди. Бўғилиб-бўғилиб йўтала бошлади. Ҳар йўталганида нафаси оғзига тиқилар, кўз ўнгида хира ҳалқачалар пирпирар, қулоқлари шанғиллар эди. Ниҳоят, секин-секин дамини ростлади, ҳовлига тикилганча бир текис, чуқур-чуқур нафас ола бошлади.

Очиқ деразадан тип-тиниқ осмоннинг бир чеккаси кўриниб турарди. Чекка-чеккадаги азамат ёнғоқлар шов-шув этиб, ўтиб кетган баҳорини эслагандай жимгина хаёлга толган, ўрикларнинг қондай қизарган япроқлари узилиб кетишдан чўчиб титраб турибди. Ёнғоқ шохида зағизғон сайради. Кейин ола қанотларини ёйиб, ҳавога кўтарилди-ю, узун думини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ликиллатиб, этакдаги молхона томига бориб қўнди. Том устига ёйиб ташланган маккажўхориларни бир-икки чўқиган бўлди-да, яна қанотини ёйиб ҳавога кўтарилди. Девор ошиб қўшни ҳовлига ўтиб кетди.

Алимардон шу ёзда онаси ўлганидан кейин ҳовлидан файз кетганини ҳозир айниқса чуқур ҳис қилди. Онаси неча йилдирки, уни уйлантиришни орзу қилар, аммо Алимардон унамас эди. Рост, у кўп қизларни кўрган, лекин ҳеч бири билан бирга бўлишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. "Аввал консерваторияни битириб олай, у ёғи ўзи топилиб кетади", деб ўйларди. Алимардон диплом ёқлашидан бир ҳафта олдин онаси қазо қилди. У орзусига етолмади: келининг қўлидан бир пиёла чой ича олмади.

Алимардон юрагининг бир бурчида уйғонган чидаб бўлмас ҳасратдан энтикиб қолди.

— Анвар ҳам келмабди, номард! — пичирлади у ғижиниб. Алимардон бетоб бўлиб қолганидан бери гоҳ Анвар, гоҳ онаси ҳар куни келиб унинг ҳолидан хабар олиб туришарди. Бугун келмабди. "Бировнинг гўрига биров тушармиди? Анварнинг мен билан нима иши бор!" У жаҳл билан кўзларини чирт юмиб, кўрпани бошига тортди.

Яна кўзи илинаётган эди, гурс-гурс қадам товуши эшитилди. Алимардон кўрпани кўтариб қарагунча, аллаким дераза ёнидан лип этиб эшик томонга ўтиб кетди.

"Анвар!" — Алимардон эшикнинг очилишини кутиб, бурилиб қараб ётди.

Анвар пастак эшикдан бошини эгиб кирди-да, қўлидаги қоғоз халтани бир чеккага қўйиб, шимининг почасини қоқа бошлади.

Энгашиб турганча бошини кўтариб қаради-да, жилмайди.

— Тузукмисан?

Алимардон индамади. Қошини чимирганча тикилиб ётаверди.

Анвар ҳар келганида шундай жилмайиб қарар, худди шундай паст, меҳрибон овозда ундан ҳол сўрар эди.

Ҳозир Алимардон унинг тез юрганини, кўйлагининг тугмаларини ечиб юборганини, ичидаги майкаси терлаб баданига ёпишиб қолганини кўрди.

Анвар туфлисининг боғичини шоша-пиша ечиб, тез-тез юриб унинг тепасига келди. Каравот ёнига чўккалаб, пешанасига муздек кафтини қўйди.

— Иситманг йўқ-ку, — деди яна жилмайиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алимардон унинг қўлини пешанасидан олиб ташлади. "Ёлғон айтяпти!"

— Йўлда ўлиб қолдингми, дегандим.

Анвар дўстининг бўғиқ овозидан унинг хафа бўлганини тушунди, кўз милкларининг чети тиришиб, қизариб кетди. Унинг сал нарсага қизариши ҳам, қизлардек тортинчоқлиги ҳам, чиройли чеҳраси ҳам кўпинча Алимардоннинг жиғига тегарди.

— Кеч қолдим-а? Тўғрими? — деди Анвар узр сўраган оҳангда.

Кейин бегуноҳ кўзларини Алимардондан узмай яна ўша паст, ўйчан оҳангда гапирди:

— Ишга бордим. Ҳеч иложини қилолмадим. Биринчи кун...

Алимардон унинг ўзига эмас, шифтнинг бир чеккасига қараб сўради:

— Ўша телестудиягами?

Анвар дўстининг гап бошлаганидан қувониб кетди.

— Ҳа. Биласанми, музика редакциясига! — У севинчдан чеҳраси ёришиб, ўрнидан турди. — Сен соғайишинг билан студияга борасан. Ҳозир у ердагилар ёш артистларга жуда муҳтож экан.— У дўстига синчиклаб қараб қўйди.

Алимардон мийиғида кулди-ю, индамади. Кўнглида ғижинишми, адоватми, аллақандай хира бир туйғу уйғонди. Ўзидан олдин Анварнинг иш бошлагани, қувонч билан гапириши унга ёқмади.

Унинг ўзини ҳам шаҳардаги музика мактабига ўқитувчи қилиб тайинлашган, аммо ҳали иш бошламаган эди.

Анвар дўстини ранжитиб қўйганини пайқади шекилли, индамасдан бориб қоғоз халтани очди.

— Узум ейсанми? — деди турган ерида бурилиб қараб. Алимардоннинг жавобини ҳам кутмай ҳовлига чиқиб кетди. Зум ўтмай тўрт бурчак патнисда икки бош узум кўтариб кирди. Яна каравот олдида чўккалади. — Ол, жуда ширин экан...

Алимардон кўз қири билан қараб қўйди. Сап-сариқ ҳусайнилар товланиб турар, шудрингдай сув томчилари таранг, текис узум доналари устида жилоланар эди.

Анвар икки дона узумни узиб олди.

— Оғзингни оч!

Алимардон узумни карсиллатиб ер экан, беихтиёр жилмайди.

— Шаҳарда нима гаплар?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тинчлик... — Анвар қизларникига ўхшаган тимқора кўзларини сузиб қўйди.

Алимардон унинг қизиқ бир янгилик айтишга оғиз жуфтлаб турганини сезди.

— Гапиравер! — деди жилмайиб.

Анвар ялт этиб унга қаради.

— Муқаддам шу ерга — Бўстон гузаридаги дўхтирхонага ҳамшира бўлиб келибди...

"Ҳа, шунинг учун оғзи қулоғида экан-да!" Алимардоннинг кўнглида яна ўша чалкаш туйғу уйғонди. Анвар бу қизни яхши кўришини кўп гапирар эди. "Бу ёғи ҳам беш бўлибди... Қизиқ, бир хил одамларнинг иши ўз-ўзидан юришиб кетаверади. Меники-чи?" Алимардон ичида хўрсиниб қўйди.

— Яхши! — деди хушчақчақ гапиришга уриниб. — Бизни келиннинг ўзи даволар экан-да?

— Айтдим унга... — Анвар бир шингил узумни унга тутқазди. — Бугундан бошлаб ҳар куни келиб туради. — У тўсатдан эсига тушгандек сўради... — Мастава қилиб берайми... Афтингни буриштирма, яхшилаб пишираман...

Салдан кейин Анварнинг ошхонада гурсиллаб ўтин ёргани эшитилди. Зум ўтмай дераза орқасида Анварнинг ўзи кўринди. У майкачан бўлиб олган эди.

— Ҳаммаёқ хазон бўлиб кетибди, супуриб ташлай, — деди у деразадан бошини суқиб. — Кейин молхона эшиги тагида ётган сопи узун супургини олди-да, худди чалғида ўт ўраётгандай қулочкашлаб супура кетди.

Йирик-йирик ёнғоқ хазонлари қизғиш ўрик япроқларига қўшилиб, супургига эргашганча ҳавода ожизгина пирпираб учиб, анча нарига бориб тушар, ҳовлининг оппоқ сатҳи йўлакдай очилиб қолар эди. Анвар супургини ғайрат билан қаттиқ-қаттиқ силкитар, аммо зум ўтмай супурилган ерга яна хазонлар келиб қўнар, хуноби ошиб тағин орқага қайтар эди.

Алимардон япроқларнинг пирпираб учишини томоша қила-қила пинакка кетди...

* * *

Ошхона ичи тутунга тўлиб кетган эди. Ўтин ўчакишгандай ёнмас, ҳадеб тутар эди. Анвар чўнқайиб олганча бор кучи билан пуфлайвериб томоқлари ачишиб кетди. Бўғилиб йўтала бошлади. Энди тоқати тоқ бўлганида ўтин лов этиб ёниб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Анвар тутундан бўғилиб ташқарига отилди. Кўзларини узоқ ишқалади. Қўлини туширди-ю, кўча эшик олдида ўзига қараб турган Муқаддамни кўриб хижолатдан юзлари ловиллаб кетди. Муқаддам қизил кўйлак кийиб олган, қўлидаги ялтироқ стерилизаторни силкитганча ҳадеб куларди.

Анвар жилмайганча югуриб унинг олдига борди.

— Келдингизми? Қандоқ топдингиз?

— Ҳаммаёғингиз қоракуя бўлиб кетибди-ку! — Муқаддам эрка табассум билан унга қараб қўйди. — Қандоқ кираман, деб чўчиб турган эдим... Яхшиям ўзингиз бор экансиз!

...Муқаддам Анварга бошдан-оёқ қараб чиқди. Шу топда унинг чанг аралаш ис теккан қош-киприклари, майкачан бўлиб олиб, хижолатдан қизариб туриши ҳам кулгили, ҳам завқли эди. У Анварни ҳеч қачон ҳозиргидай содда, аммо кўнгилга яқин, дилкаш бир ҳолатда кўрмаган эди.

— Ошпазликни ҳам биласизми? — деди у Анварнинг қорайиб қолган пешанасига қараб.

Анвар соддагина жилмайиб қўйди-ю, Алимардон ётган уйга имо қилди.

— Кирайлик.

Кетма-кет уйга киришди. Девор олдидаги каравот ёнига Анвар биринчи бўлиб борди. Кўрпани кўтариб қаради-ю, Муқаддамга ўгирилиб шивирлади:

— Ухлаб қолибди-ку...

Муқаддам оёқ учида юриб келиб, беморнинг устига эгилди.

Ранги бир оз синиққан, аммо кўркам чеҳрасида қатъият балқиб турган йигит кўзларини чирт юмиб ухлаб ётарди. Муқаддам бир қарашдаёқ унинг чимирилган қошларида, маҳкам юмилган юпқа лабларида, кулгичи чуқур ботиб кирган иягида мағрур бир ифода борлигини пайқади. Негадир қип-қизариб кетди. Ўзининг ҳолатидан ўзи ийманиб, гуноҳ қилиб қўйган одамдек Анварга қаради. Анварнинг тикилиб турганини кўриб баттар қизарди.

— Уйғотасизми? — деди секингина.

Анвар яланғоч елкаларини қисди.

— Ўзингиз биласиз...

Муқаддам бир лаҳза ўйланиб қолди.

— Майли,— деди пичирлаб. — Безовта қилмай қўя қолайлик. Стерилизаторни ташлаб кетаман. Эртага эрталаб кела қоламан.

Анвар бу сафар ҳам елкасини қисди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Майли...

Муқаддам эшик олдига борганида яна бир марта ўгирилиб қаради. Токчалардаги чойнак-пиёлаларга, шкаф устидаги ганч мушукчага, тахмондаги кўрпачаларга бир-бир назар ташлади-ю, тағин каравотга тикилиб қолди. Бемор ҳамон қошини чимирганча қимир этмай ётар, чеҳрасида ўша қатъият бор эди.

— Бронхит эканми? — деди Анварга қараб. Анвар бир қўлини баланд кўтариб эшик кесакисидан ушлаганча гоҳ Алимардонга, гоҳ Муқаддамга қараб турар эди.

— Болалигидан шунақа, — деди Анвар ачиниш тўла паст оҳангда. — Сал шамолласа ўпкаси қисади. Қайси куни анҳорда чўмилиб, тағин шамоллаб қолибди. Ўжар-да, ўжар. Касалхонага бормади. — У бир нафас жим қолди-да, яна Алимардон томонга қаради. — Ҳали билмайсиз... Жуда ажойиб йигит. Шунақа овози борки, шунақа яхши ашула айтадики...

— Эшитдим... Доктор айтган эди. — Муқаддам Анварга қараб жилмайди. — Кетаверайми?

Анвар унинг кўзларидан ўзига қадрдон бўлиб қолган илиқ меҳрни сезди-ю, қувониб кетди.

— Овқат пишсин... Кузатиб қўяман.

* * *

Улар анҳор ёқасидаги ёлғизоёқ йўлдан изма-из боришарди. Муқаддам олдинда кетар, Анвар уч қадамча орқада ундан кўз узмай борарди. Йўл кимсасиз бўлгани учун Муқаддам туфлисини ечиб, бармоқларига илиб олган, яланг оёқлари остидан кўтарилган чанг йўл чеккасидаги сарғая бошлаган ўтлар устига чўкар, этагининг шамолидан силкинган гумайлар оҳиста бош силкиб қоларди. У чор-атрофни томоша қилиб борар, Анвар унинг чеҳрасини кўрмаса ҳам қувончдан жилмаяётганини, ҳаяжонланаётганини сезиб турарди.

Қишлоқ устида кузнинг атлас либоси ловиллаб ёнади, уфққа туташиб кетган полизлар, токзорлар гоҳ қизғиш, гоҳ каҳрабо рангда товланади. Олисда, осмоннинг ер билан туташган жойида оловли бир ҳовур ичида қуёш ботиб борарди. Қаердадир бузоқлар маърайди, гузар томондан мактаб болаларининг қий-чув товушлари эшитилади.

Сўқмоқ бирдан ўнгга бурилди-ю, пастга, анҳор устига шўнғиб кетди. Муқаддам тўхтаб қолди. "Энди қаёққа борамиз?" — дегандай Анварга қайрилиб қаради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Яккачўпдан ўтамиз... — Анвар Муқаддамни четлаб ўтди-да, тик сўқмоқдан пастга югуриб тушиб, қирғоқдаги толнинг ғадир-будур, йўғон гавдасини қўли билан ушлаб қолди. Анҳор соҳилида эркаклаб кетган баланд-баланд ялпизлар яшнаб ётар, қирғоқдаги икки туп азим тол атрофга оқшом соясини ташлаган эди. Анвар бурилиб қаради-ю, терак бўйи баландликда ўзига қараб жилмайиб турган Муқаддамни кўрди. Юқорида ҳали қуёш нури сўнмагани учун Муқаддамнинг қизил кўйлаги офтобда ярақлар, гўё унинг ўзи ҳам аланга оғушида ёнаётгандек эди.

У қўлларини ҳавода кенг ёзди-да, болаларча шодон оҳангда қичқирди:

— Ушланг, Анвар ака!

Анвар ҳушини йиғиб олгунча у чопқиллаб туша бошлади. Анварнинг юраги гупиллаб уриб етди. У Муқаддамнинг ҳозир бағрига келиб урилишини билиб турар, аммо қучоқлаб олишини ҳам, қўлидан тутиб қолишини ҳам билолмай иккиланарди. Анвар ҳушини тўплаб бўлгунча Муқаддам шиддат билан етиб келди. Анвар бирдан ўзини четга олди-да, унинг билагидан маҳкам тутиб қолди. Муқаддам кескин бурилганча унинг кўксига урилди. У негадир кўзларини юмганча ҳадеб кулар, Анвар эса ҳаяжондан нафаси тиқилиб, нима қилишини билмай қолган эди. Муқаддам унга ҳеч қачон шунчалик яқин турмаган, унинг сочлари ҳеч қачон Анварнинг юзига тегмаган эди. Анвар ҳаяжондан бўғилиб қолган, ўзи ҳам маъносини тушуниб етмаган алланимадан уялар эди.

Муқаддам қўлини тортиб олди-да, қошларини чимириб жилмайди.

— Ёмонсиз-а...

Анвар яна негадир ўзидан-ўзи уялиб, кўзларини олиб қочди.

Муқаддам туфлисини ялпизлар устига ташлаб, анҳорга оёғини осилтириб ўтирди. Анвар тикка тураверишини ҳам, унинг ёнига ўтиришини ҳам билмасди. Муқаддам елкаси оша бурилиб қаради. Худди унинг кўнглидагини билиб тургандай сўради:

— Ўтирмайсизми?

Анвар унинг ёнига ўтирди. Сувдан салқин, зах ҳаво гуркирар, нариги соҳилдаги қорайиб қолган тик қирғоқ, икки тол ўртасидан чўзилиб кетган ингичка яккачўпнинг сояси сув юзида лопиллар, анҳор тип-тиниқ бўлгани учун сув тагидаги тол хазонлари аниқ кўриниб турар эди.

Муқаддам Анварга бир қараб қўйди-да, энгашиб, ҳовучлаб сув олганча оёғини ювa бошлади. Анварнинг юраги бо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ягидан ҳам қаттиқроқ гупиллаб уриб кетди. Қулоқларигача ловиллаб юзини ўгирди.

— Бу ерда чўмилса бўладими?

Анвар ҳайрон бўлиб қаради. Муқаддам унга қарамасдан иккинчи оёғини ювар эди. Анвар муздек сувни ҳис қилиб, эти жунжикиб кетди.

— Совуқ-ку ҳозир...

— Совуқмас пайтда-чи?

— Бўлади. — Анвар сув тагида силкиниб турган хазонлардан кўз узмай жилмайди. — Бу ерда кўп чўмилганман... Болалигим шу ерда ўтган...

Икковлари ҳам жимиб қолишди.

Анҳор юзи секин-секин қорая бошлади. Қаердадир чигиртка чириллади. Анҳор бир шовуллаб, яна жимиб қолди. Анвар Муқаддамга бурилиб қаради. У тиззаларини қучоқлаб олганча нариги соҳилга тикилиб ўтирар, Анвар унинг нималарни ўйлаётганини билмаса ҳам чуқур хаёлга толганини ҳис этди. Муқаддам унинг қараб ўтирганини сезди шекилли, секин сўради:

— Алимардон билан бирга ўсганмисизлар?

Анвар ўша беғубор хотираларни эслаб жилмайди.

— Иккаламиз шу ерларда сигир боқардик, — у бирдан кулиб юборди, — Алимардон ўшанда ҳам шайтон эди... Бир марта анҳорнинг нариги бетидаги Собир чўлоқнинг полизига қовун ўгирликка тушганимизда мени роса дўппослатган... Мен чайла яқинига бориб Собир чўлоқни пойлаб турдим. Агар уйғониб қолса ҳуштак чалишим керак эди. Алимардон ҳам қовунни олиб чиққанидан кейин ҳуштак чалиб мени чақирмоқчи эди. — Анвар Муқаддамга қараб жилмайиб қўйди. — Ҳали ўтирибман, ҳали ўтирибман, Алимардоннинг ҳуштагидан дарак йўқ. Бир маҳал биров елкамдан маҳкам ушлаб, тарсаки қўйиб юборса бўладими. Собир чўлоқнинг уйғонганини билмай қолибман... Уйга келсам, Алимардон аллақачон қовунга тўйиб, ухлаб ётибди. Ишини битириб, индамай кетаверган экан.

Муқаддам елкаларини силкитиб қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Сиз ўшанда ҳам бўшгина экансиз-да...

Анвар ювош жилмайди.

— Ким билсин...

Аста-секин оқшом қўна бошлади. Тол шохлари соядай қорайиб қолди. Шабада турди. Япроқлар дув тўкилиб, сув юзига чипиллаб туша бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Дадам ўлганидан кейин биз шаҳар ҳовлига кўчиб кетдик, — деди Анвар ўйчан овозда. — Шунда ҳам мен ўнинчини битиргунча Бўстондан кетмадим. Мактабни битираётганда одам бошқача бўлади-ку... Мен шоирликни орзу қилгандим.

— Шоир бўлолмадингиз! — Муқаддам кулги тўла овозда унинг гапини кесди. Кейин юпатди: — Майли, журналист бўлдингиз-ку!

— Ким билсин ҳали... Ишни энди бошладик-ку! — У яна дўстини эслади. — Алимардон консерваторияни яхши битирди. Кўрарсиз, ундан яхши бастакор, яхши артист чиқади...

Икковлари тағин жимиб қолишди. Муқаддам бемалол ўтирар, кетгиси келмаётганга ўхшар эди. Анвар кеч бўлиб кетаётганини кўриб ийманар, бу йўл камқатнов бўлса ҳам биров ўтиб қолишидан, "Бу ерда нима қилиб ўтирибсанлар?" — дейишидан истиҳола қиларди. Атрофни ғира-шира қоронғилик ўради. Сув юзига илк юлдузлар шўнғиди.

— Кетамизми? — деди Анвар ўрнидан туриб. — Қаранг, қоронғи тушиб кетди.

У Муқаддамни қўлидан ушлаб, лопиллаб турган яккачўпдан эҳтиёт билан олиб ўтди.

— Катта анҳор экан... — Муқаддам қирғоққа чиқиб, енгил нафас олди. — Оти нима?

— Қонқус...— деди Анвар йўл бошлар экан.

Муқаддам таққа тўхтаб қолди.

— Қонқус?!

Анвар унинг орқада қолиб кетганини овозидан пайқади-ю, ўгирилиб қаради. Муқаддам беш-олти қадам орқада турар, қоронғиликда гавдаси элас-элас кўринарди.

Анвар қайтиб келиб шивирлади:

— Юринг! — Бир неча қадам босгандан кейин тушунтирди. — Эски ном-да...

Муқаддам оппоқ сўқмоқдан авайлаб қадам ташлаб бораркан, яна сўради:

— Нега унақа?

— Ҳар хил гаплар бор, — Анвар унга қараб қўйди. — Биттаси менга айниқса ёқади... Бир вақтлари бу ердан катта дарё ўтган, дейишади. Дарё бўйида шаҳар бор экан... Бир куни шаҳарга душман ҳужум қилиб қолибди. Шаҳар одамлари дарёнинг кўпригини бузиб ташлашибди... — У яна Муқаддамга бурилиб қаради. — Дарёнинг кечув жойи бор экан-у, уни шу шаҳардаги икки йигитдан бошқа ҳеч ким билмас экан. Иккала дўст битта қизни яхши кўришар экан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қамал бўлмасидан бир ҳафта илгари қиз йигитлардан бирига — ўз севганига теккан экан. Иккинчи йигит дўстидан қандай қилиб бўлмасин қасос олишга, қизни қўлга киритишга қасам ичган экан. Душман шаҳарни ўраб олиши билан ўша йигит хоинлик қилибди. Дарёдан сузиб ўтиб, душман саркардасига сирни айтибди: "Агар сен рақибимни ўлдириб, севгилимни менга топширишга ваъда берсанг, йўлни кўрсатаман",— дебди. Саркарда рози бўлибди. Душманлар кечувдан ўтиб, шаҳарни босиб олишибди. Қизнинг севгилиси урушда ўлибди. Саркарда хоинни чақириб, май тутибди. "Хизмат ҳақингни ол", — дебди. Хоин май ичиб, охирги тилагини айтибди: "Мен сенинг буйруғингни бажардим. Энди сен ҳам менинг шартимни бажар. Одамларингга айт, севгилимни олиб келишсин". Саркарда кулиб юборибди. "Севгилингни кўриш сенга насиб қилмайди, ҳозир ичганинг май эмас, заҳар! Ўз дўстига хиёнат қилган одам менга дўст бўлолмайди. Сен қон қусиб ўласан!" — дебди. Хоин чиндан ҳам қон қусиб ўлибди.

Анвар жимиб қолди. Унинг қадам товушлари сўқмоқ устида текис гурсиллай бошлади.

— Қиз-чи, қиз нима бўпти?

Анвар Муқаддамнинг овозини эшитиб бурилиб қаради-ю, унинг ваҳимадан катта-катта очилиб турган кўзларини қоронғиликда аниқ кўрди.

— Севгилисининг ўлганини эшитган замони ўзини дарёга ташлаган экан...

Муқаддам қўрқув тўла кўзларини терак бўйи пастликда жимгина оқаётган анҳорнинг қоп-қора сувларига тикди.

— Тезроқ юрайлик...

— Майли. Мен ҳам тезроқ қайтишим керак... Алимардон хуноб бўлиб ўтиргандир.

* * *

Алимардон уйғонди-ю, ўзидан бир неча қадам нарида турган қизни кўрди. Қиз бош яланг, сочлари турмакланган, оппоқ халат кийган эди. У катак-катак дастурхон ёпилган стол устида биқирлаб қайнаётган ялтироқ стерилизатордан пинцет билан игналарни авайлаб олар, совутиш учун бўлса керак, бир чеккага қўяр эди. Қиз ёнламаси тургани учун Алимардон унинг чеҳрасини яхши кўролмас, аммо деразадан ёғилаётган тонг нурида қирра бурни, силлиқ, хушбичим юзининг бир томони, майин тукли лаблари аниқ кўринарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Муқаддам, — деб ўйлади у қиздан кўз узмай. — Анварнинг куйиб юрганича бор экан”.

У кўп қизларни кўрган, аммо буиақа жозибадор қизни учратмаганди. Юраги гупиллаб ура бошлаганини сезиб, бошини кўтарди. Қиз каравот ғирчиллаганини эшитиб, бурилди.

— Уйғондингизми? — Қиз жилмайганида узун, қайрилма киприклари туташиб яна ҳам чиройли бўлиб кетди.

“Фаришгадай экан...” — Алимардон ҳам беихтиёр жилмайди.

— Сиз Муқаддамхонсиз-а? — у яна нимадир дейиш кераклигини ўйлаб сўради. — Анвар кетдими?

— Мен келсам, кетган эканлар, — деди Муқаддам яна шприцларни олиб. — Ишга кетган бўлсалар керак...

“Келганига анча бўлган экан-да...” — Алимардон нима учун қувонаётганини ўзи билмаса ҳам қиздан кўз узолмай қолди.

Муқаддам флакондаги дорини шприцга тортиб олди-да, игнасини юқорига кўтарди. Игна учидан тизиллаб дори отилди.

— Билагингизни чиқаринг... — деди у Алимардонга қарамай.

Алимардон унинг уялаётганини сезиб турарди.

— Қўрқаман-да, — у атайлаб кўрпага бурканиб олди. Кўрпа тагидан мўралаб қаради-ю, Муқаддамнинг қизариб кетганини, ўзини жиддий тутишга уринаётганини пайқади.

— Бўлинг! — Муқаддам ҳамон игна учидан отилаётган доридан кўз узмай, қуруққина оҳиста буюрди. — Чанг қўнса, шприцларни бошқатдан қайнатишга тўғри келади.

Алимардон ҳамон ундан кўз узмай, қўйлагининг енгини шимарди.

— Ўлиб қолсам, ўзингиз жавоб берасиз!

У уколнинг оғриғини сезмади ҳам. Тепасида энгашиб турган Муқаддамга тикилиб ётаверди.

Муқаддам авайлаб дори юборар, қўллари билинар-билинмас титрар, Алимардоннинг эмас, ўзининг жони оғриётгандай лабининг бир бурчини қимтиб турарди. Алимардон унинг оппоқ юзидан кўз узолмас, халатининг очиқ ёқасидан кўринаётган бўйнидаги холи ҳам, қундуздай қошлари ҳам юрагини ўртар эди.

— Мана, бўлди.— Муқаддам игна ўрнини спиртли пахта билан артиб жилмайди.— Шунга қўрқиб ўтирибсиз...

www.ziyouz.com kutubxonasi

У секин-секин стол олдига юриб борди-да, игнани чиқариб стерилизатор қопқоғига ташлади.

Алимардон унинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатар, мияси ғувиллаб кетган, чалкаш туйғулар ичида тўлқинланар эди.

Муқаддам анжомларини йиғиштириб бўлгунича у бир қарорга келди-ю, чақирди:

— Нима қилиб қўйдингиз...— деди ҳаяжондан овози титраб.— Ҳамма ёғим олов бўлиб ёниб кетяпти-ку!

— Нима?— Муқаддам чўчиб ўгирилди. Унинг чеҳрасида қўрқув бор эди.

— Ишонмасангиз пешанамни ушлаб кўринг!

Муқаддам шошилиб келиб унинг пешанасига кафтини босди. У энди гапиришга оғиз жуфтлаган эди, Алимардон бўйнидан маҳкам қучди-ю, силтаб пастга тортди, лабларидан, юзидан ўпа бошлади.

Муқаддам бир лаҳза гангиб қолди. У ўзини йўқотиб қўйган, Алимардоннинг оғушида талпинар, аммо чиқиб кетолмас эди. Қизиқ, шунча ойлардан бери Анвардан кутиб юрган кескин ҳаракатларни Алимардон қилар, бу айёр йигитни уриб юборишини ҳам, индамаслигини ҳам билмасди. Аммо Анварни эслаши билан силтаниб қаддини ростлади-да, Алимардоннинг юзига тарсаки туширди.

— Уятсиз!— У кўз ўнгини тўсган ёш пардасидан ҳеч нимани кўролмай, тусмоллаб стол ёнига борди.

Шоша-пиша стерилизаторни йиғиштираётганида орқа томондан Алимардоннинг бўғиқ овози келди.

— Кечиринг...

Муқаддам ёшли кўзлари билан унга қаради.

Алимардон каравотда маъюс бош эгиб ўтирарди.

— Кечиринг, Муқаддам,— деди у бўғиқ оҳангда. Кейин унга тик қараб туриб таъкидлади:— Мени, ифлослик қиляпти, деманг. Сиз бари бир меники бўласиз!

Муқаддам кўксини тошириб юбораётган йиғидан бўғилиб, ташқарига отилди.

Кўча эшик ғийқиллаб очилиб ёпилганидан кейин, Алимардон ўзини ёстиққа ташлади. Виждонининг туб-тубида енгил бир азоб уйғонди.

"Яхши бўлмади...— У шифтга бир лаҳза тикилиб ётдида, ўзига тасалли берди.— Нима бўпти?! Қизлар ҳам мард йигитларни яхши кўради. Ўша латтадан кам жойим борми?!"

www.ziyouz.com kutubxonasi

...Шу куни тушда Иқбол хола ош олиб келганда Алимардон у билан совуққина саломлашди. Анварни сўрамади ҳам...

* * *

Муқаддам Анвар акаси билан нурли кўчадан борарди. Салқин сезилиб қолган, олди одамлар ёмғирпўш кийиб олишган эди. Каттакон шаҳар серюлдуз куз осмони тагида чироқларини яшнатиб ётар, йўлкалар у ёқдан-бу ёққа шошилиб ўтаётган кишилар билан гавжум эди. Одамлар ётиш олдидан шаҳар кезишади, чекка-чеккалардаги газсув дўконлари олдида навбат кутиб тўдаланиб туришади. Чор-атроф сайилчиларнинг ғовур-ғувури, трамвай-троллейбусларнинг шовқини билан тўлиб-тошган.

Улар йўловчилар дарёсига қўшилиб жимгина боришар, симёғочлар тагида ўз сояларига етиб олишар, уч-тўрт қадам юришлари билан соя яна олдинга ўтиб кетар, келгуси симёғочга яқинлашган сайин орқага чекинар эди.

Меҳмонхона ёнидаги ер ости йўлидан ўтиб, гулзор майдонга чиқишди. Энг чеккадаги скамейкага бориб ўтиришди. Бу ерда ҳамма нарса — баланд-баланд бинолар пештоқидаги афишалар ҳам, шовуллаб отилаётган фаввора ҳам, скамейкалар ҳам камалак нурида товланади. Меҳмонхонанинг еттинчи қаватидаги ресторандан оркестр садоси, мастона қийқириқлар эшитилади. Тошкент ўзининг ташвишию қувончи, нурларию зулмати билан яшайди.

Муқаддам зимдан Анварга қараб қўйди. У фавворадан кўз узмай ўтирар, чеҳраси сув ичида айланаётган нурлар аксида гоҳ қизариб, гоҳ кўкариб кўринарди.

— Алимардонни кўриб турибсизми?

Муқаддамнинг юраги зирқираб кетди. Анварнинг ўзига қарамай гапирганидан шубҳага тушиб, иккиланиб қолди: "Сезибди! Айтайми, йўқми?" У яна бир лаҳза иккиланиб турди-да, ички бир ишонч билан ўзига далда берди: "Билса нима!"

— Ҳа, бориб турибман... — У шундай деди-ю, икки юзининг ловиллаб кетганини сезиб, тилини тишлаб қолди.

Анвар ўгирилиб қаради. Унинг кўзларида ювош табассум бор эди.

— Тузукми?

— Яхши... — Муқаддам елкаларини учириб қўйди. — Ўзингиз бормадингизми ҳеч?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Иш кўпайиб кетди, — деди Анвар чарчоқ оҳангда, — эртадан-кечгача югур-югур... Ҳали бастакор билан учраш, ҳали шеърларни муҳокама қил... Телевизорни кўраверақанмизу томошаларни тайёрлаш қанчалик машаққатли бўлишини билмас эканмиз.

Муқаддам унинг сидқидилдан гапираётганини пайқади. Йўқ, Анвар қувлик-шумликни билмайди!

У Анварнинг ўйчан кўзларига қараб, оҳиста хўрсинди. Ўша кундан бери ўзининг кўнглида уйғонган муаммога жавоб топгандек бўлди. "Ўзимнинг Анвар акам яхши!" — У хаёлида шундай деди-ю, аммо кўнглининг бир чеккасини аёвсиз кемираётган чидаб бўлмас бир куч тағин жунбишга келди. Муқаддам бу муаммонинг нима эканлигини тушуниб етолмас, аммо бир нарса аниқ эди: у Алимардоннинг нимасидир Анвардан устунроқ, кучлироқ эканини ҳис этар эди. Кўпдан буён Анварнинг алланимаси ўзига ёқмай келаётганини пайқаган, лекин бу нарса нима эканини аниқ билмас эди. Алимардонни учратганидан кейин билди. Анвар бўшанг экан, латта экан!

— Кетамизми?

Муқаддам унинг ювошгина овозини эшитди-ю, нима деганини пайқамай саволомуз қараб қўйди.

— Кеч бўлиб кетди, — деди Анвар ноқулай жилмайиб. — Уйингиздагилар хавотир олишади.

Улар тор кўча бошидаги каттакон харсангтош олдида хайрлашдилар. Кун бўйи тош устида писта сотиб ўтирадиган хотин аллақачон уйига кетган, чор-атрофда писта пўчоқлари сочилиб ётарди.

Анвар хайрлашиб қўл чўзаркан, Муқаддамнинг кўнглидаги бояги хижиллик йўқолди. Хаёлида яна ўша юпанчли, тиниқ фикр уйғонди: "Йўқ, ўзимнинг Анвар акам яхши!" Муқаддам унинг қўлини узоқ қисиб турди-да, ишонч тўла кўзларига қараганча хўрсиниб қўйди.

Кўча ичкарисидан аллакимнинг қадам товушлари эшитилди. Анвар дарров қўлини тортиб олди.

— Хайр...

Муқаддам шартта бурилди-да, қоронғи кўча ичига шўнғиб кетди.

Ажаб, қиз боланинг қалби ловиллаб ёнса-ю, йигит киши ҳадеб бўшашаверса...

Анвар Муқаддамнинг нимадандир кўнгли чўкканини сезди шекилли, кетидан гапириб қолди:

— Алимардондан хабар олиб туринг...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муқаддам эшитса ҳам индамай кетаверди. Анварнинг қулоқлари остида кескин, асабий пошна садолари узоқ вақт қарсиллаб турди. Бора-бора қадам товушлари сусайиб, тинчиб қолди.

* * *

Муқаддам амбулаторияга кириб келганида анчагина одам тўпланиб қолган эди. У бири боласини овутаётган, бири тинимсиз йўталаётган беморлар орасидан ўтиб, йўлак охиридаги эшикни очди. Тўрдаги стол қаршисида сочлари оқарган доктор ўтирарди. Муқаддам ишга келган биринчи куниёқ бу аёл қишлоқда "Ҳури дўхтир" деб танилиб кетганини, одамлар уни қаттиқ ҳурмат қилишини эшитганди. Унинг ўзи ҳам бу аёлнинг оналардай меҳрибон муомаласини яхши кўриб қолганди.

— Мен келдим, опа... — деди у ичкари кириб.

Доктор ёзаётган касаллик варақасидан бош кўтариб, жилмайди. Ташқарида ёмғир ёғаётгани учун чироқ ёқиб қўйилган, стол устидаги шиша банкага солинган термометрлар ялтираб кўринарди.

— Бугун яна хонадонларга қатнайсиз, — деди доктор ҳамон жилмайиб.

"Яна Алимардоннинг уйига бораманми?" — деб ўйлади Муқаддам. Ўша кунги воқеани, кеча Анвар акаси билан совуқ хайрлашганини эслади-ю, чойшаб тўшалган диваннинг бир чеккасига бўшашибгина ўтирди.

— Бошқа одам борса бўлмайдими? — деди у чойшабни ғижимлаб. Ҳури опа ўзига синчиклаб қараб турганини ҳис этса ҳам бошини кўтармай ўтираверди.

— Ким боради?

Муқаддам кўз қири билан қаради-ю, докторнинг кўзларидан ажабланаётганини пайқади.

— Хадича опангиз боролмайди-да, — деди доктор хотиржам оҳангда.

Муқаддам ўзининг лов этиб қизариб кетганини сезди. У ишга келган куниданоқ Хадича таътилга чиқиши керак эди. Аммо Муқаддам ҳали тажрибасиз бўлгани учун оғироёқлигига қарамай, у ҳамон қатнаб турар, иш ўргатарди.

Муқаддам стол устидаги шиша банкага, ташқарида дераза оҳиста урилаётган ёмғир томчиларига журъатсиз қараб қўйди-да, шивирлади:

— Уяламан...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Доктор шу қадар беғараз қаҳ-қаҳ уриб юбордики, Муқаддам беихтиёр бошини кўтариб қаради.

Доктор кула-кула халатининг енги билан кўзларини артди.

— Техникумда Ибн Синонинг гапини айтишмаганмиди? Бемордан сесканган табиб — табиб эмас. Сиз бировга она, бировга опа, бировга сингил бўлишингиз керак.

"У-чи, — деб ўйлади Муқаддам. — У шундоқлигини билармикин?" Алимардоннинг чиройли чеҳраси, чимирилган қошлари кўз ўнгига келди-ю, ҳам қўрқинчли, ҳам алланечук эркаловчи туйғулар ичида иккиланиб ўрнидан турди. Эшик олдига етганида негадир ўзининг ҳам ўша ёққа талпинаётганини сезиб, ҳаяжон ичида тутқично ушлади.

— Айтинг, навбатдаги одам кирсин, — деб қолди доктор унинг кетидан.

...Ёмғир ҳаммаёқни эзиб юборган эди. Қишлоқ жимиб қолган, пахса деворлар зах босиб кетган, ҳали кўмилмаган токлар эгри-бугри қизғиш гавдасини яширолмай, ийманган-дай осилиб ётарди. Чор-атрофда ёмғир аралаш намиқкан хазон ҳиди гуркирарди.

Муқаддам ўша таниш, пастак эшик тагига етганидан кейингина тез юрганини, юраги аллақандай қарама-қарши туйғуларга тўлиб-тошганини пайқаб қолди. Эшикни қия очиб, ҳовлига кирди-да, ерда ётган бир қарич ёнғоқ чўпини олиб, туфлисига ёпишган лойни сидириб туширди.

Ҳовлидаги нарсалар деярли ўзгармабди. Фақат ёнғоқлар яп-яланғоч бўлиб қолибди. Шохларининг уч-учидаги битта-яримта япроқлар ёмғирдан ивиган танини кўтаролмай ожиз силкинади. Молхона томидаги маккажўхорилар йиғиб олинибди, қамиш бўғотдан сизиб тушаётган йирик-йирик томчилар ора-чора ярақлайди.

У девор тагидаги қуруқ йўлкадан уч-тўрт қадам юриб, тўхтаб қолди. Ичкаридан рубоб овози эшитилди. Аввалига ҳиссиз, эринчоқ тинғиллаб турди-ю, кейин бирдан жўшқин садоларда жаранглаб кетди. Муқаддам бир нафас қулоқ солиб, бу куйни аввал ҳеч қаерда эшитмаганини сезди. Ҳа, бу янги куй эди. Унда эндигина ердан бош кўтарган бойчечакларнинг нозик шивирлаши ҳам, тантанавор баҳор шалолалари ҳам, қуёшдай тиниқ туйғулар ҳам бор эди.

Муқаддам беихтиёр жилмайди. "Ўзи чаляпти". У куй оғушида эркаланиб яна уч-тўрт қадам юрди. Энди дераза ёнига етганида куйга худди торларнинг ўзидай тиниқ бир овоз қўшилди. У қўшиқнинг биринчи сатрларини яхши англаб ололмади-ю, кейин аниқ эшита бошлади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

...Яхши қол, эй дилбарим, дилда кадар, кетмакдаман,
Ишқ аро энди ҳолим зеру забар, кетмакдаман,
На ишончу, на қувончу, на кўнгилдан очма гап,
Барчасидан ушбу кун йўқдир самар, кетмакдаман!

Овоз шу қадар тиниқ, дилрабо эдики, Муқаддам ҳаяжондан энтикиб кетганини сезди. Қўшиқ уни аллалар, ширин туйғуларга ғарқ этарди. У ёқасидан муздек сув қуюлиб кираётганини анчадан кейин сезди. Бўғотдан бир қулочча чиқариб қўйилган тарнов тагида тўхтаб қолганини билиб, дераза олдига яқинроқ борди. Ичкари қоронғироқ бўлгани учун Алимардоннинг юзини аниқ кўролмаса ҳам, унинг каравот ёнида тик турганча рубоб чалаётганини кўрди. У ўз куйидан ўзи маст эди, дераза томонга қайрилиб ҳам қарамасди.

Мен қуёш юзлимга деб тун кечалар бердим юрак,
Оқибат оттанда тонг қондир жигар, кетмакдаман.
Шунча кунлар ўтди, аммо сўрмадинг ҳолимни бир,
Охирида ҳол сўраб келсанг магар, кетмакдаман.

Муқаддам тўхтаб қололмади. Тез-тез юрди-да, йўлакдан ўтиб, эшикни очди. Алимардон уни кўриб, бир лаҳза тўхтади. Лекин зум ўтмай яна рубоб жаранглади. У қўшиқнинг охирги байтини Муқаддамдан кўз узмай айтди:

Келганингда дедиларки, бу йигит кони зарар,
Кетмагимдан охир, айт, борми зарар, кетмакдаман?

У негадир енгилгина хўрсиниб жилмайди.

— Муқаддам...

Муқаддам унинг қувонч тўла кўзлари паришраб кетганини, хўрсинганини сезди.

— ...Келдингизми? — деди Алимардон, худди унинг албатта келишини билгандай.

Муқаддам ёмғирпўшини эшик олдидаги михга илди.

— Чалаверинг...

— Эшитасизми? — Алимардон шодлик тўла кўзлари билан унга бошдан-оёқ разм солиб чиқди. — Ўтиринг. Ивиб кетибсиз...

Муқаддам катак-катак адёл тўшалган каравотнинг бир чеккасига ўтирди. Алимардон унинг ёнига оғир чўкди-да, қошларини чимирди.

— Чалайми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муқаддам индамасдан бош силкиди. Пастак шифт остида яна торлар нола чекди. Алимардоннинг қўллари пардадан пардага енгил кўчар, тошқин садолар текис парвоз этар эди.

Куй тамом бўлгандан кейин Алимардон унга яна қошини чимириб қараб қўйди.

— Раҳмат! — Муқаддам унга меҳр билан тикилиб қолганини пайқаб, дарров кўзларини яширди.

— Ўша куни шунақаям урган экансизки, уч кунгача юзим ловиллаб юрди. — Алимардон кулди.

— Яхши чалар экансиз, — деди Муқаддам унга яна тезгина қараб олиб.

— Сиз куйдан ҳам яхшисиз...

Муқаддам унинг қўллари чаккасидаги сочларига текканини сезиб, чўғ текқандай сесканди. Аммо туриб кетмади.

— Мана шу ашула сиз учун ёзилган... — Алимардоннинг овози негадир титраб кетди. Муқаддам хавотирланиб унга ўгирилди-ю, шу ондаёқ Алимардоннинг қайноқ, титроқ лаблари ўзига ёпишганини ҳис этди. Муқаддам ожиз талпинар, аммо унинг оғушидан чиқиб кетолмасди. Бу дақиқалар унга ҳам лаззатли, ҳам азобли туюларди. Анчадан кейин у каравотдан сакраб турди-да, тескари қараб қўллари билан юзини яширди.

— Яхшимас, нима кераги бор, Алимардон ака... — деди бўғиқ овозда.

Шу ондаёқ елкаларига яна унинг оғир қўллари тушганини пайқади. Силтаниб, бурчакдаги шкаф тагига бориб олди. У юзларини кафти билан яширганча турар, оёқларидан мадор кетиб, қалтирарди.

— Муқад...

У Алимардоннинг овозини яна қулоқларининг тагида эшитиб, кафтини туширди-да, унинг аллақандай ҳаяжонли, ўт ёниб турган бежо кўзларини кўриб қўрқиб кетди.

— Қўйинг! — У Алимардоннинг кўкрагидан итариб юборди. — Худо ҳаққи, тегманг...

Лекин Алимардоннинг бақувват қўллари белига чирмашганини кўриб, даҳшат ичида шивирлади:

— Қочинг, ҳозир доддлайман!

Икковлари гандираклаб бориб шкафга урилишди. Шкаф устидаги ганч мушукча ағдарилиб Алимардоннинг елкасига, ундан ерга тушди-да, чил-чил бўлди.

— Қочинг! Уятсиз! — У Алимардоннинг юз-кўзига урар, типирчиларди. Яна бир лаҳзадан кейин Муқаддам каравотга учиб тушди. — Нима қиляпсиз? — деди қўрқувдан кўзла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рини катта-катта очганча пичирлаб. Кейин кучи борича юлқина бошлади.

Алимардон уни бўшатмас, ҳадеб бир гапни қайтарарди:

— Муқад... Бари бир бирга бўламиз-ку... Муқад...

Муқаддам кучли эди. У узоқ олишди. Кейин бирдан бўшашди-ю, жимиб қолди. Ҳозиргина ўзи шилиб ташлаган Алимардоннинг юзларини силаб, кўзларини чирт юмиб олди. Энди у ҳеч нимани ўйламас, унга ҳамма нарса бари бир бўлиб қолган, фақат қўрқарди...

...Ярим соатлардан кейин у гандираклаб ўрнидан турди. Токчага суяб қўйилган ойна олдига секин-секин борди. Кўзгудан сочлари паришон тўзғиган, юзлари сўлғин бир қиз қараб турарди. Шу топдагина у ўзининг қадри бирданига пасайиб кетганини юрак-юракдан ҳис қилдию, ўкраб-ўкраб йиғлади. Алам ичида орқасига ўгирилиб қаради. Алимардон каравотга қўлларини тираганча бошини қуйи солиб ўтирарди.

Муқаддам чидаб туролмади.

— Энди нима бўлади, Алимардон ака?!

Бирданига ўзига яқин, азиз бўлиб қолган кишисининг қучоғига ўзини отди. Унинг тиззаларидан қучоқлаб, юзларини яширди.

— Дадам сўйиб ташлайди мени!

Алимардон унинг сочларини силаб, хўрсинди.

— Бўлди... Йиғламанг.

Унинг овози негадир ҳиссиз, совуқ эди.

...Анчадан кейин Муқаддам чил-чил бўлган мушукчанинг синиқ бўлакларини босиб ўтиб, ёмғирпўшини кийди. Эшикдан чиқиб кетаётганида яна бир қайрилиб қаради. У мана шу пастак уйга ҳам, қошини чимириб ўтирган Алимардонга ҳам ўзининг бир умр боғланиб қолганини ҳис этар, кетгиси келмасди.

* * *

Тўсатдан келиб текқан ўқнинг зарби анчадан кейин билинаркан.

Муқаддам эшиги тагига етганидан кейингина ўзи қилиб қўйган гуноҳнинг бутун даҳшатини ҳис этди. Бу юк шундай оғир эдики, борган сайин унинг икки елкасидан қаттиқроқ эзар, ерга букиб, мажақлаб ташлаётгандай бўларди.

"Дадам сўйиб ташлайди!" У зах ҳиди анқиб турган кесакига суянганча лабларини маҳкам тишлаб, мункайиб қолди. Эшик гўрдай совуқ оғзини ланг очиб, қорайиб турарди. Зул-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мат қуюқлашиб борар, пастак булутлар қоп-қора этакларини судраб шаҳар устида кезиб юрар, ҳамон ўша совуқ, лоқайд томчиларини пуркар эди.

Муқаддам елкасидан муз ўтиб кетганини сезиб, секин мўралади. Ичкаридан тиқ этган товуш эшитилмас, фақат тарнов ғамгин шовулларди. Унинг қадам босишга мажоли қолмаган, ичкарига кириши биланоқ пичоқ кўтариб турган дадасига рўпара бўладигандай юраги зирилларди. У неча йиллардан бери ўқитувчилик қилиб, одамларга тарбия берган, пенсияга чиққанидан кейин ҳам домком раиси бўлиб элга бош-қошлик қилиб юрган, маҳалла-кўй "Қори ака" деб орқа-олдидан қаттиқ ҳурматлайдиган отаси ёлғиз қизининг шармандалигини кечирмаслигини биларди.

Йўлак томондан гурс-гурс қадам товушлари, кейин йўтал овози эшитилди.

"Дадам!" — Муқаддам юраги узилиб тушгандай тағин кесакига суяниб қолди.

— Муқад! — У дадасининг йўғон овозини эшитиб, бошини кўтарди, қоронғида унинг қалин, ҳали оқ ораламаган соқолини, қуюқ қошлари тагидан синчиклаб тикилиб турган кўзларини аниқ кўрди. — Нима қилиб турибсан? — Дадасининг баланд овози яна унинг қулоқларига михдай қоқилди.

— Ўзим, — деди Муқаддам бепарво гапиришга уриниб. — Ишдан келдим.

— Кир уйга! Шалаббо бўлиб кетибсан-ку!

Дадаси уни четлаб ўтди-ю, уч қадамча нарига бориб қўлидаги соябонини очди. Боши устида баланд кўтарганча тез-тез юриб, зулмат қўйнига сингиб кетди.

Муқаддам саросима ичида ҳовлига мўралади. Равон айвондан ёғилаётган нур кафтдеккина ҳовлини, бир туп ўрикнинг ёмғирдан қорайиб кетган пастак шохларини ёритиб турарди. Водопровод тагидаги ҳовузчага йиғилиб қолган ҳалқоб сув хира йилтирарди.

Муқаддам девор тагига ташлаб қўйилган ялпоқ ғиштлар устидан сакраб-сакраб ўтиб, айвон эшигини шарақлатиб очди.

Токчадан алланимани олаётган Анзират хола чўчиб ўгирилди.

— Келдингми?.. Ёмғир ҳам бир эзилди-ей...

Муқаддам онасининг касалманд юзига, шишиб кетган қовоқларига қаради-да, кўзларини яширди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йиғладингми? – Онаси лаганни қучоқлаганча унинг олдига келди. — Нима бўлди?

Муқаддам даҳшат ичида эшикка ёпишди.

— Лобарларникига чиқаман...

* * *

Уй ичи қоронғи эди. Шифтдаги қандил ташқаридан тушиб турган ожиз нурда хира ялтирар, ёмғирнинг шивир-шивири эшитилиб турар, қаердадир соат чиқилларди.

Муқаддам болаликданоқ қадрдон бўлиб қолган бу уйга кўп чиқар эди. Шодлигини ҳам, аламини ҳам мана шу уйда, мана шу Лобарга тўкиб соларди. Аммо ҳозир у нима дейди? Қандоқ гапирсин?!

Муқаддам шифтга тикилганча ётар, хаёли чувалашиб кетган, нимани ўйлаётганини ўзи билмасди.

Лобар ётган каравот ғирчиллади. Қоронғида унинг уф тортгани эшитилди.

— Муқад...

Муқаддам индамай ётаверди.

— Муқад... — деди Лобар яна секингина.

— Нима дейсан? — деди у жеркиб.

— Ухлаганинг йўқми?

Муқаддам индамади.

Яна Лобарнинг хўрсингани эшитилди.

— Ўлсин! Бошимни ювган эдим, сочим ҳеч турмаяпти.

Муқаддам қарамаса ҳам Лобарнинг туриб ўтирганини, семиз қўлларини иягидан ўтказиб, сочини ўраётганини аниқ тасаввур этди.

Анчадан кейин тағин каравот ғирчиллади. Лобар яна уф тортди.

— Жаҳонгир мени қишлоғига олиб кетаман, деяпти...

Муқаддам сарғиш жингалак сочли, серҳаракат, хушчақчақ йигитни эслади. Жаҳонгир Лобарни яхши кўрар, яқинда улар билан баравар техникумни битириб, фельдшер бўлган эди.

— Тегавер, — деди Муқаддам бепарво.

— Вой, опам турибди-ку...

— Бўлмаса, сабр қил!

Муқаддам тескари қараб олди. Яна жимлик чўкди. Қаердадир чиқиллаётган соат Муқаддамнинг азобли дақиқаларини лоқайдлик билан битта-битта санай бошлади. Ташқарида ёмғир қаттиқроқ шивирлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Муқад...

— Нима, нима?!

— Вуй, мунча, а! — Лобар сирли пичирлади. — Нимани ўйлаяпсан?

Муқаддам индамай ётаверди.

Лобарнинг пиқиллаб кулгани эшитилди.

— Биламан... Анварни...

"Анвар!" — Муқаддамнинг мияси зирқиллаб кетди. Елкасидан босиб ётган юк устига яна бир тоғ ағдарилди. "Анвар!" — деди у пичирлаб. Елкалари аввалига секин-секин титради. Кейин силкиниб-силкиниб йиғлаб юборди. У бугун негадир Анварни эсламаган экан. Шунча йиллик қадрдон Анвар акасини, Анвар акажонини ўйламаган экан.

Муқаддам овозини чиқармаслик учун кўрпага бурканиб олди. Бир вақт Лобар кўрпани тортқилаётганини сезиб яна ҳам қаттиқроқ бурканди.

— Қоч! — деди нафаси бўғзига тиқилиб.

— Вой, жинни, нега йиғлайсан?

— Яқинда мен ўламан, Лобар! — у ҳайратдан оғзи очилиб қолган ўртоғига тик қараб қичқирди. — Ўламан! Эшитдингми?!

* * *

Алимардон эрта уйғонди. Ёмғир тинганидан бери ҳаво тиниқлашиб, ерлар селгиб қолган эди. У ювингани анҳор бўйига тушди. Ҳали қуёш чиқмаган, сув юзида нозик туман пардаси силкиниб турарди. Алимардон сирғанчиқ соҳилдан авайлаб юриб, пастга тушди. Қумлоқ соҳилга чўнқайиб, муздек сувни кафтига олди-ю, совуқдан бармоқлари зирқираб кетди. Кейин билакларини шимариб олганча пишқириб-пишқириб ювина бошлади. Бир зумда қўллари, бўйни қипқизариб кетди. Шимининг тиззаларига сув сачраб, шалаббо бўлди.

Кўнглида алланечук бир енгиллик сезиб сакраб турди-ю, бир чеккада, ҳўл ўтлар устида ётган сочиқ билан узоқ артинди. Қирғоқдан юқорига чиққунча қуёш кўринди. Ёнғоқларнинг яланғоч шохида чумчуқлар сайради. Ердан майин ҳовур кўтарила бошлади.

У енгил-енгил қадамлар билан ҳовли томонга юриб кетди.

Уч кундан бери Алимардон шод, руҳи тетик эди. Бутунлай соғайиб қолди. Бешёғочдаги музика мактабига бориб, дарс бера бошлади. Фақат ўша кундан бери Муқаддам кўринмаётгани кўнглини хижил қилиб турарди. Кеча ишга кета-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ётганида гузардаги дўхтирхонага киргиси келди-ю, тағин айниди: "Нима, ялиниб кираманми?" У яхши иш қилмаганини, бир қизни бахтиқаро қилиб қўйганини билар, уни соғинарди. "Бари бир уйланишим керак!" — Ўша кундан буён унинг хаёлида шу фикр чарх урарди.

Ҳозир ҳам елкасига ташлаб олган сочиқнинг бир учидан ушлаганча шудринг босган сўқмоқдан юриб келаркан, яна Муқаддамни ўйлади: "Бугун дўхтирхонага кираман!"

У кўча эшикни очиб ҳовлига кириши билан ўртадаги сўрининг темир панжарасига суяниб турган Анварни кўрди-ю, сесканиб тўхтаб қолди. Кўнглида уйғонган қўрқувми, уятми, аллақандай тушуниб бўлмас бир туйғудан ранги ўчиб кетганини ўзи ҳам сезиб, Анварга зимдан қараб қўйди. У Анварнинг ҳозироқ келиб ёқасидан олишини, уриб юборишини кутарди. Аммо Анвар ҳамон сўри панжарасига тирсагини тираганча, оёқларини чалиштириб хотиржам турарди.

"Билмабди! Ниманинг маъносига тушунарди бу!" Алимардон Анварнинг ҳолидан ҳузур қилиб ич-ичидан кулиб қўйди.

— Қачон келдинг!

Анвар секин-секин юриб келиб қўлини узатди. У куёвлардек ясаниб, янги костюм-шим кийибди. Кўкиш ялтироқ галстук тақиб олибди.

— Яна совуқ сувга ювиндингми? — деди у ёлғондакапўписа қилиб.

— Нима қипти? — Алимардон кулди. — Сенга ўхшаб ойимқиз бўлайми?

— Ким, ким шунақа? — Анварнинг кўзлари аламдан қисилиб кетди. — Қаҳрамон-эй! Бир ой инқиллаб ётмагин тағин...

— Бўпти! — Алимардон унинг ҳеч нимадан хабари йўқлигига тамоман ишонди-ю, елкасига шапиллатиб уриб қўйди. — Ҳазил, уйга кирайлик.

— Йўқ... — Анварнинг кўзларига жиддият чўкди. — Эртага эрталаб студияга боргин... Концерт бор. Сен ҳам чиқасан.

Алимардон кўпдан ўйлаб юрган орзуси чиндан ҳам рўёбга чиқаётганидан қувониб, юраги гурсиллаб уриб кетди. Ялт этиб Анварга қаради-ю, атайлаб талмовсиради:

— Қўйсанг-чи!

— Ҳазили йўқ! — Анвар астойдил тайинлади. — Мен дастурга киритиб қўйдим.

Алимардон ўзига соддалик билан тикилиб турган дўстига қараб, яна атайлаб бепарво гапирди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мени бошларига уришармиди?

— Кутаман! — Анвар яна жиддият билан тайинлади-да, қўлини чўзди. — Хайр!

Унинг учи ингичка туфлиси селгиб қолган ҳовлида билинар-билинмас из қолдириб, кўча эшигига етганидан кейин Алимардон шодон табассум билан шивирлади: "Галварс!"

* * *

Тушга яқин Анвар уни телестудия эшиги олдида кутиб олди. Яна энг аввал Алимардоннинг кўзи унинг чиройли галстугига тушди.

— Рубобинг қани? — деди Анвар Алимардоннинг қуруқ келаётганини кўриб.

— Бошимни қотирмасанг-чи, нима деб чиқаман? — У ичида жон деб турса ҳам атайлаб тихирлик қилди.

— Майли, юравер-чи... — Анвар уни милиционер турган вестибюлдан олиб ўтиб, кенг, ёруғ йўлакка бошлаб кирди. Пояндоз тўшалган зиналардан иккинчи қаватга кўтарилишди. Тепасига "Музика редакцияси" деб ёзилган эшик олдида тўхтаб қолишди.

— Юравер! — Анвар эшикни очиб, уни бошлаб кирди. Чоғроқ хонага ҳам худди зиналардагига ўхшаш қимматбаҳо гилам тўшалган, бир-бирига қаратиб қўйилган иккита стол бўш турарди.

Анвар юмшоқ ўриндиқли креслони Алимардоннинг олдига сурди.

— Ўтириб тур-чи...

— Сенинг столинг қайси?

— Ана... — Анвар бепарволик билан девор олдидаги столни кўрсатди. — Ҳозир тор топиб келаман. — У тез чиқиб кетди.

"Шунақа жойда ишларкан-да!" — Алимардон секин уф тортиб қўйди. Шу топда негадир унинг Анварга яна ҳасади келди, аммо нимагалигини ўзи ҳам билолмади.

Яна бир неча дақиқадан кейин Анвар садаф пардалари ярақлаб турган яп-янги тор кўтариб кирди. "Ажойиб тор экан! — Алимардон чолғунинг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўраркан, тағин билинтирмай уф тортиб қўйди. — Пайти келсин, албатта, оламан".

— Энди репетиция хонасига кириб машқ қиласан...

...Алимардон студия залининг бир чеккасидаги жажжигина стулга ўтирганча навбат кутарди. Бу ерга киришдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

олдин қанчалик қўрққан бўлса, энди навбат тегишини шунчалик орзиқиб кута бошлади. Кимдир қўшиқ айтар, аллақандай қизлар рақс тушар, аммо у ҳеч кимни кўрмас, ҳеч нимани эшитмас эди. Шу топда хаёлида ёлғиз бир фикр чарх урарди: "Ҳозир мени ҳамма кўради. Бутун республика кўради!"

Ниҳоят, пультда ўтирган қизнинг: "Навбат Алимардон Тўраевга", — дегани эшитилди.

У бошқа ҳеч нимани эшитмади. Юзлари ловиллаб ёнаётганини, қулоқлари шанғиллаётганини ҳис этиб, секин ўрнидан турди. Оператор камерани аста-аста унинг олдига суриб кела бошлади. Ҳозир табассум қилиши кераклиги тўсатдан хаёлига келди-ю, камеранинг қизил чироқларига қараб жилмайди. Торни секин-секин черта бошлади. Кейин завқ билан, ҳарорат билан чалишга тушди. У яхши чалаётганини, тор ўзининг қўлида булбулдай сайраётганини билар, билган сайин завқ билан чертарди. Куй тамом бўлиши билан у қўшиқни, ўша — Муқаддамга айтиб берган — "Йигит қўшиғи"ни бошлаб юборди. Унинг овози жимжит студиянинг баланд шифтларига тегиб жаранглар, бугунги концертда ўзи ғолиб чиқаётганини, ажиб бир оҳангда айтаётганини билиб турарди.

Қўшиқ тамом бўлди-ю, у боягидай табассум билан оҳиста бош эгиб қўйди...

Йўлакка чиқиши билан Анварга дуч келди. Анварнинг кўзлари шодликдан чақнар, унинг қўлини маҳкам қисиб, ҳадеб бир гапни такрорларди:

— Жуда яхши чалдинг, дўстим! Жуда яхши.

Алимардон дўстининг шодликдан чақнаб кетган юзига қараб мийиғида кулиб қўйди. Шу ҳам чалиш бўптими? Ҳали шундай кунлар келадики, Алимардон Тўраев деган номни эшитганида бутун республика ҳайратдан ёқа ушлаб қолади.

— Кетамизми? — деди у Анварга бепарво қараб.

— Юр... Мен ҳам Бўстонга боришим керак.

— Муқаддамнинг олдигами? — у қаҳ-қаҳ уриб юборишдан ўзини аранг тийиб, кўзларини сузди. — Майли, юравер...

Кўчада қуёш порлар, ҳаво илиқ, ҳузурбахш эди.

Алимардон такси тўхтатгиси келди. Анварнинг ҳайҳайлашига қарамай, кўчанинг ўртасига тушиб олиб қўл кўтарди, аммо машиналар тўхтамас, уни майна қилгандай ғизиллаб ўтиб кетарди.

Ниҳоят, бир "Волга" ўн қадамча нарига ўтиб тўхтади. Икковлари кетма-кет югуриб боришди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қаёққа, биродар? — шопмўйлов таксичи машинанинг қия деразачасидан мўралади.

— Бўстонга обориб қўйинг! — деди Алимардон нафасини ростлаб ололмай.

Ҳайдовчи кулди:

— У ёққа "собственний" машинангизда борасиз, ука!

Алимардон парпарондай елиб кетган машинанинг орқасидан қараб, тишларини ғижирлатиб қолди: "Бўпти! Ўз машинамда борганим бўлсин!"

* * *

Қишлоқ ёмғирдан ювилиб, яшнаб кетган эди. Деворлар тагида адашиб бош кўтарган мунис майсалар эртага қор остида қолишидан бехабар яшнаб турарди.

Алимардон олдинда кетар, Анвар дўстининг текис талпинаётган баланд гавдасига қараб борар, Алимардоннинг телевизорда чиққанидан, бунда ўзининг ҳам хизмати борлигидан шод эди.

Катта кўчанинг муюлишидаги тут тагига етганда Алимардон бурилиб қаради.

— Дўхтирхонага бораман, деганмидинг?

Анвар ҳам тўхтаб, соатига қаради.

— Муқаддам кетмагандир ҳали?..

— Кўришинг шартми?

Анвар унинг чеҳрасида бир қалқиб ўчган масхарали табассумни ўзича тушунди.

— Соғиндим, — деди секин. Зах ерга ёпишиб ётган тут хазонларини оёғининг учи билан титкилади. Кейин дўстига қараб оҳиста хўрсинди. — Сен билмайсан-да... Ҳеч тушуниб бўлмайди бу қизга. Икки ҳафтадан бери гаплашмай қўйди. Нима бўлаётганини ўзим билмайман. — У бошини баланд кўтариб, куз осмонида кезиб юрган бир парча булутга тикилди. Унинг кўзларида ширин бир орзуми, энтикувчан табассумми бор эди.

Алимардон яна боягидай масхарали кулди. У энди бу қўймижоз ошнасидан оладиганини олиб бўлган, студиядагилар билан танишиб олган, яна телевизорда чиқиш учун Анварнинг ёрдами керак эмасди.

— Мен уйланяпман, — деди у хотиржамлик билан.

Анвар ярқ этиб бурилиб қаради. У севинишдан кўра кўпроқ ҳайрон қолди.

— Қўйсанг-чи ҳазилингни!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алимардоннинг юзида яна ўша қув табассум қалқди.

— Ҳазили йўқ, — деди совуққина қилиб.

— Шайтон-эй, нега айтмадинг? — Анвар энди ишонди. — Қачон? Кимга?

Алимардон ҳозир унинг юрагига бигиз санчишидан завқланар, ич-ичидан тошиб келган кулгисини аранг босиб турарди. Овозини иложи борича бепарво қилиб, қошини чимирди.

— Муқаддамга...

— А?! Қайси Муқаддам? — Даҳшатга тўлиқ қисқа бир ҳайқириқ ҳавода фарёд солди. — Қайси Муқаддам?!

Анвар оёқларининг учигача музлаб кетганини ҳис қилиб, Алимардоннинг бепарво кўзларидан маъно қидириб қолди. Алимардон тағин бир марта кулиб қўйди.

— Ўша, ўзинг билган Муқаддам-да! — У оёғининг учида кескин бурилиб кетаверди.

Алимардон бошини ғоз тутиб борар, жаҳонда ҳеч нима ўзгармагандек, ҳамма нарса кўнгилхушлик билан бораётгандек эди.

У тутзор кўча ичига кириб кетганидан кейингина Анвар ўзига келди. Юрагини тилимлаб ташлаган хабарни ҳазилга йўйишга ҳаракат қилгандек шуурсиз жилмайди. Югуриб бориб, Алимардонни елкасидан ушлаб, ўзига қаратди.

— Овсар! Шунақа нарса билан ҳазиллашадими одам?!

Алимардон ҳайрон қолгандай қошини чимирди.

— Ўзинг биласан, ҳазилни ёмон кўраман.

Анвар унинг чиндан ҳам беҳазил гапираётганини тушунди. Биров бехосдан "онанг ўлди", деганда киши қандай аҳволга тушса, ҳозир у ҳам худди шундай аҳволда қолди. Аъзойи бадани япроқдай қалтирай бошлаганини ҳис этиб, Алимардоннинг ёқасига ёпишди.

— Ёлғон айтасан, мараз!

Алимардон ҳузур қилиб кулди.

— Бор, ишонмасанг ўзидан сўра! — У Анварнинг қўлини ёқасидан олиб ташлаб, дона-дона қилиб таъкидлади: — У менга тегади, билдингми?! У менга тегишга мажбур! Мен уни ўзимники қилиб қўйдим!

— Туҳмат!

Анварнинг кўз ўнги қоронғилашиб кетди. Қошини чимириб турган Алимардон ҳам, яланғоч тутлар ҳам, осмонда кезиб юрган бир парча булут ҳам чирпирак бўлиб айланиб кетди.

У Алимардоннинг башарасига қачон мушт туширганини билолмай қолди. Ўзига келганида, Алимардон кафтининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

орқаси билан қоп-қора қонга бўялган оғзини артар, пастак тутга суяниб олганча ҳадеб тупурарди.

Анвар заранг ерни қарсиллатиб тепганча югуриб кетди. Мактабдан қий-чув кўтариб чиққан болалар орасидан, сўриларда чойхўрлар чордана қуриб ўтирган чойхона олдидан югуриб ўтди-ю, деразаларига оппоқ дарпардалар тутилган дўхтирхона эшигига бориб қолди. Шиддат билан йўлакка отилиб кирди. Навбат кутиб ўтирган одамларнинг ҳайҳайлашига қарамай, тепасига "Манипуляционная" деб ёзилган эшикни шахт билан силтаб тортди. Қарши томондаги деразанинг бир тавақаси даранглаб очилиб кетди.

— Муқаддам!

Унинг ҳайқириғи бутун дўхтирхонани жаранглатиб юборди. Устига оқ чойшаб ёпилган столга тирсагини таяганича кафтини пешанасига босиб ўтирган Муқаддам ўрнидан турди-ю, оёқларидан мадор кетгандай яна ўтириб қолди. Унинг ранги қув ўчиб кетган, кўзларида даҳшат олови бор эди.

Анвар кўксини тўлдирган нидони ялинчоқ, ингроқ оҳангда айтди:

— Муқаддам... Айтинг... Ростми?

У Муқаддамнинг йўқ дейишини кутиб турар, шу бир оғиз сўз учун бутун борлиғини беришга тайёр эди.

Ваҳимали сукунатга тўлиқ бир неча дақиқа ўтди.

Муқаддам тўсатдан кафти билан юзини тўсиб йиғлаб юборди.

— Рост!

Анварнинг кўз ўнгида яна ҳамма нарса чирпирак бўлиб кетди. Оёқлари ўз-ўзидан бўшашиб, гандираклаб кетди-ю, эшикка суяниб қолди. Бу ердаги ҳамма оппоқ нарсалар бирданига қоп-қора тусга кирди-да, бошини солинтирганча ташқарига қараб судралди.

У бирданига ҳаммасини тушунди. Муқаддам нима учун ўзига бегона бўлиб қолганини ҳам, энди ҳеч қачон қайтиб келмайдиган, умрбод насиб этмайдиган азиз бир нарсасидан жудо бўлганини ҳам, ўзининг софдиллиги, очиққўнгиллиги ўз бошига бало бўлиб ёғилганини ҳам — ҳамма-ҳаммасини тушунди. Фақат бир нарсани тушуна олмасди. Шунча йиллик қадрдон дўсти нима учун хиёнат қилди унга? Шунчалар аблаҳлик қилишга уни нима мажбур этди экан?! Дунё пайдо бўлганидан бери нима учун одамлар боши устида хиёнат деган қоп-қора шарпа кезиб юради? Одамлар бунчалик қабиҳликни қаёқдан ўрганишаркин?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

У елкасига келиб тушган қақшатқич зарбадан мункиб кетгандай бошини қуйи солиб борар, қишлоқ оқшом тараддудини кўрар, чойхона гавжум, мактабдан қий-чув солиб болалар чиқиб келишарди. Олисда — уфқ этагида қуёш ботиб борар, дарахтлар учида қонли шафақ ўйнарди.

* * *

Шанба оқшомида Бўстон қишлоғи ажиб бир жозиба кашф этди. Бу оқшом ой ҳам эрта чиқди. Тўлиб, қип-қизариб, яшнаб-яшнаб чиқди. Ноғоранинг шодон така-туми илиқ куз ҳавосини титратди. Ғужғон ўйнаган юлдузлар тўйхона устида пасайиб рақс тушди.

Анвар Қонқус устидаги яккачўпда оёқларини осилтириб узоқ ўтирди. Анҳор жимжит, сув юзида юлдузлар қалқиб оқар эди.

Ноғорачи йигит уста экан! Шундай берилиб, шундай терга ботиб чалдики, осмон пардасини йиртиб юборгудай бўлди. Ўз касбини яхши билар экан! Боплаб чалар экан! У фақат бир нарсани билмади. Ноғора чўпи билан ноғорани эмас, худди ўзига ўхшаш бир йигитнинг қалбини савалаганини билмай қолди.

Шу куни ажойиб воқеа бўлди. Кимнингдир кўнглида баҳор гуллади. Кимдир кимигадир интизор бўлди. Кимнингдир қалбига қор ёғиб чиқди.

Тўйга бутун қишлоқ йиғилди. Фақат анҳор ўз ўзанидан чиқолмади. Қонқус тун бўйи ғазаб билан, алам билан тўлғаниб оқди.

* * *

Ҳаёт шунақа экан. Гоҳо кимнингдир мотами кимгадир байрам бўларкан!

Алимардон икки ойгача ана шу байрам роҳати билан гашт қилиб яшади. Муқаддам ўзи ўйлаганидан ҳам яхшироқ, меҳрибонроқ чиқиб қолди. Анвар бўлса ундан бутунлай узоқлашиб кетди. Телестудияда тўсатдан дуч келиб қолса, тескари бурилиб кетадиган бўлиб қолди. Аммо Алимардон парво қилмасди, бир вақтлар ўзига қадрдон бўлган бу йигитни энди бир пулга ҳам олмас, ўз қувончи, ўз бахтидан маст эди.

У шу икки ой ичида тўрт марта телевизорда чиқди. Ҳа, энди унинг омади юриша бошлаган эди. Узоқ сафарга чиқаётган одам бирон нарсасини унутиб қолдиришдан чўчиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзини қанчалик текширса, Алимардон ҳам шунчалик пухта тайёрланарди. Ёнғоқзор боғ устида ҳар саҳар унинг янгроқ, дилбар овози парвоз этар, у қўшиқ бошлаганида табиатнинг ўзи ҳам тан бериб қулоқ солгандай бўлар, сўқмоқлар ҳам, анҳор ҳам бир нафас сукут сақлаб тингларди.

Алимардон ҳар ҳафтада янгидан-янги қўшиқлар ўрганар, шеърларга ўзи куй басталар эди.

Навбатдаги байрам арафасида уни яна студияга чақиришди. Шу куни Алимардон ўз кучига икки марта ишонч ҳосил қилди. Мусиқа таҳририятига кириб бориши билан Анварнинг ёрдамчиси — касалманд муҳаррир йигит унга учта конверт топширди.

— Сизга экан.

Алимардон ҳайрон бўлиб конвертлардан биттасини очди. Оддий қора қалам билан ёзилган хатнинг биринчи сатрларини ўқиди-ю, ҳаяжондан кўз ўнги жимирлашиб кетди. У кўпдан орзу қилиб юрган ниятига ета бошлаганидан маст, шод эди. Хатнинг охирги сатрларини ўқиркан, қўллари қалтираб кетди. "Биз колхозчилар Алимардон Тўраевнинг ажойиб овозини ҳар куни эшитсак деймиз..."

Мактуб ана шундай сўзлар билан тугалланган эди.

Шу куни у бешта қўшиқ айтди. Ҳар қайсисини ўзгача завқ билан, ўзининг дилбар оҳанги билан юрак-юракдан куйлади.

Концертдан кейин студия буфетига кирди. Икки қадаҳ коньяк ичди. Бугун унинг руҳи тетик, кайфи чоғ эди. Шаҳар янги либос кийган, кўчалар чароғон, ранг-баранг афишаларнинг оловли жимжимаси салқин ҳавода камалакдек товланади. У троллейбус бекатига чиққанида таниш бир овозни эшитиб, тўхтаб қолди.

"Ўзим! Ўзимнинг ашулам!" У тўрт қаватли каттакон бинонинг овоз келаётган деразасини топди. Қўшиқ биринчи қаватдаги ёрқин шуъла тушиб турган деразадан қуйилиб чиқиб, қанот қоқарди. Алимардон ҳаяжон ичида секин-секин юриб дераза тагига борди. Дераза пардалари тушириб қўйилгани учун ҳеч нима кўринмас, аммо ичкарида одам кўплиги соялардан билиниб турарди. Чамаси, бирон-бир кеча бўлаётган бўлса керак, ичкарида босинқи ғовур эшитилар, аммо қўшиқ товуши баралла, тиниқ янграр эди. Бу Алимардоннинг ўша биринчи "Йигит қўшиғи" эди.

"Магнитофонга ёзиб олишган экан", деб ўйлади Алимардон нафас чиқармай. У бу бино талабалар ётоқхонаси эканини эслади. "Бошланди! Талабалар ёқтирдими, омма-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашиш шу!" Алимардоннинг лабларида қувноқ табассум ўйнади. Ҳозир кириб: "Ўша қўшиқни айтган Алимардон Тўраев мен бўламан", деса ишонишармикан?..

У ёнғоқзор боғкўчага алламаҳалда етиб борди. Ҳали ой чиқмаган, аммо осмонда жимжима юлдузлар чарақлайди, оёқ остида хазон қирсиллайди. У пастак эшикни тақиллатаркан, негадир заҳарханда билан хилмайди. "Алимардон Тўраев! Дурустроқ дарвозаси ҳам йўқ!"

* * *

Эрталабдан бери эзила-эзила ёққан ёмғир тушга бориб қорга айланди. Аввалига битта-яримта учқунлар ҳавода эринчоқлик билан кезиб юрди-ю, кейин бирдан тезлашиб кетди. Йирик-йирик лайлаккор қиялатиб уриб берди.

Алимардон дераза олдида тик турганча, биринчи қорнинг ёғишини томоша қиларди. Ҳаммаёқ табиатнинг улуғвор, аёвсиз ҳақиқати олдида қути ўчгандай жимжит бўлиб қолди. Ёмғир ёғаётганда шодон шовуллаган тарнов ҳам, бўғотдаги чумчуқлар ҳам бир нимадан чўчигандай овозсиз қотди. Ҳовлидаги сўрининг панжаралари, молхонанинг томи оппоқ бўлиб қолди. Ҳовли этагидаги азамат ёнғоқлар тақдирга тан бергандай маъюс бош эгди, яккам-дуккам япроқлар совуқдан дилдирай бошлади.

Бора-бора оқшом қўнди. Юракни эзувчи, кўнгилга ғашлик солувчи ғира-шира оқшом қўнди.

Нариги уйда Муқаддамнинг оёқ машинани шатиллатиб иш тикишга ўтиргани эшитилди. У оғироёқли бўлганидан бери кечалари ҳеч кимга сездирмай, чақалоқчага атаб кўйлакчалар тикадиган одат чиқарганди.

Кўча эшик тақиллади. Алимардон негадир чўчиб тушди. Эшик сукунат қўйнида янада қаттиқроқ гурсиллади. Муқаддамнинг машина шатиллатишдан тўхтагани эшитилди. Аммо Алимардон ундан олдинроқ ҳовлига тушди. Куёвликдан ёдгор бўлган беқасам чопони билан юзини қордан пана қилиб, йўлакка борди. Пастак эшикнинг ҳалқасидан ушлаб тортди.

Ғира-шира қоронғиликда икки киши турарди. Улардан бири новча, бош яланг, ёмғирпўш кийиб олган, совқотган бўлса керак, турган ерида ҳадеб депсинарди. Иккинчиси пакана, семиз, калта пальто кийиб олган, аммо чеҳраси аниқ кўринмасди.

"Йўлдан адашганлар бўлса керак". Алимардон эшикни каттароқ очиб таклиф қилди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Келинглар.

— Сизни топадиган кун бор экан-ку, Алимардон ака! — Новча йигит эски танишлардай қуюқ сўрашди. Шериги ҳам қишлоқиларга хос тавозе билан қўшқўллаб унинг кафтини қисди.

Алимардон ҳеч нимага тушунмаган бўлса ҳам, яна таклиф қилди:

— Марҳамат...

— Йўқ, ака, — новча йигит яна дилкашлик билан шанғиллаб гапирди. — Биз бир хизмат билан келган эдик.

Алимардон улар тўйга айтиб келишганини тушунди-ю, атайлаб ўзини гўлликка солди.

— Қанақа хизмат?

— Мана шу дўстимиз, — йигит шеригига имо қилди. — Укасини уйлантираётган экан. Энди катталик эмас, эркалик, ака, бир хизмат қиласиз-да!

Шериги ҳам қўшқўллаб таъзим қилди.

— Энди йўқ демайсиз-да, ака! Хизмат ҳақингиз қанча бўлса розимиз. Олисдан келдик.

Алимардон "қанча берасиз" демоқчи бўлди-ю, айтмади.

— Йўқ... — у кескин бош чайқади. — Мен тўйга юрмайман... Ҳеч борган эмасман...

Тўй эгаси астойдил ялина бошлади:

— Ҳўп денг энди, ака. Оққўрғон деган жойдан дараклаб келдик, йўқ деманг...

Алимардон йигирма қадамча нарида, тумшуғи билан деворга қадалай деб турган "Волга"ни энди кўрди. Қорнинг қалин пардаси ортида унинг ранги кўринмас, шарпадай аранг кўзга чалинарди.

— Машина ўзингизникими?

Тўй эгасининг кўнглида умид уйғонди шекилли, қувониб кетди.

— Ўзимиздан, ака, ўзимиздан! Бирпасда етказиб олиб бораман.

— Йўқ, бўлмайди, — Алимардон тағин бош чайқади. — Эртага ишга боришим керак.

— Хўп денг, ака, биз ҳам тушунадиган одаммиз. Хафа қилмаймиз... — У Алимардоннинг ўйланиб туришини ўзича тушунди. "Фалончи берамиз", деб катта пулни айтди.

Алимардон яна бир таранг қилса, қадри ошишини билиб ноилож қиёфада елкасини қисди.

— Боролмайман, дедим-ку, иложим йўқ.

Тўй эгаси бир лаҳза ўйланиб туриб қўл силтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Майли, ака, — деб икки ҳисса кўпроқ ваъда қилди.

Алимардон жилмаяётганини яшириш учун уф тортди.

— Ҳеч қўймадингиз-да!.. Қайтиб келишим нима бўлади? Мен ҳам ишлик одамман.

— Ўзим келтириб қўяман...

Алимардон яна юзини қордан пана қилиб, айвонга қайтди. Муқаддам унинг ҳаяллаб кетганидан хавотир олиб бўлса керак, эшик олдида турарди.

— Ким? — деди у эрининг кўзига тикилиб.

Алимардон бепарво қўл силтади.

— Меҳмонга чақириб келишибди.

— Борасизми? — Муқаддам секингина, ҳуркибгина сўради. Энди у турмушни тушуна бошлаган, аксари хотинлардай ювош бўлиб қолганди.

— Албатта!

Кетма-кет катта уйга киришди. Муқаддам шифоньердан кийимларини олиб бериб турди. Алимардон бир оғиз ҳам гапирмай кийинди. Рубобини олди-да, яна худди ўшандай бир оғиз ҳам гапирмай эшикка томон йўл олди. Фақат айвонга чиққанида бурилиб қаради:

— Эшикни занжирлаб ол!

У йўлда ҳам чурқ этмади. Машина қор бўрони орасида шиддат билан олға учар, ҳавода парпираган учқунлар олд томондаги ойнага чирсиллаб урилар, бир жуфт шуъла оқиш зулматни ёриб борарди.

Алимардон суянчиққа ўзини ташлаганча йўлдан кўз узмай кетар, мана шу кўримсиз, қўпол қишлоқида бор машина ўзида йўқлиги алам қиларди унга.

Бир соатчадан кейин чироқлар нурида чарақлаб ётган тўйхонага кириб боришди. Каттакон уй одамлар билан лиқ тўлган, меҳмонлар тўрт томондаги девор тагида чордана қуриб ўтиришар, дастурхон тўкин, арақ иси гуркирарди.

...Алимардон қўшиқ бошлаши билан ҳаммаёқ сув қуйгандай жимиб қолди. У ўз овозининг сеҳри бутун тўйхонани ром этганини сезиб, завқ билан ашула айта бошлади. У қўшиқ айтар, қўпол этик, чопон кийган одамлар бошини секин-секин чайқаб, ҳузур қилиб эшитишар, шу топда дераза ортида ҳам бола-чақа, хотин-халаж тўлиб кетганини Алимардон билар, билган сайин завқланар эди.

Қўшиқ тугаши билан: "Яша!", "Барака топ!" — деган қийқириқлар еру кўкни қоплади. Унинг олдида одамлар тизилиб кетди. Улар қадоқ қўллари билан унинг чаккасига пул қистиришга навбат кутишарди. Алимардон кўпдан буён

www.ziyouz.com kutubxonasi

шу қадар эҳтирос билан куйламаган эди. Шу қадар кўп ичмаган эди. Ҳа, у бугун маст бўлди. Аммо нимадан маст бўлганини ўзи ҳам билмади: майданми, олқишданми, пул исиданми...

* * *

Ташқарида шамол увиллайди, қор учқунларининг деразага чирсиллаб урилиши аниқ эшитилиб туради, аллақаерда ёнғоқ шохи аянчли инграйди. Муқаддам кўрпага ўралиб олганча, даҳшат ичида қорнинг шитирлашига қулоқ солиб ётар, муздек зулмат мўралаб турган деразага қарашга ботинолмас, юрагининг гуп-гуп уриши ўзига ҳам аниқ эшитиларди.

Девордаги кўкиш тун чироғи ўлимтик нур сочади, ялтироқ кашгирли соат гоҳ қаттиқ, гоҳ секин чиқиллайди, вақт имиллаб ўтади.

Қизиқ, балоғатга етган қиз муҳаббатни эмас, муҳаббатнинг ўзи уни излаб топади, деганлари рост экан. Муқаддам неча йиллардан бери Анвардан муҳаббат излаб юрарди. Бирданига Алимардоннинг севгиси уни излаб топди. У тўй олдидан қанчалик куйиб-ёнган, изтироб чеккан бўлса, тўйдан кейин шунчалик қувонч билан яшай бошлади., Отаси ҳам тўйга дарров рози бўла қолди. Алимардон унга бир дунё бахт ҳадя этди.

Муқаддам ҳамон гузардаги дўхтирхонада ишлар, ҳамкасб дугоналари унинг бахтига ҳаваси келганини яшириб ҳам ўтиришмасди. Муҳаббат тўшакда уйғонади, деганлари шу бўлса керак-да! Бора-бора Анварни унутди. "Ўзимнинг Мардон акамни ҳеч кимга алишмайман!" Бўйида бўлганини сезганидан бери хаёлига шу фикр маҳкам ўрнашди. Аммо худди ўша кундан бошлаб тағин бир нарсани кўп ўйлайдиган бўлиб қолди.

Муқаддам бир вақтлар болалигида шаҳар ҳовлисининг йўлагида қизалоқлар билан чирчира ўйнашни яхши кўрарди. Ҳар куни уларнинг ҳовлисига қизлар тўлиб кетар, кечгача коптоқ ўйнашарди. Ўйиннинг қизиқ қоидаси бор эди. Кимки чирчирани элликкача етказмай коптокни қўлидан қочириб юборса, ўйиндан чиқиб кетарди.

Кейинги кунларда унинг назарида Алимардон акаси ҳам худди коптокдай қўлидан чиқиб кетаётганга ўхшарди.

Аёл киши эркакнинг, оз бўлса-да, совуқлашишини дарров пайқайди. Муқаддам Алимардон акасининг аввалгидай

www.ziyouz.com kutubxonasi

очиқ-чочиқ муомала қилмаётганини сезиб турарди. Кейинги пайтларда эри кўп ичадиган, сал нарсага жеркиб ташлайдиган одат чиқарди. "Еганинг олдингда, емаганинг кетингда, мен билан ишинг бўлмасин", деган гапни кўп қайтарадиган бўлиб қолди. Ахир, одам дунёга фақат ейиш-ичиш, кийиниш учун келмайди-ку! Наҳотки, Алимардон акаси шуни билмаса! Муқаддам шуларни ўйлаган сари, эри кун сайин ўзидан узоқлашиб бораётганини ҳис қилар, бундан даҳшатга тушарди. Ҳозир ҳам ўша бешафқат туйғу юрагига бигиздай санчилди-ю, қалтираб кетди. "Йўқ, йўқ... Ўзим ҳам ваҳима бўлиб қолибман". У кўрпага бурканди, ўзини мажбур қилиб кўзини юмди...

Муқаддам депсиниб уйғониб кетди. У ухладими, йўқми, билолмади, аммо ваҳимали бир туйғудан негадир вужуди титрай бошлади. Кўрпадан секин бошини чиқариб қулоқ солди. Ҳамон шамол увиллайди, қор учқунлари ҳамон зулмат қоплаган деразани савалайди. Бирдан ташқарида аллаким додлагандек бўлди. Муқаддам оёқ-қўллари бўшашиб, кўзларини катта-катта очганча, тахта бўлиб қолди. Бояги овоз тағин қайтарилди.

— Машина-ку, — деб пичирлади у қўрқув ичида, — уй орқасидан машина ўтяпти.

Шу ондаёқ кўча эшик қаттиқ тақиллади.

"Мардон акам!" — Вужудига ҳузурбахш илиқлик югурди. Алимардон акасининг занжирни тез-тез тақиллатишига ўрганиб қолган эди.

Муқаддам қушдай енгиллик билан сакраб турди, чироқни ёқди. Бошига Алимардон акасининг бекасам чопонини ёпганича айвонга чиқаркан, йўлакай девордаги соатга қараб олди. Соат миллари тўрт яримни кўрсатар эди.

Муқаддам ҳовлига тушган замони совуқ ҳаво нафасини қайтариб юборди. Калиши қорга тўлиб чиқди. Шу пайт эшик тағин қаттиқ тақиллади. У оёғининг игна санчиб ачишишига қарамай югурди. Тайғана-тайғана эшик тагига етиб келди.

— Ким? — деди ҳуркович оҳангда.

— Оч!

Муқаддам Алимардон акасининг овозини таниб, дарров занжирни туширди.

Алимардон энгашиб эшикдан кираркан, унга урилиб кетди.

— Ўлиб қолдингми? — Унинг оғзидан гупиллаб арақ иси келди.

"Ичибди!" — Муқаддам индамасдан эшикни тағин занжирлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кетма-кет айвонга чиқишди. Алимардон телпагини ечиб, пальтосининг елкасига қўнган қорни қоқаркан, қошини чимириб Муқаддамга қараб қўйди. Унинг юзлари қизариб кетган, қисқа-қисқа нафас оларди.

— Битта чақирганда очсанг бўлмайдими? — деди у телпагини бурчакдаги диванга ташлаб.

Муқаддам унинг саволига савол билан жавоб берди:

— Тўйга бордингизми?

Алимардон унга елкаси оша қаради.

— Ҳа! Ёқадими?

Эрининг боя йўлакда айтган гапи Муқаддамнинг юрагини ўртаб юборган, икки йўл ўртасида ўтирган оғироёқли хотинига ўлимни раво кўргани ҳамон вужудини титратарди.

— Йўқ! — деди у овози титраб. — Ёқмайди!

— Ёқмаса... — Алимардон киноя ли жилмайиб қошини чимирди. — Ёқмаса... Кета қол! Уйинг яқин...

— А?! — аламли бир ҳайқириқ Муқаддамнинг бўғзига тиқилиб қолди. Кўзлари бирдан жиққа ёшга тўлди. Титроқ қўллари билан эрининг бўйнига маҳкам осилиб йиғлаб юборди. — Қайтариб олинг сўзингизни... Жон Мардон ака, қайтариб олинг!..

Яна бир неча дақиқадан кейин у эрининг забардаст елкасидан маҳкам қучоқлаб бағрига босар, ҳозир уни биров тортиб олаётгандай қўйиб юборгиси келмасди.

"Маст-да, кайф устида айтиб юборди, — дерди у ўзига-ўзи тасалли бериб. — Эртага ўзи пушаймон ейди..."

* * *

Анвар машинка хонасидан чиқди-ю, қўлидаги қоғозни секин-секин силкитганча, ёруғ йўлакдаги гулдор пояндознинг бир чеккасидан бошини қуйи солганча юриб кетди. У иш қўплигидан хурсанд, фақат меҳнат билан овунар эди.

Бирйўла ҳам севгилисидан, ҳам дўстидан жудо бўлиш оғир экан. Алимардон билан Муқаддамнинг тўйи ўтганидан бери у одамларга ўзгача бир синчковлик, ички алам, ишончсизлик билан қарайдиган бўлиб қолди. Боғларда сайр қилиб юрган ошиқ-маъшуқларни кўрганида, уларнинг сирли шивирлашаётгани қулоғига тасодифан чалиниб қолганида ғаши келарди. "Бир-бирининг кўзига тикилиб алдашяпти, — деб ўйларди у жирканч бир туйғудан ижирғаниб. — Мана шу қиз ҳозир бу йигитнинг қулоғига шивирлаяпти. Эртага лаби совумасдан туриб, бошқасини ўпса ажаб эмас..."

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иқбол хола ёз келиши билан тўй ҳаракатини бошлаб юборди. Узоқ холаваччасининг Эътибор деган қизини ҳадеб мақтайдиган бўлиб қолди. Анвар онасининг гапларини эшитганида заҳарханда кулиб қўя қоларди. "Рост-да, мақтаса мақтайвермайдими, унга нима!"

Бугун эрталаб ҳам онаси ҳадеб гапираверіб, унинг жаҳлини чиқариб юборди.

Анвар онаси билан аччиқлашиб қолди. "Уйланмайман, вассалом!"

У ҳозир ҳам йўлакдан оғир-оғир қадамлар билан бораркан, ўша дилхунликни эслади. "Нима қилсин, ахир, онасида нима гуноҳ? У ҳам тўй кўрсам, орзуларим ушалса дейдида..."

Анвар мусиқа таҳририяти эшигига етганда, аллаким чақирганини эшитиб, тўхтаб қолди. Бурилиб қаради-ю, йўлак муюлишида, каттакон тошойна олдида турган Алимардонни кўриб, юраги сирқиллаб кетди. Алимардон концертга келган бўлса керак, қора костюм кийиб олган, ўша ҳақоратли табассум билан илжайиб, сигарета чекиб турарди.

Анвар ўшандан бери у билан гаплашмас, уни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ эди. Уни одамларга нафрат билан қарашга ўргатган, бутун орзуларини чил-чил қилган, энг улуғ бахтини тортиб олган мана шу эмасми, ахир?! Дўст бўлиб қўйнига кириб, юрагини юлиб олган шу эмасми?!

Анвар қўли асабий қалтираётганини сезиб, ушлаб турган қоғозини шартта икки буклаб шимининг чўнтагига солиб олди-ю, унинг яқин келишини кутиб турди.

Алимардон ҳеч нима бўлмагандай жилмайиб яқинлашди-да, қўл узатди.

— Чақирсам ҳам қарамайсан... Шунчалик қасдинг борми?

Анварнинг кўзига у ҳозиргина ўлжасини еб, лабини ялаб турган бўридай кўриниб кетди. У билан пачақлашиб ўтиргиси келмади.

— Қўлингни торт!

У овози титраб кетганидан афсусланиб, юзини чирт ўгирди.

— Вой-бў! — Алимардон яна ҳеч нима бўлмагандай кулди. Унинг бепарво кулгиси Анварнинг юрагини ўртаб юборди. Ўзини ғолиб ҳис қилаётганини овозидан билиб, азоб чека бошлади. — Қачон уйланасан?

Анвар нафрат билан бурилиб қаради-ю, Алимардоннинг ҳамон кулиб турган кўзларига тўқнаш келди.

— Ишинг бормиди? — деди у ғазабдан кўзларини қисиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алимардон яна кулди.

— Тўйингда бир хизмат қилай деган эдим-да...

Анвар бир нафас иккиланиб турди-да, айтмаслигим керак, деб турган гапи оғзидан чиқиб кетди.

— Аввал катта пул бераётганларникига бориб тур-чи...

Бу гап Алимардонга шунчалик таъсир қилишини билмаган эди. Алимардоннинг кўзларидаги табассум бирдан ўчди. Атрофга сергакланиб қараб олди-да, киноядан оҳангда гап қилди:

— Нима, студия хўжайинларига чақмоқчимисан?

Қизиқ, бу нарса Анварнинг хаёлига ҳам келмаганди. У тўсатдан кўнглида бир енгиллик ҳис этди-ю, яна айтмаслиги керак бўлган фикрни айтиб юборди:

— Хотиржам бўл, хоинликни ёмон кўраман. Лекин ўзинг қанотинг чиқмасидан туриб узоққа учмоқчисан, бола! Эҳтиёт бўл, шўнғиб кетмагин тағин.

Кенг йўлакда яна Алимардоннинг ғолиб кулгиси янгради.

— Айтавер, қўрқадиган жойим йўқ. Телевизорга чиқмасам, бир ерим камайиб қолмайди. Аллақачон эстрадага ишга кирганман.

Анварнинг қулоқлари шанғиллай бошлади. Унинг охирги гапларини эшитмай, бурилиб кетаверди. У ўзини босиб ололмас, ҳадеб титрарди.

* * *

Ёзга чиқиб Алимардон ишни катта қилиб юборди. Отабобосидан қолган пахса деворли бир уй, бир айвонни буздириб, янги саккиз хонали, олди ойнабанд айвонли уй солдирди. Пул бўлса чангалда шўрва, деб бежиз айтишмаган экан. Ўша пастак, эски эшикни олдириб ташлаб, ўрнига яхши ният билан машина кирадиган дарвоза қурдирди. Баҳорда Анвар унга "бир куни шўнғиб кетасан", деганда янглишган экан. Алимардон пастга эмас, кун сайин юқорига парвоз эта бошлади. Толе унинг олдида ҳамма гулшанларнинг дарвозасини баравар очиб юборди. Энди Алимардон Тўраевнинг номи кунора радиода янграр, телевизор экранида қошини хиёл чимириб, жилмайиб турган чиройли чеҳраси тез-тез кўриниб қолар, дилрабо овози билан одамларнинг юрагини ларзага солар, ҳар бир уйнинг деразасидан унинг тиниқ овози эшитилар, магнитофон лентaлари Алимардоннинг қўшиқлари билан тўлиб кетган эди. Одамлар бир-бирини: "Юринг, фалончининг тўйига Алимардон Тўраев ке-

www.ziyouz46om kutubxonasi

лармиш", деб шоширишар эди. Ҳа, у камолот поғоналаридан тез, ишонч билан кўтарилиб борарди.

Бугун концерт йўқлиги учун Алимардон уйда қолди. Кун бўйи ўз хонасидан чиқмай янги қўшиқ машқ қилди.

Режиссёр, томошабинлар олдида ўзингизни яхши тутолмайсиз, деб койинганидан буён у тошойна қаршисида туриб, ашула айтишни қайта-қайта ўрганар эди. Ҳозир ҳам худди саҳнага чиққандек енгил одимлар билан юриб, бурчакдаги тошойна олдига келди. Кўзгудаги ўз аксига қараб оҳиста таъзим қилди-да, майин жилмайиб қўйди. Кейинги ойларда у тўлишган, салобатли бўлиб қолган, кўзларида бахтиёрлик нури барқ уриб турарди.

Уйнинг яқиндагина сирланган, бўёқ иси анқиб турган шифти остида тор садолари титраб кетди. Алимардон торни завқ билан берилиб-берилиб черта бошлади, бармоқлари пардалар устида кўз илғамас илдамлик билан кўчар, гўё куй ўз-ўзидан қуюлиб келарди. Яна бир лаҳзадан кейин тор садоларига унинг ширали овози уланиб кетди:

Дарё тўлқин, сувлар тошқин, ўтолмасман...
Отим ориқ, манзилимга етолмасман...
Оттинамни ориқ қилган шу сойнинг тоши,
Рангинамни сариқ қилган ул қалам қоши...

Алимардон қадим замонлардан буён халқ тилидан тушмай келаётган бу сатрларда ўзгача бир жозиба, яширин, иболи туйғулар борлигини дарҳол пайқаб олган, ўзи басталаётган куйда мана шу покиза туйғулар бутун гўзаллиги билан ярқ этиб кўринишини хоҳлар, юрак-юракдан тўлқинланиб айтарди:

Рангинамни сариқ қилган ул қалам қоши...

У ҳамон торни чертаркан, орқа томондан Муқаддам келганини пайқади. Аммо чалишдан тўхтамади. Ниҳоят, қўшиқ тугади.

— Нима гап? — деди Алимардон Муқаддамнинг ўзига эмас, ойнадаги аксига қараб.

Муқаддам озиб, қорайиб кетган эди. Алимардон унинг елкалари осилиб тушган қўйлагига, ичига чўккан кўзларига бир лаҳза тикилиб қолди. Баҳорда Муқаддамнинг боласи тушган, ўшандан буён кўзларидан ана шундай маъюс бир ифода аримайдиган, камгап, ғамгин бўлиб қолганди. Аммо Муқаддам ҳар қанча ташвиш чекмасин, Алимардон парво

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам қилмасди. Нима қилибди? Фарзанд билан давлат — қўлнинг кири. Келаверади ҳам, кетаверади ҳам. Ишдан қолмаслик керак.

— Нима дейсан? — Алимардон кескин бурилиб қаради-ю, хотинининг лаблари пиширай бошлаганидан, қўпол гапириб юборганини сезди. — Халақит бермагин-да, — деди майинроқ қилиб.

Муқаддам эридан кўз узмай туриб ютинди. Чамаси, бир амаллаб ўзини босиб олди шекилли, бўғиқ оҳангда, шивирлагудек бўлиб гапирди:

— Овқат совиб қолди.

— Ҳозир, ҳозир, — деди Алимардон бетоқат бўлгандек шошилиб.

Муқаддам индамасдан бурилиб кетди. Унинг шиппаги айвонда шап-шап қилиб турди-да, нариги хонанинг эшиги очилгани эшитилди. Алимардон тағин торни қўлига олди. Ҳамма нарсани унутиб, қўшиқни қайтадан бошлади.

* * *

Алимардон участкасини даранглатиб битириб олди. Қовун пўчоқ ерга тушди. Заъфарон қанотларини унсиз силкитиб яна куз кирди. Кўчалар устида чинорларнинг йирик-йирик япроқлари капалакдай парпиради. Оқшомлари йўлкалар четида ёқилган хазоннинг юпқа тутуни ҳавода узоқ кезиб юрадиган бўлди, боғлар, хиёбонлар жимиб қолди. Шаҳарликларнинг кўпи теримга — ҳашарга жўнаб кетгани учун Тошкент хийла осуда, трамвайларда одам сийрак.

Алимардон трамвайдан тушди-да, Эстрада театри томонга енгил, дадил қадамлар билан юриб кетди. Қуёш эндигина ботган, концерт бошланай деб турар эди. У оёғи остида қирсиллаган хазонларни босиб-янчиб бораркан, театр биносининг олдидаги ойнабанд тахта қаршисида бир зум тўхтаб ўтди. Каттакон, рангли афишада бугун концерт берадиган артистларнинг номи ёзилган эди. У ўз исмини топди. Унинг номи артистларнинг энг охирига майда ҳарфлар билан тиркаб қўйилган эди.

Алимардон лабларини қимтиб ютинди. Касса олдида уймаланишган одамларга бир қаради-да, яна ўшандай енгил қадамлар билан театр биносини айланиб ўта бошлади.

Ёш чинор дарахтлари қалин хазон тўккан кичкинагина боғчадан ўтиб, театрнинг орқа эшигидан ичкари кирди. Шошилмасдан цемент зиналардан кўтарилди. Йўлаклар

www.ziyouz.com kutubxonasi

нимқоронғи, залдаги ҳашамлар бу ерда кўринмас, деворлар зах эди. Қаердадир доира тараклар, пианино товуши эшитилиб турарди.

"Репетиция қилишяпти", деб ўйлади у саҳна томонга юриб бораркан. Яна бир йўлакдан ўтиб, ёнбошдаги эшикни тақиллатди. Ичкаридан йўғон, босиқи овоз эшитилди:

— Киринг!

Алимардон овоз эгасини таниди: "Зуфар Ходиевич! Ҳозир уришади!"

У эшикни шахт билан очди. Жажжигина хона биллур қандилдан ёғилаётган нурга тўлган, деворлардаги кекса артистларнинг суратлари солинган рамкалар ойнаси ярақлаб турарди.

Зуфар Ходиевич каттакон стол орқасида креслога оғир гавдаси билан чўкиб ўтирар, сигарет тутатар, оппоқ, сийрак сочлари чироқ нурида ялтилларди. Унинг хиёл очиқ лабларидан оғзидаги уч-тўрт тилла тиши кўриниб турар, чеҳрасида чарчоқ бир ифода бор эди.

— Яна кеч қолдингизми? — Зуфар Ходиевич кафти билан тамаки тутунини ҳайдаб қойиди. — Шу одатингизни қачон ташлайсиз?

Алимардон индамай тураверди. У театр бадиий раҳбарининг қаттиққўллигини, унга гап қайтармаслик кераклигини билар, аммо унинг ёшларни яхши кўришидан ҳам хабардор эди. У Алимардонни ишга олаётганда ҳамма шароитни яратиб беришга, гастролларга олиб чиқишга ваъда берган эди. Чиндан ҳам ваъдасини бажарди. Алимардон ёз бўйи республиканинг ҳамма вилоятларига бориб келди...

У тағин нима деркин, деган хаёлда Зуфар Ходиевичдан кўз узмай тураверди.

— Гримхонага кирмайсизми? — деди Зуфар Ходиевич тағин ўша қойиган оҳангда.

Алимардон ҳеч нима демай, кескин бурилди-да, чиқиб кетди.

У саҳна чеккасига суриб қўйилган парда олдига борганида концерт қизиб кетган эди. Яна иккита номердан кейин конферансье қиз шошилиб келиб, унинг қулоғига шипшиди: "Тайёрмисиз? Чиқинг!" У Алимардоннинг жавобини ҳам кутмай, саҳна ўртасига бориб эълон қилди:

— Навбат ёш артист Алимардон Тўраевга!

Гулдурос қарсаклар зални титратиб юборди. Унинг назарида одамлар қўшиқнинг номини эшитишга ҳам тоқат қил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

май, ўзини кўришга ошиқардилар. Алимардон енгил, ишончли қадамлар билан саҳна ўртасига — микрофон олдига етиб борди. Ҳамон ҳавони қарсаклар титратар, у юриб эмас, мана шу қарсаклар қанотида учиб саҳнага чиққандек эди. Алимардон бир вақтлар саҳнада қай ҳолатда кўринишни орзу қилган бўлса, ҳозир худди ўша ҳолатда эди. У чуст дўппи, қора костюм-шим кийиб олган, нейлон кўйлагининг крахмалланган ёқаси тагида чиройли ялтироқ галстук ёниб турарди. У бир вақтлар телестудияда илк бор қўлига ушлаб томоша қилганидан ҳам яхшироқ тор кўтариб турарди.

Алимардон қошини бир оз чимириб жилмайди-да, оҳиста таъзим қилди. Зал яна гувуллаб кетди. Торнинг жозибадор янгроқ садолари кунгурадор шифтларга урила бошлагач, зал секин-секин тинчиб қолди. Алимардон ўзи бастала-ган янги қўшиқни айта бошлади. Чеҳрасида ҳамон ўша табассум билан завқланиб, юрак-юракдан эриб айтди.

Қўшиқ тугаши билан зал яна денгиз тўлқинидай гувул-лаб кетди. Алимардон оҳиста бурилиб кетаркан, тағин бир марта таъзим қилди. Аммо зал тинчиш ўрнига баттар тўлқин-ланиб, одамлар ўрнидан туриб кетди. Конферансье қиз уни қўлидан енгилгина тортиб, яна микрофон олдига етаклаб борди.

— "Йигит қўшиғи!" — деди у жарангдор овозда.

Зал сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Алимардон яна ўша табассум билан, яна ўша завқ билан куйлади.

Қўшиқ охирлаши билан шифтлар тағин ларзага келди. У бу сафар чуқур таъзим этди-да, парда орқасига ўтиб кетди.

Конферансье навбатдаги артистлар номини эълон қила бошлаган эди, томошабинлар гувуллаб, тартибсиз қарсак чалиб юборишди. Зум ўтмай қарсаклар бир меъёрда такрор-ланувчи гурс-гурс этган овозга айланиб кетди. Одамлар нав-батда чиқаётган созандаларнинг пешанасига мих қоқаётган-дай баравар қарсак чалишар, Алимардоннинг ўзини талаб қилишарди.

Алимардон ҳаяжонланиб кетди. Конферансьенинг эълон қилишини ҳам кутмай, тез-тез юриб саҳнага чиқиб борди. Залга эмас, сутдек оқиш нур тўкиб турган қандилларга қараб янги қўшиқ бошлади.

У олқишлар остида саҳна четига чиқиши билан Зуфар Ходиевичнинг ғазабдан чақнаган кўзларига тўқнаш келди.

— Инсоф борми сизда? Санъаткорлик одоби борми?

Алимардон индамади. Унинг кўзларига дангал тикилиб туриб, масхарали кулиб қўйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Зуфар Ходиевич ўзини босиб ололмас, Алимардон бемалол жилмаяр, пастда эса зал ҳамон гувуллар, Алимардонни талаб қилиб қий-чув кўтарарди.

Алимардон мана шу саҳна тез кунда бутунлай ўзиники, ёлғиз ўзиники бўлиб қолишини ҳозир аниқ билди.

* * *

Алимардон саҳна чеккасида, оғир зангори бахмал пардани-нг тирқишидан зални кузатиб турарди. У ҳар сафар саҳнага чиқишдан олдин шунақа — бир чеккада туриб зални томоша қилади, кўнгли шодон туйғуларга лиммо-лим тўлиб кетади.

Залдаги каттакон қандил ҳали ўчмаган, томошабинлар қаторлар ўртасидаги йўлакдан шоша-пиша ўтиб, ўз ўринларини қидиришарди, ҳали очилмаган саҳна томонга орзиқиб қараб-қараб қўйишарди. Улар ҳар хил: ёш, қари, эркак, аёл... Қандайдир бир ярим-икки йил ичида бутун Ўзбекистонни ҳайратга солиб қўйган Алимардон Тўраевни кўришга, дилдор овозини эшитишга узоқ-яқиндан келган одамлар шулар.

Алимардон мийиғида кулиб қўйди. Ҳа, у шод эди! У чиндан ҳам бутун Ўзбекистонни забт этганини билар, билган сайин қувонарди. Одамлар бутунлай маҳлиё бўлиб қолганга ўхшарди. Унинг концертига энг чекка қишлоқлардан келишар, икки ҳафта илгари олиб қўйилмаса билетлар топилмас, шунда томошабинлар ҳар бир паттани ўн баробар баҳосига бўлса ҳам олиб тушишарди.

Алимардон ўзининг нима учун бунчалик тез танилиб кетганлигини билади. У одамларнинг юрагини қитиқлаш сирларини ўрганиб олди. Қўшиқдаги ҳар бир янги оҳанг томошабиннинг завқини тошириб юборишини, ҳар бир ҳаракат олам-олам олқиш ҳадя этиши аниқлигини тушуниб қолди. Ўзи басталаётган куйларда қувонч билан изтироб, муҳаббат билан садоқат — ҳамма-ҳаммасини мужассам этишга уринди. Ҳар бир ашулада ҳеч қачон такрорланмас оҳанг бўлиши, қўшиқларининг ҳар бир сўзи тингловчининг юрак-юрагига етиб бориши учун ҳаракат қилди. Шу туфайли шинавандалар уни эҳтирос билан олқишлайдиган бўлдилар.

Алимардон тўйларга ҳам кўп қатнайди, аммо арзон-гаровга эмас.

Залда гулдурос қарсаклар янгради. Алимардон яна парда тирқишидан мўралади. Олдинги қаторлар лиқ тўлган, орқа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

роқда эса жойини тополмаган томошабинлар зир югуришар эди. У соатига қараб қўйди. Томоша бошланишига беш минут қолган. У бурилиб кетаётганида яна зал гувуллай бошлади.

Мана, икки йилдирки, Алимардон шу қарсаклар ҳавосида учиб юрибди. У худди ойга ўхшарди. Кун сайин тиниқлашиб, кун сайин ёрқинлашиб, баландлаб борарди. Унинг силлиқ таралган сочи устидан чуст дўппи кийиб, қошини хиёл чимириб, табассум қилиб турган сурати аллақачон ҳаммага таниш бўлиб қолган, афишаларга номи ўқлоғидай ҳарфлар билан ёзилиб чиқар эди.

У пардозхонага кириб, ўзини яна бир марта кўзгуга солди-да, торини кўтариб қайтиб чиқди.

Саҳна пардаси секин-секин очила бошлади. Залдаги катта қандил ўчди. Чекка-чеккадаги эшиклар устида ёниб турган қизил чироқларгина қолди.

Конферансье эълон қилгандан кейин Алимардон саҳнага чиқди. Кунгурадор шифтлар қарсак садоларидан титраб кетди, бутун зал ҳаяжондан ларзага келди. Алимардон ҳар тарафга қараб таъзим қилди. Олқишлар яна ҳам кучайиб кетди. Шу кўйи беш минуттача тўхтамади.

Алимардон торини кўксига босиб, томошабинларга зимдан қараб қўйди. Ғира-ширада ҳаяжондан қизарган чеҳралар кўринади, орқа қатордагилар ўрнидан туриб кетган, ҳамма баравар чапак чалади.

Тор садолари юракларни зириллатиб тилга кирганидан кейингина зал секин-секин тинчий бошлади. Ўша ондаёқ Алимардоннинг тиниқ овози осуда парвоз этди:

...Рангинамни сариқ қилган ул қалам қоши...

У кўзларини хиёл юмиб олганча қўшиқни завқ билан айтди. Ашула тугамасиданоқ зал титраб кетди. Унинг саҳнадан жилишига ҳеч йўл қўймасдилар.

Концерт охирлаб қолганида у чарчади. Боши қизиб, тор симлари узра сурилган бармоқлари зирқирай бошлади. Аммо иккинчи бўлим тамом бўлгунича ҳам ҳеч кимга гап бермади. Бисотидаги янги қўшиқларнинг ҳаммасини айтди. Унинг дилрабо овозида гоҳ васл қувончи янграр, гоҳ ҳижрон изтироблари инграр, гоҳ шодон ҳазил оҳанглари мавжланарди.

Ниҳоят, конферансье концерт тамом бўлганини эълон қилди. У томошабинлар билан хайрлашиш учун саҳнага чиққанида ҳаммаёқ яна денгиз тошқинидай гувуллаб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саҳна четидаги зинадан гулдаста кўтарган қатор одамлар чиқиб келишарди. Энг аввал унинг олдига каттакон гулдаста кўтарган чиройли жувон етиб келди. Алимардонни қучоқлаб, қўлига гул тутқазди. Шу ондаёқ у чаккасида аёлнинг титроқ иссиқ лабларини туйди. Димоғига аллақандай хушбўй атир иси гупиллаб урилди.

Алимардон қайрилиб қарагунча, бошқа одамлар уни ўраб олди. У қучоғига тўлиб, кўз ўнгини тўсиб қолган гулларни қаерга қўйишини билмас, шу топда оёғининг тагигача гулга тўлиб кетган эди.

Парда ёпилганидан кейин гулларни конферансье қизга топширди-да, нимқоронғи, тор йўлакдан ўтиб ҳовлига чиқди. Галстугини ечиб, чўнтагига солди-да, ёқасидаги тугмаларини туширириб, намхуш куз ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди.

Асфальт йўлкалар қорайиб қолганини, шивалаб ёмғир ёғаётганини шундагина билди.

Пошналари билан қоронғи сукунатни чарсиллатиб титратганча йўлкадан ўтиб, боғ чеккасидаги темир панжара олдига келди. Панжаранинг пастак эшикчасини очиб, ичкари кирди-да, "Волга"сининг моторини гуруллатди.

Алимардон машина ҳайдашни мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ амакисидан ўрганиб олган эди. Ўшанда ғалати ишлар бўлганди.

Бир йили колхоз раиси, бошида эри йўқ, деб унинг онасини анҳор ёқасидаги катта боққа қоровул қилиб қўйди. Ўша йили узум яхши бўлди. Ёзда Алимардон ҳар кеча катта боғда ётиб қоларди. Бир кеча чайлада ухлаб ётганида амакиси уйғотди: "Дарвоза ёнида машина турипти. Узумларнинг яхши-яхшисидан танлаб уз..." — деди. Алимардон энди оғиз очмоқчи эди, амакиси гапиртирмади: "Айтганимни қилавергин, машина ҳайдашни ўргатаман". Икковлари қўлчироқ ёқиб, ишкомга киришди. Амакиси машинани ҳайдаб кетар экан, тайинлади: "Ҳеч кимга айтма. Велосипед олиб бераман!"

Ўша кундан бошлаб Алимардоннинг иши юришиб кетди. У онаси уйда қолган кечалари амакиси билан ишком оралаб, кундузлари "ГАЗ-51"нинг кабинасидан чиқмайдиган бўлди.

Ўша йил кузда у еттинчи синфга соат тақиб, велосипед миниб борадиган бўлди.

Келгуси йил ёзида Алимардоннинг яна омади келди. Аммо энди у пишиқ бўлиб қолган эди. Амакисидан узум ҳақининг ярмисини талаб қиладиган бўлди. Ҳамма иш сил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лиқ бораётган эди-ю, кузда лоп этиб амакиси қамалиб кетди. Алимардон амакисининг шалтоғига ўзи ҳам тойиб кетишидан қўрқарди. Хайрият, ҳеч нима қилмади. Лекин энди уларни катта боққа яқин йўлатмай қўйишди. Қизиқ, амакиси ўн йилга қамалганини эшитганида ачинмади ҳам. Баҳонада ўзининг бир нималик бўлиб қолгани, машина ҳайдашни ўрганиб олганига суюнди.

Яқинда "Волга" сотиб олганида, ўшанда машина ҳайдашни ўрганиб қўйгани яна қўл келди. Наридан-бери ҳайдовчилик курсини битириб, гувоҳномалик бўлиб олди. У янги уйланганида Муқаддамни қанчалик яхши кўрган бўлса, энди машинасини ҳам шунчалик суярди. Ҳозир ҳам фараларнинг ёркин нурида асфальт йўлкани ёритиб, машинани авайлаб катта кўчага олиб чиқди. Театрдан қайтаётган томошабинлар тўдасини ёриб ўтиб, шиддат билан елиб кетди.

Муюлишга етганда икки қаватли уй олдида турган оқиш "Волга"ни кўрди. Машинанинг эшиги очилиб, оқ халат кийган киши тушди-да, кафти билан чироқдан кўзини пана қилиб чекинди. "Тез ёрдам" экан, деб ўйлади Алимардон йўлдан кўз узмай бораркан. Бир лаҳзада четлаб ўтишни ўйлади-ю, шу ондаёқ фикридан қайтди. Тезликни пасайтирмасдан елиб бораверди. Иккала машина ёнма-ён келганида йўл ўртасидаги ҳалқоб сув сачраб кетди. Алимардон "Тез ёрдам"га ёпишиб турган кишининг халати расво бўлганини, орқадан қўл силтаб алланима деб қойиганини кўриб қолди. Лекин парво қилмади. "Жон керак бўлса четроқ турсин-да!"

* * *

Анвар Бўстонга қандай келиб қолганини ўзи тушунмасди. Ким билсин, балки ўтмиш хотиралари билан хайрлашиш учундир...

Қоронғи тушиб қолган, ҳаво булут, юракни қон қилиб юборувчи куз ёмғири бошланай-бошланай деб турарди. У қишлоқ кўчаларидан ўтиб бораркан, ҳаммаёқ ўзгариб кетганини кўрди. Аввалги эгри-бугри тор кўчалар ўрнида янги асфальт йўл очилган, қатор-қатор симёғочлар чўзилиб кетган эди. Негадир унга қишлоқнинг анча ўзгариб қолган янги манзараси ёқмади. Аввалги боғ-роғларнинг кўпи йўқ бўлиб кетибди. Кишининг нафасини қайтарувчи шаҳар ҳавоси сезилиб қолибди. Бир пайтлар ўзининг болалиги ўтган ҳовли ўрнида тўрт қаватли уй қурилибди. Ёнғоқзор йўқолиб кетибди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У кўча четидан секин-секин юриб бораркан ҳозир Муқаддамни кўришини билар, аммо қай ҳолатда учратишни, ўзини кўрганда унинг қандай аҳволга тушишини тасаввур эта олмас эди.

Ҳар одамда ҳам бошқа ҳеч кимда топилмайдиган бирон фазилат бўларкан. У Эътибордан — ўша онаси кўп эслайдиган қиздан Муқаддамда йўқ бир фазилатни топди. Эътибор Ядро институтида ишлар, ўзининг жиддийлиги, оқила қиз эканлиги билан Анварга ёққан эди. Анвар бу қиз ўзини яхши кўриб қолганини билар, аммо ўзи уни севадими, йўқми, билолмас эди... Бари бир, энди ҳамма нарса ҳал бўлган, ортиқча иккиланиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди.

У хаёл билан Алимардоннинг эшигига келиб қолди. Алимардон янги уй солганини эшитган, аммо бунчалик деб ўйламаган эди. Пишиқ ғиштдан болохонадор қилиб солинган каттакон уй қаддини баланд тутиб турар, деразаларига темир панжаралар тўсилган эди.

Анвар пештоқида чироқ ёниб турган жимжимадор дарвоза олдига етганида, бирдан юраги гупиллаб кетди. Шундагина кўнглининг бир чеккасида кул босиб ётган чўғ ҳамон ўчмаганини, бу ерга бекор келганини англади. Аммо ички бир куч — Муқаддамни кўриш орзусими, бошқа бир нарсами, мажбур этди-ю, эшикни тақиллата бошлади. Кейин дарвоза чеккасида оппоқ тугмача турганини кўриб қолди-да, хижолатдан эсанкираб тугмачани босди.

Ичкаридан калишнинг шап-шап этган товуши дарвозага яқинлашди. Зум ўтмай аёл кишининг товуши эшитилди.

— Мардон ака...

"Муқаддам!" — Анвар юрагининг аллақаерида нозик бир тор жаранглаб кетганини сезди. "Нега келдим? Майна бўлганими? Ё мақтангани, қасос олганими?"

У томоғи қуриб, ютинолмай қолганини, лаблари ўз-ўзидан пирпирай бошлаганини пайқади-ю, қатъий пичирлади:

— Кетиш керак!

Йўқ, у кечикканди. Дарвоза ичига ўрнатилган эшик ғийқиллаб очилди.

— Вой!

Анвар Муқаддамнинг бирдан чўчиб кетганини, ҳуркиб бошини ичкари тортганини кўрди. Иккови бир-бирларига тикилиб қолишди. Анвар бир қарашдаёқ унинг ранги ўчиб кетганини, эшик тутқичидан ушлаб турган қўли титраганини сезди. Шундан кейингина унинг анча ориқлаб, қорайиб қолганини, кўзларида аввалги шодлик учқунлари йўқлиги-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни пайқади. Муқаддам бошига капрон рўмол ташлаб, гулдор халат кийиб олибди.

Чамаси, у Анвардан кўра илгарироқ ўзига келди. Юзига илиқ бир қизиллик югурди-да, жилмайиб салом берди.

— Келинг.

У эшикни ланг очиб, икки қадам орқага чекинди.

— Келинг, — деди яна секингина.

Шу топда Анварнинг кўзи унинг тугмалари очиқ халатига тушди. "Иккиқат экан!"

Қизиқ, Анвар ўзида ҳали ҳеч сезилмаган ажиб бир енгиллик ҳис этди. Бу одам ўзига бутунлай бегона эканлигини, керак ҳам эмаслигини бутун вужуди билан бирданига тушунди-ю, қалбида ҳозиргина қайта ловиллаган ўт тўсатдан сўнди. У қандайдир лоқайд, хотиржам бўлиб қолди.

— Алимардон қаерда? — деди босиқ овоз билан.

Муқаддам ҳам унинг кўнглидан кечганларнинг ҳаммасини бирдан тушунди шекилли, яна жилмайди. Бу табассум севгили кишисига эмас, кўпроқ сингилнинг акасига қарашидай эркин, сокин эди.

— Концертда эдилар...

— Шанба куни тўйга боринглар.

Анвар Муқаддамнинг чеҳрасида бир лаҳза ғам соясига ўхшаш аллақандай ҳайрат пайдо бўла бошлаганини пайқаб олди. Аммо шу ондаёқ у яна жилмайди.

— Табриклайман...

Анвар бу ерда узоқ турмаслиги кераклигини билиб, тезгина хайрлашди-да, жўнаб қолди. У Муқаддам орқасидан тикилиб турганини билар, шунинг учун қайрилиб қарамас эди. Анчадан кейин эшикнинг тарақлаб ёпилганини эшитиб, ўгирилиб қаради. Остона бўм-бўш эди.

— Иккиқат экан... — у юрагининг ярасига малҳам топилганидан шод бўлгандек, яна бир бор пичирлади.

Шивалаб ёмғир ёға бошлади. Ҳавода тупроқ иси гуркиради. У Қонқус бўйига келганда ёмғир тезлашиб кетди. Қишлоқ ўзгача тус олган бўлса ҳам анҳор ўзгармабди. Қирғоқда ҳамон ўшандай қамишзор шовуллаб ётар, сув ҳамон жимгина оқар эди. Анҳор бўйидаги толлар ҳам жойида турибди. Фақат биттасининг каттакон шохи синиб тушиб, бир учи сувга осилиб қолибди. Тўлқинлар ғира-шира зулмат қўйнида тол шохларига урилиб шовуллайди, ёмғир томчилари анҳорга унсиз шивиллаб тушади.

Анвар ёмғирдан сирғанчиқ бўлиб кетган яккачўп устида анчагача сувга тикилиб турди-да, авайлаб юриб, нариги

www.ziyouz.com kutubxonasi

соҳилга ўтиб олди. Охирги марта анҳорга қараб қўйди-да, тез-тез юриб кетди.

* * *

Алимардон таъби тирриқ бўлиб келди. Машинасини ҳовлига олиб кирди-да, ўртадаги цемент майдончада тўхтатиб, ерга тушди. Ёзлик шийпон пештоқидаги чироқни ёқди. Резинка ичакни водопровод жўмрагига улаб, машинани ювa бошлади.

Ёмғир шивалаб ёғар, уст-боши шалаббо бўлиб кетган, нафаси қисар, аммо ўжарлик билан резинка ичакни қўйиб юбормасди.

— Лоақал пальто кийиб олсангиз-чи, шамоллаб қоласиз!

Алимардон хотинининг товушини эшитиб, бурилиб қаради. Муқаддам бир тавақаси очилган дераза олдида эрига ачиниб қараб турарди. У ўтган сафар қўрқиб қолгани учунми, энди бўйида бўлганидан бери ўзини айниқса эҳтиёт қилар, ишдан ҳам бўшаган эди.

— Пальтонгизни олиб чиқайми? — деди у ҳамон дераздан қараб туркан.

— Керакмас! — Алимардон резинка ичакнинг учини қаттиқ қисди. Сув тизиллаб отилиб, машина эшигига ёпишган лойни ювиб туша бошлади.

Дераза тавақаси оҳиста ёпилди.

— Билганини қилмайдими! — пичирлади Муқаддам ўкинч билан. У диванга бориб ўтирди-да, чала қолган каштасини тика бошлади. У ўзини алаҳситишга, кўнглидаги ғам соясини ҳайдашга ҳаракат қиларди.

Мана, тўйдан буён икки йил ўтибдики, шу азоб. Алимардон ҳамиша у айтганининг тескарисини қилади. Бир оғиз ортиқча гапириб кўрсин-чи! Ўша қиш кечасида айтган гапини қайтаролмайди дейсизми?

Нима қилсин? Дардини кимга айтсин? Отасигами? Ё онасигами? "Ўзинг кўнгил қўйиб текқансан", дейишмайдими?

У баҳорда боласи тушганидан кейин жуда чўкиб қолган эди. Йўқ, хайрият, толе яна фарзанд ато қилди. Фақат эрининг инсофга келмагани ўртайди Муқаддамни. Бугун Анвар келиб кетганидан кейин Мардон акасининг силтаб-силтаб гапириши нимагадир яна оғирроқ ботди унга...

...Алимардон машинасини гаражга киритиб қўйгунча ярим кечадан ошиб кетди. У ваннага тушди. Шалаббо бўлиб кетган кийимларини алмаштирди-да, ўз хонасига кирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Деворга қимматбаҳо гиламлар қоқилган, шифтдаги каттакон биллур қандил уй ичини мунис, эркаловчи нурларга тўлдирган эди.

Алимардон дераза олдида турган рояль қопқоғини очиб, чала бошлади. Машҳур "Оққуш кўли" балетининг жўшқин оҳанглари хонани тўлдириб юборди. Алимардон ундан ҳар гал янги оҳанг топар, куйининг сеҳрли оламига кириб кетарди.

Бир маҳал у эшик очилганини кўриб, ёнламаси бурилиб қаради. Эшик олдида Муқаддам турар, афтидан, бир нима демоқчи бўлар, аммо эрига халақит беришдан чўчир эди.

— Нима гап? — деди Алимардон ниҳоят нотадан бош кўтариб.

— Ўртоғингиз келди...

Алимардон киприкларини пирпиратди:

— Ким?

Муқаддам бир нафас жим қолди-да, секингина айтди:

— Анвар.

— Ки-и-им? — деди Алимардон чўзиб. Кўзлари чақнаб кетди. Муқаддам индамай тураверди.

— Нима хизматлари бор экан?! — деди Алимардон жеркиб.

— Тўй қилаётган эмиш. — Муқаддам эрига хотиржам тикилиб туриб қўшиб қўйди: — Шанба куни...

Алимардон унинг кимга уйланаётганини билгиси келди-ю, сўрамади. "Менга нима?!" У Муқаддамнинг билинар-билинмас доғлар пайдо бўлган чеҳрасидан маъно уқмоқчи бўлгандай кўзига қараб туриб сўради:

— Қачон келди?

— Ҳали, — деди Муқаддам яна ўша оҳангда.

Алимардон индамасдан рояль устига эгилди. Энди чала бошлаган эди, хотинининг нозик кафти елкасига тегканини сезиб тўхтади.

— Борасизми? — Муқаддамнинг қайноқ нафаси унинг қулоғи остида пичирлади. — Тайинлаб кетди. — Муқаддам унинг сочларини бармоқлари орасига олиб силади. Чамаси, у бугун эрининг ўзига меҳрибонроқ бўлишини айниқса хоҳлар, бу нарса жуда муҳимдек туюларди.

Аммо Алимардон унинг қўлини силтаб туширди.

— Кўп суйкалаверма!

Муқаддамнинг хўрлиги келиб, кўзида ёш ҳалқаланди. "Нега ҳадеб жеркийди? Нимага хор қилади? Ахир у ҳам умид билан уйим-жойим деб юрибди-ку!"

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муқаддам эрининг атайлаб шундай қилаётганини пайқади-да, бир амаллаб кўз ёшини ютиб юборди. Шунча пайтлардан буён юрагининг қайси бир кўчасида яшириниб ётган қайсар ғазаб туйғуси лоп этиб юзага чиқди.

— Нимага силтайсиз?! — деди лаблари пирпираб.

Алимардон нотадан кўз узиб қаради-да, унинг гапини эшитмагандай эрмак қилиб кулди.

— Анвар акангизни меҳмон ҳам қилдингизми?

Муқаддам ғазабдан титраб пичирлади:

— Ҳа! Қилдим!

Алимардон боягидан ҳам ёйилиб кулди.

— Йиғлаб кўришгандирсизлар?.. Бир вақтлар яхши кўрардингиз... Соғиниб қолгансиз...

Муқаддам унинг юзига тарсаки қўйиб юборгиси келди-ю, зўр-базўр ўзини тийди. Алам билан ер тепиб чинқирди.

— Бўлди!

У жаҳдан оёқ-қўллари қалтираб, эрининг тепасида турар, бошқа пайт бўлса йиғлаб юборган бўлар, лекин кўз ёши ҳам, ўкинчи ҳам аллақаёққа йўқолган, унинг кўнглида фақат ғазаб қолган эди.

— Ҳаммани ўзингизга ўхшатманг! — деди кўзлари ёниб.

Алимардоннинг ранги бир оқарди-ю, аммо яна ўша эрмак қилувчи кулги билан ўзини юпатди.

— Майли, бораман, ўша қўймижоз акангизнинг тўйига... Сизнинг ҳам кўнглингиз қолмасин...

Муқаддам ижирғаниб юзини бурди.

— Борманг! Ҳеч ким сизга зор эмас!

Алимардон стулдан секин турди-да, унинг худди қулоғи тагида таъкидлади:

— Мана шунинг учун ҳам бораман. Албатта, бораман!

Муқаддам қайрилиб ҳам қарамай, эшикни қарсиллатиб ёпиб, айвонга чиқди. Ҳамон ёмғир шивалаб ёғар, ҳовлидаги ёнғоқлар, ўртадаги шийпон захкаш зулмат қўйнида мунғайиб кўринар эди.

Муқаддам айвон деразасининг муздек қиррадор рахига пешанасини босди. Шу топда унинг кўнглида умид ҳам, қувонч ҳам қолмаган. Алимардон билан ўзининг ўртасида каттакон жарлик ётганини, бу жарлик кун сайин чуқурлашиб бораётганини сезиб турарди.

* * *

Концерт кеч тамом бўлди. Алимардон ҳар галгидай бу сафар ҳам буфетга кириб коньяк ичди. У фойега чиққанида

www.ziyouz.com kutubxonasi

ярим кеча бўлиб қолган, театрнинг чироқлари ўча бошлаган эди. У ташқарига чиқиб кетаётган эди, гардеробхонада бир аёл тикилиб турганини сезиб тўхтади. Катта қандиллар ўчгани учун фойе нимқоронғи, ҳеч ким йўқ эди. "Ким экан бу?"

Аёл илгакка осиқлик ёмғирпўшини олмоқчи бўлар, аммо бўйи етмас, оёғининг учида чўзилиб талпинарди. У Алимардонга бурилиб қаради-да, кўмак кутгандай жилмайиб қўйди. Алимардон бу тиниқ чеҳрани, бу илиқ табассумни қаердадир кўргандек бўлди-ю, аммо эслай олмади. "Дўндиқ экан!" Унинг юраги гурсиллаб уриб кетди. Аёл яна ёмғирпўшига талпинди-да, унга бурилиб жилмайганча уф тортиб қўйди.

"Атайлаб қиляпти. Гардеробчи аллақачон кетиб қолган. Бу атайлаб кечиккан". — Алимардоннинг хаёлига шу ўй келди-ю, тез-тез юриб аёлнинг ёнига борди.

— Олиб берайми?

— Майли... — аёл унга қараб тағин жилмайиб қўйди.

Алимардон ёмғирпўшни илгакдан чиқарди.

— Қани, қўлингизни узатиб юборинг...

Аёл ҳамон ўша табассум билан қўлини орқасига чўзди. Алимардон ёмғирпўшни кийгизди-да, бир лаҳза қўлларини унинг елкасига қўйиб, туриб қолди. Аёл ҳам унинг оғушидан чиқишни хоҳламагандай суяниб турганча тугмаларини қадар, негадир бармоқлари қалтирар эди.

"Барно қиз экан", деб ўйлади Алимардон унинг елкаси оша чеҳрасига назар ташлаб. Аёл чиндан ҳам барно эди. Жажжигина қабариқ лаблари, попукдай қош-кўзи ниҳоятда ўзига ярашган, чиройли қилиб турмакланган сочининг бир чети пешанасида ярим доира ясаб, орқага қайрилиб кетган эди.

— Кузатиб қўйсам майлими? — сўради Алимардон у билан ёнма-ён эшик томон юриб бораркан. — Бир ўзингиз... Кеч қолиб кетибсиз.

Аёл унга шўх бир назар ташлади-ю, индамади. Алимардон шу боқишданоқ унинг рози эканлигини билди. Иккови-ларининг қадам товуши паркетга урилиб, жимжит шифтлар остида акс-садо бериб турди-да, бора-бора тинди.

Ҳаво очилиб кетган, салқин шамол эсар, шундоққина телевидение минорасининг қир учида пуфакдай тўлин ой осилиб турарди.

— Бирпас туринг, мен... ҳозир... — Алимардон тез-тез юриб, театр биносини айланиб ўтди-да, машинаси турадиган темир панжара ичига кирди. Шоша-пиша чўнтагидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

калит олиб, машина эшигини очди. Моторни гуриллатиб, кўз очиб-юмгунча ташқарига чиқди.

Аёл фараларнинг ёрқин нурида кўзини пана қилиб четлашди. Алимардон ўтирган ерида чўзилиб, ўнг тарафдаги эшикни очди.

— Ўтиринг.

Аёл ёмғирпўшини шилдиратиб унинг ёнига ўтирди.

— Сизни қаердадир кўрганга ўхшайман, — деди Алимардон йўлдан кўз узмай бораркан.

— Сиз биздақаларни кўрармидингиз!

Алимардоннинг кўнглидаги умид ишончга айланиб, жилмайиб қўйди.

— Отингиз нима?

— Клара...

Алимардон катта кўчага чиқиб олиш учун машинани чапга бурган эди, Клара сурилиб келиб унга урилди. Шу қўйи қайта нари сурилмади. Алимардон баданига тегиб турган ёш, таранг вужудни сезиб, ҳаяжонланиб кетди, юраги орзиқа бошлади.

Шу топда кўчалар айниқса кезишли бўлган, милиционерлар мотоцикли-ю, сув сепадиган машиналардан бошқа ҳеч нима йўқ, икки қатор чироқлар маржони машина истиқболига югуриб келарди...

Хадрага етгандан кейингина қаёққа боришини сўраши кераклиги Алимардоннинг эсига келди.

— Қаёққа борасиз, Кларахон? — деди хотиржам оҳангда гапиришга уриниб.

— Чилонзор...

— Йўлимиз бир экан.

— Биламан.

Алимардон унга кўз қири билан қараб қўйди.

— Қаёқдан биласиз?

— Сизни билмаган одам борми? — Машина ичи ғирашира қоронғи бўлса ҳам Алимардон Кларанинг чиройли кўзларини сузиб қўйганини пайқади.

— Фақат сиз ҳеч кимни билмайсиз... — Клара бир лаҳза жим кетди-да, негадир армонли оҳангда кулди. — Ҳар сафар концертингизга тушаман. Берган гулларимни олисизу қайрилиб ҳам қарамайсиз.

Алимардон бирданига концертда ўзини ўпган аёлни эслади. "Ҳа, шу экан-да..." — У индамай кулиб қўя қолди.

Беш қаватли панелли уйлардан бирининг олдига етганда Клара секингина шипшиди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Чапга юрасиз...

Машина парча-парча ой нури сочилиб ётган йўлакдан дарахтлар орасига кириб тўхтади. Бир эшикдан Алимардон, наригисидан Клара тушди.

— Раҳмат, — Клара қўл чўзди.

Алимардон унинг чиройли, дўмбоқ қўлини авайлабгина қисаркан, вужудида тағин енгил титроқ уйғонганини сезди.

— Зинангиз қоронғи экан, — деди у қоп-қора оғзини ланг очиб турган йўлак эшигига қараб. — Чиққани қўрқмайсизми?

— Сизга бари бир эмасми? — Клара ҳамон унинг қўлини қўйиб юбормас, ойдинда чеҳраси бир оз рангсиз, аммо жозибали кўринарди. Алимардон унинг қўйиб юборгиси келмаётганини тушунди. Боядан бери хаёлида чарх ураётган фикр яна ғимирлади. "Беш кунлик дунёда хотинига хиёнат қилмаган эркак борми?"

Шартта қўлини бўшатиб, асабий ҳаракатлар билан машина эшигини қулфлади-да, қайтиб келиб, уни қўлтиқлади.

— Юринг.

Икковлари қоп-қоронғи цемент зиналардан чиқиб боришаркан, негадир Алимардоннинг кўнглида қўрқувгами, ғашликками ўхшаш туйғу уйғонди.

— Уйингизда ким бор? — деди қоронғида қаттиқ шивирлаб.

Клара пиқ этиб кулди.

— Шунақа қўрқоқмисиз?!

Учинчи қаватдаги эшиклардан бирини очишди. Клара "чиқ" этиб чироқни ёқди. Уй шинамгина, дид билан безатилган эди. Бурчакда, дераза олдида оёқли магнитола турар, қарши томондаги девор тагида диван-каравот қўйилган, бериги бурчакда каттакон шифоньер бор эди.

— Ўтиринг, — Клара ўртадаги стол ёнида турган стулни унинг олдига суриб қўйди. Алимардон ўтирмади. Девордаги ранг-баранг суратларни томоша қила бошлади. Булар журналлардан кесиб олинган расмлар, киноюлдузларнинг суратлари эди. Бирдан у ўртада ўзининг суратини кўриб қолди. Бу ўша — афишаларда чиққан чуст дўппили расми эди.

Алимардон ҳам қувонч, ҳам завқ билан унга бурилиб қаради. Аммо Клара атайлаб магнитола устида куйманар, ленталарни танлаган киши бўларди. Алимардон яна суратларни томоша қила бошлади. Қуйироқда Кларанинг сурати осилган эди. У қора қош, сочлари жингалак, ёшгина йигитга суяниб турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу... акангизми? — У "Эрингизми?" демоқчи бўлди-ю, атайлаб айтмади.

Клара елкаси оша бепарво қараб қўйди.

— Ҳа... акам...

Алимардон ҳеч қайси сингил акаси билан бунақа туриб суратга тушмаслигини билгани учун мийиғида кулди.

— Яхши акангиз бор экан. Қаерда ҳозир?

— Ўлган... Музика эшитасизми? — Клара унинг жавобини кутмасданоқ магнитолани буради.

Денгиз тўлқинидай тиниқ бир куй янгради. "Штраус... Мовий Дунай вальси", деб ўйлади Алимардон. Ҳар гал шу куйни эшитса, негадир қуёшнинг туманли нурларига тўлган ўрмон, ундан пастроқда ўзининг тўлқинларини оҳиста судраб оқаётган мовий дарё кўз ўнгига келарди. У ҳозир ҳам кўзларини чирт юмиб, ҳузур қилиб тинглай бошлади.

— Ўтиринг, — деди Клара унинг елкасига оҳиста туртиб. — Ҳозир қаҳва қайнатамиз. Ичасизми?

Алимардон ўзи ҳам билмаган ҳолда бош силкиб қўя қолди.

...Клара шифоньернинг тошойнаси олдига бориб, ўзини ойнага солди. Алимардон унинг кўзгудаги аксини кўриб турарди.

— Қараманг, — Клара ширин жилмайиб, бармоғи билан пўписа қилди. — Уят бўлади.

Алимардон тентакларча бир эҳтирос вужудини ёндира бошлаганини сезиб, истамайгина тескари ўгирилди. Лекин ўша ондаёқ зимдан унинг ҳаракатларини кузата бошлади. Клара аёлларга хос чиройли ҳаракат билан сочини орқасига ташлаб юборди. Кейин ўз эри олдида тургандай бемалол ечина бошлади. Алимардон унинг мармардай оппоқ, таранг елкаларини кўрди-ю, беихтиёр ўрнидан турди. Югуриб бориб маҳкам қучоқлаб олди.

— Қочинг! Тегманг! — Клара негадир кўзларини яширар, аммо борган сайин унинг пинжига кириб борарди.

...Шу кеча Клара кўп йиғлади. Ким билсин, балки тўнғич севгисини эслагандир...

Алимардон тонг қоронғисида зулмат зиналардан тушиб кетди. Унинг кўнгли ғаш, баданига аллақандай ифлос бир нарса ёпишиб қолгандай эди.

Машинасига ўтирди-ю, лоқайдлик билан ҳайдаб кетди.

Яна ярим соатдан кейин Алимардон уйда, диван-каравот устида чалқанча ётар, Муқаддам унинг тепасида кўзига тикилиб ўтирарди. У ич кўйлак устидан халатини кийиб олган, сочлари паришон, кечаси билан ухламаган бўлса ке-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рак, кўзлари қизариб кетган, чеҳраси ҳорғин эди. Алимардон хотинининг оёқларига, халат остидан кўтарилиб турган қорнига, озғин, ҳорғин чеҳрасига қараб ижирғанди. "Оёғи мунча ингичка! Товуқникига ўхшайди. Уйланаётганимда кўзим қаёқда эди!"

У чуқур уф тортиб, тескари бурилди.

— Тўйдамидингиз? — деди Муқаддам ниҳоят уй ичидаги ўлик сукунатни бузиб.

"Қайси тўйни айтяпти? — Алимардон бир лаҳза ўйланиб қолди-ю, бирдан миясига гурсиллаб урилди: "Ҳа-а! Бугун Анварнинг тўйи эди-ку!" — У лабларини қимтиб олди. Бир лаҳза юзлари уятдан ловиллаб кетганини сезди. Лекин шу ондаёқ ўзига тасалли берди. "Нима, ўткизиб қўйибдими менга?! Тўйи менсиз ҳам ўтаверади!"

— Ҳа, тўйда эдим! — деди жеркиб.

* * *

Биринчи қор ёғиши билан Алимардоннинг эски дарди қўзиди. Бронхит уни тўшакка михлаб қўйди. Аксига олиб, бу йил қиш жуда қаттиқ келди. Қора аёз еру кўкни қаҳрига олиб қақшатар, кечалари даҳшатли совуқдан дарахтларнинг шохи қарсиллаб синарди. Кейин гупиллатиб қор ёғди.

Муқаддам ой-куни яқинлашиб қолгани учун унинг ҳолидан яхшироқ хабар ололмасди. Охири Алимардон касалхонага тушди. Докторлар вақтинча қўшиқ айтмаслиги, ичмаслиги кераклигини айтишди. Лекин Алимардон соғайиб чиққанидан кейин Гаграга — курортга йўлланма олган жойида айниди: декабрь ойида театр Японияга гастролга бориши керак эди.

У яна ишини бошлаб юборди.

Алимардон ҳамон ойга ўхшар эди. У кун сайин тиниқлашиб, кун сайин ёрқинлашиб, заминдан узоқлашиб борарди-ю, бир нарсани билмасди. Ой энг баланд нуқтасига етганидан кейин пастга шўнғишга мажбур бўлишидан бехабар эди.

У ҳамон аввалгидай қошини бир оз чимириб, табассум билан қўшиқ айтар, залнинг олдинги қаторида кўзлари ёниб ўтирган дўндиқ жувонлар ўзини хаёлан қучоқлаётганини билиб турар, деярли ҳар ҳафта Клара билан учрашар, янгиянги жазманларни топар, аммо энди аввалгидек ўзидан-ўзи жирканиб юрмас эди.

Фақат янги куйлар басталаш ҳам, олқишлар ҳам кўнглига сиғмай қолди. "Одамлар борини ҳазм қилиб турсин-чи!" —

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қизиқ, негадир одамлар ҳам уни аввалгидай олқишламас, шифтни кўчириб юборгудек қарсак чалишмасди.

Алимардон ишга жўнаётганида бутун ўзи учун ҳам энг мудҳиш, ҳам энг қувончли кун бўлишини ўйламаган эди.

У рулга ўтиргиси келмади. Троллейбусдан тушганида оқшом қўнган эди. Майдалаб қор ёғар, театр олдидаги боғча бутунлай кўмилиб кетган, пастак дарахтлар юкининг оғирлигидан нолигандай бош эгиб турарди. Унинг ўпкаси совуқ ҳавога тўлиб, яна нафаси қисди. Бир лаҳза тўхтаб қолди.

Боғ устидаги чироқлар бирин-сирин ёнди. Ҳаммаёқ алланечук гўзал, жозибадор бўлиб кетди. У кўпдан буён ўзи билан ўзи овора, табиатга мана шундай назар солмаган эди. Ҳозир ажиб бир манзарани кўрди. Ҳавода учқунлар кезар, чироқларнинг қалпоғи остидан элак-элак қор қуюлар, жимгина кузатиб турган одамга қор ерга тушаётгандек эмас, ернинг ўзи секин-секин осмони фалакка кўтарилиб кетаётгандай туюлади.

Унинг ёнида қўнғироқдек кулги садоси янграб кетди. Боғ ичкарисидан тиззасигача қор кечган қиз югуриб чиқди. Унинг рўмоли ҳам, пальтоси ҳам қорга бурканган, чироқ нурида қип-қизариб кетган чиройли чеҳраси яшнаб кўринади. Зум ўтмай унинг кетидан бир йигит югуриб чиқди. Йигитнинг ҳам пальтоси, кепкаси қорга бурканган.

Йўлка четида йигит қизни қувиб етди. Қўлидаги юмалоқланган коптокдай қорни баланд кўтариб, қизнинг пешанасига яқин олиб келди.

— Нима қилай, — деди у кулиб. — Қани, нима қилай?

Қиз ҳамон қўнғироқдек кулар, сокин боғ унинг шодон қаҳқаҳаси билан тўлган эди.

— Бўлди, — қиз кула-кула кафти билан юзини тўсди. — Бўлди, Марат ака, тавба қилдим...

Йигит қорни улоқтириб юборди-да, бурилиб қараб, йўлка ўртасида турган Алимардонни кўриб қолди. Қизни оҳиста қўлтиқлаб олди. Уларнинг бир-бирига монанд гавдаси чироқлар нурини кесиб ўтиб қоронғилик қўйнига сингиб кетди.

Алимардон севишганларнинг кетидан узоқ қараб қолди. Шу топда унга алам қиларди: ўзининг ҳеч қачон шундай юрмагани, энди ҳеч қачон юролмаслиги алам қиларди.

У ёлғизоёқ из тушган йўлдан юриб, боғдан чиқди. Театрнинг баланд пештоқида камалакдай нур порлар, чироқ остида яшнаётган афиша ойнаси ичида ўзининг сурати

www.ziyouz.com kutubxonasi

узоқдан яққол кўриниб турарди. Касса олдида одам сийрак эди.

Алимардон тез-тез юриб, орқа эшикдан ичкари кирди. Қоронғи йўлакдан ўтди-ю, учраган ҳамкасбларининг саломига бошини билинар-билинмас қимирлатиб алик олиб, тўғри гримхона эшигини очди. Шошилмасдан кийинди.

Яна чорак соатдан кейин Алимардон Тўраевнинг номи зал устида қанот қоқди. У қарсаклар оғушида торини кўтариб, саҳнага чиқиб келаркан, нимқоронғи залга зимдан назар ташлаб қўйди. Одамлар сийраклигини кўрди-ю, негадир ҳафсаласи қайтди. Шундоқ бўлса ҳам ўша одамларга таниш табассумни чеҳрасига қалқитиб чиқарди.

Зал устида тор садолари парвоз этди. Кетидан Алимардоннинг майин овози юмшоқ қанот силкиди. У биринчи қўшиқни яхши айтди. Лекин иккинчисининг авжига чиққанида нафаси қисила бошлади. Шунда ҳам қайсарлик билан учинчи ашулани бошлади. У нафаси бўғзига тиқилиб қолаётганини билар, пешанасидан тер қуюлар, аммо қўлида тор бўлгани учун артиб ололмасди.

Бир амаллаб қўшиқни тугатди-да, парда орқасига ўтди.

Конферансье қиз энди навбатдаги қўшиқни эълон қилишга чиқиб келаётган эди, жаҳл билан шивирлади:

— Бошқасига гал беринг!

Қиз ҳайрон бўлиб тўхтаб қолган эди, жеркиб берди:

— Нега анқаясиз? Бошқа одам чиқсин.

Конферансье қиз тушунди шекилли, тез-тез юриб микрофон олдига борди.

— Мутал Қодиров! — деди у баланд овоз билан.

Қорачадан келган, жингалак сочли, озғингина йигит Алимардоннинг олдидан ўтиб саҳнага чиқди.

Алимардон саҳна орқасига ўтиб кетаётган эди, гулдурос қарсакни эшитиб тўхтаб қолди. Одамлар гувиллаб чапак чалиб, ёш артистни олқишлашарди.

"Иблис!" — Алимардон парда орқасидан секин мўралади. Мутал микрофон олдида туриб томошабинларга енгилгина таъзим қиларди.

"Иблис!" — деди Алимардон яна пичирлаб. У мана шу ёш бола ўзи билан рақобат қила бошлаганидан ғазабланар, унинг Ленинградда консерваторияни битириб келганини, ажойиб овози борлигини, одобли, билимдон артист эканини билар, аламдан қақшар эди.

Алимардон унинг овозини эшитмаслик учун тез-тез юриб, нимқоронғи йўлакка чиқди. Ёнбошдаги хонани тақиллат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

масдан кириб борди. Зуфар Ходиевич бошини қуйи солганча стол устидаги аллақандай қоғозларни кавлаштириб ўтирар, уй ичи тамаки тутунига тўлган эди. Зуфар Ходиевич уни кўрди-ю, оғир, каттакон гавдасини аранг кўтаргандай шошилмасдан ўрнидан турди.

— Келинг, азизим! — У Алимардоннинг қўлини ўзининг семиз, юмшоқ кафти орасига олиб қисди. — Бутунлай соғайиб кетдингизми?

Алимардон ўтирмади. Зуфар Ходиевичнинг тилла тишларига тик қараб сўради:

— Японияга қачон кетамиз?

Зуфар Ходиевич хижолат чеккандай бир унга, бир стол устидаги қоғозларга қараганча жимиб қолди.

— Биласизми, — деди анчадан кейин узр сўраган оҳангда. — Бизлар Мутал Қодировни ёзиб қўйган эдик.

"Нима?" — Алимардоннинг кўзига мана шу тор хона зиндондек кўриниб кетди. Ўша ёш артистнинг қорача чеҳраси кўз ўнгига келди-ю, аламдан тишларини ғижирлатди.

Зуфар Ходиевичнинг гапларини анчадан кейин эшитди.

— Сиз Болтиқ бўйига бордингиз. Бошқа республикаларда бўлдингиз..: Ёшларга ҳам йўл беришимиз керак... — у бир лаҳза ўйланиб турди-да, қўшиб қўйди: — Уч кундан кейин Тожикистонга гуруҳ боради. Ўзингиз бош бўласиз.

Алимардон шартта бурилди-да, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

"Аблаҳ! — у Зуфар Ходиевичнинг юзига айтолмаган гапини пичирлаб ўзича такрорлади. — Аблаҳ! Аллақандай сўтакка алиштириб ўтирибсанми мени! Ҳали шундоқ додингни берайки! Театринг менсиз бир кун ҳам кун кўролмайди!"

Шу кетганча уйга етганида ўзига келди. Дарвоза пештоқидаги чироқ ёқилмаган, деразалар зимистон эди. У қўнғироқ тугмасини узоқ босиб турди. Ичкаридан садо чиқмади.

"Ўлиб қолганми бу?" — Алимардон ғазаб билан яна узоқ босди. Ҳамон сукунат ҳукм сурар, қор уйни ҳам, Муқаддамни ҳам, ҳаётининг ўзини ҳам оғир юки билан босиб қолгандай эди.

Бирдан унинг эсига тушиб қолди. "Калит! Калитни топиш керак!" Муқаддам у ёқ-бу ёққа чиқса, калитни дарвоза пештоқидаги тешикчага қўйиб кетгувчи эди. Алимардон қоронғида тимирскилаб калитнинг темир ҳалқасини топди. Тортиб олди-да, дарвоза ўртасига ўрнатилган эшикни очди. Қор босган йўлакдан ўтиб, айвонга, ундан ётоққа кирди-да,

www.ziyouz.com kutubxonasi

чироқни ёқди. Уй ичи нурга тўлди. Бурчакдаги тошойна, девордаги гиламлар яшнаб кетди. Диван-каравот бўш, Муқаддам йўқ эди.

"Қаёққа даф бўлибди!" — У ўз хонасига ўтди. Чироқни ёқди. Рояль қопқоғи устида турган бир варақ оқ қоғозни кўриб қолиб, шошилиб борди. Юлиб олди-да, эгри-бугри қилиб ёзилган сўзларни ўқиди:

"Мардон ака, мени еттинчига олиб кетишди".

Тўсатдан унинг хаёлига яшиндай фикр урилди:

"Еттинчи туғруқхонага кетган!"

У машинани гаражда олиб чиқаркан, пичирлади: "Еттинчи... Еттинчи... Қаёқда эди?.. Ҳа, Чилонзорда. Чилонзорда!"

Алимардон машинани елдириб кетди. Қор тинган, аммо йўллар кўмилиб кетган, кўчалар сирғанчиқ эди. У туғруқхона эшигига етиб келганида ярим кечадан ошганди.

Алимардон машина эшигини қарсиллатиб ёпиб, ёруғ нур тушиб турган эшик олдига борди. Ойнага ёпиштириб қўйилган рўйхатни шоша-пиша ўқиб чиқди. Тўраева деган фамилия йўқ эди. У шиддат билан эшикни тақиллата бошлади.

Эшик ёнидаги жажжигина дарча очилиб, оқ халат кийиб олган семиз кампирнинг юзи кўринди.

— Нима дейсиз, болам? — деди кампир хаста оҳангда.

— Билиб чиқинг-чи, Тўраева нима бўлди экан...

Кампир Алимардоннинг илтижо билан тикилиб турган кўзларига қараб раҳми келди шекилли, дарчани очиқ қолдириб бурилиб кетди.

Алимардон анча кутди. Совуқ кучайган, атроф жимжит, узоқларда трамвайлар ғийқиллар, туннинг қаҳратон сукунатини бузишга аҳд қилгандай нола чекарди.

Анчадан кейин ичкаридан шип-шип этган қадам товуши эшитилди.

Алимардон тоқат қилолмай дарчадан бошини суқди.

— Ҳа?!

Кампирнинг семиз юзи шодликдан ёришиб кетган эди.

— Ўғил муборак бўлсин, болам! Ўғил! — деди у овози титраб. — Ҳозиргина кўзи ёриди. Ўн олтинчи палатада ётибди.

Алимардон титроқ қўлларини чўнтагига солди-да, илашиб чиққан йигирма беш сўмликни кампирга узатди. Кампирнинг гапларини эшитиб ҳам ўтирмай, зиналардан чопиб тушиб кетди.

Машинани ғизиллатиб уйга қайтаркан, юраги нурли бир туйғудан тўлиб-тошган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Отини Шавкат қўяман, Шавкат! Шавкатли кунларимдан хотира бўлсин! — дерди у пичирлаб.

* * *

Аёл киши бир бева қолганида, бир кўзи ёриганида кўнгли нозик бўлади, дейишади. Бир ҳафтадан буён дадаси билан онаси, гоҳо Лобар туғруққонага галма-гал келиб-кетишар, аммо Мардон акасидан дарак йўқ эди. Рост, у чақалоқ туғилган куннинг индинига бир марта келиб кетди. Муқаддам дераза олдига келиб ҳовлида турган эри билан имо-ишоралар қилиб гаплашди. Алимардон хурсанд кўринарди. Бошидаги кубанкасини ечиб олиб ҳадеб силкитар, жилмаяр эди.

Лекин ўшандан бери дараги йўқ.

Қайси куни онаси эринг Тожикистонга кетибди, деб гап топиб келди. "Нима, бир сафар гастролга бормаса, биров уришармиди? Уйда ҳеч ким бўлмаса? Бу ёқда паҳлавондек ўғил кўрган бўлса?.. Арзимабдими?" — Палатадаги хотинлар Муқаддам Алимардон Тўраевнинг хотини эканлигини билиб қолиб ҳар куни суриштиришар, "Ўртоғингиз келса бизларга ҳам кўрсатасиз", деб илтимос қилишар эди.

Муқаддам дераза олдида тик турганча шуларни ўйлар, ўйлаган сайин кўнгли чўкарди.

Ҳовли қий-чув бўлиб кетди. Муқаддам дарпардани суриб мўралади. Неча кунлардан бери бугун қуёш чарақлаб кетган, қор зарралари офтобнинг нурли кукунларидай ярақлаб кўзни олар, дарахт шохларига қўнган учқунлар дув-дув тўкилиб тушарди.

Пишиқ ғиштдан баланд қилиб ўралган девор тагидаги тепаликда болакайлар чана учишарди. Ана, бўйнини олабула шарф билан ўраб олган қизалоқ, укаси бўлса керак, беш-олти ёшлардаги болакайни чанага ўтқазди-да, тепаликдан итариб юборди. Чана уч-тўрт қулоч сурилиб, пастга тушди-ю, бирдан ёнбошига бурилиб ағдарилди. Болакай муккасидан йиқилиб, қорга думалаб кетди. Бир амаллаб қордан чиқди-да, опасига ўгирилиб қараб йиғлай бошлади.

Муқаддам унинг дўмбоққина қўллари билан кўзини ишқалашини кўрди-ю, завқланиб кулиб юборди.

Юқоридан опаси чопиб тушди. Болакайнинг телпакчасини ечиб, қорини қоқа бошлади. Бирон нарса ваъда қилиб овутди шекилли, укаси ҳали ёши қуримаган кўзларини катта-катта очиб, жилмайиб қўйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мана, яна тўрт йилми, беш йилми ўтиб унинг ўғли ҳам худди шунақа йиқилиб-сурилиб, катта бўлиб қолади. Кейин жажжигина папка кўтариб мактабга боради. Ундан кейин... Муқаддам ширин хаёллар оғушида ҳузур қилиб дераза рахига суянди. Энди адаси ҳам инсофга кириб қолади. Ота бўлди, ахир. Аввалги ўдағайлашларини ташласа ажабмас... Шундай дейди-ку, унга ҳам қийин, ахир. Иши оғир, кўпчиликнинг кўнглини олиш осонми?

...Йўлакдан йиғи товуши эшитилди. Муқаддам чўчиб ўгирилди. У оналарга хос ички бир сезги билан шунча чақалоқ орасидан ўғлининг овозини — баланд, азамат йиғисини дарров ажратиб оларди.

Димоғига оқ дока тутиб олган ёшгина ҳамшира қиз чақалоқни кўтариб кирди. Муқаддам унинг қўлидан ўғилчасини олди, меҳр билан бағрига босди. Чақалоқ кўзларини чирт юмиб, жаҳл билан йиғлар, ҳалитдан билиниб қолган қоши чимирилиб кетган эди.

"Худди адасининг ўзи, — ўйлади Муқаддам унга жилмайиб тикиларкан. — Жаҳлини кўрмайсизми бунинг!"

Ҳамшира қиз эмиб бўлган чақалоқни Муқаддамнинг қўлидан олаётганида ийманиб сўради:

— Кийимларингизни олиб келайми?

Муқаддам бугун кетиши кераклигини эрталаб доктордан эшитган эди.

— Майли, — деди хўрсиниб. — Ойимлар келгандирлар...

Унинг хўрлиги келди. Ҳозирги ҳолатини атрофдагилардан яшириш учун тескари қараб кийинди. Бир амаллаб ўзини хушчақчақ кўрсатиб хайрлашди-да, йўлакка чиқди.

Иссиқ аёлга ўралган ўғилчасини кўтариб олганча секин-секин юриб, йўлакдан ўтди. Туғруқхонанинг оғир, ойнабанд эшигини очиб, қор босган цемент зиналарга оёқ қўйди-ю, бирдан қувончдан қичқириб юборди:

— Мардон ака!

Алимардон зангори "Волга"сини кўча томонга бурибқўйганча, машина эшигини ланг очиб ўтирарди. Унинг бир оёғи машина ичида, иккинчиси ерда турар, ёнбоши билан руль чамбарагига суянганча сигарет тутатар эди.

У Муқаддамнинг овозини эшитиб, бурилиб қаради. Бирдан чеҳрасида қувончли табассум чарақлаб кетди. Машинадан сакраб тушиб, қўлларини олдинга чўзганча келди.

— Қаний, қаний! — У болаларча шодлик билан чақалоққа талпинар, ҳадеб жилмаяр эди.

Муқаддам ўғилчасини унинг қўлига тутқазди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Худди ўзингиз... — деди биров эшитиб қолиб уят қилишидан чўчиб шивирлаб.

Алимардон чақалоқни беўхшов қучоқлаб олганча, бир қўллаб юзини очди.

Чақалоқ биринчи марта қўраётгани учун қуёшдан кўзлари қамашиб, секин-секин юмиб-очар, қаёққадир жавдираб тикилмоқчи бўлар, Алимардон билан Муқаддам эса қувончдан кулишар, шу топда улар жаҳондаги энг бахтли одамлар эди.

— Қўйинг, — деди Муқаддам чақалоқнинг юзини беркитиб. — Шамоллатиб қўясиз!

* * *

Тақдир деган гапни одамлар ўзини юпатиш учун ўйлаб топган бўлса керак. Бошимизга оғир ташвиш тушса унинг оқибатини кўрамизу сабабини суриштириб ўтирмаймиз. Қисматдан нолиб қўя қоламиз. Кўпдан буён худди шу қисмат изимиздан қувиб юрганини, уни ўзимиз эргаштириб юрганимизни бўйнимизга олишдан қўрқамиз.

Алимардон ҳам ўз тақдирини ўзи эргаштириб юрганидан бехабар эди.

Эрта баҳор кунларидан бирида у концертга бормади: катта магазиннинг мудири қизини узатаётганини айтиб, қўярда-қўймай уни тўйга олиб кетди. Алимардон бу "ўғил бола" йигит билан кўпдан улфат эди. Бир нафас иккиланиб турди-да, рози бўлди: "Бир сафар концертни менсиз ҳам ўтказиб кўришсин-чи!"

У эртасига эрта билан репетицияга ҳаммадан илгари етиб борди. Машинасини энди панжара ичига қўйиб чиқаётган эди, ўзига қараб секин-секин юриб келаётган Зуфар Ходиевични кўриб, тўхтаб қолди. Зуфар Ходиевич ёмғирпўшини ечиб елкасига ташлаб олган, бўйнида костюмига монанд жигарранг шарфи осилиб ётар, оғир гавдасини кўтаролмагандек хиёл эгилиб, вазмин-вазмин қадам ташлаб келарди.

"Ҳозир яна дийдиёсини бошлайди",— деб ўйлади Алимардон ғижиниб. Кеча ўйлаб қўйган баҳонасини, тоби қочиб қолганини айтишга оғиз жуфтлаб турган эди, Зуфар Ходиевич унинг бармоқларини ўзининг юмшоқ кафтлари орасига олиб қисди-да, жилмайиб сўради:

— Машина яхши ишлаяптими?

"Нима демоқчи бу?" — Алимардон ўзининг ҳолатига мос бўлмаган тетик оҳангда кулди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Отдек!

— Кетдик бўлмаса! — Зуфар Ходиевич оҳиста юриб келиб, машинанинг орқа эшигини очди-да, ёмғиркпўшини ўриндиққа ташлади. — Бир далаларни айланиб келайлик. Ҳавонинг тиниқлигини қаранг! — У кўзларини хиёл қисиб, қуёш чарақлаб ётган осмонга, панжаранинг нариги ёғидаги яккам-дуккам япроқ ёза бошлаган садақайрағочга қараб қўйди.

— Қаёққа борамиз? — деди Алимардон кабина пешанасидаги кафтдек ойнадан кўриниб турган Зуфар Ходиевичнинг аксига қараб.

— Захариқдаги қирга чиқсакмикин, — деди Зуфар Ходиевич муштугига сигарет қистираркан.

Алимардон машинани елдириб бораркан, рақибининг биринчи бўлиб мушт туширишини кутиб турган боладек сергакланиб, унинг гап бошлашини кутар эди. Аммо Зуфар Ходиевич шаҳардан чиқишгунча бир оғиз ҳам гапирмади.

Бетон ётқизилган катта кўчага чиқишганидан кейин ўткинчи машиналар сийраклашиб қолди. Алимардон сочини тортқилаётган майин шамолдан роҳат қилиб, ёнбошидаги қия дарчани очиб қўйди.

— Ойнани тушириб қўяверинг, Зуфар ака! — деди орқасига бурилиб қараб.

Зуфар Ходиевич худди шуни кутиб тургандек дарров эшик ойнасини туширди.

— Баҳор яхши-да! — деди у атрофига аланглаб. — Бунақа пайтда ҳаммаям ёшлигини эсласа керак...

"Кайфияти жойида-ку". — Алимардон мамнун жилмайиб қўйди-да, газни босди.

Улар йўлдан беш чақиримча узоқдаги баланд адир устида тўхтадилар. Икковлари баравар сакраб тушишди. Ҳавода эндигина эриб битган қор ҳиди кезар, ҳали селгимаган ердан бош кўтарган майин майсалар олис уфқларгача гилам тўшаб ташлаган, онда-сонда қуёш парчасидай қоқигуллар ярақлаб кўриниб қоларди.

Алимардон кўксини баланд тутганча тўйиб-тўйиб нафас олди. Кўклам қувончи бутун борлиғини ларзага солди-ю, бор кучи билан югуриб пастга тушиб кетди. Шу топда унинг кўнгли болаларча шодликка лиммо-лим тўлган, юмшоқ майсалар силкиниб турган ер устидан қанот чиқаргандек учиб борарди. Анча жойга боргандан кейин чарчади. Шундоқ майса устига ўзини ташлади-да, чалқанча ётиб олди. Кўзларини ярим юмганча қуёшга, беғубор осмонга тикилиб узоқ ётди. Атроф жимжит, баланд осмонда муаллақ сузиб юрган

www.ziyouz.com kutubxonasi

якка-ёлғиз бургут ҳам қанот силкимас, бутун коинот туғилиш гашти билан ҳузур қилаётган табиатни сукунат ҳукмига топширгандай эди.

Анчадан кейин у оғир-оғир қадам товушини эшитиб, бурилиб қаради. Зуфар Ходиевич яқин келиб, ёмғирпўшини ерга ташлади-да, ёнбошлади. Чамаси, у чарчаган шекилли, чуқур-чуқур нафас олар эди.

Яна узоқ вақт икковларидан садо чиқмади. Алимардон қайрилиб қарамаса ҳам, Зуфар Ходиевич муштугига сигарет қўндирганини, гугурт чизганини билиб ётди.

— Тўй яхши ўтгандир?..

"Бари бир гап очди-я", деб ўйлади Алимардон вужуди қақшаб. Ҳозирги қувончидан нишон ҳам қолмади. Бошини кўтариб бурилиб қаради. Зуфар Ходиевич ёмғирпўшига тирсагини қўйиб ёнбошлаб ётар, сигаретнинг тутунига ўйчан тикилиб қолган эди.

Алимардон ўзи ўйлаб қўйган баҳона фойдасиз эканлигини бирдан тушунди-ю, ростини айтди:

— Қалин ўртоғим эди, ҳеч қўймади. — У бир нафас жим қолди-да, айбдор оҳангда қўшиб қўйди: — Биламан, Зуфар ака, одамлар концертга мени деб киришади. Кеча келмаганим ёмон бўлди.

— Шунақами?.. — Зуфар Ходиевич ҳамон сигаретдан кўз узмай, негадир кулди. Аммо Алимардон бу кулгида ҳар галгидек жаҳл ҳам, заҳарханда оҳанг ҳам йўқлигини сезди. — Йўқ, Алимардон, одамлар концертга сизнинг ашулаларингизни эшитиш учунгина келмайди. — У Алимардоннинг кўзларига ўйчан тикилиб, яна қайтарди: — Фақат сизни деб келмайди...

Алимардон кейинги пайтларда одамлар ўзини илгаригидай олқишламаётганини эслади-ю, қайсарлик билан қошини чимирди.

— Бўлса бордир, концерт менсиз ҳам ўтдими ахир?!

Зуфар Ходиевич унинг киноясини пайқамагандек хотиржам ўтирар, унинг кўзларида Алимардон ҳали ҳеч кўрмаган бир туйғу — ачиниш тўла туйғу бор эди.

— Театрда ўттиз йилдан бери ишлайман, — деди у ҳамон ўша сокинлик билан. — Истеъдодини қурбон қилган кўп артистларни кўрдим. Сиз ҳам шундай бўлманг, дейман-да...

Алимардон ҳали ҳеч кимдан эшитмаган, аммо юрагининг бир бурчи билан сезиб юрган ҳақиқатни бирдан ҳис қилди-ю, шиддат билан қаддини ростлаб ўтириб олди. Зуфар Ходиевич сигарет қолдиғини улоқтириб ташлади. Муштугини шимининг чўнтагига солиб, Алимардонга қараб қўйди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўзингиз айтинг, бир йилдан буён лоақал битта янги қўшиқ айтдингизми? Томошаларингизда одамлар нима учун кун сайин камайиб бораётганини ўйлаб кўрдингизми?

Йўқ, Алимардон буларни ўйламаган эди. Аммо ғира-шира тушунарди. Шундай пайтларда ҳар доим ўзини битта нарса билан юпатарди. Ҳозир ҳам шуни айтди:

— Менга ҳақиқий томошабинлар керак. Санъатни тушунадиган томошабинлар керак.

Зуфар Ходиевич яна кулди. Аммо бу кулги аламли бир нидога ўхшар эди.

— Энг баланд қарсак чаладиган, полни тепкилаб олқишлайдиган, гул тутадиган томошабинларми?

— Балки шунақадир, — деди Алимардон хотиржам гапиришга уриниб.

— Худди шунақа, энг қаттиқ қарсак чаладиган томошабинлар сизни энг аввал унутади. Ҳақиқий томошабинлар ҳақиқий санъатни олқишлайди.

"Бўлмаса мени қанақа санъат экан? Бўлмаса нима қилиб театр мени боғлаб олган?" — деб ўйлади Алимардон ғижиниб. Лекин ўзини босиб олди-ю, кулди:

— Мутал Қодировнинг санъатиними?!

Зуфар Ходиевич ўрнидан турди-да, увушган оёқларини уқалай-уқалай яна сигарет тутатди.

— Сизнинг санъатингиз ҳам яхши санъат эди. Ажойиб эди! Ўзингиз уни тарбиялай олмадингиз. Айниб кетдингиз. Қўшиқларингизнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайдиган бўлиб қолди. — У бирдан гапидан тўхтади-да, шиддат билан Алимардоннинг устига эгилди. — Сиз истеъдодингизни чакана пуллайдиган бўлиб қолдингиз. Енгил-елпи мақтовлар овозингизни бўғиб қўйди.

Алимардон ижирғаниб юзини ўгирди.

— Бўлмаса нима қилиб ушлаб турибсиз мени? Нимага?

— Кечаги қилиғингиз учун сизни аллақачон театрдан ҳайдаш керак эди. Мен ачинганимдан гапиряпман. Раҳбар сифатида эмас, дўст сифатида айтяпман...

— Раҳмат, — деди Алимардон ўрнидан тураркан. — Мен ҳеч кимнинг шафқатига зор эмасман...

У йўл-йўлакай аламидан бир оғиз ҳам гапирмади. Уйга қайтди-ю, тўппа-тўғри иш кабинетига кириб кетди. "Чучварани хом санабсан! — деб ўйлади у Зуфар Ходиевичнинг гапларидан бўғилиб. — Ҳали шунақа қўшиқлар ёзайки, ўзинг ҳам, ўша эркатойинг Мутал ҳам ёқа ушлаб қолларинг... Шундоқ ашулалар айтайки, залларингнинг томи кўчиб кетсин!"

www.ziyouz.com kutubxonasi

У шу куниёқ янги куй топишга киришди. Ажаб, ҳарчанд уринса ҳам кўнглида на бир нурли туйғулар, на илҳомбахш оҳанглар топилмади. Охири чарчади. "Боши кесилган товуқдай питирлаб, нима қиламан, — деб юпатди у ўзини-ўзи. — Шунча қўшиқлар ҳам етади. Аввал борига кўниб туришсин..." — Диванга ёнбошлади-да, хотиржам жилмайиб қўйди. Шу топда ҳамма нарса бари бир эди унга.

* * *

Шавкатжон талпинчоқ бўлиб қолди. У уй бурчагидаги беланчакда майкачан ётар, ҳадеб қийқириб кулар эди.

Алимардон бармоғи билан унинг жажжи қорнини қитиқлар, Шавкат дўмбоқ оёқ-қўлларини баравар силкитиб илжаяр, ҳали тиши чиқмаган оғзини очиб қийқирганча дадасига талпинарди.

— Муқад! Қара, қарагин! Оёғини велосипед қиляпти! — Алимардон деворга осиқли гиламни тозалаётган хотинига қичқирди. — Кўрсанг-чи, бунингни!

Муқаддам қўлидаги ҳўл латтани ташлаб келди. Шавкат онасини таниди: янаям қаттиқроқ қийқириб, қўлчаларини силкита бошлади.

— Вой сен-эй! — Алимардон яна бармоғи билан унинг қорнини қитиқлади. — Кулишини қара, кулишини!

— Қўйинг! — Муқаддам унинг қўлини суриб ташлади. — Болани қийнаманг!

Икковлари бир-бирларига қараб жилмайиб қўйишди.

Эшик кўнғироғи жиринглади. Муқаддам йўлакка югурди. Оёғига дуч келган калишни илиб, ҳовлига тушди. Ерлар селгиб қолган, аммо ҳали ҳавода эриган қор иси гуркирарди. У цементланган йўлакдан ҳалқоб сувларни босиб ўтиб, дарвоза эшигини очди.

— Вой, Лобар!

У қувончдан чеҳраси яшнаб кетган дугонасини қучоқлаб олди. Лобар ёмғирпўш кийиб олган, бошидаги ҳиндий рўмоли чарақлаган қуёш нурида ярқиллаб турарди.

Муқаддам уни семиз, дўмбоқ қўлидан ушлаб ичкарига судради.

— Йўқ, кирмайман... Эринг бўлса кирмайман. — Лобар қайсарлик қилиб эшик олдида туриб олди. У янаям тўлишган, оқ сариқ юзи қизариб кетган эди.

— Эсинг борми, юрсанг-чи!

Лобар яна қўлини тортиб олди. Туфлисининг учи билан ҳали қуриб улгурмаган ерни чиза бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тўйга борасанми? — Унинг чеҳраси яна ҳам қизариб кетди.

— Вой, ростданми? — Муқаддам уни маҳкам қучоқлаб, у юзидан-бу юзидан ўпиб олди. — Ўша... Жаҳонгиргами?

Лобар қувончини яширолмади шекилли, уялган бўлди.

— Ҳа... — деди секингина бош силкиб.

* * *

Келинлар тушган автобус Ойнатоғ қишлоғига кунботар чоғи келиб тўхтади. Ёнбош томондаги тик кўтарилиб турган сип-силлиқ чўққи ботаётган қуёш нурида тарғил аланга бўлиб ёнар, бутун қишлоқ унинг шафағида оловланиб кўринарди. Алланечук афсонавий, ҳазин бир манзара ҳали куртак ёзмаган дов-дарахтларга ҳам, пастак уйлар устига ҳам оловли соя ташлаб турарди.

"Ойнатоғ деганча бор экан!" — Муқаддам автобус дераза сидан мўралаб, атрофни томоша қила бошлади.

Қишлоқ кичкинагина эди. Ярмигача тошдан девор урилган лой томли уйлар, эчки қийлари сочилиб ётган шағал, эгри-бугри кўчалар, катта-катта чинорлар ҳазин, ўйчан туйғулар уйғотарди унда. Қаердадир сой шовуллар, тоғ унгурларида ҳали қор эримаган бўлса керак, алланечук тезак иси аралаш совуқ шабада эсиб турарди.

Муқаддам кўпдан буён — бир вақтлар ўқувчилик пайтида синфдошлари билан саёҳатга чиққанидан бери тоғни кўрмаган, шунинг учунми, бу ернинг ранг-баранг манзараси унга қувонч бахш этарди. Аллақаерда радио карнайи шанғиллайди, сигирлар маърайди, қишлоқ аҳли оқшом тараддудида елиб-югуради.

Кўча ичкарисида сурнай товуши эшитилди. Муқаддам ёнида ўтирган Лобар ўзининг қўлини маҳкам ушлаб олганини сезиб, бурилиб қаради. У оппоқ рўмолга бурканиб, энгашиб олган эди.

— Куёвлар келишяпти, — деди Муқаддам рўмол устидан унинг қулоғига шивирлаб.

Лобар унинг қўлини тағин ҳам маҳкамроқ қисди.

— Қўрқяпман.

Улар бошқа гаплаша олишмади. Гулдаста кўтарган йигитлар автобусни ўраб олишди. Пастдан ҳаяжонли қаттиқ-қаттиқ товушлар эшитилди.

— Келин тушмайдими?

— Олиб тушсанг-чи, Жаҳонгир!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олд томондаги эшикдан каттакон гулдаста кўтариб куёв чиқди. У жингалак сарғиш сочи устидан чуст дўппи кийиб олган, кўкиш кўзларида ўт чақнаб жилмаяр эди.

Лобарни бир қўлидан куёв, иккинчисидан Муқаддам ушлаб, пастга олиб тушишди. Тор кўча одамлар билан тўлиб кетган, оёқ остини кўриб бўлмас, ҳали қуримаган силлиқ тошлар устидан сирғаниб-сирғаниб боришарди. Икки томондаги пастак деворлар ортидан хотин-халаж мўралашар, бақириб-чақириб келинни кўрсатишар эди.

Муқаддам бир қўлида Шавкатни кўтариб олгани учун қийналар, аммо Лобарнинг билагидан маҳкам тутиб борарди.

— Эҳтиёт бўл, қоқилма! — дерди у ҳадеб бир гапни такрорлаб.

Кичкина эшикдан кириб боришганида йигитлар қий-чув кўтариб "Тўйлар муборак"ни айтишди. Аллаким сочқи сочди. Кейин сурнай эзиб-эзиб нола чекди.

Бунақа пайтда ҳар бир жувон ўзининг келинлик дамини эслайди. Муқаддам ҳам ўзининг илк бор ёр-ёр билан Алимардон акасиникига кириб борганини эслади-ю, ҳаяжонланиб кетди.

Ҳовли ўртасида ловиллаб ёниб турган гулхан ёнидан ўтиб тўрга чиқишди. Ҳамма чапак чалиб, келин-куёвни олқишлади.

Муқаддам стол олдига ўтирганидан кейингина атрофга разм солди. Каттакон ҳовлининг тўрт чеккасидаги столларга меҳмонлар тизилишди. Ҳаво салқин, этак томондан — шовуллаётган сойдан совуқ шамол эсади. У шамоллаб қолишидан чўчиб, Шавкатни бағрига босди.

Тўй қизиб кетганида Шавкат ухлаб қолган эди. Муқаддам уни ҳамон бағрига босиб ўтирар, ора-чора Лобарни овқат ейишга қистаб қўярди.

Тоғ устида йирик-йирик юлдузлар ёнди. Қоп-қора тиниқ осмонда улар гавҳар доналаридай яшнаб кўринади, жуда паст тушиб қолганга ўхшайди. Негадир Муқаддамнинг кўнгли хижил бўла бошлади. У уйига кетгиси келарди.

Келин тарафдан келган қиз-жувонлар ўртасида шивир-шивир гап юриб қолди.

— Автобус кетаётганмиш...

Муқаддам Лобарни билагидан оҳиста тутиб, секингина шипшиди:

— Мен ҳам кетаман.

— Ётиб қоламан, демаганмидинг? — Лобарнинг астойдил хафа бўлгани овозидан билиниб турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муқаддам чиндан ҳам Мардон акасига "Бугун қайтмайман" деган, ҳозир ҳам беқадрлик қилиб, Лобарни ташлаб кетгиси келмас, аммо қўлида ухлаб қолган Шавкатни ўйлабми, кўнглида тушуниб бўлмас бир ғашлик уйғонгани учунми, фикридан қайтган эди.

— Йўқ, кетмасам бўлмайди.

У секингина сирғалиб чиқди-ю, ташқарига йўл олган хотинларга эргашди.

Чорак соатлардан кейин автобус чироқлари пасту баланд тоғ йўлларини авайлаб пайпаслаганча юриб кетди.

* * *

Муқаддам ўз дарвозаси олдига етиб келганида тун ярмидан оғган, ой аллақачон ботиб кетган эди. Деразаларда ҳам, дарвозада ҳам чироқ кўринмасди.

— Аданг ишдан келмабдилар, — деди Муқаддам худди тушунадигандай Шавкатга қараб. У йўлда уйғонган, аммо ғингшимай жимгина келаётганди.

Муқаддам дарвоза пештоқидаги тешикчага чўзилиб қўл суқди. Калит йўқ эди.

"Ташлаб кетмабдилар-да, — деди у пичирлаб. — Вой, эсим қурсин, ўзимда ҳам бор-ку". У кетаётганида калитнинг биттасини ташлаб кетганини, иккинчисини ёмғирпўшининг чўнтагига солиб олганини эслади.

Ҳаво очиқ бўлгани учунми, салқин шамол эсиб турарди. Муқаддам боланинг шамоллаб қолишидан чўчиб, шошапиша эшикни очди. Ғиштин зиналардан айвонга чиқди. Чироқни ёқди.

Худди шу пайт ётоқхона ичида чироқ ёнгани эшик ойнасидан кўринди. Ичкаридан калит шиқирлаб, эшик ланг очилиб кетди.

Муқаддам қўрққанидан бирдан орқага чекинди. Болани ташлаб юборай деди. Эшик олдида ич кийимдаги Алимардоннинг гавдаси кўринди.

— Одамнинг юрагини ёриб юборай дединг!— Муқаддам эркалаш оҳангига тўлган овоз билан Алимардонни қойиди. Кейин жилмайиб Шавкатни баланд кўтарди. — Мана, бизлар келдик...

У Алимардоннинг чеҳрасига қаради-ю, қўрқиб кетди. Эрининг турқи шу топда даҳшатли бўлиб кетганди. Унинг ранги қув ўчган, негадир титрар, кўзларининг қорачиғи кичрайиб, дум-думалоқ бўлиб қолганди. Ниҳоят, унинг тили калимага келди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Муқад...

Муқаддам ҳайрон бўлиб, ичкарига мўралади. Аввалига ҳеч нима тушунмади. Диван-каравот устида қўрқувдан шумшайиб ўтирган ярим-яланғоч хотинни кўрди-ю, бирдан ҳаммасига тушунди.

— А-а-а! — деб қичқириб юборганча, даҳшат ичида орқасига чекинди. Айвоннинг бурчак-бурчаклари, жимжит ҳовли изтиробли чинқиришдан ларзага келди.

— А-а-а!!

Шавкат қўрқиб кетиб, чириллаб йиғлай бошлади. Муқаддам уни бағрига босганича ҳовлига отилди...

...Алимардон турган ерида ҳайкалдай қотиб қолган, ҳозир нимадир қилиш кераклигини, қандайдир муҳим, жуда муҳим бир иш қилиш зарурлигини билар, аммо ўйлаб топа олмасди. Ҳа, топди! Шавкатни олиб қолиши керак!

У ўзи қилиб юрган ишлари учун қачондир жавоб беришга мажбур бўлишини олдиндан билар, аммо бу кун худди шу бугун етиб келишини билмаган эди. "Келмайман деб кетган одам қайтиб келишини ким билибди?!" Бир лаҳзада унинг хаёлидан бир кечалик ҳузур учун Кларани уйига олиб келиб, кечирилмас хато қилиб қўйгани, энди ҳаммаси тамом бўлгани чақмоқдай ярақлаб ўтди. Бу хато бошқа бир фожиани бошлаб келишини, Муқаддам уни ҳеч қачон кечирмаслигини энди аниқ тушунди. Охирида энг катта фожиани ҳам тушунди. Йўқ, у ўғлини — ўзи учун шу қадар яқин бўлиб қолган, юрагининг бир парчасига айланган Шавкатни энди ҳеч қачон кўролмаслигини ўйлади-ю, зинадан яланг оёқ пастга отилди. Йўқ, ялиниб-ёлвориб бўлса ҳам тўхтатиб қолиш керак!

Алимардон зах ерда сакраб-сакраб Муқаддамнинг кетидан югурди. Дарвоза тагида етиб олди.

— Муқад... — деди ҳаллослаб.

Муқаддам кескин ўгирилиб қаради. У энтикиб нафас олар, қоронғида ўт бўлиб ёниб турган кўзлари чарақлар эди.

— Муқад... — деди Алимардон қўл чўзиб. — Мен...

— Қоч, виждонсиз! Йўқол, ифлос! Ювуқсиз! — деди Муқаддам чинқириб. Бирдан қўлидан Шавкат сирғалиб тушиб кетаётганини сезиб қолди-да, кўтариб маҳкам бағрига босди.

Эшикдан отилиб чопиб чиқиб кетди. У йиғлагиси келар, аммо йиғлай олмас, туртиниб-туртиниб чопиб борар, бола чириллаб йиғларди. Бир ерга борганда оёғи тойиб кетди. Аммо Шавкатни қўйиб юбормади. Чўккалаб олганича болани маҳкамроқ бағрига босди. Беихтиёр орқасига қаради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Каттакон уй ваҳима ичида қорайиб кўринар, битта, фақат битта деразадан ифлос нур тўкилиб турарди.

Шундагина у Шавкатнинг бошига юзини босганча ўксиб-ўксиб йиғлаб юборди. Ҳа, у сезар эди. Эрининг саёқлигини, ўзига хиёнат қилаётганини сезарди. Аммо бу хаёлдан даҳшатга тушиб, ўзини алдар, уни пок деб ўйлашга мажбур этарди.

Бир вақтлар мана шу уйга ёр-ёр билан кириб келганини ҳалигина орзиқиб эсламаганмиди!

Ҳа, бу ювуқсиз бошидан уни бахтиқаро қилган эди. Охирида ҳам бахтсиз қилди! Шунча йиллардан бери бир сўзини икки қилмай ҳукмига бўйсуниб келганида, вақти келиб аллақандай хотинлар билан тўшагини ҳаром қилишини билганида эди!

Мунчалар шўр бўлмаса бу пешанаси!

У ҳамон ҳиқиллаб-ҳиқиллаб борар, қаёққа кетаётганини ўзи билмас, уйига қайтай деса, баджаҳл отасининг ғазабидан қўрқар, осмони фалакда осилиб турган юлдузлар совуқ кўз ёш тўкиб юм-юм йиғлар, фақат Шавкат овуниб қолган эди. У онасига нима бўлганини тушунмоқчидай қоронғида кўзларини жавдиратиб борарди.

* * *

Қуёш бахтидан энтикканларга ҳам, ғамидан бағри қон бўлганларга ҳам баравар нур сочаверар экан. Уч ҳафтадан буён Муқаддамларнинг ғам юкини кўтаролмай жимжит бўлиб қолган кафтдек ҳовлисида баҳор гуруллайди. Тип-тиниқ, чуқур осмонда тоғ-тоғ булутларни кўчириб юрган кўклам сабоси эл қатори бу ҳовлига ҳам илиқ томчилар пуркаб ўтди. Ҳовлидаги бир туп ўрик шохларида қинидан чиққан довуччалар мўралади. Бурчакдаги ошхона томида чучмомалар очилди. Ҳовузча олдида Муқаддам қизлигида дадасига жанжал қилиб эктирган бир тахта ўсма яна жонланиб қолди. Мана шу ўсмалар суви бир вақтлар унинг қундуз қошида яшнаган эди.

Энди-чи? У ўсмани нима қилсин? Кимга? Нимага? Ким учун қўяди?

Муқаддам афсус билан хўрсиниб қўйди. У Шавкатнинг яктакчаларини ювиб ўтирар, илиққина офтоб елкаларини қизитар, жомашовдаги оппоқ кўпик сачраб-сачраб кетарди.

Муқаддам ҳеч нимани ўйлагиси келмас, аммо ғамгин хаёллар юрагини ғижимларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чиққан қиз чийриқдан ташқари, дейдилар. У қайтиб келган кунидан бошлаб Анзират холанинг бошига тоғдай ғам тушди. Она ҳар куни уни койийвериб чарчади. Муқаддам бўлган гапларнинг ҳаммасини айтиб берди. Энди ҳеч қачон қайтиб бормаслигини ҳам айтди. Рост-да, нимага борсин? Қайси қилган яхшиликларига? Тўйдан кейин уч-тўрт ой ўйнаб-кулгани бўлмаса...

Энди ўйлаб қараса, Алимардон уни қилча ҳам қадрламаган экан. Нима қилса ўзи учун қиларкан. Муқаддам унга бир оқсоч бўлиб қолган экан.

Йўқ, ҳечам қайтиб бормайди. Елкасининг чуқури кўрсин ўша уйни!

Муқаддамларнинг хонадони ўша кундан бери яна бир қўрқинчли воқеани кутиб яшарди. Отаси бир ойча илгари Бойсунга — узоқ бир қариндошиникига кетган, уйдаги гапдан бехабар эди. Она-бола эрта-индин қайтиши керак бўлган отани юрак ҳовучлаб кутишарди...

Ичқаридан бола йиғиси эшитилди. Муқаддам шоша-пиша қўлининг кўпигини бир чеккада ётган сочиққа артиб югурди. Ойнабанд айвоннинг эшигини шарақлатиб очиб кирди.

Анзират хола икки букилганча Шавкатни беланчакдан олмоқчи бўлар, дока рўмоли сирғалиб елкасига тушиб қолган, оппоқ сочлари тўзғиб кетганди. У овозини баралла қўйиб Алимардонни қарғарди.

— Худоё йигит ўлсин. Йигитгина ўлмаса рози эмасман. Боланинг кўз ёши кўр қилмаса, рози эмасман!

Муқаддам йиғлаётган Шавкатни онасининг қўлидан олдида, бағрига босди.

— Унгаям боққан бало бордир, йигитгина ўлгур! — Анзират хола боланинг ҳўл бўлган таглик кўрпачасини алмаштирди-ю, Муқаддамга зарда билан қараб қўйди. Муқаддам онасининг толиққан чеҳрасига, касалмандликдан милклари шишиб кетган кўзларига, оппоқ сочларига қараб туриб, раҳми келди. Шунча йиллар азоб чекиб, ўзини катта қилгани етмасмиди? Кексайганида, энди роҳат кўраман деганида, кўргани шу бўлдими!

— Қўйинг, — деди бир онасига, бир ўғлига қараб секингина, — қарғаманг. Нима фойдаси бор...

— Тағин қарғаманг дейди-я! Ҳали отанг келса, кўрасан томошани! — Анзират хола жаҳл билан бурилиб ташқарига чиқиб кетди. Ҳовли томондан унинг оҳ чеккани эшитилди. — Эй, фалак!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муқаддам онасининг биргина шу ноласидан умр бўйи кўрган машаққатларининг бутун даҳшатини сезиб, юраги зирқираб кетди. Ўзи ҳам билинтирмай уф тортиб қўйди. Кўкракка талпинган Шавкатнинг қўнғир сочларини силади. У жимгина, тўйиб-тўйиб эмар, кўзларини сузиб турар, аммо қошлари чимирилиб кетган эди. "Худди ўшанинг ўзи! — Муқаддам беихтиёр жилмайди. — Қош-кўзи ҳам, ўжарлиги ҳам..." — У энгашиб ўғлининг юзидан авайлабгина ўпди.

* * *

Муқаддам Шавкат уйғонмасдан ишларини битириб олиш учун елиб-югурар эди. Анзират хола юраги қон бўлиб кетганини айтиб, эрта билан қўшниникига чиқиб кетди. Муқаддам идиш-товоқларни ювди, ҳовли супурди. Ўсма олдида тўпланган ахлатларни пақирга солаётганида тўсатдан эшик тақиллаб қолди. Муқаддам таниди. Таниди-ю, қўлидан супурги тушиб кетди. "Ўша! — Муқаддам унинг эшик қоқишини яхши билади. — Ўша!"

У овоз чиқаришдан чўчигандек бир лаҳза нафасини ютиб, туриб қолди.

Эшик яна тақиллади.

Муқаддам оёқларидан мадор кетиб, қалтираб бораётганини сезар, ўзини босиб олишга уринар эди. Ниҳоят, у секин-секин бориб, занжирни туширди. Алимардонни кўрди-ю, бегона эркак қаршисида тургандек бармоқлари билан қўйлагининг ёқасини ғижимлаб, қўкрагини яширди.

Алимардоннинг кўзлари бир оз чўққан, аммо тик қараб турар, Муқаддамнинг кўнглидагини билиб олмоқчига ўхшарди. Ниҳоят, Муқаддам унга бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Алимардон эшик кесакисини ушлаб олган, кўк костюмининг енгидан чиқиб турган олтин соати ярақларди. Бу соатни яқинда икковлари биргалашиб олишган, Муқаддам ўз қўли билан унинг билагига солганди.

— Мана, мен келдим, Муқад...

У бу сўзларни шундай майин айтдики, Муқаддам унинг ҳеч қачон бундай мулойим, ялинчоқ оҳангда гапирганини эшитмаган эди. Йўқ, эшитганди, бир вақтлар, келин бўлмасидан илгари...

Муқаддам яна кўз ўнги хиралашиб кетаётганини, бир оғиз гапирса овози титраб кетишини билиб индамади. Яна унинг қўлларига, бармоқларининг устини майин тук қоплаган қўлларига қаради. Қачондир бу қўллар унинг сочларини силаган. Майин-майин силаган. Силаб туриб бахтига чанг

www.ziyouz.com kutubxonasi

солган... Бу қўллар ўша хотиннинг ҳам сочларини силаганда. Ўша хотиннинг ҳам елкаларини сийпалаган-да...

Муқаддам ғазабдан бўғилиб пичирлади:

— Нега келдингиз? Нима керак сизга?!

Алимардон Муқаддамга таниш, ўша маъноли оҳангда кулди.

— Бўл энди, Муқад...

Муқаддам аламдан лабларини тишлаб, деворга суяниб қолди.

"Бўл энди..." — У келинлик пайтида эрининг худди шу сўзларини, худди шу оҳангда кулиб айтганини ҳар кеча эшитарди. Ким билсин, яна кимлар эшитмади экан бу сўзларни...

Унинг вужудини бирдан ғазаб ёндирди-ю, нафрат билан пичирлади:

— Кетинг!

Шу топда у Алимардоннинг ялинишини, ёлворишини истар, ўша уйга бари бир қайтиб бормаслигини билиб турса ҳам, шунча изтироблари ҳақи уни тиз чўктиришни, қасос олишни хоҳларди.

Аммо Алимардон ялинмади. Унинг кўзларига хотиржам тикилиб турди-да, секин таъкидлади:

— Бола бор, эсингни йиғ...

Муқаддам ғазаб ичида қўллари қалтираб, эшикни қарсиллатиб ёпди-да, занжирлаб олди. Нима қилаётганини ўзи ҳам тушунмай, уйга отилиб кирди. Ухлаб ётган Шавкатни даст кўтарди-ю, биров тортиб олиб қўяётгандек маҳкам бағрига босди.

* * *

Шавкат туғилганидан бери Муқаддамнинг уйқуси қуш уйқусидек зийрак бўлиб қолган эди. Ҳозир ҳам у энди кўзи илинганида кимдир шип-шип юриб ёнига келганини сезди-ю, уйғониб кетди. Бошида онаси энгашиб турарди. Уй ичи қоронғи бўлса ҳам у онасининг чеҳрасидаги хавотирни пайқади. Кўйлагининг кўкрак тугмаларини қадаркан, онасига тикилиб сўради:

— Нима бўлди, ойи?

Анзират хола жавоб бермади. Ташқарида шамол гувиллаб, деразанинг очиқ қолган бир тавақаси ғийқиллар, уй ичидаги сукунатни чуқурлаштиришга қасд қилгандай ҳорғин инграр эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муқаддам Шавкатни уйғотиб юбормаслик учун эҳтиёт билан ўрнидан турди.

— Нима бўлди? — деди тағин шивирлаб.

Она Муқаддамга гўдакликдан таниш бўлиб қолган хавотирли овозда пичирлади:

— Даданг келди... — Унинг юраги орқасига тортиб кетди, қўрқа-писа айвон томонга қараб қўйди. — Кўчадан эшитиб уйингга борибди. Эринг билан гаплашибди. Авзойи ёмон...

Муқаддам турган ерида қотиб қолди. Бир вақтлар қизалоқлик пайтида гуноҳ қилиб қўйса, дадаси уни аёвсиз калтаклар, ўшанда онаси худди ҳозиргидек титраб-қақшарди. Муқаддамнинг вужудини енгил бир титроқ силкитиб юборди. У дадасининг қаҳри қаттиқ эканини, "Қизинг эридан чиқиб келди", деган иснодни кўтара олмаслигини билар эди. У дадасининг кўнглида борини билиб олмоқчидай айвон томонга қараб қўйди. Қия очиқ эшикдан уй ичидаги гиламга нур тўкилиб турар, аммо дадаси кўринмасди. Ташқарида ҳамон шамол гувиллайди, ўрик шохлари аянчли инграб, бирбирига қарсиллаб урилади, битта-яримта ёмғир томчилаётган бўлса керак, дераза ойналари чирсиллайди.

Муқаддам яна бир нафас иккиланиб турди-да, секинсекин бориб, эшикни ланг очди. Тўрда, гулдор қоғоз ёпиштирилган девор тагидаги кўрпачада ўтирган отасига салом берди. Лекин овозини ўзи ҳам аранг эшитди. Дадаси ўсиқ қошлари остидан унга бир қараб қўйди-ю, алик олмади. Унинг озғин, серажин юзида қон қолмаган, ияги титраганидан қоп-қора соқолининг учи билинар-билинмас силкиниб турар, кўкимтир томирлари бўртиб кетган қўлини мушт қилиб олганча хонтахтага тираб ўтирарди.

Муқаддам отасидан кўз узмай, оёқ учида юриб келиб пойгаҳга чўккалади. Онаси ҳам шарпадай силжиб келди-ю, эридан кўз узмай икковларининг ўртасига ўтирди.

Ота ҳамон индамас, хонтахтанинг юпқаланиб кетган қиррасига тикилганча ўтирарди. Муқаддам мана шу даҳшатли сукунатнинг тезроқ тамом бўлишини кутар, нима бўлса ҳам отаси тезроқ гапиришини хоҳлар, ҳозир портлаш рўй беришини билиб азобланарди. Онаси гапир, аҳволини сўра, дегандай Муқаддамга имлаб қўйди. Аммо Муқаддам ҳозир отасининг аҳволини сўраса, баттар ловиллаб кетишини биларди. Шунинг учун индамай ўтираверди.

Ниҳоят, отаси унга қошини чимириб қараб қўйди.

— Эринг билан нега уришдинг?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муқаддам дадасининг атайлаб юмшоқ гапирганини тушунди. Лекин жавоб бермади.

Онаси қўрқув ичида гоҳ қизига, гоҳ эрига қараб шошилиб гапирди:

— Сув бир лойқаланмасдан тинмайди... Эртага ўзингиз обориб қўясиз, бинойидай бўлиб кетади. — У Муқаддамга қараб хўп де, дегандай имлади.

Муқаддам бунақа гаплардан фойда чиқмаслигини билиб, паст, аммо қатъият тўла оҳангда юрагида борини айтди:

— Йўқ, ойи, мен қайтиб бормайман!

Она бечора олазарак бўлиб қолганини сезди-ю, яна қайтарди:

— Бекорга овора бўлманглар...

Отаси хонтахтага янаям пастроқ мункайиб, кўзларини тағин бир нуқтага тикиб тураверди.

Орага яна ўша таранг сукунат чўкди. Ташқаридаги шамол кучайиб кетди. Энди шамол муттасил ғувиллар, ўрик шохларининг ваҳимали вишиллаши аниқ эшитилиб турар, бўғотнинг аллақаери қирсиллар, шифтдаги лампочка секин-секин лопиллаб дадасининг соясини хонтахта устида у ёқбу ёққа силкитарди.

— Эринг билан гаплашдим. — Дадасининг овози сукунатда жаранглаб эшитилди. У ўзини босиб олди шекилли, анчадан кейин босиқ овозда қўшиб қўйди: — Қилмишидан пушаймон бўлиб ўтирибди. Ялиниб борсам, ўзи келмади, деяпти.

Ўзининг тўшагида ётган ўша жувон Муқаддамнинг кўз олдига келди-ю, ҳали эскирмаган, ҳеч эскирмайдиган алами яна ловиллаб кетди. "Қилғиликни қилиб қўйиб нега ялинади?!" — Бояги қўрқув аллақаёққа йўқолиб, ўрнини чидаб бўлмас нафрат эгаллади.

У индамай юзини ўгирди.

Яна онаси ўртага тушди.

— Урмаган, сўкмаган эр борми, болам? Битта болангни тирик етим қиласанми?

Муқаддам яхшилик учун ёлғон гапирган онасига маъносизгина қараб қўйди-ю, индамай ўтираверди.

— Авлодимизда эридан чиқиш одати йўқ, — деди отаси бўғиқ оҳангда. — Бутун маҳаллага ҳалитдан гап тарқалиб кетибди... Қайсарлик қилма, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолсин. Бошқа илож йўқ.

Муқаддам киноя билан кулиб қўйди. Бошқа илож йўқ эмиш?.. Нима, биров ундан ўтганини билармиди?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Онаси ота-болани муросага келтириш, Муқаддамнинг шахтини қайтариш учун тағин ўртага тушди:

— Ўзинг кўнгил қўйиб текқансан, қизим... Биров сени мажбур қилгани йўқ.

Муқаддам аёвсиз ҳақиқатни шундоққина рўпарасига келтириб қўйган онасига ярқ этиб қаради. "Ўзим! Ўзим! Ҳаммасига ўзим айбдорман! — У ўкинч билан бошини қуйи солди. — Кўнгил қўйиб... Кўнгил қўйибми, мажбур бўлибми?!" — У аллақачонлардан бери шу саволни ўйлар, аммо жавоб тополмасди. Боягина Алимардонни қовура бошлаган нафрат оловининг бир чети энди ўзини ҳам куйдириб ташлади. Онаси яна алланималар деди. Аммо Муқаддам эшитмади. Энди унинг юрагини бешафқат бир қўл ғижимлар, лекин бу қўл Алимардонникими, ўзининг қўлими — ажрата олмас эди.

— Эртага у келади.

Муқаддам дадасининг сўзларини ярим-ёрти эшитдию, бурилиб қаради.

— Нима?!

— Эринг келиб, олиб кетади, — деди отаси юмшоқ, лекин қайсар оҳангда. Кейин яна ҳам юмшоқроқ қилиб қўшиб қўйди: — Уят бўлади. Гуноҳини бўйнига олиб турибди-ку. Илож қанча?

— Мен бормайман, — дадаси қанақа оҳангда гапирган бўлса, Муқаддам ҳам худди ўша оҳангда жавоб берди.

Отасининг қалин қоши остидаги кўзлари чақнаб кетди. Энди унинг қони қайнай бошлаган, ўз ҳукмига бўйсунмаганларнинг жазосини берувчи асаблари таранг тортила бошлаган эди.

— Борасан! — деди у чўрт кесиб. — Бормасанг, ўзим обориб қўяман.

— Бормайман!

— Борасан!

Отанинг қони гупиллаб кетди. Лекин Муқаддамнинг вужудида ҳам худди шу ота қони айланарди. У мўмин-қобил онасига эмас, худди шу отасига торттан эди.

— Бормайман! — деди у отасига тик қараб.

— Ҳай, дадаси, бола қўрқади! — она даҳшат ичида эрининг титрай бошлаган қўлларига ёпишди. — Қўйинг... Қўйинглар...

— Борасан, итвачча, борасан!

Муқаддам сакраб ўрнидан турди.

— Бормайман! Бекорга овора бўласизлар!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Отанинг кўзлари чақнаб кетди. Маҳсили оёғи билан хонтахтани тепиб юборди. Хонитахта Муқаддамнинг шундоққина олдидан учиб ўтиб, обрезга бориб тушди-ю, қарсиллаб синди.

Она чирқиллаб эрига ёпишди. У алланима деб ёлворар, аммо Муқаддам эшитмас эди.

— Йўқол кўзимдан, кўрнамак!

Муқаддам жаҳолатдан қақшаётган отасининг олдига тик юриб келди.

— Ҳайдамасангиз ҳам кетаман! — У кўксини тўлдириб келаётган йиғини аранг босиб, нимқоронғи уйга отилиб кирди-ю, ўғлини кўрпаси билан юлқиб каравотдан олди. Шавкат ғингшиб йиғлай бошлади. Муқаддам яна шиддат билан отилиб чиқди. Ўғлини маҳкам бағрига босиб, айвон эшигига етди.

Она энди эрини қўйиб юбориб, йиғлаганча Муқаддамга ёпишди. У йиғи аралаш бир нималар дер, Муқаддамни олиб қоладиган танҳо умиди шудек Шавкатга талпинар, боланинг кўрпачасидан тортқиларди. Муқаддам ҳеч нима эшитмади. Айвоннинг ойнабанд эшигини қарсиллатиб очди-да, ўзининг энг осуда дамлари кечган уйига бир қараб қўйди. Шу қарашда кўзларидан ёш тирқираб кетди.

— Тегма! Кетсин! — ҳайқирди отаси турган ерида япроқдай қалтираб. — Эл-юрт олдида шарманда қилгандан кўра, йўқолиб кетсин!

Муқаддам ғиштин зинадан ҳовлига сакраб тушди. Қаттиқ шамол нафасини қайтариб юборди. Рўмоли пирпираб, елкасидан сирғалиб учиб тушди, сочлари ёйилиб кетди.

Йўлак олдида онаси унга етиб олиб, билагига ёпишди.

— Жон болам, эсингни йиғ, жон болам! — деди у йиғлаб.

Муқаддам онасининг изтироб тўла йиғисини эшитиб, қайрилиб қаради. Аммо тўхтамади. Пастак дарвозадан бошини эгиб кўчага отилди, югуриб кетди.

Кўчаларда шамол ўкирар, симёғочлар учидаги лампочкалар шиддат билан лопиллар, чопиб бораётган Муқаддамнинг соясини у ёқдан-бу ёққа ирғитар эди.

Тошкент! Одамларнинг бахтини қанчалик бағрикенглик, сахийлик билан кўксига сиғдирса, бахтсизлигини ҳам шунчалик бағрикенглик, бепарволик билан қаршилайди!

Муқаддам кўксини тўлдирган йиғидан довдираб кўча бўйлаб бораркан, ўзини якка-ёлғиз, ожиз ҳис этар, одамлар аллақачон уй-уйларига кириб кетишган, қайси бир деразаларда чироқлар ўчган, кимлардир бахтидан энтикиб ҳаёт

www.ziyouz.com kutubxonasi

гаштини сурар, қайси бир деразалардан куй ёғилиб чиқар, кимлардир ўз оқшомини шодликка тўлдирган азиз бир одами билан суҳбат қурарди. Фақат у ёлғиз эди. Унинг қадам товушлари асфальт йўлкада қарсиллар, шамол аралаш қулоқни тешиб юборгудай олис-олисларга тарқалар эди. Ҳа, у билади! Отаси жаҳл устида шундоқ қилаётганини, зум ўтмай пушаймон бўлишини, бутун умидлари шу қизидан эканини билади. Онаси ҳозир алам ичида зир титраб, қўрқувдан беҳуш бўлиб қолганини ҳам билади. Лекин отаси, онасига бўлган меҳрдан кўра ўз-ўзига бўлган нафрат зўр чиқиб, етаклаб кетяпти уни! Қаёққа? Мана шуни билмайди у...

Муқаддам катта кўчага чиқаверишдаги пастак уй тагида ётган харсангтошга кўзи тушди-ю, бирдан ҳуши жойига келгандай тўхтаб қолди. Ўғлининг йиғлаётганини, ўзининг сочлари тўзиб кетганини энди пайқади. Чироқ нурида тилсиз боқиб турган бу тош унинг кўзига олтин бўлиб кўриниб кетди. Илиқ, азиз хотираларнинг қуюни тўсатдан ёпирилиб келди-да, секингина тош устига ўтирди.

Бир вақтлар эри урушда ўлган хотин шу тош устида ўтириб, писта сотарди, Муқаддам қизалоқ дутоналари билан доим шу ерда ўйнарди.

Кейин... Кейин у оқшомлари ўзини кузатиб келган Анвар билан худди шу ерда ўтиргувчи эди...

Бирдан унинг кўз ўнгида ҳозирги эмас, ўша ўз Анвар акасининг уятчан, хаёлчан қиёфаси жонланди...

Мана, ҳозир ҳам ҳаммаёққа писта пўчоғи сочилиб ётибди. Чекка-чеккада оқариб ётган папирос қолдиқларини шамол эрмак қилиб пилдиратяпти...

Ўзи ҳам бир вақтлар Анварнинг муҳаббатини эрмак қилган экан. Дунё ўзи шунақа экан. Киши ўзини ардоқлаганларга озор бераркану озор берганларни ардоқларкан...

У ўғли кўксини тортқилаётганини сезиб, эгилиб қаради. Шавкат овуниб қолган, аммо узун-узун киприклари орасида ёш ялтираб турар, жажжи қўлчалари билан онасининг сийнасига ёпишиб олган эди. У ўғлига бир қарашдаёқ ҳамма фикрлари изсиз йўқолиб кетди. Кўкси қуёшдай ягона, қуёшдай ёркин оналик меҳри билан тўлиб-тошди. Шавкатни маҳкам бағрига босиб, негалигини ўзи ҳам тушунмай жилмайиб қўйди.

Кўча ичида шошилинч қадам товушлари эшитилди. Аллаким ҳаллослаб югуриб келарди. Муқаддам шошилиб, кўксини яширди. Ўғлини бағрига маҳкамроқ босиб ўрнидан турди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Муқад!

Муқаддам зулмат ичидан чиқиб келаётган аёлни дафъатан таний олмади. Кейин тикилиб турди-ю, қичқириб юборди:

— Лобар!

Лобар югуриб келиб, уни қучоқлаб олди. У ҳарсиллар, тез чопганидан ранги ўчиб кетган эди.

— Жинни! — деди у Муқаддамга ўқрайиб. — Эсинг борми ўзи?! Нима қилиб ўтирибсан, Анзират холамни ўлдирмоқчимисан? — У Шавкатни кўтариб олмоқчи эди, Муқаддам бермади.

— Кўявер, ўзим... — Муқаддам унинг келинлик латофати барқ уриб турган чеҳрасига, атир ҳиди гуркираётган атлас либосига қараб туриб, лоқайд сўради:

— Қачон келдинг?

— Вуй, одамнинг ўтакасини ёриб юборай дединг! — Лобар нафасини ростлаб жилмайди. — Ойим касалликларини эшитиб келган эдим... Узоқ йўл, энди келиб тургандим, холам йиғлаб чиқдилар... — У йўл бошлар экан, шамолдан юзини пана қилиб Муқаддамга қараб қўйди. — Жинни бўлиб қолдингми?

Муқаддам сирдош дугонасининг худди шу пайтда учраганидан кўнглида бир илиқлик уйғониб, унга эргашди. Лобарнинг шамолда ҳилпираётган этакларига, шошилиб қадам босишига қараб бораркан, дафъатан хаёлига қизиқ бир фикр келди. Бу хаёл умид чироғи сингари олдинга етаклагандай бўлиб кетди.

— Лобар, қишлоғингларда менга иш борми? — деди шошилиб.

Лобар таққа тўхтаб, бурилиб қаради. Яна юзини кафти билан шамолдан пана қилиб, узоқ қараб қолди.

— Нима, кетмоқчимисан? — деди ишонқирамай.

— Иш бўлса, бораман! — Муқаддам Шавкатни ўнглаб кўтариб, ўжар, қатъий оҳангда яна такрорлади: — Бутунлай кетаман!

Лобар унинг аниқ айтаётганини тушуниб, тағин бир нафас туриб қолди.

— Иш топилади, — деди ўйланиб. У дугонасининг ўз ёнида бўлишидан қувона бошлаган эди. — Ростдан қайтиб келмайсанми?

— Бутунлай кетаман! — Муқаддамнинг ўзи олдинга ўтиб, юриб кетди.

Зум ўтмай улар кўча ичига киришди. Икки жуфт пошна садоси шамол қанотида узоқ қарсиллаб турди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муқаддам бу кўчаларда ўзининг қадам товушлари энди янграмаслигини биларди.

* * *

Каттакон зал ҳам, балконлар ҳам томошабинлар билан лиқ тўлган. Чекка-чеккадаги эшиклар устида ёниб турган қизғиш, ўйчан нур остида одамларнинг чеҳраси шодон, ҳаяжонли кўринади.

Алимардон торини кўтариб олганча, саҳна чеккасига суриб қўйилган зангори бахмал парда орқасидан залга тикилиб турар, негадир ижирғанар эди. Кунгурадор шифтлар остида Мутал Қодировнинг майин, дилкаш овози оҳиста парвоз этади, одамлар уни ҳаяжондан энтикиб тинглашади. Алимардоннинг назарида юзларча одамлар шу топда бир оҳангдан тебраниб, бир оҳанг оғушида тўлғанаётгандек эди. Баҳор сувларининг жарангдор кулгиси ҳам, илиқ қуёшнинг эрка нурлари ҳам, иболи юрак тўлқинлари ҳам — ҳамма-ҳаммаси шу оҳангда мужассам эди.

Залда даҳшатли қарсак кўтарилди-ю, Алимардоннинг юраги зириллаб кетди. У биринчи қаторда ўтирганларга ваҳима билан қараб қўйди. Одамлар бараварига қарсак чалишар, Алимардоннинг рақибини олқишлашарди.

Алимардон Муталнинг залга қараб енгилгина таъзим қилиб қўйганини кўриб турди. У томошабинларга яна бир марта ташаккур билдирди-да, саҳна четига чиқди. Конферансье қиз тез-тез юриб микрофон олдига борганида, қарсаклар яна кучайиб кетди. Аммо қиз ҳеч кимга парво қилмай баланд овоз билан қичқирди:

— Навбат таниқли, севимли хонандамиз Алимардон Тўраевга!

Алимардон торини қўлга олиб, чеҳрасига ўша таниш табассумни қалқитди-да, саҳнага чиқа бошлади. Аммо шу ондаёқ қарсак илгаригидан ҳам кучайиб кетди. Аввалига у одамлар мени олқишлаётибди, деб қувонди. Лекин микрофон олдига келганидан кейин чапак товушлари бир меъёрда гурс-гурс урилаётганини кўрди-ю, бир нафас қотиб қолди. Одамлар норозилик билан қарсак чалишар, залнинг чекка-чеккаларидан ҳуштак овозлари эшитилиб қоларди. Нима гап? Одамлар уни ҳайдашяптими? Муталнинг ўзини талаб қилишяптими?

У ваҳима ичида бир залга, бир бўзрайиб қолган конферансьега жавдираб қарай бошлади, аламдан лаблари титрарди. Шунда ҳам ўзини-ўзи мажбур қилиб қайта жилмай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Томошабинларга қараб таъзим қилди-ю, торини кўтарди. Зал устида торнинг аламли садолари жаранглай кетди. Жаранглади-ю, шу ондаёқ гумбурлаган чапак товушлари остида кўмилиб қолди. Одамлар ҳайдашар эди уни!

Алимардон бирдан чалишдан тўхтади. Ситам тўла кўзлари билан залга тикилиб қолди.

"Бу қандоқ шармандалик! Бу қандоқ шармандалик!"

Бир вақтлар момақалдироқдек гумбурлаб одамларнинг юрагини ларзага солган, чақмоқдек чақнаб кишиларнинг кўзини қамаштирган Алимардон Тўраевнинг қисмати шу бўлдими? Саҳна гулшанида қаноти капалакдек товланган Алимардоннинг умри шунчалар қисқа бўлдими?!

Ҳар сафар қийқириб олқишлаган томошабинлар қани? Балки ўша пайтда энг қаттиқ қарсак чалиб олқишлаган одамлар ҳозир ҳам энг қаттиқ қарсак чалиб уни ҳайдашаётгандир?! Наҳотки, Зуфар Ходиевичнинг гаплари тўғри чиққан бўлса!

У залга, ўзининг энг ширин, энг бахтиёр дамларини бағрига яширган қадрдон залга, ночор термилиб турган тилсиз деворларга, мунис қандилларга охирги марта қаради-да, бирдан кўзларига ёш қуюлиб келди.

Турган ерида шартта бурилди-ю, чопганча саҳна четига чиқди. Ундан йўлакка ўтди-да, торини тўшалган пойандозга ташлаганча югуриб кетди.

Театр этагидаги боққа киргандагина ўзига келди. Чор атрофда баҳор яшнар, табиат ўзининг мангу, бузилмас қонунига амал қилиб кўкламни етаклаб келган эди. Боғ устида оромбахш шабада эсар, ҳавода кўкатлар иси анқир, кўклам шамоли майин япроқларни силкитар, ёмғир сувини эмиб тўйган ер эркин-эркин нафас оларди.

Ҳа, ер юзида қайта туғилиш, қайта гуллаш, қайта ҳаёт бошланган эди. Ёлғиз унинг — Алимардон Тўраевнинг баҳори ўтган эди.

Одам ўзи бахтиёр пайтида ўзгаларнинг бахтсизлигини тушуна олмас экан. Муқаддам уйидан қон-қақшаб чиқиб кетаётганида Алимардон унинг муштипарлигини тушунмаган экан. Мана, бутун ўзи бахтсизлик нима эканини пайқаганида бирданига тушунди. Ҳаммасини тушунди. Шу топда олдида бирон-бир юпанчи, бирон-бир суянчиғи қолмаганини ўйлади. Ўйлади-ю, бутун вужуди билан мункиб кетди. Шу топда ўғлини, ўзининг ягона юпанчиғини бағрига босиб-босиб эркалатгиси, ўзи ҳам кимгадир эркалангиси, дардлашгиси келиб кетди!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Начора? Ҳаёт ниманики тақдим этган бўлса, ўшандан ортиғини қайтиб олмайди.

"Аҳмоқлар! — деб ўйлади у ўзини саҳнадан қувиб чиқарган одамларни ўйлаб. — Аҳмоқлар! Шулар санъаткорнинг қадрини билишармиди? Санъат нималигини тушунишармиди?"

У бошини қуйи солганча секин-секин юриб борар, алам-дан тишларини ғижирлатарди. У одамлардан нафратланар, куни кеча бир нафаслик ором учун чаккасига пул қистириб, бугун ўзини саҳнадан ҳайдаган енгил-елпи томошабинларни кўрарди-ю, чинакам санъатни қалбининг тўрида сақлашга қодир бўлган чинакам шинавандалар озмунча эмаслигини билмас, билишни хоҳламас эди.

У баҳор қувончига тўлган кўчалардан соядай судралиб борар, аммо ҳаёт ўзининг кичкинагина бир заррачасининг фожиасига парво қилмас, яшаш гашти билан, туғилиш завқи билан маст эди.

* * *

Алимардон катта йўлдан бурилиб, тор кўчага кирди-да, ўн қадамча юриб тўхтаб қолди. Деворлар оша эгилиб ётган ўрик шохида данак қотирган довуччалар маржондек тизилган, оқариб қолган гилослар устида чумчуқлар парвона бўларди. Қуёш эндигина кўз очган, кечаси ёғиб ўтган жаланинг тароватли нафаси ҳали кетмаган, асфальт кўчанинг у ер-бу ерида сув ҳалқоб бўлиб ётарди. Ҳаммаёқ жим, ўткинчилар сийрак. Фақат кўча ичкарисида — ягона симёғоч тагидаги сайҳонликда икки қизалоқ коптоқ ўйнайди. Уларнинг бири, калтагина қизил кўйлак кийган қиз томоша қилиб турар, иккинчиси, жажжи духоба нимча кийиб, сочига баргак тақиб олгани коптокни ерга уриб, гир-гир айланарди. Коптоқ тўп-тўп этиб ерга урилади, ҳар айланганида қизалоқнинг баргаклари ёйилиб-ёйилиб кетади. Қизил кўйлакли қиз ўртоғининг айланишига ҳавас билан қараб, бир оҳангда санайди:

— Ўн етти, ўн саккиз, ўн тўққиз...

Алимардон уларга қараб жилмайиб қўйди. Ҳаёт ўз йўлидан борар, баҳор болаларга ўз қувончи, ўз шодликларини сахийлик билан тақдим этган эди.

Алимардон қизалоқларнинг олдидан секин-секин юриб ўтиб кетди. Қизчалар парво қилишмади унга. У яна йигирма қадамча юриб, болохонали уй ёнбошидаги кўкиш эшик-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни кўриб тўхтади. Юрагининг бир бурчида шунча йиллардан бери мудраб ётган аллақандай пок, аммо азобли туйғулар бирдан туғён урди-ю, нафаси тиқилиб қолди. Бир вақтлари — бундан уч йил бурун у ўзининг дўстлари билан, ёшлик завқига тўлган йигитлар билан мана шу ердан бир кўча бўлиб ўтиб, кўкиш эшикдан кириб борган эди. Уни қучоқ очиб, фарзандим, деб кутиб олишган эди. Энди-чи...

У қўлга тушиб қолишдан чўчигандек оёқ учида юриб яқин борди. Эшик қия очиқ турарди. У бошини бир томонга эгиб, аста мўралади. Ҳовли ўртасидаги водопровод жўмрагидан сув шариллаб оқиб ётар, цемент ҳовузча тўлиб чиқиб, ариқча четидаги барқ уриб ётган ўсмаларга тошиб кетганди.

Унинг кўз ўнги қоронғилашиб, энтикиб кетди. Ҳамма нарсанинг қадри йўқолганидан кейин билинаркан. Шу топдагина у Муқаддамни севганини, қаттиқ севганини тушунди. Тушунди-ю, енгил титраётган қўллари билан эшик занжирини қоқди.

Ичкаридан аёл кишининг "ҳу-ув" деган товуши эшитилди. Айвоннинг ойнабанд эшиги шарақлаб очилди-да, қайнонаси кўринди. У йўлакда турган одамни кўрмади шекилли, кафтини қуёшдан пана қилиб тикилди. Алимардон унинг қўллари хамир юқи эканини кўрди. Кампирнинг эгик гавдаси тағин ҳам кичрайган, мункиллаб қолган эди. Алимардон Муқаддамга уйланганидан кейин бу ҳовлига кам келган, қайнонасини ҳам, қайнотасини ҳам кам кўрган, улар уйига боришганида рўйхуш бермас эди. Ҳозир у кампирни ғам-ғусса адо қилганини пайқади.

— Келаверинг, — деди кампир паст, ожиз товуш билан.

Алимардон кирмади, киролмади. Ўша, Муқаддам ҳайдаб юборганидан бери бу уйга қадам босишга ҳақи йўқлигини биларди.

Кампир жавоб бўлмаганидан ҳайрон қолди шекилли, зиналардан авайлаб қадам босиб ҳовлига тушди. Сув тошиб ётган ўсмаларни четлаб ўтиб, йўлак ёнига кела туриб, таққа тўхтаб қолди.

— Келинг, — деди у беихтиёр. Кейин бирдан ранги ўчди. Хира кўзлари ярқ этиб очилиб кетди. Бегона, қора ниятли одам олдида тургандай дока рўмолининг учи билан юзининг ярмини яширди. — Нега келдингиз? — деди овози титраб. — Нима керак сизга?

Алимардон шу бир оғиз сўздан — тубсиз алам, бир олам нафрат оҳангиданоқ ҳаммаси тамом бўлганини тушунди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен... — Алимардон қайнонасининг кўзларига қарай олмай тескари ўгирилди. — Ўғлим қани? — деди юрагидаги гапни айтиб.

Айвон эшиги яна шарақлади. "Муқаддам". Алимардон юрагини титратиб юборган ҳаяжон ичида ярқ этиб ўша томонга қаради. Зинадан баланд гавдасини ғоз тутиб қайнотаси тушиб келарди. У ҳамон ўзгармаган эди. Ўсиқ қошлари остидан тикилиб қаради-ю, узоқдан Алимардонни таниди.

Алимардоннинг назарида унинг кўзлари ғазабдан чақнаб кетгандек бўлди. У, Қори ҳозир, ҳозирнинг ўзидаёқ ҳайдаб солишини ҳис этиб турар, энди битта умиди қолган эди. Алимардон ўғлини кўргиси келар, унинг овозини, лоақал йиғисини эшитиб қолишни орзу қиларди.

Қори катта-катта қадамлар билан юриб келиб Алимардонга рўпара бўлди. У қисқа-қисқа нафас олар, қулранг яктаги тагидаги сертук кўкраги тез-тез кўтарилиб тушар, соқоли асабий титрар, бурун парраклари қисилиб кетганди. У Алимардонга, мана шу нобакорга арзигулик бир оғиз сўз топа олмагандай анчагача тикилиб қолди.

— Нега келдингиз? — деди у ниҳоят тилга кириб.

Алимардон юрагини тўлдирган туйғуларни босиб олиб, совуққина:

— Муқад... — деган эди, Қори унинг гапини кесди:

— Муқадда нима ишингиз бор?

Алимардон ҳаммаси тамом бўлганини янада чуқурроқ ҳис этди. Гапни айлантириб ўтиришдан фойда йўқлигини билиб, кўнглидаги бор гапни айтди:

— Ўғлим қани?

— Ўғлингиз... — Қори лаблари титраб қайтарди:— Ўғлингиз йўқ... Муқад ҳам йўқ.

Алимардоннинг кўнглидаги изтироб ўрнини ғазаб эгаллади.

— Шавкат қани? Олиб кетаман!

— Шавкат йўқ! — Қори чертиб-чертиб таъкидлади. — Шавкатни онаси олиб кетган.

"Қаёққа?" — Алимардоннинг хаёлига шу фикр урилди-ю, аммо сўраб ўтирмади.

— Ҳақингиз йўқ, — деди бўғилиб. — Мен отаман.

— Бола туғдиришни билганларнинг ҳаммаси ота бўлавермайди!

Пастак эшик унинг юзи олдида қарсиллаб ёпилди. Занжир шиқирлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алимардон ғазаб ўтида ловиллаб бир нафас турди-да, шартта бурилиб кетди.

У ҳеч нимани кўрмас, кўз ўнгини оёғини "велосипед" қилиб қийқираётган ўғли тўсиб олган, бошини қуйи солиб борар, нариоқда эса қизалоқлар ҳамон чирчира ўйнашарди.

* * *

Гоҳо зарурат бўлиб, эски лаш-лушлар билан тўлиб кетган ҳужрачани титкилаб қолсангиз, занглаб ётган пичоқчангизми, жияги титилиб кетган дўппингизми топилиб қолади. Шунда аллақачон йилларнинг гарди босиб, тусини йўқотган хотиралар тўсатдан ярқ этади-ю, тағин аланғаланиб кетади, юрагингизни ўт бўлиб ёндириб юборади. Бир вақтлар ўша пичоқчада толдан ҳуштак ясаганингиз, ўша дўппига қаттиқ нон солиб, ариқ бўйида оқизоқ қилиб еганларингиз ёдингизга тушади. Кечмиш йилларингиз, ўша тонгдай мусаффо йилларингиз ҳозирги кунингизга қараганда анча бегубор, анча пок бўлганини аянчли бир ҳақиқатдай тан олишга мажбур бўласиз.

Алимардон Анварнинг Янги маҳалладаги шаҳар ҳовлисига кириб келганида худди шундай аҳволда эди. У бу ерга боши оғиб келиб қолди, аммо энди бари бир Анварнинг олдида бош эгишга мажбур бўлишини ўйлаб, ич-ичидан эзила бошлади.

Алимардон олди очиқ айвон тўрида — гулдор кўрпача устида ўтирганча атрофни соғинч билан томоша қилар, бу ердаги ҳамма нарса унинг болалигини эслатар эди. Токчалардаги ялтироқ баркашлар ҳам, айвоннинг йўғон-йўғон, хийла сарғайиб қолган тўсинлари ҳам кўнглига яқин, қадрдон эди.

Бир вақтлар қиш кечаларида Алимардон далада зерикиб кетар, таътилда шу ерга келарди. Анвар билан кечгача уриниб ҳовли ўртасида қорбобо ясашар, кечалари худди шу айвон олдига чодир ташлаб қўйилар, улар танчага оёқ узатиб алламаҳалгача туршак чайнаб ўтиришарди. Тонг саҳарда уйғониб, ҳовондаги сопол товоқларни олишар, музлаган қаймоққа шоша-пиша қора нон бўктириб ейишарди.

У ўша дамларни эслаб, мийиғида кулиб қўйди. Ҳозир ҳам деярли ҳеч нима ўзгармаган. Ўша айвон, ўша кафтдай ҳовли. Ўртадаги ўша бир туп тут оқариб қолибди. Қарши томондаги болохонада Иқбол холанинг сариштa қўллари билан ипга тизилган маржон-маржон гармдорилар осилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

турибди. Фақат болохона тагидаги уй ўзгарибди. Оқланибди, янги эшик ўрнатилибди, сирланган деразаларда келинлик нишони бўлган нафис дарпардалар...

Ошхонада Иқбол хола кўринди. У Алимардон кўникиб қолган майда-майда, чаққон одимлар билан келиб, лип этиб айвонга чиқди. Нон, қанд-қурс солинган патнисни Алимардоннинг олдига, хонтахта устига қўйди.

— Келганингиз қандоқ ярашиб турибди, — деди чўккалаб ўтириб нонни ушатаркан. — Сантал раҳматлик шундоқ бўлиб кетганингизни кўрганида юраккинаси қоқ ушалмасмиди. Яратгандан ҳам айланай. Бандасини доим бир томондан қисиб қўяди-да! — У чой қуйиб узатди. — Олинг, айланай, бегоналарга ўхшаб ўтирманг.

Алимардон чойни оларкан, зимдан унга қараб қўйди.

"Анвар ўртамизда бўлиб ўтган гапларни айтганми, йўқми? — у Иқбол холанинг чеҳрасида ҳеч қандай ўзгариш йўқлигини илғаб тинчиди. — Айтмаган..." — Иқбол хола деярли ўзгармаган эди. Ҳамон ўша меҳрибонлик, қоп-қора юзларида илиқлик. Фақат сочларининг оқи кўпайибди.

Алимардон кўпдан бери ерда — кўрпачада ўтирмагани учун оёқлари увуша бошлади. Кўзлари билан стул қидираркан, бирдан ўзининг ўзгариб кетганини, қандайдир бошқа одам бўлиб қолганини ўйлади.

— Анвар келиб қолармикан?

— Келади, ўргилай, ҳали-замон келиб қолади. — Иқбол хола овозини пасайтирди. — Келиннинг ойи — шу ой. Болам боёқиш хавотир олади-да. Ишдан чиқа солиб уйга югуради. Ўзиям бу уйда чақалоқ овози чиқмаганига иккам ўттиз йил бўляпти.

"Дарров болалик ҳам бўлишаётган экан-да!" — У бирданига яна ўзининг Шавкатини, унинг қийқириб кулишларини эслади-ю, юраги санчиб кетди. "Ҳозир йўлга киргандир".

Иқбол хола унинг чеҳрасидаги алам кўланкасини илғамади.

— Келин дўхтирга қатнаяпти. Эсон-омон қутулсин, кўп яхши чиқди-да, болам боёқиш... Сиз бемалол ўтириб туринг, қоқиндиқ! — Иқбол хола яна ўша илдамлик билан ўрнидан туриб, ҳовлига тушди.

Кунботар олдидан ҳаво қизиб кетган, дим эди. Чор-атрофдаги тунука томлардан чиққан ҳарорат ҳовли ичига қамалиб қолгандай туюлар, тутнинг қилт этган шабадага зор япроқлари ғамгин шалпайиб турарди.

Ҳовли юзида яна Иқбол хола кўринди. У кўйлагининг этагини липпасига қистириб олганча пақирлаб сув сепа бош-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лади. Қизиган тупроқнинг майин иси гуркиради. Бир ҳовуч сув айвоннинг пишиқ ғиштдан урилган пойдеворига сачради-да, шимилиб кетди.

Алимардон секин ўрнидан турди. Увушиб қолган оёқларини ёзиб, керишди. Унинг кетгиси келарди...

Алимардон Анварни қадам товушиданоқ таниди. Чеҳрасига қалқиб чиққан аламли ифодани яширишга уриниб, бурилиб қаради.

Анвар айвон олдидаги ғиштин йўлканинг ўртасида таққа тўхтади. Унинг чеҳрасида ҳайрат ифодаси қотиб қолган, чамаси, Алимардоннинг келишини ҳеч кутмаган эди.

— Ол, қасдингни олмайсанми?! — пичирлади Алимардон ундан кўз узмай тураркан. Шу топда у Анварнинг тўлишиб, улуғвор бўлиб қолганини пайқади. У бошқаларнинг, айниқса, шу йигитнинг ўзидан устунроқ бўлишига чидаб туролмас эди.

— Кетайми? — деди у лабларини заҳарли қимтиб.

Анвар худди шу гапни кутиб тургандай унинг ёнига яқин келди. Пастдан туриб қўл чўзди.

Алимардон унинг қўлини парвосизгина қисаркан, яна кинояли бир хаёл кўнглига шарпа солиб ўтди:

"Ўзбекчилик қиляпти. Бўлмаса аллақачон ҳайдаб юборарди".

— Ўтир, — деди ниҳоят Анвар кўрпачага имо қилиб.

Икковлари ёнма-ён ўтиришди.

— Қачон келдинг?

"Тулкилик қилма!" — деб ўйлади Алимардон унга бурилиб қараб. Аммо Анварнинг хотиржам кўзларига кўзи тўқнашди-ю, бепарво жавоб берди:

— Ҳозир... Кетмоқчи бўлиб тургандим.

Анвар анчагача индамай ўтирди. У айвоннинг йўғон устунига тикилиб турар, чамаси, муҳим бир нарсани айттиси келар, аммо керакли сўзларни топиб ололмасди. Ниҳоят, ҳовли томонга шошилинч қараб олди-да, Алимардоннинг кўзларига қараб сўради:

— Муқаддамда нима қасдинг бор эди?

Алимардон ич-ичидан сесканди. Истеҳзо билан кулиб кўзларини олиб қочди.

— Хурсандмисан?..

Анварнинг кўзлари чақнаб кетди. Ранги қув ўчиб, лабини тишлади. Ўша тўйга айтиб борган куни Муқаддамнинг оғироёқ эканини кўрганида сўна бошлаган ўт, Эътибор оғироёқ бўлганидан бери бутунлай сўнган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳалиям одам бўлмабсан!.. — деди у овози титраб. — Боланг бор, ахир...

У Алимардоннинг энг нозик ярасига тегиб кетди. Алимардон бу ерга ҳам фақат мана шунинг учун — боласи туфайли келган эди. У Анвардан енгила бошлаганини ҳис этиб, лов этиб ёнди.

— Жиғимга тегма! — деди тишлари қисирлаб.

Анвар унинг аҳволини тушунди. Анчагача ўйланиб ўтирди-да, шу топда айтиш керак бўлган энг зарур гапни топди:

— Юр, Муқаддамларникига борамиз... — у бир лаҳза ўйланиб давом этди: — Ё ойимлар борсинларми?

Алимардон бу ерга худди шунинг учун келган эди. У юрагининг бир бурчида, энг ашаддий душмани бўлса ҳам мана шу Анвар ёрдам бериши мумкинлигини биларди. Шунда ҳам ўзидан паст деб юрган кишисига бўйин эгтиси келмади.

— Кераги йўқ!

Анвар унинг сидқидилдан гапирмаётганини тушунди шекилли, яна қистади:

— Кеч бўлиб кетяпти, тур...

Улар Иқбол холанинг тайёр ошини ташлаб чиқиб кетишди...

Тор кўчалар чанг-тўзон, болалар қий-чув солиб мактабдан қайтишарди.

Алимардон руль чамбарагидан ушлаганча кўча бошида турар, Анвар кириб кетган ўша кўкиш эшикка қараб-қараб қўяр, кетма-кет сигарет тутатарди. У ҳаммадан ҳам Муқаддамни кўрганида ўзини йўқотиб қўйишидан ваҳимага тушар, совуқ гаплашиб, унинг ўзини айбдор қилиб қўйиш, ялинтириш кераклигини ўйлар эди.

Оқшом қуюқлашиб кетди. Кун бўйи ўз ташвиши билан елиб-югурган шаҳар устига туннинг қора қуши келиб қўнди. Одамлар бир оз тинчиб қолишди. Осмонда якка-ёлғиз шошқалоқ юлдузлар ёнди. Дераза ларда чироқлар парпи ради. Телевизорли уйлар дарчасидан кўкиш нур ёғила бошлади. Кўл четидаги боғда сурнай садолари янграб кетди. Шабада аллақаердан ёзлик кинотеатр карнайининг овозини олиб келди. Ҳар ким ўз кўнгли тусаганча дам ола бошлаган эди.

Фақат битта ҳовлида — Анвар кириб кетган уйда тошдай сукунат қотган, тиқ этган товуш эшитилмас, гўё Анвар ҳовлига киргану аллаким қазиб қўйган тубсиз чуқурликка тушиб йўқолгандай эди.

Алимардон ғижиниб машинадан тушди. Энди олдинга бир қадам босган эди, эшик занжирининг шиқирлагани

www.ziyouz.com kutubxonasi

эшитилди. У биров келиб ёқасидан оладигандай шошилиб машинага кирди. Эшикни тарақлатиб ёпиб олди.

Узоқдан Анварнинг оқ кўйлаги кўринди. У ёлғиз ўзи келар, ҳеч қаёққа қарамай, елкасидан оғир юк босган одамдай оғир-оғир қадам босарди.

"Йўқ дебди!" — Алимардон юзлари ўт бўлиб ёниб кетганини сезди-ю, ғазабдан томири тортишаётган қўллари билан моторни юргизди.

Анвар унинг ёнига оғир чўкди-да, индамай ўтираверди: Алимардон нимқоронғиликда унинг ранги ўчиб кетганини, кўзларида тубсиз бир ғусса борлигини сезди.

Машина бир сапчиб елиб кетди.

— Хўш? — Алимардон овози хириллаб сўради. — Нима деди?

Анвар яна узоқ жим кетди. У ўзини босиб олишга уринаётганини Алимардон билиб турарди.

Ҳозиргина сув сепиб ўтилган катта кўчага чиқиб олишганидан кейин Анвар унга қараб қўйди.

— Тўхтат машинангни! — деди овози хириллаб.

Алимардон тормозни таққа босди.

Анвар пешанаси билан олд томондаги ойнага урилиб кетай деди. Унинг кўзлари қоронғида чарақлар, важоҳати хунук эди.

— Муқаддам қишлоққа кетибди, — деди овози қалтираб. — Бутунлай кетибди! — У боядан бери бўғзига тиқилиб турган гапни энди айтди: — Сенинг шунчалик ҳаромлигингни билганимда бу ерга келмасдим! Ҳайф сенга оталик!

Алимардоннинг қалбидаги энг нозик тор узилиб кетди. У фақат мана шу гапдан, биров ўғлини эслатишидан даҳшатга тушарди. Ғазаб ичида Анварни ёқасидан олмоқчи бўлди-ю, кечикди. Анвар аллақачон ерга сакраб тушган, эшикни силтаб юборган эди. Эшик тутқичи Алимардоннинг қўлига қарсиллаб урилди. Зум ўтмай Анварнинг оқ кўйлаги зулмат ичига шўнғиди.

— Шунақами? — Алимардон алам билан пичирлаб газни босди. — Шунақами ҳали! — У шиддат билан машинасини елдириб кетди. — Ҳаромликни мендан кўрсин! Қишлоққа кетиш мана бунақа бўлади! Бутунлай кетиш мана бунақа бўлади!

У кучи борича газни босар, машина қутуриб кетгандай у ёқ-бу ёққа силкиниб, гавжум кўчалардан учиб борар, сийрак ўткинчилар қўрқув ичида ўзини четга отишарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мудҳиш бир туманлик ичида адашган икки йил ўтди. Алимардон қанча май ичганининг, қанча аёллар билан улфатчилик қилганининг ҳисобига етмади. Бир кўнгли Кларага уйлангиси келди-ю, айниди. Энди у телевизорда кам кўринар, концертларда онда-сонда чиқиб қолар, одамлар ўзини олқишламаётганини кўриб жини қуришар, лекин одамлар ҳам энди унга зор эмас эди!

Энда у ягона бир нарсанинг — пулнинг ҳисобини биларди. Пул учун дунёнинг нариги чеккасига боришдан ҳам тоймас, тўйларда тонготар ашула айтиб, хириллаб қоларди.

Ҳушёр пайтларида у ўзининг аҳволини ўйлаб қарар, назарида даҳшатли туш кўраётганга ўхшаб кетар эди. Гоҳо у уйғониб кетишни жуда-жуда хоҳлар, пулдан ҳам, қарсаклардан ҳам, мастона ўтиришлардан ҳам — ҳамма-ҳаммасидан воз кечиб ўтмишга, покиза ўтмишига, ўз баҳорига қайтишни орзу қилар, аммо қайтиш йўлини тополмас, яна май билан таскин берарди ўзига.

Бу орада Зуфар Ходиевич пенсияга чиқиб кетди. Театрдагилар уни алланечук меҳр билан кузатдилар. Шунда Алимардон ҳам бу одамни яхши кўришини биринчи марта ҳис қилди...

Ора-чора Анвар келиб турарди. Алимардон аввалига рўйхуш бермай юрди-ю, кейин кўникиб кетди. Улар ўтмишлари ҳақида, болалик хотиралари тўғрисида узоқ-узоқ гаплашиб ўтиришарди. Анвар гоҳи-гоҳида чопқиллаб юрадиган бўлиб қолган қизчасини кўтариб келарди. Шундай пайтларда Алимардоннинг кўз ўнгида каравотчасида қийқириб ётган Шавкат пайдо бўлар, азобли соғинч туйғусидан титраб кетар эди. Анвар ҳар гал бир нарсани қистар, "Муқаддам билан ярашгин", деб тайинлар эди. Алимардон ҳам ҳар гал бир хил жавоб берарди: "Керак бўлса ўзи келсин!" — Шундоқ дерди-ю, кечмиш кунларини қўмсаб, дили ўртанаётганини билиб қоларди.

Шундай кунлардан бирида Алимардон эсини таниганидан буён биринчи марта ўзга кишидан енгилди. У йўлида учраган ҳар қанақа ғовни босиб-янчиб ўтишга, доимо ғолиб чиқишга ўрганган эди. Шу куни енгилди. Ўзи "сўтак бола" деб юрган ўша Мутал Қодировдан енгилди!

Эрта билан вокзалга келди. Йўқ, унинг кутадиган ҳам, кузатадиган ҳам одами йўқ эди. Шунчаки, боши айланиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

келиб қолди. Вокзал биноси олдидаги қаҳвахонага кирдида, дераза ёнида турган стол қаршисида ўтирганча одамларни кузата бошлади.

Ҳаво тунд, салқин эди. Майдондаги гулзорда дакана танғиган хотинлар чўнқайиб ўтиришар, чамаси, хонаки гунафша экишарди. Энг сўнгги қор эриб кетган, асфальт майдон қуриб қолган, такси бекатида одамлар машина талашарди.

Вокзал гавжум, майдончадаги скамейкалар тўлиб кетган. Биров чамадонга ёнбошлаб мудрар, биров папирос тутатиб, хаёл суриб ўтирар, бошқалар дўкондан китоб танлар эди. Ана, қизил жемпер кийган бир хотин кўксини рўмоли билан яшириб бола эмизиб ўтирибди. Унинг ёнидаги семиз киши бепарво газета ўқийди. Ойнабанд эшик олдида турган йигит кўкиш ёмғирпўш кийган қиз билан оҳиста суҳбатлашади. Қиз шодон кулиб қўяди. Чамадон кўтарган, қоп орқалаган одамлар зир югуришади. Бетоқат бақириб-чақиришади. Кўк шапка кийган темир йўл хизматчилари чамадон юкланган аравачаларини ғизиллатиб ўтиб қолишади...

Алимардон уларни кузата-кузата кулиб қўйди. Ажаб, қаёққа шошилади бу одамлар? Мунчалар зир югурмаса булар! Қаёққа талпинади? Бари бир борар манзили битта-ку!

Навбатчи аллақайси поезд келганини эълон қилди. Одамлар тағин ҳам чаққонроқ бўлиб қолишди. Кепкасини бостириб кийиб олган бир йигит каттакон гулдастани силкитганча перрон томонга чопиб кетди. Хотинининг, севгилисининг кутиб олаётган бўлса керак.

Алимардон кимдир ўзини чақирганини анчадан кейин эшитди. Бурилиб қаради-ю, қаршисида хиёл эгилиб турган Мутал Қодировни кўрди. Мутал спортчилардек таранг, кулранг жемпер кийиб олган, шунинг учун бўлса керак, гавдаси янаям ихчамроқ кўринарди.

У салом берди-да, Алимардоннинг қаршисига ўтирди.

— Наманганга, қишлоққа борган эдим. Поезддан ҳозир тушдим, — деди Мутал ингичка бармоқлари билан жингалак сочларини тараб. Кейин узр сўраган оҳангда давом этди: — Қарасам, сиз ўтирган экансиз...

Алимардон ғижиниб юзини ўгирди. У бу йигитни ёмон кўришини яшириб ўтирмас, театрдами, кўчадами дуч келиб қолса тескари қараб ўтиб кетарди. Алимардон бир кун эмас бир кун томошабинлар уни ҳам қўғирчоқни ўйнаб-ўйнаб, зерикқандан кейин улоқтириб юборган боладек унутишларини кутар, аммо ниятига етолмас эди. Мутал унинг кўз ўнгида кун сайин ўсиб борар, ҳеч қачон бошқалардан ол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

динга ўтиб олишга уринмас, шунинг учун бўлса керак, энг олдинда ярақлаб кўриниб турарди.

— Бировни кутяпсизми?

Алимардон унинг гаплашгиси келиб турганини пайқаб яна ижирғанди.

— Ҳа, сизни кутиб ўтиргандим! — У Муталнинг ҳамон болаларча содда нур аримаган кўзларига тикилиб туриб, аччиқ кулди. — Менга бир насиҳат қилиб қўймайсизми? Театрдан гапиринг! Станиславскийдан лекция ўқинг!

Мутал унга ўйчан қараб қўйди-ю, индамади. Анчагача икковларидан садо чиқмади. Алимардон қўли билан дераза томонга имо қилиб яна кулди.

— Одамларни томоша қиляпман. Улар сизни ҳар куни томоша қилади. Сиз ҳам бир томоша қилинг, ахир. Одамларни яхши кўрасиз-ку! — У Муталнинг кўзларига тикандек қадалиб сўради: — Яхши кўрасизми, ахир?

Мутал бошини оҳиста силкитди.

— Ана, баракалла! — Алимардон ҳузур қилиб кулди. — Шулар орасида бугун сизга гулдаста тутиб, эртага унутиб юборадиган бебурдлар борлигини биласизми?

Мутал бошини қуйи солганча кафти билан стол устидаги нон ушоқларини бир чеккага йиғиштира бошлади. Узоқ ўйлаб турди-да, бир қарорга келгандек ишонч билан бош кўтарди.

— Биламан! Лекин шулар орасида минг йиллардан буён "Муножот"ни, "Чўли ироқ"ни чалиб келаётган, Навоийнинг ғазалларини боласига ўргатиб келаётган одамлар кўп-ку! Ахир, ўзингиз халқ қўшиқларини яхши кўрасиз-ку! Шунақа ашулаларни қайта-қайта айтгансиз-ку!

Алимардон у билан ҳеч қачон шунақа дангал гаплашмаган эди. "Тилинг бурро-ку!" — деб ўйлади ҳамон эрмак қилиб жилмайиб тураркан. Кейин парво қилмагандек қўл силтади. Шоша-пиша вокзал биносига ёпирилиб кираётган одамларга имо қилди.

— Мана шуларнинг ичида бултурги олмани уч баҳосига пуллаш, худди ўзига ўхшаган одамларни лақиллатиш учун йўлга чиққанлар йўқми? Эрининг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, бегона эркакнинг сочини искаш учун курортга кетаётган хотинлар йўқми? Нечтасини топиб берай?

Мутал бу сафар ҳам унга хотиржам қараб қўйди.

— Бор...

Алимардон мамнун қиёфада столни шатиллатиб урди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳар ким ўзининг ҳузурини ўйлайди. Сиз халққа хизмат қиляпман, ном қозоняпман, деб керилиб юрибсиз. Булар бўлса сизни саҳнага чиқариб қўйиб, юрагининг ҳовурини босади.

Мутал секин хўрсиниб қўйди. Болаларча содда юзида армон қўланкаси пайдо бўлганини кўриб, Алимардон ичичидан кулди. "Сўтаксан ҳали, қўғирчоқсан! Пайти келиб кўзинг мощдек очилади!"

— Қишлоғимизнинг тепасида Қодиробод деган боғ бор, — деди Мутал унинг гапини эшитмагандек. — Кеча ўша боққа бордим. Бир вақтлар отам адирдан юз гектар жой очиб, боғ қилган экан. Ўлганидан кейин боғни отамнинг номига қўйишган. — У деразадан майдонга ўйчан қараб қўйди. — Мардон ака, мен отамни танимайман. Фақат битта сурати қолган. Денгизчиларнинг кокилли шапкасини кийиб тушган сурати... Урушдан кейин бир одам отамнинг қандай ўлганини онамга гапириб берганини эшитиб қолганман. — У негадир ҳорғин қиёфада жилмайиб қўйди. — Зерикмадингизми?

— Гапираверинг, — деди Алимардон яна эрмак қилиб. — Сиз билан кўпдан буён гаплашмаганмиз.

Мутал унинг киноясига парвосизгина қараб қўйди.

— Отам сувости кемасида хизмат қиларкан. Бир куни қирғоққа разведкага чиқишибди. Немислар отам билан ўша одамни ушлаб олибди. Кейин отамнинг оёғини осмондан қилиб, қайиқ орқасига боғлашибди-да, сувга ташлашибди. Отам типирчилаб-типирчилаб тинчиб қолганидан кейин денгизга улоқтириб юборишибди.

Алимардон бўғзига сув тиқилиб типирчилаётган одамни тўсатдан кўз ўнгига келтирди-ю, вужуди музлаб кетди.

— Ўша пайтда, — деди Мутал ўзига-ўзи гапираётгандек, — отам сиз айтаётган ифлос одамларни эмас, чинакам инсонларни ўйлаган бўлса керак... Отамнинг битта хатини ҳамон асраб юраман, — деди Мутал анчадан кейин хўрсиниб. — "Дунёда одамларни яхши кўришдан каттароқ бахт йўқ", деб ёзган экан отам ўша хатида.

Орага жимлик чўкди. Ҳали кун эрта бўлгани учунми, қаҳвахонада одам сийрак, столлар бўш, атроф жимжит эди.

— Онам бошқа турмуш қурмади, — деди Мутал ўйланиб. — Аввалига бу нарсада ҳеч қандоқ сир йўқдек эди. Онам бўлганидан кейин мен учун яшасин-да, деб ўйлардим. Мана, ўзим ҳам уйландим. Болалик бўлдим. Онамнинг қадрини энди била бошладим. Мени деб ҳамма нарсадан воз кечиш осон бўлмаганини энди тушундим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Нима кераги бор шу гапларнинг!" — деб ўйлади Алимардон бирдан кўнгли чўкиб. У бояги эрмак қилувчи кулгилари йўқолганини, Мутал нинг гапларига илк марта жиддий эътибор бера бошлаганини ўзи ҳам сезмай қолди. Унинг кўз ўнгида онаси жонланди. Қизиқ, у ҳеч қачон онасини ўйламаган экан. Ўлганидан кейин ҳам, онам мен учун яшаган эди-ку, деган гап хаёлига келмаган экан. Ахир, унинг отаси ҳам урушда ўлганди-ку! Унинг онаси ҳам, шу болам одам бўлсин, деб ярим кўнгил билан ўстирган эди-ку. Наҳотки, мана шу бола билган гапни у тушунмаса!

— Бунақа оналар кўп бўлса керак, — деди Мутал унинг хаёлини уқиб тургандек. — Билмадим, нимагадир мен шунақа деб ўйлайман.

Алимардон шу топда нимадир дейиш кераклигини билар, аммо гапиролмас эди. Узоқ вақтлардан бери, онаси вафот этганидан бери биринчи марта унинг маъюс боқишларини аниқ тасаввур этди. Кейин негадир Шавкатни, ўзининг Шавкатини кўз ўнгига келтирди-да, тағин кўнглида ўша аёвсиз соғинч дарди уйғонди.

— Мен одамларни яхши кўраман, — деди Мутал унга парво қилмай. — Йўқ, отамнинг васияти туфайли эмас. Ўзим яхши кўраман. Одам боласи туғилган пайтида покиза бўлади-ку. Унинг умрбод шунақа покиза бўлиб қолиши сизга, менга, ҳаммага боғлиқ эмасми?

Алимардон яна алланима демоқчи бўлди. Мутал яна гапиртирмади.

— Алимардон ака, мен сизнинг қўшиқларингизни ўрганиб ҳофиз бўлганман, — деди Мутал унга маъюс боқиб.

Алимардон унинг рост гапираётганини бир қарашдаёқ пайқади. Аммо ҳеч нима демади. Чамаси, Муталга ҳам буларнинг ҳаммаси бари бир эди.

— Сизга насиҳатгўйлик қилишга ҳаққим йўқ. Ўзингиз биласиз, дунёга келгандан кейин бирон-бир мақсади бўлиши керак-да одамнинг, сиз айтгандай томошабиннинг қарсагини эшитиш, ном қозонишга ишқибоз эмасман. Дунёда ҳамма нарса ўткинчи. Яна эллик йилдан кейин биров мени эслайдими, йўқми, унисини билмайман. Менга бунинг қизиғи ҳам йўқ. Мен юрагимдаги хурсандчиликни ҳам, аламимни ҳам одамларга — томошабинларга тўкиб соламан. Менинг ашула айтишдан мақсадим шу...

...Алимардон Муталнинг қачон туриб кетганини билмади. Шу топда аламли бир муаммо унинг юрагини ўртар эди. Наҳотки, мана шу бола, куни кеча ўзининг қўшиқларини

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўрганиб, саҳнага чиққан мана шу гўдак билган нарсани Алимардон билмаса? Наҳотки, Алимардоннинг шунча меҳнатлари бемақсад кетган бўлса?! Наҳотки, у дунёга келиб, дурустроқ ният билан яшамаган бўлса?

Қаҳвахонанинг ичи шовқин-сурон бўлиб кетди. Бир тўда ёш-яланглар сотувчининг атрофини ўраб олишди.

Алимардон аста ўрнидан турди-ю, оғир-оғир қадамлар билан цемент зиналардан тушиб кетди.

* * *

Алимардон тағин муаллақ туманлик ичида қолди. Калаванинг учини излаб кўрди-ю, тополмади, охири Муталнинг ўша кунги гаплари шунчаки валдирашдан бошқа нарса эмасдек туюла бошлади. Яна ўша сархуш кечалардан таскин излади. Аммо топмади. Тополмади.

Мана шу боши берк кўчанинг энг ичкарисида ожизгина нур йилтиллаб турар, ингичка ип бўлиб, келажакка боғлаётгандек эди... Бу нур — Шавкат эди! Икки йил ичида у ёлғиз мана шу нур умидида яшади. Қизиқ, у ўта қувончли ёки ўта ғамгин дамларида Шавкатни эслар, каравотчасида оёқ-қўлини силкитиб, қийқириб ётган ўғли хаёлида шундоқ жонланар, ҳозир унинг катта бўлиб қолганини, чопқиллаб юриб кетганини, бижилдоқ болакай бўлганини тасаввур этишга уринар, аммо ҳеч кўз ўнгига келтиролмас эди.

"Ўзи келади, — дерди у Муқаддамни ўйлаб, — бола бор, бир куни келади".

Лекин Муқаддам келмади. Бир куни унинг ўрнига Алимардонни судга чақириб қоғоз келди.

Алимардон хафа ҳам бўлмади, қувонмади ҳам. Фақат бир нарса, Шавкатни кўриш истаги уни суд эшигига етаклаб борди. У машинасини суд биносининг соясига қўйди-да, иккинчи қаватга кўтарилди. Йўлак бўйлаб бораркан, ўзининг ҳаяжонланаётганини, ранги қув ўчиб кетганини сезди. Юраги гурсиллаб урганча атрофга аланглаб, Муқаддамни, тўғрироғи, Шавкатни излай бошлади. Йўлак бўм-бўш эди.

У тўғридаги эшикни очди-ю, энг аввал Муқаддамни кўрди. У хона ўртасидаги узун скамейканинг бир чеккасида эшикка орқа ўгириб ўтирарди. Муқаддам қора атлас кўйлак кийиб олган, бош яланг, сочи турмакланган эди.

Алимардон бир лаҳзада хонани кўздан кечириб чиқди. Тўрдаги алвон ёпилган стол қаршисида тепакал, озғин киши ўтир ө, ёнидаги кўзойнак таққан кекса хотинга алланима-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларни оҳиста гапирарди. Ён томондаги столда эса котиба қиз аллақандай қоғозларни тўлдирарди.

Алимардон ўзини мажбур этиб дадил-дадил қадамлар билан юриб келди-да, скамейканинг бериги четига ўтирарркан, Муқаддамга қараб қўйди. Муқаддам ҳам унга ўгирилиб қаради. "Ўзгармабди", деб ўйлади Алимардон кўзларини олиб қочмасликка уриниб. Ҳамон ўша эгик, узун киприклар, ҳамон ўша тиниқ чеҳра... Алимардон унинг чиндан ҳам чиройли эканлигини ўйлади-ю, шошилиб юзини ўгирди. Бу одам энди унга бегона...

Тепакал судья аввал Алимардонни сўроқ қилди. У нималар деганини ўзи билмади. Кўнглида кечмишининг тотли дамларини қўмсаш туйғуси уйғониб, яна азоб бера бошлади. Муқаддамнинг илк бора ўз уйига кириб келгани, илк марта бағрига босгани... Соддагина, бўйсинувчан хотин бўлгани... Шавкат туғилганида қувонганлари... Ниҳоят, эшикни қарс ёпиб, остонадан ҳайдаб юборганини эслади-ю, "Муросамиз тўғри келмади. Менга боламни қайтарса бўлди", дегандай жавоб қилиб жойига ўтирди.

Кейин Муқаддам ўрнидан турди.

У ҳам энг аввало илк бора Алимардоннинг уйига кириб боргани, тўй бўлгани, унинг мана шу қайсар сочларини силаганини ўйлади. Кейин Шавкат кўз ўнгига келди. У, шаҳардан сенга уч ғилдиракли велосипед олиб келаман, деб уйдан чиққан эди. Кейин тағин Мардон акаси билан кечирган кунларини эслади. Охири кўз ўнгида ўзининг тўшагида ўтирган ярим-яланғоч хотин пайдо бўлди-ю, бир оғиз "йўқ, бирга яшолмайман", деб жавоб берди.

Судья билан маслаҳатчи хотин узоқ насиҳат қилишди. Аммо натижа чиқмади. Охири суд уларни ажратишга, болани онасида қолдиришга қарор қилди. Зум ўтмай хона бўм-бўш бўлиб қолди.

Алимардон қизил бахмал ёпилган стол, шойи дарпарда тутилган пастак деразадан кўз узмай узоқ ўтирди. Кейин бирдан сакраб ўрнидан туриб кетди. Юраги гурсиллаб урганча иккинчи қаватдан ўқдек отилиб тушиб, кўчага чиқди. Йўлка чеккасидаги хонаки арча орқасига ўтиб кетаётган Муқаддамнинг қора атлас қўйлагани кўриб қолди-ю, цемент ариқчадан ҳатлаб ўтиб кетидан югурди.

— Тўхтанг... — У аввалгидек "Муқад" демоқчи бўлди-ю, нафаси қисилиб такрорлади: — Тўхтанг, Муқаддамхон!

Муқаддам ярим ўгирилиб қаради, "Нима гап?" дегандек киприкларини пирпиратиб, қошини чимирди. Алимардон икки қадамча берида тўхтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шавкат қани? — деди у нафасини ростлаб ололмай.

Муқаддам унга маъносиз қараб қўйди.

— Уйда, қишлоқда...

— Қачон кўраман, қачон?! — Алимардон ўзининг ўтинч оҳангда гапирганини пайқаб, ғижиниб кетди. — Ўғлимни беркитишга ҳақингиз йўқ! — деди овози титраб. — Мен унинг отасиман.

Муқаддам унга яна маъносиз бир назар ташлади.

— Сиз унга ота бўлолмадингиз! — У кескин бурилди-да, бекатга келиб тўхтаган троллейбус томонга югурди.

Алимардон етиб боргунча троллейбус юриб кетди. У ғазаб билан орқасига қайтди. Суд биноси олдида турган машинасига ўтирди-да, троллейбуснинг кетидан шиддат билан қува бошлади. Зум ўтмай етиб олди.

Алимардон троллейбуснинг катта-катта деразаларига қараб ўтди-ю, кейин бирдан ҳафсаласи пир бўлди.

"Қаёққа боради? Муқаддамнинг уйигами? Нима учун? Хор бўлиш, ҳайдалиш учунми?!"

У газни босганча шиддат билан елиб кетди. Ресторан эшигига келганидан кейингина ҳушини тўплаб олди. Бир лаҳза иккиланиб турди-ю, ичкари кирди.

* * *

Уч ойдан кейин у Муқаддамнинг эрга текканини эшитди. Консерваторияда бирга ўқиган курсдоши шу хабарни топиб келди. Ойнатоғга борганида Муқаддамнинг ўзини кўрмабди-ю, биттасидан эшитганмиш. Ўша ерлик Кабир деган бир ўрмончи агроном қайта-қайта совчи қўяверганмиш. Муқаддам, ёлғиз боламни бировнинг қош-қовоғига қаратиб қўймайман, деб рози бўлмаганмиш. Йигит бўлса югура-югура охири Муқаддамни кўндирганмиш.

Ажаб, Алимардоннинг кўнгли энди таскин топгандек бўлди. Гўё худди шу хабарни кўпдан буён кутиб юргандай эди. Фақат ўша кундан бошлаб кўнглида тубсиз рашк уйғонди. Қалбининг энг чуқур яраси — ўғли қолдирган яра чидаб бўлмас азоб бериб ачишиб кетди. У Шавкатнинг бошқа бир одамни ота деб чақиришига тоқат қилолмас, асло, асло чидолмас эди! Бу яра кун сайин чуқурлашиб борар, Алимардон кечалари мижжа қоқмай тўлғаниб чиқар, ўғлини қандай қилиб бағрига қайтариш йўлини ўйлар, лекин тополмас эди. У кечалари турли режалар чизиб чиқар, тонг отиши билан бу режаларнинг ҳаммаси бемаъни эканини,

www.ziyouz.com kutubxonasi

рақибининг остонасига бош эгиб бориши мушкул эканини билар, ўғлини қайтариш учун яна янги режаларни излар эди. Унга сайин қалбининг яраси тағин ҳам чуқурлашар, ўз хунини кундан-кун қаттиқроқ талаб қиларди.

Ниҳоят, шундай кун етиб келди. Ниҳоят, Ойнатоғга боришга баҳона топилди.

Кечқурун Алимардон ҳар сафаргидай "Тошкент" ресторанига кирди. Официантқалар уни таниб қолишган, ёлғиз ўзи ўтиришни ёқтиришини билишар, кириши билан олдига коньяк келтириб қўйишарди.

Учинчи қадаҳдан кейин унинг фикри тиниқлашиб, атрофга разм солди. Бугун ресторанда одам сийрак, аммо зал одатдагидек шов-шувга тўлиқ эди. Залнинг тўридаги супачада оркестр жаз чалар, қувноқ садолар дунё ташвишларини унутишга, бир нафас маст бўлишга ундаётгандай ҳайқирарди.

Алимардон яна икки қадаҳ ичди. Лимон билан тамадди қилди. Энди унинг қулоқлари гувуллаб, ширин, мастона кайфиятга берилди. Супачада кимдир рубоб чалиб, ашула айта бошлади. Алимардон хонанданинг бўғиқ овозидан ғижиниб, бошини кўтариб қаради.

Қизил свитер кийган гавдали йигит микрофон олдига келиб, оёқларини жуфтлаганича қаққайиб турар, рубоб чалиб аллақандай шўх ашулани айтар эди.

"Консерваториядан қочган сўтаклардан бўлса керак!" Алимардон жаҳл билан афтини бужмайтириб, яна қадаҳни тўлатди. Икки марта кетма-кет ичди.

Бирдан мастона шов-шувлар орасидан унинг қулоғига жуда таниш, жуда азиз бир оҳанг эшитила бошлади. Бу куй қаердадир жуда олис жойларда қолиб кетган, юрагидан изи ўча бошлаган ширин бир туйғуни қитиқлади-ю, лекин қаерда эшитганини эслай олмади.

Тўсатдан у ўрнидан туриб кетди. Ахир, бу ўзининг куйику! Ўзининг ашуласи — "Йигит қўшиғи"ку!

Алимардон ашулачига бир қараб қўйди-ю, ҳолсизланган-дек жойига ўтирди. Энди йигитнинг овози бўғиқлиги ҳам билинмас, Алимардон бошини қуйи солганча диққат билан эшитар, қўшиқнинг ҳар бир сўзи унга жуда узоқ — қайтиб келмас манзилларга кетиб қолган дамларини эслатарди. Қўшиқ садолари унинг қулоғи тагида борган сайин қаттиқроқ жаранглар, дунёдаги ҳамма нарсани — майни ҳам, пулни ҳам, ташвишларни ҳам унутишга, ўтмишни, ширин ўтмишни эслашга мажбур қила бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

На қувончу, на ишончу, на кўнгилдан очма гап,
Барчасидан ушбу кун йўқдир самар, кетмакдаман...

Ажаб, Алимардон қўшиқни неча марталаб айтган экану, аммо бу сўзларга эътибор бермаган экан. Тўсатдан унинг кўнгли чўкиб, чидаб бўлмас бир изтиробда тўлғана бошлади. Кафтини пешанасига босганча, кўзларини чирт юмди-да, пичирлаб қайтарди:

На қувончу, на ишончу, на кўнгилдан очма гап...

Илк бора шу қўшиқни айтган куни остонада ўзига тикилиб турган Муқаддам кўз ўнгига келди. Кейин яна Шавкатни эслади.

Шу он ашулачи худди унинг қалбидаги ҳасратларни билиб тургандек, яна дона-дона қилиб қўшиқни такрорлади:

Барчасидан ушбу кун йўқдир самар, кетмакдаман!

Нима бўляпти ўзи? Нималар бўляпти, ахир?! Наҳотки, ҳаммаси адойи тамом бўлган бўлса? Наҳотки, энди у ҳам фарзандидан, ҳам Муқаддамдан, ҳам истеъдодидан — ҳаммаҳаммасидан бир йўла айрилган бўлса!

Алимардон кўзларини чирт юмди-ю, фароғатли дамларини эслади. Ахир, унинг номини эшитганда одамлар титраб қоларди-ку! Ҳар хонадонда унинг дилрабо овози жаранглади-ку! Камолот зинапояларидан дадиллик билан кўтарилган, қанчадан-қанча кишиларнинг дилини ларзага солган унинг ўзи эмасмиди! Бугун нега ҳамма ундан юз ўгиради?

У ҳаммасини бир бошдан эсламоқчи бўлди. Энг аввал кўз ўнгига Анвар келди. Ҳа, биринчи бўлиб ундан Анвар юз ўгирган эди. Кейин-чи? Кейин... кейин Муқаддам. Ундан кейин бошқалар. Ҳамма-ҳамма...

Алимардон яна ичди. Бу сафар фикри янаям тиниқлашиб кетди. Қизиқ, энг аввал энг яқин кишилари ундан қочибди. Нимага? Нима учун ахир? Тез ўсгани учунми? Кучлилиги, дадиллиги учунми? Тўсатдан хаёлига бир фикр урилди-ю, аламдан инграб юборди. Ажаб, у қанча тез ўсган бўлса, одамлардан шунча тез ажралибди. Камолот зиналаридан ўтиб шон-шавкатга, мол-дунёга, ўзи бир вақтлар энтикиб орзу қилган ҳамма нарсага эга бўлибди-ю, худди ўша зиналарда битта нарсасини, энг азиз, энг покиза нарсасини — одамгарчилигини тушириб қолдирибди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алимардон хаёлига ўрнашиб қолган бу даҳшатли ўйдан чўчиб тушди. Наҳотки? Наҳотки шундоқ бўлса!

Унинг кайфи бутунлай тарқаб кетди.

Шартта қўлини тушириб, кичкина қадаҳни стол чеккасига суриб қўйди-да, бокални тўлдириб кўтарди.

Ашула тамом бўлди. Чекка-чеккадан сийрак қарсаклар эшитилди.

Алимардон столлар орасидан ўтиб, супача олдига бордида, энди жойига бориб ўтирган йигитга ҳайқирди:

— Ҳой, ука!

Йигит унинг мастлигини кўриб, парво қилмади-ю, кейин таниб қолди шекилли, сакраб ўрнидан туриб, супа лабига келди.

Алимардон мастона шовқиндан кўзи тиниб кетаётганини пайқаб, супача қиррасидан ушлаб қолди.

— Айтинг! — деди хириллаб. — Ҳозирги ашулани айтинг!

— Яна қайтарайми?

— Қайтаринг! — деди у аламли овоз билан. — Юз марта қайтаринг! Минг марта қайтаринг!

Йигит итоаткорлик билан рубобини қўлга олди.

Алимардон хира бир туманлик ичида ўзига қараб турган одамлар орасидан ўтиб, столини топиб олди. Стол ёнида чуст дўппи кийган, тожикларга ўхшаган қора қош, шопмўйлов йигит ўтирарди.

Алимардон яқин келиши билан нотаниш одам ўрнидан туриб салом берди.

— Ким сизни бу ёққа чақирди? — деди Алимардон ғижиниб. Нотаниш киши хижолатлик аҳволда қолганидан уялди шекилли, ийманиб гап бошлади:

— Мен...

— Йўқ, мен сизни таклиф қилдимми? — Алимардон унинг гапини бўлди. У шу топда кимдан бўлмасин, аламини олгиси келар, ғазабдан титрар эди. — Меҳмон бўлинг, дедимми сизга?!

Нотаниш киши баттар ўнғайсизланиб тушунтирди:

— Мен сизни қидириб келгандим, домулло.

Алимардон стулга оғир чўкди-да, жимирлашаётган кўзлари билан тикилди унга.

— Нима дардингиз бор эди?

— Тўй қилаётган эдик.

У яна нимадир демоқчи эди, Алимардон гапиртирмади. Йўқ, тўйи ҳам, ўзи ҳам керакмас унга. Ҳеч ким керак эмас!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ишингизни қилинг! — деди жеркиб. — Тўйингиз менсиз ҳам ўтаверади.

У ҳеч нимани кўрмаслик учун юзини кафти билан беркитди-да, столга энгашди. Унинг қулоқлари остида ашулачи йигитнинг овози яна янгради:

Барчасидан ушбу кун йўқдир самар, кетмакдаман...

Алимардон алам билан пичирлаб бу сатрни ўзи ҳам такрорлади.

Бошини кўтариб қараб, нотаниш одам ҳалиям ўтирганини кўрди, ҳайқириб юборди:

— Бормайман, деяпман-ку! Нима қиласиз мени қийнаб!

— Тўй меники эмас, домулло. Бозор куни раис ўғлини уйлантираётган эди. Атайлаб юборди. Ойнатоғдан келдим.

Алимардон ярқ этиб қаради. Бирдан кўз ўнги тиниқлашиб, тикилиб қолди.

— Қаердан дейсиз? — деди энтикиб.

— Ойнатоғдан, — нотаниш киши ялинган оҳангда сўради: — Пул ташлаб кетайми?

Алимардон ички бир ғижиниш билан қўл силтади.

— Пулингиз керакмас. Бораман!

* * *

Тўй тарқай деб турган эди, бирдан шамол кўтарилди-ю, зум ўтмай бўронга айланди. Шамол шиддат билан қуюндай ёпирилар, ҳовлидаги олчаларнинг шохларини қарсиллатиб, айқаш-уйқаш қилар, узун стол устидаги дастурхонларни шартта кўтариб, тақсимчаларни чил-чил қилиб юборарди. Одамлар чувиллаб қолишди. Куёв-келин ўтирган жойдаги палак узилиб тушди.

Тўйда елиб-югуриб хизмат қилаётганлар шоша-пиша келинни уйга олиб кириб кетишди. Ўртадаги мингинчи лампочка лопиллаб-лопиллаб турди-да, бирданига қарсиллаб ёрилиб кетди. Тоғ табиати қутуриб, бир зумда ҳаммаёқни остин-устун қилиб ташлади.

Алимардон ўзига ажратилган бурчакдаги сўридан сакраб тушди. Аллаким ичкаридан ўнинчи чироқ кўтариб чиқди. Аммо шу ондаёқ бўрон чироқнинг шишасини учириб парчинлаб ташлади.

Алимардон хавотирланиб осмонга қараб қўйди. Худди шу пайт илондай чақмоқ яраклади-ю, этаги чўққиларга осилиб ётган ваҳимали, қоп-қора булутларнинг қирраси аниқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўриниб кетди. Кетидан еру кўкни ларзага солиб, момақалдироқ гумбурлади.

Алимардон ўзи билан ўзи овора бўлиб қолган одамлар орасидан ўтиб, тор кўчага чиқди. Нарироқда соядай қорайиб турган машинасининг олдига борди. Шошилмасдан эшикни очди.

Алимардон ҳеч қаерда бугунчалик ҳиссиз, совуқ қўшиқ айтмаган эди. Бу сафар у бир қултум ҳам ичмади. Раиснинг пулини олмади ҳам. Ҳар гал ўртага тушганида кўзлари билан Муқаддамни излар, қаердадир, шу атрофда, одамлар орасида турибди, деб ишонар, хотин-халаж орасида чопишиб юрган болалар ичида ўзининг Шавкати ҳам борлигини ўйлар, қўшиқ айтарди-ю, нима деяётганини ўзи билмасди.

Алимардон ашула айтар экан, қайсидир бир бурчакда ўша Кабир ҳам ўзига илжайиб тикилиб турганини кўз ўнгига келтириб ғижинарди. Ким билсин, балки ўша рақиби ҳам унинг пешанасига пул қистириб, садақа бергандир.

Алимардон керакмас, деб ҳарчанд қайтармасин, серзавқ тоғ халқи уни пулга кўмиб ташлади. У бўрон бошланганидан хурсанд эди. Эшикни қарсиллатиб ёпди-да, машина чироғини ёқди.

Чироқ нурлари зулматни тилкалаб ташлади. Тор кўчада чекка-чеккада тўдалашиб қолган одамлар, у ёқдан-бу ёққа бесаранжом югурган хизматчилар беихтиёр машина томонга бурилиб қарашди.

Алимардон энди моторни юргизган эди, аллаким ўнг томондаги эшикни тортди. Очолмади шекилли, эшик дарчасидан мўралади.

— Ҳа? — деди Алимардон қайрилиб қарамай, кейин елкасига беқасам чопон ташлаб олган раисни таниди-ю, юмшоқроқ қилиб сўради: — Нима дейсиз?

— Кетяпсизми? — деди раис шамолнинг ўкирган овозини босиш учун бақириб.

Йўқ, у ҳеч қаёққа кетмайди. Бу ерга тўй учун келган эмас!

Алимардон Муқаддамнинг уйини нима деб сўрашини билмай иккиланиб қолди.

— Вақт бўлди энди, — деди атайлаб ишонч билан.

— Шу топда-я? — деди раис яна шанғиллаб. У тағин бир нима деди-ю, момақалдироқ овозини босиб кетди. Гулдурос тўхтаганидан кейин бошини янаям ичкарироқ киритиб қичқирди: — Қолинг, йўл ёмон. Ҳозир Шодивой уйига олиб кетади.

Алимардон индамади. У ўтирган ерида ҳаяжонидан титрар, ўғлини кўришини ўйлаган сайин баттар энтикиб кетар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Йўлга чиққанидаёқ юраги соғинч бир туйғу — Шавкатни кўриш туйғуси билан лиммо-лим тўлиб, типирчилаб кетган эди. Энди эса бу туйғу қудратли бир талабга айланган, Алимардон бу талаб қаршисида ҳамма нарсадан воз кечишга тайёр эди. Ким билсин, балки бир йўла олиб кетар... Нима, ҳақи йўқми?! Олиб кетади!

— Эрта билан тушиб кетасиз! — раис нари кетиб, зум ўтмай икки киши бўлиб қайтиб келишди. — Шодивойникида қоласиз! — деди яна қичқириб.

Алимардон ўтирган ерида эгилиб ўнг эшикни очди. Шодивой ўриндиққа оғир чўкди. Бу ўша — Алимардонни тўйга айтиш учун ресторанга қидириб борган йигит эди. Боя Алимардон ашула айтаётганида Шодивой унинг кетидан чой кўтариб юрган эди.

— Жониворнинг қутуришини қаранг-а, меҳмон! — Шодивой қора костюмининг елкаларини оппоқ қилиб юборган чангни қоқди. — Қани, юрдикми?

Алимардон қоронғида унга жирканиб қараб қўйди. "Чангини машина ичига орқалаб кирганини-чи! Нима қилса ҳам қишлоқи-да! Муқаддамнинг эри ҳам шунга ўхшаган молсифат бўлса керак!"

Ўзининг хаёлидан ўзи ғижиниб кетди. Борди-ю, Муқаддам эшикдан ҳайдаб юборса-чи?

Шу пайт қанча вақтлардан бери юрагида тугилиб ётган алами қайтадан янгиланиб кетди-ю, нафрат билан пичирлади: "Нима, ўз боламни кўришга ҳақим йўқми!"

Алимардон машинани секин жилдирди-да, қишлоқнинг пастак тош деворлари орасидаги ўнқир-чўнқир йўллардан авайлаб юриб кетди.

Баҳайбат қоялар орасида кўмилиб қолган жажжи қишлоқ табиат қудратидан ваҳимага тушгандай пусиб қолган, кичик-кичик дераза ларда чироқ кўринмас, гўё ҳамма аллақандай енгилмас даҳшат олдида титраётгандай эди.

Яна чақмоқ чақди. Ғамгин қовоқ уйиб турган баланд-баланд қоялар ярқ этиб ёришди, яна зулмат чўкди. Кетидан момақалдироқ гумбурлади. Тоғларнинг заҳарханда қаҳқаҳаси узоқ акс-садо бериб турди, кейин гумбур-гумбурлар бир-бирига уланиб кетди. Энди гулдурос бир нафас ҳам тинмас, қоялар чўққидан сурон солиб, қишлоқ устига ағдарилиб тушаётгандек эди.

— Тоғда момақалдироқ ваҳимали бўларкан! — деди Алимардон ғамгин хаёллардан қутулиш учун атайлаб баланд овоз билан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Секинроқ айтасизми, меҳмон! — Шодивой суянчиққа елкасини ташлади. — Бир куни денг, Полвонтепада трактор ҳайдаётган эдим. Шунақа, айни баҳор. Раис ҳар куни қойийди. Иш чўзилиб кетаётганидан хафа. Эрта билан оёғим тортмаса ҳам отни эгарлаб довонга чиқиб кетдим. Вақт пешиндан оғганда денг, бир сел келса бўладими! Тоғ тепасида ёлғиз ўзинг бўлсанг ҳаммаёқ ваҳима бўлиб кетаркан. Жийронни чоптириб тушиб кетаверай десам, йўлда бир кори ҳол бўлиб қоладими, деб қўрқаман. Тураверайми, десам, яна қўрқаман. Хуллас, яратганга минг бор сиғиндим-да! — Шодивой ўша кундаги аҳволини эслади шекилли, кулиб қўйди.

Машина пешанасидаги ойнага чирсиллаб ёмғир томчилари урилди. Яна юз қадамча йўл босганларидан кейин шаррос жалага айланиб кетди. Томдан оқиб тушаётган сув ойнани бутунлай тўсиб қўйган, йўл яхши кўринмас, ғилдираклар тагидан сув шовуллаб оқарди.

Алимардон боядан бери хаёлини чувалтириб юборган фикрлардан бир қарорга келди-ю, тормозни босди. Шодивойга қараб қўйди-да, иложи борича хотиржам гапиришга уриниб сўради:

— Кабирнинг уйи қаерда? — У овозининг титрай бошлаганидан ғижиниб, бир лаҳза жим қолди. Янаям хотиржамроқ гапирди: — Агроном Кабир...

— Ўрмончини айтасизми? — Алимардон қоронғида Шодивойнинг ҳайрат билан тикилиб турган кўзларини аниқ кўрди. — Нимага эди?

Алимардон тескари қараб олди.

— Кўрмоқчи эдим, — деди бўғилиб. — Эски танишмиз...

Шодивой яна ўша беғараз оҳангда шанғиллади:

— Қўйсангиз-чи, меҳмон! Бугун бизникида қўноқ бўласиз. — Алимардон қатъият билан таъкидлади:

— Йўқ! Кабирникига тушаман.

Машина сув шовуллаб оқаётган тошлоқ кўчадан яна авайлаб юриб кетди. Алимардон йўлдан кўз узмай борар, аммо ҳеч нимани кўрмас, ҳаяжондан томоғи қақраб ютинолмас, руль чамбарагидан ушлаган қўллари қалтирар, ҳозир қандайдир нохуш, мудҳиш бир воқеа рўй беришини сезиб, юраги титрарди.

Девори оқланган дўкон олдидан ўтганларидан кейин Шодивой Алимардоннинг қўлига секин туртди.

— Келдик.

Алимардон қандай қилиб моторни ўчирганини, қачон ерга тушганини билмади. Костюмининг ёқасидан муздай сув оқиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

тушиб, баданини сескантириб юборганидан кейингина ўзига келди.

— Машина тураверади! — деди Шодивой бақириб. — Қани, марҳамат!

Яна бир чақмоқ чақди-ю, тор кўча ёришиб кетди.

— Хизрни йўқласангиз бўларкан, меҳмон, — деди Шодивой момақалдироқ овозини босиш учун ҳайқириб. — Ана Кабирнинг ўзи!

Алимардон сесканиб бошини кўтарди-да, қарши томондан оқ от етаклаб келаётган кишини ғира-шира кўрди. Бирданига унинг ҳамма нарсага қўл силтагиси, машинасига ўтириб, шартта орқага қайтиб кетгиси келди. Аммо Шодивой аллақачон отлиқнинг олдига бориб олган, қўшқўллаб сўрашар эди. Алимардон унинг охирги гапларини эшитиб қолди.

— Меҳмон олиб келдим, Тошкентдан...

Алимардон юрагини кемираётган азобли ғашликни енгиб, гандираклаганча юриб кетди. У ўзининг рақибини кўриб қўйгиси келар, унинг нимаси ўзидан ортиқроқ эканини, Муқаддам бу одамнинг нимасига учганини билиб олишга уринарди.

Улар пастак эшик пештоқида осилиб турган хира чироқ тагида тўқнаш келишди. Алимардон ўзига узатилган каттакон, чайир қўлни беихтиёр қисаркан, унинг афтига қараб қўйди. Тор пешана, қоп-қора қотма юзли киши унга синчков кўзлари билан тикилиб турар, дўпписи тагидан чиқиб турган сочлари, ғира-шира ёруғликда қизариб кўринаётган юзи, ингичка мўйлови жиққа сув бўлиб кетганди. Кабир эгнига брезент ёмғирпўш, оёғига каттакон этик кийиб олган, бир қўли билан Алимардоннинг кафтини қисар, бир қўллаб отнинг жиловини ушлаб турарди. Унинг этигиданми, ёмғирпўшиданми анқиб турган чучмал балиқ мойи иси димоғига урилди-ю, Алимардон бурнини жийирди.

"...Тўпори қишлоқи-ку! — У ғижиниб юзини бурди. — Ҳали шу ҳайвон менинг ўғлимга ота бўлиб юрибдими?.."

Алимардон истеҳзоли жилмайиб қўйди-да, қўлини тортиб олди. Кабир ҳамон ундан кўз узмай турар, чамаси, қаерда кўрганини эслай олмасди.

От бегона одамни сезди шекилли, чироқ нурида йилтираб турган катта-катта кўзларини олайтириб, бошини силтаганча пишқириб юборди.

— Тек! — Кабир ингичка, кескин овоз билан ҳайқириб, жиловни тортди. — Қани, меҳмон, марҳамат, — деди тоғликларга хос тавозе билан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Алимардон у жилмайганида ингичка мўйлови остидаги оппоқ тишлари ярақлаб кетганини кўрди.

— Тўйга бормадингиз-ку! — деди боядан бери уларни жимгина кузатиб турган Шодивой.

Кабир жиловни маҳкам ушлаганча унга бурилиб қаради:

— Ойнатоққа чиққандим. — Кейин у Алимардонга қаради-да, тағин қайтарди: — Марҳамат!

— Бўлмаса мен тўйхонага қайтаверайми?

Алимардон Шодивой ўзидан рухсат сўраётганини анчадан кейин тушунди.

— Бораверинг! — деди қайрилиб қарамай.

Улар пастак эшикдан эгилиб, ҳовлига киришди. Тағин чақмоқ чақди. Ҳовлидаги беш-олти туп олмаларнинг ёмғирдан қизарган шохлари, этакдаги қоронғи отхона бир зум ёришиб кетди.

Унинг юраги гупиллаб ура бошлади. Тубсиз алам, нафрат, алланечук ўкинч туйғулари аралашиб унинг вужудини ларзага солар, ҳеч нимани кўрмас, тусмоллаб қадам ташлаб борарди. Кабир отни қўйиб юборди-да, ўзи олдинга ўтиб йўл бошлади. Деразадан тушиб турган қизғиш нурни кесиб ўтиб, эшик олдига боришди.

— Қани, — Кабир эшикни очди. — Бемалол кираверинг.

Алимардон ҳамон ўзини босиб ололмас, чалкаш ўйлардан боши ғувиллаб, кўз ўнги хиралашиб кетган эди. Борабора у ўзини босиб олди. Кавшандозда туриб, бир лаҳза уй ичига назар ташлади. Пастак шифтга гулдор қоғоз қоқилган, ўртада осилиб турган кичкинагина лампочка ожиз нур сочар, токчалардаги чойнак-пиёлалар, қақир-қуқурлар ялтираб кўринарди.

Алимардон энди энгашиб, туфлисининг боғичини ечаётган эди, ичкари томондаги эшик ғийқиллаб очилди-да, дўмбоққина бола югуриб чиқди.

— Ада! Ада! — деди у янгроқ, ингичка овоз билан.

Алимардон кўпдан буён излаб юрган нарсасини бирданига топгандай беихтиёр қаддини ростлади. Бу овоз, ўзи ҳали ҳеч қачон эшитмаган, аммо ўзига шу қадар қадрдон бўлган янгроқ овоз унинг қулоқларига ўқдай кирди.

Бола майкачан бўлиб олган, қоп-қора кўзлари шодликдан порлар, пешанасидаги бир тутам сочи ўзига қуйиб қўйгандай ярашиб тушган эди.

— Ада! — деди бола тағин ўша янгроқ оҳангда. Кейин қўлчаларини кенг ёзганча чопиб кела бошлади. Шу топда у

www.ziyouz.com kutubxonasi

онасининг оғзидан дон олаётганида қанотларини пирпиратиб турган қушчага ўхшарди.

Кабир кавшандозга чўнқайиб олганча қулочини кенг ёзди.

— Қани! Қани, оташ болам, бобош болам! Ачом! Ачом!

— Ато-ом! — деди болакай ҳам ширин тил билан.

Ўғли қучоғига келиб урилиши билан Кабир даст кўтариб олди-да, юз-кўзларидан ўпа бошлади. Болакай дадасининг мўйлови текканидан қитиғи келган бўлса керак, ҳадеб қиқирлар, бошини орқасига ташлаганча қотиб-қотиб куларди.

Алимардон суратдай жонсиз бўлиб қолган, кўзлари ўтдай ёниб, уларга тикилиб турарди.

— Қани, амақингга салом бер-чи. — Кабир болани ерга қўйиб, мақтангандай Алимардонга қараб қўйди. — Катта йигит-да, бу! Ҳар куни дадасининг ишдан келишини пойлаб ухламай ўтиради.

Аммо болакай Алимардонга ётсираб қараб қўйди-да, каттадардай қошини чимириб, ҳурпайиб олди.

— Вой, тентаг-эй, салом беришни эсингдан чиқариб қўйдингми? — Кабир кулди. — Ёввойи-да, амакиси, ёввойи бу. — Кейин Алимардонга қараб илтифот қилди. — Қани, ечининг, чиқинг. Мен отни арқонлаб қўяй. Ҳаммаёқни пайҳон қилиб ташлайди. — У ичкаридаги эшикка қараб қичқирди: — Ҳой, онаси, меҳмон келди!

Кабир чиқиб кетиши биланоқ Алимардон беихтиёр болага талпинди.

— Шавкат! — деди пичирлаб. У бутун борлиғи билан болага талпинар, шунча йилдан бери юрагининг тубида ожиз титраб турган нозик бир тор бор овози билан жаранглай бошлаган, энг баланд авжига чиқиб вужудини ларзага солар, турган ерида япроқдай қалтирар эди.

Алимардон бир қарашдаёқ оталик меҳри билан шу бола Шавкат эканини, ўзининг ўғли, ягона овунчоғи эканини аниқ билиб олганди.

У туфлисини ҳам ечмай, наматга оёқ қўйди. Икки қўлини олға чўзиб чақирди:

— Бери кел-чи, — деди овози титраб. — Менга ўғил бўласанми?

Бола ундан ҳуркқандай ёнламаси тисарилиб-тисарилиб токча олдига бориб қолди.

Алимардоннинг кўксини тўлдирган бир нидо бўғзидан отилиб чиқди:

— Шавкат!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бола алланарсани сезгандек, шартта бурилиб қаради. Алимардон унинг кўзларида ўзининг кўзларини аниқ кўриб, қичқириб юборди:

— Ўғлим!

Лекин шу ондаёқ ваҳима тўла яна бир қичқириқ бурилиб қарашга мажбур қилди уни. Бу оҳ чекишмиди, қўрқинч тўла нидоми, ҳар ҳолда, юракни ўртаб юборувчи бир ун эди. Алимардон қотиб қолди. Остонада одми кўйлак кийиб олган, бош яланг Муқаддам турарди. Унинг кўзлари катта-катта очилиб, ранги девор бўлиб кетган эди. Ҳа, бу Муқаддам эди. Бир вақтлар унинг ўзиники бўлган, ҳозир эса бир олам нарига кетиб қолган бегона Муқаддам эди.

Алимардон боши айланиб кетаётганини, кўз ўнгида хира ҳалқачалар пирпираётганини сезиб турар, ҳозир бир офат бўлишини, аллақандай даҳшат рўй беришини билар, аммо тили калимага келмас эди.

— Ўғлим! — деди у ниҳоят пичирлаб. Томоғи хиппа бўғилиб, гапиролмай қолди. Телбалардай силтаниб Шавкатга талпинди. — Шавкат, — деди титроқ қўлларини чўзиб. — Кел, болам. — У Шавкатнинг қаршисида чўккалаб қучоғини очди. — Кел, ўғлим... — деди пичирлаб. — Битта бағримга босай.

Бола лабини буриб тисарилди. Муқаддамнинг этагидан ушлаб орқасига яширинди.

Бу қандоқ бедодлик! Бу қандай жазо! Ўғил ўз отасидан тонса! Шу ондаёқ даҳшатли бир ҳақиқат унинг юрагини қиймалаб ташлади. Нега тонмасин? Ўзи ҳам қачондир боласидан тонган эмасмиди?!

Алимардоннинг шунча йиллардан бери тош бўлиб кетган дийдаси бирдан эриб оқди. Ҳа, у кўпдан бери — Муқаддам кетиб қолганидан бери битта дард билан яшар эди. Бу дард кундузлари хаёлини, кечалари уйқусини олиб қочар эди! Энди билса — бу оталик дарди экан. Инсонликнинг қўл етмас баланд чўққиси экан! Мана, ўша дардининг малҳами! Мана, ўғли! Мана! Шундоққина олдида турибди!

У Шавкатни маҳкам бағрига босиб олди. Унинг юз-кўзидан алланечук таниш бир бўй — ўз ҳиди анқиб турган сочларидан ўпа бошлади. Бахтиёр бир туйғудан тўлғаниб негадир жилмайди.

— Тентагим... Мен сенинг отангман, билдингми, отангман!

Шавкат бирдан лаблари бурилиб йиғлаб юборди.

У чирқиллаб йиғлар, онасига талпинар, аммо Алимардоннинг қучоғидан чиқиб кетолмас эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йиғлама, Шавкат... — деди у пичирлаб. Боланинг юзларидан ўпа бошлади.

Шавкат баттар юлқиниб, оёқ-қўлларини силкитарди.

Тўсатдан Алимардон ўғлига озор бераётганини тушуниб қолди. Ички бир куч мажбур қилдими, қўйиб юборди.

Шавкат йиғлаганча яна онасининг этагига ёпишди. Муқаддам ҳамон тошдай қотиб турар, эси оғиб қолганга ўхшар эди.

Шавкат онасини қўйиб юборди-ю, чопқиллаб нариги уйга кириб кетди. Алимардон унинг силкиниб бораётган дўмбоқ қўлчаларини кўрди. У боланинг кетидан уч-тўрт қадам юрди-ю, тўхтаб қолди. Шундагина у бу бола ҳеч қачон ўзиники бўлмаслигини ҳис этди.

— Шавкат! — У очиқ қолган эшикка қараб охирги марта сўниқ, умидсиз овозда пичирлади-да, ҳаммаси тамом бўлганини тушунди.

Шартта бурилди-ю, телбаларча икки ҳатлаб остонага тушиб қолди. Унинг кўзлари олайиб кетган, аммо ҳеч нимани кўрмас эди.

Эшикни тарақлатиб очди-да, ҳовлига отилди. Зимистон қўйнида Кабирга урилиб кетганини ҳам, югуриб бориб машинага ўтирганини ҳам сезмади.

Машинани кескин бурди-да, дарё-дарё сув оқаётган тор кўчадан елдириб кетди.

Машина шиддат билан қалтис тоғ йўлидан учиб кетди. Бир зумда қишлоқнинг тош деворлари орқада қолди.

Кўкда момақалдироқ фарёд солди. Чақмоқнинг бир лаҳзалик совуқ нури ғамгин бош эгиб турган тоғларни, ёмғирдан ялтираб кетган қизғиш қояларни, йўлнинг шундоққина чеккасидан тик тушиб кетган жаҳаннам жарлигида илондай биланглаб оқаётган сойни ёритиб ўтди. Аммо унинг кўзлари ҳеч нимани кўрмас, тасаввурида фақат бир нарса — ўз отасидан ётсираб йиғлаб, уйга қочиб кириб кетган Шавкат, унинг силкиниб бораётган дўмбоқ қўлчалари турар, алам-дан вужуди қалтираб, оёғи оғриганига қарамай, бор кучи билан газни босар эди...

Машина шиддат билан елиб, икки четига омонат панжаралар ўрнатилган тахта кўприкдан ўтиб кетди. Кўприк ёғочлари лопиллаб, аянчли ғиқиллаб қолди. Йўлнинг энг хавфли жойи — энг чуқур жарлик яқинлашиб келарди.

Алимардон ҳамон газни босар, барбод бўлган умидлари ҳаққи, хазонга айланган умри ҳаққи, барча аламлари ҳаққи кўзларига ёш қуюлиб келарди. Нимаси қолди унинг! Нимаси қолди ахир?! Саҳнами? Шон-шуҳратми? Нима қолди ўзи!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нима?! Охирги, энг охирги умиди, танҳо суянчиғи юз ўгирди-ку ундан. Тағин нима керак энди?

У ҳамон шиддат билан елиб бораркан, кўз ёшидан томоғи хириллаб, охирги марта пичирлади:

— Ўғли-им!

Тўсатдан у кўнглида хушнуд бир енгиллик сезди. Қалби сокин туйғуларга тўлиб-тошгандай бўлди-ю, руль чамбарагини чирпирак қилиб чапга бурибоборди.

Машина бир ёнбошга оға бошлади. Шундагина у хато қилаётганини, ёмон иш қилаётганини тушуниб қолди. Кўзлари даҳшатдан олайиб, тормозга ёпишди. Аммо машина аллақачон жаҳаннам лабига бориб етган эди.

Зум ўтмай даҳшатли сурон тоғ-тошларни ларзага солди. Ғамгин қоялар қилиб қўйган гуноҳидан ўзи қўрқиб кетгандай инграб юборди. ... Бир нафас ҳаммаёқ жим бўлиб қолди.

Тоғ бағрига қанчадан-қанча сирларни яширишга ўрганиб қолган оқсоқол чўққилар кўклами бекор ўтиб хазон бўлган боласининг қисматига ачиниб бошини қуйи солди.

Қоп-қоронғи дара устида булутлар узоқ аза тутди.

* * *

Эртасига кечқурун Қонқус ёқасида — Алимардоннинг энг бахтиёр, энг покиза дамлари — болалик йиллари кечган ўша анҳор ёқасида жимгина мудраб ётган гўристонда яна бир қабр мунгли дўппайди. Ҳассакашлар гўристондан чиқиб кетаётганида янги мозорнинг ёмғирдан ивиган майин тупроғи уларнинг ортидан унсизгина жавдираб қолди.

...Ўша куни кунботар олдида ҳаво очилиб кетди. Уфққа қуёш қон сачратиб юборди. Анвар қабр устида узоқ ўтирди. Унсиз йиғлади. Негадир шу оқшом офтоб жуда қийналиб ботди. Уфқ этагида узоқ осилиб турди-да, охири умиди узилгандай секин-секин ер ортига чўкиб кетди.

Яна бир неча кундан кейин яйраб-яшнаб баҳор келди. Гўристон ёнидан кескин бурилиб оқаётган Қонқус тошқин сувларини бағрига сиғдиролмай шовуллай бошлади. Ложувард осмон маконига қайтаётган турналарнинг қийқириғи билан тўлиб кетди.

Қабристон чеккасидаги қатор-қатор тераклар япроқ ёзиб ой нурида ҳазин шивирларди.

Тонг отиши билан жуфт-жуфт бўлиб олган чумчуқлар безовта чирқиллаб инига хас-хашак ташиб қолди. Осмону фалакда якка-ёлғиз тўрғай нола чекди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сахий кўклам кўп қатори Алимардоннинг қабрини ҳам чечакларга буркади. Майсалар орасида очилган биттагина қизғалдоқ тонг шудрингига қадаҳ тутди. Эрта-индин тўкилиб кетиши, ўзидан на бир муаттар бўй, на мева қолишидан бехабар ял-ял ёнди...

1969

ИККИ КАРРА ИККИ — БЕШ

Сатирик қисса

Биринчи боб

КАСАЛЛИК ТАРИХИ

— Э, дўхтиржон! Қийнаб нима қиласиз одамни! Айтяпман-ку, соппа-соғман! Раҳмат, яхши даволадинглар. Эсингиздами, баннисага келган кунларим, бир лунжим оқиб тушган нондек осилиб ётувди. Оғиз — ёмғирда қолган ўчоқ! Қўлим билан тўғрилайман, деб ҳарчанд уринаман, қани жойига келса, тағин қийшайиб қолади, хумпар! Кўзнинг ҳам биттаси катта, биттаси кичкина эди! Мана, ҳаммаси бипбинойи! Энди, дўхтиржон, бизга жавоб берсангиз... Нима? Яна сўрайсиз-а? Жиноятчисан деб терговчи дапрос қилса, жиннисан деб, дўхтирлар дапрос қилса... Нима қилай, ахир? Кимга айтай додимни!

А? Ҳеч қанақа касал бўлган эмасман! Болалигимда ҳам, ундан кейин ҳам... Ангина-мангина, қизамиқ-пизамиқ — биронтаси бизга йўлаган эмас! У ёғини сўрасангиз, беш ёшга тўлгунимчаям яланғоч юрганман! Нима? Ҳа, қишдаям!

Хлоппункт ёнида каттакон ҳовуз бўларди. Мабодо пунктдаги бундларга ўт кетса, "пажарний" чақириб овора бўлиб юрмаслик учун атайлаб ҳовуз қазиб, сув тўлатиб қўйишарди. (Ҳар йили бўлмаса ҳам, йил оша пахта хирмонига ўт тушиб турарди. Бир гал электрдан, бир гал қуёш тафтидан)... Бир куни десангиз, қаҳратон қишда ҳовузнинг музини ёриб, ичига тушиб олганман. Дадам уч оёқли велосипед олиб бераман, деб ваъда қилмагунча, ҳовуздан чиқмаганман. Ўшанда онам "Вой, энди нима қилдим, болажоним ўлиб қолади", деб чирқиллагани эсимда... Балоям урмади... Қайтага масза

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилдим: яланғоч одам эркин нафас олади-да, тўғрими? Одамнинг ҳамма жойи нафас олиши керакми ахир? Э, сизам онамнинг гапини айтасиз-а! Кичкина пайтимда онам нуқул тутиб олиб, яланғоч кетимга шапатиларди. "Ҳамма оғзи-бурни билан нафас олса, сен бошқа жойингдан оласанми, жувонмарг!" дерди. Кечирасиз-ку, дўхтиржон, кимнинг қаеридан нафас олиши ўзининг иши! Тўғрими-йўқми? Қолаверса, инсон боласи ўзини-ўзи чиниқтириши керак. Ҳа, ана энди ўзингизга келдингиз, дўхтиржон! Раис бува ҳам доим шунақа дерди. Айтган гапини маъқулласам: "Ана энди ўзингга келдинг, Қўшовой, ақлинг тошни ёради", дерди.

Оббо! Яна ўша саволми? Айтяпман-ку, умрим бино бўлиб грипп бўлган эмасман, томоғим оғримаган, ичкетар бўлмаганман. Тошни есам, қум қилиб юбораман!

А? Авариядаям қолган эмасман! Жўрам Шодивой билан бир марта авария қилишимизга сал қолган-у, Худонинг ўзи бир асраган.

Нима? Йиқилишга-йиқилганман! Ёнғоқдан! Қир учидан! Ўзиям ёнғоқмисан-ёнғоқ эди-да! Ёнғоқ-ку томорқада эди. Аммо шунақанги тарвақайлаб кетгандики, томорқадаги дарахтнинг сояси кун тиккага келгунча ҳовлимизнинг ярмисини қоплаб ётарди. Пахтага дори сепадиган самолёт қишлоғимиз устидан учиб қолса, бизнинг ҳовлини тепасига келганида вариллаб, ҳаволаб кетарди. Бир сафар пастроқ учган экан, битта қаноти узилиб ёнғоғимизнинг шохига илиниб қолган. Ўн кунгача даканг варракка ўхшаб лапанглаб турган. Темир шапка кийган одамлар осмон баравар нарвон келтириб амаллаб тушириб олишган. Мен ана ўша ёнғоқнинг қир учидан йиқилиб тушганман. Нима? Неча ёшдалигимни қаёқдан билай? Хуллас, ҳали мактабга бормаган пайтларим эди-да!

Ғира-шира эсимда. Томсувоқ бошланган кезлар эди. Томсувоқни биласизми? Ҳа, яшанг! Томорқадаги худди ўша ёнғоқ тагидан лойхандақ қазиб, сомон босишди. Лойни сомонга аралаштириб роса қоришди. Дадам шимининг почасини қайириб, лойхандаққа кирди. Ҳашарчиларнинг пақирига пайдар-пай лой солиб турибди. Ҳашарчилар зипиллаб ташиб турибди. Э, дўхтиржон, сиз билмайсиз! Қишлоқ жойда ҳашар деса ҳамма ёпирилиб келаверади. "Қаёққа, нимага", деб суриштириб ўтириш — номардлик бўлади. Хуллас, ҳовлимизга тумонат одам тўпланди. Қарасам, башанг кийиниб олган ўзим тенги бола ёнғоққа кесак отяпти. Шунақанги дўмбоқ, шунақанги думалоқ болаки, хўппасемиз қуёнга

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўхшайди. Отган кесаги том баравар кўтарилса, ўла қолай! "Ҳой, кимсан?" десам, йиғламсираб, "ёнғо-оқ", дейди. "Отинг нима, ҳой бола!" десам, яна "ёнғо-оқ", дейди. Чақ-қонлигимни бир кўрсатиб қўйгим келди. Кафтимга туфлаб туриб, ёнғоққа тирмашганим эсимда. Меҳмон болани ёнғоқ билан сийлай қолай деб маймундек типирчилаб, дарахтнинг қир учига чиққаним ҳам ёдимда. Ёнғоғимиз ҳам хўп мева солган экан ўзи! Ҳар биттаси олмадек келади жонивор! Тағин ғуж-ғуж. Энг юқоридаги шохни силтаганимни биламан. Бир маҳал қарасам... телевизорда кўрсатадиган сувга шўнғувчилар бор-ку, ўшанга ўхшаб лойхандаққа калла ташлаб тушяпман. Оёқ-қўлларимни жуфтлаб олганман, денг. Ҳали тушяпман, ҳали тушяпман, қани лойхандаққа етсам! Бир маҳал "шўлқ" этган овозни ўзим ҳам эшитгандек бўлдим. У ёғи эсимда йўқ. Кейин айтиб беришди. Лойхандақнинг қоқ ўртасига бошим билан санчилиб қолибман. Дадам ишга қизиқиб кетиб сезмабдиям. Ҳатто бир-икки марта кетмоннинг орқасини жуфтлашиб турган товонимга қоқиб, лойини тозалабди. Қозиқ деб ўйлаган-да! Анчадан кейин чарчаб "перекур" қипти. Носқовоғини товонимга уриб-уриб тагидаги ёпишиб қолган носини кўчирмоқчи бўлган экан, қитиғим келиб, оёғимни типирлатиб қолибман. Қитиғим ёмон-да! Отам турган жойида тахта бўп қопти. Ҳаммаёқ қий-чув бўлиб кетибди. Кўплашиб лойхандақдан суғуриб олишибди. Ювиб-тараб, мундай қарашса, бошим тарс ёрилиб кетганмиш. Мен бўлсам йиғлаш ўрнига кули-иб ётганмишман. Тўғрисини айтайми? Ўшандан бери ҳеч йиғламаганман. Нуқул куламан. Ўшандаям онам: "Вой, болажоним, сенга нима бўлди", деб йиғлаганида кулиб тураверибман. Сал-пал эсимда бор, негадир ўшанда онам кўзимга иккита бўлиб кўринди. Овози битта-ю, ўзи иккита.

— Тирикмисан, болажоним! — деди овози битта, ўзи иккита онам.

— Тирикман, эналар! — дедим илжайиб.

Кейин бошимга отам эгилди.

— Нима бўлди, Қўшовой?

Негадир дадамнинг кўзи тўртта бўлиб кўринди.

Ўнг қўлимнинг тўртта бармоғини диккайтирдим.

— Кўзларингизга қўлларимни тиқиб олайми?

Дадам ҳуркиб, ўзини орқага ташлади.

Йўқ, уч кун ичида ҳеч нима кўрмагандек ўйнаб кетдим. Дадам жўраларига мақтанди: "Бизнинг ўғил маладес! Тегирмонга тушса бутун чиқади!"

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳа, айтмоқчи, ўша куни уйимизга меҳмон келди. Худди ўша — "ёнғоқ" деб йиғламсираган дўмбоқ бола. Оти — Шодивой экан. Буни қарангки, Шодивой отасини бошлаб кепти. Раис бувасининг ўғли экан. Раис бува қўлимга зарқоғозли ишкалад берди.

— Шодивой билан қиёматли жўра бўлларинг! — деди.

Майли, Шодивой билан жўра бўлсам, бўларману, ўша кундан бошлаб ғалати одат чиқардим. Бир қарасангиз миям тракторчи қўшнимиз Турсунбой аканинг пат-патига ўхшаб қарсиллаб ишлаб кетади, бир қарасангиз ҳеч балога ақлим етмайди. Устига-устак, тағин битта айбим бор: лоф-қофи билан гапирмасам, кўнглим жойига тушмайди. Ўзимдан бир ёш кичкина Жу деган синглим бор. (Оти Мавжуда, мен уни "Жу" дейман.) Масалан, дадам синглимга дўппи олиб келса, кўчага чиқиб шовқин соламан.

— Дадам Жуга тўртта дўппи олиб келди!..

Сигиримиз туғса, яна кўчага югураман.

— Суюнчи беринглар! Сигиримиз учта туғди! — Буёғиниям бир зумда тўқиб ташлайман. — Иккитаси урғочи, учинчисиям урғочи!

Бирпасда онамнинг рўмоли саккизта, дадамнинг этиги ўн тўртта, ўзимнинг ботинкам ўн олтита бўлди! (Кошки ботинка қийсам!)

Турсунбой акамнинг мотоцикли битталигини биламан. Аммо бутун қишлоққа хабар тарқатиб келдим: "Турсунбой аканинг олтита пат-пати бор!"

Кечқурун Ойсара янгам бизникига чиқиб, онамга ҳасрат қилди.

— Қўшовой тушмагур ҳаммаёққа Турсунбой ака олтита пат-пат сотволди деб гап тарқатибди. Опажон, ўзи янги рўзғор бўлсак. Шу битта пат-пат ўлгурниям раис бова олиб берди: куёвингиз яхши ишлагани учун. Билмаганлар, булар битиб кетган экан, демайдими? Болангизни тийиб қўйинг, опажон!

Ойсара янгамни яхши кўраман. Онамнинг айтишича, қишлоғимиздаги энг сулув жувон шу эмиш. Колхоз кутубхонасида ишларкан! Шунақа-ку, янгамнинг гапи менга ёқмади. Ҳозир калтак ейман, деб чўчиб турган эдим, ундай бўлмади.

Онам бепарво қўл силтади.

— Бола-да, ўргилай келин, бола! Нима қипти, ўғирлаб обди демабди-ку. Яхшилигингизни ошириб, ёмонлигингизни яширса ёмонми!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Энамни шунақанги яхши кўриб кетдимки, кечқурун дадам ишдан келиши билан мақтандим.

— Дада-чи, дада, энам бугун сизга уч қозон палов дамлаб қўйдилар!

Онам хурсанд бўлиш ўрнига, дадамга ҳасрат қилди:

— Бу тентагингиз қачон одам бўлади-а, номусга ўлдиряпти-ку! Бир ҳафта олдин сигиримиз учта туғди, деб ҳаммага айтиб чиққан эди. Бугун Ойсара келин ҳасрат қилиб чиқди. Бечораларнинг битта пат-патини олтита деб гап тарқатибди.

Қараб турсам, дадамнинг ўнг лунжи учяпти. Кошки, одатини билмасам! Лунжи уча бошладими, жаҳли чиққани шу!.. Аслида дадам менга ҳам, Жугаям бирон марта қўл кўтарган эмас. Онамнинг айтишига қараганда, отам уруш битай-битай деб турганида фронтга кетган экан. Ўша ёқдан шунақа баджаҳл бўлиб қайтган эмиш. Тўйдан кейин менинг битта акам, яна битта опам туғилибди-ю, акам чилласи чиқмай, опам ёшига тўлмай ўлибди бечора. Шунинг учун "Қўша-қўша фарзанд кўрайлик", деган ниятда бизга Қўшоқвой деб от қўйишган экан. Болани яхши кўргани учун дадам бизни уришмас экан.

Ўша куниям дадам лунжи учиб-учиб қўйди-ю, бари бир койимади.

— Ўғлим, — деди елкамга қоқиб. — Одам бошқа нарсада адашса майли, лекин ҳисобда адашмаслиги керак. Мен — буғалтирман-ку, биламан-ку. Мана, сендан кичкина синглинг мактабга қатнаяпти. Эрта-индин сен ҳам борасан. Қани, айт-чи, йигирмани йигирмага қўшса, қанча бўлади?

— Эллик! — дедим ўйлаб ўтирмай.

— Дард! — Дадамнинг жаҳли чиқиб кетди. Ўнг лунжи пайдар-пай уча бошлади. — Мисол учун сенда иккита йигирма тийинлик бор. Хлопшунктда ёнида ўтирадиган Раҳмон пистачидан семичка олмоқчисан. Бир истикон пистачка йигирма тийин туради. Икки истикони қанча бўлади?!

Раҳмон пистачидан семичка олавериб пишиб кетганман.

— Қирқ тийин! — дедим ишонч билан.

— Бўпти-да, улим! — Дадам қувониб кетди. — Ҳисобда адашиб бўлмайди. Адашсанг, ўзингга жабр қиласан!

— Адашмасам-чи?

Қизиқ, дадамнинг лунжи тағин учди.

— Ундаям жабр бўлади, — деди хўрсиниб. — Раис ҳисобдан адашмаганим учун ёмон кўряпти-да мени. Унга ҳисобни билмайдиган буғалтир керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дадамнинг гапини унча тушунмадим. Лекин, мактабга боргунча ҳисобни бинойидек ўрганиб олдим. Қўшиш, кўпайтириш... Айниқса, пул ҳисобини...

Тўғрисини айтсам, ўшандаям лоф-қофи билан гапириш одатим қолмаган экан. Мактабга борган биринчи кунимоқ шу дардим қўзиб қолди.

Иккинчи боб

МАКТАБГА КИРИБ ОЛДИМ

Мактабга онам қўлимдан етаклаб олиб борди. Гулзор ҳовлининг икки томонидаги қатор-қатор оппоқ хоналардан бирига кирдик.

Чиройли кийинган, сочини силлиқ тараган бир қиз стол ёнида ўтирган экан. Лип этиб, ўрнидан турди.

— Мана, Муҳаббатхон, сизга яна битта ўқувчи олиб келдим! — деди онам илжайиб.

Ўқитувчи опа бошимни силади.

— Вой, қандоқ яхши... Бу — Мавжуданинг... — шундай деди-ю, бир менга, бир онамга қараб, анграйиб қолди.

Чамаси, тойлоқдек бўйимни кўриб ҳайрон бўлди: мен Жунинг укасиманми, акасиманми?

— Акаси! — деди онам тушунтириб. — Сал тоби йўқроқ эди.

Ўқитувчи опа яна бошимни силади. Фақат бу гал қоқ икки паллага бўлинганида томоқдаги ўқариқдек чуқур из қолган бошимга бармоғининг учини тегизиб кўя қолди.

— Ажаб қипсиз! — деди кулишга уриниб, ўзи куляпти-ю, афти худди йиғлаётган одамникига ўхшайди.

— Фамилиянг нима, болакай? — деди менга юзланиб.

— Салимип! — дедим бақириб.

— Салимовми? — У столдаги каттакон дафтарни очиб, тез-тез ёзди.

— Отинг?

— Қўшовой!

— Қўшоқвой дегин... Яхши. Ёшинг нечада?

Худди шу пайт эски дардим қўзғаб, лоф-қоф билан айтиш касалим тутиб қолди.

— Ўн беш.

Ўқитувчи опа бир чўчиб тушди. Кўзимга хавотирланиб қараб қўйди. Онам думбамни шу қадар ачитиб чимчиладики, илжайиб қўйдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нечанчи йилда туғилгансан ўзи?

— Олтмиш тўрт!

Ўқитувчи опанинг кўзи олазарак бўлиб қолди.

— Вой! Олтмиш тўртинчи йилда туғилган бўлсанг, бундан чиқди... ҳали туғилмаган экансан-да!

Оббо! Туғилган йилимгаям анча-мунча қўшиб юборибман-ку!

Онам яна думбамни чимчилади. Бу сафар ҳафсала билан, худди омбир қисгандек бураб-бураб олди. Санаб турдим: саккиз марта.

— Муҳаббатхон! — деди кулимсираб онам. — Қўшоқвой ҳазиллашди, ўзи шунақа ҳазилкашроқ бола. Тўққиз ёшга тўлди яқинда.

Ўқитувчи опа яна йиғламоқдан бери бўлиб кулди.

— Шунақа денг... Майли. Мавжуда қизимиз пишиқ, — деди онамга. — Аъло ўқияпти. — Кейин мендан сўради. — Бошқа сингилларинг ҳам борми?

— Бор. Ўнта!

Ўқитувчи опанинг пастки лаби осилиб кетди. Оғир-оғир киприк қоқиб, онамга узоқ тикилиб қолди. Чамаси, тўққиз йилда ўн иккита бола туққан хотинни биринчи марта кўриб турган бўлса керак.

Онам думбамни чимчилашдан иш чиқмаслигини пайқади шекилли, биқинимни ўймалаб олди. Қитиғим келганидан ҳиринглаб кулиб юбордим. Ўқитувчи опа гоҳ онамга, гоҳ менга қараб, қисқа-қисқа нафас ола бошлади. Қўлидан ручкаси тушиб кетди.

— Қўшоқвой, — деди қўрқа-писа, — дадангиз?..

— Иккита! — дедим шоша-пиша.

— Нима?

— Иккита!

Шу гапни айтганимни биламан! Онам уч қадам орқага тисарилди. Эскирган чит кўйлагининг ўнг енгини шимарди-да, юзимга чунонам тарсаки тортиб юбордики, хонадаги деразалар жаранглаб кетди.

Юзим оғриганидан эмас, кулгим қистаганидан кўчага отилдим.

— Тўхта, ер юткур! — Онам кетимдан чопди. — Тўхта, жувонмарг!

Тўхтаб бўпман! Ҳаллослаб дадамнинг олдига чопдим. Биламан, дадам колхоз идорасида каталакдек хонада чўт қоқиб ўтиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Дада, — дедим илжайиб. — Энам мени келисоп билан урди. Ўн марта урди. Юз марта урди!

— Қўявур, ўғлим! — деди дадам мени юпатиб. — Энанг сени келисоп билан урган бўлса, мен уни кетмонсоп билан ураман! Ёмон ураман!

Ўша куни дадам айтганини қилиб, онамни кечаси билан калтаклаб чиққан бўлса кераг-ов! Нега деганда, онам эрта билан сақич чайнаб, очилиб-сочилиб, минғиллаб ашула айтганча, ҳовли супуриб юрганини кўрдим. Эрталаб дадам ўз қўли билан етаклаб мактабга олиб борди-ю, директор билан гаплашиб, мени ўқишга "жойлаб" қўйди.

Учинчи боб

БИЗНИ СИНФДА ҚОЛДИРАДИГАННИНГ БОШИ ЎНТА!

Буни қарангки, биринчи кунданоқ Шодивой билан битта партада ўтириб қолдик. Ҳов ўшанда, уйимизда томсувоқ бўлган куни "ёнғо-оқ" деб йиғламсираган, Раис бува "Икковларинг қиёматли жўра бўлларинг!" деган Шодивой билан. Қуёндек юмшоққина, дўмбоққина Шодивой билан.

Иккаламиз биринчи партада ўтирган эдик, ўқитувчи опамиз мени таниб қолган эканми, фамилиямни айтиб, койиди:

— Салимов! Орқа партага ўт! Бўйингни қара! Орқангда ўтирганлар доскани кўролмай қолади-ку!

Бизга барибир! Орқага ўтсак-ўтаверамиз-да! Менга деса деразага ўтқазиб қўймайдими!

Энди ўрнимдан тураётган эдим, Шодивой билагимга осилди.

— Опа...— деди йиғламсираб, — Кўшоминам бирга ўтираман!

— Сен кичкинасан-ку!

— Бирга ўтираман...— Шодивой яна йиғламсиради.

Ўқитувчи опамиз иккиланиб қолди. Мен олдинда ўтирсам, бошқалар доскани кўрмайди. Шодивой орқага ўтса, у ҳеч нимани кўролмай қолади.

— Билганларингни қил! — деди опамиз зарда билан. Кейин журнални очиб йўқлама қила бошлади.

— Алимов! (Қаранг, Шодивой жўрам билан фамилиямиз ҳам уйқаш. Уники — Алимов. Меники — Салимов.)

— Мен! — Шодивой бурнини торта-торта ўрнидан турди.

— Бақоев!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен!

— Ваҳобов?

— Мен!

Бора-бора йўқлама "С" ҳарфига келди.

— Самадов!

— Мен!

— Салимов!

— Биз! — дедим ўрнимдан сакраб туриб.

Ўқитувчи опамизнинг қоши чимирилиб кетди.

— "Биз" эмас, "мен" дегин, Салимов! — деди тушунтириб. — Синфимизда битта Салимов бор, уям бўлса сенсан! Тушундингми?

— Тушундим!

Опамиз қайтадан ўқиди.

— Салимов!

— Биз!

— Вой, қанақа боласан ўзи? Сен биттасан! Салимов Қўшоқвой! Нега "биз" дейсан?

"Биз" дейманми, "мен" дейманми, нима иши бор! Ўқишни қойил қилсам бўлдими?

Ростини айтсам, ўқишни бопладим! Ўзбек тили, табиат — ҳаммасини дўндираман! Расм чизишдан бир марта "беш" ҳам олдим. Фақат математика масаласида ўқитувчим билан ҳеч келишолмаймиз!

Опамиз ҳамма қатори мениям доскага чақиради.

— Қани айт-чи, Қўшоқвой, иккини иккига қўшса қанча бўлади!

— Беш! — дейман бақириб.

Синфдаги болалар хахолаб кулади. Ўқитувчи опа икки чаккасини чангаллаб жойига ўтириб қолади.

— Қўшоқвой! — дейди жиғибийрон бўлиб. — Масалан, сенинг қўлингда тўртта олма бор...

— Ёнғоқ! — дейман бақириб.

— Нима?

— Мен олма емайман. Ёнғоқ яхши.

— Бўпти! — Ўқитувчи опамиз уф тортади. — Сенда тўртта ёнғоқ бор. Иккитасини менга бердинг...

— Йўқ!

— Нима?

— Ёнғоғим ўзимга керак. Сизга бермайман!

— Мен мисол учун айтяпман, Салимов! Айиришни мисол қиляпман, тушундингми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Айиришни билмайман! — дейман мен ҳам зарда билан. — Қўшишни яхши кўраман.

— Бўпти! Сенда олтита ёнғоқ бор эди. Мен тўртта қўшдим. Ҳаммаси қанча бўлади?

— Ўн битта!

— Қўшоқвой! — Ўқитувчи опамиз қайтадан тушунтиради. — Мана қараб тур... — У бармоқларини букиб санашга тушади. — Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти... Яна тўрттасини қўшамиз. Демак, етти, саккиз, тўққиз, ўн... Кўрдингми? Ҳаммаси қанча бўлди? Ўнтами?

Ўнта бўлганини ўзим ҳам биламан. Лекин ҳеч бўлмаса, битта қўшиб айтмасам, ақалли жиндек лоф қилмасам бўлмайди-да, нима қилай?

— Ўн битта!

Болалар яна хахолайди. Ўқитувчи опамиз астойдил ялинади:

— Жон, Қўшоқвой! Ўнта дейқол.

— Ўн бир.

...Папкамни кўтариб уйга киришим билан онам сўрайди:

— Неча баҳо олдинг?

— Олти! — дейман илжайиб.

Синглим ёмон-да!

— Қани, ака, кундалигингизни бир кўрай! — деб папкамни титкилайди.

— Эна! Акам учта "икки" опти!

Онам шавла юқи каптирни бошимга ўқталади.

— Нима ҳунар кўрсатдинг яна, ярамас?

— Олти олдим!

...Онам ота-оналар мажлисига кулиб кетади-ю, қовоқ-тумшуғи осилиб қайтади.

— Қачон одам бўласан-а? — дейди зор қақшаб. — Ҳеч бўлмаса, синглингдан уялсанг бўлмайдими? Сендан бир синф юқорида ўқийди. Ҳамма баҳоси — беш...

Дадам келганида мени ёмонламайди-ю, ҳасрат қилади:

— Шу... ўғлингизга ҳайронман-да, дадаси... Бошқа дарслардан бинойидек ўқиркан-ку, ҳисобни билмасмиш...

...Биринчи синфни-ку амаллаб битириб олдим. Иккинчига кўчганимда ўқитувчи опамизнинг тоқати тоқ бўлди шекилли, дарсдан кейин мени олиб қолиб тайинлади:

— Бугун кечқурун отангни олиб келмасанг, мактабдан ҳайдатиб юбораман.

Кечқурун ота-бола бошлашиб, директорнинг хонасига кирдик. Мактабимизнинг директори похол шляпа кийиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

юрадиган қоп-қора одам. Қорни жуда ғалати. Худди кетмакет бир эмас, иккита тарвуз ютганга ўхшайди. Қорнининг тепа қисмида тахминан менинг бошимдек, пастроғида ўртача қозондек тарвуз тиқилиб қолган...

Эшикдан кириб борсак, директоримиз у ёқдан-бу ёққа бетоқат юриб турган экан. Икки қадам ташлайди-да, тўхтаб қолади. Уч қадам юради-да, тағин дам олади. Қорнидаги тарвузлар бир-бирига урилиб ичини оғритса керак-да.

Дераза олдида ўқитувчи опамиз ўтирибди. Қовоғи солиқ. Кириб келганимизда менга қарамади ҳам. Дадамнинг ҳурмати учун ўрнидан туриб, салом берди. Аммо ўша заҳоти яна қовоғини солиб олди.

Директоримиз негадир йўталиб қўйди. Дадам билан қўшқўллаб кўришди-да, қорнини силади.

— Хў-ў-ўш! — деди чўзиб. — Сиз, Салимжон ака, ҳурматли одамсиз. Биз сизни жуда яхши кўрамиз, мактабимизга кўп ёрдам қилгансиз. Ремонт-пемонт, шипир-мипир, ўтин-кўмир дегандек... Лекин...— у жуда чуқур ўйланиб қолди шекилли, яна қорнини силади. (Чамаси, ақли қорнида, йўқ, қорнининг ўзида эмас, ичидаги қўшалоқ тарвузларда бўлса керак.) — Бу Қўшоқвойнинг ўзлаштириши чатоқ-ку.

Шунақа дейишга деб қўйди-ю, яна пайдар-пай қорнини силай бошлади. Назаримда юзиям ёришиб кетгандек бўлди.

— Йўқ, Салимжон ака, биз Қўшоқвойни ёмон демаймиз, ўзи зўр бола. Интизоми дуруст, зеҳни ўткир. Қайси куни хўрознинг расмини чизган экан. Кўриб ҳавасим келди. Ўзиниям худди тирикка ўхшатворибди, азамат! Э, отангга раҳмат, девордим!

Директоримизнинг гапи илиқдек ёқиб кетди. Масза қилиб илжаяётгандим, ўқитувчи опамиз дик этиб ўрнидан турди.

— Кечирасиз-ку, — деди негадир қизариб-бўзариб. — Салимов математикадан — нол! Иккинчи синфга аранг кўчирдик. Шу кетиши бўлса...

— Энди, Муҳаббатхон, сизам қизишманг-да, синглим. — Директор инсофга чақиргандек қисқагина йўталиб қўйди. — Бола — ёш. Вақт-соати билан ўрганиб олади...

Вой-бў, ўқитувчи опамнинг жаҳли шунақа ёмонлигини билмаган эканман.

— Ўрганиб олади-и? — деди овози ингичкалашиб. Икки юзи шунақанги қизариб кетдики, биров бехосдан гугурт чақиб юборса, лов этиб ёниб кетгудек аҳволда эди. — Қачон ўрганади? Қачон? — У энтикиб қолди. — Яхши! — деди да-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дамга қараб. — Қўшоқвойга битта савол берсам майлими? Боғча боласиям биладиган савол...

Мундай қарасам, дадам директорга, директор дадамга тикилиб турибди. Иккаласидан ҳам садо чиқадиган эмас.

— Майли, — дедим отамнинг ўрнига ўзим жавоб бериб. Аниқ сезиб турибманки, ҳозир қўшиб ҳисоблаш касалим қўзғамаяпти. Ақлим Турсунбой аканинг пат-патидек қарсиллаб ишлаб турибди.

— Марҳамат! — ўқитувчи опам тантана билан гоҳ директорга, гоҳ дадамга, гоҳ менга қараб олди. — Икки карра икки қанча бўлади?

— Тўрт.

Дадам билан директор ярқ этиб ўгирилишди. Йўқ, менгамас, ўқитувчи опамга. Ўқитувчи опам, негадир, кўзимга узоқ тикилиб қолди. Бир-икки ютиниб қўйди.

— Беш карра беш? — деди нафаси ичига тушиб.

— Йигирма беш!

— Тўққиз карра тўққиз?

— Саксон бир!

— Саккиз карра ўттиз уч?

— Икки юз олтмиш тўрт.

Ўқитувчи опамнинг ранги қув ўчиб кетди. Директоримизнинг ичидаги тарвузлар бир-бирига пайдар-пай урила бошлади шекилли, қорни ўзидан-ўзи лопиллаб кетди.

— Етмиш учдан ўн саккизни айирса-чи? — деди ўқитувчи опам. Ҳайронман, бу сафар овози шу қадар ҳорғин, шу қадар йиғламсираб чиқдики, саволини зўрға эшитдим.

Айтяпман-ку, мен айиришни билмайман. Фақат кўпайтиришни қойил қиламан. Навбатдаги саволга нима дейишни билмай турган эдим, жонимга директор ора кирди.

— Бўлди! — Ҳайронман, директорнинг овозиям жаранглаб кетди. Ўқитувчи опамизга қараб, қўлини пахса қилди. — Ҳамма саволингизга мендан яхши жавоб бериб турибди-ку! Тағин нима керак? Нега қийнайсиз болани?

Ростини айтсам, ўқитувчи опамга раҳмим келиб кетди. Худди мўъжизага дуч келгандек нуқул ғалати илжаяди. Оғзи ҳайҳотдек очилиб қолган.

— Шошманг, домла, — дадам директорга илжайиб қараб қўйди. — Муҳаббатхонни хафа қилманг. Қўшоқвой, — деди тантанавор алпозда ёнимга келиб: — Бир сўм олтмиш тийинга уч сўм йигирма тўрт тийинни қўшса қанча бўлади?

Кўпайтириш жадвалини сув қилиб ичиб юборган одам, қўшишни билмайманми? Айниқса, пулни пулга қўшиш бўлса!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзиям каллам худди дадамнинг чўтидек шақиллаб ишлаб кетди-ёв!

— Тўрт сўм саксон тўрт тийин!

Директоримизнинг қорни шитоб билан лопиллай бошлади. Шунақанги лопилладики, ўзиям тисарилиб бориб-бориб мошранг мовут қопланган узун столга думбаси билан урилди, орқаси озор чекди шекилли, афти буришиб кетди.

Чамамда, ўқитувчи опамиз ҳушидан кетиб қолди-ёв! Орачора "ҳиқ-ҳиқ" деб овоз чиқариб қўяди. Директор ҳам эсидан оғиб қолганмикан, десам, йўқ, эс-ҳуши жойида. Тепамга келиб, иккига айрилиб кетган, қоқ ўртасида ўқариқдек из қолган бошимни силади. Меҳр билан узоқ силади.

— Рухсат сизга, Қўшоқвой, — деди овози товланиб. Товушидаги меҳрдан кўра сизлаб гапириши айниқса ёқиб тушди. Шу пайтгача мени ҳеч ким "сиз"ламаган, ҳатто синглим ҳам камдан-кам "сиз" дейди.

— Майли, — дедим эшикка йўналиб. — Раҳмат!

Йўлакка чиқсам, аллақачон қоронғи тушиб қопти. Ҳаммаёқ жимжит. Йўлакда ҳам, мактаб ҳовлисида ҳам одам зоти кўринмайди. Туриб-туриб зерикиб кетдим. Ҳеч зоғ бўлмагандан кейин, йилт этган нур кўринмаганидан кейин зерикади-да одам.

Қарасам, ҳозиргина ўзим чиқиб кетган директорнинг хонасидан чироқ нури тушиб турибди. Йўқ, хонанинг ўзидан эмас, эшик зулфинидан. Аввал калит солинадиган тешикдан ичкарига мўраладим. Ҳеч нима кўринмади. Кейин жиллақурса ўша ёқда нима гап бўлаётганини эшитгим келди. Ҳарчанд қулоқ солмай, ҳеч балони эшитмадим. Охири, зулфинга қулоғимни қапиштириб олдим. Директоримизнинг зардали овозда гапираётгани қулоғимга кирди. Аниқ-тиниқ кирди!

— Сиз, ўртоқ Икромова, шаҳардан келган одамсиз, — деди директор тажанг оҳангда. — Ёшсиз. Аммо билиб қўйинг. Қишлоқ — шаҳар эмас! Ҳамма олим бўлиб кетаверса, подани ким боқади?

Бир зум сукунат чўкди. Дадамнинг ғўлдираган товуши қулоғимга кирди.

— Қўйинг, ўртоқ директор, Муҳаббатхон ёш... Ўғлимизнинг ўзиям...

Зулфин тешигига қапишиб турган қулоғимга ўқитувчи опамнинг ҳиқиллагани эшитилгандек бўлди.

— Мен... Мен... Болалар саводсиз бўлмасин, илм олсин, дейман... Болалар шу ҳолда кетаверса... эртага ҳаммаси чаласавод...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бас!— директорнинг овози ўқдек қарсиллаб кетди.— Билиб қўйинг, ўртоқ Икромова! Бу — сизнинг Тошкентингиз эмас! Бизга оқбилак интеллигентлармас, дала заҳматкашлари керак! Беш йиллик қаҳрамонлари! Пахтакорлар! Мактабимиз бўйича юз процент ўзлаштириш берамиз деганимизда сиз ҳам бормидингиз?! Ўқитувчилар йиғилишида қўл кўтарганмидингиз?

Директоримиз яна жимиб қолди. Чамамда, қорнини силаб қўйди шекилли.

— Хўш, нега энди ўзингизни панага оласиз? Нега райОНО олдида, облОНО олдида бизни шарманда қиласиз?!

Тағин жимлик чўкди. Қулоғимни эшикка янаям қаттиқроқ босдим.

— Майли энди, маълимжон...— Бу — дадамнинг овозилигини билдим.

— Йўқ, майлимас! — директоримиз тўсатдан чинқириб юборди. Овози ўқитувчи опамникидан ҳам ингичкароқ чиқди. — Гап шу! Эртадан бошлаб биронта болага "икки" қўймайсиз. "Уч" ҳам қўймайсиз! Керак бўлса, боланинг уйига бориб ўқитасиз. Ёнида ётиб қоласиз. Хоҳласангиз шу, хоҳламасангиз катта кўча. Поезд билетини олиб берамиз.

Ичкаридан тарс-турс қадам товушлари эшитилди. Эшикка янаям қаттиқроқ ёпишдим.

Шу пайт... Эшик чунонам зарб билан очилдики, биров ўнг қулоғимга... йўқ, тарсаки билан эмас, нақд ўртачароқ кетмон билан туширибқолгандек бўлди. Ўзим ҳам камида олти марта ўмбалоқ ошиб кетдим-ов! Тўрт оёқлаб турганча мундай қарасам, ўқитувчи опамиз нимқоронғи йўлакда чопқиллаб кетяпти. Пошналари "тарс-турс", "тарс-турс" қилади.

Эмаклаб ўрнимдан турганча, гир-гир айланаётган бошимни ушлаб кўрдим. Хайрият, жойида экан! Ўнг қулоғим ловуллаётганига қарамай илжайиб қўйдим.

Ўқитувчи опам математикадан эндиям "икки" қўйиб кўрсин-чи! Хоҳласам, икки карра икки йигирма икки дейман! Хоҳласам, бешни бешга қўшса, эллик беш бўлади дейман. Мени синфда қолдириб бўпти!

www.ziyouz.com kutubxonasi

ХИҲ, ТУЛПОРИМ, ХИҲ!

Тўртинчи синфни битираётган кезларим эди. Бир куни эрталаб папкамга яримта нон, бир ҳовуч ёнғоқ, беш-олтита попук қанд солиб, чиқиб кетаётсам, дадам тўхтатди.

— Шошма, улим! Бугун бозор борамиз.

Анграйиб қолдим. Ҳар куни таёқ олиб мактабга ҳайдагудек бўладиган отам, бугун бунақа деяпти.

Ҳовли бурчагида бутига челак қистириб, сигир соғиб ўтирган онам ҳам дадамнинг гапини эшитди. Онам, ўзи жуда ювош-ку, бир жаҳли чиқса, шунақанги бобиллаб берадики, мен тугул отам ҳам қочгани жой тополмай қолади.

— Ҳой! — деди онам сигир соғишда давом этиб. — Нима деб алжираяпсиз? Болани ўқишдан қолдиргунча ўзингиз ишга борсангиз ўласизми? Раис бова нима дейди?!

— Бормайман! — дадамнинг лунжи учиб кетди. — Ишламайман ўша Раис бованг билан, тушундингми, ишламайман!

Онам сигирни чала-чулпа соғиб, ярим пақир сутни кўтарганча яқин келди.

— Нима бўлди? — деди ҳуркиброқ.

— Ишла-май-ман!— дадам айвон пешида ўтирганча тиззасига шапатилади.— Бу раис билан ишлашга тоқатим йўқ!

Онам бирпасда шалпайиб тушди.

— Майли-ку,— деди ялиниб.— Кап-катта одам ишламай қўйсангиз... Буёқда бола-чақа...

Дадамнинг лунжи баттар уча бошлади.

— Мен қамалиб кетсам, бачаларни сен боқасанми, аҳмоқ хотин!— деб муштини дўлайтирган эди, онам пақирни лапанглатиб қочди.

— Майли, ўзингиз биласиз,— деди нарироқ бориб.— Аммо шу топда Қўшони бозорга...

— Ишинг бўлмасин! Юр, улим, Чиялига борамиз!

Суюнганимдан папкамни ҳовлига улоқтирдим.

Чияли бозорни кўрмабсиз, дунёга келмабсиз! Бу бозорда-чи, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, одамдан бошқа ҳамма нарса сотилади. Тўғнағичдан тортиб бульдозергача, сичқондан тортиб филгача! Овқатларининг зўрлигини айтмайсизми? Хоҳласангиз, серқатиқ тўшпа ош ичинг, хоҳласангиз — арча ҳиди анқиб турган тандиркабоб енг! Биламиз-да! Бултур келганимизда онам мени яхна гўшт билан сийлаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Балки сиз Чияли бозор ғиж-биж чайқовчига тўлиб кетган деб ўйларсиз? Бекорларнинг бештасини айтибсиз! Бозор куни ҳаммаёқни апталапка босиб кетади. Бир гал онам апталапкадан ялтироқ кўйлаклик олмоқчи бўлган-у, пули етмаган.

Эсимда. Онам:

"Кристалингиз неча пул?" — деса, бошига чўгирма кийиб олган сотувчи:

"Олтмиш сўм",— деган.

Онам:

"Бир кийимлиги олтмиш сўмми?"— деса, чўгирма кийган сотувчининг аччиғи чиққан.

"Магазиннинг моли кийимлаб сотилмайди, эна, метри олтмиш сўм!"— деб жеркиб берган.

Онамнинг ҳам жаҳли чиқиб кетган.

"Мен биламан, давлат баҳосида метри ўн етти сўм туради!"— деган.

"Йўлингдан қолма, эна!"— деган сотувчи сансираб.

Онам ўзидан каттани сансираш мана бунақа бўлади, деб мелиса бошлаб келган.

Мелиса яхши киши экан. Онамни юпатган:

"Хафа бўлманг, эна, нариги апталапкадан олақолинг!"

Онам иккаламиз нариги апталапкага борсак, худди ўшанақа ялтироқ матонинг бир метри етмиш сўм экан...

Чияли бозори ана шунақа! Бутун бошли Ўзбекистонни ўн марта, боринғки, ўн бир марта айланиб чиқсангиз ҳам бунақа бозорни тополмайсиз!

Ростки, дадам мени бозорга етаклаб қолдими, бундан чиқди, аввало қорним ёрилиб кетгунча меҳмон қилади! Кейин бош-оёқ ясатади. Ким билсин, балки пат-пат ҳам олиб берар! Турсунбой акамнинг "пат-пат"ини ҳавас қилиб юрганимни онам дадамга айтган бўлса — айтгандир-да! Нима қипти! Якқаю ёлғиз ўғилмиз!..

...Ажаб! Дадам яхна гўшт тугул айрон ҳам олиб бермади. Мотоцикл бозори уёқда қолиб, эшак бозорига судради. Эчкидеккина хўтикка харидор бўлди. Савдолашиб-савдолашиб, "бор, барака топ!" қилди.

Ростини айтсам, хўтигим хунуккина эди. Қилтириқ, қулоқлари шалпайган, узун-узун оёқлари қалтираб турибди.

— Билиб қўй, улим! — деди дадам тантана билан. — Кўрасан, мана шу жонивор ҳали сенга кўп хизмат қилади!

Янаям ростини айтсам, уйга етаклаб келгунча хўтигим ўзимгаям ёқиб қолди. Ювошгина экан. Катта-катта, қоп-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қора кўзлари одамга маъюсланиб термулади. Ҳанграмоқчи бўлади-ю, эплолмайди. Оғзини ланг очиб, ингичка овозда "хҳи-хҳи" қилиб қўяди. Худди кулганга ўхшаб.

Эртасигаёқ бутун мактабга хабар қилиб чиқдим:

— Менинг филдек ҳанги эшагим бор. Оти — Тулпор! Бир тепса, туяни сулайтиради!

...Бекорга мақтанмаган эканман! Икки йил ўтиб, олтинчи синфга кўчганимда Тулпорим чунонам ҳанги эшак бўлиб етилдики, кўрсангиз ҳавасингиз келади. Юрса ер титрайди, югурса "ман-ман" деган пойгачи отни ярим йўлда қолдириб кетади. Бекорга Тулпор деб от қўймаганман-да! Ақллилигини айтмайсизми? Қишлоғимиздаги одамларнинг қоқ ярмиси соатини эшагимнинг ҳанграшига қараб тўғрилайди. Эрта билан будильникнинг жиринглаганидан эмас, Тулпоримнинг ҳанграганидан уйғонаман. Роппа-роса соат еттида роппа-роса етти марта ҳанграйди.

Дадам ҳам эшагим ҳанграши билан йўлга отланиб қолади. Энди колхоз идорасида чўт қоқмайди. Хлопшункт ёнидаги дўкончада газета сотади. Онамнинг айтишига қараганда, Раис бува инсоф қипти: дадамнинг гуноҳидан кечиб, газета сотувчи қилиб қўйганмиш. Лекин дадамнинг ўзи бу тўғрида оғиз очмайди.

Тулпорим бўлса ҳар соатда ҳанграб туради. Кун бўйи. Бир минут ҳам кечикмай! Қўшни колхозда турадиган тоғам Тулпорингни "Москвич"га алмашасанми, деганида жонпоним чиқиб кетди. Эсимни ебманми, алмашиб? Эшак қаёқда-ю, аллақандай "Москвич" қаёқда! Мана, мен санай, сиз бармоғингизни букиб туринг.

Биринчидан, машинага бензин керакми? Керак! Бензин дегани осонгина топила қолса экан! Бир марта эшагимни миниб узум олиш учун туман марказидаги бозорга тушганимда ўзим санаганман. Бензоколонкада бир юз ўн тўққизта машина сафга тизилган аскардек қатор турган экан. Шўпирлар сўкинган, машиналар пайдар-пай сигнал берган. Ўшанда Тулпорим машиналар ҳадеб бибиллайверганидан ғаши келдими, бутун кучини тўплаб шунақанги ҳанграб бердики, тоғдек келадиган самосвалларнинг ҳам дами ичига тушиб пилдир-пис бўлиб қолди. Шундай қилиб, машина зоти бензинсиз бир қадам юролмайди. Эшак-чи? 93 бензин уёқда турсин, солярка ҳам керакмас!

Иккинчидан, ҳар қадамда ГАИ тўхтатмайди. Бўлар-бўлмасга талонингни тешаман деб дўқ урмайди. Демак, бу томондан ҳам пулингиз ёнингизга қолади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Учинчидан, сиз томонларда қанақа билмадим-у, бизнинг туманда пахта терими бошланиши билан шахсий машиналарда юриш тақиқланади. Тўғри-да, ҳар ким ўзининг машинасида катайса қилиб юраверса, пахтани ким теради? Шунинг учун кўчада кетаётган машинани таққа тўхтатишади-да, шўпирнинг ҳам, машинада ўтирганларнинг ҳам қўлига этак тутқазишади. Марҳамат қилиб, 20 килодан пахта териб берасиз-да, кейин тўрт томонингиз қибла! Этак тўлмагунча кетиш йўқ. Ўн чақирим юрмасингиздан яна тўхтатишади. "Ҳозиргина териб бердим-ку", десангиз, "у совхознинг пахтаси эди, энди колхозникини терасиз", дейишади. Тоғам айтиб берган. Бултур янгамни туман марказидаги туғруқхонага олиб кетаётганда уч жойда тўхтатиб "ҳашар" қилдиришибди. Янгам туғруқхонага етиб боришни кутиб ўтирмай машинанинг ичида туғиб қўя қопти. Шунинг учун жиянимнинг отини эркалаб "Москвич полвон" деймиз. Ўзиям полвон бола. Кузда тили чиқди. Эна дебмас, дада дебмас, "папа-а-п" деб чиқди. Қаранг, машина ичида туғилгани эсида бор экан. Ақлли бола-да!

Хўш, энди айтинг-чи, эшак миниб кетаётган одамни биров тўхтатиб, пахта тер дейдими? Демайди. Одамлар шуни билиб қолишган. Хотини айни кузда туғмоқчи бўлса, машинага ўтқазиб эмас, эшакка мингаштириб оборишади туғруқхонага.

Тоғам айтган: битта ғилдирак давлат баҳосида етмиш сўм тураркан. Аммо устахонада ғилдирак йўқлиги учун бозордан икки юз сўмга оларкан. Битта аккумулятор олтмиш сўм тураркан. Устахонадаги қадрдони у ёққа югуриб-бу ёққа югуриб аранг бир юз йигирма сўмга топиб берибди. Тоғам хурсанд бўлиб кетганидан ошнасига яна ўн сўм қўшиб берибди. Аккумуляторни "ювиш" учун...

Эшакка-чи! Запчаст керакми? Керакмас. Хуллас, санайверсам, Тулпоримнинг мақтовига сўз тополмайман. Меҳрибонлигини айтинг. Ҳар куни охирги дарс тугаши олдидан нуқул деразага қарайвераман. Худди ўзим билганимдек, деразада аввал бир жуфт диккайган қулоқ, кейин Тулпоримнинг тумшуғи кўринади. У қулранг-кўкиш лабларини чўччайтириб, ҳавони ҳузур қилиб искайди-да, бошини силкитиб-силкитиб, пишқириб қўяди.

Ўқитувчилар ҳам таниб қолишган уни.

— Ие, Қўшовой, дарс тугаб қопти шекилли, эшагинг келди, — деб қўйишади. Қўнғироқ чаладиган навбатчи адашса-адашадики, Тулпорим хато қилмайди. Чиқишга ўз вақ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тида қўнғироқ урмаса секунд-секундини тўғрилаб ҳанграб юборади. Ҳанграганда ҳам қанақа денг? Нақ деразага тумшуғини тираб ўкиради. Ҳар биттаси тахминан ярим метр келадиган қулоқлари диккайиб, думи хода бўлиб кетади. Ўша заҳоти қўнғироқ чалинса — чалингани. Чалинмаса дераза ортидан ўқитувчига жаҳл аралаш адоватли қараб қўяди-да, икки биқини кириб-чиқиб, кириб-чиқиб ҳирқиллай бошлайди. Хафа бўлганидан шунақа қилади, деб ўйлайсизми? Ҳечам-да! Тулпорим янгидан ҳанграш учун куч тўплаётган бўлади. Ўпкасини свежий ҳавога лиқ тўлатиб олиши керакми ахир? Агар ўшандаям қўнғироқ чалинмаса,шунақанги шовқин соладики, фақат бизнинг синфимиз эмас, бутун мактаб титраб кетади. Деразалар жаранг-журунг қилган, шифтнинг оҳак сувоғи кўчиб тушган...

Йўқ, кўпинча иш бунчаликка бориб етмайди. Тулпоримнинг овози билан дарсдан чиқишга чалинган қўнғироқ деярли баравар жаранглайди.

Синфхонадан отилиб чиқамизу Шодивой иккаламиз эшагимга мингашиб оламиз. Шодивой яхши бола-да, ўзи! Ўқитувчилар у ёқда турсин, директор ҳам уни "сизлаб" гапиради. Шодивой ҳам менга ўхшаган биттаю битта ўғил. Фақат менга ўхшаб синглиси эмас, опаси бор. Тўртта. Ҳов ўшанда, иккинчи синфда ўқиб юрганимда директоримиз ўқитувчи опамизни роса уришганини айтгандим. (Ўшанда ўқитувчи опам эшикни қалтисроқ очган эканми, бошимдаги тухумдек ғурра салкам икки ойгача кетмади. Ғуррам жойига тушгунча ўқитувчи опанинг ўзи ишдан бўшаб кетди. Сабабини кейин билдим. Опамиз мен тугул, ҳатто Шодивойдек боланинг ҳам чорагига "икки" чиқармоқчи бўлган экан. Директоримиз шунисига чидолмабди.)

Кейинги пайтларда Шодивой янаям семириб, янаям дўмбоқ бўлиб кетди. Аввал икки юзи лўппигина нонга ўхшарди. Ҳозир камида бир кеча-кундуз ошиб ётган хамирдек бўлиб кетган. Баъзан ҳазиллашиб жўрамнинг юзини силагим келиб қолса, бир юзини икки қўллаб силайман.

Шундай қилиб, Шодивой иккаламиз синфхонадан отилиб чиқиб эшагимга мингашиб оламиз. Мен-ку Тулпоримга минавериб уста бўлиб кетганман. Лип этиб устига чиқиб оламан. Папкамни тиззамга қўйиб, Шодивойни имлайман.

— Келавер!

Шодивой эшакка мингашгунча терлаб, сув бўлиб кетади. Ҳарсиллаб нафас олганча, гоҳ ўнг томондан келади, гоҳ чап томондан... Тулпорим бўлса тақдирга тан бергандек

www.ziyouz.com kutubxonasi

қимир этмай туради. Эсли-да, Шодивой қил ўтмас ўртоғимлигини билади!

Жўрамнинг қўлтиғидан тортиб эшакка мингаштиргунча ўзим ҳам терлаб кетаман. Дадам минганида қилт этмайдиган Тулпорим Шодивой мингашиши билан орқага чўнқайиб ўтириб олгудек, бир силкинади. Чамамда, орқа оёқлари букилиб кетади-ёв! Аммо сир бой бермайди. Аввалига уч-тўрт қадам гандираклаброқ боради-да, кейин йўрғалашга тушади.

— Хиҳ, Тулпорим! — дейман бақириб.

Мактабдан чиқаётган болаларни бир зумда қувиб ўтамиз. Кейин катта кўчага чиқамиз. Автобус бекатида дўппи кийган кишилар, атлас кўйлаги офтобда товланиб турган хотинлар бизга ҳавас билан қараб қолишади. Баъзилари негадир афсусланиб бош чайқайди...

Шу... Хотинларга ҳам ҳайронман-да! Атлас кўйлак кийишни яхши кўришади-ю, қурт боқиш азобидан хабари йўқ! Ўйлашса керак-да, атлас дегани магазинга чиқади-ю, дўкончига эллик сўм қўшиб берса, пештахта тагидан бир жўра атласни олиб, газлаб бераверади, деб!

Пилла боқиш осон эканми? Сўри қуриш бор. Ғанак қилиш бор. Сийраклатиш бор, сўри тагини тозалаш бор. Ерга тушиб кетган қуртларни битта-биттадан териб, жойига қўйиш бор. Жимитдек қутидан чиққан қуртлар ўн беш кунда бутун уйни эгаллайди. Авваллари жой топилмаганидан қурт учун мактабдаги битта-иккита синфхонаниям бўшатиб беришаркан. Йўқ, кейинги пайтда Раис бува "Қуртни одамлар уйида боқсин" деб буйруқ берган. Тағин бу қурт демагани шунақанги таннозки, хона иссиқ бўлсаям ёқтирмайди, совуқ бўлсаям. Ҳаво сал қовоғини солса, азза-базза печка ёқасиз. Ҳаво исиб кетса, деразани қия очиб, салқинлатасиз. Шунинг учун апрель ойи охирлаши билан одамлар уйини куртга бўшатиб, ўзлари ҳовлида ётишади.

Энг қийини бу ҳам эмас. Пилла қурт деганнинг даҳаси бўлади. Биринчи даҳа, иккинчи даҳа... Учинчи даҳага кирганида ҳар биттаси аждардек очофат бўлиб кетади. Барг деганни ямламай ютади. Етказиб бермай кўринг-чи! Айниқса, катта даҳага кирганида кўрсангиз! Мингтачаси баб-баравар бошини кўтариб, берсанг ейман, бермасанг ўламан, деб туради.

Аммо, қани ўша барг? Авваллари пахта пайкаллари четида қатор-қатор тутзорлар бўларкан. Раис бува, бўлтақсўлтақ ерлар кўпайиб кетган, техникага кенг майдон керак, деб тутларни кестириб ташлаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўшандан бери пилла қурти катта даҳага кириши билан югур-югур бошланади. Бизнинг колхоздагилар юк машинасига ўтириб, нариги колхозга борса, нариги колхоздагилар бир эмас, иккита машинага ўтириб, бизнинг колхозга келади. Дадамнинг айтишича, бир сафар бизнинг колхоз пилласчилари тутнинг конини топишибди. "Правда" колхозида каттакон тутзор бор экан. Ярим кечада бориб чопқи билан роса барг кесишибди. Машинага босишибди. Шопир машинани ҳайдайман деса, ғилдираги дақир-дуқир қилармишу юрмасмиш. Тушиб қарашса, машинанинг тўрттала балони ёрилиб ётганмиш. "Бировнинг молини ўғирлаш шунақа бўлади! — дебди мўйловли бир киши уларнинг ёнига келиб.— Пилла керак бўлса, ўзларинг тут ўстиринглар! Раҳмат, ишимизни енгиллатиб барг кесиб бердиларинг".

То бу ёқдан бошқа машина тўртта балон оборгунча тутзор эгалари тайёр кесилган баргларни ташиб кетишибди.

Бу гапларни айтмасдиму, нима қилай, бизникида ҳам бир қути пилла бор-да! Ҳозир катта даҳага кирган. Эрталаб дадам, "Ўғлим, Тулпорингни эгарлаб барг қидирмасанг бўлмайди", деган.

Шуни ўйлаб кетаётсам, орқамда мингашиб ўтирган Шодивой биқинимга туртиб қолди. (Муштиям биққигина, юмшоққина. Ўзи ўнг биқиним қичиб турган эди, жоним роҳат қилди.)

— Қўшовой! — деди жўрам.— Хлопшунктга бормаймизми? Бугун кино бор экан. Индийский кино...

— Э, кинони бошимга ураманми! — дедим тўнғиллаб.— Барг топмасам, дадам ўлдиради! Хиҳ!

Эшагим шошиб турганимни сезди. Йўл четидаги тошларни шақир-шуқир босиб, илдамлаб кетди. Шодивойни ҳар куни Тулпоримга мингаштириш малол келмаса ҳам бугун алам қилди. Мен буни текиндан-текинга уйига обориб қўяман, бу масза қилиб кино кўради. Мен бўлсам, ҳали барг излашим керак! Шодивойнинг уйи яқин бўлсаям гўргайди. Йўл ўлгудек айланиш! Аввал идора ёнидан ўтамиз. Кейин атрофини аллақандай жилонжийдалар, юлғунзорлар ўраб ётган чакалакзор мозор четидан ўтамиз. Ана ундан кейин Шодивойнинг уйи келади.

— Баргни қаёқдан оласан?— деди Шодивой яна биқинимга туртиб.

— Мен қаёқдан билай? Хиҳ, Тулпор!

Эшагим янаям илдамроқ дикиллаб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қўшовой! — деди жўрам бир маҳал. Овози ғалати, сирли чиқди.— Бир эшак барг топиб берсам, кинога борасанми?

Севинганимдан бутун ғавдам билан ўгирилдиму ўртоғимнинг юзидан ўпиб олдим. Ўзиям бир тоғора хамирнинг бир бурчидан ўпгандек бўлдим.

— Ростданми? — дедим бақириб.

Мувозанат бузилди шекилли, эшагим мункиб кетди. Лекин дарров қаддини ростлаб яна дикир-дикир қилиб йўлида давом этди.

— Ростдан,— Шодивой елкамга қоқди,— юравер бизникига!

Раис бувининг "Волга" уёқда турсин, ЗИЛ ҳам, боринги танк ҳам сиғадиган кунгурадор дарвозаси олдида тўхтадик. Шодивой ерга тушиши билан эшагим хўрсиниб-хўрсиниб нафас ола бошлади. Қарасам, икки лаби кўпириб, сарғимтил тили осилиб кетибди. Ҳанграйдиган вақти бўлган эканми, бир-икки ҳиркиллаб ўкиргиси келди-ю, мадори етмади шекилли.

Жўрамникига шунча келган бўлсам ҳам ҳовлисига кирмаган эдим. Ҳозир ҳам ичкарига киргим келмади.

— Юравер! — деди Шодивой дарвоза ёнбошидаги эшикни очиб.— Ўзимизнинг тутимиз бор. Баргини кесиб оламиз.

Кўрқиб кетдим.

— Даданг билиб қолса-чи?

— Дадам ишда.

— Энанг-чи?

— Юравер! — Шодивой қўлимдан тортди.— Энам Сожида опамнинг бешик тўйига кетган.

Йўлакка киришим билан бир эмас, учта машинага кўзим тушди. Биттаси оқ "Волга", биттаси янги чиққан қизил "Жигули", энг ичкарида ҳаворанг "Запорожец" турибди.

— Кимники? — дедим "Волга"га имлаб.

— Дадамники.

— Даданг "Газик"да юради-ку!

Жўрам кулди. Икки юзи қизариб, янаям лўпиллаб кетди.

— Униси — давлатники! Бу — ўзимизники!

— У-чи?

— Буми? — жўрам юмшоқ кафти билан қизил "Жигули"нинг томига шапатилаб қўйди.— Кичик поччамники. Дадам поччамга айтганди: "Ўғил кўрсанг "Жигули" сеники", деганди. Сожида опам ўғил туғди. Энди поччам машинани олиб кетади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Буниси-чи?

Шодивой ҳаворанг "Запорожец"га менсимайроқ қараш қилди.

— Буниси меники. Дадам ваъда қилган. Еттини битирган куниng калитни қўлингга бераман деган. Янаги йил минаман...

— Ўзимнинг Тулпорим яхши! — дедим паст келишни хоҳламай.

Ҳовлига кириб, анграйиб қолдим. Худди томошабоғнинг ўзи! Олмалар, гилослар қатор-қатор экилган. Ўртада катта гулзор. Атиргуллар очилган. Гулидан ғунчаси кўп. Гулзор ўртасида мармар фонтан. Ҳали сув отилмаяпти-ю, аммо мармар устунчалари ювиб қўйилган. Ҳовлининг тўрт томонида қатор-қатор уйлар. Устуни нақшланган айвонлар...

— Қани тут, Шоди? — дедим гарангсиб.

— Ана!— жўрам ҳовли бурчагига имо қилди. Қарасам, жудаям бизнинг ёнғоқчалик баҳайбат бўлмаса ҳам камида ўшанинг ярмидек келадиган тут савлат тўкиб турибди. Ғарқ пишганини айтмайсизми? Ҳатто тагига, асфальт босилган ерга анча-мунча тўкилибдиям.

Ғайратга кириб кетдим.

— Дасткалланг борми? — дедим ҳовлиқиб.

— Нима у дасткалла?

— Чопқи-да, ишқилиб, ошпичоққа ўхшаган! Барг кесадиган...

Шодивой узоқ ўйлаб қолди.

— Болта бор! — деди ниҳоят.

— Обкел!

— Йиқилиб тушма! — деди Шодивой тутга тирмашаётганимда.

Учи булутга тегиб турган ўзимизнинг ёнғоқдан калла ташлаган одамга аллақандай тутга чиқиш нима бўпти. Болта бандини камаримга қистирдиму, бир зумда тут шохига миниб олдим.

Болтани бир урганимни биламан! Бошимга дуё этиб тут ёғилди. Тағин қанақа денг? Марварид тут! Ҳар биттаси бармоғимдек келади.

Шошма! Нуқул барг кесавериб, тут ейиш эсимдан чиқиб кетибди-ку! Аввал бир тўйиб олай! Қўлим етган жойдаги шохларни синдириб тутларни каппалаб оғзимга тиқавердим. Шунақанги ширинки, ирис ишкаладга ўхшайди.

— Қўшовой! — пастдан жўрамнинг ингичка овози эшитилди.— Бўл тез! Ҳозир энам кепқолади!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Онаси билан нима ишим бор?! Шипиллатиб тут ейишга тушдим.

Эрталабдан бери қорним очиб кетгани учунми, шунақанги иштаҳага кириб кетдимки, шу очофатлигимни кўрса, катта даҳага кирган қуртлар ҳам бир чеккага чиқиб таъзим қилиб турган бўларди.

— Қўшо! — Шодивой пастдан туриб ялинди. — Жон Қўшо! Сенга бир тоғора тут бераман! Йўқ, ўн тоғора! Ўзим уйингга обориб бераман! Тезроқ бўла қол, жўражон...

Тезроқ бўлармишман! Шошиб нима қилдим! Ана, ҳаммаси тайёр! Тут ўзимга, барг — қуртимга. Тутни капалаб еявердим-еявердим, охири, қорним дарангос бўлиб қулдурқулдур қила бошлаганини сездим. Чамамда, қорним қорин эмас, шинни тўлдирилган хумга айланиб кетди-ёв! Бўпти, энди ишга киришамиз.

Ўзимча дарахтдаги тутнинг ярмисини еб қўйдим, деб ўйловдим. Йўқ, ҳали кўп экан. Болта билан битта шохни кесгунимча юзта тут ерга дув тўкилади.

— Тезроқ! — Шодивой турган жойида ер тепди.— Бўлсанг-чи!

— Шохларни эшакка ортавер! — дедим бақириб.— Мен кесиб тураман, сен ташийсан.

Шундоқ қилдик. Мен пайдар-пай шох кесиб турибман, Шодивой пайдар-пай ташиб турибди.

Одам бир ғайратга кириб кетса, нима қилиб қўйганини ўзи билмай қоларкан! Бир маҳал қарасам, бутун бошли тутнинг қир учида учтами-тўрттами шох қопти! Худди қамиш учидаги попилтириқдай.

— Қўшо-о! — пастдан Шодивойнинг йиғламсираган овози келди.— Эшагинг кўринмай кетди. Ҳаммаёғи шох!

— Қўявур! — дедим илжайиб.— Тулпорим бир эмас, иккита ЗИЛнинг юкини кўтаради.

Худди шу пайт дарвозахона томонда янграган аянчли хитоб қулоғимга чалинди.

— Ё тавба! Ё худо! Вой... Вой. Вой-до-о-од!

Аввал ўзим ерга сакрадимми, ё мен тушишимдан олдин ер қимирладими, билмайман. Шундоқ қарасам камида бир кўрпага етгулик қора атласдан қўйлак кийган хотин кўзлари шокосасидан чиққудек бўлиб чалқанчасига гурсиллаб ерга йиқилди. Қўлидаги тугун анча нарига отилиб кетди. Назаримда, уйлару айвонлар ҳам, яланғочланиб қолган тут ҳам силкиниб кетгандек бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— До-о-од!— хотин шунақанги йўғон овозда ҳайқирдики, худди станциядаги тепловоз гудок чалгандек икки қулоғим чиппа битиб қолди.

— Вой-дод! Уйим куйди!

Аланг-жаланг бўлиб Шодивойни қидираман, қани кўринса! Ерга кирдими, осмонга учиб кетдими, билсам ўлай!

Мен ҳам вақтни ғанимат билиб, кўча эшикка отилдим. Бояги семиз хотин бўлса каловланиб қаддини ростлашга уринар, филнинг қулоғидек осилиб кетган юзини юлиб, ну-қул дод соларди:

— Уйим куйди! Ўғри босди!

Ер билан битта бўлиб ётган тутларни босиб кўчага отилдим. Қарасам, дарвозахона рўпарасида ўртачароқ юк машинасига ортса тахминан чорак қисми ортиб қоладиган барг ғарами турибдию эшагим кўринмайди.

Хаёлимга лоп этиб бир фикр келди. "Тамом бўлдим! Ҳозир Шодивойнинг онаси чиқиб, мени тагига бир босса, бургадек пирт этаману, жоним чиқади-кетади!"

— Тулпор! — дедим чинқириб.— Тулпорим!

Камида бир ярим машинага юк бўладиган барг хирмонининг қоқ ўртасидан "ҳирқ" этган товуш келди.

Бор экансан-ку, Тулпорим!

Типирчилаб-типирчилаб барг ғарамининг қир учига чиқиб олдим. Шодивой ҳам маладес-да! Шохларни шу қадар шиббалаб юклаган эканки, хирмон бошига чиққунимча биттаям барг тўкилмади.

— Хиҳ, Тулпор, хиҳ!— дедим бақириб.

Худди шу пайт кунгурадор дарвоза шарақлаб очилди. Шодивойнинг онаси эшикдан чиқай деса сиқилиб қолишини билиб, дарвозани ланг очиб қўя қолганини тушундим. Чамамда, у дарвозанинг ярмини эгаллаб турарди. У, ўзидан-ўзи судралиб бораётган ғарамга, ғарамнинг қир учида чордана қуриб ўтирган қоп-қора болага, яъни менга кўзи тушдию ранги докадек оқариб кетди.

— Бис-бис-бисмилло! — деди дудуқланиб. Таппа ўтириб қолди. Ўша заҳоти яна ер қимирлагандек бўлди. Ўзим ҳам хирмон устидан учиб тушай дедим. Эшагимнинг қорни ўрнига тут шохларини тепкилаб бақирдим:

— Хиҳ!

Хайрият, хавфли жойдан узоқлаб кетдик. Катта йўлга чиққанимизда бир нарсани пайқадим. Велосипеду мотоциклар у ёқда турсин, юк машиналари ҳам бизни четлаб ўтяпти. Мотоциклчилар ўз йўлига. Ҳатто шопирлар ҳам эллик

www.ziyouz.com kutubxonasi

метрча олдинга ўтиб машинасини тўхтатади-да, азза-базза ерга тушиб, орқасига қараганча анграйиб қолади.

Мен бўлсам, фил устида ўтирган подшодек буйруқ бераман:

— Ҳа, Тулпор!

Тулпорим дикир-дикир қилиб илдамлайди. Донолигини қаранг. Ўзи-ку устига кўрпа ёпилган мушукдек шохнинг тагида кўринмай кетган. Йўлни қаёқдан топиб боряпти, билсам ўлай! Устига-устак ҳар соатда минут-минутигача аниқлик билан ҳанграйдиган эшагим, мана, орадан уч соатча вақт ўтибдики, ғиқ этиб овоз чиқармайди. Яхши-да! Одамлар қойил қолсин! Бир ярим машина тутбарг ўзидан-ўзи Қўшовойларникига ўрмалаб кетяпти. Баракалла, Тулпорим! Маладес!

Ҳайронман, хаёл олиб кетибдими, онамнинг фалокат қош билан қовоқ ўртасида туради, дегани ростми, нима бўлганини ўзим билмай қолдим.

Бир маҳал эс-ҳушимни тўплаб олсам, каттакон чорраҳанинг қоқ ўртасида турибмиз. Эшагим ғазабнок ҳиқиллаяпти. Аввал ўнг томонимга қарадим. Ҳеч гап йўқ. Кейин чап томонимга қарадим. Ҳеч нима кўринмайди.

— Хиҳ! — дедим ҳайқириб.— Хиҳ, Тулпор!

Бироқ қадрдон эшагим қилт этмай тураверди. Аламли пишқириб қўйди. Ўтирган жойимда мундоқ орқамга ўгирилиб қарасам, не кўз билан кўрайки, аллақандай қирчанғи бир эшак биз не машаққатлар билан кесган баргларни бемалол кавшаяпти.

Қўлимни мушт қилиб бақирдим:

— Йўқол!

Вой сурбет-ей! Парво қилмайди! Тут баргини узиб-узиб олади-да, ҳузур қилиб кавшайди. Ростмана ҳанги бўлсаям майли-я, Тулпоримнинг ярмича келадими-йўқми-ю, ғолибона пишқириб қўяди.

— Хиҳ! — дедим чинқириб. — Хиҳ, ҳаром ўлгур!

Тулпорим, бунақа дағдағани ўзига тегишли деб ўйладими, жаҳли чиқдими, унисини билмайман. Шуниси эсимдаки, эшагим нафрат тўла оҳангда ҳанграб юборди. Хирмон ўзим билан қўшилишиб, роппа-роса бир юз саксон градус айланиб кетди. Шунақанги кескин айландики, ерга чилпарчин бўлиб тушишимга бир баҳя қолди. Бегона эшак хирмон тагида шундоқ қудратли рақиби борлигини билмаган экан шекилли, шаталоқ отиб қочиб қолди. Тулпорим ҳам уч соатдан бери жим турганининг хуморидан чиқиш учун тўхтовсиз ҳанграганча тоғ бўйи хирмонни, хирмон устида ўтирган мени ортмоқлаб "ўғри" эшак орқасидан йўртиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўғри эшак қанча тез чопса Тулпор ҳам шунча тез йўрғалайди. Ўғри эшак думини чотига қисиб нола чеккандек ҳиқ-ҳиқ қилади. Тулпорим ғолибона ҳанграйди. Қарасам, ўғри эшак мозористон ёнидаги жилонжийдалар, қоратиканлар чирмашиб кетган чакалак орасига ўзини урди. Чакалакка кириб кетаётганда алам қилсин, дегандек икки марта шатта отиб ҳам қўйди.

— Иш-ш!— дедим жонҳолатда.— Иш-ш! Жон Тулпор, иш-ш!

Қаёқда? Тулпорим биттаям гапимни эшитмади. Ё эшитсаям қирчанғининг ҳақоратига чидолмадими, билмайман. Аввал оёқларимга, кейин қўлларимга, ундан кейин юз-кўзимга тиканлар санчила бошлади.

— Иш-ш!— дедим бақириб. Жилов қўлимда бўлсаки, тортсам.— Иш-ш!

Алам билан охирги марта қичқирганимни биламан. Анчадан кейин кўзимни очсам, тут барглари орасида ялпайиб ётибман. Ҳаммаёғим ловуллайди.

Йиғламоқдан бери бўлиб эшагимни чақирдим.

— Тулпор!

Қаёқда! "Ўғри" эшакдан ҳам, Тулпоримдан ҳам дарак йўқ! Амаллаб ўрнимдан турдиму бир тутам тут баргини қучоқлаб, туртина-туртина йўлга тушдим. Чакалакзордан чиққунимча кун ботди. Йўл-йўлакай баданимга санчилган тиканларни санаб олиб ташлай-ташлай уйга келсам, Тулпорим эшик олдида рақибини енган аскардек "смирно" турибди. Мени кўриб қулоқлари динг бўлиб кетди. Ҳатто ғолибона ҳанграб ҳам қўйди.

Бешинчи боб

МУШАК САБЗИ

Баргдан ажрашга ажрадим, икки орада Шодивой отасидан сўкиш эшитгани қолди. Эртасига дарсга ўртоғим қовоқтумшуғи осилиб келди. Онаси, уйимни ўғри босди, деб ёмон қўрққан экан. Раис бувага йиғлаб шикоят қипти.

— Дадам тумандаги катталарни тутхўрликка айтиб қўйган экан,— деди Шодивой минғирлаб.— "Жўранг ақалли биттаям шохини қолдирмабди, қўлимга тушса бутини йиртиб ташлайман", деяпти, отамнинг кўзига кўринмай тур, Қўшо...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Одамнинг бути йиртилгандан кўра йиртилмагани яхшилигини ўзим ҳам биламан. Шунинг учун Раис буванинг кўзидан узоқроқ юрган эдим, бугун қўлга тушиб қолдим.

Ҳаммасига онам сабабчи бўлди. Эрталаб далага чиқиб кетаётганида қаттиқ тайинлади:

— Ўрадан ярим пақир сабзи олиб Ойсара янгангникига чиқариб бер. Ош қилмоқчи экан, сабзиси қолмабди.

Ўрадан сабзи олаётганимда хаёлимга бир гап келди. Сабзидан кўпроқ олиб чиқсам, Ойсара янгам пат-патга минишимга кўнармикан? Ойсара янгам ўзи яхшию ўлгудек зиқна. Турсунбой ака олган мотоцикл доим бостирма тагида туради. Турсунбой акамга "Менгаям пат-пат ҳайдашни ўргатинг", десам, "Пат-пат меникимас, янгангники", дейди. Қўрқади-да, хотинидан.

Ойсара янгам сабзини кўриб зора ийиса. Ҳеч бўлмаса эгарга миниб, бир-икки бибиплатай. Ширин хаёллар билан сабзи тўла пақирни кўтариб, Турсунбой акамнинг эшигига келсам, тақа-тақ берк. Итариб кўрдим, муштлаб кўрдим. Ҳеч ким йўқ. Бундан чиқди Ойсара янгам кутубхонага кетибди-да.

Ҳафсалам пир бўлиб қайтиб келаётган эдим, дераза тагига етганимда ичкаридан Турсунбой акамнинг Ойсара янгам билан ғўнғир-ғўнғир гаплашаётган овози келди. Қаранг, иккаласиям уйда ўтирган экан-ку, дарвозани очмайди. Яқин келиб овозим борича бақирдим:

— Ойсара янга!

Ичкаридан жавоб чиқмади. Қайтага иккаласи жимиб қолишди.

Ҳовлимизга қайтиб кириб, ўйлаб қолдим. Онам Ойсара янгангга ярим пақир сабзи олиб чиққин деганми, деган! Ярим пақир эмас, нақ бир пақир сабзи олдимми, олдим! Шунча овора бўлганимдан кейин Турсунбой аканинг пат-патини бир мартагина миниб кўришим керакми, керак! Бўпти-да, эшикдан кирдим нимаю, туйнукдан тушдим нима? Ҳовлимизнинг этагида, девор тагида туйнук бор. Аввалларидан сув оқиб ётарди. Ҳозир пахтага сув йўғу, одамларнинг томорқасига сув қаёқда! Ариқ қуриб-қақшаб кетган. Ойсара янгамнинг товуғи ҳар куни ўша туйнукдан чиқиб, бизнинг ҳовлимизда сайр қилади... Чопқиллаб бориб, аввал пақиримни нариги томонга ўтказдим. Кейин ўзим ҳам қисилиброқ бўлса ҳам Турсунбой акамнинг ҳовлисига эсон-омон ўтиб олдим.

Бирпас қулоқ солиб турсам, ҳаммаёқ жимжит. Нима бало, булар боласини боғчага жўнатиб, ўзлари қайтадан ухлаяп-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тими? Қўлимдаги пақирни саланглатиб энди уй томон юрган эдим, ойнабанд эшик шарақ-шуриқ қилиб очилди. Очилди-ю... остонада Раис бува пайдо бўлди! Шодивойга "Жўранг қўлимга тушса, бутини йиртиб ташлайман", деган Раис бувaнинг худди ўзи! Шифтдай бўлиб эшик кесакисидан ушлаб турибди. Эгнида кулранг китель, почаси кенг шим. Шунақаку, негадир этиги йўқ, оёқяланг...

Қўрқиб кетганимдан сабзи тўла челакни кўтарганча орқага тисарила бошладим. Ҳайронман, Раис бува мени кўриб негадир остонада турганча қотиб қолди. Пишиллаб-пишиллаб нафас ола бошлади. Назаримда пастки лаби осилиб кетгандек бўлди.

— Ие, сенмисан?— деди ғалати илжайиб. Овози ялиниброқ, йиғламсираброқ чиққанга ўхшади.— Нима қилиб юрибсан, тутхўр?

"Тутхўр", дедими? Бундан чиқди ҳалиям эсида экан-да. Баттар қўрқиб кетдим.

— Мен... мен,— дедим тутилиб.— Сабзи...

Раис бува бир менга, бир айвон кавшандозида қийшайиб ётган жигарранг этигига қараб қўйди-да, яна илжайди.

— Оббо сен-ей, нима қилиб юрибсан?

Илжайганидан сал дадил тортдим.

— Ўзим... сабзи...

Шу пайт Раис буванинг орқасида Ойсара янгам кўринди. Негадир ранги ўчиб кетган, қўли титраб ҳадеб сочини тузатарди.

— Вой, ўзимизнинг Қўшожон-ку!— деди-да, Раис буванинг қўлтиғи тагидан лип этиб ўтди.— Сиз билмайсиз, Қўшовой шунақа яхши болаки! Пат-пат мингинг келдими, Қўшожон!

Ойсара янгамнинг меҳрибонлигидан талтайиб кетдим.

— Минаверайми?— дедим илжайиб. Қўлимдаги пақирни энди Ойсара янгамга узатмоқчи эдим, тўсатдан Раис буванинг қиёфаси ўзгарди. Кулиб турган одам дағдаға билан сўради:

— Шошма, ўв! Қаёқдан келдинг?

— Туйнуқдан,— дедим ростини айтиб.— Товуқ ўтадиган...

— Нима?!— Раис бува ялангоёқ ер тепинди.— Эшикни бир тақиллатдинг, икки тақиллатдинг, кетавермайсанми йўлингга, қанақа сур боласан?

— Секи-и-ин!— Ойсара янгам Раис бувага ялиниб қаради.— Билмаган-да, Қўшожон яхши бола!

Қизиқ, Раис буванинг баттар жаҳли чиқди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шу яхши болами?— дедию устимга бостириб кела бошлади.— Сўроқсиз бировнинг тутини каллаклаб кетса, сўроқсиз бировнинг уйига туйнукдан тушса! Тўғрисини айт, ким юборди сени?

Қарасам важоҳати ёмон.

— Турсунбой акам!— дедим бақириб.

— Секин!— Ойсара янгам товуши титраб ялинди.— Жон Қўшожон, секинроқ!

— Турсунбой акам айтдилар!— дедим овозимни янада баралла қўйиб.— Бугун ош ейдиган кун дедилар. Иккаламиз сабзи олиб келдик...

Ойсара янгам икки қўллаб юзини чангаллади.

— Вой шўрим!

Раис буванинг кўзи ола-кула бўлиб кетди.

— Нима?

— Дарвозани галма-галдан тақиллатдик.

— А?— Раис бува мен буёқда қолиб кавшандоз томон югурди. Ерга ўтириб олиб қўллари қалтираганча пайтава ўрай бошлади. Раис буванинг қўрққани таъсир қилдими, ё ўзимнинг ақлим қарсиллаб ишлайдиган пайт келиб қолдими, унисини билмайман.

— Шунча тақиллатдик, ҳеч ким жавоб қилмади!— дедим атайлаб кўча эшик томонга қараб.

— Бўлди-и-и!— Раис бува ўтирган жойида менга елкаси оша қаради.— Кар одам йўқ-ку, нега чийиллайсан!

Шунча ёлғон тўқиганда буёғи нима бўлти дедиму, тағин бақирдим:

— Кейин Турсунбой акам айтдилар: Қўшовой, туйнукдан кир, дедилар.

Ойсара янгам даф-даф титраганча мени қучоқлаб, илтижо қилди:

— Қўшожон, жон укам! Барака топкур, укам, бўлди, секинроқ...

Тўғрисини айтсам, Ойсара янгамга раҳмим келди.

— Пат-пат минсам майлими?— дедим овозимни анча пасайтириб.

— Пат-пат сендан айлансин! Юз марта мин, минг марта мин! Аканга айтаман, ҳайдашни ўргатади.— У ҳамон мени қучоқлаганча Раис бувага ўшқирди: — Бўлсангиз-чи...

— Этик... сиғмаяпти.— Раис бува пайтавани чала ўраганми, уввало уринади — қани этигини киёлса! Бечора бирпасда терлаб кетди. Этик оёғини сиқаётган бўлса керак, оқсоқла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ниб дарвоза томон юрган эди, Ойсара янгам инграгудек хитоб қилди:

— Қаёққа? Қанақа одамсиз ўзи?

Раис бува аланг-жаланг бўлиб тўхтаб қолди.

— Нима қилай ахир?— деди йиғламсираб.

— Бугун ўргатадиларми?— дедим Ойсара янгам ваъдасини унутмасидан туриб тасдиқлатиб олиш учун.— Турсунбой акамни чақирайми?

Айвондан сакраб тушишим билан Ойсара янгам сабзи тўла пақир устига ўтириб қолди.

— Шўрим қурсин!— деди ингриб.— Сўяди! Тикка сўяди!

Раис бува қўлимдан чангаллади.

— Ўчир-е!— деди рапидадек кафти билан оғзимни тўсиб. Негадир қўлидан атир ҳиди келарди. Нафасим қайтиб кетди. Типирчилаб кафтини қайириб ташладим. Оғзимни тўсиб турганида ичимга анча-мунча ҳаво тўпланиб қолган эканми, чунонам ҳайқирдимки, Тулпорим ҳам бунчалик ҳанграмаса керак.

— Турсунбой ака-а-а!

Кучим борича кўча эшик томон югурган эдим, Раис бува орқамдан лўкиллаб келиб, уй бурчагида етиб олди. Маҳкам қучоқлаб, қулоғимга эгилганча шивирлади:

— Юргин, бу ёққа юргин, ўзинг яхши боласан-ку.

— Нега бўлмаса оғзимни тўсасиз?— дедим жаҳлим чиқиб.

— Бўпти, иккинчи бунақа қилмайман. Юргин, жон болам...

Хоҳламайроқ орқамга қайтар эканман, ноз қилдим:

— Турсунбой акам дарвозани очасан деганлар, кутиб турибдилар-да.

Қарасам Ойсара янгам ҳамон пақир устида ғужанак бўлиб ўтирибди.

— Ўзинг катта йигитсан-ку, тутхўр,— Раис бува эркалаб елкамга қоқди.— Пат-патни яхшк кўрасанми?

— Жудаям!

— Шодивойникига ўхшаган велосипед олиб берайми?

— Йўқ, пат-пат!— дедим қовоғимни солиб.

— Бўпти.— Раис бува яна елкамга қоқди.— Янганг ваъда берди-ку, Турсунбой аканг пат-пат ҳайдашни ўргатади. Ўзим сенга зўридан падарка қиламан.

— Қачон?

— Кетсангиз-чи!— Ойсара янгам йиғлаб ўзининг тиззасини чимчилади.— Шўрим қурсин! Иккита болам етим бўлиб қолади энди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нима қилай?— Раис бува гоҳ Ойсара янгамга, гоҳ менга қараб типирчилади. Тағин Ойсара янгамга ичим ачиди.

— Юринг,— дедим хотиржам илжайиб.— Бизникидан чиқиб кетасиз.

— Нима?— Раис бува аввалига ҳеч нимани тушунмади шекилли, бир зум талмовсираб турди-да, маҳкам қучоқлаганча шапиллатиб пешонамдан ўпди.— Раҳмат, тутхўр! Яхшилигингни унутмайман!

Узун-қисқа бўлиб туйнукка бордик. Раис бува иккиланиброқ ариққа тушди.

— Ўтаверинг, сиғасиз!— дедим билағонлик қилиб.

Раис бува эмаклаб бориб туйнукка бошини суқди. Елкаси кирди-ю, у ёғи сиғмай қолди. Нуқул инқиллаб оёғини типирлатади.

— Бўлмаяпти,— деди кучаниб.— Итар!

Икки қўллаб думбасидан итараман, қани кучим етса! Раис бува кучанган сайин девордан шувиллаб тупроқ тўкилади.

— Вой, ўламан!— деди инграб.— Торт!

Сонидан қўшқўллаб ушлаганча чираниб бир тортган эдим, ариқ ичига йиқилиб тушдим. Раис бува ерга чўккалаганча кўзимга илтижоли мўлтиради. Бечоранинг афтига қараб бўлмайди: ҳаммаёғи тупроқ.

— Деворга осила қолинг,— дедим янги маслаҳат бериб.— Қўрқманг, йиқилмайсиз.

У ҳансираганча деворга тирмашди. Бирпасда қора терга тушиб кетди.

— Уйингда ким бор?— деди деворга миниб олиб.

— Пат-патни қачон олиб берасиз?

— Қачон десанг! Ким бор уйда?

— Ҳеч ким. Отам ишда, энам ишда. Жу мактабда. Қўрқманг.

— Билиб қўй,— Раис бува мен томонга эгилиб астойдил йиғламсиради.— Мен сенга оталик қиламан.

Раис бува девордан нариги томонга ўзини ташлади. Бурилиб қарасам, боядан бери пақир устида ўтирган Ойсара янгам айвонда чўзилиб ётибди. Пақир думалаб, сабзилар сочилиб кетган.

Қўрқиб кетдим. Ўлиб қолмасайди, бечора. Ошхонага кириб, ёғлоқда сув олиб чиққунимча анча вақт ўтди. Ҳудбеҳуд бўлиб ётган янгамнинг оғзига сув тутдим.

— Ичинг.

Ойсара янгам сувдан бир-икки ҳўплади.

— Кетдими?— деди инграб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ичаверинг! Турсунбой акам ҳам кетиб қоптилар.

Ойсара янгамнинг кўзи ярқ этиб очилди.

— Ростданми!— деди-ю, сувдан мўлгина ичиб, чуқур уф тортди.— Худога шукр...— бирпас ўйлаб турди-да, йиғламсираб ялинди:— Ўзинг эсли боласан-ку, Қўшожон. Бу ерда Раис бовангни кўрганингни...

— Минаверайми?— дедим пат-патга имо қилиб.

— Минавер, жон укам, минавер. Акангга айтаман, ҳайдашни ўргатиб қўяди. Ҳар куни ўргатади.

Пат-патнинг эгарига минаётганимда Ойсара янгам айвонда сочилиб ётган сабзиларни йиғиштиришга тушди.

— Сабзинг мунча чиройли, Қўшожон!— деди овози товланиб.— Мушак сабзи экан!

Эгарга миниб олдим-да, пат-патни бибиблатавердим-бибиблатавердим, охири сигнал жонивор мушукдек биғиллайдиган бўлиб қолди.

Олтинчи боб

"ЗАПОРОЖЕЦ"ДАН ТУҒИЛГАН "ВОЛГА"

Еттинчини битириб таътилга чиқишимиз билан чопиққа тушдик. Эрталабдан ғўза чопиқ қилавериб, қорним таталаб кетди. Тулпорим тушлик бўлганини мендан яхши билади. Аввал мени излаб мактабга борарди. Энди далагаям топиб кепти. Пайкал четига келиб бир ҳанграган эди, баҳона топилганига суюниб, ўша томонга югурдим. Шийпонда салқинлаб ўтирган бригадир:

— Ҳой бола, қаёққа?— деган эди, йўл-йўлакай бақирдим:

— Эшагимнинг жаҳли ёмон, Тўлаш ака! Бормасам, ўзи ёнимга келади. Бир гектар пахтазорни пайҳон қилиб ташлайди.

Тўлаш ака ирғиб ўрнидан туриб, чинқирди:

— Тезроқ йўқот палакат эшагингни!

Кетмонимни эшагимнинг гарданига қўндаланг қўйганча лип этиб миниб олдим. Тулпорим буйруғимни кутиб ўтирмай, уй томон йўрғалади.

Кўчага киришим билан эшигимиз олдида турган ҳаворанг машинага кўзим тушди. "Тоғам кепти-да", деб эшагимни ниқтадим. Яқинроқ келиб қарасам, йўқ, "Москвич" эмас, "Запорожец". Чап эшиги очиқ. Жонажон жўрам Шодивой бир оёғини ташқари чиқариб, рулни чангаллаб ўти-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рибди. Иссиқдан икки юзи қизариб, тандирдан янги узилган нондек ялтираб турибди. Мени кўриб, севиниб кетди.

— Қаёқда юрибсан?— деди илжайиб.— Боядан бери кутаман.

— Ким билан келдинг?— дедим эшагимдан тушмай.

— Ўзим!

Бундан чиқди, Раис бува ваъдасининг устидан чиқиб, Шодивойга "Запорожец" совға қипти-да!

Раис бува менга ваъда қилган пат-пат эсимга тушди. Ойсара янгам-ку сўзининг устидан чиқди. Эрига: "Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал, Қўшовой ўзингизнинг укангиздай гап, шу боланинг пат-патга ишқи тушибди, миндира қолинг", деб ҳол-жонига қўймаганидан кейин Турсунбой акам мотоцикл ҳайдашни унча-мунча ўргатди. Аввал мени лулкага ўтқазиб учирди, кейин эгарга минғизиб ҳайдатди. Аммо Раис бува пат-пат тугул велосипед ҳам олиб бермади.

— Ўзинг ҳайдаб келдингми?— дедим алам қилиброқ.

— Бўлмаса-чи!

Ростини айтсам, ғайирлигим келди.

— Кимўзарга ўйнаймизми?— дедим, Тулпоримнинг жиловини ғолибона силтаб.

— Қўйсанг-чи!— Шодивой машина рулини чангаллади.— Юр, катайса қилдириб келаман.

Иккиланиброқ эшакдан тушдим.

— Ҳайдашни биласанми, ўзи?

— Шу ергача ким ҳайдаб келди бўлмаса?— у ўтирган жойида эгилиб, ўнг эшикни очди.— Ўтир!— шундай деб ўнг томондаги суянчиқни эгди.— Орқага ўт, ёнимда ўтирсанг, халақит берасан.

— Менам пат-пат минишни биламан,— дедим мақтаниб.

Шодивой индамади. Иккала эшикни қарсиллатиб ёпдида, худди минг йил шопирлик қилган таксичилардай ишонч билан моторни гуриллатиб юборди. Худди шу пайт эшагим айни мен ўтирган ойнанинг рўпарасига тумшуғини тираб ўкинч аралаш ҳангради. Хайрлашди-ёв!

Машина вариллаганича тор кўчада ғизиллаб кетди. Ойсара янганинг тупроққа бағрини бериб ётган курк товуғи қақоғлаб қочди.

Катта йўлга чиқишимиз билан "Запорожец" ўқдек учиб кетди. Санаб турдим: олтита тележка, учта юк машинасини қувиб ўтдик. Қарасам, машинанинг ғилдираги ердан узилиб осмон-фалакка учиб кетадиган.

— Шоди,— дедим елкасига туртиб.— Секинроқ...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— А?— У менга бугун гавдаси билан ўгирилиб қаради. Кўзлари ола-кула, ранги ўчиб кетган.— Нима?— деди овози ингичкалашиб.

Эллик қадамча олдинда сарғиш "Волга" кўринди. Тўппа-тўғри устига бостириб боряпмиз.

— Йўлга қара, йўлга!— дедим чинқириб.

Шодивой чўзиб-чўзиб сигнал берди. Масофа борган сайин қисқариб борарди.

— Чапга бур, аҳмоқ!— дедим бақириб.

— Нима?— Шодивой яна орқасига ўгирилди. Ўзимни ерга отай десам, эшик йўқ. Кўзимни чирт юмиб олдим. Бир маҳал қулоғимга Шодивойнинг чийилдоқ овози кирди:

— Амаки, "Запорож"ни биласизми?

Кўзимни очсам, "Волга"ни ўнг томондан обгон қилиб ўтяпмиз. Бир зумда "Волга" орқада қолиб кетди.

— Секинроқ!— кучим борича Шодивойнинг елкасига муштладим.— Тўхтат!

Худди шу пайт "Волга" бизни қувиб ўтди. Назаримда, минг километрча босиб ўтди-ёв ўзиям!

— Тўхтат!— дедим жонҳолатда.

Қаёқда, зум ўтмай яна "Волга"га етиб олдик. Пешонадаги ойнакдан кўриб турибман. Шодивой кўзлари аланг-жаланг бўлиб яна бибиблатди. "Волга" чор-ночор тағин ўзини чапга олди.

— Амакижон! "Запорож"ни биласизми?— бу сафар Шодивойнинг овози йиғламсираб чиқди.

Бир маҳал олд томонда бедаси ўриб олинган аллақандай кенг майдон кўринди. "Запорожец"имиз қурбақадай сакрай бошлади. Ҳаммаёқ дақир-дуқир, дақир-дуқир қилади. Бошим пайдар-пай машина шифтига урилади. Назаримда, ичакларим аралаш-қуралаш бўлиб кетди-ёв.

— Тўхтат!

Шодивой яна орқасига ўгирилди.

— Қ-қанақа... қ-қанақа қ-қилиб...

У сўзини тугатолмади. Рўпарамизда бостирмадек узун-узун оқиш бинолар, ўтлаб юрган ола-була сигирлар пайдо бўлди.

...Бир маҳал ҳушимга келсам, ҳаммаёқ қоп-қоронғи. Негадир димоғимга пичан ҳиди кирди. Бошимни ушлаб кўрдим: жойида. Оёғимни силаб кўрдим: бутун.

— Шоди!— дедим кўрқа-писа.

Қоронғилик ичидан ингичка овоз келди:

— Ҳа-а!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тирикмисан?!
— Шунақа шекилли!
— Қаёққа кеп қолдик?
— Билмайман.
— Ў-ў-ўл!— дедим чўзиб.

Ғира-шира қоронғиликка охири кўзим кўникди. Шунда пайқадимки, иккаламиз ҳам тирикмиз. Машина ичида ўтирибмиз.

— Эшикни оч!— "Эшшак", дегим келди-ю, Тулпорим эшитиб қолса хафа бўлишини ўйладим.— Эшикни оч, ҳўкиз!

Шодивой ўтирган жойида минғиллади:
— Очолмаяпман.
— Қаттиқроқ итар!

Пўписам таъсир қилди шекилли, аввал эшик ғийқилади, кейин шитир-шитир овоз эшитилди. Шодивой омон-эсон ерга тушиб олди чоғи, нимқоронғилик орасидан минғирлаган товуш келди:

— Тушавер, Қўшо...

Қизиқ, унинг овози ғилдирак тагидан эшитилгандек бўлди. Олдинги ўриндиқ суянчиғини пастга босган эдим, қўлим рулга тегиб кетди. Машина "бееп" деб қўйди. Қоронғида ғалати эшитиларкан.

— Сигнал чалма, аккумулятори ўтириб қолади,— деди Шодивой негадир қув-қув йўталиб.

Э, аккумуляторинг билан қўшмозор бўл! Ўзим эшикни тополмай гарангман-ку!

Эшикдан тушишим билан юзимга хас-хашак урилди. Қаддимни ростламоқчи эдим, устимдан аллақандай оғир юк босаётганини пайқадим. Димоғимга чанг аралаш пичан иси кирар, қуриб қолган ўт-ўланлар бурнимга тегиб акса ургим келарди.

— Қаёқдасан?— дедим бақириб.
— Билмайман,— Шодивойни яна йўтал тутди.

Охири аллақандай хашак ғарами орасида юрганимизга ақлим етди. Оёқ-қўлимни баравар типирлатиб, ўзимга йўл очганча, эмаклаб кетдим. Олд томонда нур кўринди. Хайрият, ёруғ дунёга чиқиб олдим.

— Келавер, Шоди!— дедим ўзим йўл топиб чиққан тешикка энгашиб.

Шу пайт қоқ бошим устида ғўлдираган овоз эшитилди:

— Ҳов жўжахўроз! Нимага ўзингдан катта одамни майна қиласан?

Қарасам, шундоқ тепамда калта енгли кўйлак, жинси шим кийган, қора кўзойнак таққан киши икки қўлини белига

www.ziyouz.com kutubxonasi

тираб турибди. Билагининг ҳар пайи чойнакдек келади. Юз қадамча нарида, симтўсиқ ортида боя ўзимиз қувиб ўтган сарғиш "Волга" қайшайиброқ туриб қолган.

— Амаки...— дедим ялиниб.— Менмас...

Пичан ғарами шитир-шитир қилди. Шодивой қорни ер супургудек бўлиб эмаклаб чиқиб келди. Жўрамнинг афти ангорига қараб бўлмас, аъзои баданига хас-хашак ёпишган, икки қулоғига салкам бир қулочдан пичан илашиб қолган эди.

— Сенми шопир?— қора кўзойнакли киши Шодивойнинг устига бостириб борди.— Нега одамни майна қиласан? "Запорожец"ни кўриб қўй демоқчимисан?

Шодивой юмронқозиқдай тисарилиб тешикка қайтиб кириб кетди. Секин бошини чиқариб мўралади.

— Амаки...— деди-ю, кетма-кет олти марта акса урди.— Мен... ап-шу! "Запорожец"ни... ап-шу, тормози... ап-шу... тормози қаёқда бўлади демоқчийдим.— У гапининг якунига яна бир марта акса уриб қўйди.

Қора кўзойнакли киши инсофга келиш ўрнига баттар жаҳли чиқиб кетди.

— Чиқ буёққа!— деди-да, бир чанг солиб Шодивойни қўлтиғидан тортиб чиқарди. Ўртоғим бечора худди қассобнинг қўлига тушган биққигина қуёндек осилди-қолди. Нуқул питир-питир қилади. Қарасам, "Қора кўзойнак"нинг важоҳати ёмон. Қочиб қолай десам, жўрамни кўзим қиймайди.

— Мен нима қилдим?— деди Шодивой баттар типирчилаб.

— Нима қилди-им?— кўзойнакли кишининг афти алламдан қийшайиб кетди.— Сени қуваман деб рессордан айрилдим. Тўлаб бер машинани!

Худди шу пайт бостирмага ўхшаш оқ бинодан бир киши отилиб чиқиб биз томонга югуриб келаётганини кўрдим. Оёғида Раис буванинг кийиб юрадиганига ўхшаш жигарранг этик, қўлида паншаха! Паншахаси офтобда шунақанги ялтирайдики, қорнингга санчилса борми, қурагингдан тешиб чиқади. Худди кабобни сихга тортгандек! Бақириб юбордим.

— Қоч, Шоди!

— Қаёққа?— қора кўзойнакли киши бир қўлида Шодивойни чангаллаб турганча иккинчи қўли билан човут солиб менинг ҳам билагимдан ушлаб олди. Шунақанги қисдики, суякларим қисирлаб кетди. Ўртоғим бечора боядан бери типирчилаётгани бежиз эмас экан-да.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Рессорнинг ҳақини чўз!— "Қора кўзойнак" икаламизни баравар силкита бошлади.

Шу орада паншаха кўтарган киши ҳам етиб келди. Паншахасини негадир менинг қорнимга тиради.

— Нима қилдинг?— деди ўшқириб.— Искирдни нима қилдинг, уйинг куйгур! Бўлинмас фонд эди-қу, бу ғарам! Сийирларни нима қилдинг? Бўвозлари бола тайлаб қўйса ким жавоб беради?— У паншахани қорнимга қаттиқроқ тиради. Қочай десам, "Қора кўзойнак" чангаллаб турибди. Паншаха қорнимга ботиши билан қитиғим келиб, ҳиринглаб кулиб юбордим. Паншахали кишининг жайра найзасидек яккам-дуккам мўйлови диккайиб кетди. Паншахани қорнимга янаям қаттиқроқ ботира бошлаган эди, Шодивойнинг йиғламсираган овози эшитилди:

— Унақа қилманг, Ферма тоға!

"Ферма тоға" мен билан андармон бўлиб Шодивойни пайқамай қолган эканми, ялт этиб ўгирилди-ю, тўсатдан юзи ёришди. Назаримда диккайган мўйлови ҳам шалпайиб қолгандек бўлди.

— Ия, палвон!— деди илжайиб. Қўлидан паншаха тушиб кетди.— Ҳуш кўрдиқ, палвон, ҳуш кўрдиқ!— Аммо ўша заҳоти қийиқ кўзларида тағин ўт чақнади. Сийрак мўйлови қайтадан типпа-тик бўлиб кетди. Ерда ётган паншахани олиб таҳдидли силкитди.

— Жубор!— деди ҳайқириб. Паншахани "Қора кўзойнак"нинг қорнига тиради.— Қўйиб жубор!

"Қора кўзойнак" ҳамон бизни чангаллаганча орқага чекина бошлади.

— Қўясанма-жўқма?

— Қанақа одамсиз ўзи?— "Қора кўзойнак" қўлини бўшатди. Шодивой у ёққа, мен бу ёққа қочиб, ҳар эҳтимолга қарши ўн қадамча нарига бориб олдик.— Рессорим...

— Жўлинггдан қолма!— "Ферма тоға" паншахани бир силкитган эди, "Қора кўзойнак" ит қувган соқовдек сим тўсиқ томонга қочди. Ўзиям шунақанги тез югурдики, агар "Пахтакор"нинг ўйинчилари шунақа чопса, рақиб дарвозасига бир минутда бешта голни бемалол урган бўларди! Зум ўтмай сарғиштоб "Волга"нинг эшиги очилиб-ёпилди. Машина бедаси ўриб олинган майдондан бешиктебратардек чайқалиб-чайқалиб юриб кетди.

— Оббо, палвон-ей!— "Ферма тоға" Шодивойнинг елкасига қоқди.— Шўхлиқ қибжатибман, денг! Аммо сийирларни қўрқитиб жубординғиз-да, палвон!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қарасам, беш-олтита сигир олисдаги бино панасида тўдалашиб турибди. Биттаси, ҳалиям эс-ҳуши жойига келмаган шекилли, думини хода қилиб, у ёқдан-бу ёққа шаталоқ отади. Кирроқ оқ халат кийган хотин сигир кетидан қувяпти. Бир томонда тўппа уюми, бошқа томонда гўнг уюми тоғдек савлат тўкиб турибди.

Шуни англадимки, бизнинг азамат "Запорожец" сим тўсиқни қаҳрамонона янчиб ўтиб, ўзини фермага урган экан. Ҳовли ўртасидаги пичан ғарамига чунонам калла қиптики, у томонидан кириб, бу томонидан чиқиб кетмаганига ҳайронман. Ҳатто изиям қолмабди. Ғарам аввал қандай турган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай. Сим-сим эшиги қайта ёпилиб қолганга ўхшайди. Яхшиям "Ферма тоға" Шодивойни таниб қолгани, бўлмаса иккаламиз паншахага тортилиб, шашлик бўлармидик.

— Журинғизлар, жигитлар. Чой ичабиз. Кўк чой,— "Ферма тоға" бир гапириб, ўн кулиб бизни азиз меҳмондек оқ бино томонга энди етаклаган эди, ҳовлининг нариги бурчагидаги дарвозада "Газик" машинаси кўринди.

Шодивой аввал тўхтаб қолди, кейин бир қадам орқага тисарилди, ундан кейин икки қадам... Ана ундан кейин машинамиз калла урган пичан ғарами томонга тирақайлаб қочди. Ўлганнинг кетидан шайид, деб мен ҳам орқасидан чопдим. Йўл-йўлакай "Ферма тоға"нинг қувончли хитоби қулоғимга чалинди.

— Ия, Раис бова-ку!

Шодивой нега қочганини энди тушундим. Дадасидан қўрқяпти. Ҳаллослаб хирмон орқасига ўтсам, хирмоннинг бир бурчагида ўртоғим ғужанак бўлиб ўтирибди. Шундоқ семиз жўражонимнинг гавдаси ингичка тортиб кетгандек. Ёнига келиб ўтиришим билан "жим" деб имо қилди.

Аксига олгандек, мотор товуши гувиллаб пичан хирмонига яқинлашиб келарди. Ўзиям хирмоннинг нариги томонига тумшуғини тираб тўхтади-ёв. Эшик қарсиллади. "Ферма тоға"нинг овози товланиб чиқди.

— Хуш кўрдиқ, Раис бова, ассалом алайке-е-ем!

— Қалайсан, Мусайип?

Шодивой дадасининг овозини таниб, ранги ўчиб кетди. Шитир-шитир қилиб орқаси билан хирмон ичига киришга уринди.

— Жотибмиз, Раис бова!

— Сен шунақа ётишни биласан.— Бирпас жимлик чўкди. Кейин яна Раис буванинг овози эшитилди.— Эртага камиссия келади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Келса жахши.

— Яхши-я, яхши! Бу галгиси анойи эмас. Вилоятдан келади.

— Жахши!

— Яна яхши дейди-я! Фермангга қара! Ахлатхонага айланиб кетибди-ку!

— Маъқул, Раис бова, тозалайбиз.

— Тозалайсан... Менга қара, Мусайип, гўшт планини қанча деб ёзгансан?

— Жуз ўттиз поиз! Январда дўндирғанмиз.

— Испарапкалар жойидами?

— Жойида, Раис бова.

— Сут-чи?

— Ҳар сийирдан икки минг уч жуз кило.

— Қоғози борми?

— Бор, Раис бова!

Яна жимлик чўкди. Ўрнимдан турмоқчи эдим, Шодивой қўлимдан силтаб тортди. Дўмбоққина муштини дўлайтирди. Хирмон орқасидан тағин Раис буванинг овози келди:

— Мусайип! Бу — кўзилатишни қанақа деб ёзувдинг?

— Жуз совлиқдан жуз жетмиш жетти.

— Жетмиш-петмиш демасдан икки юз қилиб қўя қолсанг ўласанми?

— Ўзи тувгани жуз ўнта, Раис бова!

— Нима?— Раис буванинг овози жаранглаб кетди.— Виставкага боришни биласан. Медаль олиб, мажлисларнинг тўрида ўтиришни биласан. Бу ёғиниям тўғрилаб қўй-да. Туғмаса туғдир! Етмаса, ўзингникини қўш!

— Маъқул, Раис бова, тувдирабиз.

Шу гапдан кейин Раис бува машинасига ўтириб жўнаб қолади, деб ўйлагандим. Йўқ, мотор гурилламади. Қайтага, Раис буванинг овози янаям тажанг чиқди:

— Мана бу рўдапони қачон йўқотасан?

— Камиссия келса жахши-ку, Раис бова. Бир жилда икки жиллиқ жем-хашак...

— Сен камиссияни ўзингга ўхшаган аҳмоқ деб ўйлайсанми? Тўрт йилдан бери шу хашакни рўкач қиласан!

Гурс-гурс қадамлар ғарамни айланиб ўта бошлади. Шодивой иккаламиз пичан ичига ўрмалаб кириб кетишни ҳам, қочиб қолишни ҳам билмай турган эдик, ғарам бошида Раис бува, унинг кетидан чопқиллаб келаётган "Ферма тоға" кўринди. Раис буванинг эгнида доим кийиб юрадиган кулранг китель-шим, бошида дўпписи қийшайиброқ турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ановилар нега думалаб ётибди иш пайтида?— Раис бува аввалига бизни танимади шекилли, қўлини пахса қилди.— Ухлаб ётибсанларми?

"Ферма тоға" негадир илжайиб қўйди, Раис бува таққа тўхтаб қолди.

— Ия?— деди гоҳ бизга, гоҳ "Ферма тоға"га юзланиб.— Нима қилиб юрибди булар, Мусайип?

Ўртоғим иккаламиз ўрнимиздан туриб, эгнимизга ёпишган хас-хашакни тозалаган бўлдик. Шодивой миқ этмай тургани учун ўрнига мен жавоб қилиб қўя қолдим:

— Шундай, ўзимиз...

Раис бува лабининг бир бурчи билан жилмайди.

— Сенам жўранг билан келдингми, тутхўр?

Пат-патни эсига солгим келди-ю, қўрқдим.

— Ҳа...— дедим минғирлаб.

Шу... "Ферма тоға" ҳам ғирт жинни экан-да! Жим тура қолса-ку, олам гулистон эди.

— Раис бова,— деди илжайиб.— Полвон бир шўхлиқ қипти-да.

— Нима?— Раис бува бирдан жиддий тортди.

— Мошин миниб...

— Қанақа мошин?

— Жахши кўрмадиму... ранги кўкимтир-ов. Туврими, полвон?

— "Запорож"ми?— Раис бувининг кўзи олазарак бўлиб кетди.— Минувдингми? Қани мошин?

"Ферма тоға" мўйловини учириб, ғарамга имо қилди.

— Искирдда, Раис бова.

Раис бува оғир-оғир киприк қоқди. Тез-тез юриб, бутун ғарамни айланиб чиқди.

— Қани?— деди Шодивойнинг тепасига келиб.

Шодивой ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

— Ичида,— деди бурнини тортиб.

— Ниманинг ичида?— деди Раис бува тажанг овозда.— Қандоқ қилиб кирди?

— Жигит-да, жигит!— "Ферма тоға" Раис бувани юпатди,— минғиси келган.

— Қамчибек!— Раис бува кафтини карнай қилиб бақирди. Зум ўтмай Раис бувининг коптокдек дум-думалоқ шопири чопиб келди.

— Сим топ!— деди Раис бува шопирга.— Узунроқ!

Бир оздан кейин шопир узунлиги йигирма қулоч келадиган йўғон симнинг бир учидан судраб келди. Раис бува

www.ziyouz.com kutubxonasi

"кир" дегандек имо қилди. Аммо шопир ғарамнинг қаёғидан киришни билмай, митти кўзларини жавдиратди.

— Менга беринг!— дедим симга қўл чўзиб.— Сиз тополмайсиз.

Симнинг илгак қилинган учини чангаллаганча эмаклаб боя ўзимиз чиққан тешикка кириб кетдим. Ҳали унчалик сезмаган эканман: ғарам ораси ўлгудек иссиқ экан. Буям камлик қилгандек пичан босилиб ётавериб, димиқиб кетганми, ачимсиқ ҳид димоғимни ёрай дейди. Бирпасда нафасим қайтиб, терлаб кетдим.

То машинага етиб олгунча бир кун эмаклагандек бўлдимов. Ниҳоят қўлим машинанинг темирига урилди. Қоронғида сим улайдиган жойини топиб бўлса экан?! Йўқ, охири топдим шекилли. Зўрмиз-да, ўзимиз ҳам! Йўғон сим қўлларимни қайириб юборганига қарамай, илгакни чандилаб маҳкамладим.

Яна эмаклаб ёруғ дунёга чиққанимда Шодивой бир чеккада шумшайиб турарди.

— Аҳмоқ!— деди Раис бува ясамароқ дағдаға қилиб.— Жўрангга ўхшаб уқувли бўлсанг ўласанми?! Қара, Қўшоқвой қандоқ ақлли бола! Сен нуқул бузишни биласан. Қани, Қамчибек, обке машинангни.

Шопир хирмон орқасига югурди. "Газик"ни гуриллатиб келиб, хирмонга рўпара қилди. Кабинадан чаққон сакраб тушиб, симнинг бир учини "Газик" илгагига боғлади.

— Торт!— деди Раис бува қўл силтаб.

"Газик" чираниб тисарилди. Сим таранг тортилиб, ғарам устидан палахса-палахса пичан кўчиб туша бошлади.

— Қоч ҳамманг!— Раис бува тағин қўл силтаб буйруқ берди.— Нари туринглар!

"Газик" девдек ўкирар, сим рубобнинг торидек таранг тортилиб кетган, аммо "Запорожец"дан дарак йўқ эди. Ниҳоят, хирмон тагидан қалдир-қулдир, қалдир-қулдир деган овоз келди. Қарасам, негадир "Ферма тоға"нинг ҳар мўйлови найзадек типпа-тик бўлиб кетяпти. Бир маҳал хирмон орасидан оппоқ бир нарса чиқиб кела бошлади. Тушимми-ўнгимми? Шодивойнинг "Запорожец"и ҳаворанг эди-ку! "Газик" яна бир ғайрат қилган эди, яп-янги, оппоқ "Волга" ерга ёнбошлаганча ёруғ дунёга чиқиб келди. Оббо! Қоронғида симни эшик тутқичига боғлабман-да. Бунисиям майлику, Шодивойнинг машинаси ҳаворанглигини биламан, "Запорожец"лигини биламан, буниси оқ-ку, "Волга"ку!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ён томонимда ғалати овоз эшитилгандек бўлди. Талмовсираб ўгирилсам, "Ферма тоға" жўхори тиқилган хўроздек бўйнини чўзиб, "ғийқ" деб қўйди. Кейин қийиқ кўзларини чирт юмиб олди-да, диккайган мўйловини чангаллаб, тағин икки марта "ғийқ", "ғийқ" қилди.

— Нима бу?— Раис бувининг ҳокимона хитобидан чўчиб тушдим.

— Сендан сўраяпман, Мусайип?

"Ферма тоға" аввал битта кўзини очди, кейин иккинчисини... Кейин бир йўла оғзини ҳам очиб қўя қолди. "Газик"нинг шопири эсанкираб қолдими, тормоз бериш ўрнига газни босиб юборди шекилли, мотор бир варанглади-ю, "динғ" этган овоз эшитилди. Таранг сим қоқ ўртасидан узилиб кетди. Боядан бери ёнбошлаб ерга судралиб келаётган "Волга" бир силкинди-да, оёғи осмондан бўлиб ағдарилди. Ойналари чил-чил синди. Томи пачақланиб, ялпайиб қолди. Машина тўнтарилиб ётса, ғалати бўларкан. Худди оёғи осмондан бўлиб қолган қўнғиздек.

— Ҳов, Мусайип?— Раис бува "Ферма тоға"га чақчайди.— Нима бу?

"Ферма тоға" жуда ғалати илжайди.

— Мошин...

— Мошинлигини кўриб турибман, кимники?

— Сиздиқи!— деди "Ферма тоға" пинагини бузмай.

— Меники "Запорож"ку,— деди Раис бува хуноб бўлиб.

"Ферма тоға" яна илжайди.

— Тувибди-да!

— Нима?

— "Запорож"инғиз бўвоз экан, "Волга" тувиб берди, Раис бова. Қутти бўлсин!

Раис бува нима дейишини билмай қолди.

— Бултур "Москвич" олиб берувдим-ку, битта машина камлик қилдими, нокас!— деди қўлини пахса қилиб.

"Ферма тоға" ялпайиб ётган машинага тикилганча товуқнинг оёғига ўхшаган бўйнини чўзиб тағин бир марта "ғийқ" деб қўйди.

— Сиздиқи,— деди яна.— Қутти бўлсин.

— Э, ўл-а!— Раис бува негадир ҳиқиллаб кулиб юборди.— Мошин сигирмиди, туғадиган?

— Тувади!— "Ферма тоға"нинг мўйлови учиб қўйди. Фақат бу сафар хомушроқ, маъюсроқ учди.— Тувмаса тувдирабиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бўпти, мошиннинг боласини сенга бердим. Юр, буёққа.

"Ферма тоға" фарзанди ўлган одамдек пачоқ "Волга"га охирги марта қараб қўйди-ю, чор-ночор Раис бувага эргашди.

— Обтуш!— деди Раис бува бақириб. Шопир йигит "Газик" ичидан магазинларда конфет солинадиган яшикка ўхшаган картон қутини олиб тушди. Қути оғирроқ шекилли, икки букилганча пишиллаб кўтариб келди-да, "Ферма тоға"нинг оёғи остига қўйди. Ичида бир нима шиқирлади.

— Нима бул?— деди "Ферма тоға" қовоқ-тумшуғи осилиб.

— Атир!— Раис бува қошини чимирди.— Эрталаб ҳар бир сигирнинг устига сепасан. Камиссия келганда атир ҳиди анқиб турсин. Сенлар бақка юр.

Шодивой иккаламиз "Газик"нинг орқасига ўтирдик. Раис бува шопирнинг ёнига.

— Мусайип!— деди Раис бува машина ўрнидан жилганда.— Эшитиб қўй, ҳаммаёқ чиста бўлсин. Испарапкалар бехато бўлсин.— Кейин илжайиб қўшиб қўйди:— Искирдни очиб, "Запорож"ни бизникига обориб қўй... Хафа бўлма, янаги йил юз совлиқдан икки юзтадан қўзи олсанг, ўзим "Волга" падарка қиламан.

Еттинчи боб

СИМЛИ АТЛАС

Раис бува "Ферма тоға"га янги "Волга" совға қиладимийўқми унисини билмайман-у, мен пат-патдан аллақачон умидимни узиб қўйганман.

Аввалари Турсунбой акамнинг мотоциклига минишимга жон-жон деб рози бўладиган Ойсара янгам ҳам тўсатдан айнади-қолди.

Бир куни кечқурун пат-пат миниш илинжида уйларига кирсам эр-хотиннинг жанжали устидан чиқиб қолдим. Ҳовли ўртасида ўнтача пахта гулли пиёла, иккита чойнак, сопол лаган чил-чил бўлиб ётибди. Айвонда Ойсара янгам сочи пахмайиб йиғлаб ўтирибди. Чап юзи моматалоқ бўлиб кетган. Турсунбой акам олма тагида турганча қўлини пахса қилиб, аллақимни бўралаб сўкяпти. Юзи тирналган.

Анграйиб қопман. Секингина жуфтакни ростлаб қолмоқчи эдим, бирдан Турсунбой акамнинг кўзи менга тушди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа, Қўшовой, пат-пат мингинг келяптими?— деди сўкишдан тўхтаб. Ҳатто ғалатироқ илжайиб ҳам қўйди.— Жуда яхши-да, укам!— У тирналган юзини кафти билан силади.— Мана калит, минақол!— деди чўнтагига қўл суқиб.

Айвонда хун-хун йиғлаб ўтирган Ойсара янгам ҳамма гапни эшитиб турган экан. Учиб ҳовлига тушди.

— Белингиз оғриб топибсизми пат-патни!— деди чинқириб.— Бу ёққа беринг калитни!

— Ҳа-а! Жонинг ачидими? Бундан чиқди... Сенинг белинг оғриган экан-да!— Турсунбой ака аланг-жаланг бўлиб қолди.— Ҳозир!— деди ҳайқириб.— Ҳозир дабдала қиламан!

У югуриб бориб тандир тагида ётган тешани юлқиб олди. Ойсара янгам дод солиб тешанинг бандига ёпишди. Турсунбой ака у ёққа тортади, Ойсара янга бу ёққа. Уй ичидан калта кўйлак кийган қизалоқ билан оёқяланг болача чиқиб, чирқиллаб уларга ёпишишди.

Вақт ғаниматда оёқни қўлга олиб кўчага зинғилладим...

...Ўшандан бери Тулпоримни миниб тинчгина юргандим... У ёғини сўрасангиз, бу йил ўнинчини битирамиз. Давлат имтиҳонига тайёрланиш керак. Ўзим билан ўзим овора бўлиб, аравамни тортиб юрсам, бугун Раис бува яна эски ваъдасини эсимга солди. Йўқ, ундан ҳам каттароқ ваъда бериб юборди.

Папкамни саланглатиб, кўчага чиқсам, эшигимиз олдида "Нива" турибди. Дарров танидим: Раис буванинг янги машинаси. Раис бува бизникида нима қилади? Отам ишда, онам билан синглим далада. Бундан чиқди машина тўхтаб қолган бўлса, Қамчибек ака тагини кавлаштириб ётгандир-да.

Шу хаёл билан яқин борсам, рулда Раис буванинг ўзи ўтирибди. Мени кўриб, эшикни очди-да, ерга чаққон сакраб тушди.

— Нега чопиққа чиқмадинг?— деди тўсатдан.

Эсанкираб қолдим. Ҳайронман, довдираб қолганимда миям қарсиллаб ишлаб кетади.

— Уч кундан кейин имтиҳон, Раис бова!— дедим тантана билан.— Шодивой иккаламиз ёзмадан тайёрламоқчи эдик.

Раис бува аланг-жаланг бўлиб, бизнинг эшик томонга қаради.

— Шоди сеникидами?— деди овозини пасайтириб.

— Йўқ. Мен сизларникига бормоқчи эдим.

— Маладес!— Раис бува эркалаб елкамга қоқди.— Тўғри ўйлабсизлар. Давлат имтиҳонига яхши тайёрланиш керак.—

www.ziyouz.com kutubxonasi

У бир зум жимиб қолди-да, қўшнимизнинг дарвозасига зимдан қараб қўйди.— У ёқда ким бор?

— Билмадим,— дедим ростини айтиб.

Раис бува тағин елкамга қоқди.

— Бўйингни қара!— деди илжайиб.— Оббо, тутхўр-ей! Мендан ҳам ўсиб кетибсан-ку. Овозинг ҳам дўриллаб қопти. Отангга айтаман, уйлантириб қўяди.

Лабим ўзидан-ўзи бир томонга қийшайиб илжая бошлаган эдим, Раис бува бирдан жиддий тортди. Ҳатто қовоғиям осилиб кетди.

— Менга қара, тутхўр!— деди хўмрайиб.— Ойсара янганг анчадан бери ишга чиқмаяпти. Касал бўп қопти. Мана шу китобни обкириб берасан.— У машина эшигини очиб ўриндиқ устида ётган, газетага ўроғлиқ китобни олди.— Ма! Раис бова китобингизни бериб юбордилар. Эртадан бошлаб ишга чиқаркансиз, Раис бова яна китоб ўқигилари кепти, дегин, укдингми?— У китобни қўлимга тутқазди.— Югур! Шошма, папкангни ташлаб кетавер.

Қарасам газетага ўроғлиқ нарса — юмшоқ. Турсунбой акамнинг уйидаги уриш-жанжални эслаб, ғашим келди. Устига-устак, Раис бува ваъда қилган пат-патдан ҳамон дарак йўқ.

— Турсунбой акамга берсам ҳам майлими?— дедим илжайиб.

Раис бува мендан ҳам ёйилиброқ илжайди.

— Турсунбой аканг далада. Ойсаранинг ўз қўлига бер! Бўл тез!

Оғириброқ ҳовлига кирсам, Ойсара янгам айвонда хамир қориб ўтирган экан. Мени кўриб, қайрилиб ҳам қарамади.

— Манави китобни Раис бова бериб юбордилар!— дедим ғўлдираб.— Ўзлари кўчада машинада ўтирибдилар. Тезроқ ишга чиқиб, яна китоб бераркансиз.

— Нима?— Ойсара янгам дик этиб ўрнидан турди-да, айвон лабига келди. Хамир юқи қўли билан газета қатини очган эди, ловуллаб турган атласнинг бир учи ергача чўзилиб тушди. Оғзим ланг очилиб қолди. Ахир бу ялтироқ сим атлас-ку! Энам неча марта отамга айттан: "Мовжунинг тўйига ақалли бир жўра "сим атлас" олиб қўймасак, уят бўлади", деган. Отам: "Бир жўра "сим атлас"инг чайқовда уч юз сўм туради, қаёқдан оламан", деб тўнғиллаган.

Қаранг, Ойсара янгам шундай нарсанинг қадрига етмади-я! Хамир юқи қўли билан атласни шарт-шарт газетага қайтадан ўради-да, қўлимга тутқазди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Раис бовангга айт!— деди лаби титраб.— Ўқийдиган китоби кўпайиб кетган! Ўшаларни ўқийверсин, хўпми?

Гурсиллаб юриб, жойига бориб чўнқайди-да, хамир эмас, Раис буванинг бошига ураётгандай хамирни шиддат билан муштлай кетди.

Менга нима! "Китоб"ни қўлтиғимга қистириб кўчага чиқсам, "Нива" жойида йўқ. Йўл четида папкам ёнбошлаб ётибди. Энди ўша томонга юрган эдим, орқа томондан дағдағали овоз келди:

— Шошма, Қўшо! Анави нима?

Қайрилиб қарасам, ўн қадамча нарида Турсунбой ака қовоғини солиб турибди. Бошида унниқиб кетган эски дўппи. Кўйлак-шими бир энлик чанг.

Довдираб қолдим.

— Атлас,— дедим тилим тутилиб.

Унинг ранги қув ўчиб кетди.

— Қанақа атлас?

Баттар эсанкираб қолдим.

— География атласи, Турсунбой ака,— дедим минғиллаб.— Тарих атласи... Имтиҳонга...

— Бўпти, кетавер...— У тишларини ғижирлатганча уйига кириб кетди.

Раис буванинг "Нива"си икки кўча нарида турган экан. Эшикни очиб, имлаб чақирди.

— Бўлдими, тутхўр?— деди машинадан тушиб.

— Манг!— газетага ўроғлиқ атласни қўлига тутқаздим.

Раис бува кўзимга хавотирланиб қаради.

— Нима бўлди?

— Бошқа китобларни ўқиркансиз!

У атласни шоша-пиша ўриндиққа ташлади.

— Турсунбой сени кўрмадими?

— Кўрди.

— Нима деди?

— Қўлингдаги нима, деб сўради.

— Сен нима дединг?

— Атлас, дедим.

— А?— Раис буванинг кўзи олайиб кетди.— Атласлигини қаёқдан билдинг, аҳмоқ!

Ие, нега менга ўшқиради бу!

— Ойсара янгам очиб кўрди!— дедим бақириб.— Сим атлас экан. Чияли бозорида уч юз сўм турадиган атлас экан! Аммо-лекин олмади!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бўлди, тутхўр, бўлди,— у пешонамни силамоқчи эди, бошимни орқага тортдим.

— Ўзи олмаса мен нима қилай?

— Ажаб қибсан, хўп қибсан, олмаса садқаи сар! Турсунбой сени кўрмадими, ахир?!

— Кўрди деяпман-ку!

— Қаерда?

— Кўчага чиққанимда.

Раис бувининг ранги гезариб кетди.

— Ростдан-а?!

— Нега ишонмайсиз!— хуноб бўлиб бир бақирган эдим, Раис бува қучоқлаб олди.

— Ишонаман, тутхўр, сен яхши боласан, кейин нима деди?

— Ким?— дедим қовоғимни солиб.

— Турсунбой.

— Қўлингдаги нима, деди, деяпман-ку!

Раис бува шилқ этиб, машинага суяниб қолди.

— Қанақа атлас, деб сўрагандир?— деди овози титраб.

— Сўради.

— Сен нима дединг?

— Сим атлас дедим!

— Ким берди, дедими?— Раис бува оғир-оғир киприк қоқиб ингради.— Сен нима дединг? Раис бова, демадингми, ахир?..

Қарасам, Раис бувининг аҳволи чатоқ. Юпатгим келди.

— Индамай кетавердим!— дедим тантана билан.

— Маладес!— Раис бува бирдан жонланди.— Энди бундай қиламиз, тутхўр. Агар Турсунбой яна сўраб қолса, онам атлас олиб келган экан, қимматлик қипти, шунинг учун янгамга олиб чиққан эдим, дейсан. Укдингми?

Кўрқиб кетдим. Отам бу гапларни эшитса, теримга сомон тиқади. Онам ҳам соғ қўймайди.

— Турсунбой акам энамдан сўраб қолса-чи?— дедим тўнғиллаб.

— Сўрамайди!— Раис бува мамнун жилмайди.— Бу ёғини Ойсара янгангнинг ўзи тинчитади. Турсунбойни шунақанги бурайдики, ҳеч кимга оғиз очмайдиган қилиб қўяди. Сен бир-икки ой жим юрсанг бас. Тушундингми?

Индамай бурилиб кетаётган эдим, Раис бува чақириб қолди:

— Шошма, ўв! Ҳали Шоди билан дарс қиламан деган эдинг-ку! Ўтир!

www.ziyouz.com kutubxonasi

У машинага чаққон миниб, ўнг эшикни очди.

— Мин,— деди меҳри товланиб. Анчагача жим кетдик. Ўшшайиб ўтирганимдан хавотирга тушди, шекилли, идора ёнидан ўтаётганимизда тўсатдан гапириб қолди.— Сен маладес боласан, тутхўр! Ҳов бирда пат-пат олиб бераман дегандим. Мен бир сўзли одамман. Пайти келиб албатта олиб бераман. Унгача бир иш қиламиз.— У менга қараб, кўз қисиб қўйди.— Жўранг, Қўшо Тошкентга бормаса, мен ҳам институтга кирмайман, деяпти. Иккалангни битта институтга жойлаб қўяман. Тошкентда бизнинг жўралар кўп, билдингми? Бу ёғидан хотиржам бўлавер, тутхўр. Институтга кирдинг ҳисоб!

Саккизинчи боб

"КАМПИР ҚОНУНИ"

Адабиёт ёзма-оғзакисидан-ку, амаллаб ўтиб олдим. Жудаям "беш" бўлмаса ҳам уч-уч ярим дегандек. Лекин буёқда ҳали физика турибди. Энг ёмон кўрган фаним — физика! Адабиётни яхши кўришимнинг ҳам, физикани ёмон кўришимнинг ҳам сабаби бор. Адабиёт ўқитувчимиз — яхши одам. Бечоранинг тўққизта қизи бор. Ўқитувчимиз ҳар гал энди ўғил кўраман, деб ҳаракат қилаверган, хотини пайдар-пай қиз туғаверган... Ўғли йўқлиги учун ҳам адабиёт муаллимимиз билан қадрдон бўлиб қолганмиз: раҳмим келади. Ўт юлганимда Тулпоримга икки боғинасини ортиб, уйига обориб ташлайман. Томорқасида жўхори узса қарашвораман. Еттинчи синфдан буёғига кузда ҳар куни атайлаб эшигининг олдидан ўтаман. Бари бир кўмир олиб келади-ку! Ғизиллатиб ташиб бераман. Шунинг учунми, ўзим адабиётдан зўрманми, хуллас, шу ўқитувчим мени яхши кўради. Жудаям "беш" қўймайди-ю (бешни Шодивойга қўяди), ҳар қалай, мендан "тўрт"ни аямайди. Мана, давлат имтиҳонида ҳам ёзмадан "уч", оғзакидан "тўрт" олдим.

Физика ўқитувчимиз — ёмон! Ислом Қиличев деса бошқа маълимлар уёқда турсин, директоримизнинг ўзи ҳам типирчилаб қолади. Ислом ака урушда бўлган: чап қўли йўқ. Лекин, қўли битта бўлсаям, бизларни шунақа ушлайдики...

Ислом акадан "беш" оладиганнинг боши ўнта. Ҳаммани "икки" билан сийлайди. Йўқ, ошириб юбордим-ов! Бултур синглим Жу бошқа фанлардан "тўрт" олса ҳам худди шу Ислом ака "беш" қўйган. Чоракларига ҳам, йиллигига ҳам, ҳатто имтиҳонда ҳам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эсимда, эрта ёзда шу маълим бизникига келган эди.

"Салимжон, жўра, қизингиздан малакали мутахассис чиқиши мумкин, политехника институтининг АСУ факультетига юборинг", деганида дадам негадир узоқ ўйланиб қолган, "Биламан, маълим, нима қилай, менинг ортиқча жамғармам йўқ-да", деб қўя қолган эди. Ислом ака, "Сиздақа фронтовик одамдан шунақа гап чиқса", деб яккаю ягона қўлини жаҳл билан силтаганида онам ўртага тушган эди: "Қиз болага институтни ким қўйибди, шаҳарга борса айнаб кетади". Жу бечора ўшанда роса йиғлаганди.

Гап бундаям эмас... Жонажон ўртоғим Шодивойни бутун мактаб, ҳатто РайОНО ҳам олтин медалга тайёрлаётган экан. Тўққизинчи синфдан шу — Ислом ака физикадан дарс ўта бошладию Шодивойнинг кундалиги "уч" га тўлиб кетди. Ўшандан бери айтишларича, Раис бува маълимимиз Ислом Қиличевни ёмон кўриб қолганмиш. "Шу маълимни пенсияга чиқариб қутулмасам бўлмайди", деганмиш. Тағин у ёғини билмадим-у, шуниси аниқки, жўрам олтин медаль ололмайди. Устига устак, эртага физикадан давлат имтиҳони топширамиз.

...Имтиҳонга тумандан, ҳатто вилоятдан вакиллар келади, дейишганди. Ҳеч ким келмади. Шодивойнинг фамилияси Алимов эмасми, Ислом ака биринчи бўлиб жўрамни чақириб қолди.

Ўн йил ўқиб, биронта маълимдан қўрқмайдиган Шодивой шу — Ислом акани кўрса оёғи қалтирайдиган бўлиб қолган. Ҳозир ҳам фамилиясини айтиб чақиришганини эшитмади. Ҳаммамиз йўлакда типирчилаб турибмиз.

— Алимов!— қия очиқ эшикдан Ислом аканинг зардали овози келди.

— Сени чақиряпти!— дедим секингина жўрамнинг биқинига туртиб.

Шодивой гарангсиб оғзини каппа-каппа очди:

— А?

— Кир!— қаттиқроқ бақириб юбордим шекилли, кимдир елкамга мушт туширди.

— Секин-е!

— Қўрқиб кетяпман...— Шодивой кўзимга шунақанги илтижо билан термулдики, ўзим ҳам қўшилишиб йиғлаб юборай, дедим.

— Шпаргалкани чўз!— ўртоғимнинг қалин қилиб тугилган чучварадек қулоғига шивирладим (Шпаргалкаларнинг зўри Шодивойда бўлади-да. Бошқа болалар далада ғайрат

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан ишлаётганда жўрам уйига кириб олиб ғайрат билан шпаргалка тайёрлаган: ҳаммамиз учун).— Деразанинг олдига ўтир. Билетингнинг номерини айтсанг, ошираман.

Шодивой ихчам қилиб букланган қоғозни чўнтагидан олиб қўлимга тутқазди.

— Алимов!— қия очиқ эшикдан боягидан баттар зардали овоз келди.

Шодивойнинг қўлтиғига кириб, судрагудек олиб бордимда, эшикни каттароқ очиб, гарданига бир мушт туширган эдим, сузонғич буқадек бошини елкаси орасига тортганча, тўппа-тўғри Ислом аканинг устига бостириб бора бошлади.

— Жиннимисан!— Ислом ака ўрнидан туриб кетди. Ягона қўлини кўтариб, калла қўйишни мўлжаллаб келаётган Шодивойнинг пешонасига кафтини рўпара қилди.

Шодивой таққа тўхтаб қолди.

— Билет ол!— деди Ислом ака Шодивойга шубҳалироқ қараб.

Тезроқ синфхонанинг нариги томонига етиб бормасам бўлмайди. Папканинг бандидан чангаллаганча йўлакдан югуриб кетдим.

Имтиҳонни далада топширганимиз қандоқ яхши эди-я! Баҳо қўйишда бригадиримиз Тўлаш ака кўмаклашиб юборарди. Бир гектар ўтоқ қилганга — "беш". Ярим гектарга — "уч"... Шу... Раис бувагаям ҳайронман-да! "Давлат имтиҳони қонуний бўлсин, ўнинчилар мактабнинг ўзида синовдан ўтсин, камиссия келиб қолиши бор", дебди-да! Мана энди ўзининг ўғлига жабр бўлди!

Имтиҳон бўлаётган синфхонанинг деразаси олдига етиб олгунимча ҳали қанча бор! Аввал узундан-узоқ йўлакдан ўтишим керак. Кейин ҳовлига чиқаман. Ундан кейин мактаб орқасига ўтаман.

Ҳаллослаб чопиб боряпман-у, бир нарсани ўйлайман. Меҳнат дарсидан зўри йўқ экан-да, ўзи! Масалан, менга энг яхшиси — меҳнат дарси! Маълимлар нуқул савол бераверіб бошингни қотирмайди... Шунисига хурсандманки, меҳнат дарси бизда айниқса кўп бўлади. (Бошқа жойда қанақа, билмадим-у, бизда шунақа.) Ғўза сал қаддини ростлаши билан ягана бошланади. Ўзингиз ўйлаб кўринг. Қорни оч тўртта одамнинг олдига битта ликопчада ош қўйиб, "қани, олинг-олинг" десангиз, тўртталаси баравар чанг солса, нима бўлади? Ҳаммаси оч қолади, тўғрими? Ғўзаям шунақа-да! Бундан чиқди, биттасини қолдириб, бошқаларини юлиб ташлаш керак. Бирми? (Бармоғингизни букиб, санаб туринг.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ундан кейин... Тўртта ғўзадан учтасини юлиб ташлаганингиз билан бошқа ошхўр топилмайди, дейсизми? Сиз-ку, ерга минг хил "палов" берасиз, маҳаллий ўғит, минерал ўғит (вой, ҳиди қурсин. Одамни заҳарлаб ўлдираман, дейди-я!). Сиз-ку "палов"ни пахтага берасиз. Аммо унинг насибасига шерик бўладиган бегона ўтлар ҳам чиқади-да! Ўшанақа текинхўрларни таг-томири билан қуритиш керакми — керак! Бунинг оти ўтоқ дейилади. Иккита бўлдими? Ана ундан кейин чопиқ бошланади. Пахтаниям жони бор. Нафас олмаса ўлиб қолади. Сиз билан биз-ку, оғиз-бурнимиз билан нафас оламиз. Пахта бўлса, илдизи билан нафас олиши шарт. Демак, чопиқ қилиш керак. Кейин пилла мавсуми келади. (Бунисини айтиб берувдим, бошқа гапириб ўтирмайман.) Кетидан пичан ўриш кампанияси бошланади. "Ферма тоға"нинг сигирлари пичан емаса — ҳаром ўлиб қолмайдими? Ундан кейин, яна чопиқ, ғўза суғориш... Бу — пахта дегани сувга чунонам ўчки, жуда отчалик ичмасаям, камида менинг Тулпоримчалик симиради қуриб кетгур!

Пахта очилганидан кейин-ку... далада байрам бошланади. Аввал, биринчи сорт пахта терасиз, кейин, иккинчи терим, учинчи терим. Шу пахта дегани хўп эринмаган нарсада! Бугун териб олсангиз, эртага яна илжайи-и-б, очилиб тураверади. Кейин подбор терасиз, яъни машина териб кетганида ариққа тўкилиб қолган пахтани йиғиб оласиз. Чаноқда ярим-ёртиси қолсаям увол-да! Ундан кейин кўрак териш, кетидан кўрак чувиш... Охири далалар қип-қизил бўлиб қолганида ғўзапоя юласиз...

Ана энди ўзингиз ўйланг! Меҳнат дарсидан зўри борми? Ҳар куни очиқ ҳавода юрасиз. (Биология маълимимиз айтгандек, "очиқ ҳаво — танга даво".) Ўқитувчилар ҳам қийнаб ўтирмайди. Биринчи сентябрдан ўқишни бошлайсизу олтинчи сентябрдан теримга тушасиз. Ўнинчи декабрда мактабга қайтиб келсангиз, журналлар тўлдирилган, чорак баҳолар чиқарилган!

А? Нима дединг из? Катталар нима иш қилади, дейсизми? Ким айтди сизга катталар бекор ўтиради деб?

Масалан, менинг отам ҳам Ислом акага ўхшаган уруш инвалиди. Раис бува дадамни, лунжи учишини ёқтирмагани учун буғалтирликдан бўшатиб, газета сотувчи қилиб қўйган бўлсаям терим бошланганида отам дўкончада "кепқолинг, газета опқолинг", деб ўтиради дейсизми? Ҳечам-да! Сингилим Жу, отам, онам тонг отмасдан далага чиқиб кетишади. Қоронғи тушганда қайтишади! Нс машаққат билан етиштирилган "оқ олтин"ни ерда қолдириш ғирт гуноҳ-ку!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бошқаларми? Кечирасиз! Бизнинг "Машъал" колхозида текинхўрлар йўқ. Ҳамма ишлайди. Раис буванинг жиянини томорқасида кетмон чопади. Куёви ҳисобчилик қилади. Яна битта куёви — агроном. Кенжа куёви — иқтисодчи. Қайниси — дўконда атир-упа сотади... Булар — эркаклар! Аёлларнинг ярмиси далада, ярмиси — уйида. Нега дейсизми? Аёл бўлгандан кейин туғиши керакми, ахир? Масалан, бизнинг қишлоқда ўттиз битта Қаҳрамон она бор. Битта боласини туғиши билан иккинчисига загатовка тайёрлаб қўяди...

Э, унақа чалғитманг-да, одамни! Жонажон жўрам Шодивойга шпаргалка узатмоқчи эканимни айтувдим-ку!

Мактабнинг узундан-узоқ биносини айланиб ўтгунча жиққа терга ботиб кетдим. Кун иссиқ. Бошқа синфлар чопиққа чиқиб кетгани учун мактаб жимжит. Ўзим ҳам шунақанги тез югурибманки, нафас оламан, десам, ичимга ҳеч ҳаво кирмайди. Бундай қарасам, тилим тахминан бир қарич осилиб қопти. (Қўлим билан тиқиб, жойига киргизиб қўйдим.)

Шодивой маладес-да! Ўзим айтганимдек, дераза ёнида ўтирган экан. Очиқ ойнадан бешта бармоғини кўрсатди. Демак, бешинчи билет!

Ерга таппа ўтириб олиб, имтиҳон билетлари ёзилган дафтарчани титкилаб кетдим. Аксига олиб, ҳеч тополмайман.

Шодивой қийналиб кетганимни тушунди шекилли, калта, йўғон бўйинини чўзиб, қаттиқ шивирлади:

— Кулон қонуни! Эшитдингми, Қўшо! Кулон қонуни!

Кулон қонуни бўлса, Кулон қонуни-да! Ҳозир топамиз!

Шпаргалканинг қатини ёйишга тушдим. Шодивой ҳам бутун китобни кўчириб чиққанми, нима бало! Шпаргалка қатини очганим сайин Шокир абзийнинг гармонидек чўзилиб кетяпти. Атайлаб қилгандек Кулон қонуни ёзилган жой ҳеч чиқмайди. Бир маҳал кимдир "гармон"нинг ерга чўзилиб ётган учидан тортиб кетаётгандек бўлди. Қўрқа-писа қарасам, қай кўз билан кўрайки, Тулпорим шундоқ тепамда туриб олиб тасмадек шпаргалкани бир четдан ямлаб ютяпти.

— Қўйвор!— дедим-у, жонҳолатда қоғозни тортқиладим. Шпаргалканинг бир қисми сўлакка қоришиб эшагимнинг оғзидан қайтиб чиқди. Ўзиям ранги суйкалиб, мажақланган гулсафсардек илма-тешик бўп кетибди.

Тулпорим, ҳар қалай ярим қулочгинасини узиб олишга улгурган экан. Ҳузур қилиб чайнади-да, ғўлқ этиб ютиб юборди. Ёқиб қолди шекилли яна "гармон"га талпинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўрнимдан сакраб туриб, қулоқ-чаккасига тарсаки тортиб юбордим! Биласиз, Тулпорим калтак еб ўрганмаган. Кўзимга бирпас қараб турди-да, шунақанги алам билан ҳанграб юбордики, қўрқиб кетганимдан "тишш" дедимми, "ишш" дедимми, эсимда йўқ.

Деразадан қараб турган Шодивойнинг лўппи юзи қийшайиб кетди. Папкамни шоша-пиша титкилаб, "Физика" китобини олдим.

— Мана!— дедим эшагимнинг ҳанграб турганидан фойдаланиб,— ёзиб ол, Шоди! Ваккумда жойлашган зарядли кўзғалмас нуқтавий икки жисмнинг ўзаро таъсир кучи...

— Алимов!— синфхона ичкарисидан дағдағали хитоб янгради. Назаримда Шодивойнинг кўзи ғилай бўлиб кетди. Бир кўзи менга қараб турибди, биттаси Ислом акага. Эшагим ҳам тақа-тақ жимиди-қолди.

Худди шу пайт синфхона ичида ғала-ғовур бошланди.

— Домулло! Қанақасиз ўзи!— деган товуш шанғиллади.— Нима қиласиз болаларни қийнаб. Бўлинг-да, тезроқ. Чопиқ қолиб кетопти.

Топдим. Бригадиримиз Тўлаш аканинг овози!

— Чиқинг!— Ислом ака столни бир қўллаб муштлади шекилли, алланима қарсиллади.— Чиқинг! Ким сизга рухсат берди давлат имтиҳонига бостириб киришга!

— Имтиҳон-ку ўз йўлига...— Тўлаш аканинг товуши энди ялиниброқ чиқди.— Аммо, буёқда шунча иш... домулло...

— Йўқол! Қачондан бошлаб сен саводсиз менга... қирқ йиллик педагогга...

Ҳаммаёқ гумбур-гумбур бўлиб кетди.

— Шоди! Ма!— дедим бақириб. Фурсатдан фойдаланиб "Физика" китобининг ўн беш варақчасини йиртиб, деразадан узатдим.

Синфхона томонидан Тўлаш аканинг алам тўла товуши келди.

— Домулломан, деб кўп керилманг, домулло! Раис бова келса ўзингиз жавоб берасиз.

Папкамни чангаллаб, мактаб дарвозаси томонга югурдим. Кетимдан Тулпорим эргашди. Дарвозанинг қоқ ўртасида Тўлаш аканинг боши бошим билан уришиб кетишига сал қолди. Унинг икки юзи хўрознинг тожисидай қип-қизариб кетган, ҳансираб нафас оларди.

— Шошмай тур!— деди муштини дўлайтириб.— Ҳозир Раис бованинг ўзи келади!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўрққанимдан лип этиб четга ўтдим. Тўлаш ака нариоқда турган кажавали мотоциклига минди, чунонам патиллатдики, қулоғим ёрилиб кетай деди.

Чопиб синфхона эшигига келсам, Шодивой илжайиб турибди.

— Тўрт!— деди икки юзи юмронқозиқнинг лунжидек ялпайиб.— Кир. Сени чақиряпти.

Қўлимдаги папкани дўстимга узатдим.

— Югур! Дераза олдига бор!

— Шпаргалкани чўзмайсанми?

— Чўзилиб бўлди!— дедим тўнғиллаб.— Китобни йиртавер.

Синфхонага кирсам, Ислом ака доска олдида турганча у ёқдан-бу ёққа бориб-келяпти. Бутун гавдаси муттасил чайқалади.

— Бемаънилик!— деди овози титраб.— Бориб турган бемаънилик!

Билет олишга шошилмасдим. Аввал Шодивой деразага етиб олсин!..

— Шармандалик!— маълим лаблари титраб ингради.— Аллақандай чаласавод... Билет олмайсанми!— деди тўсатдан.

Кўрқа-писа стол устида ётган узунчоқ қоғозларга қўл чўздим. Титраб турган бармоғимга илашиб чиққан биттасини чўғ ушлагандек чимчилаб тортдим.

— Ўн уч...— дедим талмовсираб.

— Бемаънилик!— маълим яна бир хитоб қилди-да, негадир овози майинлашди.— Ўтир, ўғлим, тайёрлан. Шошилмасдан, ўйлагин, хўпми?

Очиқ дераза ёнига бориб ўтирдим. Биринчи саволнинг маъносини энди тушундим: "Ампер қонуни..."

— Қўшо...— дераза орқасидан минғиллаган товуш келди — Қўшо... Саволинг нима?

Кўз қири билан қарасам, дераза тагида Шодивой бўйнини чўзиб турибди.

— Ампер қонуни!— дедим қаттиқ пичирлаб.

Айтдим-ку, маълимимизнинг ўзи ёмон деб.

— Ким у?— маълим югургудек бўлиб тепамга келди.— Куртинг борми? Нимага типирчилайсан?

— Ўзим,— дедим илжайиб.— Овоз чиқармасам, масала ечолмайман, маълим.

Ислом ака ҳар эҳтимолга қарши дераза томонга қараб қўйди. Мен ҳам кўз қиримни ташласам, ҳеч ким йўқ. Шодивойнинг ақли тошни ёради-да! Аллақачон қуённи суриб қопти!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маълим бир қўллаб шарақ-шуруқ қилиб деразани ёпди. Доска олдига кетди. Ўша заҳоти дераза ортидан яна Шодивойнинг баркашдек юзи кўринди. "Оч", деб имо қилди. "Иложим йўқ", дегандек бош чайқадим.

Шодивой дераза ёпиқ бўлгани учун мендан бошқа ҳеч ким эшитмайди, деб ўйлади шекилли, китобни очиб олиб, ойнага яқин келтирди.

— Ёз, Қўшо!— деди овози борича бақириб.— Ўзидан ток кучи ўтказаётган ўтказгичнинг узунлиги...

Шипиллатиб ёзиб кетдим. "Ўзидан ток кучи..."

— Кичик кесимга у билан бурчак ҳосил қилувчи...

Шипиллатиб давом этдим: "Кичик кесимга..."

— Индукция магнит майдони...— деди Шодивой овозини янаям баландроқ қўйиб.

— Салимов! Доскага!

Ноилож Ислом аканинг ёнига бордим.

— Бўлдингми?

— Бўлдим... Биринчи саволни.

— Қани эшитайлик...

Икки минут олдин Шодивой қанақа бақирган бўлса, мен ундан ўн ҳисса қаттиқроқ ҳайқириб жавоб бера бошладим:

— Ўзидан ток кучи ўтказувчи ўтказгичнинг...

Худди шу пайт синф эшиги тарақлаб очилди. Шунақанги шиддат билан очилдики, каптархонага бехосдан мушук оралаб қолса қанақа бўлади? Ҳамма каптарлар ҳар ёққа патирлашиб учиб кетадими? Мендаям худди шунақа бўлди. Калламда ҳеч вақо қолмади, худди у қулоғимдан кирган шамол ғувиллаб бу қулоғимдан чиқиб кетаётгандек. Қарасам, остонада Раис бува турибди. Кун иссиқлигига қарамасдан эгнига қора костюм кийиб олибди. Кўкси тўла — медаль. Орқасида Тўлаш ака. Раис буванинг қўлтиғидан мўралаб-мўралаб қўйяпти. Худди эчкининг чотидан бошини чиқариб мўлтираётган улоқчадек.

— Маълим...— Раис бува ғалати илжайди.— Рухсат этсангиз, кадрларимизнинг илмини бизам кўрсак.

Ислом аканинг юпқа лаби титраб кетди.

Раис бува рухсат кутмай, биринчи партага ўтириб олди. Тўлаш ака унинг ёнига чўкмоқчи эди, қорни сиғмади. Эшик олдига қайтиб бордию, қўл қовуштириб тураверди.

— Умуман, Ампер зўр олим бўлган!— дедим янаям қаттиқроқ бақириб.— Ўзи немис бўлган, маълим. Электрни ҳам шу одам топган. Яъни, маълимжон, Ампер қонуни...

— Маълим!— Раис бува ўрнидан силтаниб турди. Парта тарақлаб кетди.— Кўрдик, балога ақли етяпти болаларни.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аллақандақа "Кампир қонуни" деб шунчалик чўзғилаш шартми?

— Кампирмас, Ампер!— назаримда маълимимиз йиғлаб юборгудек ингради.— Қачонгача саводсиз бола тарбиялаймиз!

Раис бува бир зум ўйланиб қолди. Билмадим, маълимдан уям ҳайиқарканми ё андиша қилдими, ҳар қалай уялиброқ жилмайгандек бўлди.

— Қўйинг энди,— деди илжайиб.— Эшитдик, обл ОНОдан камиссия келмайдиган бўпти. Йигитларимиз маладес! Йўлини топиб кетади. Кўриб турасиз, институтларни каттасига киради булар!

— Қандоқ қилиб? Пора берибми?

Маълимнинг гапи жон-жонидан ўтиб кетди шекилли, Раис буванинг юзи қаҳрли тус олди.

— Ҳов, маълим!— деди ҳар сўзни чертиб.— Ҳар йили иш айни қизиганда бир ишкал чиқарасиз. Нима, булар оқбилак бўлсинми? Мана шу бола...— У менга қараб бармоғини бигиз қилди,— мана шу азамат кечаси билан тонготар ухламай ғўза суғориб чиққанини биласизми?

Раис бува рост айтди. Жудаям тонготар бўлмасаям ой чиққунча ғўза суғорганим рост.

— Келажакни шу авлод яратади!— Раис буванинг овози шу қадар ҳокимона жарангладики, тўртта партада ўтирган синфдошларим пилдир-пис бўлиб қолишди.— "Кампир қонуни"ни бошига урадими булар! Ўйланг-да, сиз ҳам, маълим.

Ислом ака ёмон дедим-ку! Тўсатдан уникиям тутиб кетди.

— Ҳов, Раис!— деди титраб.— Қўлингиздан келса оттирворинг. Мен саводсиз кадр тайёрламайман! Мактабда медаль олиб, институтга борганда "икки"га тортолмайдиган болани ёмон кўраман!

Анграйиб қолдим! Шу пайтгача биронта одам Раис буванинг кўзига тик қараб, бунақа гапирмаган эди. Раис бува ҳам бир зум эсанкираб қолди. Лекин ўша заҳоти шиддат билан ҳайқирди:

— Болалар яхши илм олмаган бўлса айб сизда! Билиб қўйинг, шу болалар институтга киради. Албатта киради!

Ажаб, Ислом ака қулди. Кулгандаям бўғиқ хириллаб қулди.

— Сизнинг ўғлингизми, Раис? Хоҳласангиз олим ҳам қиласиз уни.

— Сенга нима?

Баттар довдираб қолдим. Маълимнинг ёши Раис бувадан камида ўн ёш катта. Сочлари оқариб кетган. Раис бува уни бемалол сансираяпти!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тўрт йил олдин пенсияга чиқишинг керак эди!— деди Раис бува баттар тутақиб.— Нимага ивирсиб юрибсан?

— Яхши...— Ислом ака чуқур уф тортди.— Бўшайман. Ўзимниям жонимга тегди...— У негадир жилмайди. Пастки лабини тишлаб узоқ жимиб қолди.— Сенгаям боққан бало бордир...— деди секин.

— Э, ўчир-е, иғвогар!— Раис бува илдам келиб, менинг қўлимдан тутди.— Юр, тутхўр!

Талмовсираб орқасидан эргашдим.

Ҳовлига чиқсам Шодивой кутиб турган экан.

— Неччи қўйди?— деди кўзимга тикилиб.

Индамадим.

— Шу палид домланинг гапи учун ҳам иккалангни юрист қиламан!— Раис бува бир қўли билан Шодивойни, бир қўли билан мени билагимдан олиб судраб кетди.

Дарвоза олдига келсак, Тулпорим мени кутиб турган экан. Бошқа жой қуриб қолгандек нақ дарвозага кўндаланг туриб олибди. Четлаб ўтиб кетсак ҳам бўларди-ку, Раис бува келиб-келиб эшакка йўл бўшатишни хоҳламади шекилли, дағдаға қилди:

— Хиҳ!

Тулпорим узун қулоқларини осилтириб хаёл суриб тураверди. Боя нега урганимни ўйлаётган бўлса керак.

Раис бува Шодивой билан менинг қўлимни қўйиб юборди-да, эшак бошида мушт кўтарди.

— Хиҳ!

Тулпорим бошини хотиржам буриб, ўгирилди. Лабларини чўччайтириб Раис бувanинг қулоғини ҳидлади. Кейин тилини икки қарич чиқариб унинг юзини ялаб ҳам қўйди.

Ҳозиргина маълим билан уришиб ғазабланиб турган Раис буванинг жон-пони чиқиб кетди.

— Хиҳе, ҳаром ўлгур!— дедию икки қадам орқага тисарилиб, кучи борича эшакнинг қорнига тепди. Тулпорим бир силкиниб кетди. Кейин секин-секин бурилиб, роппа-роса тўқсон градус ўгирилди. Бир нимани нишонга олгандек, орқасига қараб қўйди. Ана ундан кейин Раис буванинг қовуғини мўлжаллаб туриб чунонам тепдики, Раис буванинг ичидан "ғиқ" деган овоз чиқди. Тупроқ йўлга чалқанчасига йиқилди.

Шодивой иккаламиз анграйиб қолдик.

— Тўхтат!— Раис бува инқиллаб ўрнидан қўзғалди.— Тўхтат дейман. Кимнинг эшаги бу?!— у орқасига ёпишган чангни қоқиб қаддини ростлагунча Тулпорим шаталоқ отиб ғойиб бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўққизинчи боб

БИЗ ТАЛАБА БЎЛАМИЗ!

Осмон-фалакда учиб кетяпмиз! "ЯК-40"да! Ёнимда Шодивой ўтирибди. Оғзи қулоғида! Устара тегмаган мўйлови қийматхтадан ўтказда, бир қозон чучварага бемалол етадиган дўрдоқ лабини янаям қалин қилиб юборгандек. Юзига ҳуснбузар тошиб, афти — устига унда-мунда тош тўкилган асфальт кўчанинг ўзи бўлиб қолган. Тиғ тегмаган мўйлов билан ҳуснбузар масаласида ўзимиз ҳам жўрамиздан қолишмаймиз. Шодининг юзи-ку сийрак тош сачраган асфальт. Бизники-чи? Нақ тош йўлнинг ўзгинаси!

Олдинги ўриндиқда Раис бува ўтирибди. Шляпасининг қирраси ўриндиқ суянчиғига тегиб қийшайиброқ турибди. Раис бува бунақа самолётларда учаверіб, кўзи пишиб кетган шекилли, аллақачон етти уйқуни уриб бўлди-ёв. Орачора ўртачароқ овозда хуррак тортиб ҳам қўяди.

Умрим бино бўлиб, самолёт у ёқда турсин, поездга ҳам минмаганман. Шунинг учунми, трапдан кўтарилаётганда юрагим салгина така-пука бўлди. Аммо дарров ўзимни юпатдим. Самолёт Шодивойнинг "Запорожец"и эмаски, "Ферма тоға"нинг ғарамига калла қилса! Ростдан ҳам "ЯК-40" жоннинг роҳати экан! Қилт этмайди-я! Худди бир жойда қотиб тургандек. Шундоқ тагимизда оппоқ, дўмбоқ булутлар сузиб юрибди. Шунақанги хўппа семизки, пахта хирмонидан фарқи йўқ. Устига чиқиб ирғишлагинг келади. Олачалпоқ "йиртиғи"дан ерга тушиб кетмасанг бас! Жўрамнинг биқинига туртиб, юмалоқ деразадан "кўриб қўй" дегандек, булутларга имо қилдим. Шодивой "зўр" дегандек бош бармоғини диккайтириб қўйди.

Шундоқ қилиб, яқинда биз талаба бўламиз! Аслида бунақа ўй етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди.

Ўшанда Раис бува "Сенларни юрист қилмасам, раис отимни бошқа қўяман", дейишга деб қўйди-ю, палакат босиб Тулпоримдан тепки егандан кейин, бу гап паққос эсидан чиқиб кетгандир, деб ўйлагандим. Биринчидан, Тулпор майдалашиб ўтирмайди. Тепса бирваракай тепиб қўя қолади. Раис бува уч кунгача ҳеч кимга кўринмади. Шодивойнинг айтишига қараганда, дадаси уч кунгача тумандан массажчи чақириб, вазелин билан қовуғини силатганмиш. Иккинчидан, Раис бува эшак меники эканини билган. Билмай қаёққа борарди: Тулпоримни мингта ҳанги орасига қўйиб юборинг: манаман деб ажралиб туради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Хуллас, Раис бува Шодивой иккимизни институтга киритиб қўйишниям худди мотоцикл олиб беришга ўхшаб аллақачон эсидан чиқариб юборди, деб ўйлагандим.

Йўқ, унутмаган экан. Уч кун аввал саҳарлаб туриб эшагимни суғораётсам ҳарсиллаб-гурсиллаб Шодивой келиб қолди.

— Чамадонингни тайёрла!— деди дўриллаб.— Тошкан борамиз.

— Нега?

— Ўқишга кирамиз. Юридическийга!

Юридический деганини жудаям яхши тушунмасам ҳам озми-кўпми ақлим етарди.

— Нима, одамларни қамайсанми?

Шодивой ҳам буёғини ўйлаб кўрмаган эканми, иккиланиб қолди.

— Ўзимга қолса-ку,— деди минғиллаб.— Физкультурнийга кирмоқчийдим. Ҳозир юз кило штанга кўтаряпман.

— Мен анавинақа турникка осиладиганига кирардим,— дедим худди дадам дарров жавоб бера қоладигандек.

— Шунақа-ку,— Шодивой яна минғиллади.— Физкультурнийда дадамнинг жўраси йўқ экан. Кейин... юристлар михдай яшармиш.

Ҳафсалам пир бўлди.

— Боравер!

— Йў-ў-ўқ!— Шодивой бошини сарак-сарак қилди.— Сен бормасанг, менам кирмайман ўқишга! Дадам жўрасига айтиб, сениям жойлаб қўядиган бўлди.

Дўстим рост айтган экан. Кечқурун онам эшикдан ҳовлиқиб кириб, Раис бувани алқашга тушди. Раис бува онамни атайлабдан идорага чақириб олиб айтганмиш.

"Шундоқ-шундоқ, янга, Қўшоқвойни азалдан яхши кўраман. Уям ўзимнинг ўғлимдек гап. Шодивой иккаласи ўқиб, юрист бўлиб келади!"

Ҳовли супураётган синглим энамнинг гапини эшитиб негадир ҳиринглаб кулди.

— Сиздан юрист чиқмайди, ака!

Супада жўхори уқалаб ўтирган дадамнинг ўнг лунжи уча бошлади. Онамга қараб чақчайди.

— Илоннинг ёғини ялаган ўша Раис оталик қилармишми менинг ўғлимга? Раҳмат! Берадиганини белбоғига боғласин!

Онам кўзига ёш олди.

— Доим шунақа кажбаҳслик қиласиз. Биров сизнинг ўғлингизни ўқитаман, одам қиламан, деса...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дадам сўтани улоқтирди-да, жаҳл билан қўл силтаб кўчага чиқиб кетди.

Кеча Шодивой яна келди. Чўнтагидан бир даста қоғоз чиқарди.

— Кўриб қўй!— деди мақтаниб.— Иншонинг зўри мана бунақа бўлади! Адабиёт маълимимизнинг ўзи ёзган.

Эсим оғиб қолай деди.

— Ҳой жинни!— дедим бақириб.— Тошкандаги институт сенинг мактабингми, шпаргалка кўчирсанг индамай турадиган! Деразадан ўзингни улоқтириб юборар!

— Улоқтирмайди. Дадамнинг жўраси бор.

Кечқурун отам ишдан келди-ю, айвон ўртасида турган бир дастурхон патир, бир тоғора бўғирсоқни кўриб ҳайрон бўлди.

— Нима бу?

— Йўлга!— деди онам тушунтириб.— Болам бечора мусофир юртда оч-наҳор юрадими? Жилла қурса юз сўмгина беринг. Нонушта қилиши бор, исталавойга кириши бор...

Дадамнинг бир эмас, иккала лунжи уча бошлади.

— Эҳтиёт бўл!— деди тўнғиллаб.— Ўғлинг космосга учиб кетяпти... Кўрасан ҳали, ҳафта ўтмай қайтиб келади тўрвасини кўтариб.

Онамнинг жазаваси қанақа тутишини айтувдим-а? Ҳозир ҳам шунақа бўлди.

— Ҳой,— деди икки қўлини тиззасига баравар шапатилаб.— Одамлар боласини ўқишга жойлайман деб сигирини сотади, мошинини сотади. Белига жарақ-жарақ пул тугиб, домланинг уйига боради. Раис бовадек одам бош қўшиб турганда сиз биттаю битта ўғлингиздан юз сўм аяйсизми?— У тўсатдан йиғлаб юборди.— Майли, узугимни сотаман, сирғамни сотаман! Керак бўлса Мавжунинг тўйига атаб қўйган гиламни сотаман!

— Бўлди!— дадам, боши муттасил чайқалиб шимининг чўнтагини кавлади, беш сўмлик, уч сўмлик пулларни хонтахтага улоқтирди-ю, ҳовлига тушиб кетди.

Онам дарров овуниб қолди. Шолчага чўнқайиб ўтирганча бош бармоғини ялаб ҳафсала билан пул санади, рўмолини ечиб, пулни чандилаб боғлади.

— Ма, белингга тугиб ол! Шаҳар ёмон бўлади. Биттаяримтаси киссангдан олиб қўймасин.

Онам, чамаси, кечаси билан ухламади-ёв. Аллақаёқдан эски чамадон топиб келди. Иссиқ тўркўйлак (шамоллаб қолмаслигим учун), битта қора костюм (дадамники, куядори

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳиди келиб турибди), иккита шим, икки жуфт пайпоқ (дўкондан 3 сўм 60 тийинга опти), ўн олтита патир (ўзим санаб турдим), бир тўрва туршак (тоғамникидан келган, қуртлаганидан билдим), ярим тўрва қурут (ўзимизнинг қатиқдан), ярим тўрва бўғирсоқ (кеча пиширилган), яна аллақанча нарсаларни жойлаб, қопқоқни ёпган эди, чамадон аждарнинг оғзидек бир очилганча устига миниб олиб, босса ҳам қайта ёпилмади.

Онам ишнинг кўзини билади-да! Дадамнинг эски шимидан қалинлиги беш энли келадиган камарни ечиб олиб, бир тортган эди, чамадоним оғзини юмди. Фақат эшагимнинг хуржунидек икки томонга тарвақайлаб, дўмбайиб қолди.

Тонг-саҳарда туриб, ташқарига чиқдиму энг аввал ёнғоғим билан хайрлашдим.

— Хайр, қадрдон ёнғоғим! Устингдан йиқилиб, бошим ёрилган бўлсаям бари бир сени яхши кўраман! Сенинг меваларингни еб, ақлим тўлишди. Эрта-индин талаба бўламан! Мабодо тош отиб, шохингни синдириб, хафа қилган бўлсам, рози бўл.

Ёнғоғим қилт этмади.

Кейин оғилхонага кириб Тулпорим билан хайрлашдим.

— Хайр, меҳрибон Тулпорим. Имтиҳон куни сени урмоқчи эмасдим. Ўзинг шпаргалкани еб қўйиб чатоқ қилдинг. Хафа бўлма! Рози бўл, Тулпорим! Ҳар куни мактабнинг деразаси олдига бориб турардинг. Энди мендан ким хабар олади?

Эшагим юзимга қараб бир хўрсинди, икки хўрсинди. Кейин энтикиб-энтикиб ҳанграб юборди. Қарасам, ўзим ҳам йиғлаб юборадиганман. Чопиб ҳовлига чиқдим. Синглим тандирга ғўзапоя тиқиб энди гугурт чақаётган экан.

— Хайр, Жу!— дедим йиғламсираб. Синглимни бағримга босиб, пешонасидан ўпдим.— Калишимни йиртиб қўйганингда сўккандим, рози бўл.

— Вой, қўлим куйди!— синглимнинг афти буришиб кетди.— Қанақа калиш?

Қаранг, аллақачон эсидан чиқиб кетган экан-ку, мен бўлсам...

Айвонда турган онам ўпкаси тўлиб, мени бағрига босди.

— Хайр, энажон, рози бўлинг!— деган эдим, ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Вой, болажоним, энагинангни ташлаб қаёқларга кетяпсан?

— Хайр, дадажон!— уй томонга қараб хўрсиниб қўйдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Даданг аллақачон ишга кетган!— онам рўмолининг учига бурнини қоқди.

Қаранг, дадам узоқ сафарга кетаётганимни кўра-била туриб, хайрлашгиси ҳам келмабди. Шу қилганига Тошкентда бориб олим бўлиб кетаман! Праписир бўлиб келаман! Бир уялсин!

Мана, кетяпмиз энди "ЯК-40" да! Самолёт деразасидан қараб боряпману бундан беш йил аввал қазо қилган момомжонимнинг гапини эслайман. Бир куни моможоним мақтанган эди. Бу дунёда кўрмаган жойим қолмади, болам, буёғи Шалдирамасойгаям бориб келдим! (Шалдирамасой бизнинг қишлоқдан олти чақирим нарида. Эшакда бир соатли йўл.)

Самолёт манзилга яқинлашди шекилли, пастлай бошлади. Ип тортилгандек тўппа-тўғри йўллар, оппоқ бинолар, поезд изи кўринди.

Олдинги ўриндиқда ўтирган Раис бува самолёт ерга қўнгандан кейингина уйғонди. Суянчиқ устидан бизга мўралаб қаради. Юзи қип-қизариб кетибди. Кафтининг орқаси билан сўлагини артиб, қийшайиб кетган шляпасини тўғрилаб олди.

— Келдик, полвон!— деди илжайиб. Менга айтдими, Шодивойгами, тушунмадим.

Вой-бў! Тошкент дегани ҳам хўп ғаройиб шаҳар экан-да! Одамлар мунча кўп! Тағин ҳаммаси шошилади. Кўпкарига келган чавандозга ўхшайди-я! Машиналарнинг ғизиллашини айтмайсизми! Биз ўтирган такси осмон баравар бино олдига етиб келгунча эллик саккизта машинани қувиб ўтди. Санаб турдим.

Шодивой ўзининг чамадонини, мен ўзимнинг дўмпайиб кетган чамадонимни кўтариб, тепасига қарасангиз, дўппингиз тушиб кетадиган бинога кирдик. Раис буванинг қўлида юк йўқ ҳисоб. Ихчамгина "дипломат" кўтариб олган. У, кетимдан юрларинг, дегандек имо қилди-да, аллақанча одам тўдалашиб турган ойна тўсиқ олдига борди. Бинонинг ичи салқингина экан. (Одамнинг ухлагиси келади.) Шодивой иккаламиз чамадонни кўтарганча Раис буванинг кетидан сафга турдик. Ойнабанд тўсиқ ортига секин мўраладим. Шодивойнинг "Запорожец"ига ўхшаган ҳаворанг кўйлак кийган хотин баланд суянчиқли курсида ўтирибди. Аввалига хотин памилдори еб ўтирган экан, деб ўйладим. Йўқ, лаби шунақа, қип-қизил экан. Қошини айтмайсизми, қошини! Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, қилдан ҳам ингичка. Бечора онасининг қорнидан қошсиз туғилган бўлса, уялганидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

қалам билан чизиб қўйгандир-да, деб ўйладим. Йўқ, разм солиб қарасам, "қил"нинг таги кўкариброқ турибди. Дадам соқолини гузардаги сартарошхонага кириб, Собир чўлоққа олдириб келган куни шунақа кўкариб қолишини кўрганман. Бундан чиқди, зангори кўйлакли хотин ҳам кун ора сартарошхонага кириб Собир чўлоққа ўхшаган сартарошга қошини қирдирар экан-да! Оғрингандир, бечоранинг қовоғи!

Хотин сариқ телефонни қулоғига босиб, аллаким билан гаплашарди.

— Гуличка! Лёля эрини разводга берибди... Нима? Йўқ, пиёнистамас! А? Инженер эди-да! Оладиган юз сўми йўлкирасидан ортмасди. Тағинам Лёля бечора олти ой чидади!

"Сафимиз"нинг олд томонида асабий овоз янгради:

— Қизим!

Бўйнимни чўзиб, бу ёққа қарадим. Саратон бўлишига қарамай телпак кийиб олган чол туйнук томонга энгашиб ҳайқирди:

— Менга қара, қизим...

— Минуточку!— хотин телефонни қулоғидан нари суриб, чолга юзланди:

— Жой йўқ!

— Қизим...

— Менинг отам кўкариб чиққанига ўн тўрт йил бўлди,— хотин телефонни яна қулоғига босди.— Гуличка, эшитяпсанми? Эртага судга бораркан. Нима, квартираними?

— Жон опа!— бояги чол овозини баландроқ кўтарди.

— Минуточку!— хотин илдек қошини чимирди.— Менинг укам йўқ!

— Опажон!— чол ялинишга тушди.— Ўғлим узум сотгани келган эди. Бозорда қўлга тушиб иши судга оширилибди.

— Чайқовчи жазосини олиши керак,— хотин телефонни қулоғига босди.— Эшитяпсанми, Гуличка! А? Лёля дурочками, квартирани бериб қўядиган. Инженернинг кетига битта тепса...

Телпакли чол жой олишдан умидини узди шекилли, нари кетди. Аввал Раис бува, кетидан Шодивой, Шодивойнинг кетидан мен — чамадонни кўтарганча роппа-роса бир қадамча олдинга жилдик. Мундай орқага қарасам, яна йигирматача одам тўпланиб кетибди. Вой-бў, бирпасда-я!

— Лёля Айрапетян билан гаплашибди...

Чолдан кейин турган, бошига рўмол ўраган қоп-қора хотин энди биринчи бўлиб қолганига қувонди шекилли, шанғиллади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Синглим?!

— Гуличка, минуточку!— зангори кўйлакли хотин телефонни яна қулоғидан узоқлаштиришга мажбур бўлди.— Опам учта!— деди мих қоққандек қарсиллатиб.— Тўртинчи опам борлигини билмасдим.

Қора хотин бало экан.

— Мен — Қаҳрамон онаман!— деди чертиб-чертиб. Бир эмас, ўнта михни баравар қоққандек қарсиллатиб ташлади.— Ўн битта болам бор.

Зангори кўйлакли хотин пинагини бузмади.

— Табриклайман!

— Олтинчи қизим — оғир касал. ТошМИга ётқиздим. Кўчада тўрт яшар кенжам турибди.

— Қанақа одамсиз ўзи, ёш болани кўчада қолдириб бўладими? Машина уриб кетса буниям ТошМИга оборасизми?— У яна телефонни қулоғига босди:— Гуличка! Лёля Айрапетян билан гаплашибди. Айрапетян айтибди: "Эринг яхшиликча уйини бўшатмаса қаматиб юбораман", дебди. Нима?— Зангори кўйлакли хотин қувонч билан хитоб қилди. Ҳатто ўрнидан туриб кетди.— "Жижи?" Арабскийми? Йўқ, биттамас, иккита! Кейин... Биттагина "Адидас..." Шефингга айтсанг...

Қора хотин ростдан ҳам тўрт яшар боласини машина уриб кетишидан қўрқди шекилли, ерда ётган тугун-терсакларини кўтариб ташқарига отилди. Яна бир қадам сурилдик.

— Гуличка!— зангори кўйлакли хотин телефонни қулоғига янаям қаттиқроқ босди.— Шефингга айт: ноинсофлик қилмасин. Шапкасини бошқаларга қўйсин.

Олд томондан ғўлдираган овоз келди:

— Опажон!

Қарасам, айвони катта шляпа кийиб олган йигит туйнукка энгашиб ялинятти:

— Жон опа!

Хотин бу гал телефонни қулоғидан олмади. Шляпалига қарамадиям. Ўнг қўлидаги ручка билан туйнукнинг ярмисини тўсиб турган тахтачага нуқиб қўйди. Бўйнимни янаям чўзиб қарасам, тахтага ҳар биттаси ўрта бармоғимдек келадиган ҳарфлар билан "Жой йўқ!" деб ёзиб қўйилибди.

— Гуличка!— хотин сирли жилмайди.— "Жи-жи" билан "Адидас"ни тўғрилаб берсанг,— деди овозини пасайтириб,— битта "Лама" биздан!— У хандон отиб кулди. Аммо ўша заҳоти жиддий тортди.— А? Губа — не дура! Ўзининг баҳоси етти юз тўқсон-ку!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Опажон!— шляпали йигит астойдил ялинди.— Олисдан келганман.

— Ўзбекмисиз?— хотин бу гапни "Гуличка"га айтдими, шляпали йигитгами, билмадим. Ҳар қалай, шляпалига айтган экан. Йигит қувониб кетди.

— Ҳа, опажон, ўзбекман!

— Ўзбек бўлсангиз мен ҳам ўзбек тилида айтяпман. Жой йўқ! Тушунарлими?

— Ахир мен узоқдан келганман! Анжандан!

— Эҳ-ҳе! Мен Аргентинадан деб ўйлабман. Қирқ саккиз, Гуличка! Иккинчи рост. Сенинг размеринг.

Хайрият-эй! Раис бувагаям гал келди.

— Жой борми?— деди Раис бува негадир илжайиб.

Зангори кўйлакли хотин биз томонга қарамади. "Жой йўқ!"— деб ёзилган тахтачага ручкаси билан нуқиб, давом этди:

— Ёқмай ўлсин! "Мистер — Д"дан тўртта керак. Фикон бўлсаям майли. Марат акамга! Ёқаси қирқ бир...

— Жой борми?— Раис бува бу гал дағдағалироқ хитоб қилди.

— Савод борми?— хотин яна тахтачага нуқиди.— Гуличка! Эшитдингми, қирқ бир! Э, жинсини бошига урадими? Ўзида тиқилиб ётибди.

Раис бува тахтачани шаҳд билан юлқиб олиб нари суриб қўйди.

— Бизгаям-а!

— Минуточку, Гуличка! Бу нахаллар...— тўсиқ орқасидаги хотин қошини чимириб, биз томонга ярқ этиб қаради-ю, тўсатдан юзи ёришди.— Ие,— деди жилмайиб. Телефонни қулоғига босиб, ниҳоятда майин, ниҳоятда мулойим гапирди.— Гуличка, уч минутдан кейин телефон қиламан.— Гўшакни қўйиб, ўрнидан туриб кетди.

— Бормисиз, Тошмамат Алимович! Нимага очерид кутиб турибсиз? Бу ёқдан келавермайсизми?

— Ишингиз қийин экан...— Раис бува оғир-оғир бош чайқади. — Ҳар куни шу аҳволми?

— Э, шуларни деб гипертоник бўп қолдим, Тошмамат Алимович!— у шу қадар озор чекиб икки чаккасини қисдики, қўйиб берса ҳозир йиғлаб юборгудек эди. Хайрият, йиғламади. Кулранг телефонни кўтариб шоша-пиша рақам терди.

— Мухочка!— деди овозини пасайтириброқ.— Етти юз ўн тўққизнинг эгаси келди.— Кейин мулойим жилмайиб, Раис бувадан сўради:— Бир ўзингизми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кўпчилик!— Раис бува Шодивой иккаламизга имо қилди.— Кадрларни олиб келдик. Ўқишга кирмоқчи...

Хотин бир қўли билан телефонни қулоғига босган кўйи туйнукдан бошини чиқариб, аввал Шодивойга, кейин менга қаради.

— Сизам хитирсиз!— деди Раис бувага қошини учириб.— Ўғлим битта деб юрардингиз-ку!

Раис бува биз томонга қараб қўйди.

— Битталикка битта! Буниси,— деб менга имо қилди.— Бунисиям яхши бола, ўзимизнинг кадр.

Хотин туйнукдан бошини ичкари тортди.

— Муха! Ҳозир чиқишади. Уч киши! Нима? Йўқ, аёллар йўқ. Менга қара! Яна битта номер топасан.

— Керакмас!— Раис бува илжайиб қўл силтади.— Кадрларни жойлаштирайлик. Мен... Биласиз-ку, Ойдин! Бедананинг уйи йўқ, қайга борса питпилдиқ!

— Сизам хитирсиз!— хотин қип-қизил, узун тирноқли бармоғи билан пўписа қилди.

— Юрларинг!— Раис бува қовоғини солиб Шодивой билан менга буюрди.

Ўртоғим иккаламиз жонҳолатда чамадонларга ёпишган эдик, Раис бувининг жаҳли чиқиб кетди. Менгамасу Шодивойга ўшқириб берди:

— Қўй жойига, нокас! Ўзлари обчиқади.

Аммо ўзи қўлидаги дипломатини ташламади. Шодивой зина томонга йўналган эди, тағин ўшқирди:

— Шошма, буёққа кел!

Негадир зина эмас, аллақандай жигарранг эшик олдига бориб қолдик. Икки кўзим Тулпоримнинг хуржунидек дўппайиб кетган чамадонимда! Нон билан бўғирсоқ, ёнғоқ билан қуртлаган туршак-ку, майли. Аммо чамадонимда дадамнинг костюми бор. Онам нақд уч сўм олтмиш тийинга сотиб олган пайпоқ бор. Бир эмас, икки жуфт. Биров лип этиб ўмариб кетса...

Шу пайт жигарранг эшик ўзидан-ўзи шиғиллаб очилди. Ичидан қора кўзойнак таққан малласоч чол билан худди қишлоғимиздаги боғча болалариникига ўхшаган калта иштонча кийиб олган кампир чиқиб келди. Анграйиб қолман. Чол-кампирлар аллақандай тилда "ве-о-ве-о" деганча нари кетди.

— Кирсанг-чи!— Раис бува қўлимдан тортиб эшик ичига олиб кирди.

Тушундим. Лифтга чиққан эканмиз. Зум ўтмай тағин эшик очилди. Раис бува ихчам портфелини саланглатганча

www.ziyouz.com kutubxonasi

дераза олдида турган стол томон борди. Хаёлим чамадонимда! Ёнғоқ билан туршак-ку, майли... Нақд уч сўм олтмиш тийинлик пайпоғим... Дадамнинг костюми...

— Бормисиз, Муҳаббатхон!— Раис буванинг қувончли хитобидан ҳушим жойига келди.

Устига мошранг мато ёпилган, бир чеккасига телефон, бир чеккасига гулдон қўйилган стол орқасида ўтирган хотин дик этиб ўрнидан турди. Бу хотин ҳам худди пастдаги аёлга ўхшаб калта енгли зангори кўйлак кийиб олган, фарқи шуки, гавдаси пастдаги хотинга тахминан бир яримта келар, аммо Шодивойнинг онасидан, яъни ҳовлисида тут барги кесганимда йиқилиб тушиб, ер қимирлатиб юборган Жамила холамдан анча ихчам эди.

— Ўзингиз камнамосиз, ўртоқ раис!— у Раис буванинг кафтини чангаллаб, қўшқўллаб қисди. Шунда билдимки, ҳар билаги менинг сонимдан йўғон бўлса борки, ингичка эмас.— Эсон-омонмисиз? Планлар юзми? Бола-чақалар омон-эсонми?

У қўлини ҳар силкитганида Раис буванинг чайир гавдаси силкиниб-силкиниб кетарди.

Пастдаги хотин "Муха" деганида пашшадек қилтирик аёлни кўз олдимга келтирувдим. "Муха"си шунақа бўлса, фили қанақа бўларкин?

"Муха" опа, яъни Муҳаббат опа стол тортмасини шарақ-шурик қилиб очди-ю, бандига тухумдек ёғоч илгич осилган калитни олиб, йўл бошлади. Тавба! Шундоқ семиз хотин шунақанги зипиллаб юришини биринчи кўришим. Йўлакка тўшалган чўғдек гилам устида юриб эмас, учиб бораётгандек.

"Муха" опа йўлак адоғига етай деганда бир эшик олдида тўхтади. Калит солиб, шарақ-шурик қилиб очди.

— Марҳамат қилсинлар!— деди ёш келинчакдардек таманно билан икки қўлини семиз кўксига қўйиб.

Аввал Раис бува, кейин Шодивой, ундан кейин мен ичкари кирдик. Вой-бў! Гастинса дегани зўр бўларкан-ку! Ерга чўғдек гиламлар тўшалган. Бир томонда диван, бир томонда ёғоч каравот. Бурчакда холодильник...

Хаёлимга лоп этиб бир фикр келди. Майли, Шодивой каравотда ётсин, менга диван ҳам бўлаверади. Шунақа-ку, чамадоним қаёқда қолдийкин? Яхшиям онам дадамдан олиб берган бир юз ўн тўрт сўмни белимга тугиб олганман. Бўлмаса, уям кетарди-да, қулоғини ушлаб!

Шуни ўйлаб турсам, эшик журъатсиз тақиллади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Да!— деди "Муха" опа зардалироқ оҳангда.

Эшик очилиб, иккита чамадон кўтарган, бошига зангори шапка кийган шопмўйлов киши кўринди. Хайрият-ей, чамадоним омон экан!

Мўйловли киши иккала чамадонни ерга қўйиб, уф тортди. Энди бурилиб кетаётган эди, Раис бува тўхтатди.

— Шошма!— чўнтагини кавлаб қип-қизил ўн сўмлик чиқарди.— Раҳмат!

Мўйловли киши негадир хижолатли илжайди:

— Кўп-ку, Раис ака!

— Бўпти, боравер!— Раис бува қовоғини солган эди, мўйловли киши пулни чангаллаганча, тисарила-тисарила йўлакка чиқиб кетди.

Чамадоним омон-эсон топилганига қувониб кетдим. Бу ёғи-ку жойида! Шодивой каравотда ётса, мен диванда ётсам, Раис бува нима қилади?

Худди шуни кузатиб тургандек, "Муха" опа ёнбошидаги эшикни очди. Кўкимтир парда орқасидаги эшикни кўрмай қопман.

— Марҳамат!— деди таъзим қилиб.— Буёғи ётоқхона.

— Қорин оч!— Раис бува яна қошини чимирди.

— Ресторан соат еттигача перерив...— деди "Муха" опа айбдор алпозда жилмайиб.— Шу ёққа заказ қиласизми?

Раис бува норозироқ алпозда хўрсинди:

— Нима бор ўзи?

— Аниқ билмадим-ку, антрикот, кавказский шашлик, киевский котлет, табака, мампар, лағмон...

— Бўпти!— Раис бува унинг гапини кесди.— Табака обчиқ.

— Учтами?

— Тўртта! Қорин пиёзнинг пўсти бўп кетди.

"Муха" опа негадир кетишга шошилмасди.

— Раис ака,— деди эшик олдида тўхтаб.— Бу... болалар билан сиқилишиб қолмасмикинсиз... Қанчага келгансизлар ўзи?

— Мен билан ишинг бўлмасин!— Раис бува биз томонга қараб қўйди.— Кадрлар... Хуллас, ўқишга жойлашиб бир ёқлик бўлгунча туради. Хоҳласа, бир ой, хоҳласа, икки ой.

— Ўзлари-чи, хўжайин?— "Муха" опа жилмайиб, қошини учирди. Икки қўлини ўғирдек белига тираб, қилпанглашқочи бўлган эди, яхши уддалай олмади. Қорни лопиллаб кетди.

— Гапни қўпайтирмай табакани обчиқсанг-чи!— деди Раис бува ўшқириб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Муха” опа чиқиб кетиши билан Раис бува Шодивой иккаламизни ичкари хонага бошлади. Қарасам, бояги хона бунинг олдида ип эшолмайди. Деразаларга пуштиранг пардалар тутилган. Икки дераза олдида иккита каравот, бурчакда рангли телевизор! Бир бурчакда магнитофон.

— Ие, японский шекилли?— Шодивой энди магнитофон томонга юрган эди, Раис бува бақириб берди:

— Аҳмоқ! Ўқишга киришга келганмисан, музика эшитишгами?..

Шодивой хона ўртасида таққа тўхтаб қолди.

— Унақамас-да!— деди Раис бува сал ҳовуридан тушиб.— Аввал институтга кириб ол... Кейин...— шундай деб гурс-гурс қадам босиб нариги хонага чиқиб кетди. Зум ўтмай ўша томонда сув шовуллади.

...Табака дегани шунақанги мазали таом эканки, бунақасини Чияли бозорда ҳам тополмайсиз. Шодивой иккаламиз қовурма товуқнинг суягиниям ғажиб ташладиг-ов!

— Менга қара!— Раис бува ёғ босган қўлларини, қалин лабларини қоғоз рўмолчага артиб, ўрнидан турди. Эрталабдан бери ўзи кўтариб юрган дипломатни Шодивой танлаган каравотнинг тагига суқиб қўйди.— Йўқотиб қўйсанг...— деди Шодивойга чақчайиб.— Ичагингни суғуриб оламан! Уқдингми? Ёстиғингнинг тагига қўйиб ёт. Ташқари чиқсаларинг...— у энди менга ўгирилди.— Калитни этажний дежурга бермайсан!— Раис бува елкамга қоқиб қўйди.— Сен пишиқ боласан-ку, тутхўр! Жўранг аҳмоқ!

Шодивойга қарасам, бармоғини ялаб ўшшайиброқ ўтирибди.

— Унақамас, Раис бова,— дедим илжайиб.— Шоди— маладес!

— Бўпти!— Раис бува ўрнидан турди.— Менинг зарур ишларим бор. Эрталаб келаман. Эшикни қулфлаб олларинг. Калит оғзида қолсин. Ўшанда биров кирмайди.

Шундай дедию чиқди-кетди. Шодивой менга қаради. Мен Шодивойга.

— Эшикни қулфладингми?— деди Шодивой қўрқа-писа.

— Қулфладим.

— Калит оғзида қолдими?

— Қолди. Сал чапроқ томонга буриб қўйдим. Шоди...

— Энди нима қиламиз, Қўшо?

— Телевизор кўрмаймизми? Тошкентда бошқача кўрсатса керак.

— Дадам билиб қолса, ўлдиради.

— Музика эшитамизми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўлдиради.

— Кўчани томоша қила қолайлик. Шоди.

— Майли-и-и!

Иккаламиз дераза пардасини очиб, кўчани томоша қила бошладик. Ҳаммаёқ чироқ! Машиналар шовуллаб ўтади. Аллақаёқда трамвай ғийқиллайди. Пастдан, биринчи қават томондан "гумбир-гумбир", "вош-вош" деган садо келади. Ресторанда ўйин-кулги бўляпти, чоғи. Рўпарадаги боғ ичи чароғон. Боғ ўртасидаги пуштиранг ёзувга кўзим тушди: "Мороженое".

— Шоди-и!— дедим секин.— Морожний емаймизми? Менда пул бор. Бир юз ўн тўрт сўм.— Гапимнинг исботи учун белимни қашлаб қўйдим. Шунча пулни белга боғлаб юриш осон эмас экан. Эрталабдан бери биқиним қичишади.

— Иложи йўқ, Қўшо!— ўртоғим хўрсинди.— Эртага...

— Бўлмаса ухлай қолайлик.

— Майли...

Чироқни ўчириб ётдик. Шодивой у деразанинг тагига, мен бу деразанинг тагига. Уйқу келса қани? Дарпардани тортиб қўйганимиз билан Шодивойнинг ҳам, менинг ҳам ёстиғим устига бир тутамдан нур тушиб турибди. Нуқул бугунги воқеаларни эслайман. Тулпорим билан хайрлашганим, онамнинг йиғлаб қолгани, самолёт, булутлар. Қошини сартарошга олдирган хотин, "Муха" опа... Бир маҳал Шодивойнинг каравоти ғирчиллай бошлади.

— Шоди,— дедим бошимни кўтариб.— Нима қиляпсан?

— Дадам айтди-ку! Ёстиғимнинг тагига қўйиб ётмасам...— Жўрам аввал ёстиқни кўтариб, бояги дипломатни жойлаб кўрди. Кейин, кўнгли ўрнига тушмади, шекилли, тўшак қатини очиб, дипломатини қўйди. Устидан тўшак ёпди. Унинг устидан чойшаб ёйди. Устига ёстиғини босди.

Шошма! Раис бува Шодивойни бекорга огоҳлантирдими? Менинг чамадонимдаги нарсалар уникидан камми? Ўн олтита патир, бир тўрва бўғирсоқ, ярим тўрва ёнғоқ, ярим тўрва қурут... Энг муҳими дадамнинг костюми, 3 сўм 60 тийинлик пайпоқ...

Мен ҳам ўрнимдан иргиб турдим-да, яланғоёқ шипиллаб бориб, шкафни тарақ-туруқ қилиб очдим. Чамадонимнинг бандидан икки қўллаб кўтариб келиб, ёстиғимнинг тагига босдим.

— Нима қиляпсан, Қўшо?— деди Шодивой пичирлаб.

— Чамадонимни эҳтиёт қиляпман, жўра,— дедим мен ҳам пичирлаб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўғри-да! Гастинсани ўғри босса, Раис бува йўқ. Шодивойнинг кичкинагина дипломатини ўғирлаганда менинг хуржундек чамадонимни соғ қўярмиди?

Бошимни ёстиққа ташлаганимни биламан. Дўқ этган овоз эшитилди. Гарданим чунонам зирқираб кетдики, афтим олмақоқидек бужмайиб кетди-ёв. Бўйнимни силаб-силаб бу гал ёстиққа бошимни секинроқ ташладим.

— Ухлаймизми, Шоди...— дедим пичирлаб.

— Майли, Қўшо...

Шу Тошкент деганиям хўп серғалва шаҳар экан-да! Кўча тўла шов-шув, вағ-вуғ. Хонамиз зириллайди. Ҳаммасиям майли-ку, ётибманми, ўтирибманми, ўзим билмайман. Ёстиқ остидан чамадоним ғўдайиб турибди. Гарданим ҳалиям зирқиллаяпти.

Охири кўзим илинибди. Бир маҳал аллақандай шатир-шутир товушдан уйғониб кетдим. Товуш чап томондан келар эди. Аввалига қаерда ётганимни билолмадим. Ғалати товуш эса, ҳамон шипилларди.

— Олти минг бир юз йигирма беш... Олти минг бир юз эллик, олти минг бир юз етмиш беш... Олти минг бир юз саксон беш... Олти минг икки юз ўн...

Секин ўгирилиб қарасам, Шодивой каравотида чордана қуриб ўтирибди. Кун бўйи Раис бува қўлида кўтариб юрган дипломатнинг оғзи очиқ. Деразадан тушиб турган бир тутам нур остида каравотда юз сўмлик, эллик сўмлик, йигирма беш сўмлик, хуллас, бир қучоқ пул ётибди. Шодивой ғайрат билан санаяпти.

— Етти минг йигирма беш. Етти минг эллик.

— Менгаям ошир!

Уйқусираб турганим учунми, овозим шунақанги дўриллаб чиқдики, ўзим ҳам қўрқиб кетдим.

Шодивой пул санашдан тўхтаб қолди. Ичидан ингранган ўхшаш овоз чиқди. Кейин "дод" дедию ўзини дипломат устига ташлади. Ўша заҳоти тўшакда ёйилиб ётган пуллар эсига тушиб қолди шекилли, патир-путир қилиб юз сўмлик, эллик сўмлик пулларни чангаллаб, майкасининг ичига тиқишга тушди.

— Вой-дод! Ўғри!

Баттар қўрқиб кетдим. Сапчиб ўрнимдан туриб, чироқни ёқдим. Ўртоғимнинг ранги қув ўчиб кетган, тутқаноқ тутган одамдек оёқ-қўлини баравар типирлатиб, пулларни яширишга уриняпти.

— Шоди!— дедим бақириб.— Эсинг жойидами?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Стол устида турган графиндан стаканга сув қуйиб аввал юзига сепдим. Кейин ичирдим.

— Ким?— Шодивой тишлари такиллаб, стакандаги сувдан беш-олти қултум ғўлқиллатиб ичганидан кейингина ранги сал ўзига келди.— Ким, Қўшо?— деди ҳамон титраб.— Пулингдан бер, деб ким айтди?

— Э, ўл-е!— жўрамнинг яланғоч елкасига қарсиллатиб собқолдим.— Пулинг билан қўшмозор бўл-е!

— Меникимас...— Шодивой кўзимга илтижоли термулди.— Дадам айтган. Домланики... Санашиб юборасанми?

— Ухла!— дедим тўнғиллаб.— Эртага санайсан!

— Жон Қўшо...— Шодивой ҳамон титраганча ялинди.— Дадамга айтмагин, хўпми? Папкани нега очдинг деб ўлдиради!

Ўнинчи боб

ДОМЛАЖОННИНГ "ХАТОСИ"

Эрталаб бўйним оғриб уйғондим. Хона тўридаги тошойнага қарасам, бошим чап елкамга ёпишиб қопти. Бундан чиқди, ўнг ёнбошим билан ётган эканман-да! Муттасил қичишаётган биқинимни қашлаган эдим, қўлим дўппайиб турган тугунчага тегди. Тугун баданимга ботиб, чуқурча қилиб юборибди.

Рўмолни ечиб, пулимни санаб кўрдим. Жойида: бир юз ўн тўрт сўм. Шошма, қийналиб нима қилдим? Киссамга солиб қўя қолсам бўлмайдими?! Зўр келса, қўлимни чўнтагимга суқиб юра қоламан-да!

Шодивойни уйғотиш қийин бўлди. Ювиниш учун ваннахонага кириб кетаётганида бундоқ юзига қарасам, афтини кўриб бўлмайди. Ҳаммаёғига учуқ тошиб кетибди. Кечаси ёмон қўрққан экан, шўрлик!

Чамадонимни очиб, иккита патир, бир ҳовуч туршак, ёнғоқ, тўртта қурут олдим. (Хайрият-ей, қадрдон хуржуним сал-пал "озди".)

— Ана энди бир чойнаккина кўк чой бўлса...

Гапим оғзимдан чиқмасидан эшик тақиллади. Чопиб бордим:

— Раис бова...

Эшик ортидан қўнғироқдек овоз келди:

— Завтрак!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Анграйиб қопман. Нима бало, чўпчаклардаги сеҳрли саройга кириб қолганмизми? Нимани хоҳласанг, оғзингдан чиқмасдан муҳайё қилишади.

Калитни бураб, эшикни очсам, белига оппоқ пешбанд боғлаган нозиккина, чиройликкина қиз ялтироқ тутқичли аравача бандидан ушлаб жилмайиб турибди.

У бир зумда стол устини тўлдириб ташлади. Икки стакан қаймоқ, тўртта нон, икки чойнак чой, иккита ишкалат, пишлоқ... Ҳатто ўртачароқ лагандек келадиган торт ҳам бор. Яна иккита талинкада тўртбурчак перашкалар.

— Гўштли блинчик...— деди қиз жилмайиб.

Аравачасини ғилдиратиб эшик томон юрган эди "бойваччалигим" тутиб кетди.

— Қанча бўлади?— дедим Раис бувага ўхшаб, чўнтакка қўл суқиб.

— Пули тўланган...— олдига пешбанд тақкан қиз эшикда тўхтаб, ширингина жилмайди.

— Чойингиз тўқсон бешми?

— Икки хил,— қиз бу сафар энсаси қотиброқ илжайди.— Биттаси қора — индийский. Биттаси кўк.

Ваннахонадан елкасига сочиқ ташлаган Шодивой чиқиб келди.

— Ўтир, заптрик қиламиз,— жўрамни қўлидан судраб стол олдига обордим.

Қаймоғи бирам ёғли, нонлари бирам иссиқ, тўртбурчак сомсаси бирам мазали...

Мен-ку, ноз-неъматларни пок-покиза туширяпман. Қарасам, Шодивой, кечаси бехосдан тагини ҳўллаб қўйган боладек, бўзрайиб ўтирибди.

— Емайсанми?— дедим сомсага имо қилиб.— Қиймасини ўхшатиб қовурибди.

— Еёлмайман!— жўрам оғзини кафти билан бекитиб минғиллади.— Лабим ачишяпти.

Бечора! Ювинганида икки лабининг бурчидаги учуқлар қонаб кетибди.

— Оғзимни очолмаяпман, Қўшо...

— Олдин қаймоқни ичгин, Шоди! Лабинг ёғланиб, ўзидан-ўзи йўли очилиб кетади.

...Нонушта қилиб бўлгач, дарс тайёрлашга ўтирдик. Яъни, шпаргалкаларни ўқиб чиқа бошладик. Тўғри-да, биринчи имтиҳон ёзмадан — иншо. Мактабдаги адабиёт маълимимиз ҳам роса ғайрат қипти, ўзи. Ўн олтита иншони ипга тергандек ёзиб ташлабди. Алишер Навоийнинг "Хамса"сидаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Фарҳод ва Ширин" достони, Ғафур Ғуломнинг "Сен етим эмассан" шеъри, Абдулла Қаҳҳорнинг "Шоҳи сўзана"си, "Ҳамид Олимжон — бахт куйчиси", яна аллақанча иншолар. Эркин темаларни айтмайсизми? "Тинчлик — бизнинг ҳаётимиз", "Меҳнат — менинг бахтим", "Ватанимни севаман", "Мен севган касб..." Хуллас, ўн олтита.

— Қўшо...— деди Шодивой учуқ тошган лабини аранг қимирлатиб.— "Қутлуғ қон" тушса яхши бўларди. Шу тема осон.

Маълимимиз ёзиб берган иншолар орасидан "Қутлуғ қон"ни топдик. Тўрт ярим бет экан.

— Камроқмасми, Шоди?— дедим иккиланиб.

— Яна нимани қўшасан?

— Янами?— ўйлаб қолдим. Билағонлигимни кўрсатиб қўйгим келди.— Масалан, Йўлчи пахтада ишлайдими? Маълим "Йўлчи тўнка кавлайди, ғўза суғоради", дебди. Тўнка кавлашнинг пахтага қандай алоқаси бор?

Шодивой, яна нима қўшса бўлади, дегандек кўзимга термулди.

— Масалан, ягана қиладими? Ўтоқ қиладими? Чопиқ қиладими? Чеканка-чи? Культивация-чи? Пахта териш, подбор териш, варахага кўрак ташлаш... Шулар ҳам меҳнат-да!

Қизишиб кетиб, жўрамга иншо қандай ёзилишини шунақанги бақириб тушунтира бошлабманки, эшик очилиб, Раис бувanинг кириб келганини кўрмай қопман.

— Эшикни қулфлаб ўтирларинг демабмидим?!

Раис бувадан роса дакки еймиз деб қўрқиб кетдим. Йўқ, разм солсам, уришадиган ҳоли йўқ. Кечаси билан кўпкарида улоқ чопган айғир отдек сўлжайиб қопти. Ранги бир ҳолатда. Назаримда, кўзлари юмилиб-юмилиб кетаётгандек.

— Заптирка бердими?— деди чўзиб-чўзиб эснаб.— Яхши! Кийинларинг. Бир жойга борамиз...

* * *

Тошкент шунақанги катта шаҳар эканки, таксида бир соат юрсак ҳам охири кўринмайди! Юриб-юриб икки чети олчазор кўчага кирдик, пишиқ ғиштдан қурилган, деразасига темир панжара тутилган уй рўпарасида тўхтадик. Раис бува пуштиранг сирли бўёққа бўялган дарвоза томон юрди. Шодивой иккаламиз биянинг кетидан эргашган тойчоқлардек зинғиллади. Раис буванинг дарвозасиниям мақтаб юрган эканман-да! Дарвоза деган мана бунақа бўлади! Раис бува-

www.ziyouz.com kutubxonasi

никига танк сиғса, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бу дарвозага осмондан учиб тушган юк самолёти пир этиб кириб кетаверади!

Раис бува дарвоза бурчагидаги тугмачани босган эди, ичкаридан "блюм-блюм" деган овоз келди. Раис бува бир қадам орқага чекиниб, кафтини оғзига босганча ҳузур қилиб эснаб қўйди. Ичкаридан жавоб бўлавермагач, бориб яна тугмачани босди. Қўнғироқ бийрон жиринглаб кетди. "Блюм-блюм-блюм".

Дарвоза қия очилиб, ялтироқ, гулдор халат кийган новчагина, кўҳликкина хотин мўралади.

— Келинглар...— деди иккиланиброқ.

— Ассалом алайке-ем, янга! ("Ферма тоға" Раис бувага қанақа салом берса, Раис бува ҳам "янга"га шунақа салом берди.) Ассаломалай-ке-ем! Янгажон! Саломат омонгина бормисиз? Эшик-эллар, кадрлар яхшими?

— Раҳмат!— "Янга" хавотирланиброқ ҳаммамизга бир-бир қараб чиқди.

Раис бува унинг унсиз саволини тушунди чоғи, илжайиб сўради:

— Домла уйдамилар?

— Йўғийдилар-а!— "Янга" афсус-надомат билан бош чайқади.

— Қаёқдалар?

— Ленинградга кетганлар.

— Қанчага?

— Икки ойга. Павишенияга.

— Ия, янгажон, катта домлаям павишена қиладими?

"Янга" тағин ҳаммамизга бирма-бир қараб чиқди.

— Қачон қайтадилар?— деди Раис бува овозини баландлатиб.

— Сентябрнинг охирларида келиб қолсалар керак.

— Домла Ленинградга павишенага кетган бўлсалар, сентябрда қайтсалар, айтиб қўйинг, янга!— деди Раис бува шанғиллаб.— "Машъал" колхозидан раис жўрангиз келиб-кетди, бугун кечқурун соат ўнда яна келаркан, зарур юмуши бормиш, денг, уқдингизми?

"Янга" олазарак бўлиб, у ёқ-бу ёққа қараб олди.

— Секин-е!— деди таҳдидли, аммо паст овозда.— Ўн иккидан кейин...— У бир зум жимиб қолди-да, норози тўнғиллади:— Таксини эшик олдигача обкелишга бало борми!

— Бўлди, янгажон, бенават!— Раис бува мамнун илжайди.— Юрларинг!— деди-ю, Шоди иккаламизни етаклаб на-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рироқда пойлаб турган таксига қайтадан ўтқазди. Аллақайси бекатга борганда машинани тўхтатди.

— Буларни бояги жойга обориб қўясан!— деди шопирга 25 сўмлик узатиб.— Укдингми?— ўзи "дипломат"ини олиб, тушиб кетди.

Такси гастиниса олдида тўхташи билан жўрамга ялиндим:

— Биттадан морожний ейлик, Шоди.

— Пулим йўқ-да, Қўшо,— деди Шодивой мунғайиб.

— Бизда-да, пулнинг кони, жўражон!— пул тугуқли рўмол солинган чўнтагимни шапатилаб қўйдим.

Рўпарадаги боғ ичига кирдик. Салқин майдончага оппоқ, юмалоқ столлар қўйилган. Одамлар тўртта-тўрттадан ўтириб олиб, ялтироқ ликопчалардаги морожнийни уряпти.

— Сен жой олиб тур!— дедим Шодивойга. Ўзим ўнтача одам орқасидан очиридга турдим. Юмалоқ, ойнабанд уйча ичида ўтирган оппоққина, дўмбоққина хотин (ҳар куни текин морожний ейди-ку, дўмбоқ бўлмайдими?) ҳар минутда "следующий" деб турибди. Морожнийси ҳам ўзимизнинг хлоппункт олдида сотиладиган музқаймоққа ўхшамайди. Ранги бошқачароқми-ей!

Морожнийчи хотиннинг ишиям осон экан. Биз томонларда морожнийни тарозига солиб тортиб беради. Бу хотин тўртбурчак ялтироқ қутининг тутқичини бир айлантирса, ликопчага морожнийнинг ўзи буралиб-буралиб тушади-ю, гулга ўхшаб қолади. Семиз хотиннинг қўли-қўлига тегмайди. Ликопчага тушган морожний устига бир қошиқ ишкалад кукуни, бир қошиқ қип-қизил шарбат, яна бир чимдим чақилган ёнғоқми-ей алланима, сепади-да, туйнукдан узатади.

— Следующий!

— Икки порс!— дедим яқин бориб.

Хотин бир зумда икки ликопча тўла морожнийни туйнукдан узатди.

— Следующий!

Оббо! Ўзим ҳам қизиқман-да! Ҳали пулни санаганимда иштапил рўмолни шунақанги чандилаб боғлаган эканманки, ечаман деб тирноқларим кўчиб кетди.

— Следующий!— хотин бетоқат бўлиб, қўлидаги қошиқ билан пештахтани уриб қўйди. Тугунчани тишим билан ечишга уриниб ётганимда кимдир орқамдан турди:

— Сурилсанг-чи, ҳой!

Эси жойидами, пул тўламай-я, қаёққа суриламан! Хайрият, тугунни ечдим. Мана, бир сўмлик ҳам бор экан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Издача!— дедим бир сўмликни узатиб.

— Нима?!— семиз хотиннинг афти буришиб кетди.— Яна ўттиз тийин! Бир порцияси 65 тийин туради.

Оббо! Ўзимизнинг морожний яхши экан-ку! Бир сўмга беш порс бериб, тағин "келиб туринг, ука", деб қўярди.

Уч сўмлик бериб, тўнғилладим:

— Майда йўқ!

Эрталаб лаби ачишиб, оғзини очолмаган Шодивой морожнийни кўриши билан иштаҳаси шунақанги карнай бўлиб кетдики, ликопчага тўрт марта қошиқ ботириб, лўқ этиб ютиб қўя қолди. Шу, Шодивой ҳам гирт саводсиз-да! Морожний ейишни анави қизлардан ўрганса бўлмайдими? Нариги столда иккита қиз ўтирибди. Қошиқнинг учига жимжа морожнийни илиб олади-да, нозиккина пуштиранг тилини чиқариб, ялайди. Ўзлариям чунонам кетворган, чунонам оппоқ. Икkаласиям атлас кўйлак кийган. Кўйлаги шунақа калтаки, дўмбоққина болдирлари кўриниб турибди.

Эсон-омон ўқишга кириб олай. Каттароқ домланинг кетворган қизи мени севиб қолади. "Қўшовой акажон!— деб бўйнимга осилади.— Сизсиз ўлиб қоламан",— дейди. "Йиғлама,— дейман оппоққина юзини силаб.— Майли, сенга уйланаман...", "Дадамга айтаман, бизга уй олиб беради. Икки хонали", дейди. "Йўқ,— дейман оёқ тираб,— қишлоққа кетмасак бўлмайди. Келин бўлганингдан кейин ота-онамнинг хизматини қилишинг керак-да!", "Майли, беш хонали", дейди у ялиниб.

Хаёл суриб кетган эканман, бошим устида биров ғўлдиради:

— Бўлдингми, ҳов бола! Жойни бўшат.

Қарасам, тепамда ингичка мўйлов қўйган йигит икки қўлида иккитадан тўртта ликопча кўтариб турибди. Ёнида учта қиз. Менинг биттаям "қизим" йўғ-у, буники учта! Э, ўл, очофат! Жиллақурса иккитасини бер, Шодивой билан менга. Ия, Шодивой қани? Аллақачон морожнийни еб бўлиб дарахт тагига бориб олибди-ку! Бояги қизлар қани? Осмонга учиб кетдими?

— Энди дарс қиламиз!— деди жўрам гастиниса томон судраб.

* * *

Ярим кечадан ошганда Раис бува бизни эргаштириб яна "катта домла" жўрасининг уйига олиб борди. Фақат бу са-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фар таксига кўча бошида жавоб бериб юборди. Икки томонда олча дарахтлари саф тортган, симёғочлардаги лампочкалардан олачалпоқ нур тўкилиб турган жимжит кўчадан ўтиб, ўша қадрдон дарвоза олдида тўхтадик. Бу сафар қўнғироқ икки марта жиринглаши билан дарвоза қия очилди. "Катта домла" деганда тилла кўзойнак тақадиган, тилла ҳасса тутиб юрадиган, сочлари оқариб кетган одам хаёлимга келган эди. Йўқ, телевизорда кўрсатадиган гимнастикачиларникига ўхшаган спорт кийими кийиб олган киши дарвоза пештоқида ёниб турган лампочка нурида жилмайиб турарди. Чамамда, "катта домла"нинг юзидан ҳам нур ёғилиб кетгандек бўлди.

— Э, Тошмамат ака, хуш кепсиз!— "Катта домла" шундай деб Раис буванинг қўлини қисди. Ҳатто Шодивой иккаламиз билан ҳам қўл олишиб кўришди.

— Салом, йигитлар, салом!— деди мулойим кулимсираб.

Усти ёпиқ дарвозахонага киришимиз билан бир бурчакда ётган, қулоғи диккайган итни кўриб этим жимирлашиб кетди. Ўзиям Тулпоримнинг ярмичалик кеп қолар-ов! Ечилиб кетсаям ғажийди-да одамни! Йўқ, ит жонивор кечаси келиб-кетадиган бизга ўхшаган меҳмонларга ўрганиб қолганми, занжирини шиқирлатиб, бошини бир силкиб қўйди-ю, оғзини катта очиб эснади. Ҳар биттаси ўртачароқ қозиқдек келадиган тишлари чироқ нурида йилтираб кетди. Обдан эснаб бўлгач, ёнбошидаги гулдор тоғорачада ётган яримта тортни бир-икки искади-да, энсаси қотиб узала тушиб олди. Ё тавба, ақалли номига бўлсаям бир марта "вов" деб қўймади-я!

— Кесинлар, Тошмамат ака, кесинлар!— "Катта домла" илдам қадамлар билан ҳаммамизни ҳовлига бошлаб кирди. Ҳовлимас, нақ жаннатнинг ўзи! Айвон пештоқидаги ўқловдек узун, оппоқ чироқ нурида ҳовлидаги анвойи гуллар товланиб ётибди. Тунука томга туташиб кетган баланд-баланд сўрилардан узум бошлари мўралайди. Узумга кул тушганини дарров пайқадим. Хомтокни чала қилган-да. Олим бўлгани билан деққончиликни билмаганидан кейин шу-да.

"Катта домла" ҳовли бурчагидаги олма тагига, нақшинкор сўри олдига бошлади:

— Лайло, қизим, битта чой ташкил қилинглар.

Раис бува дипломатини сўри бурчагига қўйиб, тўрга чиқди. Биз пастроққа чўккаладик.

— Йигитларни обкепсиз-да, Тошмамат ака!— "Катта домла" Раис бувага қараб яна кулимсиради. Шундагина унинг жудаям ёш эмаслигини, сочига оқ оралаганини, кулганда

www.ziyouz.com kutubxonasi

юзи беш йил бурун қазо қилган момомнинг маҳсисидек тиришиб кетишини пайқадим.— Кадрлар ўқисин, дебсиз-да? Э, маладес! Маладес!

— Энди, домлажон, бизлар ўқиёлмадик!— Раис бува чордана қуриб жойлашиброқ ўгириб олди.— План дедик, хўжаликни машъал қиламиз дедик... Жиллақурса кадрлар олим бўлсин-да энди.

— Зап ўйлабсиз-да!— "Катта домла" аввал сўри бурчагида ёнбошлаб турган "дипломат"га, кейин менга, ундан кейин Шодивойга, ана ундан кейин Раис бувага қаради.— Маладес,— деди-ю, овози негадир ҳазинроқ чиқди. Чамаси, бу "кадр"ларнинг қайси бирига ёрдам беришим керак, демоқчи бўлди.

Шу пайт орқа томонда шип-шип қадам товуши эшитилди. Мундай қарасам, юзи сутдек тиниқ, қоп-қора сочлари елкасига ёйилган қиз кумуш патнисча кўтариб келяпти. Ичимдан узундан-узоқ хўрсиниқ тошиб келди. Вой-бў! Шунақаям чиройли қиз бўларкан-да жаҳонда! Ўзиям чунонам нозикки, сув ичса томоғидан, сабзи еса биқинидан кўринади-я! Бояги морожнийхўр қизлар бунинг олдида нима бўпти! Мана-да, дадажонимнинг бўлажак келини! Ўқишга кириб олай, Лайлохоннинг бошини шунақанги айлантириб ташлайманки! Аввал узумларини хомток қиламан, гулларини суғораман. Кейин секин-секин... Қарабсизки, бўйнимга осилиб йиғлайди. "Жон, Қўшожон ака..." Дадамга — бу ёққа жўнаётганимда хайрлашмаган, "Ўғлинг бир ҳафтада тўрвасини кўтариб қайтиб келади", деган дадамга кўрсатиб қўямиз. "Дадавой, мана, келинингиз билан танишиб қўйинг!" деймиз. "Унча-мунча одам эмас, нақ энг катта домланинг ўзлари билан қуда бўлдингиз, энди хоҳласам, ҳамма қариндошуруғларни Тошканни энг зўр институтларига жойлайвераман", деймиз!

Шунақа-ку, келин бўлмиш сал озғинроқми? Зиёни йўқ. Кейин семириб кетади. Кийинишиям... А? "Катта домла"нинг ўзига ўхшаб "спортивний" кийим кийиб обди. Майли, эсли қизга ўхшайди. Тушунтирамиз. "Лайлохон, қишлоқ жойда бунақа кийиниб юриш уят бўлади. Энам хафа бўлади. Сигир соғиш бор, томорқа бор..."

Лайлохон зиналардан лип этиб сўрига чиқди-да, салом берди. (Овози мунча ширин! Боя "блюм-блюм" қилган қўнғироқнинг ўзи-я!)

— Ваалайкум ассалом! Бахтли бўлинг, қизим...— Раис бува илжайиб алик олди. Оббо, ўзининг Шодивойига мўлжал-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаб қўйди шекилли! Кўрамиз, ким олғирроқ экан. Менми, Шодивойими?

Лайлохон зинадан лип этиб тушди-ю, чопқиллаб уй томонга кетди. Қоматни қаранг!

— Қани, осинлар...— "Катта домла" нон ушатди. Чой қуйди. Қанд-қурс, бодом, асал солинган биллур идиш тўла патнисчага имо қилди.— Марҳамат.

Асални бошимга ураманми? Икки кўзим Лайлохон кириб кетган уйда. Қарасам, Шодивой ҳам ўша томонга қараб кўзини лўқ қилиб ўтирибди. Вой, кўнглингнинг кўчасидан ўргилдим! Биқинингга соб қолайми?

— Лайлохон қизим нечанчи синфга кўчди?— деди Раис бува чой ҳўплаб.

"Катта домла" кулди:

— Бу йил тўртинчи курсга боради. Ўзимизда ўқияпти. Павишенний стипендия олади.

Нима? Ширингина хаёлларим бир зумда алғов-далғов бўп кетди. Лайлохон тўртинчи курсга борса... бундан чиқди мендан камида икки ёш катта экан-да. Мен уни нари борса саккизинчи синфга кўчган десам... Майли, бизга синглисиям бўлаверади. "Катта домла"нинг қизи битта эмасдир, ахир!

— Хў-ўш...— "Катта домла" боя узилиб қолган гапини давом эттиргиси келди шекилли, бир менга, бир Шодивойга қараб, дангалига кўчиб қўя қолди:— Хуллас, Тошмамат ака, қайси бири кирмоқчи бизнинг факультетга?

— Бизнинг кадр буниси!— Раис бува Шодивойга имо қилди.— Муштдек болалигидан сўт бўламан, дейди. Бўлмаса-ку бошқа жойлардаям сизга ўхшаган қадрдонлар кўп.

"Катта домла", "Бўлмаса манави нега эргашиб юрибди", дегандек менга чимирилиброқ қараб қўйди.

— Буям ўзимизнинг колхозни боласи. Отаси қўли қисқароқ одам-ку, ўзи дуруст бола. Бизни Шодивой, жўрамниям обормасангиз ўқишга кирмайман, деб туриб олса бўладими?

"Катта домла" хўрсинди. Нимага хўрсинганини тушунмадим. "Бир болангни-ку олиб келдинг, иккинчи дардисарга бало бормиди", демоқчи бўлдими, ё отасининг қўли қисқароқ деган гап ёқмадими, хуллас, билмадим.

— Тошмамат ака,— деди "Катта домла" жиддий оҳангда.— Ҳозир замон нозик. Биринчидан, бизга меҳнат стажи борлар киради.

— Бор-да ўша истаж!— Раис бува дарров унинг гапини кесди.— Буларга еттинчи синфдан бошлаб меҳнат дафтарчаси очилган. Иккаласиям меҳнатдан қочадиган болалар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мас! Эсон-омон кириб олса кўрасиз. Пахта теримида энг передовойи шулар бўлади.

— Тўғри-ку!— "Катта домла" қийшайиб ётган дипломатга зимдан қараб қўйди.— Имтиҳон комиссияси жа строгий! Ҳар томонлама синовдан ўтказади.— У бир зум ўйланиб турди-да, тўсатдан сўраб қолди:— Қани айтинглар-чи, йигитлар: қу саккиз юз саксон беш квадрат илдиздан пи бир юз ўттиз уч куб илдизни айирса қанча бўлади?

Оғзим ланг очилиб қолди. Нима деяпти бу? Мен Шодивойга қарадим, Шодивой менга...

Тўсатдан пулим эсимга тушиб қолди. Чўнтагимни пайпаслаб кўрдим. Тугун жойида. Шунақа-ку, пешинда бир юз ўн тўрт сўм пулим бор эди. Иккита морожний олдим. Семиз хотинга аввал бир сўм бердим. Яна ўттиз тийин сўради. Бир сўмлигим йўқ экан, уч сўмлик бердим. Ўшанда морожнийчи хотин аввал берган бир сўмлигимни қайтардимийўқми? Ҳа, қайтарди. Кейин яна бир сўм 70 тийин берди. Демак, бошида пулим бир юз ўн тўрт сўм бўлса, бир сўм ўттиз тийинга морожний олган бўлсак, ҳаммаси бўлиб ёнимда қанча пул қолди?

— Бир юз ўн икки сўм етмиш тийин!— ҳисоб-китобга жуда берилиб кетган эканманми, овозимни чиқариб гапириб юборибман.

— Нима?!— "Катта домла"нинг пешонаси тиришиб кетди.

— Энди, домлажон...— Раис бува менга кўзини бир олакула қилиб, "домла"га юзланди.— Булар "қу-пу"ингизни биладими. Эсини танибдики, даладан бери келмайди. Қолаверса, ҳисоб факультетига кираётгани йўқ-ку.

— Барибир...— "Катта домла" қовоғини солди.— Ҳозирги кунда юридика энг пристижний соҳа. Талабгорлар кўп. Кейин... умуман... адлия ходими ҳамма нарсани билиши шарт. Тарихниям, математиканиям, иқтисодниям.

— Пул санашни,— деб қўйдим дадамнинг гапи эсимга тушиб. "Катта домла" мен томонга хавотирланиброқ қараб олди. Раис бувага шунақанги таъна-маломат билан ўқрайдики, ўзим ҳам қўрқиб кетдим.

— Аммо Шодивой — зеҳнли бола!— деди Раис бува шошапиша.— Кўрасиз, домлажон, ишончингизни бир юз эллик процент оқлайди. Қолаверса, бу ёқда ўзимиз турибмиз.

...Шодивой иккаламиз нимқоронғи кўча бошида Раис бувани чиқишини пойлаб анча туриб қолдик. Охири Раис бува "Катта домла"ни инсофга келтирди шекилли, енгил тортиброқ чиқди. Ўзи ҳам, қўли ҳам...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бирпас гапга аралашмай турсанг ўлармидинг, тутхўр!— деди менга хўмрайиб. Аммо бошқа койимади.— Қаттиқроқ тайёрланларинг. Экзаменни Бегматов деган одам оларкан. Домла айтиб қўядиган бўлди. Бегматовнинг ўзи сенларни топиб олади.

...Бегматов дегани юзи қошиқдеккина, кўзойнаги пиёладеккина киши экан. Бир куни консультациядан кейин Шодивойга имо қилиб, "сен қол", деди. Мени унутиб қўйдиёв! Ҳамма чиқиб кетганидан кейин Шодивой иккаламиз аудиторияда қолдик.

— Сен нима қилиб ўтирибсан?— деди Бегматов кўзойнаги устидан менга ўқрайиб.

— Буям ўқишга кирмоқчи!— Бегматов менга қанақа ўқрайган бўлса, Шодивой ҳам унга шунақа ўқрайиб қаради.

— Бўпти!— Бегматов Шодивойнинг қоғоз папкасидан маълимимиз ёзиб берган иншоларни олиб текшириб чиқди. Баъзи жойларини тузатди.— Ўқитувчинг пишиқ экан,— деди хурсанд бўлиб.— Бехато кўчирсанг, "беш"га тортади. Эртага охирги қаторга ўтир.— Шундай деди-ю, чиқди-кетди.

...Мана, ўтирибмиз охирги партада! Омадни қарангки, худди ўша "Қутлуғ қон" тушса денг. Каттакон аудитория жимжит. Юздан ортиқ йигитлару қизлар шипиллатиб иншо ёзиб ётибди. Нариги қатор оралаб кексароқ хотин, бизнинг қатор томонда Бегматов у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб турибди. Маълимимиз ёзиб берган иншони ўртага қўйиб олганмиз. У ёқдан Шодивой кўчиради, бу ёқдан мен.

Энди учинчи бетга ўтган эдик, ўртароқда шовқин-сурон бўлиб кетди.

— Тур ўрнингдан!— деди Бегматов дағдаға билан.— Чўнтагингни кўрсат. Унисинимас, чап чўнтагингни!

Эскироқ дўппи кийган йигит талмовсираб ўрнидан турди.

— Кўчирганим йўқ, домла,— деди ялиниб.— Мен эркин тема ёзяпман. Унақаси йўқ менда.

— Манавилар шпаргалка бўлмай нима?

— Ишонмасангиз қаранг! Менда унақаси йўқ!— йигит бечоранинг ранги оқариб кетди.

— Чиқиб кет!

— Домлажон! Мен уч йилдан бери келаман,— йигит алам билан ер тепинди.— Кўчирганим йўқ. Ўзим яхши биламан бу темани.

— Янаги йилга тўртинчи марта келасан!— Бегматов дўппили йигитнинг ёзаётган нарсасини олиб, икки буклади. Шошилмасдан чўнтагига тиқди-да, эшикни кўрсатди.— Марш!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Вой-бў! Домлажоннинг аччиғи ёмон экан-ку! Бир маҳал қарасам, домлажон биз томонга бостириб келяпти.

— Бекит, Шоди!— дедим жонҳолатда.

Шоди шошиб қолганидан маълимимиз ёзган иншони бир тортган эди, қоғоз "шалоп" этиб стол тагига тушди. "Бўлди! Тамом бўлдик! Мен-ку, майли, қайтиб кетавераман. Жўрам дадасидан балога қоладиган бўлди-да!"

Домлажон зипиллаб тепамизга келди. Ерда ётган шпаргалка-қоғозни энгашиб олди.

— Туппа-тузук ёзибсан-ку!— деди кўзойнаги орқасидан мулойим жилмайиб. Қоғозни стол устига қўйди.— Шошмасдан ёзгин, хўпми? Ундан кейин... "меҳнат қилип" деб ёзилмайди. Охирги ҳарфи"б" бўлади. "Меҳнат қилиб"... Тузатиб қўй...

Шодивой черновойдаги "п"ни "б" қилиб ўзгартирди. Мен ҳам иссиғида ўзгартириб қўя қолдим.

— Ёзишинг дуруст!— деди Бегматов домла Шодивойнинг ишига кўз югуртириб.— Шошилма, ҳали икки соат вақт бор.

Черновойни эсон-омон ёзиб бўлдик. Энди оққа кўчириш керак. Ғайрат билан ишлаб ётган эдим, домлажон яна Шодивойнинг тепасига келди.

— Яхши...— деди биринчи бетни ўқиб.— Кейин Шодивойнинг қўлидан ручкани олди-да, иккинчи бетнинг бурчагига билинар-билинмас нуқта қўйди.— Ёзавер,— деб нари кетди.

Қаранг, иккинчи бетнинг бурчагига, нақ қизил чизиқ ёнбошига нуқта қўйиш кераклигини билмас эканмиз-да! Яхшиям домлажон ўргатгани! Домлажон Шодивойнинг беловойига қанақа нуқта қўйиб кетган бўлса, мен ҳам худди ўша иккинчи бетнинг худди ўша бурчагига худди ўшандай нуқта босдим. Катта ҳам эмас, кичик ҳам.

Шодивой иккаламиз жудаям биринчи бўлиб эмас-ку, тўртинчими, бешинчими бўлиб иншони топшириб чиқдик. Оғиз қулоқда.

— Иккаламизникиям "беш" бўлади!— деди Шодивой илжайиб.

— Йўқ, Шоди...— дедим камтарлик билан.— Сеники "беш", меники "тўрт" бўлади.

Раис бува жуда меҳрибон-да! Садақайрағоч тагидаги скамейкада шляпаси билан юзини елпиб кутиб ўтирган экан. Умуман, институт олдидаги майдон одамга тўлиб кетибди. Ҳайронман, анави чол-кампирлар ҳам имтиҳон топширгани келганми, нима бало?

— Бўрими-тулки?— деди Раис бува шляпасини бошига илиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўлбарс!— дедим ижайиб.

— Маладес!— Раис бува Шодивойнинг елкасига қоқди.— Индинга баҳоингни эълон қилишади. Шунисидан "беш" бўлса, оғзакиси чепуха!

...Индинига Раис бува, Шодивой, мен — узун-қисқа бўлиб яна ўша кўп қаватли бино олдига келдик. Вой-бў! Аввалги куни тўпланган одамлар ҳам ёаҳарнов экан. Чияли бозор бўп кетибди-ку, ҳаммаёқ! Похол шляпа кийган қориндор кишилар. Бири атлас, бири ҳилҳилойим кўйлак кийган хотинлар. Майдонча машинага тўлиб кетган. "Волга"лар, "Жигули"лар... "Москвич"лар, ҳатто ойнасига "Р" деган ҳарф ёпиштирилган "Запорожец"гача бор. Тағин номериям ҳар ёқники. Ота-оналар ҳар жой-ҳар жойда тўп-тўп бўлиб турибди. Олақулоқ матодан кенг-мўл кўйлак кийган хотин ўртачароқ самовардек келадиган термосдан чой қуйиб, ёнидаги олача тўнли кишига узатади. Ерга тўшалган ихчамроқ шолчага ўтириб олган тарашадек озғин хотин тоғорадан манти олиб ўғлига тиқиштиради: "Олсанг-чи, иби, котмотта бача уч кундан бери авқот емайсан-ку!"

Бизнинг факультетга харидор жуда кўп эканми, Раис бува бировни тирсаги билан, бировни думбаси билан туртиб, йўл очгунча терлаб кетди. Охири ёғоч панжара тахтага илиб қўйилган рўйхат олдига соғ-саломат етиб бордик. Шошапиша рўйхатни топдим. Мана, "Олтинчи В группа..." Юрагим така-пука бўлиб ўқий бошладим.

— Аббосова — 2, Абдуллаев — 3, Абдураҳмонов — 2, Абусаломова — 2, Аъзамова — 3, Азимова — 4, Алимов...

Нима? Аввал ўнг кўзимни ишқалаб кўрдим. Кейин чап кўзимни... Ҳафсала билан ишқалаб-ишқалаб, қайта ўқидим. Алимов — 2. Ие, бу қанақаси? Ахир Бегматов — домланинг ўзи Шодивойни мақтовди-ку! Шошма, балки бошқа Алимов бордир? Йўқ, аниқ-таниқ қилиб ёзиб қўйибди. "Алимов Ш.— 2".

Ёнимда аллаким отдек, йўқ, менинг Тулпоримдек пишқирди. Қарасам, Раис бува энтикиб-энтикиб нафас оляпти.

Шоша-пиша "С" ҳарфини қидира бошладим. Аслида-ку, излашдан фойда йўқ. Шодивойники 2 бўлса, бизники 1 бўлади-да!

Садриев — 4, Самадова — 2, Сатторова — 5 (хайриятей "беш" ҳам қўяркан-ку), Салимов...

Салимовни пичирлаб ўқидиму кўзим тиниб кетди. Назаримда ҳаво етишмагандек, нафасим қайтиб кетгандек бўлди. "Салимов Қ..."нинг рўпарасида 5 рақами жаранглаб турибди-да! Шошма, тағин бошқа "Салимов" бўлмасин! Йўқ, уёғи

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Тўхтаев — 2"га айланиб кетибди. Шуни ғира-шира англадимки, бир юз йигирмата фамилия орасида бор-йўғи учта "беш" бор экан. Тўрттами-бештами — "тўрт". Еттита — "уч". Қолгани қаторасига — "икки!"

— Кетдик!— Раис бува шундай ҳайқирдики, муттасил чуғур-чуғур қилаётган одамлар ўқ овозини эшитган чумчуқлардек жимжит бўлиб қолди. Раис бува Шодивойнинг билагига чанг солди.— Тезроқ!

— Шошманг!— деди Шодивой юлқиниб.— Қўшоникини кўрай!

— Э, Қўшоғингни!— Раис бува жўрамнинг билагидан чангаллаб судради. Ўз-ўзидан жонли йўлак очилганига хурсанд бўлиб, мен ҳам эргашдим.

— Падарингга лаънат!— Раис бува ташқарига чиқиб баттар энтикди.— "Катта домла" бўлмоқ тугул академик бўлмайсанми! Ҳали шунақанги ўйнатайки, шогирдинг билан... Тезроқ!— деди Шодивойга ўшқириб.

Катта йўл бўйига чиқиб олдик. Раис бува дуч келган машинага қўл кўтара бошлади. Аксига олиб, қани тўхтаса!

— Қўшо,— деди Шодивой пичирлаб,— сеники нечча?

— "Бе-еш",— дедим мен ҳам пичирлаб.— Хафа бўлмагин, жўра, сен кирмасанг, менам кирмайман. Кетаман.

Ниҳоят, сурмаранг такси Раис бувадан сал нари ўтиб тўхтади.

— Гастинисага!— деди Раис бува олд эшикни очиб. Қайси гастинисага боришимизни айтди.

— Мен паркка кетаётган эдим, меҳмон...— кексароқ таксичи хижолат чеккандек илжайди.

— Минг сўм олмайсизми, қанақа одамсиз!— Раис бува шопир олдига ўтириб эшикни қарс ёпди.— Ҳой,— деди бақириб.— Мин чаққонроқ!

Таксичи бир ранги ўчди-ю, индамади. Гастиниса олдига келгунча ҳеч кимдан садо чиқмади. Етиб келишимиз билан Раис бува орқага қараб ўшқирди.

— Тушларинг! Шу ерда пойлаб турасан. Мен ярим соатда келаман. Кетдик!— деди шопирга имо қилиб.— Праписрский городокка!

— Гастинисага дегансиз, меҳмон!— шопир ниҳоятда хотиржамлик билан моторни ўчирди.— Мен паркка боришим керак.

— Ҳов, боди!— Раис қўли титраб чўнтагини кавлади. Битта эллик сўмликни олиб шоирнинг тиззасига шапатилади,— етадими ё яна берайми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ажаб, таксичининг жаҳли Раис буваникидан баттар экан. Лип этиб эшикдан чиқди-ю, машина олдидан айланиб ўтиб, бериги эшикни очди.

— Туш!— деди овози титраб.

Раис бувадек одамни "сенсираган" кишини иккинчи марта кўришим эди. Ҳов, мактабда физика муаллимимиз Ислом Қиличев шунақа муомала қилганда ҳайрон қолган эдим. Бу сафар ҳам ўзим ланг очилиб қолди.

— Туш!— таксичи чайир экан, Раис бувани бир силтаб ташқарига олиб чиқди.— Ол пулингни!— деди-ю, 50 сўмликни Раис буванинг юзига улоқтирди. Пул пирпираб-пирпираб ерга тушди.

— Шошма,— Раис бува ерда ётган 50 сўмликни юлқиб олди.— Шошма!— деди ўдағайлаб.— Сен нимани ерга отяпсан. Биласанми, бу ерда... бу ерда...— у пулни ғазаб билан нуқиди.— Бу ерда давлатимизнинг герби борлигини биласанми? Ким сенга ҳуқуқ берди табаррук нарсамизни оёқости қилишга!

Ажаб, таксичи пинагини бузмади.

— Мен эмас, сен оёқости қиляпсан,— деди-ю, эшикни қарсиллатиб ёпди. Моторни гуриллатиб машинасини бир папаплатган эди, Раис бува жонҳолатда ўзини четга олди.

— Номири нечча, Шоди?— деди чийиллаб.

Шодивой иккаламиз эс-ҳушимизни йиғиб олгунимизча такси кўчадан шовуллаб ўтаётган машиналар дарёсига шўнғиб, кўздан ғойиб бўлди.

— Кутиб турларинг!— Раис бува такси номерини ёзиб олишниям унутиб, кўча четига югурди. Аллақандай "Жигули"ни тўхтатиб, ўтириб олди.

Шодивой иккаламиз мунғайиб қолавердик. Қарасам, ўртоғимнинг кўзига ёш тўлиб турибди.

— Шоди-и!— дедим ялиниб.— Юр, морожний ейлик.

Жўрам индамай кетимдан эргашди. Оқшом тушиб қолгани учунми, морожнийхонада одам кўп эди. Бу гал бир эмас, иккитадан морожний олиб, нақд 2 сўм 60 тийин тўладим.

Аввалги сафар Шодивой морожнийни икки ямлаб бир ютган эди. Энди бўлса, қошиқни ялаб, эрмак қилиб ўтирибди.

— Шоди...— дедим секин.— Яна морожний опкелайми?

— Бўлди,— деди Шодивой илжайишга уриниб.— Тўйдим.

— Шоди,— дедим тағин ялиниб.— Хафа бўлмагин.

— Хафамасман, Қўшо...

Ўйлаб-ўйлаб бир нарсани топдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Менга қара, Шоди...— дедим тантана билан.— Биласанми, нима қиламиз? Мен ўзимнинг "беш"имни сенга бераман! Сенинг "икки"нгни мен оламан!

— Жиннимисан!— Шодивой боядан бери биринчи марта кулиб юборди.— Иккаламиздан биттамизники барибир "икки" бўлиши керак эди-ку!

— Бўпти-да! Меники "икки", сеники "беш" бўлади!

— Қўй, жўра!— Шодивой кўзимга шунақа ақлли, шунақа маъноли тикилдики, дамим ичимга тушиб кетди.— Ўқисам, сен билан ўқийман, бўлмаса керакмас! Сенсиз бир кун ҳам турмайман бу ерда.

Қоронғи тушиб қолганида иккаламиз шўлтиллаб, гастиниса томонга ўтдик. Лифтга ўтириб, еттинчи қаватга кўтарилдик. Бугун "Муха" опанинг навбати экан. Негадир биздан олдин салом берди.

— Келдингларми? Раис ака кутяптилар,— деди илжайиб.

Ўзимизнинг етти юз ўн тўққизинчи номер эшигини энди итармоқчи эдим, ичкаридан келаётган овозни эшитиб, тўхтаб қолдим. Биламан, Раис буванинг аччиғи ёмон. Шодивойга "тўхтаб тур" деб имо қилдим.

— Тартиб борми ўзи сизларда! Лабз борми? Масалан, мен пахта планини бир юз эллик процент бажараман дедимми — бажараман!— Бу Раис буванинг овози эди.— Ернинг тагидан олиб бўлсаям бажараман! Бригадиримга ҳар гектардан 55 центнердан оласан, дедимми — олади. Олмасин-чи, ичагини бошига салла қилиб қўяман! Сиз-чи, сиз? Ким бўпсиз? Нари борса, бир домлачасиз? Нега катта домланинг топшириғини бажармайсиз?

— Бажариш бундан ортиқ бўладими?— бегонароқ товуш асабий жаранглади.— "Катта домла"нинг айтганини қилдим. Черновикни текширдим. Беловикка белги қўйдим. Нима, имтиҳон комиссияси аҳмоқми! Бу — сизнинг колхозингизмас, Раис ака! Шифрларни чалкаштириб ташлашган. Ўғлингиз тайёр иншоним ўн иккита хато билан кўчирибди. Черновою беловойини минг машаққат билан топдим. "Катта домла"нинг юзидан ўтолмай уйимга обордим. Бешинчи курсда ўқийдиган синглимга қайта ёздирдим, тағин нима дейсиз?

— Кимникини?— Раис бува шунақанги чийилладики, йиғлаб юборай деди. (Бечорага раҳмим келиб кетди.)

— Қаёқдан билай?— Раис "домлача" деган одам ундан баттар йиғламсиради. (Энди "домлача" шўрликка юрагим туздек ачиша бошлади.)— Аниқ эсимда бор: белавойга ўз қўлим билан белги қўйганман. Мана шу қўлим билан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кимникига?

— Қаёқдан билай! Белги қўйганимни "беш"га тўғриладимми ахир. Тағин нима дейсизлар.

— Гапни айлантирма, домлача! Сенгаям улуш тегдимийўқми? Шундан гапир!

— Э, қанақа одамсиз ўзи? Менга унақа гапларни гапирманг, ака! Хотиним бўлмаса, бола-чақам бўлмаса...— "Домлача" энтикиб қолди.— Жонимга тегди,— деди инграб.— Тўрт йилдан бери кандидатскийни ёқлолмайман. "Катта домла"нинг юзидан ўтолмай...

— Вой, нимага кирмай турибсизлар? Раис ака кутяптилар!— қулоғим тагида шақиллаган овоздан чўчиб тушдим. Қарасам, "Муха" опа икки қўлида икки чойнак кўтариб турибди. Мени Раис буванинг ўғли деб ўйлади чоғи, огоҳлантирди:— Манг, йигитча, дадангизга айтиб қўйинг. Бунақа гапларни бақириб айтмайди одам. Гостиница — нозик жой. Бунақа ишлар ими-жимида қилинади...

Эшикни қандоқ очдим, чойнак кўтариб қандоқ ичкарига кирдим, эсимда йўқ. Қарасам, тўртбурчак столнинг у томонидан Раис бува, бу томонидан Бегматов домла бир-бирига жўжахўроздек бўйнини чўзиб турибди.

Бегматов домла аввал Шодивойга, кейин менга кўзойнаги орқасидан терсайиб қараб қўйди.

— Сен — Салимовсан-а?— деди Шодивойга.

— Йўқ — Алимов!— Шодивой елкасини қисди.

Домлажон энди менга юзланди.

Сенинг фамилиянг Алимов эмасми?

— Йўқ, домла, Салимов,— дедим ҳеч балога тушунмай.

Бегматов домла, негадир қўллари титраб, ҳар кўзи пиёладек келадиган кўзойнагини ечди-да, тарақлатиб столга ташлади. Тирнаб тешилгандек митти кўзларини менга қадаб, тахминан беш минут турди. Кейин Шодивойга юзланди. Чамамда, жўрамга мендан кўра кўпроқ тикилди. Ундан кейин Раис бувага қаради-да, ингичка елкалари силкиниб ғалати овоз чиқарди. "Их-хи", дедими, "хих-ҳо", дедими, яхши эшитмадим. Ана ундан кейин тўсатдан ўзини орқага ташлаб, Шодивойнинг каравотига йиқилди-да, ғайритабиий қилиқлар қила бошлади. Тикилиброқ қарасам, кулаётган экан. "Хиҳ-ҳи-ҳо!", "Ҳи-ҳи-ҳи!", "Воҳ-ҳо-ҳо!" У каравотга ўтириб олиб чиллакдек тиззаларига уриб кула бошлади.

— Раис ака!— деди энтикиб.— Буларнинг фамилиясини адаштириб юборибмиз-ку, Раис ака! Алимов билан Салимовни чалкаштириб юборибмиз. Иншони Алимов "беш"га

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзган.— У дик этиб ўрнидан турди-да, кўзёшларини артиб, Шодивойнинг рўпарасига келди.— Оббо, ука-ей, оббо азамат-ей! Сал бўлмаса, ғирт адолатсизлик бўларкан-да! "Қутлуғ қон" мавзусидаги иншони сен ёзганмисан? Шуни айтмайсанми, укажон! Табриклайман!— у Шодивойнинг юмшоққина қўлини олиб қисди.— Ёзманг— зўр! Оғзакидан ҳам "беш" олсанг...

Шодивой аланг-жаланг бўлиб қолди.

— Қўшо-чи?— гоҳ домлажонга, гоҳ дадасига қаради.— Қўшонинг иши нима бўлади?— деди қўлини тортиб олишга уриниб.

— Адашибмиз-да, укам!— домлажон Шодивойнинг елкасига қоқди.— Ўртоғинг бу йил бўлмаса янаги йил кираверади. Арзимаган хатолик ўтибди-да, Раис ака... Дарров тўғрилаймиз!— Домлажон пилдираб эшик томон юрди. Боядан бери анграйиб турган Раис бува энди ўзига келди.

— "Катта домла"га салом айтинг!— деди юзига қон югуриб.

Хатосини ўз вақтида пайқаган "домлажон" чиқиб кетиши билан учаламиз бир-биримизга қарадик.

— Домлалар ҳам тирик жон-да!— Раис бува хиёл қизаргандек бўлди. Эркалаб кифтимга қоқди.— Қара, Шодивой билан сенинг фамилиянгни адаштириб юборибди. Йигитлар, энди ресторанга тушиб бир маишат қилайлик.

Раис бува эшик томон йўналган эди, Шодивой тўсатдан ғўлдираб қолди:

— Дада!

— Ҳа!— деди Раис бува унинг рўпарасида тўхтаб.

— Дада...— Шодивой бошини қуйи солди.— Агар Қўшо институтга кирмаса, мен ҳам ўқимайман!

— Ним-ма?— Раис бува икки қадам орқага чекиниб бўйнини чўзди.— Нима дединг?

— Агар Қўшоям кирмаса...

— Аҳмоқ!— Раис бува рапидадек кафтини ёзиб, Шодивойга пўписа қилди.— Ўчир!

Қарасам, Шодивойнинг кўзида ғалати, ёввойи ўт ёниб кетяпти. Қўйиб берсам, ота-бола ёқалашиб кетадиган.

— Шоди...— дедим ялиниб.— Барибир мендан сўт чиқмайди. Сен ўқийвергин, жўражон! Мен пахтада ишлаганим тузук.

— Ўқимайман! Қўшо ўқимаса, менам ўқимайман!— Шодивой жини қўзиб, ҳаммаёқни тўс-тўполон қилиб юборди.— Бошида айтганман: Қўшо кирмаса, мен ҳам кирмайман, деганман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хўп, улим, хўп...— Раис бува унинг елкасига қоқди.— Мана, жўранг шунча ўйнади, кўрмаган жойларни кўрди. Бир йилча сабр қилиб тургин. Янаги сафар жўрангни ўзим олиб келиб, ўзим ўқишга жойлайман... Ким билади, ҳали сен ўқишни битириб боргунингча Қўшовой сенданам зўр одам бўп кетадими?

— Керакмас!— Шодивой қайсарлик билан ер тепинган эди, юпатдим.

— Унақа қилмагин, жўражон! Хўп дегин, ўқий қолгин!

Ўн биринчи боб

"АРПАТЕХНИКА" ҚОИДАЛАРИ

Бугун вилоят радиосидан мухбир келиб, роппа-роса бир соатча қийнади одамни! Ўв, биродар, сендан бошқа ишим йўқми, бу ёқда культивация қолиб кетяпти, дегим келди-ю, тилим бормади. Ростини айтаймн? Мақтаган худога ёқибди, деган гап ҳақ-рост экан! Кейинги пайтларда аканг қараған машҳур бўп кетганмиз! Бир қарасанг, ашқол-дашқолини кўтариб сураткаш келади. Бир қарасанг, дафтар-қаламини кўтариб, газетадан мухбир келади. Суратга тушишу газета мухбири билан гаплашишга устаси фаранг бўп кеттанмиз. Масалан, сураткаш гоҳ трактор кабинасига ўтқазиб, гоҳ чакамга "барака" чаноқни қистириб, беш-олти марта чиқиллатади-ю, кетаверади. Мухбирнинг ишиям осон. Тушликда шўрвадан қуруқ қолганинг демаса, нариси билан ярим соат вақтингни олади. "Бригадангизда неча гектар ер бор?"— дейди. "Ҳар гектардан қанча ҳосил олмоқчисиз?"— дейди. "Ўтган хўжалик йилида қанчадан олгансиз?"— дейди. Савол и оғзидан чиқмасидан жавобни қотириб ташлаймиз. Ёзади-ёзади-да, кетаверади.

Қарабсизки, газетада илжайиб турган суратингиз чиқиб турибди. Вой қисталоқ! Шу — ёзувчиларам жа гапга уста бўлади-да! Сарлавҳасининг зўрлигини айтмайсизми? "Машъал"нинг машъали", "Пахтазорда туғилган йигит", "Оқ олтин заргари..." Хуллас, одам бир оғизга тушдими, ошиғи олчи бўлиб кетавераркан. Тўғрисини айтайми? Ҳадеб кўтар-кўтар қилаверганидан кейин йилига камида беш-олти марта газетада мақтаб чиқмаса, бир нарсасини йўқотган одамдек мунғаядиган бўлиб қоларкансиз!

Э, нимасини айтасиз! Раис бува одам қилди-да, мени! Шундоқ отахоним бўлмаса, юраверардим-да, Тулпоримга

www.ziyouz.com kutubxonasi

миниб, кўча чангитиб. Мана энди кимсан Қўшоқвой Салимов деса танимайдиган одам йўқ!

Аммо Раис бува сўзининг устидан чиқадиган одам экан. Тўрт йил аввал Шодивой — жўрамга "Сен институтни битириб боргунингча Қўшовой сенданам улуғ одам бўп кетади", деганда каромат қилган экан-да!

Бериоқ келинг, қулоққа айтадиган гап чиқиб қолди.

Аслида менинг "машъал" бўлишим-у, бутун бошли бригадага раҳбарлик қилиб, ҳосилдорликни "мисли кўрилмаган" даражада оширишим арзимаган гапдан бошланди.

...Ўшанда қадрдон жўрам Шодивойни қон-қон йиғлатиб, мусофир юртларга ўқишга ташлаб келганимда ўзим ҳам бир ҳафтагача гарангсиб юрдим. Шодивой бечоранинг бошига не-не ташвишлар тушмадийкин? Жўрам эрталаб вақтида уйғонолмай қийналмаяптими? Домлажонлар шўрликни сиқиб сувини ичмаяптими?

Икки ҳафта ичида "озиб" қолган чамадонимни кўтариб қишлоққа қайтганимда аканг қарағайни ҳар ким ҳар хил кутиб олди. Онам суюниб кетди. "Ажаб қипсан, болам,— деди.— Етти ёт бегоналар орасида рангинг сомондек сарғайиб юргандан кўра бағримда бўлганинг яхши, ҳозир институтни битирганлар аптобусга осилиб юрса, тракторчи механиклар ўзининг машинасида катайса қилади. Эрта-индин синглингни узатсак, сениям оёғингни тўртта қилиб қўямиз". Онамнинг охирги гапи мойдек ёқиб тушди. Тўғри-да, қишлоқ жойда қиз болани вақтида эгасига топширмаса, гап-сўз кўпаяди. Синглимга шуни айтиб, ётиғи билан насиҳат қилмоқчи эдим, мендан олдин бижиллаб қолди:

— Тўғри бўпти, ака, сизни институтдан барибир ҳайдаб юборишарди.

Гапини қаранг! Менга ақл ўргатгандан кўра, тезроқ эрга тегиб, йўлни бўшат, маҳмадана!

Дадам эса, ўнг лунжи учиб киноя қилди.

— Қара-я! Мен сени олим бўб келади, девдим. Билиб қўй, катта институтда раисларнинг боласи ўқийди, улим! Сендақаларга йўл бўлсин.

Мени кўриб ҳаммадан кўп қувонган Тулпорим бўлди. Оғилхонага киришим билан шунақанги дикирлаб кетдики, онасини соғинган улоқча ҳам бунчалик ирғишламайди.

Кўп ўтмай терим кампанияси бошланди. Эл қатори ишга тушиб кетдим. Жимгина пахта териб юрган эдим, ҳамма ишни бригадиримиз Тўлаш ака бузди. Бир куни (кеч куз эди) икки этак подбор териб, хирмонга олиб чиқсам, таро-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зи бошида бригадиримиз қорнини осилтириб телпагини қийшиқ кийиб турибди. Терган пахтамни тарозига илдим. Учоёқ қилтириқ чўпга илинган осма тарозиси қийшайиб кетди.

— Йигирма кило!— Тўлаш ака "ўт" дегандек соқоли тиканак бўлиб кетган ияги билан имо қилди.

Жон-поним чиқиб кетди!

Икки этак подбор йигирма кило бўладими? Орасида аллақанча хом-хатала кўсак бор, баракасини берсин деб эринмасдан қўшган тупроғимнинг ўзи камида беш кило келади. Мактабда ўқиб юрганимда ҳам шу — Тўлаш ака доим "чўмичда қоқарди". Бригадирнинг тарозиси йигирма килодан ортиқ тортолмаса, мен айбдорманми? Йўқ, энди мен соддагўл бола эмасман. Нақд Тошкентнинг ўзига бориб келган салкам талабаман! Тўлаш аканинг "камайтириб айтиш" касали тутганини кўрдим-у, менинг ҳам "ошириб айтиш" касалим қўзғаб кетди.

— Саксон кило!— дедим бақириб.

— Нима?— Тўлаш аканинг кўзи ола-кула бўп кетди.

— Тўқсон!— дедим ер тепиб.

— Ўв, тентак!— бригадир телпагини олиб, сийрак сочли бошини ҳафсала билан қашиди.— Икки этак пахта саксон кило чиққанини кўрганмисан ҳеч!

— Юз!— уч оёқли тарозини бир тепган эдим, чиллакдек ёғочлардан бири синиб, этаклар осилган тарози шарақлаб ерга тушди.

— Аҳмоқ! Тарозини нима қилдинг?— Тўлаш ака мушт кўтариб устимга келаётган эди, тормоз ғийқиллади. Билмайман, осмондан тушдими, ердан чиқдими, Раис бувaнинг "Нива"си шундоқ хирмон ёнига келиб тўхтади. Похол шляпа қийган Раис бува эшикни қарсиллатиб ёпиб ёнимизга келди.

— Нима гап?— деди қовоғини солиб.

— Манавуни қаранг!— Тўлаш ака менга қўлини бигиз қилиб, йиғламсиради.— Шу матахни саксон кило деяпти! Тарозини синдирди.

Раис бувага хавотирланиброқ қараб турган эдим, у негадир илжайди.

— Юз йигирма!— деди шахсан ўзим терган икки этак подборга қараб.

Тўлаш ака эсанкираб қолди. Тўғрисини айтсам, ўзим ҳам анграйиб қолдим.

— Раис бова...— деди Тўлаш ака минғиллаб.— Ахир бу...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўчир!— Раис буванинг қоши чимирилиб кетди.— Кўпдан бери кузатиб юрибман. Оширилган мажбурият олганимизни кўра-била туриб, атайлаб темпани тушириб юборяпсан.

— Раис бова!— Тўлаш ака сийрак киприкларини пирпиратди.

— Бугун уч процент беришинг шарт!

— Раис бова, ахир қанақасига... Пахтанинг ўзи йўқ-ку,— Тўлаш ака шунақанги илтижо қилдики, бечорага раҳмим келди. Уёғини сўрасангиз, терган подборим тупроқ-мупроғи билан қўшиб ҳисоблашгандаям, ўттиз килодан ошмаслигини ўзим ҳам биламан.

— Майли, қирқ килога розиман!— дедим инсофга келиб.

Раис бува гапимни эшитдими-йўқми билмайман-у, ҳар қалай Тўлаш акага қўлини пахса қилди.

— Гап шу. Бугун уч процент берасан!

— Қаёқдан оламан йўқ пахтани?!— Тўлаш ака сийрак сочли бошини алам билан қиртиллатиб қашлади. Раис бува гапнинг лўндасини айтиб қўя қолди.

— Қарибсан, Тўлаш! Ўсиб келаётган ёш кадрларга йўл бериш керак. Тўрт ойдан кейин ўрнингга шу бола бригад бўлади!

Раис бува "Нива"сига ўтирди-ю, кетди-қолди. Тўлаш ака менга қаради, мен Тўлаш акага.

— Майли, ўттиз кило!— дедим ачиниб.

— Э, бор-е!— бригадиримиз бошини икки қўллаб қашлаганча нари кетди.

Раис бува ҳазиллашди десам, чин экан. Тўрт ой механизаторлар курсида ўқидим-у, бригад бўлиб қолдим. Қаёққа қарасам, "Қўшоқ Салимов, Қўшоқ Салимов!" Қўйинг-чи, Қўшоқ Салимовга ит боқмайди!

Тўлаш акаям юрган экан-да, бригадирман деб! Ҳар гектардан оладиган пахтаси ўттиз центнердан ошмасди. Ишни дўндиришни биздан сўрасин! Болалигидан пайкал ичида юрган одамга пахта етиштириш нима бўпти?! Биринчи йил ҳосилдорликни гектарига қирқ уч центнерга етказдик. Иккинчи йили қирқ етти центнерга. Мана бу йил эллик бир центнерга чиқармоқчимиз.

Бугун келган радио мухбирига шуларни бир чеккадан айтиб бермоқчи эдим, даҳмазаси кўп экан! Қоқ пешинда ғўза культивация қилиб юрсам, шийпон томонда Раис буванинг "Нива"си кўринди. Машина Тулпорим боғлаб қўйилган тол салқинида тўхтаб, чўзиб-чўзиб сигнал берди. Эрта-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаб далага эшагимни миниб келаман. (Трактор миниб келмайди-ку, одам, тўғрими? Менда пат-пат йўқ.) Кейинги пайтларда Ойсара янгам гулдек очилиб, лорсиллаб кетган. Устига-устак баттар зиқна бўлиб қолган. Мотоцикл калитининг бандига ип боғлаб, бўйнига осиб юради. Хотини семирган сайин Турсунбой акам озиб кетяпти. Аллақандай одамови бўлиб қолган. Ҳайронман...

Шундай қилиб, тракторимда культивация қилиб юрсам, шийпон томонда Раис бувининг "Нива"си кўриниб қолди. Тракторни дала ўртасида тўхтатиб, белга уриб ётган ғўзалар оралаб ўша томонга югурдим. Ҳаллослаб етиб борсам, бўйнига тасмаси узун ашарат осган сап-сариқ жингалаксоч йигит, дўппи кийган ўрта ёшлардаги киши, Раис бува тол соясида гурунглашиб туришибди.

— Мана бизнинг машъал бригадир — Қўшоқ Салимов!— деди Раис бува тантанали оҳангда.— Қўшоқвойнинг тажрибасини вилоят эмас, бутун республикага ёйса арзийди! Гектаридан эллик бир центнердан ҳосил кўтараман, деб жон куйдириб ётибди, азамат! Бўпти, бир соатдан кейин машина келиб, сизларни боққа олиб боради. Тушликни ўша ерда қиламиз.— Раис бува шундай деди-ю, "Нива"га ўтирди.

— Кетдик, Қамчибек!— деди шопирга.

"Нива" чанг-тўзон кўтариб ғизиллаб кетди.

Дўппили киши ҳам, жингалак малла сочли йигит ҳам мен билан қўшқўллаб сўрашди.

— Гап бундай, ўртоқ...— дўппили киши чўнтагидан тўрт буклоғли қоғоз олиб, шоша-пиша ўқиди.— Ўртоқ Салимов. Биз вилоят радиосиданмиз. Менинг фамилиям Пўлатов, бу йигит, — у елкасига тасмаси узун магнитафон осиб олган малласоч йигитга имо қилди, — операторимиз Коля. Коля, тайёрлан! Энди гап бундоқ...— У яна қоғозга қараб қўйди,— ўртоқ Салимов! Мен сизга савол бераман. Сиз, мана бу текстга қараб, шариллатиб ўқийверасиз. Гатопми, Коля?— мухбир жингалаксоч йигитга буюрди.— Бўла қол!

Малласоч йигит елкасига илиб олган чамадондан аввал магнитафон чиқарди. Кейин микрофонни магнитафонга улаб, Пўлатовга узатди. Магнитафон мурватларини бураб, созлади.

— Всё, Пўлатов ака,— деди жилмайиб.

Мухбир микрофонни оғзига тутди.

— Бир, икки, уч... Қалай, Коля?

Коля михдай, дегандек бош бармоғини диккайтирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мухбир микрофонни оғзидан тахминан ярим қулоч узоқлатиб гап бошлади.

— Ҳурматли дўстлар! Бугун биз вилоятимизнинг машъал туманидаги "Машъал" колхозига ташриф буюрганмиз. Йўқ, азиз тингловчилар! Бу рамзий маънодаги сўз эмас! Бутун республикага донғи кетган нишондор раис, пахта илмининг ҳақиқий академиги Тошмамат Алимов раҳбарлик қилаётган хўжаликнинг номи "Машъал" деб аталади. Мана, биз "Машъал" колхозининг "оқ олтин" заргари Қўшоқбой Салимов бошчилигидаги энг илғор бригадаси дала шийпонидамиз.— У микрофонни баланд кўтариб, тол томонга тўғрилади. Шу алпозда анча туриб қолди. Назаримда, оёғининг учида чўзилиб тураверіб, чарчаб кетди-ёв. Тол шохида чумчуқлар тинимсиз чирқиллар эди.

— Эшитяпсизми?— деди микрофонга.— Қушларнинг шодон чуғурини эшитяпсизми? Бу — заҳматкаш Қўшоқбой Салимов бошчилик қилаётган азамат пахтакорларнинг шинам дала шийпони. Қушлар шод-хуррам сайраб турибди. Ғир-ғир шабада эсади.— Мухбир бир зум жимиб қолди. Шимининг чўнтагидан рўмолча олиб, пешонасидан дув-дув оқаётган терни артди.— Шийпон атрофи гулзор!— деди тантана билан,— анвойи гуллар майин шабадада оҳиста тебраниб турибди.— У саратон офтобида ҳансираб ётган пахтазорга қараб қўйди.— Гулларнинг муаттар ҳидини айтмайсизми? Ҳозир — тушлик пайти. Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, деганларидек, бригада аъзолари мириқиб овқатланиб бўлиб, дала шийпони кутубхонасида газета-журналлар ўқишяпти, баъзилари рангли телевизор кўришяпти.— У сувоқлари кўчиб тушган деворларга, деразаси синиб кетган шийпон ҳужрачасига, ерга тўшалган эски шолчага меҳр билан қараб, давом этди:— Биз меҳнат майдонида жавлон ураётган ёш қаҳрамон, йил сайин ҳосилдорликни ошираётган бригада бошлиғига — Қўшоқбой Салимовга сўз берамиз.— У менга қараб мулойим жилмайди.— Қўшоқбой!— деди тантанали оҳангда.— Ўз ишларингиз ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.— Шундай деди-ю, "ўқинг" дегандек боя қўлимга тутқазган қоғозга имо қилди.

Худди шу пайт, палакат босиб, йўтал тутиб қолса бўладими? Билмадим, болалигимдан шу касалим бор. Мактабда доскага чиқсам ҳам аввал бир йўталиб олиб, кейин гап бошлар эдим.

— Ўххў, ўххў!— дедим бўғилиб.

Мухбирнинг кўзи аланг-жаланг бўп кетди. Хавотирланиб, малласоч Коляга қаради. Коля "зиёни йўқ" дегандек

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўл силтади. Мухбир менга ўгирилиб қўлини оҳиста силтади. Тушунмадим, "тўхта", деяптими, "бошла", деяптими?

— Ўқийверайми?— деган эдим, мухбир чинқириб юборди.

— Стоп, Коля!— кейин менга тушунтирди.— Имо қилдим-ку, бошламайсизми? Запись, Коля!

Микрофонни оғзимга тиққудек бўлиб, бақириб ўқиб кетдим.

— Биз, "Машъал" колхозининг азаматлари...

— Стоп! Микрофонни ёриб юборасиз-ку, қанақа одамсиз ўзи!— мухбир микрофонни менга ишонмай, ўзи ушлаб турадиган бўлди. Ярим қулоч нарида.— Марҳамат,— деди шивирлаб.

— Биз — "Машъал" колхозининг азаматлари арпатехника қоидаларига амал қилиб...

— Стоп!— мухбир алам билан қўлини пахса қилди.— Машинкада кўчирилган тайёр текстниям ўқиёлмайсизми?! "Арпатехника"га бало борми? "Агротехника!"

— Қаёқдан билай, ака!— қоғозни мухбирнинг тумшуғига тиқиштирдим.— Мана, ўзингиз ўқинг.

Мухбир қоғозга кўз югуртириб, хижолатли илжайди.

— Ҳеч машинисткага ёлчимадик-ёлчимадик-да! Бошладик, Коля!

Бояги сўзларни қайтадан ўқиб кетдим.

— Биз — "Машъал" колхозининг азаматлари арпатехника қоидаларига қатъий амал қилиб, ўтган хўжалик йили...

Мухбир қўлини пахса қилиб ўдағайлади.

— Арпатехника эмас, дедим-ку, агротехника! Тушуняпсизми, аг-ро-тех-ни-ка!

Меникиям тутиб кетди.

— Нега бақирасиз? Ўзингиз шунақа деб ёзиб қўйибсиз-ку!

Мухбир микрофонни чангаллаганча бир зум ўйланиб қолди.

— Яхши,— деди юзидан дувиллаб оқаётган терни артиб,— жонли суҳбат қилиб қўя қоламиз. Текст керакмас. Коля, бошладик!— У микрофонни оғзига яқин келтириб гап бошлади:— Ҳурматли Қўшоқбой! Мана, сиз ёш бригадирсиз. Ёшлик — шижоатдир, деган мақол бор. Уч йил аввал сиз бошчилик қилаётган заршунослар гектаридан 43 центнердан ҳосил олишган, тўғрими?

— Тўғри!— дедим бақириб.

Мухбир "жудаям унчалик ҳайқириш шарт эмас", дегандек кўрсаткич бармоғини лабига босди.

— Ўтган йили 47 центнердан хирмон кўтаргансиз. Тўғрими?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тўғри!

— Бу йил гектаридан 51 центнердан дурдона йиғиб олмоқчисиз. Айтинг-чи, бу муваффақиятларнинг сири нимада?

— Ҳеч қанақа сир-пири йўқ!— газетачиларга доим айтадиган гапларим ёд бўлиб кетгани иш берди. Ўзиям булбулигўё бўп кетдим-ов!— Ғайрат билан ишлаяпмиз. Агар ҳурматли Раис бовамиз гектаридан 60 центнердан ҳосил кўтарасан деса, униям дўндираверамиз!— Тўсатдан колхоз идорасининг пештоқига илиб қўйилган шиор эсимга тушди.— Мухбир ака!— дедим тантанали оҳангда.— "План — қонун, мажбурият — виждон", деган гап бор! Биз ҳар қанча мажбурият бўлса уддалайверамиз!

Мухбир микрофонга эгилди.

— Қўшоқжон!— деди менга эмас, микрофонга қараб.— Халқимизда ажойиб ҳикматли гап бор. Даромадга яраша буромад, деганлар. Айтинг-чи, бригада аъзоларининг даромади қандай? Шу жумладан, ўзингизнинг ҳам?

— Даромаднинг мазаси йўқ!— дедим хўрсиниб.— Яқинда синглимни узатаман деб, дадамнинг бели чиқиб кетди. Шаҳар жойда қанақа, билмайману, бизнинг удумимизда қиз узатган ота-она ақалли тўққизтагина кўрпа қилиши керак. Дадам шўрлик тўққизта кўрпага чит излаб, Тошкентгача бориб келса, денг. Ҳайронман, мухбир ака, пахта планини қанча ошириб бажарсак, чит, сатин, сочиқ деган матохлар шунча камайиб кетяпти.

Қарасам, мухбирнинг оғзи ланг очилиб, жағи осилиб қолди. Нуқул оғир-оғир киприк қоқади.

— Ҳали буёқда ўзимнинг уйланишим бор,— дедим ғўлдираб.— Юраверамани, бошим туйнукдан чиқиб! Уйланиш ҳазил гапми, мухбир ака! Камида ўн минг керак. Дадам бир инвалид бўлса...

— Буёғини монтаж қиламиз, Коля!— деди мухбир гапимни бўлиб. Кейин яна менга юзланди.— Фидойилик бор жойда ғалаба бор, дейдилар. Сиз бошчилик қилаётган бригада аъзолари чинакам фидойи одамлар. Айтинг-чи, улар орасидан кимларни алоҳида таъкидлаган бўлардингиз?

— Ҳаммасиям яхши!— дедим бояги гапим чала қолганидан ғижиниб.

— Масалан?

— Яъни, масалан, Турсунбой ака! Ҳалол одам!— дедим ростини айтиб.— Яхши механизатор. Аммо-лекин хотини Ойсара янгам... Ҳа, майли, у ёғини айтмай қўя қолай. Чо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риям яхши механизатор. Панжи сув тарашнинг устаси. Аммо шу Панжи уйландию айниди, мухбир ака! Кеча денг, гўзани суғориб туриб ярим кечада уйга жўнаб қопти, ярамас. Ўн олти эгатга сув тошиб кетибди. Мана, ҳалиям дараги йўқ! Ётгандир-да, сулайиб! Қўлимга тушсин...

— Стоп! Коля!— мухбир яна чинқирди. — Ўйлаб гапиргин-да, ука,— деди сенсираб.— Ойсара янгангни гапирасан, аллақандай тўйни гапирасан. Мен сендан ишни сўраяпман, ука!

— Чори ўзи яхши йигит-ку, битта айби бор,— дедим салмоқлаб.— Нос чекади, қисталоқ. Тушликни ҳаммадан олдин паққос уриб олиб, дарров нос отади. Нос чекиши майли-ку, тупласа, одамнинг юзига сачрагани чатоқ.

— Жон ука!— мухбир астойдил ялинишга тушди.— Барака топкур, укажон! Ютуқлардан гапир! Колхоздан гапир! Бошладик...

— Хуллас...— дедим ўйланиб.— Хўжалигимизнинг доно раҳбари Тошмамат Алимов бошчилигида йил сайин ҳосилдорликни ошириб бажаряпмиз. "Машъал" колхози чинакам машъал бўляпти. Биз меҳнат ғалабаларимизни мустаҳкамлаб бораверамиз!

Мухбир "мана бу бошқа гап", дегандек мамнун бош иргади.

Мухбирнинг далдасидан руҳланиб кетдим.

— Хўжалигимизнинг хлоппункт билан алоқаси зўр!— дедим уста нотиқлардек чертиб-чертиб.— Масалан, Жовли ака деган приёмчик бор. Мен сизга айтсам, мухбир ака, туманимиздаги энг ҳурматли, энг бели бақувват одам шу — Жовли ака. Фақат битта айби бор: афти хунук. Кўзи худди уккиникига ўхшайди. Аммо ўзи яхши одам. Энди хлоппунктимизам катта-да, ака! Бир эмас, тўртта туманнинг пахтасини қабул қилиб олади. Ёнида пахта заводиям бор. Раис бова у ёқда турсин, Райком бова ҳам, Жовли акани кўрса, "Жовли Менглиевич, Жовли Менглиевич" деб типирчилаб қолади.

Мухбир микрофонни чангаллаган кўйи йиғлагудек бўлиб илжайди.

— Ўртоқ Салимов!— деди микрофонга эгилиб.— Газеталарда сизни уста пахтакор, ҳатто эгат орасида туғилган бола деб ёзишган. Айтинг-чи...

Нима дейди бу? Мухбир бўлса ўзига! У менинг гапимни белига тепади-ю, мен индамай тураверамани!

— Ёлғон,— дедим бақириб.— Сўрадим, энам мени қаҳратон қишда, сандал четида туққан экан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мухбир Коляга "давом этавер" дегандек имо қилди-да, тағин савол берди:

— Қўшоқжон! Сиз туғилиб ўсган оила пахтакорлар сулоласи. Муҳтарам отангиз, муҳтарама онангиз эски пахтакорлар. Тўғрими?

— Буниси тўғри!— дедим қаддимни ғоз тутиб. Мухбир микрофонни оғзимга яқинроқ олиб келди.— Дадам қирқ бешинчи йилда урушга кетган экан. Германияга боролмабди-ку, японларнинг пачағини чиқариб кепти. Ўшандан кейин энамга уйланган экан. Мендан олдин туғилган иккита боласи турмабди.— "Қалай, қойил қиляпманми?" дегандек мухбирга қараган эдим, у суюниб кетди. "Давом этавер" дегандек имо қилди.— Ота-энам эсини танибдики, пахтадан бери келмайди. Фақат дадамнинг жаҳли тез. Колхозда буғалтир эди. Раис бова билан уришиб қолиб...

— Ўртоқ Салимов,— деди мухбир шоша-пиша гапимни бўлиб.— Демак, сиз оилада ёлғиз фарзандсиз, шунақами?

— Эсингиз жойидами?— дедим микрофонга ёпишиб.— Ҳали айтдим-ку, яқинда синглимни узатдик, деб. Куёв "Сельхозтехника"да ишлайди. Номард экан! Синглимга уйланиб олгунча итдек ялтоқланди. Кунора онаси келади, ҳафтада отаси келади. Борингки, Жовли аканиям ўртага қўйди. Жуга уйланиб олди-ю, айниди, аблаҳ! Аккумулятор у ёқда турсин, арзимаган ременниям текинга бермайди! "Кисса касал эмасми, чўталдан чўзинг", деб туради, ҳайвон! Унисиям майли-ку, икки ҳафта олдин Жу уйга йиғлаб келди. Ҳар куни ичиб келиб, синглимни урармиш. Кўчада тутиб олиб, ўзиниям итдек дўппосладим. Агар синглимга яна бир марта қўл кўтарсанг, энангни кўрсатаман, дедим. Биламан, энди менга запчастни чўталгаям бермайди.

— Стоп!— мухбир қўл силтади.— Бўлди, укам!— деди елкамга қоқиб.— Бу ёғига жим ўтирасан.

У бир имо қилган эди, жингалаксоч йигит тағин магнитафон тугмачасини буради.

— Ҳурматли тингловчилар!— деди мухбир микрофонга.— "Машъал" колхозининг машъал бригадири, "оқ олтин" ижодкори Қўшоқбой Салимов билан қурган қизғин суҳбатимиз ҳам охирлаб қолди. Бу хўжалик вилоятимизда энг илғор саналади. Салимов бригадаси эса, машъалларнинг машъали. Мана, тушлик ҳам тугади.

У менга аллақандай имо-ишоралар қила бошлади.

— Ҳа, яна гапирайми?— дедим шанғиллаб.

Мухбир микрофонни кафти билан тўсиб ўдағайлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бормайсанми!

— Қаёққа?

— Тракторга!— деди у энсаси қотиб.— Югур, моторни юргиз!

Шошилмай ўрнимдан турдим.

— Бир соатли мазмунли ҳордиқ тугади! Азамат пахтакорлар ўз меҳнат постига, яъни "оқ олтин" даласига йўл оляпти.— Мухбир микрофонга қараб ғайрат билан гапира кетди.— Ҳозир зумрад далалар узра яна моторлар овози гуриллайди.— У бир қўлида микрофон тутганча иккинчи қўли билан "чоп" дегандек имо қилди:— Келинг, азизлар... Меҳнат симфониясини биргалашиб тинглайлик!

Худди шу пайт толга боғлоқлиқ турган Тулпорим овози борича ҳанграб юборди. Оббо, соат бир бўлдимикин, иккими? Эшагим бекорга ҳанграмайди.

— Стоп!— мухбир микрофонни чангаллаб бақирди:— Стоп!

Жингалаксоч йигит негадир беписанд жилмайди.

— Ничего, Пўлатов ака, ишак отрежем!

Жон-поним чиқиб кетди.

Югуриб қайтиб келдим.

— Нима?— дедим мушт дўлайтириб.— Эшагимни сўядиган сенмисан?

— Боринг! Жон ука!— мухбир негадир яна сизлашга ўтди.— Боринг, ишингиздан қолманг. Шунча пленкани расво қилганингиз ҳам етади. Бир соатлик суҳбатдан беш минутлик интервью чиқсаям катта гап!

...Эртасига кечқурун ҳовли ўртасидаги сўрида концерт эшитиб ётсам радиода бирдан ўзим гапириб қолдим. Қизиқ, товушим ўзимникига ўхшайдиям, ўхшамайдиям. Онам зийрак-да, дарров таниди.

— Дадаси, ўғлингиз гапиряпти,— деди айвонда газета ўқиб ўтирган отамга.— Машъал боламдан айланай! Овозларингдан ўзим ўргилай!

Онамнинг айланиб-ўргилгани яхши. Лекин микрофонга айтган гапларимни мухбир пўстдумбага чиқариб ташлабди-ку!

Қизиқ, мухбир даромадни сўраса, мен центнердан гапираман. Эгатда туғилганимдан гап очса, дадам урушга борганини айтаман.

Бунисиям майли-ку, дадам ғалати иш қилди. Ўқиб турган газетасини кўрпачага ташлади-да, салмоқлаб уйга кириб кетди. Онам айтганича бор. Ўлгудек кажбаҳс-да, дадам!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен уни шунча мақтасам-у, эшитгиси келмаса. Буям етмагандек кафтининг орасида бир нима чангаллаб келиб индамай қўлимга тутқазди. Ҳайрон бўлиб қарасам, шалвираб ётган пуфак. Ёш болаларнинг уч тийинлик пуфаги. Кўм-кўк!

— Пуфла, ўғлим!— деди лунжи учиб.

— Шошманг, охиригача гапириб бўлсин!— ҳовли супураётган жойида тўхтаб қолган онам озорланиб койиди.— Нима қиласиз чалғитиб?

— Пуфла!— дадамнинг бир эмас, икки лунжи уча бошлаганини кўриб, ноилож пуфакни қўлга олдим. Тезроқ шиширибберақолай, деб ғайрат билан пуфлай кетдим. Пуфакка дам беряпман-у, икки қулоғим радиода!.. Йўқ, уч тийинлик эмас, нақ етти тийинлик пуфак экан, лаънати. Ўзиям дирижабль бўлиб кетди-ёв!..

Радиодан "меҳнат симфонияси" деган гап эшитилиши билан пуфак "пақ" этиб ёрилиб кетди. Ўзиям шунақанги варангладики, икки қулоғим шанғиллаб, ҳеч нимани эшитолмай қолдим.

Қулоғим очилганида радиода концерт бошланган экан.

— Шунақа бўлади!— дадам мийиғида кулганча нари кетди.

Ўн иккинчи боб

ХЛОПУНКТДАГИ МАЖЛИС

Аввалларипи "маза-маза катталарга!" деб юрардим. Нима қилса — оғзининг ели! Ҳамма икки букилиб, таъзим қилиб туради. Қандоқ яхши! Энди билсам ғирт аҳмоқ эканман. Амалдорликнинг ғалваси шунақанги кўп бўларканки, бошига тушмаган одамнинг етти ухлаб тушигаям кирмайди. Мана, ўзимни олайлик. Нари борса битта бригадирман! Шу қилтириқ амалниям бир кунлик нағмасини йиғиб филнинг елкасига ортинг, фил бечоранинг бели чўрт узилиб кетмаса мен кафил! Мен айтиб турай, сиз бармоғингизни букиб туринг. Кузда корчёвка қилиш керакми — керак! Қишда шўр ювиш, яхоб бериш керакми — керак! Баҳорда, радиода ҳар куни айтадигандек, барака уруғини қадаш керакми? Ўтоқ қилиш, чопиқ, дорилаш, суғориш... Кейин чеканка, дефолиация... Омон-эсон терим кампаниясига етиб олганингиздан кейин ғалванинг каттаси бошланади. Паҳта терадиган машиналар ҳам ўлмасин. Шир этиб ёмғир қуйса, отасидан калтак еган боладек бир чеккага чиқиб, сўппайиб тураверади. Мактаб ўқувчилари-ку, ўзимизнинг болалар. Гапга кўна-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Ҳай-ҳай, шаҳардан келган талабалардан асрасин! Ҳар куни битта ғавғо! "Ётоқхонангиз молхонага ўхшайди", дейди... "Совқотиб қоляпмиз, қачон печка ўрнатиб берасиз?" дейди. "Макарон шўрванинг гўшти қани?" дейди. Ўзимга йўқ гўштни сенга қаёқдан топаман, олифта. Қўйиб берса рангли телевизор ҳам сўрарсан, ҳали. Қайси куни биттаси олдимга келиб, дафтар-китобини ёйиб ташлади. "Ҳа", десам, "ҳисоблаб чиқдим, ака, битта чаноқ тўрт грамм бўлса, бир кило пахта териш учун ерга 250 марта эгилиш керак экан, нормани пасайтиринг, мен бир кунда йигирма беш минг марта эгилолмайман, машинани ишлатинг", деб ақл ўргатяпти. Кўтар-эй, тўрва халтангни, дегим келди-ю, Раис бувадан ҳайиқдим.

Майли, булар-ку, ўзимиз ўрганиб кетган гаплар. Энг алам қиладигани шуки, давлатнинг ўзи белгилаб қўйган матоҳларниям ололмайсиз. Радио мухбирига айтган гапим гап: куёв — бориб турган апирис. Аккумуляторми, релеми сўраб борсанг, юзингтамас, қўлингга қарайди. (Калтак еб ҳам одам бўлмади, укқағар!) Бировга ўғит деб ялинасан, бировга шпиндель деб сарғаясан... Тағинам Раис бува менга озми-кўпми қайишади. Планга қарашиб юборади. ("Машъал" бригадирмиз-да!)

Бригадамдаги аъзоларни айтмайсизми! Иш деса кетини қуруққа обқочади. Қулоғингизга айтайми: уларгаям осон тутиб бўлмайди. Мана, масалан, Турсунбой ака. Бултур кузда машинада юз эллик тонна пахта терди. (Планга зарур бўлиб қолган эди, Раис бува Турсунбой аканикини 250 тонна, мен терган 170 тоннамни 300 тонна деб ёздириб қўя қолди.) Шундоқ бўлсаям, Турсунбой ака ҳамма нарсадан кўнгли совиган одамдек маъюсланиб юради. Чорини айтмайсизми? Ёшгина хотини сариқ бўлиб қолди. (Ҳайронман, шу, куз келиши билан сариқ касал кўпаяди.) Чорининг хотини ўзи сап-сариқ, яна қанақасига сариқ бўлганига одамнинг ақли етмайди. Яна бечораниng юзи сариқ, сочи — қизил. Шунинг учунми, касал бўлганини ўзиям сезмабди. Орадан анча ўтиб биқиним оғрийди, сариқ бўлдим шекилли, деган экан, Чори ҳазилга олибди. "Кўявер, хотин, онангни қорнида узоқ ётганинг учун сарғайиб кетгансан", деб қўя қопти... Хотини шўрлик касалхонада уч ой ётди.

Ёки Панжини олайлик. Уйланаман деб қулоғигача қарзга ботган экан (Шуни ўйласам, юрагимни ваҳима босади: ҳаливери бизнинг оёқ тўртта бўлмайди, шекилли). Ишга тоби йўқ. Ҳар куни бир баҳона топиб томорқасига югуради. Тўғри-да,

www.ziyouz.com kutubxonasi

унгаям осонмас: қариндош-уруғидан олти минг қарз кўтарган одамга колхоздан тегадиган қирқ сўм маош урвоқ бўладими? Шунинг учун улар томорқасида ўзи ишлаб, боласини пахтага ҳайдайди-да! Панжининг далада ишлашга яроқли боласи йўқ. Хотини ҳозирча туғишга улгурмади.

Ана энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Мендек пўристой бригаднинг бошидаки, шунча ғалва бор экан, тағинам Раис бувалар фил экан-да!

Бугун Раис бува ишнинг кўзини билишига яна бир марта тан бердим. Ноябрь охирлаб қолган, далада пахта тугул йилт этган кўсак ҳам йўқ. Устига-устак икки ҳафта олдин қор ёғиб ҳаммаёқнинг аталасини чиқариб юборди. Вилоят пединститутидан келган ҳашарчи талабалардан икки юстаси бизнинг бригадага ҳам тушган. Тушликда борсам, бекорчиликдан домино ўйнаб ўтиришибди. Овози оламни тутади. Ҳаммаёқ тарақ-туруқ, шарақ-шуруқ... Энсам қотиб, четлаб ўтиб кета қолдим. Раис бувагаям ҳайронман-да! Планни дўндирдик. Нима қиламиз, шунча одамни бекорга боқиб ўтириб?

Аввал шуни ўйлаб хуноб бўлган эдим. Кейин тушунсам, Раис бува нима қилса, охирини ўйлаб қилар экан.

Ҳар куни хлоппунктда мажлис бўлишини эшитар эдим-у, ўзим бормагандим. Бугун палакат босиб бориб қоларманми! Вой-бў, йиғилиш эмас, қип-қизил қиёмат-ку!

Раис бува, Шайдул — кассир, мен — учовлашиб, хлоппункт директорининг хонасига кирдик, одам одамни танимайди: уй ичи тутунга тўлган, бурчакдаги галанска печка қизиб кетганми, нафас олиб бўлмайди.

— Сводка!— деди тўрдаги стол олдида ўтирган Райком бува фильтрли сигаретини тутатиб. (Ҳатто саломга алик ҳам олмади.) Райком бувани аввал кўп кўрганман. Икки юз чиқондек қип-қизил одам эди. Энди кўзлари киртайиб, ранги калтакесакка ўхшаб қопти. Юзи кўкимтирми-ей, нима бало! Хона иссиқлигига қарамай, бошидаги андатра телпагини ечишниям унутибди.

— Ўртоқ Алимов, сводка!— деди-ю, бир ютунган эди, узун бўйнидаги шафтоли данагидек учбурчак бағбақаси лиқиллаб кетди.

— Пажалиста!— Раис бува мулойим жилмайиб, шимининг чўнтагидан аллақандай қоғоз чиқарди. Вазмин қадамлар билан юриб бориб, Райком бува ўтирган столга қўйди.— Биру ўндан етти процент!

— Ана, бўларкан-ку!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Райком бува Раис бувага гапиряпти, деб ўйлагандим. Йўқ, дераза тагидаги курсида ўтирган новча одамга гапираётган экан. Папирос тутунидан яхши пайқамай қопман.

— Мумкин экан-ку, ўртоқ Ҳусниддинов!— Энди Райком буванинг овози таҳдидли жаранглади.— Нега "Машъал" колхоз бир кунда биру ўндан етти кўрсаткич беради-ю, "Правда" беролмайди?! Сизга қолса, "Машъал"га қор ёғмаган дерсиз? Еринғиз бир, сувингиз бир...

— Менда пахта йўқ!— деди новча киши тўнғиллаб. Овози ўлгудек йўғон экан.

— Йўқ? Нега йўқ?!

— Планни бажардик, мажбуриятни бажардик, пахта қолмади.

— Ним-ма?!— Райком бува сапчиб ўрнидан туриб кетди. Учбурчак бағбақаси универсал тракторнинг поршенидек пайдар-пай юқори чиқиб-паст туша бошлади.— Нега "Машъал"да бор пахта сизда йўқ?! Нега туман планини орқага сурасиз? Нега байроқдор областимизнинг темпини пасайтирасиз?

Ҳусниддинов дегани бало экан! Шундоқ Райком бувадан қўрқмади-я!

— Бор пахтани топшириб бўлдик!— деди ғўлдираб.— Йилт этган чигит қолмади.

— Эшитдингиз-а, ўртоқ Викторов! Баҳонасини эшитдингиз-а?— Райком бува бурчакдаги "галанска" печка ёнбошида ўтирган тақирбош кишига юзланди.

Пахта заводининг директори Викторов тоға ўзбекчани бинойидек билади, деб эшитгандим: рост экан.

— Ишлаш халаган адам чора тапади, халамаган баҳана!— деди дона-дона қилиб.

Райком бува шу гапдан кейин ҳовуридан тушиш ўрнига баттар тутақиб кетди.

— Ҳусниддинов!— деди ҳайқириб.— Сиз чойхонада эмас, райкомнинг кўчма бюросида ўтирибсиз!

— Асабийлашманг, ҳаммаси тушунарли!— Райком буванинг ёнида терлаб-пишиб ўтирган семиз киши сурнайга ўхшаб ғийқиллади.— Ҳусниддиновга раислик юки оғирлик қилиб қопти. Обком бовага бу кимсанинг қилмишини хабар қилишга мажбурман.

— Эшитдингми, Ҳусниддинов!— Райком бува столни муштлади:— Обком вакилининг гапи гап. Йўқол!

Ҳусниддинов индамай ўрнидан турди. Эшик олдига борганида негадир тўхтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Раҳмат...— деди илжайиб.— Ўзим ҳам жонимдан тўйгандим.

Райком бува тағин ҳайқирди:

— Сезилиб турибди. Ишингни прокуратурага топширмасам, одаммасман!

"Правда" раиси чиқиб кетиши билан хонага жимлик чўкди. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Қаёққа келиб қолдим ўзи! Асли, боя Раис бува "Юр, мажлисга борамиз", деганида Тулпоримни миниб, уйга жўнаворсам бўларкан.

Эшик очилиб, бир қўлида пахта гулли чойнак, бир қўлида пиёла кўтарган паст бўйли киши кирди. Дарров танидим, хлоппункт приёмчиги — Жовли ака! Ҳумдек бошини икки елкаси ичига тортганча, катта-катта кўкимтир кўзларида мулойим ўт ёниб, хона тўрига йўл олган эди, Раис бува дик этиб ўрнидан туриб кетди. (Айтаман-ку, Жовли ака тумандаги энг ҳурматли одам деб!) Раис бува унинг қўлидан чойнак-пиёлаларни олаётганида Райком бува ҳам хижолат чекиб жилмайди.

— Овора бўпсиз-да, Жовли Менглиевич!..

— Овораси бор эканми?— Жовли ака укки кўзларида яна ўт ёниб жилмайди.— Ичларинг узилиб кетди-ку. Ош тайёр,— деди Райком бувага эмас, семиз обком вакилига қараб.— Қул-қул товуқ ҳам совуб қолди.

— Э, шу топда ош ўтадими томоқдан...— семиз киши шу қадар чуқур хўрсиндики, назаримда, қорниям пучқайиб қолгандек бўлди.— Темпани тушириб бўлмайди. Обкомга нима дейман? Бобойнинг аччиғи чиқади.

Жовли ака, укки кўзлари сузилиб, Райком бувага қараб қўйди.

— Менимча, "Машъал"да ҳали пахта мўл...

Райком бува ярқ этиб бизнинг Раис бувага юзланди.

— Уч процент қила оласизми?

Анграйиб қолдим. Қандай қилиб биру ўндан етти процентини уч процент қилади?

— Қилмасангиз бўлмайди,— деди Райком бува хотиржамлик билан. Ҳатто шафтоли данагидек бағбақаси ҳам ликиллламай, узун бўйнининг қоқ ўртасида муқим тўхтаб қолди.— Ярим соатдан кейин сводка беришимиз керак.

Семиз киши чўзиб-чўзиб эснади.

— Амаллайсиз-да, энди, ўртоқ Алимов!

— Шайдул!— Раис бува бир ҳайқирган эди, ёнимда ўтирган Шайдул — кассир сапчиб ўрнидан турди. Боши шифтга тегай деб қолди. (Ҳайронман, мирзатераknинг қолипини

www.ziyouz.com kutubxonasi

шундан олганми, кассиримизнинг бўйи нақд икки метрдан ортиқ келади.) Ҳозир ҳам ўрнидан туриши билан ҳеч кимни кўрмай қолдим. На раисни, на Райком бувани! Аммо Раис буванинг гапини аниқ-таниқ эшитдим.

— Югур!— деди Раис бува.— Сенам борақол, тутхўр!

Кейинги гапи менга аталганини тушундим. Раис бува меҳри товланиб кетди шекилли, мени яна "тутхўр" деди.

Узун-қисқа бўлиб ташқарига чиқдик.

Шайдул — кассирнинг пат-патига мингашиб кетяпману, ҳеч балога тушунмайман. Колхознинг уч фоизи камида ўттиз тележка пахта бўлади. Ярим кечадан ошган бўлса, варахага тушадиган кўсак ҳам қолмаган бўлса, ўттиз тележкани қаёқдан оламиз?

— Менинг бригадамда бир килоям йўқ!— дедим ҳар эҳтимолга қарши.

Пат-пат ҳайдаб кетаётган Шайдул — кассир гапимни эшитмади чоғи елкаси оша ўгирилди.

— Нима?

— Менда пахта йўқ!— дедим бақириб.— Йўлга қаранг!

Негадир шу топда, бир вақтлар Шодивойнинг "Запорожец"ида искирдга кириб кетганимиз хаёлимга келди. Ер сирпанчиқ, билчиллаб ётибди. Устига-устак туман. Йўл четидаги чироқлар, кул орасидаги чўғдек, хира милтирайди. Шайдул — кассирга нима? Ёшини яшади, ошини ошади. Бир эмас, иккита хотини, учта куёви, тўртта келини бор. Ўзим кўрганман, молхонасида иккита гавмуш сигир, учта хўкиз бўкириб ётибди. Ўлса ўлиб кетаверади-да! Жабр бўлгандан менга бўлади. Шайдул акага ўхшаб иккита бўлмасаям ақалли битта хотин олайлик-да биз ҳам!

— Секинроқ!— дедим биқинига муштлаб. Кучим борича уриб юбордим шекилли, у орқасига жаҳл билан ўгирилди.

— Обком вакили нима деганини эшитдингми? Ярим соатдан кейин сводка бериш керак!— деди шанғиллаб.

Мотоцикл жони чиққудек чираниб тариллай бошлади. Икки қулоғим совуқ шамолдан музлаб кетди. Хайрият-ей, тўхтадик! Қарасам, колхоз идорасига келибмиз.

— Пахта қайси бригадада? Ярим кечада ўгтизта тележкани қаёқдан топамиз, Шайдул ака?!

— Бақирма-эй!— кассир рапидадек қўлини пахса қилди. Ўзи теракдек бўлсаям чаққон экан. Зипиллаганча идора томон йўрғалади.

— Мен кетаверайми?— дедим яна бақириб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўчир!— Шайдул ака зиналардан кўтарилар экан, тайинлади.— Кетиб қолма, бирга борамиз.

Анча турдим. Эрталаб пайтавани юпқароқ ўраган эканман, оёғимдан муз ўтиб кетди. Бир ёқда қорин таталаб кетяпти. Раис бувадаям одамгарчилик йўқ-да, ўзи! Жовли акаку, "ош тайёр", деди. Бирпас сабр қилса бизам ердик, бир чўқим-бир чўқимдан. Совуқ кунда қовурма қулқул товуқ ҳам тешиб чиқмайди. Одамнинг қорни оч бўлса, бунинг устига обдан совуқ қотса, уйқу босаркан. Қани, ҳозир уйга борсам-у, иссиққина шўрвадан бир косагинани ичиб...

Бир маҳал Шайдул ака папка кўтариб зинадан тушиб келди.

— Ма,— деди эски чарм папкани қўлимга тутқазиб.— Эҳтиёт қил!

— Қайси бригадага борамиз?— дедим бир қўлда папкани ушлаганча мотоциклга мингашиб.

— Бригадада пиширик қўйибдими, хлоппунктга!— Шайдул — кассир ўшқириб берди.— Лулкага ўтир! Папкага ҳушёр бўл!

Нима, мен иккиқат хотинманми, лулкада ялпайиб ўтирадиган. Оғиргина папкани чангаллаб, орқа эгарга мингашиб олдим.

Шайдул ака жаҳл билан бир қараб қўйди-ю, моторни тариллатди. Тағин елдек учиб кетдик. Анчагина юрдик. Кейин нима палакат босди, билмайман. Қорнимнинг очлиги таъсир қилдими, уйқу элитдими... Хуллас, Шайдул аканинг биқинидан қўшқўллаб чангаллаб олганим эсимда...

Ҳайбатли дағдағадан уйғониб кетдим.

— Папка қани, папка?

Кўзимни очсам хлоппунктнинг темир дарвозаси олдида турибмиз. Туман орасида қоровулхонанинг чироғи хира милтираётганидан билдим.

— Папка қани?— деди Шайдул ака чийиллаб.

— Қанақа папка?

— Бояги папка, аҳмоқ! Чарм папка!

Ростдан ҳам, ҳали мотоциклга мингашаётганимда қўлимда папка бор эди-я!

— Ҳайронман,— дедим елкамни қисиб.— Ҳали қўлимда эди.

— Уйим куйди!— Шайдул — кассир тарсиллатиб пешонасига урди.— Хонавайрон бўлдим!— тўсатдан кўзи олайиб ёқамга ёпишди.— Қаёққа ташладинг? Ростини айт! Ичагингни суғуриб оламан, аҳмоқ!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ие, нимага дўқ қилади менга. Нега ҳадеб "аҳмоқ" дейди! Найнов бўлса ўзига! Худо берган бўй биздаям бор. Ёқадан олиш мана бунақа бўлади деб, бўйнига ёпишиб олдим. У ёқамни қўйиб юбориб, билагимни чангаллади.

— Қўйвор!— деди бўғилиб нафас олиб. Бўйнини бўшатган эдим, энтикиб-энтикиб ялинди.— Жон ука! Хароб қилма мени! Бола-чақам бор. Тўйларингда хизмат қилай, укажон!

Раҳмим келди. Бечорага бир гап бўлса, иккита хотини, учта куёви, тўртта келини, сигирларию ҳўкизлари додини кимга айтади.

— Ичидаги қоғозлар шунчалик зарилмиди?— дедим хавотирланиб.

Шайдул — кассир кўзимга илтижо билан термулди.

— Жудаям керакли ҳужжат, укажон! Ҳозир топмасак, Раис бова ўн йилни елкамга илади. Ростини айт: қаерга ташладинг?

— Билмайман, кўзим илинган экан, йўлда тушиб қолгандир-да!

— Юр, юр, жон укам!— Шайдул ака рапидадек кафти билан елкамга шапатилади.— Балки қаерда тушириб қолдирганинг эсингга тушиб қолар.

Мотоциклга минаётганимизда маслаҳат бердим:

— Идорага қайтиб бориб, бошқа нусхасини ола қолайлик.

— Бунақа қоғозда нусха бўлмайди,— у йиғламсираб, бурнини тортди. Шоша-пиша мотоциклини ғуриллатди.— Э, худо!— деди илтижо қилиб.— Ишқилиб топилсин... Хонавайрон бўламан, сочим оқарганда турмага тушаман...

Мотоцикл юриб кетди. Аммо бу сафар астароқ, авайлаброқ юра бошлади. Аксига олиб, туман қуюқлашган, йўл четидаги лампочкалар ғира-шира кўринарди. Шайдул ака йўлни яхшироқ ёритиш учун бўлса керак, мотоциклини гоҳ у ёққа буради, гоҳ бу ёққа.

— Ўзинг шарманда қилма!— дейди дам-бадам.

Дала йўлига чиққанда мотоциклини тўхтатиб, азза-базза ялинди:

— Қўшожон! Ўзим айланай сендан. Уйланаётганингда битта ҳўкизни тўяна қилмаган номард. Яхшилаб эслаб кўр! Қаерга келганда ухловдинг?

— Ухлаганим йўқ, мизғидим!

— Ўл!— у яна мотоциклини юргизиб кетди. Бир чақиримча юргандан кейин тўсатдан тормозни босди. Бошим

www.ziyouz.com kutubxonasi

курагига урилиб, пешонам сирқиллаб кетди. У эгардан сакраб туриб, олдинга югурди. Мотоцикл чироғи ёруғида ўн қадамча нарида, йўлнинг қоқ ўртасида ётган папкани юлқиб олаётганини кўрдим. Дарров қиров тушибдими, папканинг усти оқариб қолибди. Шайдул ака шарақ-шуруқ қилиб папканинг ялтироқ қулфини очди-да, ичига қўл суқди.

— Хайрият!— деди энтикиб.— Худога шукр!

У папкани бандидан чангаллаб чопиб келди.

— Укам,— деди овози мулойимлашиб.— Жума куни жонлиқ сўйиб худойи қиламан. Пешинда! Сенам келгин, хўпми!

— Менга бера қолинг!— деб қўл чўзган эдим, жонҳолатда папкани бағрига босди.

— Йўқ-йўқ, барака топ, укам. Ўзим...— у папкани эгар қошига қўндириб, устига миниб олди. Ҳар эҳтимолга қарши, "жойида турибдими", дегандек чотининг орасига қўл суқиб текшириб кўрди-да, мотоциклни орқага буриб, шанғиллади:— Бўлган ҳангомани Раис бовага айтиб юрмагин, хўпми? Нақ иккаламизнинг теримизга сомон тиқади-я!

Терига сомон тиқишга ҳожат қолмади. Хлоппунктга қайтиб келсак, дарвоза олдида Жовли ака кутиб турган экан.

— Оёғингга тош боғлаганмисан, нима бало!— деди жеркиб. Папкани олди-да, аввал Шайдул — кассирнинг, кейин менинг қўлимни қисди.— Райком бова хуноб бўлаётган эдилар. Раҳмат, сизларга жавоб.

Ўн учинчи боб

НАРГИСХОННИНГ ҲИНДУ ХОЛИ

Хоҳлаган одамингиз билан бас бойлашиб айтаманки, дунёда энг яхши нарса — севги экан. Яна бир марта хоҳлаган одамингиз билан бас бойлашиб айтаманки, дунёда энг ёмон нарса ҳам севги экан. Аввалари, шеър китобни кўрсам, энсам қотарди. Энди билдим: шоирлар ҳам аввал биттасини яхши кўриб қолиб, кейин шоир бўларкан-да! Қийин экан у бечораларгаям! Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, аллақандай бир ой ичида ўзим ҳам тап-тайёр шоир бўлдимқолдим.

Мен сени севаман,
Ишонгин менга.
Хоҳласанг жонимни
Бераман сенга!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу шеърни ўзим ёздим. Ёздим эмас, кечалари кўзимни юмиб ётсам, лоп этиб хаёлимга Наргисхон келади-ю, ўзидан-ўзи шеър тўқиб ташлайман.

Ўзимиз ҳам айни қони гупуллаган бўз йигит эмасмизми, шундоқ кўкрагимга икки литрли қумғонни қўйинг: ўн беш минутда шарақлаб қайнаб кетмаса, мен кафил! Оҳ тортсам, нафасим олов бўлиб чиқади. Тушлик пайтида ҳамма овқат еса, мен шийпон тагидаги ҳовуз бўйида, тарвақайлаб ўсган тол тагида кўксимни захга бериб ётаман. Бир ҳафта ўтмай, мен ётган жой қуриб-қақшаб, ўтлариям сарғайиб кетди. Назаримда, тол қуриб, ҳовуздаги сув буғлана-буғлана бир қулоч пасайиб қолди-ёв! Бригададаги йигитлар ҳайрон. "Сенга нима бўлди, Қўшо, рангинг сомон бўп кетибди-ку, касалпасалмисан", дейишади. Гапириб нима қилдим? Менинг касалимни қаёқдан тушунсин булар.

Қанақа бедаво дардга йўлиқдим ўзи? Дадамга айтолмасам, энамга айтолмасам? Ўртоқларим тушунмаса. Кечалари Тулпорим билан дардлашаман. "Наргисхонни яхши кўриб қолдим, ошна!" дейман хўрсиниб. Тулпорим мендан ҳам чуқурроқ хўрсиниб қўяди. "Биламан, у мени мансимайди, кулади", дейман. Тулпорим тағин хўрсинади. "Энди нима қиламиз, ошна, ёнимда Шоди бўлсаки юрагимни ёриб, ҳасратимни айтсам?" Тулпорим индамайди. Нимаям десин? Тил-забони бўлмаса. Ёрдам бериш қўлидан келмаса... Кўзимга мўлтираб-мўлтираб қарайди.

Асли, бу савдолар баҳор оёқлаб, жийда гуллаган кезларда бошланди. Ўша куни Жуман, "Идорага бораркансан, Раис бованинг зарил иши бормиш", деб қолди.

Раис бувани биламан-ку, бекорга чақирмайди. Югурдим!

Бизнинг колхоз идорасини кўрмабсиз — дунёга келмабсиз.

Дала шийпонларининг мазаси бўлмасаям, Раис бува идорани боплаган. Икки қаватли мармар бино. Олди фонтан. Фонтан четида мажнунтоллар "ассаломалайке-е-ем" деб салом бериб туради. Одамнинг ёғи эриб кетадиган саратонда ҳам Раис бованинг хонаси муздеккина бўлади. Худди бир вақтлар Шодивой иккаламиз жойлашган Тошкентдаги гастинисадек.

Иккинчи қаватга кўтарилиб, шундоқ эшикни очганимни биламан! Гилам тўшалган қабулхонанинг бурчагида, оч ҳаворанг ҳарир пардалар осилган дераза тагидаги столда бир қиз ўтирибди... Ё алҳазар! Одам боласиям шунақа чиройли бўладими? Йўқ, бу одам эмас, онам болалигимда айтиб беради-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган эртакдаги паринінг нақ ўзгинаси! Сочини чиройли турмаклаб, бир четига миттигина жийда шохчасини қистириб олган. (Иккинчи қаватга чиқишим билан димоғимга жийда гули ҳиди урилувди-я!) Эгнида ним пушти кўйлак. Деразадан тушиб турган нурда қомати аниқ-таниқ кўриниб турибди. Юзлари... юзлари жудаям оппоқ эмас-ку, тандирда сингиб пишган кулчадек қизғиштоб. "Пари"нинг камондек қайрилма қошининг қоқ ўртасида жажжигина холи бор. Худди индийский кинодаги артистларга ўхшайди. Ўзим ҳам мабодо кинога кириб қолмадимми, деб у ёқ-бу ёққа аланглаб қўйдим. Йўқ, ўзим билган Раис буванинг қабулхонаси. Олти ой аввал, қишда келганимда ҳам қабулхона шунақа эди. Гилам ҳам, оч ҳаворанг дарпардалар ҳам. Аммо унда "пари" йўқ эди. Тиззаларим ўзидан-ўзи қалтирай бошлади. Келганимни билдириш учун йўталмоқчи эдим, томоғимдан хириллаган овоз чиқди.

"Пари" узун-узун нозиккина бармоқлари билан машинкани чиқиллатишда давом этиб, менга юзланди. Мулойим жилмайган эди, юзи ёришиб кетгандек бўлди.

— Келинг, ким керак эди?

Овозми бу, кумуш қўнғироқнинг жарангими? Юрагим қинидан чиққудек ура бошлади. Трактормнинг моториям бунчалик гупилламас.

"Пари" машинкани чиқиллатмай қўйди.

— Ким керак эди?— деди кўзимга синовчанроқ тикилиб.

Гапирмоқчи эдим, лабим лабимга чиппа ёпишиб олди. Қани оғзимни очолсам.

"Пари" пиқ этиб кулиб юборди.

— Гарангмисиз?

Мўлтираб туравердим.

У менга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

— Соқовмисиз?— деди раҳми келиб.

— Ҳа!— дедим. Овозим йиғламсираб чиқди.— Тилим йўқ.

"Пари" ширин жилмайди.

— Гапирадиган соқовни биринчи кўришим!— у негадир оёғимга имо қилди.— Этигингиз лой экан.

Эрталабдан бери пайкал кечиб юргандан кейин этигим лой бўлмай дўппим лой бўлсинми? Бошқа одам бўлса-ку, шунақа дерди. Аммо "пари"нинг дашномидан ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмадим. Индамай орқамга бурилдиму, зиналардан пастга отилдим. Идора олдидаги фонтан зиҳига ўтириб, аввал ўнг оёғимнинг этигини суғурдим. Усти у ёқда

www.ziyouz.com kutubxonasi

турсин, ичигача тозалаб ювдим. Ўзиниям оқ ем қилиб юбордим-ов. Кейин чап оёғимникини суғурдим.

Ҳаллослаб зинадан кўтарилдим, эшикни очдим. "Пари" бояги жойида машинкани чиқиллатиб ўтирган экан. Ярқ этиб мен томонга қаради-ю, ангишвонадек бежирим оғзини ярим очиб, узун-узун қайрилма киприкларини пирпиратди.

— Мени Раис бова чақиртирган экан...— дедим дадилланиб.

"Пари" ҳамон киприклари пирпираганча яна бир минутми-икки минутми тикилиб турди-да, ўзини стул суянчиғига ташлаганча қаҳ-қаҳ уриб кула бошлади. Қизиқ, нега кулади бу? Ё этигимни чала ювибманми? Мундоқ қарасам, ўнг оёғимда этик бору, негадир чап оёғимда йўқ. Ие, қўлимда экан-ку! Ўзиниям чақалоқ кўтарган хотиндек бағримга босиб олибман. Қўнжи ерга қараб тургани учунми, ичидан чакчак сув томади.

Қочмаган номард деб кўчага отилдим. Шу югурганча уйга етганда ҳушим сал-пал жойига келди. Онам ҳовлидаги сўрида хамир қориб ўтирган экан. Аҳволимни кўриб қўрқиб кетди.

— Тинчликми?

— Йўқ!— дедим ҳаллослаб.— Тинчликмас. Охирзамон бўлди.

Онам оғзини ланг очиб қолди.

Кечаси билан мижжа қоқмай чиқдим. Ўзидан-ўзи шеър тўқигим келади.

Отингни билмайман,
Айта қол ўзинг!
Ичимни ёндириб
Юборди кўзинг...

Уч кунгача гаранг бўлиб юрдим. Раис бува чақирганини баҳона қилиб, олдига борай десам, қўрқаман. Бормай десам, боргим келади. Учинчи кун чидолмадим. Эрталаб далага бориш ўрнига киртишлаб соқолимни олдим. Шипр атридан юзимга мўлгина сепдим. Оппоқ кўйлак, янги шим, оёғимга лакированний туфли кийиб, мундоқ ойнага қарасам... Ҳа, энди бир йигит бўлса, бизчалик бўлар-да! Қарчиғайнинг қанотидек қалин қошлар, хиёл қорароқ, хиёл озғинроқ бўлсаям нормальний юз, хиёл қийшиқроқ бўлсаям ушласа ушлагудек қирра бурун. Бош ёрилганда қолган чандиқ соч тагида кўринмайди. "Пари" дўппимни ечиб, сочимнинг орасини титкилаб ўтирармиди. Газеталарда бир эмас, саккиз марта мақталган, радиода гапирган машъал

www.ziyouz.com kutubxonasi

бригад бўлсак! Энг муҳими, худо берган бўй бор: биру тўқсон! Нари борса, Шайдул — кассирдан бир қарич пастмиз-да! Ҳозирги қизлар баланд бўйли йигитларни ёқтиришади. Тағин нима керак!

Лакированний туфлига чанг тегизмаслик учун кўча четидан битта-битта босиб кетаётсам ("Пари" бу сафар ҳам туфлингиз чанг экан деса, яна шарманда бўламанми?) димоғимга ғалати ҳид кирди. Қарасам, мозористон ёқасидаги чакалак четида жийда гуллаб ётибди. Қўлимга тикан киришига қарамай, битта шохчасини синдириб олдим.

Мармар зинадан чиқиб боряпману тағин тизза қизталоқ қалтирайди-да! Иккала оёғимни кесиб ташлагим келди! "Дадил бўл, Қўшо", дедиму, эшикни шаҳд билан очдим.

"Пари" хаёл суриб ўтирган эканми, бир чўчиб тушди. Танимади! Ўлай агар танимади.

— Ким керак эди?

— Сиз!

Шундоқ дейишга деб қўйдим-у, ўзим қўрқиб кетдим.

У ҳайрон қолгандек юзимга тикилди. Ҳатто икки қошининг ўртасидаги ҳинду холини нозик бармоғининг учи билан силаб ҳам қўйди. Худди аввалги сафардагидек бошимдан оёғимгача қараб чиқди.

— Вой, сизмисиз?— деди жилмайиб.

— Ҳа...

Шу туришда бақа бўлиб тикилиб қолдим шекилли, у кўзини олиб қочди.

— Унақа қараманг одамга,— деди секин.— Қўрқиб кетяпман.

— Мен ҳам,— дедим ростини айтиб.— Йиқилиб тушай деб турибман.— Унинг раҳми келдими, жилмайди.

— Гулингиз чиройли экан,— деди қўлимдаги жийда шохчасига қараб.

Суюниб кетдим.

— Сизга!— дедим жонҳолатда шохчани узатиб.— Биласизми, биз томонда жийда кўп. Шодивойларнинг уйидан нарироқда мозор бор. Ўша мозорнинг атрофи чакалакзор. Жийда демагани тиқилиб ётибди. Эҳтиёт бўлинг, тикани ёмон.

"Пари" энди жийда шохчасига қўл чўзган эди, ёнбош томондаги чарм қопланган эшик очилди. Раис бува чиқиб келди.

— Ия, ҳа!— деди гоҳ "Пари"га, гоҳ менга қараб. Назаримда ғалатироқ илжайгандек бўлди. "Пари" дарров қўлини тортиб олди. Қип-қизариб нари кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қўшовой, кўринмайсан?— деди Раис бува жиддий тортиб.

Мен учун "Пари" жавоб берди:

— Қайси куниям келувдилар. Сиз туманга кетгандингиз...

— Шунақами?— Раис бува тағин гоҳ унга, гоҳ менга қараб қўйди.— Қўшовой— маладес,— деди елкамга қоқиб.— Наргисхон, телефон бўлса, мен йўқман. Қани юр-чи.

У охирги гапини менга айтганини кейин тушундим. Хаёлимда нуқул бир гап айланарди. "Оти Наргис экан-да. Тўппа-тўғри! Отиям индийский, ўзиям!"

— Э, ташласанг-чи, тиканагингни!— Раис бува жийда шохини қўлимдан юлқиб олиб, қабулхона бурчагидаги диванга улоқтирди.— Юр, срочний иш бор.

Муздеккина хонага кирдик.

— Гап бундоқ, тутхўр!— деди Раис бува тик турганча.— Сен эсли боласан. Шу кунларда туманимизда бир ёзувчи пайдо бўлган. Эрта-индин сенгаям бориб қолса ажабмас.

— Борса, гаплашаверамиз,— дедим бепарволик билан. (Фикри-зикрим Наргисхонда эди. Гулимни олдими, йўқми?)

— Э, унақа мақтаб ёзадиганлардан эмас!— Раис бува, худди ўша ёзувчи рўпарасида тургандек муштини дўлайтирди.— Ҳеч ким уни упалномочний қилмаган. Ғирт иғвогар! Райцентрдаги аллақайси техникумда маълим экан.

— Яхши...— дедим ҳеч балога тушунмай.

— Нимаси яхши!— Раис бува чақчайди.— Иғвогар дедимку, ҳаммаёқни така-така қилиб юрибди.

Наргиснинг ҳинду холини силаб тургани лоп этиб хаёлимга келди.

— Чиройли...— дедим хўрсиниб.

— А?— Раис бува шунақанги бақириб бердики, чўчиб тушдим.— Бир иғвогар бутун туманни остин-устун қилиб юради-ю, шу чиройлими? Эшитяпсанми, ҳов!— у қўлини бигиз қилиб, пешонамга нуқиди.— Рэйком бованинг ўзи айтди. Ўша иблисни қаматиб қутулмасак бўлмайди. Эртаиндин сенинг бригадангаям бориб қолса ажабмас. Гап сўраса, ҳеч нимани билмайман, деб тураверасан, укдингми! Эслаб қол, фамилияси — Эргашип, тушундингми?

— Тушундим,— дедим секин.— Тушундим, Наргисхон...

— Нима?— Раис бува ёқамдан ушлаб силкитди.— Эсҳушингни йиғ, бола! Эргашип гап сўраса, ҳеч нимани билмайсан, билдингми?

— Билдим. Билмайман!

— Бўпти, боравер!— Раис бува ёқамни бўшатди. Эшик олдига борганимда чақириб қолди.— Шошма,— деди юм-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шокроқ оҳангда.— Биламан, дуруст боласан. Аммо бўйингга қараб тўн бич. Хўпми? Наргисхон Жовли Менглиевичнинг жияни бўлади. Отаси райпо мудири. Уқдингми?! Бўпти, борақол энди.

Қабулхонага чиқсам, Наргисхон ҳам, диван устида ётган жийда шохчасиям йўқ. Йўлакка чиқиб анчагача талмовсираб турдим. Наргисхон гулимни олган бўлса, бундан чиқди... Энди илжаймоқчи эдим, лабим ўзидан-ўзи бурилиб, жойига келиб қолди. Агар Жовли аканинг жияни бўлса, отаси райпо мудири бўлса, бизга йўл бўлсин... Тенг — тенги билан... Раис бува тўғри айтди.

Тўрвасини йўқотган гадойдек талмовсираб чиқиб кетдим. Қандоқ азобларга қолдим-а? Ишонсангиз, томоғимдан овқат тугул сув ўтмайди. Ғилқ этиб қайтиб тушади. Ҳали айтганимдек, Тулпоримдан бўлак сирдошим бўлмаса... Шодивой-ку, беш йилдан бери қорасини кўрсатмайди. Биринчи курсни битирганида таътилга келган эди. Билмадим, нима жин урди жўрамни! Иккинчи курсдан бошлаб ёзда ҳам қишлоққа келмайдиган бўлиб кетди. Талабалар отрядига қўшилиб, қурилишга борармишми-ей. Кучинг ошиб-тошиб кетаётган бўлса, кел, ўзимизга! Ишимиз шунақанги кўпки, бир ҳафтада қулоғингдан кун кўринадиган қилиб қўямиз!

Бултур Раис бува "Жўранг ўқишни битиряпти, катталар билан гаплашдим, ўзимизнинг туманга ишга келади", деб юрганди. У ёқда Жамила хола ҳам тўй тараддудини кўриб юрувди. Буни қарангки, Шодивой келмади. Кейин эшитсам, Тошкентда ишлаб қопти. Ҳатто Раис бувaнинг ўзиям бир сафар менга ҳасрат қилди. "Жўранг бемеҳр бола чиқди, биттаю битта ўғлим деб шунча авайладим, яхши иш топиб қўйгандим, келмади", деди.

Иш-пишини билмадим-у, барибир, жўрамдан мен ҳам хафаман. Жиллақурса меҳмон бўлиб келмайсанми, аҳмоқ! Мен сенга дардимни айтмайманми! "Шундоқ-шундоқ, жўражон, Наргисхонни севиб қолдим", демайманми, сен менга жўялироқ маслаҳат бермайсанми!..

Ҳар куни эрталаб каллам далага бурилса, оёғим идора томонга тортиб кетаверади. Шу бир ой ичида Наргисхонни атиги икки марта кўрдим. Бир сафар идора рўпарасидаги фонтан ёнида хаёл суриб турсам Раис бувaнинг "Нива"си ғириллаб келиб қолди. У эшикдан Наргис, бунисидан Раис бува тушишди. Алланимани гаплашиб идорага кириб кетишди. Мени кўришмадиям.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иккинчи гал таваккал қилиб Наргисхоннинг эшигини очдим. Хона бурчагида негадир хомуш турган экан. Мени кўриб, жилмайди. Гапни нимадан бошлашни билмай турган эдим, аксига олиб худди аввалги сафардагидек Раис бува хонасидан чиқиб қолди.

— Иғвогар келдими?— деди тўсатдан.

Ҳайрон бўлдим.

— Қанақа иғвогар?

Раис бувининг жаҳли чиқиб кетди:

— Нима дегандим сенга? Идорада ўралашгандан кўра ишингга бор!— менга қанақа ўшқирган бўлса, Наргисхонга ҳам шунақа ўдағайлади.— Отчетларни ким кўчиради! Юринг!— шундай деди-ю, Наргисхонни хонасига бошлаб кириб кетди.

Вой, димоғингга беданам қўнсин! Раис бўлмоқ тугул аълиё бўлмайсанми?! Нега дўқ қиласан! Ўтказиб қўйган жойинг борми! Келиб-келиб Наргисхонга-я!

Бир тўполон кўтаргим келди-ю, тўғриси, Наргисхондан уялдим.

Исанинг алами Мусадан деб, Чори бечоранинг калтак егани қолди. Урганим йўғ-у, шунга ўхшаганроқ иш бўлди.

Тушлик пайтида тол тагида кўкрагимни ерга бериб ётсам, шўрва ичиб бўлиб, нос чекиб роҳатини сураётган Чори вайсаб қолди.

— Эситдингми, ўв, Қўсо...— деди оғзида нос борлиги учун тили яхши айланмай,— Раис бовани бир секретари бор... Сунақа сиройли, сунақа сиройли, бир қосиқ сувминан ютсанг, зонинг роҳат қилади...

— Нима?— учиб бордим-у, белидан олиб, кучим борича ҳовузга отдим. Чори бечора ҳовузнинг қоқ ўртасига шалоплаб тушди. Боядан бери тинимсиз вақиллаётган қурбақалар ининига уриб кетди. Толга боғлоғлиқ Тулпорим шаталоқ отиб қочмоқчи бўлди-ю, арқонни узолмади. Чори амаллаб қаддини ростлади. Негадир кўзи ола-кула бўлиб ўқчий бошлади.

— Нос кетди!— эски шолчага ёнбошлаб ётган Панжи дик этиб ўрнидан турди-ю, айюҳаннос солди:— Ичига нос кетиб қолди! Кафтини тўлдириб отган эди. Ўлиб қолади, бола!

— Ўлсин!— дедим жиннилардек ер тепиниб.— Ўлаверсин! Агар Наргисхонни яна бир марта...

Чори лойқаланиб кетган сувдан ҳовучлаб беш-олти марта ичди-да, чўзиб-чўзиб кекирди.

— Аҳмоқ!— деди ёшланган кўзларини ишқалаб.— Нима қилдим сенга?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Яна бир марта гапирсанг...— сўкмоқчи эдим-у, аҳволини кўриб раҳмим келди.— Чиқ!— дедим ўдағайлаб.

— Чиқолмайман!— Чори ҳовуз ўртасида турганча гавдасини у ёқ-бу ёққа лапанглатиб қўйди.— Белимгача лойга ботиб қолдим! Торт!

Этигимни ечиб сувга тушишга мажбур бўлдим. Бечора ростдан ҳам белигача балчиққа санчилиб қолган экан. Тортиб чиққунча ўзимнинг ҳам силлам қуриб кетди. Чорининг этиклари шўлтиллар, шими ачимсиқ лойга беланган эди.

— Белни единг, хумпар!— деди афти буришиб.— Шуни аввалроқ айтмайсанми, уйини кўрсатиб қўймайманми!

— Жон жўражон!— Чорининг этигини оёғидан суғуриб олярканман ялинишга тушдим.— Ростдан ҳам кўрсатасанми уйини!

— Э, ўл!— унинг афти аввалгидан баттар буришиб кетди.— Вой белим-а!— деди инқиллаб.— Лолазор посёлкасида туради. Шундоқ универмаг рўпарасида,— яна бели сирқиллади шекилли алам билан тўнғиллади:— Кўнглингга қўтир жомашов! Жовли аканинг жияни бўлади у! Сенга кўзи учиб турибдими?

— Оборасан-а?— дедим Чорининг этигини ҳафсала билан ювярканман.— Майли, белингни уқалаб қўяман. Оғритмасдан уқалайман.

...Чори айтганини қилди. Ишдан кейин узун-қисқа бўлиб "Лолазор" посёлкасига бордик. У универмаг орқасидаги каттакон темир дарвозани кўрсатиб, "шу!" деди-ю, ура қочди. Назаримда, Наргисхоннинг приёмчик тоғасидан, райпода раис бўлиб ишлайдиган отасидан қўрқди. Чори қўрқса — қўрқар. Мен нимадан чўчийман?.. Дарвоза яқинига бордим, кун бўйи офтобда қизиб ётган дарвозани силадим. Қарасам, бир тавақасига қип-қизил тили осилган итнинг расми чизиб қўйилибди. Оббо! Бир камим итга таланишим қолувди энди!

Қўрқа-писа орқага чекиниб, уйни томоша қилдим. Уй эмас, қаср! Пишиқ ғиштдан қурилган. Деразасидан мўралайман деган одам камида беш қулочли нарвон топиб келиши керак. Деворини айтмайсизми? Замбаракнинг ўқи тешиб ўтолмайдиган қалъа ҳам бунчалик бўлмас.

Ой чиққунча кўча бошига бордим-келдим, бордим-келдим. Ичкарида чироқ ёнди. Кимдир телевизор қўйди шекилли, деразалардан бирида зангори нур кўринди. Аммо ҳеч ким дарвозадан чиқмадиям, кирмадиям!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кетдик, тарвузимиз қўлтиғимиздан тушиб! Хато қипман! Асли Тулпоримни миниб келсам бўларкан. "Лолазор" кам деганда саккиз чақиримча экан. Пиёда тупроқ кечиб уйга етгунимча тонг ёришди.

Ўн тўртинчи боб

"ИҒВОГАР"

Раис бува "Ҳушёр бўл, бригадангга иғвогар бориб қолса ажабмас", деб юрганча бор экан.

Бугун ўша иғвогар келди. Йигитлар-ку, тушликда қорнини қаппайтириб олишган. Мен бўлсам, деярли қуриб қолган тол панасида саҳрои Кабирга айланиб кетган доимий жойимда ўрнимдан жилишга мадорим келмай ётган эдим. Тағинам фил эканман. Мана, масалан, сиз бир кун эмас, бир ҳафта эмас, роса бир ой нуқул ҳаво билан овқатланиб кўринг, ҳолингиз нима кечаркин? Ниначига айланиб қоларсиз!

Шундай қилиб денг, кўксимни ерга бериб ётсам, Тулпорим ҳанграб қолди. Тўғрисини айтсам, Тулпоримни илгариги шашти йўқ. Аввалари қандоқ эди! Ғайратга кириб бир ўкирса етти қишлоқ наридаги эшаклар пилдир-пис бўлиб қоларди. Ҳозир унақа эмас, мадори етганча икки-уч ҳанграйди-ю, дами ичига тушиб кетади. Биламан. Унгаям қийин. Биринчидан, қариб қолди. Иккинчидан, менинг дарди ҳасратимни эшитавериб юраги эзилиб тамом бўлди. Чамамда, давлениси ошиб, хафақон бўп қолди-ёв. Учинчидан, ҳар куни кечаси роппа-роса ўн олти чақирим йўл босади. Саккиз чақирим "Лолазор"га, саккиз чақирим орқага. Ҳар куни ишдан кейин иккаламиз Наргисхоннинг муборак дарвозасини зиёрат қилиб келамиз. Кеча кечаси ҳам боргандмиз. Туриб-туриб қайтиб келганмиз... Чарчайди-да, шўрлик.

Шундоқ қилиб денг, мудраб ётсам Тулпорим ҳанграб қолди. Совуққина, ҳазингина ҳангради. Йигирма минутча олдин ҳам "соат тўрт бўлди", деб хабар берган эди-ку! Қариб мияси айниб қолдими, нима бало!

Эринчоқлик билан бошимни кўтарсам, шийпондаги эски шолчада бир одам чордана қуриб ўтирибди. Дарров сездим, ўзимизнинг қишлоқдан эмас. Аммо газетадан келадиган мухбирларгаям ўхшамайди. Радиодан десам, ашқол-дашқоли йўқ. Кийиниши ҳам ўзимиз қатори. Оёғида чанг босган этик, эгнида офтобда унниқиб кетган енгсиз кўйлак, бошида эски дўппи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Келинг, меҳмон!— деб ўрнимдан қўзғалган эдим, меҳмон, хижолат чекиб, қўл силтади.

— Қимирламанг. Баҳазур. Дам олаверинг.

— Э, бўлди!— дедим қўшқўллаб сўрашиб.— Дам олиб бўлдик. Ҳозир чой-пой...

— Овора бўлманг!— меҳмон билагимдан тутиб, астойдил рад қилди.— Ўтиринг, сиз — Қўшоқжонсиз-а?

— Ҳа!— дедим ҳайрон бўлиб.

— Менинг фамилиям— Эргашев!— меҳмон кўзимга синовчан тикилди.

Хаёлимда бир сапчиб тушгандек бўлдим-у, сездирмадим. Вой аблаҳ-ей! Раис бува айтган иғвогар сен экансан-да! Ажаб, иғвогар деганда юзидан заҳар томиб турадиган, қора кўзойнак тақадиган, озғинлигидан икки чакаги ич-ичига кириб кетган одам кўз олдимга келарди. Тавба, фитначилар ҳам ўзимизга ўхшаган одам бўларкан-да!

— Мен — иқтисодчиман, Қўшоқжон!— деди иғвогар хотиржамлик билан.— Техникумда дарс бераман...

Қаранг, мулойим бўлиб қўйнимга киряпти. Иқтисодчи бўлсанг ўзингга! Лақиллатмоқчимисан? Кўрамиз ким-кимни аврар экан! Раис бувининг "нима сўраса билмайман, деб туравер" дегани эсимга тушди.

— Билмайман!— дедим тўнғиллаб.

— Бўлиши мумкин,— Эргашев кулимсиради. (Кулимсирашиям ўзимизга ўхшайди, ярамас!)— Лекин мен сизни биламан. Сиз — машҳур бригадир Қўшоқжон Салимовсиз.

— Билмайман!

— Отангиз Салимжон ака "Машъал" жамоа хўжалигида анча йил бухгалтер бўлиб ишлаганлар.

— Билмайман!..

— Нима учун Алимов раис бўлиб келганидан кейин кўп ўтмай отангиз бухгалтерликдан бўшаганларини биласизми?

— Билмайман!

Иғвогар узоқ жимиб қолди. Хўрсинди.

— Қўшоқжон...— деди секин.— Айтинг-чи, дунёда энг оғир гуноҳ нима?

— Билмайман!

— Мен биламан!— деди кўзимга тикилиб. Шундагина сездим. Кўзи одамга чақиртиканакдек қадаларкан. Раис бува "эҳтиёт бўл" деганича бор экан.— Дунёда энг оғир гуноҳ — ўз онасини хўрлаш!— деди у дона-дона қилиб.

— Нима?— қоним қайнаб кетди.— Ким онасини хўрлабди!

— Ҳаммамиз...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жинними бу? Нима деб вайсаяпти?

— Ўзингизга қараб гапиринг, ака!— дедим таҳдид билан.

У мендан кўз узиб, пахтазорга қаради.

— Мана шу ер,— деди қўли билан имо қилиб,— ўзимизнинг онамиз, тўғрими? Биз нима қиляпмиз ўзи? Дам бериш ўрнига, бир йил-икки йил ҳордиқ бериш ўрнига пахта экамиз! Беда сепдик, деймиз, пахта экамиз. Алмашлаб макка экдик, деймиз, пахта экамиз! Бир ҳисса ўрнига ўн ҳисса, йигирма ҳисса, эллик ҳисса химикат сепамиз. Ўз онамизга ўзимиз заҳар тиқиштирамиз. Она-ку боласининг гуноҳини кечирса кечирар, лекин Ер одамларнинг гуноҳини кечирмайди. Бир куни шунақа қасос оладики...— у яна ярқ этиб кўзимга қаради... Илонми, нима бало! Қуённи авраган аждардек одамни сеҳрлаб қўяди-я. Қанчадан-қанча йўғон комиссиялардан қўрқмаган Раис бува биттагина иғвогардан шунчалик чўчигани бежиз эмас экан-да.

— Бугун биров осмон баравар планни дўндиради,— деди у ҳамон кўзини кўзимдан узмай.— Эртага ер адойи-тамом бўлади. Ўлади, тушуняпсизми, ўлади!— у чуқур хўрсинди.— Томорқангизга нима экқансиз?

— Макка!

— Тўғри! Негаки макка экмасангиз, битта сигирингиз билан иккита қўйингиз оч қолади.

Вой шум-ей! Битта сигир, иккита қўйимиз борлигини қаёқдан билди бу!

— Колхоз ҳам экади ўша маккани!— у истеҳзоли илжайди.— Далага эмас, қоғозга. Кейин моллар фалон тонна жўхори еди, деб справка ёзилади. Қоғозга шунақанги кўп макка экиладики, ҳаммасини еса сигир тугул филнинг ҳам қорни ёрилиб кетарди. Аммо сигирнинг тили йўқ. Емадим деёлмайди, тўғрими?

— Билмайман,— дедим тўнғиллаб.

— Ўзингиз қишлоқда туриб, узумни шаҳардан сотиб оласиз! Икки кило олма учун туман марказидаги бозорга тушасиз.

Ичимдаги гапларни кўзимдан уқиб оляпти-ку бу!

— Э, билмайман,— дедим тескари қараб.

Энди туриб кетмоқчи эдим у қўлимдан тутди.

— Шошманг!— деди секин. Секин гапирсаям овози шунақанги ҳокимона эдики, эсанкираб қолдим.— Қўшоқжон!— бу сафар у кўзимга илтижо билан термулгандек бўлди.— Гектаридан эллик бир центнердан ҳосил олганингиз тўғрими?

— Билмайман!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нега билмайсиз, газетада чиқди-ку, ахир!

— Газетада чиққан бўлса, бундан чиқди, олганмиз!— дедим зарда билан.

— Ўтган мавсумда бир машинада уч юз эллик тонна пахта тергансиз.

— Терганман! Қутулдимми?

— Унақа бўлса, икки юзта ҳашарчини нега салкам уч ой ушлаб турдинглар?— ирғовгар кулди. Жуда хунук куларкан. Башараси худди йиғлаётган одамга ўхшайди.— Битта машинада икки юз эллик тоннадан ортиқ пахта териб бўлмайди, укажон!— деди ялингудек бўлиб.

— Э, боринг, мен сизнинг укангиз эмасман!— дедим жоним чиқиб.— Тинч қўясизми-йўқми одамни!

— Бўпти, бораверинг,— у ҳафсаласи пир бўлиб, юзини ўгирди. Ҳайронман, негадир олдидан кетгим келмасди. Жоду қилиб қўйгани шудир-да!

— Кечалари яхши ухлайсизми?

Нима бало, жодугарми бу? Ҳали Наргисхонни севиб қолганимниям айтиб берар!

— Бир ярим ойдан ошди: мижжа қоқмайман,— дедим хўрсиниб.

— Ана!— у қувониб кетди.— Нима, сиз одамларни ҳеч нимани кўрмайди, деб ўйлайсизми?— деди ҳаяжонланиб.— Энг ёмони шуки, одамлар сизга ишонмайди. Сиз, ҳаммани кўр деб ўйлайсиз-у, аслида ўзингиз кўрсиз!

— Нима?— сапчиб ўрнимдан туриб кетдим.— Ирғовгар бўлсангиз ўзингизга! Аммо одамни ҳақорат қилманг!

— Кечирасиз... Узр,— у яна юзини ўгирди.— Бригадангизда қанча одам бор?

— Билмайман!— дедим жаҳл билан.

— Қизиқ, бригадир ўз аъзоларининг сонини билмаса!

— Биламан!— дедим ер тепиниб.— Ўн бир киши! Қутулдимми ё фамилиясиниям айтайми?

— Нега энди?— ирғовгар ҳайратланиб елкасини учирди.— Бригадангизда ўттиз икки киши ишлайди.

Вой иблис-ей! Вой ярамас-ей! Энди туҳмат қилишга ўтдими!

— Ҳов!— дедим бўғилиб.— Яна бир оғиз гапирсангиз...

У пинагини бузмади.

— Ҳаммасини биламан, Қўшоққон! Меҳнатни сиз қиласиз, ҳузурини улар кўради: раис, бошбуҳ, эканамис... Булар узоқда ўтирган оғаларнинг оғзига қараб туради. Беш миллион тонна пахта берасан, деса, олти миллион қиламиз, дейди. Гектаридан қирқ центнердан ҳосил олгин, деса,

www.ziyouz.com kutubxonasi

элликдан оламиз, дейди. Умрида пахтазорга кириб кўрмаган одам пахтани қаёқдан билсин? Пахтакорнинг меҳнати қанақа азоблигини қаёқдан билсин? Уларга пахтакорнинг кераги йўқ. Уларга пахта керак! Булар бўлса, уларнинг кўнглини овлаб орден-медаль олиш билан овора. Пул ишлаш билан банд!

Ростини айтсам, иғвогарнинг биттаям гапини тушунмадим. "Улар" дегани ким, "булари" ким? Иғвогар бўлса ҳамон минғиллар эди.

— Аҳвол шундай кетаверса, биласизми, нима бўлади?

— Билмайман!— дедим жоним ҳалқумимга келиб.— Билмай-ман!

У бирпас жим қолди-да, кўзимга тикандек қадалиб сўради:

— Ўн кун илгари бир юз саксон етти сўм маош олдингиз, тўғрими?

Нима? Яна қанақа ғавғо бошламоқчи бу?

— Бултур кузда олти ярим минг сўм даромад қилгансиз. Бригадангиз аъзолари ўртача тўрт минг сўмдан...

Бу ёғига чидолмай қолдим. Бу қандоқ бедодлик! Нега туҳмат қилади! Ўтган йили "гадовой"да юз ўн сўм олганман. Бор-йўғи юз ўн сўм! Қирқ уч сўм маош олганимга уч ойдан ошди. Нимага туҳмат қилади бу аблаҳ!

— Йўқол!— ёқасига қўшқўллаб чанг солдим. Бўйни чумчуқникидек ингичкагина экан-ку, икки қўллаб бўғиб ўтирибман. Битта қўлимнинг ўзиям етиб ортиб қоларкан-ку!— Ҳў, аблаҳ,— дедим алам билан.— Шунча пулим бўлса, аллақачон уйланиб олардим!— "Наргисхонга", дегим келди-ю, тилим бормади.— Нега туҳмат қиласан, номард! Нега ҳақорат қиласан одамни, иғвогар!

Ҳушим жойига келиб, мундоқ қарасам, бечоранинг юзи кесак бўлиб кетибди. Лабининг икки четидан кўкимтир сўлак оқяпти. Қўлимни бўшатишим билан шилқ этиб ёнбошга йиқилди. Ётган жойида оёқ-қўли баравар силкина бошлади. Ўтакам ёрилиб кетди. Бир бечорани ўлдириб қўйдим шекилли! Югуриб бордим-у, ҳовуздан дўппимга сув тўлдириб келиб, юзига сепдим.

Иғвогар инқиллаб кўзини очди.

— Сув!— деди инграб.

Чопқиллаб бориб, яна дўппимни тўлатиб келдим. У учтўрт қултум ичди-да, негадир лаби титраб илжайди.

— Билардим,— деди инқиллаб,— ҳалол йигитлигингни билардим, ука. Раҳмат, Салим ака сени одам қилиб тарбиялаган экан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қизиқ, мен уни ўлар ҳолатга солсам-у, бу раҳмат деса. Э, ўл, иғвогар бўлмай!

Дўппимга тағин сув тўлдириш учун ҳовузга талпинган эдим, орқа томонда мотор гуриллади. Чўнқайиб ўтирган кўйи қўлтиғим остидан қарасам, Раис буванинг "Нива"си чанг-тўзон кўтариб, шийпон олдига келиб тўхтади. Раис бува эшикни қарсиллатиб ёпиб тушди-да, шийпонда ҳуд-беҳуд бўлиб ётган иғвогарни кўриб негадир илжайди.

— Баҳай, тинчликми?— деди менга қараб.

— Билмайман! Ҳеч нимани билмайман!— шундай деб, ҳовуз томон ўтирилган эдимки, ўнг томондаги эшик очилганини, машинадан... калта енгли гулдор кўйлак кийган, сочини битта қилиб ўриб орқасига ташлаб олган Наргисхон тушиб келаётганини кўрдим. Дўппимни ҳовузга улоқтириб, олдига чопиб бордим. Шийпон томондан Раис буванинг кинояли овози келди.

— Ия, ҳа, ўртоқ "ёзувчи?" Нима гап?..

— Ҳеч нима...

— Ғийбатчининг жазоси шу бўлади, Эргашип!

Наргисхон аввал шийпонда бир ҳолатда ўтирган иғвогарга, кейин Раис бувага, кейин менга қаради.

Дилимдагиларни ҳозир айтмасам, бошқа қулай фурсат топилмаслигини билиб, тутила-тутила гап бошладим:

— Наргисхон! Биласизми?..

У ҳайратлангандек юзимга тикилди. Негадир қорайиб, озиб кетибди. Иши кўп-да бечоранинг.

— Наргисхон... Мен... мен сизни кўп изладим,— дедим минғиллаб.— Идорага бордим... Ўн етти марта. Уйингизга бордим. Ўттиз тўрт марта... Тулпорим билан... Қопағон итингиз бор экан...

У аввал қувонгандек бўлди, кейин, негадир қовоғини солди.

— Керакмас,— деди лабини тишлаб.

— Нега?

— Рекс чиндан ҳам қопағон...

— Қопса қопаверсин! Еб қўйсаям майли. Менга барибир.

Наргис энди жилмайган эди, лаънати Раис бува яна гапнинг белига тепди.

— Қани, жўнаб қол-чи, Эргашип!— деди овози гумбурлаб.— Тинчидингми, энди?

Иғвогар гандираклаброқ уч-тўрт қадам босди-да, негадир менинг ёнимга келди. Қўлимни қаттиқ сиқди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хайр!— сал нарироққа борди-да, орқасига қаради.— Тинчиганим йўқ, Алимов!— деди йиғлагудек илжайиб.— Токи виждоним тирик экан, тинчимайман!

Унинг гапи бу қулоғимдан кириб, унисидан чиқиб кетди. Қасди бўлса, Раис бува билан олишаверсин! Менга нима? Менга Наргис керак!

— Наргисхон!— шунақанги чуқур хўрсиндимки, бир ярим ойдан бери ичимда қизиб ётган олов ловуллаб кетди. Овозим шу қадар инграб чиқдики, Наргисхон ёниб кетишдан қўрқдими, лип этиб ўзини "Нива" ичига урди.

— Оббо азамат-ей!— Раис бува елкамга шапатилаганида ҳам икки кўзимни Наргисхон кириб кетган машинадан узмадим.

— Оббо тутхўр-ей!— Раис бува қўлтиғимдан олиб тол тагига судради. Эргашиб боряпман-у, кўзим машинада. Наргис орқа ўриндиқда ўтирибди. Биз томонга қарамайдиям.

— Вой тутхўр-ей! Аммо бопладинг ифвогарни! Бир йўла ўлдириб қўя қолмадинг-да! Узоқдан кўриб турувдим! Ўзиниям мушук боладай эзғиладинг. Маладес!— Раис бува машина томонга тезгина қараб олди.— Ҳаммаси тушунарли,— деди елкамга тағин шапатилаб. Пешонаси тиришди.— Жўрангдан умид йўқ!— деди салмоқлаб,— ўқишини битириб келса, уйлаб қўяман, деб юрувдим, ўша ёқларда қолиб кетди. Билмадим, бу ёғи нима бўлади. Эсингдами, ҳов бирда мен сенга оталик қиламан, дегандим. Ўша гапим — гап! Тўй қиламиз...— деди тўсатдан.— Анчадан бери сезиб юрибман. Биламан, яхши кўрасан шу қизни... Ўзим совчилик қиламан.— У бир зум иккиланган кўйи жимиб қолди.— Тўғри, Жовли Менглиевичлар катта даргоҳ. Аммо мен ўртага тушсам, ғинг деёлмайди. Қўлни ташла, тутхўр! Сенга оталик қилганим бўлсин! Бир ой ичида тўйингни ўтказмаган — номард!

Машина чанг-чўзон кўтариб кўздан ғойиб бўлганидан кейингина ҳушим жойига келди. Нима деди Раис бува? "Шу қизни обберамн", дедими! "Бир ой ичида тўй қиламиз", дедими! Наҳотки? Наҳот шу гап рост бўлса!

Толга боғлоғлиқ турган Тулпорим ҳам Раис бувининг гапини тушундими, ўзининг ёшлигини эсладими, қулоқлари диккайиб, ирғишлай кетди.

— Эшитдингми, ошна!— дедим Тулпоримнинг бўйнидан қучоқлаб.— Раис бувининг гапини эшитдингми?

Кўзимга тикилиб туриб, худди фолбиндек дилимдаги гапларни айтиб берган ифвогар ҳам, уч ойдан бери маош олмаганим ҳам паққос эсимдан чиқиб кетди. Кўз ўнгимда Нар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гисхону, қулоғимда Раис буванинг гапи: "Бир ой ичида тўйингни ўтказмаган номард!"

Кечгача шунақанги ғайрат билан ишладимки, тракторимни чийиллатиб юбордим!

Ўн бешинчи боб

РАИС БУВА ОТАЛИК ҚИЛМОҚЧИ

Бугун колхоз идорасида мажлис бўлди. Жуда катта мажлис. Ҳатто Райком бува ҳам, хлоппунктда ярим кечаси йиғилиш бўлганида қатнашган семиз киши — обком вакили ҳам келди. Хўп антиқа гаплар айтилди.

Шошманг, мажлис-ку, ўз йўлига! Аввал аканг қарағайнинг ҳаётида рўй берган бахтли воқеаларни айтмасам, пақ этиб ёрилиб кетаман. Уволимга қоласиз!

Ўшанда Раис бува сенга ўзим совчилик қиламан, деганида, ҳарчанд қувонмай, кўпам ишонгим келмаганди. Буям пат-пат олиб бераман, деган гапдек бўлса керак-да, деб ўйлаган эдим. Буни қарангки, индинига ярим кечаси уйга келсам (Тулпорим билан лўкиллаб тағин "Лолазор" га боргандик), ҳовлимиз гул-гул очилиб кетибди. Сувлар сепилган, ҳаммаёқ чинни-чироқ қилиб супурилган... Радио варанглаб "Учқудуқ"ни айтиб ётибди. Ошхонада синглим Мавжу ош дамлаяпти. Жиянчамни кўтариб олган онам мени камида ўн йил кўрмагандек қучоқлаб, бағрига босди. Жиянчам фурсатдан фойдаланиб бурнимга чанг солди. (Бодринг деб ўйлади шекилли, шунақанги куч билан тортдики, узиб олишига бир баҳя қолди.) Бурун ачишганига парво қилмай, жиянчани ўпиб эркалатдик. Ширин бола-да, ўзиям.

— Бахтинг очилди, ўғлим!— деди онам негадир ўпкаси тўлиб.— Пешонанг ярақлаган йигит экансан. Тезроқ кир, почтангга салом бер!

Ҳайрон бўлдим.

— Қанақа почта?

— Мавжунинг эри-да! Сендан бир ёш катта-ку, почта бўлади-да, болам!

Ёши катта бўлса ўзига! Биринчидан у — опамнинг эмас, синглимнинг эри! Демак — куёв! Иккинчидан, Жуни урганда ўласи қилиб дўппослаганимдан бери гаплашмаймиз. Қолаверса, кейинги икки йилда биттаям запчасть бермади. Шунга салом беришим керакми, энди?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Онам иккиланиб турганимни сезди. Елкамга қоқди.

— Кира қол, жон болам. Поччанг хушхабар обкелди. Пешиндан бери кутиб ўтирибди.

Айвонга чиқиб этик ечаётсам, ичкарида гангур-гунгур суҳбат! "Наргисхон", "Жовли Менглиевич", "Райпо" деган сўзлар қулоғимга чалинди... Бир гап бор шекилли...

Эшикдан киришим билан хонтахта тўрида ўтирган куёв дик этиб ўрнидан турди. (Авваллари шимининг дазмоли бузилишидан қўрқиб стулда ўтирарди. Йўқ, бу сафар лўла болишга ёнбошлаганча дадам билан бемалол чақчақлашяпти).

— Қани, суюнчини чўзинг, куёвтўра!— деди шанғиллаб. Жиндай "отиб олган" шекилли, қучоқлашиб кўришди. Димоғимга ачимсиқ ҳид урилди.— Шу дардингиз бор экан, бошда айтмайсизми, Қўшоқжон! Биз сизга бегонами?

— Нима?— дедим гарангсиб.

— Қаранг, тағин ўзини гўлликка солади, амаки!— (дадамни "амаки" дейди),— Қўшоқжон бало, амаки, Наргисхондек қизнинг бошини айлантириб қўйибди. Тўйни юриштириб юбордик, куёвтўра!

— Ростданми?— уйда дадам ўтиргани ҳам паққос эсимдан чиқиб кетди. Куёвнинг терлаб турган юзидан чўлпиллатиб ўпиб олдим.

У илжайиб жойига бориб ўтирди.

— Кўрдингизми?— деди дадамга.— Жигаридан урган. Аммо ўзиям зўр жойга қуда бўладиган бўлдингиз-да, амаки.

Уялган киши бўлиб, пойгакка чўнқайдим.

— Чой борми?— дедим одоб билан.

— Э, чойни қўйсанг-чи, зўр!— куёвнинг қип-қизил юзи ялпайиб кетди.— Ўткиррогидан олиб ке!— деди дилкашлик билан шанғиллаб.

Отамга қарасам, қовоғи солиқ. Лунжи учай-учай деяпти-ю, ўзини тийиб ўтирибди.

— Қуда билан мақтанадиган одатим йўқ,— деди тўнғиллаб.

— Ие, қизиқмисиз, амаки,— куёв яна шанғиллади.— Ўғлингизнинг бошига бахт қуши қўниб турибди-ю, сиз ноз қиласизми? Отаси райпо раиси бўлса, тоғаси кимсан Жовли Менглиевич бўлса...

Дадамнинг лунжи учди.

— Менга нима?— деди чимирилиб.— Райпосиям, приёмчигиям бир гўр!

Нима? Дадам қанақа ўзи? Қачон қараса, йўлимга тўғаноқ бўлади! Энди отамнинг қайсарлиги деб Наргисхондан

www.ziyouz.com kutubxonasi

қуруқ қолишим керакми? Бекорларни бештасини айтибди! Шунақа қилса...

— Ўйлаб гапиряпсизми?— деди куёв ҳам ранжиб.— Нима қиласиз, пишиб турган ошни ланж қилиб... Айтдим-ку, кеча Раис бова мени идорага чақириб ҳаммасини тушунтирди. Очиғини айтсам, шу қизни ўзим келин қилмоқчи эдим, Шодивой нобакор бола чиқди, деди. Қўшоқвойни ҳам ўз ўғлимдек яхши кўраман. Тошкентга оборib ўқишга жойлаштиролмаганимдан ҳамон уялиб юраман, қайтага Шодивой эмас, шу бола ўқиб келса кўпроқ фойдаси тегарди, деди. Энди шу қиз бегонага кетмасин, дейман, деди, амаки! Раис бова ўртага тушмаганида қудангиз сиз тугул райкомгаям эшигини очмасди.

— Худди ўша Раис бованинг ўртага тушгани ёқмай турибди,— дадам қайсарлик билан юзини ўгирди.

Онам дадамнинг феълини билгани учунми ё худди шу гапни кутиб, эшикда пойлаб турган эканми, жиянчамни кўтарганча шахд билан кириб келди. Тўсатдан шунақанги шовқин солдики, қўлидаги жиянчам чинқириб йиғлаб юборди.

— Қанақа отасиз, ўзи? Шундоқ одамлар ғунчадек қизини дала думбул ўғлингизга бераман деса! Раис бовадек киши...— у чириллаб йиғлаётган болани куёвга узатди.— Ушлаб туринг. Раис бовадай киши ўртага тушса! Жовли академ одам раснинг юзидан ўтолмай хўп деса, тағин нима нозингиз бор. Нотавон кўнгилга кўтир жомашов!

— Шуни айтинг!— куёв ҳамон йиғлаётган ўғилчасини овутишга уринди.— Бўлди, улим, бўлди...— отамга юзланиб, ўшқирди.— У қизга кимлар харидор бўлганини биласизми? Раймилициянинг начальниги ўғлига сўраган. Главврач укасига сўратган. Нима қилайлик, қиз ўғлингизга кўнгил қўйибди. Шунинг ўзи Қўшоқхоннинг омади чопгани эмасми?

Нима? Нима деди куёв? Бундан чиқди, Наргисхоннинг ўзиям...

Шартта ўрнимдан туриб, куёвни белидан кўтариб бешолти марта чирпирак қилиб айлантирмоқчи эдим, онам тўсатдан йиғлаб юборди.

— Харажатидан қочаётган бўлсангиз майли!— деди ростмана ҳўнграб.— Худога шукр. Укам бор! Жиянингни тўйига биттагина ҳўкиз, тўрттагина қўй тўяна қил, десам, бўйин товламас.

— Қалин пули биздан!— куёв сал иккиланиброқ турди-да, қўшиб қўйди.— Биламан, сизни қўлингиз қисқароқ. Пенсиядаги одамсиз, лекин хайрли ишни чўзиб бўлмайди... Майли, ичкиликниям бир чеккасини кўтаришиб юборамиз. Бе-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гона эмасмиз-ку, ахир... Икки ёш бир-бирига кўнгил қўйган бўлса...

— Ана!— онам энди йиғламай қўйди. Овози янаям дадиллашди.— Битта ўғлингиз учун узатган оёғингизни йиғмай қўя қолинг!

Маладес, ўзимизнинг онамиз! Бормисиз, энажон!

— Сиз эртага совчиликка бораверинг!— деди куёв онамга қараб.— Бир боришда келин томон нон синдирмаса, биз кафил!

Дадам лунжи учиб-учиб ўтирди-да, "билмадим-ов", деб қўйди. Бу унинг рози бўлгани эди. Хайрият, анча енгил тортдим.

Кейинги воқеаларни худди тушимда кўраётгандек бўлдим. Куёв рост айтган экан. Онам биринчи боришида келин томон нон ушатишибди. Кейин аканг қарағайнинг, яъни куёвтўранинг нони синдирилди. Бундан чиқди, тамом! Наргисхон энди бизнинг жуфти ҳалолимиз! Дадам ҳам шундоқ одамларга қуда бўлаётганига ишонди: ҳовли деворининг камгак жойларига гувала босиб, қайтадан сомон сувоқ қилишга киришди.

Бундан ортиқ бахт борми одамга! Раис буванинг яхшилигини нима билан қайтарай! Шодивой шундоқ отасини хафа қилиб юрибди. Тўйни эсон-омон ўтказиб олайлик, жўрамни излаб Тошкентга бораман, топиб айтаман, "сен — Шоди, аҳмоқ экансан", дейман. "Даданг *тилло одам*, хафа қилма, тезроқ қишлоққа бор, сениям уйлаб қўяди", дейман! (Албатта, Наргисхонни унга мўлжаллагани-ю, аканг қарағай илиб кетганини айтмайман. Нима қиламан хафа қилиб жўрамни!)

Қаранг, шу пайтгача куёвимниям билмаган эканман-да. Йигитнинг марди шу экан-ку!

Тоғамни айтмайсизми! Ойим қуданикида нон синдириб келган куннинг эртасига эшигимиз олдида "ЗИЛ" машина вошиллаб тўхтади. Кабинадан тоғам тушиб, машина орқасига зинғиллаб ўтди.

— Бортни очишиб юбор, жиян!— деди илжайиб. Қарасам, машина устида филдай буқа кўндаланг турибди. Қопқора, шохлари қайрилиб кетган. Қонталаш кўзлари одамга ўқрайиб қарайди.

— Эҳтиёт бўл,— деди тоғам бортга чиқаётганимда.— Сузонғич экан уккағар!

Аслида-ку, бизнинг таомилда қиз томонга ҳўкиз эмас, ўттизтами-қирқтами қўй юборилади. Раис бува отамнинг қўли қисқалигини билгани учун Жовли Менглиевичга шип-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шиб қўйганми, хуллас, қудаларни биттагина буқа, беш-олтига қўйга кўндирибди.

Киройи келинникига юбориладиган бўлганидан кейин шунақа гижинглаб турадиган буқа яхши-да! Бизни сузиб бўпти! Борт четига чандилаб боғланган арқонни ечиб, сакраб тушдим-да, пастдан туриб тортдим. Буқа эриниброқ ерга тушди. Тўйиб пиво ичган одамдек оғзидан сўлак оқиб, чайқалиб-чайқалиб, уч-тўрт қадам босди. Мастми, нима бало?

Эшикдан киргунча индамай келаётган эди. Кейин нима жин урди, билмайман! Бир маҳал қалин лаблари билан ерни искаб, таҳдидли овозда "мўў" деб ўкирди-ю, найзадек шохларини нақд қорнимга тўғрилаганча ташланиб қолди! Тоғамнинг елкасига қоқиб нуқул дуо қилаётган онам чинқириб юборди!

— Қоч! Ўлдиради! Вой шўрим.

Онамнинг маслаҳатисиз ҳам арқонни ташлаб, аллақачон жуфтак ростлаб қолган эдим. Қанча тез қочсам, буқа лаънатиям кетимдан шунча тез югуради. Ҳайвон-да, ҳайвон! Қадамидан ер титрайди. Ҳовлини уч марта айланиб чиқдик. Жонҳолатда югуриб бориб, бурчакда уйиб қўйилган ғўзапоя устига чиқиб кетибман. Бошини қуйи солиб келаётган буқа, мўлжални хатороқ олди шекилли, кучи борича тандирга калла урди. Бошини ғолибона кўтарган эди, шохига тандир илашиб чиқди. Шўрлик бошини уёққа силкитади, буёққа силкитади, қани тандирдан қутулса! Ғазаб билан мўраганча думини хода қилиб чунонам югурди! Боши тандир ичида қолиб йўлни тополмагани учунми, шу кетганча шаталоқ отиб борди-ю, томорқа томондаги деворга урилди. Гурс этган овоздан ҳаммаёқ зириллаб кетди. Буқанинг бошига илашиб қолган тандир уваланиб ерга тўкилди. Буқа орқага тисарилиб, уввало чиранади, қани қимирласа! Ғўзапоя устида ўтириб, қўрқа-писа разм солсам, иккала шохи янгидан гувала босиб сувалган деворга санчилиб қопти! Ўл, бу кунингдан баттар бўл! Тоғам, дадам, мен учовлашиб, икки шохига, бўйнига арқон солиб, молхонага киргизиб қўйдик. Эсон-омон келин томонга жўнатиб юборсак бўлди. Пиширириб ейдими, хомлигича ейдими, ўзлари билади!

Тўй тараддуди қизиб кетди. Синглим ҳар куни энам билан туман марказига югуради. Келинга сарпо-суриқ, кўрпа қавитиш, бало-баттар деган гаплар бор, ахир!

Фақат Наргисхон камнамо бўп кетди. Кунора идора олдига бораман, деразадан машинка чиқиллашиям эшитилмай қолди. Майли, келин деган куёв билан элбурутдан етак-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашиб юрса уят бўлади. Кўпи кетиб, ози қолди. Икки ҳафтадан кейин — тўй!

Сиз томонларда қанақа билмадим-у, биз томонларда тўйлар нуқул қишда бўлади. Тўғри-да, тўй бўлгандан кейин одамлар яйраши керакми? Керак! Бизнинг одамлар ондасонда ичади. Аммо бир ичса хурмачаси ёрилиб кетгунча ичади. Бундан чиқди, эртасига ишга чиқолмайди. Шунинг учун тўйлар қишда, хотиржам паллада қилинади. Менга қолганда Раис бува тағин бир оталик қилди. Наргисхон иккаламиз Лайли-Мажнун бўлиб юрганимизни тушуниб, тўйни ёзда ўтказишимизга розилик берди. Розилик бердимас, ўзи бош-қош бўляпти. Ҳар кўрганда "қалай, Тутхўр, камчиликлар йўқми?" деб сўраб қўяди. Ҳатто бугунги мажлисдан кейин ҳам шуни сўради. Умуман, бугун умримдаги энг бахтли кун бўлди. Тўғриси, мажлисдаги гапларга унча қулоқ ҳам солмадим. Энг яхшиси шу бўлдики... айтаверайми? Бугун... бугун мени Наргисхон ўпди. Ўзи ўпди. Биринчи бўлиб!

Мажлис эрталаб соат ўнларда бошланди. Узоқдаги бригадалардан ҳам колхозчилар олиб келинган шекилли, идора олдида юк машиналари, тележкалар тирбанд. Ишонасизми, биринчи қаватдаги залга одамлар тиқилиб кетди. Орқароқ қаторда биз ҳам ўтирибмиз. Саҳна ёп-ёруғ. Ҳаворанг мовут қопланган столга атиргуллар қўйилган... Саҳнага Раис бува, Райком бува, семиз киши — обком вакили, мелисаникига ўхшаган форма кийган бир одам, мен танимайдиган яна бешолти киши чиқишди. Орасида уккикўз Жовли акам ҳам бор. Э, тилимга тирсак чиқсин! Нега энди уккикўз бўларкан. Кўзлари бип-бинойи. Юзиям чип-чиройли. Бошини елкасига тортаётгани йўқ. Бир одамда ҳуси бўлса шунчалик бўлади-да!

Ҳаммаёқ қарсакзлик бўлиб кетди. Шунда... тўсатдан юрагим қинидан чиқиб кетай деди. Сапчиб ўрнимдан турган эдим, орқамда ўтирган Чори этагимдан тортди.

— Ўтир-е, терак!

Нега ўтирарканман! Ахир саҳнага Наргис чиқяпти-ку! Эгнида атлас кўйлак, бошяланг. Сочини турмаклаб олган. Томоғим қуруқшаб, нафас ололмай қолдим.

— Ўртоқлар!— деди Раис бува.— Ўртоқлар! Биламиз, ҳозир далада иш кўп. Сизларнинг қимматли вақтларингизни олиб, бу ерга йиғишдан мурод шуки, кейинги пайтларда туманимизда Эргашип деган бир "ёзувчи" пайдо бўлган эди. Ўша иғвогар ишимизга кўп халал берди. Элни бузишга уринди. Қани, қаёққача бораркин деб қўйиб бердик. Ўша

www.ziyouz.com kutubxonasi

аблаҳ...— Раис буванинг овози қаҳрли тус олди.— Сизларнинг ютуқларингизни камситмоқчи бўлди. Ҳаммамизга мағзава сепди. Аммо ҳақ жойида қарор топмай қўймайди. Туман газетамизда Эргашипнинг пўстагини қоқадиган пелятон чиқди. Ана, ўзларинг эшитинглар,— Раис бува тўсатдан Наргисхонга бурилди.— Ўртоқ Қўшшаева, марҳамат қилиб ўқиб беринг! Одамлар қора кўланканинг кимлигини бир билиб қўйсин!

Наргисхон саҳнадаги стол бурчагидан оҳиста туриб, минбар томон юра бошлади. Жимжит залда келинингизнинг муборак пошналари қарс-қурс этиб турибди. Бизнинг юрак гурс-гурс этади.

Наргисхон минбарга чиқиб, газета қатини очди.

— "Қора кўланка",— деди жарангдор товушда. Кўнғироқдек овозларингдан аканг айлансин! Мунча ширинсан! Мунча чиройлисан! Мунча ақллисан, Наргисхон! Мунча бахтлисан, Қўшовой! Нимага юрагинг тарс ёрилиб кетмайди, хумпар!

Ҳушимни йиғиб олгунимча Наргисхон фельетоннинг ярмини ўқиб бўпти.

— "Ютуқларимизни кўролмайдиган, ҳар яхшидан бир ёмон излайдиган, жамиятимизга доғ бўлиб тушаётган бунақа кўланкалар бизга ёт!"— деди у ўқишда давом этиб.

Қизиқ, негадир иғвогарга раҳмим келди. Иғвогарми, ғийбатчими, барибир яхши одам эди. Масалан, мен эшакдек ишлаб ҳемири ололмаяпганимни ўша айтувди-ку!

Наргисхоннинг жарангдор овози хаёлимни чилпарчин қилиб юборди.

— Биз меҳнат қиляпмиз. Ҳалол, фидокорона ишлаяпмиз. Ютуқларимизни кўролмайдиган Эргашев деган қора юрак эса...

Овозларингдан ўзим ўргилай. Бийрон тилларингдан аканг айлансин. Наҳотки мана шу фаришта менинг жуфти ҳалолим бўлса! Наҳот унинг шаҳло кўзлари, бежирим ҳинду холи меники бўлса!

Наргисхон газетани ўқиб бўлиб, Раис бувага узатди-да, жойига бориб ўтирди. Жонҳолатда қарсак чалиб юбордим. Бошқалар ҳам жўр бўлди.

— Қани, ким гапиради?— деди Раис бува ўрнидан туриб.

— Мумкинми?— Райком буванинг ёнида ўтирган Жовли ака қўлини баланд кўтарди.

— Марҳамат! Сўз межрайонний хлопппункт приёмчиги Жовли Менглиевичга!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен аҳмоқ, Жовли ака, қариндошим Жовли аканинг кўзлари шунақанги чиройлилигини аввал нега пайқамабман-а? Қаранг! Кўзлари шунақаям меҳрибон боқади одамга, шунақаям сузилиб кетади.

— Дўстлар!— деди у кулимсираб.— Эргашев бутун туманни, қолаверса, бутун байроқдор вилоятимизни салкам икки йилдан бери овораи сарсон қилади. Мана, фельетондан кўриниб турибдики, у — бориб туран иғвогар экан! Менимча, Эргашев ненормальний одам! Уни жиннихонага топшириш керак. Биз...

Жовли ака энди гапнинг ёғли жойига келганда, Райком бува столни шапатилади.

— Йўқ!— деди ҳайқириб.— Эргашев жинни эмас!

Жовли ака нима қилишини билмай қолди. Яхшиям Раис бува бор экан. Дарров Райком бувага сўз бериб қўя қолди.

— Сўз — ҳаммамиз учун ҳурматли Райком бовага. — Райком бува минбарга чиқмади. Турган жойида гапини давом эттирди.

— Бир латифа бор, эшитганмисизлар? Бир одам тегирмонга кириб, нуқул бошқаларнинг қопидаги унни ҳовучлаб-ҳовучлаб ўзининг қопига солаётганмиш. Тегирмончи сўрабди. "Сен кимсан, нима қиляпсан?" деса, бояги одам "мен — жинниман" дебди. Тегирмончи айтибди. "Жинни бўлсанг, нега ўзингни қопингдаги унни бошқаларникига солмайсан", деса, бояги айтармиш: "Мен жинниман, лекин аҳмоқ эмасман", дермиш!

Залда кулги янгради. Тўғриғи, энг аввал Раис бува кулди.

— Эргашев ўшанақа ақлли жиннилардан.

Райком бувининг томоғидаги шафтоли данагидек учбурчак бағбақаси лиқиллаб кетди.

— У бизнинг ютуғимизни кўролмайди. Тўғрими?— деди у семиз кишига — обком вакилига бурилиб.

Семиз киши ҳарсиллаб-гурсиллаб ўрнидан турди.

Минбарга боришга эринди шекилли, у ҳам турган жойида гапириб қўя қолди.

— Эргашев фақат "Машъал"га эмас, бошқа хўжаликларга ҳам туҳмат қилган,— деди сув тиқилган сурнайдек ғийқиллаб.— Фақат сизнинг туманга эмас, бошқа туманларга ҳам борган. Фақат пахтачиликни эмас, чорвани ҳам ўзича "тафтиш" қилган.

— Туври!— биринчи қатордан асабий товуш эшитилди.

Танидим, ферма тоғанинг овози.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Туври,— деди у бақириб.— Фермаға бориб, тозза бошимни овритди. Жуз совлиқдан жуз тўқсон жетти қўзи олдиқ, десам ўзингиз қўшилиб тувдингизми дейди, уйинг куйгур!

Боядан бери сув қуйгандек жим турган зал қаҳқаҳадан портлаб кетгандек бўлди. Негадир обком вакили ақалли жилмайиб ҳам қўймади.

— Нега куласанлар?— ўртароқ қаторда ўтирган Шайдул — кассир ўрнидан сапчиб туриб, қўлини пахса қилди.— Аллақандай бир ғаламис пок одамларнинг юзига лой чапласа, шу куладиган гапми?

Залга секин-секин жимлик чўкди.

— Гап шу!— деди обком вакили ғийқиллаб.— Эргашевнинг ишини прокуратурага оширишга мажбур бўлдик. Ўзига ўзи жабр қилди. Оиласи ҳам безор бўлган экан. Хотини билан суҳбатлашдик. Анчадан буён ажрашмоқчи бўлиб юрардим-у, икки боламни кўзим қиймасди, деди.— У бир зум жимиб қолди-да, таҳдид аралаш сўради:— Қани, ўртоқлар! Сизларнинг орангиздаям шунақа "ёзувчилар" борми?

— Узр! — Раис бува хижолат чекиб ўрнидан турди.— "Машъал"ликлар унақа эмас. Бизнинг одамлар — ҳалол! Элимиз ғийбатларга учмайди. Мана, масалан, Қўшоқжон Салимов! Қаёқдасан, Қўшоқжон!

Мени чақиряптими? Вой, мен нима дейман? Тиззаларим қалтираб кетди.

— Турсанг-чи!— орқамда ўтирган Чори гарданимга шунақанги зарб билан туширдики, гандираклаб ўрнимдан турганимни ўзим билмай қолдим.

— Қаёқдасан, Қўшоқ?— деди Раис бува аланг-жаланг бўлиб.

— Бу ёқда!— Чори бир ҳайқирган эди, бутун зал менга ўгирилиб қаради. Саҳнага разм солсам, Наргисхон кўзлари ўтдек ёниб, менга тикилиб ўтирибди.

— Иғвогар сенинг бригадангга ҳам борган эди-а?— деди Раис бува.

— Билмайман...— дедим минғиллаб.

Чамамда, гапим оғзимдан чиқди-ю, бурним эшитди.

— Ўша аблаҳ, Салимовнинг бригадасига ҳам борган,— деди Раис бува столда ўтирган катталарга юзланиб.— Шу ҳалол болагаям туҳмат қилган. Қўшоқжон маладес йигит! Туҳматга чидолмай иғвогарни бўғиб турганининг устига бориб қолдим. Ажратиб олмасам ўлдириб қўярди. Тўғрими, Салимов!

— Сув бераётгандим!— дедим бўйнимга олиб.— Сиз борганда ҳуши жойига келувди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Эргашип сенга туҳмат қилдими?

— Қилди,— дедим овозимни баралла қўйиб.— Бултур гадовойда олти ярим минг сўм олгансан дейди. Ўн кун илгари бир юз саксон сўм маош олдинг, дейди, номард! Қани ўша пул? Ўзим тўрт ойдан бери...

Гапимни тугатолмадим. Қийқириқ кулгу, қарсакдан қулоғим ёрилиб кетай деди.

— Жим! Тише!— Раис бува столни муштлади.

— Тўрт ойдан бери бир тийин маош олмаган бўлсам... Панжини айтмайсизми? "Уйланаман деб қарзга ботганман, маош қачон тегади", деб бошимни қотиради.

— Бўлди!— Раис бува негадир асабий бош силкиди.— Раҳмат.

— Турсунбой ака бўлса...— дедим дилимдаги гап қолиб кетмаслиги учун шоша-пиша.

— Бўлди, тушунарли...

— Ойсара янгам...

— Ўчир-е!— Раис бува кўзлари олайиб дағдаға қилди.— Ўтир!

Ўтирсак ўтираверамиз-да! Гапираман деб кўзим учиб турибдими?

...Мажлис тугаб, ҳамма ўзини эшикка урди. Мен бўлсам, саҳнадан кўз узмайман. Катталар битта-битта саҳна четига чиқиб кетишди. Фақат Наргисхон қолди. Саҳнада у, залда — мен.

— Наргис?— дедим бақириб.

Йўқ, бақирмабман. Овозим шивирлаб чиқибди. Ажаб, у барибир эшитди. Ялт этиб мен томонга қаради-ю, саҳна четидаги зиналардан туша бошлади.

Қатор турган ўриндиқларни тарақлатганча ўша томонга югурдим. Залнинг ўртароғида рўпара келдик.

— Наргис...— дедиму қўлидан ушлашга журъатим етмади.— Розимисиз?

У кўзимга тезгина қараб олди.

— Сиз...— деди овози титраб.— Сиз яхши одамсиз!

Шундай деди-ю, иягимдан чўлп этиб ўпди-да, саҳна томонга чопқиллаб кетди. Ўнг юзим ёниб кетгандек бўлди. Иягимни силаб кўрсам... Ғирт аҳмоқман-да ўзим! Кўрмайсизми, бугун соқолимни олмаган эканман! Наргисхон ўпган жой ловуллаган қўйи анграйиб қолавердим. Шу иш ростдан ҳам ўнгимда бўлдими? Наргис ростдан ҳам мени ўпдими?

Юрагим қинидан чиққудек бўлиб ташқарига отилдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Раис бува фонтан ёнида турган қора "Волга"га меҳмонларни ўтқазаётган экан. Одоб сақлаб кутиб турдим.

"Волга" жўнаб кетгач, у ёнимга келди.

— Оббо, гуппи-ей!— деди бош чайқаб.— Қовун туширишингга бир баҳя қолди-ку, тентак... Майли, зиёни йўқ,— у ёш йигитлардек кўз қисди.— Қалай, камчиликлар йўқми? Қаллиқ ўйинга боряпсанми? Наргисхон энди ҳалолинг-ку! Қачонгача ўргатаман сенга, тутхўр?!

Ўн олтинчи боб

"ҚАЛЛИҚ ЎЙИН"

Биз эскилик сарқитларидан қутулганмиз. Бир замонлар "қалин" деган гап бўларкан. Буни қаранг-а, одам ўзи севган қизни сотиб олса! Бориб турган феодаллик-ку, бу! "Сут пули" дейилса, бу — бошқа гап! Ўзингиз ўйланг: она бечора қизчаси кўкракдан аригунча озмунча сут эмизганми? Қизчасини ўстириб, қоғозга ўроғлиқ қанддек қилиб куёвнинг қўйнига соп қўйган онанинг "сут пули" олишга ҳаққи борми ахир! Бўпти-да, нима дейсиз тағин! (Дадам фақат эскилик сарқитларига эмас, янгиликка ҳам қарши одам-да, ўзи! Сингламни узатаётганимизда "Она сути пулга сотилмайди", деб "сут ҳақи" олмаган, онам бечора қанча хафа бўлганди, ўшанда.)

Ундан кейин... Аввалари келинга камида қирқта, бўлмаса саксонта кўйлак совға қилинар экан. Қуда томон кўйлакларни ҳамма кўрсин деб қатор қилиб осиб қўяркан. Буни қаранг: келин саксонта кўйлакни нима қилади? Ҳар йили иккитадан кўйлак кийганда ҳам, шунчасини тўзитгунча қирқ йил ўтиб, кампир бўлиб қолмайдими? Устига устак семириши бор, озиши бор? Мода эскириши бор! Ҳозир бу сарқитдан ҳам қутулганмиз. Бор-йўғи "тўққиз" қилинади. Яъни тўққизта рўмол (орасида пуховой рўмол ҳам, японский сим рўмол ҳам бўлиши шарт), тўққизта сирға (ёқут кўзли, фируза кўзли... Бриллиант кўзлисиям тешиб чиқмайди). Тўққизта кўйлак (атлас, шоҳи, парча, замонавийроғи бўлсин десангиз — шифон, лайло, купон), тўққиз жуфт туфли (баланд пошнали, паст пошнали, уйда киядиган, кўчада киядиган, ҳовли супурганда киядиган, кир ювганда киядиган), тўққизта пайпоқ, тўққизта узук, тўққизта... яна нимайди? Хуллас, у ёғи ҳимматингизга боғлиқ. Тўғри-да! Келин дегани очилиб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сочилиб юриши керакми, ахир. Ё уйгаям, кўчагаям бир хил кийим кийсинми?

Куда томонга юбориладиган ўттизтами-қирқтами қўй (биз осон қутулдик: битта ҳўкиз билан бор-йўғи тўрттагина қўй бердик, холос), юз киломи-икки юз киломи гуруч, ўн-ўн беш қоп ун, беш-ўн яшик ишкалад конфет, бир-икки яшик чой, сабзи-пиёз... Хуллас, арзимаган нарсалар. Нима, куда томон ҳаммасини ўзи ермиди! Эл олдига дастурхон ёзади, мана, бизни куёвни кўриб қўйинглар, дейди.

Илгари пайтда одамлар хўп содда бўлган экан-да. Тўй дегани ғат-ғут этаркан-у, ўтаркан-кетаркан! Киройи тўй қилгандан кейин замонавий қилиш керак-да! Куёвтўра келинпошшани ёнига олиб, оппоқ дастурхонлар ёзилган, гуллар қўйилган стол тўрида ўтирса! Казо-казолар келса, қандоқ яхши! Кетма-кет қадаҳлар кўтарилади. Бир-биридан тантанали, бир-биридан ширин тилаклар айтилади. Ҳар битта нотиқнинг сўзидан кейин ичилади. Биров армянский коньяк, биров столичний ароқ, биров шампан, биров пиво: ҳар ким даражасига қараб... Хуллас, арзимаган пул сарфланса, олам гулистон! Бу ёғи тағин ўзингизга боғлиқ. Чоғингиз келса, ичкиликнинг ўзидан бир мошин олинг, ғинг деган номард!

Раис бува Сожида қизининг тўнғич ўғлини тўй қилганида (уйлантириш эмас, ўғил тўйи қилганида) ўз кўзим билан кўрганман: тўйхонанинг қоқ ўртасига юк машинаси гурилаб кириб келган. Машина устига ичкилик тўла яшиклар тахлаб қўйилган экан. Тўйга келганлар ўз мавқеига қараб, бир хиллари бир яшик коньякми, бир хиллари икки яшик ароқми, виноми, машинадан ўзи тушириб олиб тўйгунча ичган эди... Бизникида қанақа бўлишини яна ўйлаб кўрамиз, ҳали орада "Раис чақирди" бор. Буям ўзига хос одат. Тўй арафасида колхознинг энг ақлли, энг доно катталари тўпланиб, бир қарорга келиши керакми, ахир? Тўй дегани кенгашсиз бўлмайди-ку, тўғрими?!

Хуллас, биз томонларда эскилик сарқитлари йўқотилган. Фақат битта одат ҳамон бор. У ҳам бўлса "қаллиқ ўйин". Афсус, шундоқ яхши удумимиз йўқолиб кетяпти. Бутун бошли вилоятимизнинг нари борса икки-уч жойида сақланиб қолган. Ростини айтаймиз? "Қаллиқ ўйин" ҳеч қанақа "сарқит" эмас! Менга қолса, бу одатни бутун Ўзбекистонга ёйиш керак!

Биринчидан, нон синдирилгандан кейин келинпошша куёвтўранинг ҳалоли бўладими, бўлади! Иккинчидан, куёв

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан келин ҳали тўй ўтмасидан туриб, одамларнинг кўз ўнгида қўлтиқлашиб юрса ёки бўлмаса дерахт панасида ўпишиб турса, шу одобга тўғри келадими, келмайди! Учинчидан, масалан, айтайлик, куёв томон келинга "сут пули", "тўққиз", ҳўкиз, қўй, бало-баттар беришга, устига-устак яшик-яшик ароқ олиб, "қизил тўй" қилишга қурби етмай қолди. Икки қайлиқ икки ёқда бир-бирининг дийдорига илҳақ бўлиб, сарғайиб юраверадими? Унгача куёвнинг соқоли кўксига тушиб, келиннинг юзи сандалга тушган маҳсидек бужмайиб кетмайдими? Бундан чиқди, ота-боболаримиз бу томониниям ҳисобга олган!

"Қаллиқ ўйин"ни ким ўйлаб топган бўлса, отасига минг раҳмат! Нима қипти! Куёв ўз ҳалолининг уйига боради. Албатта, кундузи — эл назарида эмас, қоронғилатиброқ боради. Албатта, эшикни очиб кирмайди. Девор ошадими, туйнукдан эмаклайдими, хуллас, бир йўлини топади-да! Ҳар борганида қўлида келинга аталган бironта совға бўлиши шарт. Атирми, бир жўра атласми... майли-да! Келиннинг онасига икки лўппак чойми, бирон кило ширинликми қўшиб олса, яна яхши. Негаки, "қаллиқ ўйин"нинг бир шарти бор. Куёв "ўгринча" борганини келин билан онасидан бўлак ҳеч ким билмаслиги керак. Худо кўрсатмасин, агар келиннинг отаси кўриб қолсами?! Шунақанги жаҳли чиқади, шунақанги жаҳли чиқадики... Тескари қараб, уйдан чиқиб кетади! Албатта, бутунлай эмас, бошқа ёққа ҳам эмас, нариги уйга кириб эшикни ичидан беркитиб олади. Куёвтўра эрталаб тонг қоронғусида келиннинг уйини тарк этганидан кейин отаси ётган жойидан қайтиб чиқади. Ғазаб билан бир-икки йўталиб қўяди-да... кейин ишга жўнайди.

Бугун биз қаллиққа кетяпмиз! Бошда яп-янги дўппи. Эгнимизда оппоқ нейлон кўйлак, жинси шим. Илгари ҳеч бунақа шим киймаганим учунми, оёғим тахтакачлангандек қотиб турибди. Чўнтакда "Кармен" деган атир (қайнонамизга совға), қўйинда бир жўра "жуҳуд" атлас — Наргисхонга падарка! Шу кунгача Наргисхоннинг уйига Тулпоримни миниб келардим, бу сафар Турсунбой акамнинг "пат-пат"ини миниб олганмиз. Тўғри-да, қаллиқ ўйинга ҳам эшак миниб борадими, одам. Тағин Наргисхоннинг олдига-я! Кеча Турсунбой акамга шуни айтган эдим, "Пат-пат" менiки эмас, умуман, ҳеч нима менiки эмас, янганг билан гаплашвер", деб тўнғиллади. Ойсара янгамга қойилман. Бу сафар ҳечам зиқналик қилмади. Наргисхоннинг отини айтишим билан бўйнига осиб олган "пат-пат" калитини дарров олиб берди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Бахтли-саодатли бўлинглар, ўзинглардан тининглар", деб дуо ҳам қилди. Мотоцикл кўпдан бери минилмагани учун аккумулятори кучсизланиб қолган эмасми, педални тепавериб, терлаб кетдим. Йўқ, ҳайтовур бир амаллаб моторни ўт олдирдим. Мана, кетяпмиз, "лулка"ни елдириб!

Наргисхоннинг қасрдек уйи олдига етиб келганимда аллақачон қоронғи тушган эди. Барибир барвақт келиб қолибман. Ўзим ҳовликдимми, "пат-пат" "Жигули"дек елдими, билмайман. Ҳар қалай, кўчанинг у томон, бу томонида ивирсиб юрган одамларни кўриб уялдим. Мотоциклни универмаг панасига олиб ўтиб кутиб турдим. Назаримда, минг соат ўтди-ёв! Ниҳоят, кўчалар тинчиб қолди.

Тариллатиб оламни бузмаслиги учун "пат-пат"ни етаклаб Наргисхоннинг дарвозасига келсак, ҳаммаёқ жимжит. Шоти қўйса етмайдиган дераза ларда чироқ ўчган. Юрагим гупиллаб кетди. Бундан чиқди Наргисхоннинг онаси ҳовли ўртасидами, дарвоза олдидами, бизни кутиб турибди. Чўнтагимдаги атирни пайпаслаб қўйдим, жойида! Қизиқ, келиннинг ўзи қайси хонада экан?

Таваккал қилиб, дарвозани итаргим келди-ю, номус қилдим. Манави падарлаънат деворнинг бирон ерида наҳрапахра жойи бордир ахир! Бир вақтлар Ойсара янгамникига мушак сабзи олиб чиққанимда туйнукдан ўтганим эсимга тушиб кетди.

Мотоциклни дарвозадан эллик қадамча нарига, девор тагига обориб қўйиб ҳаммаёқни текшириб чиқдим. Қаёқда! Девор хумпар бошдан-оёқ пишиқ ғаштдан урилган, лой ўрнига цемент ишлатганми, нима бало! Туйнук тугул тирқиш ҳам йўқ. Тағин бу деворга одамнинг бўйи етса экан! Туянинг устига чиқиб осилсанг ҳам, қўлинг чўзилиб қолади. Нима, уйимга бориб нарвон олиб келишим керакми энди! Хуноб бўлиб турган эдим, девор этагида, йўл ёқасида ғўдайиб турган бақатеракка кўзим тушди. Бахтимни қарангки, деворнинг у томонида ҳам гилосми, олчами, аллақандай дарахт ҳўппайиб турибди. Жуда соз-да! Теракка осилиб, деворга чиқамиз. Деворга миниб олиб, озгина сурилсак, нариги томондаги дарахтга етиб оламиз. Кейин қарабсизки...

Келинга аталган атласни елкамга ташлаганча теракка тирмашдик. Иш бундоқ бўпти. Бир зумда девор устига миниб олдим. Девор тепасига қиррадор қилиб тунука ёпилган экан. Сабил қолгур тунука кун бўйи офтоб тиғида қизиб ётган эканми, шим тагидан орқамга жазиллаб ёпишди. Қўлимнинг куйганини айтмайсизми! Хўш, нима бўпти? Жон

www.ziyouz.com kutubxonasi

куйдирмасанг, жонона қайда! Биламан, Наргисхон қўша-қўша хоналарнинг бирида мени интизор кутяпти. Онаси айвондами, ҳовлидами, ҳақ деб йўлимга кўз тикиб ўтирибди! Атир чўнтагимдами ахир? Жойида.

Яп-янги жинси шим ҳам расво бўлди! Атласга чанг юқмаса бас! Эрта баҳордан бери тунукага қўнган икки энлик чангни супуриб сурила-сурила, ҳовли томондаги дарахтга омон-эсон етиб олдик. Гилос экан! Осмон баравар ёнғоқдан калла ташлаган одамга аллақандай гилос нима бўпти? Дарахт эмас, нақд шотининг ўзгинаси-ку, бу! Биз келишимизни мўлжаллаб атайлаб экиб, ўстириб қўйишганми дейман!

Икки қулочча жой қолганда тап этиб ерга сакрадим. Елкамга ташлаб олган атлас, сирғалиб, тупроққа тушди. Энгашиб, энди атласга қўл чўзган эдим, орқа томондан "ғ-ғап" деган ваҳимали товуш эшитилди! Юмшоқ жойим чунонам ачиштдики, кўзимдан ўт чақнаб кетди! Жонҳолатда бурилиб қарасам, қулоқ-думи кесилган, камида Тулпоримнинг ярмича келадиган ит орқамга ёпишиб тортқилаяпти. Кўзлари оловдек ёниб, нуқул ириллайди, ҳайвон!

Уриб бўлмаса, тепиб бўлмаса, нима қилсаям Наргисхоннинг ити! Жоним оғриб кетяпти-ю, дод солишга ор қиламан. Куёвмиз, ахир! Атласни ҳам унутиб, гилосга тармашдим. Шундаям қўйиб юбормайди, аблаҳ! Индамай турсам, еб қўядиган. Чап оёқлаб кўкрагига бир тепдим-да, шохдан-шохга сакраб деворга чиқиб олдим. Бақатеракка етиб олишга қаноат қилмай, ўзимни таппа ерга отдим. Хайрият, мотоцикл жойида турган экан. Педални увалло тепаман, қани ўт олса, лаънати! Йўқ, охири тун сукунатини тилка-пора қилиб, патиллаб кетди. Ҳа, майли! Аввал эгасига уйланиб олай, Рексни дарахтга боғлаб қўйиб, шунақанги савалайманки, итнинг кунини бошига солмасам, Қўшоқ отимни бошқа қўяман!

Мотоциклимни тариллатиб, ҳайдаб кетдим. Ўнг думбам ловуллаб ачишарди. Калламга ғалати ўйлар келди. Қизиқ, ит боғлоқмиди, ечиқмиди? Келиб-келиб ит боғланган дарахтдан тушдим шекилли...

Хаёлимни тўплаб олмасимдан орқа томондан бояги ваҳимали, бўғиқ вовуллаган овоз эшитилди. Эгарда ўтирганча бурилиб қарасам, худди ўша лаънати ит қоронғида жунлари ҳурпайиб кетимдан югуриб келяпти. Бундан чиқди, ечиқ экан-да. Дарвоза ҳам очиқ экан-у, биз билмабмиз!

Кучим борича газни босдим. Буни қарангки, аблаҳ ит мотоциклдан ҳам тез югураркан. Худди самолётдай учиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

келяпти. Қарасам, ириллаб келиб сонимга ёпишадиган. Жонқолатда тормозни босган эдим, куч билан келиб лулкага урилдими, нима бало, орқа томонда аянчли "ванг-г-г" деган овоз эшитилди. "Пат-пат"им йўлга кўндаланг бўлиб қолди. Ўгирилиб қарасам, чанг-тўзон орасида менинг жонимга озор берган ит типирчилаб ётибди. Ўл! Бу кунингдан баттар бўл!

Ҳамон ловуллаб ачишаётган жойимга қўлимни олиб борсам, кафтимга иссиқ нарса тегди. Тушундим. Бундан чиқди, синглим атайлабдан бозорга тушиб фалон сўмга олиб келган жинси шимнинг бир парчаси итнинг оғзида қолибди. Ким билсин, ўзимизга тегишли этнинг ҳам талайгина улушини ямлаб ютдими, бу очофат!

Бир маҳал ёрқин чироқ нуридан кўзим қамашиб кетди. Рўпарадан учиб келаётган аллақандай машина ғийқиллаб тўхтади.

— Жонингдан тўйганмисан, аҳмоқ!

Ие, овоз танишга ўхшайди-ку! Ким бўлди бу?

Машинанинг чап эшиги очилиб ёпилди. Шофёр чироқ нурига ўтиб, қўлини пахса қилди.

— Эсингни едингми?

Ҳа, Раис бува экан! Кун иссиқ бўлса ҳам эгнида костюм, медалларини тақиб олган!.. Қизиқ, нега шофёр йўқ!

Шу пайт ўнг томондаги эшик ҳам очилди. Кимдир ерга сакраб тушди. Ҳаяжондан "яradор" жойимни ачишиши ҳам паққос эсимдан чиқиб кетди. Наргисхон-ку! Атлас кўйлак кийиб олибди. Чироқ нурида оёғида оқ туфлиси борлигини ҳам кўрдим. Энди чақирмоқчи эдим, Раис бува шодон хитоб қилди:

— Э, сенмисан, тутхўр! Нима қилиб юрибсан, бемаҳалда?

Раис билан нима ишим бор? Хаёлимда бошқа гап чарх ураради. Бундан чиқди Наргисхон уйида йўқ экан-да.

Наргис менга ярқ этиб қаради-ю, тупроқ чангитиб, биз келган томонга югуриб кетди. Тушундим, Раис бувaнинг олдида мен билан гаплашишга уялди...

Раис бува яқин келиб, қўл чўзди.

— Оббо, тутхўр-ей!— деди қўлимни қисиб.— Тушунарли... Бугун шунақа бўп қолди, Қўшоқжон! Туманга мажлисга чақиришувди. Қаллиғинг ҳам бориши керак эди, ўтир машинага.

У ҳамон йўл ўртасида кўндаланг турган мотоциклга разм солди-да, кулимсиради.

— Турсунбойнинг "пат-пат"и-ку! Ўзимга айтмайсанми, янгисини падарка қилмайманми!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эгардан тушишга уялардим. Шимим дабдала бўлиб кетган, орқам ачишяпти қуриб кетгур.

— Бўпти, мен кетдим!— Раис бува "Нива"га минди. Машинасини кескин бурди-да, ғизиллаб ҳайдаб кетди.

Наргисхон кетган томонга қараб қўйдим. Ўзи ҳам, ити ҳам кўринмасди. Чанг-тўзон орасида анча туриб қолдим...

Ўн еттинчи боб

ТЎЙ

Кўнгли ўсган одамнинг яраси ҳам тез битаркан. Наргисхоннинг Рексжони қопган жойим бир ҳафтача ачишиб юрди-ю, барибир тузалди. Ҳеч кимга айтмай ойнага тескари қараб ярамга кўкдори сурдим. Кигиз куйдириб босдим. Хуллас, ўнг томоним кирза этигимнинг тагчармидек қотиб қолганини ҳисобга олмаганда кўп ўтмай сен кўр — мен кўр бўлиб кетди. Қайтага яхши: ўша ёғимни ерга бериб ётсам, зах ўтмайди.

Бахт келса, қўша-қўша... деганларидек, ҳаётимда бирваракай иккита қувончли воқеа бўлди. Биринчидан тўй. Иккинчиси... Шодивой келди! Ишонасизми, шунча йилдан бери қишлоққа қадам босмай қўйган, ўқишни битирганидан кейин Тошкентда ишлаб қолган жонажон жўрам Шодивой тўйдан бир кун илгари уйимизга ўз оёғи билан кириб келди. Ўлай агар танимадим. "Запорожец"ини "Ферма тоға"нинг пичан ғарамига калла қилдириб, Раис бувадан дакки еган жўрам шуми? Тошкентдаги дўстим шуми? Қуёндек биққигина, юмшоққина ўртоғим чунонам ўзгариб кетибдики, одамнинг ақли шошади. Қоматни қаранг, қоматни! Қилич дейсиз! Одамга шунақанги синчиклаб тикиладики, кўзи рентгенга ўхшаб, у ёғингдан кириб буёғингдан чиқиб кетгудек. Иккиланиброқ турган эдим, югуриб келиб, бир қучоқлади, бир қучоқлади, қовурғаларим қирсиллаб кетди. Нуқул ўпади, хумпар!

— Қўйвор, ялаб ташладинг-ку, одамни, келинниям ҳақи бор бизда!— деб аранг қутулдим.

Хуллас, тўй устига тўй!

Майли, яхшиси, бир чеккадан гапириб бера қолай. Шундоқ қилиб, таомил бўйича никоҳ тўйидан уч кун олдин "Раис чақирди" бўлди. Отам тўй ташвиши билан елиб-югуриб, қон босими ошиб кетгани учун куёвим "Раис чақирди"га кела-

www.ziyouz.com kutubxonasi

диган азиз меҳмонларнинг дастурхонига тааллуқли масалаларни онам билан маслаҳатлашиб қўя қолди. Бизларни овора қилмаслик учун рўйхатни ўзи тузиб келган экан. Чўнтагидан қоғоз чиқариб шариллатиб ўқиб берди.

— Қанд-қурс, ҳўл мева, қуюқ-суюқ овқат ўз йўлига!— деди томоқ қириб.— Хўш, дегандан, беш кило қоғоти бодом (катта одамлар тишида чақиб ўтирса уят бўлади. Икки бармоғининг орасига олиб бир қисса ўзи синиб кетадигани тузук). Уч кило ёнғоқ! (Чақиб мағизини ажратиб олишга вақт қани? Бозордан тайёр мағизини олиб қўя қоласиз.) Тўрт кило шўрданак. (Биз томонларда яхшиси топилмайди. Бухородан олиб келасиз. "Донашўрак" дейишади.) Беш кило қора майиз (бунинг яраси осон. Райцентрдаги бозорда Учқоранинг манаман деган майизини сотади). Анор суви (Раис бова коньякни анор суви билан закуска қиладилар). Уч литрли шиша балонда тўрттагина бўлса етиб қолар. Аммо свежий бўлсин. Дашноболники бўлса, яна яхши. Нордон-ширинда! Сабзи суви. (Унисини кўпчилик ичмайди. Аммо Шайдул — кассир ароқ зотини оғзига олмайди. Ичкиликнинг ўзи тугул шишасидан ҳазар қилади. Шу одамга.) Ҳа, боринг ана шундан беш литр бўлсин! Товуқ — ўттизта. Яхна гўшт — ўн кило. Ичкилик. Бир яшик коньяк — арманский. Жуда бўлмаса, "Белий аист" дегани бор. Раис бова ўзимизнинг хашаки коньякларни ичмайдилар. Ароқ — бир яшик. Пиво — уч яшиги етиб қолар-ов... Шампан керакмас. Мабодо Қўшоқжоннинг ўзи ичмаса...— у менга бир имо қилди-да, тағин томоқ қирди.— Битта қўй сўймай илож йўқ. Раиснинг олдига калла келиши керак-ку!

Куёв рўйхат ёзилган қоғозни буклаб-буклаб чўнтагига суқди. Эски кўрпачада хомуш ўтирган онам бармоқларини букавериб, ҳисобдан адашиб кетди шекилли, кўзлари жавдираб менга қараб қўйди.

— Савзи суви неча дона эди?— деди гарангсиб.

— Булар... тўйнинг дастурхонигами?— дедим куёвга термулиб.

— Нима?— куёв илон чаққандек сапчиб ўрнидан туриб кетди.— Сиз эчки олаётганингиз йўқ, Қўшоқжон,— деди овози титраб.— Уйланяпсиз... Биз ҳам "Раис чақирди" қилганмиз. Бир эмас учта қўй сўйганмиз. Ким билади, "Раис чақирди"га Райком бованинг ўзиям кеп қоладими?.. Улар ҳам сизу бизга ўхшаган одам! Битта қорни бор. Ўлгунча эмас, тўйгунча ейди. Қолганини тўй дастурхонига тортиб юборарасиз-да!

www.ziyouz.com kutubxonasi

...Шундоқ бўлди. "Раис чақирди"га қишлоғимиздаги энг мўътабар одамлар келди. Яъни Раис бува, "Ферма тоға", найнов Шайдул — кассир, ўзимнинг тоғам, куёв. Дадам билан мени ҳисобламаганда беш киши бўлишди... Бодомлар чақилди, ёнғоқлардан тановул қилинди, ҳандалак ейилди... Раис бува коньякни анор сувисиз ичолмаслиги рост экан. Анор сувимиз дидига унча ўтиришмадими, бор-йўғи бир шишагина коньякни бўшатиб, "Энди бизга узр, мажлисга борадиган одаммиз, актип олдида қизариб ўтирсак бўлмас", деди. Шайдул — кассирнинг ароқ зотидан ҳазар қилишиям тўғри экан. Саккизтами, тўққизтами пивони уч литрли сабзи сувига омухта қилиб ичди-да, теракдек қаддини ростлаб, бир-икки силкиниб қўйди. Пиво пастроқ тушсин деди чоғи...

Шўрва ичиб, ош еб бўлингач, асосий мақсадга кўчилди.

— Хў-ўш, Салимбой ака!— деди Раис бува пешонасидан маржон-маржон оқаётган терни сочиқ билан артиб.— Қуда томонга жўнатиладиган ҳамма нарсалар жойида, а? Ҳўкиз, қўйлар, гуруч, латта-путта, "тўққиз"лар.

— Жойида...— бир чеккада ўтирган отам, зўрға овоз чиқариб минғиллади. Бечоранинг ранги кетиб, лунжини учиришгаям мадори қолмаганини пайқадим.

— "Сут пули", қуда-қудағайларга сарполар?..

— Ҳаммаси,— деди дадам баттар дами ичига тушиб.

— Маладес!— Раис бува "ғо-о-оп" этиб кекирди.— Бўлмаса, масала ҳал экан-да! Тўйнинг тартибини келишиб олсак бўлди. Микрофон...

— Биздан!— куёв қўлини кўксига қўйиб ўрнидан турмоқчи эди, чайқалиб, ёнбошлаб қолди. (Меҳмонлар келгунча пишиб қолганди ўзи.)

— Биздан!— деди шанғиллаб.— Техниканинг пири — ўзимиз...

— Яхши!— Раис бува яна бир кекирмоқчи бўлди-ю, шаштидан қайтиб, чуқур нафас олиб қўя қолди.— Биламиз, тўй дегани ичкиликсиз ўтмайди. Беш яшик коньяк. Ўн яшик ароқ. Уч яшик шампан, йигирма яшик пиво, ўттиз яшик минерал сув... Иссиқда сув жуда кетади...

Дадам Раис бувanинг оғзидан муттасил отилиб чиқаётган сўзлардан қулоғи қоматта келгандай, икки юзи кўкариб кетди.

— Шунча ичкилик... иссиқ кунда,— деб минғиллаган эди, Раис бува жеркиб берди.

— Ўлар жойдамисиз, Салим ака! Биттаю битта ўғлингиз... Эл ичида юрган одамсиз... Биз сизга кўпкари қилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

совринга ҳўкиз қўйинг деётганимиз йўқ, олиш қилиб, товоқ қўйинг деётганимиз йўқ. "Қўйсўйди" қилинг, "куёв қочди", "супра қоқди" қилинг демадик! Нима қилсак, элимизнинг обрўси кетмасин, деб қиляпмиз. Ана, "Правда" колхозида бир сувчи ўғлини тўй қилди. Олишнинг совринига туя қўйибди, азамат! Ўшалардан кам жойимиз борми?! Яхшимас-да!— у аразлаб "Ферма тоға"га қараган эди, шўрданак чақиб ўтирган "Ферма тоға" тасдиқлади.

— Туври! Монға қоранғ, Салимбой ака! Пул керакма сизға, обрўма?

— Райком бувани тўйингизга келишга аранг кўндирдим,— Раис бува норозилик билан қошини чимирди.— Куёв ўзимизнинг йигит дедим. Жовли Менглиевичнинг қанча қадрдонлари бор. Ким билсин, ҳали обкомдан ҳам келиб қолишадими... Ундан кейин... Камида тўрт состап яллачилар бўлсин! Телевизорда чиқадиганларидан айтинг! Қаланғи-қасанғиларнинг кераги йўқ. Хў-ўш, энди...— Раис бува чуқур ўйланиб қолди.— "Шарватхона"да[1] ким туради?

— Мен!— куёв тағин ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, бу сафар ёнбошлаб ўтирмади. Гурсиллаб йиқилиб қўя қолди.

— Бекор айтибсан!— Раис буванинг жаҳли чиқиб кетди.— Қўйни бўрига топширар эканмиз-да! Меҳмонлар келмасидан ароқнинг ярмини уриб қўярсан. Гап шу: "шарватхона"-да Шайдул туради!

— Маъқул, Раис бова!— Шайдул — кассир қўлини кўксига қўйди.— Бир шиша пивони бегона қилган — номард!

— Маладес! Вечерни Жовли Менглиевичнинг ўзи бошқаради. Қуда томон бўлсаям, зиёни йўқ. У кишини ҳамма катталар танийди... Ундан ташқари... Одамларни состап-састап билан жойлаш керак. Тўрда ўтирган катталарнинг олдида ҳар хил қаланғи-қасанғилар ўралашмасин. Бизнинг истолга главний эканамис баковул бўлсин: парадичний одам. Бўлдими, обке, каллани.

Раис бува менга буюргани учун дик этиб ўрнимдан турдим-у, ошхонага югурдим. Онам қўйнинг калласини аллақачон товоққа солиб тайёр қилиб қўйган экан. Қўй бечора сўйилаётганида бир кўзини юмиб ўлган эканми ё калла қозонга тушгандан кейин бўлганми, билмадим. Хуллас, калланинг чап кўзи жойида, ўнг кўзидан дарак йўқ.

---

[1] "Шарватхона" — тўйда ичкиликлар сақланадиган жой.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Раис бува каллани чаққонлик билан кесиб тақсимлашга киришди. Дадам, шу уйнинг эгаси бўлгани учун улушига қўй пешонасининг гўшти тегди.

— Сен, Шайдулбой, хатга кўп тикиласан!— деди Раис бува тантана билан.— Кўзинг ўткир бўлса, ҳисобдан адашмайсан...— У пешонасидан муттасил оқаётган терни билагига артиб, каллани ўгириб қараган эди, қўйнинг кўзини тополмади. Ҳайрон бўлиб, бу томонини айлантирди. Енгил тортиб, кўзни пичоқ учига илиб, Шайдул — кассирга узатди.

Куёв запчаст тарқатаётганида тили янаям бийрон бўлиши учун тилни тановул қилди.

— Яхши ҳасиб экан,— деб қўйди лабини чапиллатиб.

Раис бува қўйнинг жағ гўштидан мўлгина кесиб олди.

— Сен бола маданият бошқармасида ишлайсан, кесакдан ўт чиққанми, нима бало, нуқул адолатдан гапирасан!— Раис бува жағ гўштини тоғамга илинди.— Ма, жағингга қувват берсин!

Бизга қулоқ тегди.

— Ма, тутхўр! Қулоғинг динг бўлса, келиннинг шивирлашини яхши эшитади!— Раис бува "қойил қилдимми" дегандек ҳаммага бир-бир қараб қўйди.

"Ферма тоға" қийқириб кулди...

— Туври, Раис бова! Қулоқ жеса, қулоғи узун бўлади!

Раис бува дандон сопли пичоқ билан қўйнинг бош суягини чақди-да, миясини туз, мурч билан ийлаб думалоқлади, каттароқ ёнғоқдагини ўзи еб олди.

— Р-раҳмат!— деди куёв ётган жойида ғўлдираб. — Р-раҳмат, Раис бова. Миядан кўпроқ енг. Ақлингиз тўлишади!

Шу билан "Раис чақирди" поёнига етди. Раис бувага тўн, Шайдул — кассирга дўппи, "Ферма тоға"га қийиқ совға қилдик. Азиз меҳмонлар хайрлашиб чиқиб кетганидан кейин асосий тўй тараддуди бошланди.

* * *

Раис бува отамга "тўйингизга катталар келади" дегани бежиз эмас экан. Бир одамга ҳурмат бўлса шунчалик бўлар! Отам бир нафақахўр бўлса, мен хашаки бир бригад бўлсам. Тўйимизга семиз обком вакили, Райком бува, пахта заводининг директори — тақирбош Викторов, яна қанчадан-қанча казо-казолар келиб ўтиради-ю, мен севинмай ким севинсин! Аслида қайнотам ҳам келаверса бўларди-ю, таомил бўйича қизнинг отаси тўй куни куёвникига бормайди-да!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаммадан яхшиси шуки, қадрдон жўрам Шодивой куёвнавкар бўлиб келининкига борди. Наргисхоннинг дарвозасидан кириб бораётганимизда аллақандай қилтириқ кампир "ун сочар"да мўлжални нотўғриоқ олиб кўзимга ун сепиб юборганини ҳисобга олмаганда, ҳаммаси зўр бўлди! Менку, майли, Шодивойнинг кулранг костюми ҳам оппоқ унга беланди. Тўй қиламан деб қулоққача қарзга ботмаганимизда-ку, жўрамга эртагаёқ кулинг ўргилсин костюм совға қилардим-а...

...Мана, ўтирибмиз, дастурхон тўрида! Ҳовлимиз машъала бўлиб кетган. Столлар ноз-неъматларнинг кўплигидан беланги бўлиб қолган. Ўнг ёнбошимда Наргисхон... Юзига ҳарир парда тутиб ўтирибди. (Пардаларингга жоним тасаддуқ.) Чап томонимда Шодивой! Яп-янги костюми расво бўлгани ҳалиям эсидан чиқмаганми, ҳайронман, қовоғи солиқроқ. Нариёқда келиннинг дугоналари. Раис буванинг ёнбошида Райком бува, Райком буванинг ёнида обком вакили, унинг ёнида Викторов!

Биз ўтирган қатор — улуғларники! Ўзим-ку, ичмайман. Аммо "Напалеон" коньягию армани коньякдан тортиб, "Посольский" деган ароққача (Викторов шунақа ароқ ичаркан — ҳиди сезилмасмиш), думба-бовур закускадан тортиб, қулқул товуққача, хандон пистадан тортиб, бодомгача пайдарпай келиб турибди. Раис бува айтганидек, главний экономиснинг ўзи баковул.

Икки томондаги дастурхон иккинчи даражали: бўлим бошлиқлари, буғалтир, бош агрономларники. У ердаги коньягу ароқлар "местний". Закускалар ҳам ўртачароқ.

Этак томонда бригадамдаги жўраларим — Чори, Панжи, Жуман, Турсунбой ака, мактаб маълимлари ўтиришибди. Уларга "Чашма", пиво, қўлетар қилиб помидор, шўр бодринглар қўйилган. "Раис чақирди"да шунга келишилган. Пиво дегани шўр бодринг билан йиғлаб кўришади-да!

Бир маҳал микрофон ушлаган Жовли ака (йўғ-е, нега энди "Жовли ака" бўларкан, ахир энди у менинг қариндошим-ку. Бундан чиқди Жовли акажоним!) ўртага чиқди. Микрофонга уч-тўрт марта пуфлади.

Жовли акажоним микрофонни қўлига олиши билан келин-куёв ўрнимиздан туриб, таъзим қилдик. (Таомил шунақа.)

— Қадрли — азиз меҳмонлар!— деди Жовли акам тантанали оҳангда.— Бугун биз фақат туманда эмас, вилоятимизда донг чиқарган "Машъал" колхозида ўтирибмиз. Шу са-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бабли биринчи сўзни вилоят вакили, ҳаммамиз учун ҳурматли ўртоқ Гадоевга берамиз. Қани, бир қарсак бўлсин!

У шапир-шупир қарсаклар остида микрофон симини судраб келиб, обком вакилига тутқазди. Қаранг, семиз кишининг фамилияси Гадоев экан-да! Шу пайтгача билмаган эканман.

— Ўртоқлар!— деди Гадоев сурнайдек ғийқиллаб.— "Машъал" колхозини яхши биламиз! Чинакам машъал хўжалик.— У бир қўлида микрофон чангаллаган қўйи қарсак чалган эди, бошқалар ҳам жўр бўлди.— Келинглар, шу хўжаликнинг доно раҳбари, дўстимиз Тошмамат Алимовичнинг соғлиғи учун қадаҳ кўтарайлик!

Жовли акажоним пилдираб келиб, микрофонни олди.

— Яна бир қарсак бўлсин! Авация, авация!— деди ҳайқириб.— Қуйилсин!

Қарасам, ёнимда ўтирган Шодивой коньяк шишасини очиб, ўзининг олдидаги қадаҳга тўлдириб қуйяпти. Мен ҳам шоша-пиша шампанга ёпишган эдим, тирсаги билан туртди.

— Менга бер!— деди тўнғиллаб.— Одоб сақлаб ўтирсанг ўласанми! Куёв деган номинг бор!— шампанни пақиллатиб очди-да, бир эмас, иккита бокалга вошиллатиб тўлдирди.— Ич! Қаллиғингтаям ичир!

— Мен ичмайман-ку, Шоди!..— дедим нима қилишимни билмай.

Шодивой менга қайрилиб қарамади. Коньякни қул-қуллатиб ичиб олди. Парда остидан Наргисхонга шампан узатдим.

— Жиндай ичинг...— дедим ялиниб.

Наргисхон мулойим жилмайди.

— Менга мумкин эмас.

— Менгаям,— дедим ростига кўчиб.— Бола бўлиб оғзимга олмаганман.

— Тўғри қиласиз...— Наргисхон боягидан ҳам ширинроқ табассум ҳадя этди. (Ўзим айланай меҳрибонимдан!)

Ҳушимни йиғиб олиб, бошимни кўтарсам, Раис бува гапиряпти.

— Келинглар, ҳурматли дўстлар! Аввало ҳаммамиз учун ҳурматли ўртоқ Гадоевнинг, азиз акамиз Райком бованинг, заводимиз директори ўртоқ Викторовнинг, шу хонадон қудаси — савдо аълочиси ўртоқ Қўшшаевнинг, қолаверса, қадрдонимиз Жовли Менглиевичнинг саломатлиги учун қадаҳ кўтарайлик!

Одамлар энди қадаҳга қўл чўзган эди, Раис бува жеркиб берди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шошмангизлар ҳов! Шундоқ улуғларнинг саломатлиги учун атиги битта ичиб қутулмоқчимисан! Йўқ-ўқ, бунақаси кетмайди. Ўртоқ Гадоев учун битта, Райком бовамиз учун битта, ўртоқ Викторов учун, ўртоқ Қўшшаев учун, қадрли Жовли Менглиевич учун алоҳида-алоҳида кетма-кет олти марта ичасанлар! Оппоқ қилиб олмаган — хотин! Ҳамма ўрнидан турсин!

Чор-ночор Наргисхон иккаламиз яна турдик. Бир маҳал чап томондан ғўлдираган овоз келди.

— Мана бу — обком вакили учун! Буниси — райком бова учун... Мана буниси дадам учун...

Қарасам, Шодивой коньякни пайдар-пай қуйиб отяпти.

— Жиннимисан, ўв!— дедим ўдағайлаб.

— Ишинг бўлмасин!— Шодивой ғалати илжайди.— Булар учун ичмай бўладими! Булар... Булар...— жўрам коньяк тўла қадаҳни шошилмай, жуда хотиржамлик билан гул солинган вазага қуйди.

— Булар учун сен ичасан, мен ичаман, ана, гул ҳам ичади... Эсини еганми жўрам!

Раис бува зийрак-да! Шодивойнинг товушини эшитиб, микрофонда овозини баралла қўйганча, менга дашном берди:

— Келинга ичирмайсанми, қанақа куёвсан ўзи!

Бояги бокални тағин Наргисхонга тиқиштирдим.

— Олақолинг энди!

Наргисхон индамади-ю, кескин бош чайқади.

Тўғри қилди. Ўзи ичган қизларни жиним суймайди.

Хайрият-ей, ўтиришга рухсат тегди.

Куёв-келин энди жойимизга чўкаётган эдик, Раис бувани нг гапи чала қолган экан.

— Ўртоқлар!— деди микрофонга.— Қўшоқхонни ҳамманг яхши биласанлар! Яхши кўрасанлар! Менам ўз ўғлимдек кўраман. Энг передовой бригад! Тўғрисини айтсам, муштдай болалигидан меҳрим тушган. Адашмаган эканман. Атайлабдан Тошкентдек шаҳри азимга, катта ўқишга олиб борганимда, "йўқ, Раис бова, мен пахтакор бўламан", деган, тўғрими, Қўшоқхон?— Раис бува микрофонни чангаллаган кўйи менга қараб қўйди. Нима дейишимни билмай қолдим. Шодивойга разм солсам, лаби бурилиброқ илжайиб ўтирибди.

Хайрият, Раис бува тағин зийраклик қилди.

— Гап қандай вазифани адо этишда эмас, қанақа адо этишда! Бутун Қўшоқ Салимовни бутун Ўзбекистон танийди. Келинни айтмайсизми, Наргисхонни!— Раис бува нафасини ростлаб олди-да, аввалгидан ҳам тантанаворроқ оҳангда

www.ziyouz.com kutubxonasi

давом этди:— Наргисхон ҳам ўзимизнинг фарзанддек гап. Ўзимизнинг кўзимиз ўнгида улғайди. Ўртоқ Қўшшаев, ўртоқ Менглиевдек одамларга шундоқ қизни энг зўр институтга жойлаш нима деган гап эди! Йўқ, қиз ҳаётни ўргансин дейишди. Дала заҳматкашларининг сафида бўлсин, дейишди. Наргисхон ўнни битириб колхозда тер тўкди. Бундан ортиқ фидойилик бўладими? Қўшоқжон! Ўғлим!— Раис бува курсиларни шарақ-шуруқ суриб, тепамга келди. Бир қўлида микрофон билан пешонамдан ўпди.— Ота-онаси шу қизни не умидлар билан қоғозга ўроғлиқ қанддек асради. Бошингга кўтариб юр, хўпми?

Ўпкам тўлиб Наргисга қарасам, юзлари лов-лов ёниб ўтирибди.

Раис бува қаддини ростлаб тағин микрофонга ҳайқирди.

— Келин-куёвга колхоз правлениеси номидан битта падарка тайёрлаганмиз. Қамчибек, қаёқдасан? Обкир!

Йўлак томонда қулоғини қоматга келтириб мотоцикл тариллади. Ҳаммаёқни бензин ҳиди тутиб кетди. Қамчибек мотоциклни тариллатганча ҳовли ўртасига миниб кирди.

Анграйиб қолдим. Раис бува ростдан ҳам менга мотоцикл совға қиляптими? Ахир бу "Урал"ку! Ўзим орзу қилган "лулка!" Бундан чиқди, икки ҳафтача олдин "қаллиқ ўйин"га борганимда Раис бува сенга "пат-пат"нинг зўридан тўёна қиламан деб, рост айтган экан-да!

— Келин билан мингашиб юраверларинг!— Раис бува елкамга қоқиб қўйди-да, стулларни тарақ-туруқ суриб тағин жойига қайтди.

Секин қарасам, Наргисхон уялиб, ерга қараб ўтирибди. Билади-да, "лулка"да юриш масза!

— Қарсак бўлсин, ўртоқлар! Қарсак бўлсин!— деди Жовли акажоним ғайратга тушиб. (Қаранг, ичган сари овози жаранглаб чиқяпти!)— Даврамизда тағин бир ҳурматли меҳмон ўтирибди... Адлия ходими... терговчи... Старший терговчи! Ҳурматли раисимиз ўртоқ Алимовнинг яккаю ёлғиз ўғиллари... Шодижон Тошматович бизнинг туманга ишга келдилар!

Давранинг энг пастидан асабийроқ овоз келди:

— Раиснинг эси жойида! Сопини ўзидан чиқаради!

Ажаб, "Раис чақирди"да қўйнинг қулоғини еганим учунми, овоз эгасини аниқ-таниқ билдим: физика ўқитувчимиз Ислом Қиличев! Гапини битта мен эшитдим, десам Жовли акажонимнинг қулоғи меникидан ҳам узун экан.

— Ҳов, маълим!— деди жеркиб, овози микрофонда гумбурлаб кетди.— Висир-висир қилмай жим ўтиринг, хўпми? Қолаверса, кечаям чопиққа уч юз ўрнига қирқта бола чиқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қан. Бу — сизнинг таъсирингиз. Ўзингиз бўшаб кетган бўлсангиз ҳам мактабда сассиқ ҳидингиз қолган... Хўш...— Жовли акажонимнинг товуши тағин тантанали тус олди.— Даврамизда туманнинг энг ҳурматли кишиларидан бири — старший терговчи Шодижон Алимов ўтирибдилар. Сўз ўртоқ Шодижон Тошматович Алимовга!

Жовли акажоним гандираклаб, биз томонга кела бошладилар. Қарасам, Шодивой кафтлари билан юзини чангаллаб ўтирибди. Маст бўп қолдими, нима бало?

— Шоди!— дедим биқинига туртиб.— Сен гапираркансан?

— Нима?— Шодивой юзидан кафтини тушириб менга қаради.— Нима дединг?

— Гапир!— Худди мактабда, бир партада ўтиргандагидек тиззам билан сонига туртдим.

Жовли акажоним Шодивойга микрофон тутиб, ҳайқирди.

— Қани, битта авация бўлсин, ўзимизнинг ёш кадрга!..

Шодивой чайқалиброқ ўрнидан турди-ю, бирдан жиддий тортди. Бир зумда кайфиям тарқаб кетди-ёв! Гаплари милтиқнинг ўқидек. Ҳар сўзни чертиб-чертиб айтади. Нима қилсаям юрист-да, ҳуқуқшунос!

— Колхознинг ҳисобот-сайлов йиғилиши зўр ўтяпти!— деди Шодивой вазминлик билан.

Ажаб, ҳамма жимиб қолди. Раис бува ўтирган жойида қоши чимирилиб, паст овозда жеркди:

— Шоди!

— А?— Шодивой оғзига микрофон тутганча отасига қаради.— Нима?

— Аҳмоқ!— Раис бува овозини янаям пасайтириб ўшқирди.— Кайфинг ошиб қолдими! Тўйда ўтирибсан, тентак!

— Э, шунақами?— Шодивой чунонам ёйилиб кулдики, микрофонда овози етти қишлоққа эшитилди-ёв!— Узр! Мен бўлсам, "Машъал" колхозининг ҳисобот мажлиси деб ўйлабман... Қаранг, ҳаммаси батартиб. Ҳаммаси даражасига қараб бўлинган. "Улуғлар" бир томонда. "Хашаки"лар бир томонда.

— Шоди!— Раис бува ўрнидан туриб кетди. Зўраки илжайди.— Жўрангди оёғи тўртта бўлопти. Қутли бўлсин демайсанми, улим?

— Шунақами? Узр...— Шодивой лаб-лунжини йиғиштириб олди.— Ниятим шуки, Қўшо бахтли бўлсин! Қўшо, жўражон!— у микрофонни ҳамон қўйиб юбормай, дабдурустдан мени қучоқлаб олди.— Яхшиямки, сенга ўхшаган одамлар бор бу дунёда. Кел, ўртоқ, битта ўпай. Шошма, яна битта! Энди пешонангдан...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қийқириқ, қарсак бўлиб кетди. Жовли акам микрофонни унинг қўлидан юлқиб олиб, нари кетди, давра ўртасига чиқишга мадори етмадими, йиқилиб кетишдан қўрқдими, турган жойида эълон қилиб қўя қолди:

— Навбат санъаткорларга!

Рубоб жаранглади, тор варанглади, доира баданглади, гармон вийқиллади, ғижжак ғийқиллади. Санъаткорлар ҳам бало экан! Овози хезалакчалиш эркакларникига ўхшаган Анорхон деган хотин учта қўшиқ айтса, товуши эркакшода хотинларникига ўхшаган Шоматхон деган йигит тўрттани қўндиради. Бўривой дегани саккизта ашула айтса, Қулаҳмад ўн иккита қўшиқ билан жавоб қилади. Қадаҳлар пайдар-пай айланиб турибди. Биров арман коньягини отяпти, биров "Чашма". Биров "Посольский", биров минерал сув.

Бир кўзим Наргисхонда. Сузилиб ўтирибди. Бир кўзим Шодивойда, кафти билан юзини чангаллаб пайдар-пай ҳиқичоқ тортяпти.

Кокилахон деган раққоса даврага чиқиши билан тўйхона тандирдек қизиб кетди. Э, ўзиям офат экан, бу Кокилахони! Шунақанги ҳимо қилади, шунақанги қилпанглайдики, одам зоти чидаб туролмайди. Тағин ҳар битта эркакнинг рўпарасига келиб киссасини кавламагунича муқом қилиб тураверади. Ана, тоғам чидаб туролмади шекилли, яхлит эллик сўмликни Кокилахоннинг зар дўпписи тагига қистирмоқчи эди, раққоса пулини лип этиб юлқиб олди-ю, нари кетди. "Галдир"нинг ўрнини "Аравай" деган қўшиқ эгаллади. Бир марта "аравай" дейди-да, тўққиз марта вой-войлайди:

"Аравай, вай-вай-вай-вай! Вай-вай-вай-вай-вай!"

— Вой до-од! Қоматингдан!— ёқавайрон бўлиб кетган куёвим илондек бураліб ўрнидан турди. Киссасини кавлаб бир даста пул чиқарди. Ҳовли ёп-ёруғ эмасми, аниқ-таниқ кўрдим! Бир даста уч сўмлик! Хабарингиз бор — пул ҳисобига устамиз: нақд уч юз сўм!

Кокилахонга битта эллик сўмлик ҳам, бир даста уч сўмлик ҳам барибир экан. Бир зумда куёвнинг пули қаёққа ғойиб бўлганини ҳеч ким сезмади. Циркдаги кўзбойлоғичми, нима бало, бу Кокилахон!

— Наргисхон!— дедим парда ортидан келинингизнинг қулоғига шивирлаб.— Пулни қаёққа яширди?

Наргисхон пиқ этиб кулиб юборди.

— Билмасам...

Энди "Воҳай бола" авжига чиқди. Қарсаклар осмонни титратди. "Ферма тоға" товуқнинг оёғидек сертомир, қип-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қизил бўйнини чўзиб, муқом қилганча раққосанинг олдига ўйнаб кела бошлади. Қаққаҳа, қийқириқ бўлиб кетди.

— Ўзим ўргилай, кўзингдан аканг!— деди-да, киссасидан бир даста беш сўмлик чиқариб Кокилахонга кўрсатди. Жайранинг найзасидек тиккайган мўйловини ғолибона силаб қўйди.

Кокилахон ўйнаб келдию пулга чанг солган эди, "Ферма тоға" қув экан, пулни белининг орқасига яширди.

— Битта ўпич берсанг...

— Ҳўв, Мусайип!— микрофонда Жовли аканинг овози жаранглади.— Номардлик қилма! Бер атаганингни!

Тўйиб мош еган хўроздек қип-қизариб кетган "Ферма тоға" овоз қаёқдан келаётганини билолмай аланг-жаланг бўлиб қолди.

— А?— деди илжайиб.— Нима дединғиз?

Кокилахон ўйнаб турган кўйи, пайтдан фойдаланиб лип этганча унинг орқасига ўтди. Кейин нима бўлди, ўзим ҳам тушунолмай қолдим. "Ферма тоға" эс-ҳушини йиғиб олиб, аввал ўнг қўлини томоша қилди. Кейин чап қўлини... Ундан кейин юзини юваётган одамдек, иккала кафтини накд бурнига тақаб узоқ термулиб қолди. Кўзлари ғилай бўп кетди.

— Пулим!— деди ҳайқириб.— Пулимни нима қилдинг? Беш жуз эди-қу, уйинғ куйгур!

Микрофон чангаллаб турган Жовли акам бир имо қилганди, иккита забардаст йигит "Ферма тоға"нинг икки қўлтиғидан олиб, четга судради.

Қарасам, Наргисхон парда устидан кафти билан оғзини тўсганча мириқиб куляпти!

— Қойил қилди-а, Наргис!— дедим қулоғига.

— Росаям боплади, Қўшоқ ака!

Шу баҳона келинингизни ўпиб олмоқчи эдим, даврада "Лазги" авжига чиқди. Кокилахоннинг бояги ўйинлари ҳеч гап эмас экан! "Лазги"га гал келганида шунақанги учиб кетдики! Ё тавба! Одам боласиям шунчалик бўладими!

Ё, алҳазар! Суяги йўқ-ку, бунинг! Сочини учидан тортиб, товонигача баравар силкинади-я! Ростини айтсам, ўзим ҳам ўртага тушиб ўйнаб кетай дедим.

Бир маҳал "шарватхона" томондан шамолда тебранган теракдек чайқалиб Шайдул — кассир чиқиб келди.

— Жонидан! Жонидан!— деди кўксига уриб.— Биз томонгаям бир қиё боқсинлар!

Обком вакилининг ёнбошида ўтирган Викторов қарсак чалиб юборди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Молодец, Шайдул! Ай молодец!

Мингталик чироқ айнан шу одамнинг тепасида тургани учунми, боши чунонам йилтираб кетдики, бир эмас, иккита лампочка ловуллаб, тўйхонани янаям нурафшон қилиб юборгандек бўлди.

— Давай, Шайдул, давай!— деди Викторов қийқириб.

Шайдул — кассир белбоғи узилмаган бир даста ўн сўмликни боши устида баланд кўтариб им қоқди:

— Жонидан!

Кокилахон минг бир тусда товланиб Шайдул — кассирга яқин келди.

— Жовли Менглиевич!— Райком бува бағбақаси лиқиллаб ҳайқирди.— Айтинг! Тўхтатсин! Бу ерда опицалний одамлар ўтирибди, яхшимас!

— Шайдул!— Жовли акам ўша заҳоти микрофон орқали буюрди.— Кўп бодилик қилаверма!

У сўзини тамомлагунча Шайдул — кассир аллақачон Кокилахоннинг оппоққина юзидан ўпиб улгурган эди.

— Бўлди, ўв!— деди Жовли акам алам билан.

Қаёқда! "Лазги" авжига чиқиб кетган, Кокилахон жонҳолатда қилпиллаяпти. Шайдул — кассир бели боғлиқ ўн сўмликларни боши устида баланд кўтариб турибди. Кокилахон куй оҳангига мос қилиқ қилиб пайдар-пай сакрайди-ю, қани пулга бўйи етса! Шоти устига чиқиб сакрасаям етолмас.

— Сен ҳам битта ўпсанг, минг сўм сеники!— Шайдул — кассир юзлари ялпайиб илжайди.— Битта ўп, жонидан!

— Бас!— Жовли акам шунақанги чинқирдики, микрофон чийиллаб кетди. Шайдул — кассир қўлини паст туширган эди, ўша заҳоти пулдан айрилди. Кокилахон ўйнаб-ўйнаб нари кетди. "Лазги" ҳамон давом этарди.

Шайдул — кассир бир зумда минг сўмдан айрилгани нашъа қилди шекилли, аламини Кокилахондан эмас, Жовли акамдан олди:

— Эркакмисан, Жовли,— деди ўшшайиб,— қистир ўзингам мард бўлсанг!

Чап ёнимда алланима тарақлади. Бурилиб қарасам, Шодивой столни муштлаяпти.

— Шоди!— дедим қўлига ёпишиб.— Эсингни йиғ, жўра!

— Қойил!— Шодивой чайқалиб ўрнидан турди.— Ўргилдим, маймун ўйинларингдан! Хайр, дўстим!— у энгашиб бошимни бағрига босмоқчи эди, орқасига қалқиб кетди. Жўрам йиқилиб кетмасин деб, энди ўрнимдан қўзғалганимда аллаким орт томондан келиб, Шодивойни стул-пстули билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўтариб, парда орқасига олиб кетди. Наргисхон икки қўллаб билагимни чангаллаб олди.

— Кўшоқ ака!— деди овози титраб.— Кўрқяпман...

— Бўлди, жоним, парво қилма!— шовқин-сурон орасида Наргисни маҳкам бағримга босиб, парда устидан юзидан ўпиб олдим,— жўрамни сал кайфи ошиб қолди.

— Эркаклигимни кўрсатайми!— микрофонда Жовли акамнинг асабий овози жаранглади.— Кўриб қўй, боди! Мен сенга ўхшаган майдакаш эмасман! Бақка келинг, Кокилахон!

Раққоса худди шуни кутгандек Жовли акамнинг рўпарасига минг хил муқом қилиб келди.

— Мана!— Жовли акам шимининг киссасидан сарғиш белбоғ тақилган бир даста йигирма беш сўмликни чиқарди.— Олинг!— деди Кокилахонга узатиб.— Ҳалолингиз бўлсин! Санъатингиз учун, талантингиз учун!

Шўрва қайнагандек сийрак қарсак чалинди. Қарасам, Раис бува, Райком бува, тўрда ўтирганлардан тағин бешолти киши чапак чаляпти.

— Бирпасда шунча пул ишлаб олди-я!— дедим келинингизнинг қулоғига шивирлаб.— Масза-масза отарчиники экану. Озроқ қарз сўрасам, берармикин?

Наргисхон, парда ортидан ширин пўписа қилди.

— Сўраб кўринг-чи!

Келинингизга дил кетиб, даврада нима бўлаётганини пайқамай қопман. Наргисхоннинг кўзида хавотир пайдо бўлганини кўрдим-у, бурилиб қарасам, Шайдул — кассир қорнини ушлаб, икки букилиб турибди. "Раис чақирди"дагига ўхшаб пивони сабзи сувига қўшиб урган бўлса, ичи оғриб қолди, деб ўйлагандим, йўқ, кулаётган экан.

— Ҳи-ҳи-ҳи!— Шайдул — кассир қаддини ростлаб хандон отди.— Ха-ха-ха! Ўзим берган пул! Ишонмасанглар қаранглар! Белбоғига ўзим қўл қўйганман!

Жовли акамнинг жаҳли ёмон экан! Қўлидаги микрофон симини осилтирганча бошини икки елкасига тортиб, Шайдул — кассир томонга отилди. Наргисхон эшитиб қолмасинку, шу топда тоғаси яна уккига ўхшаб кетди. Орада уч қадамча қолганида "ҳ-ҳа" деди-да, Шайдул — кассирнинг қорнини мўлжаллаб калла урди. Кассир бечора қоқ тагидан арра солинган терақдек гурсиллаб ерга ағдарилди.

Ҳаммаёқ қий-чув бўлиб кетди.

Кокилахон ўйинга қанча уста бўлса, қочишга ҳам шунчалик чаққон экан! Ҳамон давом этаётган "Лазги" оҳангига мос қилиқлар билан ўзини отарчилар ўтирган сўрига отди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кимдир сўкинди. Кимдир "дўст" тортди.

Негадир чироқ ўчиб қолди.

— Қўшоқ ака!— Наргисхон бўйнимга осилиб ялинди.— Қўрқиб кетяпман!

Келинингизни овутиб ўтирган эдим, бошим устига аллаким эгилди:

— Турақол, Қўшо! Келинни уйга олиб кир!

Қоронғуда бўлса ҳам танидим: отам!

— Қўрқманг, болам,— деди отам Наргисхоннинг елкасига қоқиб.— Уйга киринглар. Сизга деса бир-бирининг гўштини емайдими, булар!

Қайноққина, ширингина Наргисхонни бағримга босганча уй томон етакладим.

Ўн саккизинчи боб

ШАҚ ЭТДИ, ПАҚ ЭТДИ, ПУФАК ЁРИЛИБ КЕТДИ!

Умрим бино бўлиб йиғлаган эмасман, деганмидим? Йўқ, йиғлаган эканман, дўхтиржон. Бир марта!

Нега дейсизми? Қўйинг, бу гапларни айтишга уялади, одам! Ҳа, мен содда эдим. Аммо виждонсиз эмасдим. Гўл эдим, аммо ғурурсиз эмасдим! Аҳмоқ эдим, аммо диёнатини пулга сотадиганлар хилидан эмасдим.

Кечагина бошига қўнган бахт қушидан маст бўлиб юрган одам, эртасига муккасидан йиқилса ғалати бўларкан. Одамнинг пешонаси тақ этиб деворга урилганидан кейин кўзи очиларкан. Шунча пайтдан бери кўр эканман, сўқир эканман...

Нима қилай? Кимга айтай дардимни? Отамгами? Тўйдан кейин уч кун ўтмай, қон босими ошиб йиқилиб қолди-ку ўзи? Жовли Менглиевич у ёққа югуриб, бу ёққа югуриб, янги қудасини вилоятдаги "катталар" ётадиган баннисага жойлади. Отам бунақа илтифотдан хурсанд бўлди, дейсизми? Кўргани борганимда негадир маъюс кулимсираб қўйди.

Мен-ку дадамга ҳеч нима демадим. Лекин отам менга ўхшаган гўл эмас. Уруш кўрган, тиззасидан қон кечган. Биров ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, юзингга тупурса-да, "бир ҳазил қилдим-да, ма, артиб ол", деб чўнтагидан рўмолча чиқариб узатса, қанақа бўлади? Отам буни билмайдими? Аслида, айб менда! Ўзимда! Мен — молфаҳмда! Дадамнинг ўрнига мен баннисага тушишим керак эди. Ўладиган бўлсам мен ўлишим керак!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Онам бўлса, ўзи билан ўзи овора! Кун ора автобусга ўтириб, дадамнинг олдига югуради. Нима қилай? Дардимни жўрам Шодивойга айтаймн? Нима дейман? Отанг аблаҳ экан, дейманми? У ёғини сўрасангиз, Шодивой қишлоқда турмайди. Ижарага яшаб, туман марказида ишлаяпти. Ўша — менинг тўйим куни маст бўлиб чиқиб кетган кўйи қишлоққа қайтиб келмади.

Наргис билан турмушимиз... ит ётиш — мирза туриш. Бирга яшаймиз-у, ўртамизда бошқа бир одам, учинчи одам тургандек...

Бир вақтлар отам қўлимга пуфак тутқазиб, "пуфла, ўғлим, пуфла, қани, қачон ёриларкин" деганида хўп ўйлаб гапирган экан! Пуфак эртами-кечми ёрилиши керак эди. Сезиб турибман, ёриладиган пайти яқин қолди. Раис кўзимга кўринмайди. Тўғри-да, қандоқ кўринсин... Ғунчани узсин. Тўйиб-тўйиб ҳидласин. Ҳадди сиққанича, кучи етганича эзғиласин... Кейин менга... мен — нодонга, молфаҳмга узатсин. Устига-устак "қоғозга ўроғлиқ қанддек, бошингга кўтариб юр", деб писанда қилиб ҳам қўйсин...

* * *

...Пуфак куз кунларидан бирида, айни терим қизиган паллада ёрилди. Раис ҳадя қилган, йўғе садақа қилган "пат-пат"га қўлимни ҳам теккизмадим. Қандоқ тегизай! Ҳаромку ўша лаънати "пат-пат!" Бундан чиқди, бир вақтлар болалигимда мотоцикл минишни орзу қилиб юрганимда "пат-пат"га Ойсара янгам эга чиққани, Турсунбой акам ўша нахс босган "лулка"ни минишга ҳазар қилгани, доим маъюс тортиб юришида гап бор экан-да! Бундан чиқди, Раис бува Турсунбой акани, менга ўхшаб, онасининг қорнидан тушганча гўдак ҳолида қолган соддаларни "пат-пат" билан алдар экан-да! Раис "ўғлингни ўқишга олиб бораман", "машъал қиламан", "оталик қилиб уйлантириб қўяман" деганда дадам "туллак раис берадиганини белбоғига боғласин", дегани бежиз эмас экан-да!

Онам! Бечора онам! Шу номардга ишониб, отамга қанча дашном берди. Раис бувани фариштага қиёс қилди! Фариштa! Ўзидан қолган сарқитлар билан бошқаларни боқадиган "фариштa!" Йўқ! Раиснинг сарқити керакмас менга! Ўзи ҳаром қилган "Ғунча"ни оқлаш учун ҳадя этган "пат-пат"и керакмас!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳаром! Ҳаммаси ҳаром!

Ҳар куни далага эшагимни миниб бораман. Ростини айтайми? Ҳаммасидан шу тилсиз — забонсиз жонивор афзал менга! Нима бўлганда ҳам қувлик-шумликни билмайди. Хиёнат қилмайди...

Тонг отмасдан эшак миниб чиқиб кетаман. Машинада пахта тераман. Уйга келишга юрагим йўқ. Кечалари шийпонда қолиб кетаман.

Бир куни кечқурун қатирмоч бўлиб кетган пайтавамни алмаштириш учун уйга келсам, онам эшик олдида типирчилаб турган экан.

— Тез бўл, болам, машина топ!— деди чирқиллаб.— Келинни дард тутиб қолди. Яхшиям ўзинг келдинг. Аксига олиб отанг ҳам баннисада.

Отам Жовли Менглиевичнинг "илтифоти" билан казо-казоларнинг шифоханасида бир ой ётиб, сал ўзига келган, аммо куз тушиши билан дарди қайталаб бир ҳафта аввал тағин аҳволи оғирлашиб қолган эди. Уккикўз Жовли ака яна ўша касалхонага обормоқчи бўлганида, "Қўйинг, унақа жойлар менга тўғри келмас экан", деб туман касалхонасига ётганди.

— Бўла қол, болам!— деди онам негадир кўзини олиб қочиб.— Қийналиб кетди бечора!

Нега тескари қараётганини билмасам экан! Уяляпти, бечора. Ажаб, қилғиликни қилган бошқалар-у, энам номус қиляпти. Тўйдан кейин уч ҳафта ўтар-ўтмас, онам "келиннинг қадам олиши ғалатироқми?" деб ярамга туз сепган эди. Кейин бу тўғрида бошқа гаплашмадик. Ниманиям гаплашардик. Мана, ўша яра ёрилди! Жондан суйган Наргисхоним тўрт ойда туғиб беряпти...

Уйга кирсам, Наргис инграб ётибди. Қизиқ, хотининг туғай деб турса-ю, машинаси бор қўшнингга "келинни туғруқхонага олиб борайлик", дейишга ор қилсанг, ғалати бўларкан. Кимга айтаман? "Ия, Қўшоқжон, келин тезотар чиқиб қопти-ку", демайдими!

Ноилож "пат-пат"ни юргиздим. Онам келинни ўраб-чирмаб, лулкага ўтқазди. Ўзи орқага мингашаётган эди, жеркиб бердим.

— Тушинг! Йўлни ўзим биламан!

Мотоциклни учириб кетдим. Қоронғи кўча, қоронғи осмон... Бир кўнглим мотоциклни учириб бориб, симёғочга урсам-у, ҳаммасидан бир йўла қутулсам, дейман. Начора, шайтонга ҳайф бердим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

...Туғруқхона эшигига етишимиз билан ичкаридан оқ халат кийган икки хотин чиқиб, мотоцикл чироғининг ёруғида шу томонга югурди.

— Қўшоқ ака!— Наргис ҳансираб ингради.— Мени кечиринг...— Қарасам йиғлаяпти. Юпатгим келди-ю, негадир юпатолмадим.— Агар менга бир нима бўлса,— деди йиғлаб.— Икки қўлим раиснинг ёқасида!

Шунда яна бир нарсани тушундим. Наргис мени, мен молфаҳмни алдади. Аммо унда нима гуноҳ! Қўша-қўша невара кўрган Раис уни шу қўйга солган... Нима дейишимни билмасдим. Айтадиган гапим ҳам йўқ эди. Нима дей? Нима қилай?

Оқ халатлилар уни лулкадан суяб тушириши билан мотоциклни орқага буриб, елдириб кетдим. Хаёлимга тағин ўша гап келди. Ҳозир симёғочга уриламан, ё бўлмаса тикроқ жарга қулаб кетаман-да, ҳаммаси тамом! Мотоциклни учириб кетяпман. Нуқул хаёлимда шу гап айланади. Бўлди. Мен энди яшамайман! Мен ҳам одамманми? Мен ҳам эркакманми? Эртага одамларнинг кўзига қандоқ қарайман?..

Бир маҳал рўпарада машина чироғи кўринди. "Пат-пат"-ни тўппа-тўғри чироққа бурдим. Энг сўнгги дақиқада машина ўзини кескин чапга олиб, ғувиллаб ёнимдан ўтиб кетди. Чанг-тўзон орасида қолдим. Ҳамон учиб бораркандим, хаёлимдан бошқа ўй кечди. Шошма, ўлиб кетишдан осони йўқ. Аввал Раис билан, менга шунча "оталик" қилган Раис билан икки оғизгина гаплашиб олай!

Кунгурадор дарвозаси қулф экан. Аввал муштладим. Кейин тепдим. Дарвозахонада чироқ ёнди. Елкасига тўн ташлаган Раис мени кўриб аввал ҳайрон бўлди, кейин севинди.

— Тинчликми, Қўшоқжон? Отанг тузукми? Келин яхшими?

— Яхши!— дедим лабим титраб.— Туғруқхонага оборибқўйдим.

Раис ҳайрон бўлгандек кўзларини пирпиратди.

— Ия, Қўшоқжон? Ҳали муддати етмаганди шекилли?— деди-ю, бирдан тиззасига уриб, қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди.— Вой, гуппи-ей! Вой ударниг-ей! Буёғиниям бопладим де! Хотинниям дасрочна туғдириб юбордим де!— у ҳовли томонга қараб бақирди:—Суюнчи обчиқ, хотин! Ўғилми-қиз?— деди менга юзланиб.— Отини нима қўясан?

Титраб кетдим.

— Отини сен қўясан!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унинг кулгиси шартта кесилди. Чироқ остида ранги бир гезарди-ю, юзи қаҳрли тусга кирди.

— Бу нима деганинг, ҳайвон! "Қаллиқ ўйин"га борганинг эсингдан чиқдими! Ўзим кўрганман!

Шуям одам бўлди-ю! Шуям эркак бўлди-ю!

— Ол матоҳингни!

Нариоқда турган "пат-пат"ни етаклаб, дарвозага рўпара қилдим. Елкам билан бир туртган эдим, дарвоза тавақаси очилди. Мотоциклнинг орқасига ўтиб кучим борича кажавасига тепдим. Дарвозахона қияроқ экан, "пат-пат" ичкарига қараб ғириллади, Раис сакраб ўзини четга олди. Мотоцикл шитоб билан ғилдираб бориб, оппоқ "Волга"нинг орқасига урилди. Рули қийшайиб, машинанинг орқа чироғи чил-чил бўлди. Раиснинг кўзида ўт чақнаб кетди.

— Машинани нима қилдинг, ҳароми!— деди ҳайқириб. Мушт ўқталиб, устимга келаётган эди, этигимнинг қўнжидан пичоқ чиқардим.

— Келавер!— Қизиқ, шунақанги осойишта гапирдимки, ўзим ҳам ҳайрон қолдим.— Кела қол!

Раис турган жойида тахта бўлиб қолди. Шу пайт эркак деса эркакникига, хотин деса хотинникига ўхшамайдиган даҳшатли овоз ув тортди.

— Войдод! Ўлдиряпти! Эримни сўяпти!

Раиснинг ола-була кўйлак кийган хотини товушини баралла қўйиб, тағин бир додлади-да, супадек жойни эгаллаб, гурсиллаб ерга ўтириб қолди.

Остонасига туфладим-у, бурилиб кетдим. Орқамдан Раиснинг чинқироқ ҳайқириғи эшитилди:

— Ҳароми! Эсипаст, жинни! Мен бунга оталик қилдим! Уйлантириб қўйдим...

* * *

Эрталаб онам тутун-терсак кўтариб йўлга тушди.

— Келинимдан хабар олай. Бир йўла отангниям кўриб келаман.

Сезиб турибман. "Отангдан суюнчи оламан", демади. Тўғри-да, суюнчини Раисдан хотини олсин! Эри яна битта болали бўлди-ку, ахир!

Эшагимни миниб, далага келдим. Тулпорни шийпон олдидаги толга боғлаб, ишга тушиб кетдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Машинада пахта теряпман-у, хаёл минг кўчага олиб киради. Нукул ўзим билан ўзим гаплашаман. Нега шунчалик оёқости бўлдинг? Нега Раис сени шунчалик хор қилди? Тошкентга етаклаб борди, сув бўйига олиб бориб, суғормай қайтариб келди! Шунчаки эрка ўғли Шодивойнинг кўнглини олиш учунми? Раис ўша "катта домла"га мўмайгина пул қистирмаса сен тугул Шодивой ҳам институтни тушида кўрарди. Нега ўша пайтда бу гапларни ўйлаб кўрмадинг!

Отанг "дипломат"га тахлаб берадиган жарақ-жарақ пулинг йўқ эди-ку, нега Шодивойга эргашиб Тошкентга бординг? Раис қўймадими? Нега сенга ёпишиб олди? Нега ўқитаман, юрист қиламан, деди?

Шошма! Ўнинчини битираётганингда, имтиҳон бошланишидан олдин Раис Ойсара янгага атлас олиб келганмиди? Ўшанда Ойсара янга йиғлаганмиди? Турсунбой аканинг уйидан чиққанингда Раис нима деди сенга? "Бир-икки ой индамай юр, Турсунбойга кўринма", дедими? Ҳа-а! Мана, гап қаёқда экан! Тўхта! Ўшанда Ойсара янга: "Раис бошқа китоб топган, ўшани ўқийверсин", деганмиди? Бундан чиқди ўша кезлари Раис бошқасига илакишиб юрган. Ойсара янга ундан аразлаган. Раис ярашмоқчи бўлиб, сендан Ойсарага совға киргазган. Шошма-чи! Ўша Наргис бўлмасин тағин! Йўқ, Наргис у пайтда ёш бола бўлган. Бундан чиқди Раис бошқа ўйнаш топган. Бундан чиқди, Наргис биринчиси ҳам эмас, охиргиси ҳам...

Барибир! Раис сени шаҳарга бекорга олиб бормаган. Оғзидан гуллаб қўймасин, одамларнинг кўзидан узоқроқда бўлсин, деб атайлаб олиб кетган. Ҳов ўшанда, гастинцада Шодивойга нима деди? "Жўранг шунча ўйнади, бўлди-да", дедими? Демак, сени шунчаки "ўйнатиб" юрган. Тошкентдан қайтгандан кейин Ойсара янга билан ярашиб, тағин апоқ-чапоқ бўлиб кетган. Икки орада Турсунбой ака додини кимга айтишни билмай, ранги сомондек сарғайиб юраверган! Бечора! Сен бўлсанг, ишга раъйи йўқ, деб хафа бўлиб юрибсан! Йў-ў-қ, Раис чучварани хом санабди. Мен Турсунбой ака эмасман, ер чизиб юрадиган! Қўлидан келса, юрист ўғлини ишга солиб оттириб юборсин!

Шошма! Шодивой ўшанда, гастинцада нега бунча тўполон қилди? Нега "Қўшоқ институтга кирмаса менам қишлоққа қайтиб кетаман", деб туриб олди? Ёлғондан қилдими? Ким билади? Ишониб бўладими, буларга? Ҳаммасининг илдизи бир! Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди! Ҳатто би-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ровнинг тўйида ҳам тараф-тараф бўлиб ўтиришади. Райком бува билан Раис тўрда, қирқ йиллик муаллим пойгакда! Шодивой ҳам пора билан ўқиб терговчи бўлган-да! "Дадам айтди, юристларнинг топиш-тутиши зўр бўларкан", деб ўзи айтган-ку! Бундан чиқди... Унақа бўлса, нега таътил пайтида қишлоққа келмай қўйди? Менинг тўйим куни маст бўлиб, уккиқўз Жовли ака, Шайдул — кассирларни нега маймун ўйнатяпти, деди?

Хўп, майли. Ўзинг-чи, ўзинг? Ўзингда айб йўқми? Газетада мақтагани-ю, радиода "машъал" деганига маҳлиё бўлиб юравердингми? Шунчалик илғор экансан, нега ўзинг ҳам, бригадангдаги йигитлар ҳам носвой пулига етар-етмас ҳақ олади? Қаёққа кетяпти ўша пуллар? Бундан чиқди кеч кузда, ярим кечаси хлоппунктда мажлис бўлган куни Шайдул — кассирнинг папкасини йўлда тушириб қолдирганингда кассир шунчалик типирчилагани бежиз эмас экан-да!.. Кичкиналигимда икки карра икки — беш, деб юрганим ўйинчоқ экан-ку! Дунёда бунақанги ишлар бор экан! Эргашевни қоралаб ёзишган газетани Наргис ўқиганида қарсак чалдинг! Нега? Йўқ, азбаройи Эргашевни ёмон кўрганингдан эмас, Наргисни яхши кўрганингдан чалгансан. Шошма?! Ўшанда Наргис сени ўпган эди-а? "Сиз яхши одамсиз", деган эди-а?! Демак, ўшанда Наргиснинг гапини бошқача тушунибсан-да. Мени жон-дилидан севади деб ўйлабсан-да! Галварс!

Обком вакили, Райком, Раис — ҳаммаси бир томонга ўтиб турганидан кейин, булар катта одамлар, эсли одамлар деб-ман-да! Мен аҳмоқ шуларга ишониб юрибман-а! Шуларга-я! Ким ўзи булар?! Приёмчик Жовли, РайПО қайнотам, Раис, Шайдул — кассир, тўйда елиб-югурган куёв — ҳаммаси бир одам! Ҳаммаси, ким билсин, балки Наргиснинг тан-жони "носоғроқ" эканини ҳаммаси билгандир. Ҳаммаси биргалашиб мен аҳмоқни яна бир марта аҳмоқ қилгандир! Нега бўлмаса Раиснинг ўзи тўсатдан тўйга бош-қош бўлиб қолди. Нега ўша ҳаром-ҳариш "пат-пат"нинг калитини бўйнига осиб юрадиган Ойсара янга Наргисникига боришимни эшитган заҳоти илжайиб, бахт-саодат тилади? Балки яна бир норасмий "кундош"дан қутулганига, Раис тағин ўзиники бўлиб қолганига шукр қилгандир. Ифлос! Хотиним (қизиқ, нега энди менинг хотиним бўлсин, Раиснинг хотини-ку) билганини қилсин. Энди турмушимиз турмуш бўлмайди. Биламан, унгаям осонмас. Туғруққхона эшигида бекорга йиғламади. Ростини айтди. Хўп, шу билан менинг дардим ен-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гиллашиб қоладими? Мен нима қилай, ахир? Қайси биридан қасос олай? Қандоқ қилиб? Ҳаммасини бир чеккадан сўйиб чиқолмайман-ку! Раис хоҳласа, бугуноқ мени оборib тиқиб қўяди. Ёнига Жовли тушади, Райком тушади, қайнотам тушади...

Хўп. Бўлмаса нима қилай? Бир ҳафтадан кейин Наргисни туғруқхонадан олиб чиқиб, раисдан бўлган болани "лу-лу-лу" деб кўтариб келайми? Турсунбой акага ўхшаб бир умр одамларнинг кўзига қаролмай юрайми? Раис хоҳласа шунақа қиладики, ҳар куни мени далага жўнатиб, худди Ойсара янгамнинг уйига киргандек, Наргиснинг олдига келади!

Хаёл суриб, эгат бошига бориб қолибман. Ўгирилиб қарасам, бункер тўлиб кетибди. Машинани орқага бураётганимда шийпон томонда ўқ товуши эшитилди. Ҳайрон бўлиб, машинадан тушдим.

Шийпон олдидаги толга боғланган Тулпорим бошини орқага ташлаганча икки газ сакраб кетганига кўзим тушди. Нарироқда "Нива" машинаси тўхтаб турарди. Эшагимнинг рўпарасида туриб милтиқ ўқталаётган Раисни энди кўрдим. У милидан тутун чиқиб турган милтиқни йиқилаётган эшагимга яна тўғрилади. Тулпорим жон талвасасида арқонни силтаб ўзини орқага отди. Шу пайт аввалгидан ҳам қаттиқ гумбурлаган ўқ товуши қулоғимга кирди. Милтиқ милидан тағин тутун чиқди. Эшагим ерга қулаганини кўрдим-у, ўша томонга югурдим.

Етиб келсам, Раис шийпондаги сўрида қўшоғиз милтиқни тиззасига қўндаланг қўйиб, хотиржам ўтирибди. Учиб келиб, Тулпоримнинг устига тиз чўкдим. Ўн беш йиллик қадрдоним тупроқ ерда чўзилиб ётар, курагидан қон оқиб, қорайиб турарди. Бошини кўтарган эдим, очиқ қолган кўзларида худди одамникига ўхшаган ҳайратми, унсиз хитобми кўрдим. Қўлимга қон юқди. Бўйнини ҳам ўқ тешиб ўтган экан!

Эсдан оғтандек сапчиб ўрнимдан турдим.

— Нима қилдинг?— дедим ҳайқириб.— Нима қилдинг, ҳайвон?! Тилсиз-забонсиз жонивор нима гуноҳ қилди сенга?!

— Пахтани пайҳон қилган!— Раис тескари қараб чирт этиб тупурди.— Бир гектар ерни!

— Қачон? Боғлиқ турибди-ку!

Раис негадир хириллаб кулди.

— Бу — машинамнинг чироғини синдирганинг ҳаққи! Кечаги туҳматинг учун яна жавоб берасан ҳали!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— От!— кўксимга чанг солиб, кўйлагимни йиртдим.— Номард, келиб-келиб кучинг шу жониворга етдими? От, мард бўлсанг! От, ҳезалак!

— Бу — шунчаки предупреждена. Ҳали шунақанги кунларни кўрасанки! Хотинингни ҳақорат қилганинг учун, раҳбар ходимга пичоқ ўқталганинг учун...— у халатнусха кителининг тугмасини ечиб, жун босган кўкрагини хотиржам силаб қўйди. Милтиқ бандидан ушлаб, машинаси томон юрган эди, ерга чўккалаб қолдим.

— Ҳаромхўр! Ҳайвон! От, деяпман, эркак бўлсанг!

У "Нива"га ўтириб моторни юргизди.

— Шошма,— деди илжайиб.— Ҳар нарсанинг ўз мавриди бор!

Шундай деди-ю, машинани гуриллатиб кетди. Тура солиб, югурдим. Қўлимга тушган гувалани олиб, "Нива" кетидан отдим. Тегмади. Ҳансираб чопиб борарканман, қоқилиб, юзтубан йиқилиб тушдим. Тиззамни кўзи сирқираб оғрир эди, оқсоқланиб қайтиб келдим.

Шийпон бурчагида турган, занглаб кетган кетмонни олиб, тол тагидан чуқур кавлай бошладим. Ишонасизми, эсимни таниганимдан бери йиғлаш нималигини билмаган, тўйдан кейин ўзимни неча марта ўлдиришга қасд қилганда ҳам кўзимга бир қатра ёш келмаган одам, эшагимни кўмаётганда йиғладим!

Кейин ҳовузда юзимни ювиб олиб, сўри чеккасига келиб ўтирдим. Узоқ ўтирдим.

Орқа томонда мотор гуриллади. Бурилиб қарасам, Раиснинг машинаси! Кетмон дастасини маҳкам чангалладим. Яхши! Раис милтиқ билан, мен кетмон билан! Ё у ўлади, ё мен! Аммо Раисни ўлдирсам, эшагимнинг тагига кўммаган номард! Тулпоримнинг гўрини очиб, судраб чиқаман-да, аввал Раисни ерга тиқаман! Кейин эшагимни! Токи Раиснинг ўлиги эшагимнинг тагида ётсин!

Машинадан коптокдек дум-думалоқ Қамчибек тушди.

— Қўшоқжон...— деди ялиниб.— Тез бораркансиз! Райком бова чақиряпти.

Энди машина ичига биқиниб олиб, ҳунар кўрсатяптими, ҳезалак! Қарасам, йўқ, машина ичида ҳеч ким кўринмайди.

— Жуда илтимос қилди Райком бова!— деди шофёр хуркиброқ.

— Ким у Райком бованг?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қўшоқжо-он! Камиссия ҳамма томонни текшириляпти, умрида далага чиқмайдиган катталарнинг ҳаммаси ўша ерда. Қайнотангиз... Жовли Менглиевич...

— Менинг қайнотам йўқ!

— Мусайип ҳам ўша ерда. "Ферма тоға".

— Э, ҳар юз совлиқдан икки юзтадан қўзи оладиган "Ферма тоға"ми?

Шофёр суюниб кетди. Илжайди.

— Худди ўзи!

— Танимайман!

— Райком бова қаттиқ тайинладилар. Машъал механизаторимиз келмаса бўлмайди, дедилар.

— Эргашевни иғвогар деб қаматган ўша Райком бовами?

Шофёр индамай бошини қуйи солди.

— Униям танимайман!— дедим хўрсиниб. Қизиқ, ичим бўм-бўш эди.

— Қўшоқжон!— шофёр елкамдан қучди.— Тўғрисини айтайми? Камиссия тўсатдан босди. Раис бова, Қўшоқ Салимов фарзанд кўрган, хотинидан хабар олишга кетган, десаям қўймаяпти.

— Келаверсин,— дедим пинагимни бузмай.

— Бу ёққа қандоқ опкеламиз? Ҳосилнинг мазаси йўққу! Райком бова айтди: олтинчи участкада машина тушмаган карта бор. Ўшанда ярим соатгина пахта териб кўрсатса бас, деди! Раис бова сизни хафа қилиб қўйган экан. Райком бова Раисни ёмон сўкди. Шу боланинг дилини оғритсангиз, сиздан норози бўламиз, деди. Шахсан ўзи илтимос қилди.

Меҳрибончиликни қаранг! Тупурдим, ўша Раиснинг ҳамтовоқларига!

— Яп-янги машина тайёрлаб қўйишибди. Жон ука, хўп денг!— Қамчибек икки қўлини кўксига қўйди.— Мениям бола-чақам бор. Бормасангиз, Райком бова билан Раис бова теримга сомон тиқади.

...Ростдан ҳам ҳали машина кирмаган, пахтаси оқиб ётган пайкал четида эллик чоғлиқ одам турган экан. Похол шляпа кийганлар, бошяланглар, дўппи кийганлар. Семиз обком вакили уларнинг атрофида гирдикапалак! Соқолини қиртишлаб олган қайнотам, укиникига ўхшаган кўкимтир кўзлари аланг-жаланг Жовли ака, пахта заводининг директори — тақирбош Викторов, икки гапнинг бирида "монга қоранғ" деб гап маъқуллаётган "Ферма тоға", новча-терак Шайдул — кассир, ингичка бўйнидаги учбурчак бағбақаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

пайдар-пай лиқиллаб турган Райком бува, бирпасда ясаниб, медаль тўла қора костюмини кийиб олган Раис...

Раис машинадан тушишим билан шодон хитоб қилди:

— Мана, ўша машъалимиз! Қўшоқжон Салимов! Буни қаранглар, бугун тўнғич фарзанди туғилди-ю, шундаям далада чиқмайди. Бошқа участкада пахта тераётган экан, азамат. Аллақаёқдан қайнотам пайдо бўлди.

— Қизча қутли бўлсин, улим!— деди-ю, пешонамдан ўпмоқчи эди, юзимни чириллатиб ўгирдим. Раис уни нари суриб, яна хитоб қилди: — Бу участкага икки марта машина кирган. Ҳосилимизни қаранг! Учинчи теримга ҳам етилиб турибди.

Гапини қаранг. Оғзини очди, ичидан ёлғон чиқади, аблаҳ! Бунақа "кўргазмали пайкал"ларни мавсум охиригача атайлаб асраб қўйишингни ғирт аҳмоқ ҳам билади-ку!

— Қани, Қўшоқжон! Бир кўрсат ҳунарингни!— у комиссия вакиллари ортиқча савол бериб мени ўртага олишини хоҳламади шекилли, зипиллаб пайкал бошида турган машина томон етаклади.

Машина чиндан ҳам яп-янги эди. Дарров сездим, шпинделлари топ-тоза, кабинасидан ёқимли ҳид келиб турибди. Буям кўргазмали машина! Икки соат пахта терасан-да, кейин яна олиб қўяди.

"Ҳунарим"ни кўргинг келиб қолдими? Ҳозир-да, шунақанги ҳунар кўрсатайки! Қизиқ, негадир қайнотамнинг "қизча қутлуғ бўлсин" дегани қулоғим тагида яна жаранглаб кетгандек бўлди. Бундан чиқди, Наргис қиз туғибди-да! Раиснинг қизи! Ҳаромхўрлар! Ҳамтовоқлар! Кўриб қўй!

Ричаги босиб шпинделларни шу қадар пастга туширдимки, ерга тегиб қолди-ёв! Моторни юргизиб, кучим борича тепкини босдим. Машина қутурган филдек наъра тортиб, олдинга сапчиди. Чанг-тўзон кўтарилди. Бурилиб қарасам, бункерга пахта эмас, ғўзапоялар, мажақланган кўсаклар патир-путир тушяпти! Қойил! Ўзим ҳам бир зумда аллақанча жойни ағдар-тўнтар қилиб ташладим-ов! Мана бунинг отини ер ҳайдаш деса бўлади! Машинам ўтган жой шипшийдам! На пахта бор, на ғўзапоя! Ер шудгор бўлиб кетганини айтмайсизми!

Бир маҳал Раис билан Райком бува машина кетидан югуриб қолди. Негадир кулиб юбордим. Бу кунингдан баттар бўл, ҳамманг! Раис ранги гезарганча қўлини пахса қилиб бақирди. Эҳ-ҳе, ҳалиям дўқ қиляпсанми?! Мана бўлмаса!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Машинани шиддат билан далага кўндаланг қилиб бурдим. Одатда, терим машинасини кескин буриб бўлмайди. Бункер залваридан ағдарилиб кетади. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Машина ўнг томонга оғди-да, гурсиллаб думалаб тушди. Кабинадан отилиб кетдим. Пахтазор ўртасида анчагача қулоғим ғувиллаб ётдим. Бошим каттароқ кесакка урилган эканми, сирқиллаб оғрир, қулоғим шанғиллар эди.

Бир зумда устимга одам тўпланди. Шляпали, шляпасиз комиссия аъзолари, сурнайга ўхшаб ғийқиллаб нафас олаётган семиз обком вакили, учбурчак бағбақаси лиқиллаб турган Райком бува, Шайдул — кассир, қайнотам, укки кўзлари ёниб турган Жовли ака, башанг кийинган раис, қўйингчи — "Ферма тоға"гача атрофимни ўраб олишди.

— Нима қилдинг, аҳмоқ!— Раис йиртилиб кетган ёқамдан бўғиб кўтарди. — Колхоз мулкини нима қилдинг, аблаҳ!— деди-да, юзимга тарсаки тортиб юборди.

Уриш мана бунақа бўлади, деб қоқ жағига чунонам мушт туширдимки, Раис пуфакдек учиб кетди. Беш қадамча нарига — ариқ ичига бориб тушди. Пишиқ экан, хунаса! Пақ этиб ёрилиб кетмаганига ҳайронман. Югуриб бориб қорнига тепдим. "Ғиқ" этган овозни ҳамма эшитди.

— Нима қиляпсан!— Жовли ака хумдек бошини елкаси ичига тортиб чопиб келаётганини кўрдим. Йў-ўқ, мен Шайдул — кассир эмасман, калла қўйишингни кутиб ўтирадиган. Яқин келса нағал қоқилган этигим билан қоқ жағига тепишни мўлжаллаб турган эдим, аллақим, уни қучоқлаб, тўхтатиб қолди. Жовли, ўлжасига етолмаган укқидек кўзлари ёниб, "ҳув-ҳув" деб типирчилади.

— Қани, келавер!— дедим жазавам тутиб.— Кела қол!

Қизиқ, яқин келадиган мард йўқ!

Вой номардлар! Вой жўжахўрозлар! Ҳали сенларга хор бўлиб юрибманми!

— Ёлғон!— тилимга биринчи келган сўз шу бўлди.— Ёлғон! Гектаридан эллик центнер ҳосил олганимиз — ёлғон! Бултур уч юз эллик тонна пахта терганим — ёлғон! Олти минг сўм даромад қилганим — ёлғон!

Давра орасидан Райком бувани овози келди.

— Ўртоқ вакил! Илтимос, қулоқ солманг бунга. Бу бола — шизофреник!

— Сен ўзинг шизо... шизо...— у ёғига тилим келишмади. Баттар ҳайқирдим.— Ўзинг шунақасан! Ҳамманг ўғрисан! Ана, бизнинг ҳақимизни ўмарган ўғри!— оғзидан кўпик чи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қариб ётган Раисга имо қилдим.— Мана ўғрибоши, завод директори билан пул тақсимлайди!— Хумдек калласини саланглатиб ҳамон мен томонга юлқинаётган Жовлининг башарасига тупурдим.— Панжи уйланганига беш йилдан ошди! Ҳалиям қарзидан қутулгани йўқ! Маош ололмайди.

— Қўйинг, Қўшоқжон! Уят бўлади!— соқоли қиртишланган қайнотам яқин келган эди, ифлос нарсани кўргандек юзимни ўгирдим.

— Йўқол, қўшмачи!

Аллақаёқдан тақирбош Викторов пайдо бўлди.

— Ну, дурак!— деди ялтироқ бошини чайқаб.— Ай дурак, а? Куп гапирма, ахмак!

— Сен аҳмоқ! Сен порахўр!

— Милиция!— оломон орасидан Райком буванинг ҳокимона хитоби янгради.— Милиция борми ўзи бу хўжаликда!

— Мана сенга мелиса!— дедим хунук қилиқ қилиб.— Ҳамманг ўғрисан! Еган-ичганинг ҳаром! Топган-тутганинг ҳаром! Мана, от! Ўлдир! Жонимдан тўйиб кетдим!

...Кейин нима бўлгани эсимда йўқ...

* * *

Кўзимни очсам, деразасига темир панжара тутилган каталакдек хонада ётибман. Кўйлагим ёқавайрон. Шимим лой. Этигим ечиб олинган. Бир маҳал эшик очилиб захил юзли, бурнининг учи қизил, кўзлари ола-кула одам кўринди. Турқи совуқ бўлсаям кийинишни бопларкан. Эгнида оппоқ кўйлак, қирраси чиқариб дазмолланган кулранг шим, гард юқмаган қора туфли... Темир каравотдан туриб, аранг қаддимни ростладим. Негадир бошим сирқиллар, сув ичгим келарди.

— Салимов?— деди у чақчайиб.

— Шунақа шекилли,— дедим хотиржамлик билан. Энди бу ёғи менга барибир! Қўлидан келганини қилмайдими? Ажаб, дилим равшан эди. Ўлай агар, нимага шунақа бўлганини ўзим билмайман... Фақат, отам билан онамга ачинардим.

— Хў-ўш... Менинг фамилиям — Қаландаров! Терговчиман!— захил юзли киши дафтар-қалам олди. Хонада курси йўқлиги учунми, темир каравотга ўтиришга иргандими, турган жойида қўлидаги қоғозларни титкилади. Негадир кулди. Қизиқ, кулиши ғалати экан. Худди калтакесак чирқил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаганга ўхшаркан.— Ҳурматингиз зўр, Салимов! Сизни овора қилмаслик учун кабинетга чақирмай, шу ернинг ўзида сўроқ қилиб кўя қоламиз.— Тўсатдан унинг кўзлари олайиб, овози қатъий тус олди.— Салимов!— деди шиддат билан.— Сиз — жиноят кодексининг...— қип-қизил бурнининг учини бармоғи билан пайдар-пай силаб, аллақанча рақамларни айтди,— "в", "г", "д" пунктларига биноан жиноий жавобгарликка молик иш қилгансиз! Биринчидан, қонуний ЗАГСдан ўтган хотинингиз Наргис Қўшшаевани оғир оёқлилигини била туриб қорнига тепгансиз! Қасддан! Хотинингизни преждевременний дард тутиб қолган. Сиз жиноятни яшириш учун Қўшшаевани район роддомига мотоциклда олиб боргансиз! Роддом эшигига ташлаб қочгансиз. Яхшиямки, гражданка Қўшшаевани организми кучлилик қилган. Чақалоқ соғ-саломат туғилган,— терговчи сабзига ўхшаш қип-қизил бурнининг учини яна силаб қўйди. Турган жойида қоғоз титкилади.— Хў-ўш!— деди салмоқлаб.— Уч килою етти юз ўн етти грамм!

— Нима у?

Қаландаров ҳайрон бўлиб, юзимга қаради.

— Нима, "нима?"

— Уч килою етти юз ўн етти грамм нима?

— Нима эмас, ким?— Қаландаров ер тепиниб ҳайқирди.— Чақалоқни айтаман, галварс! Сенинг қизингни!

Хаholаб кулиб юбордим.

— Сўраб кўрдингизми, ўртоқ Қаландаров! Чақалоқ неча ойда туғилибди? Тўрт ойлик бола салкам тўрт кило бўладими?

Қаландаров кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Биринчидан, мен сенга ўртоқ Қаландаров эмас, гражданин терговчи Қаландаровман! Иккинчидан, саволни сен эмас, мен бераман! Хў-ўш... 31 октябрь куни кечқурун соат йигирма иккидан эллик тўққиз минут ўтганда гражданка Қўшшаевани уриб, роддомга ташлаб қочгансан. Орадан қирқ уч минут ўтгач, соат йигирма учдан қирқ икки минут ўтганида "Машъал" колхозининг раиси, вилоят советининг депутати, бир эмас, олтита ҳукумат нишони билан мукофотланган Тошмамат Алимовнинг уйига мотоцикл миниб, бостириб боргансан. Мотоцикл люлкасида қасддан олиб борган болтанг бўлган. Шу болта билан ҳурматли ўртоқ Алимовнинг меҳнатда эришган ютуқлари учун мукофот тарзида берилган 50—91 КФЛ номерли "ГАЗ—24 "Волга" машинасини уриб пачақлагансан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кейин этигингнинг қўнжидан тиғининг узунлиги 29 сантиметрли суяк сопли пичоқ чиқариб, ўртоқ Алимовни сўймоқчи бўлгансан. Болтани топдик. Машина тагида ётган экан. Пичоқ қани?

— Раиснинг қорнида! Ёриб кўрсангиз топасиз!— дедим хотиржамлик билан.

— Бас!— Қаландаровнинг бурни баттар қизариб кетди. Назаримда бўйни ҳам қизариб, оппоқ кўйлагининг ёқаси лоларанг тусга кирдиёв!— Ўттиз иккинчи октябрь, тфу, биринчи ноябрь куни нега Алимовни урдинг? Нега хизмат вазифасини бажариб турган раҳбарни тепдинг? Нега бўғдинг?

Билмадим, яна кулгим қистади.

— Раис ўлмадими ҳали?!— дедим илжайиб.— Мен унинг калласига кетмон билан урувдим-ку!

— Шунақами?— терговчининг захил юзи ёришди.— Ёзиб қўямиз.— Хў-ўш... Жиноятчи Салимов Тошмамат Алимовни кетмон билан бошига урган. Яхши! Яна? Ўртоқ Менглиевни-чи? Униям тепибсан-ку!

— Аниқ эсимда йўғ-у, чамамда, уни тепмадим. Чопдим. Кетмон билан бошини чопиб ташладим. Кетмон ўткир эди-да! Ўз кўзим билан кўрдим! Раис икковининг боши узилиб, сапчадек думалаб кетувди. Пайкалда иккала бош ҳалиям ёнма-ён ётган бўлиши керак, ўртоқ...

— Ўртоқ дема!— Қаландаров бир чақчайди-ю, ёзишда давом этди.— Яхши! Буниям делога тикиб қўямиз.— У кафтларини иштаҳа билан ишқалади.— Биласизми, Салимов!— деди мамнун жилмайиб, ҳатто овози ҳам мулойимлашиб кетди.— Шунча жиноят учун сизни камида ўн беш йил озодликдан маҳрум қилиш керак!

— Балки отарсиз?

— Энг олий жазони кўриш ҳам мумкин! Албатта, буёғини суд ҳал қилади. Муҳими шуки, жиноятчи айбини бўйнига...

"Бўйнига" дейиши билан сапчиб туриб бўйнига ёпишган эдим, қизил бурни кўкариб дод солди.

— Дежурний!

Навбатчи милиционер қуюндек учиб кириб, қўлимдан тутди. Терговчи ҳансираб нафас олганча чийиллади.

— Сенга олий жазони олиб бермасам, Қаландаров отимни бошқа қўяман. Старший терговчи билан начальникка бугун, ҳозир рапорт ёзаман!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Темир каравотга ўтириб, девор томонга қараб олдим. Қўлидан келганини қилсин!

— Мен шу ердаман! Нима гап?— деди кимдир эшик томонда.

— Ўртоқ старший терговчи!— Қаландаровнинг йиғламсираган товуши қулоғимга кирди.— Оғир жиноят устида КПЗга тушган Салимов допрос пайтида мени бўғиб ўлдирмоқчи бўлди. Мана! Бўйнимни кўриб қўйинг. Мана, бармоқ излари турибди. Рухсат этинг, экспертизага боришга!

— Йўқол!— старший терговчи шунақанги ҳайқирдики, каталак хона зинғиллаб кетди. Кейин жимлик чўкди. Хайрият, даф бўлишди!

— Қўшо...— бошим устида шунақанги таниш, шунақанги меҳрибон овоз эшитилдики, ўрнимдан туриб кетдим. Бурилиб қарасам, хона ўртасида Шодивой турибди. Қандоқ яхши! Энди мени қадрдон дўстим, йўғ-е, собиқ дўстим Шодивой, старший терговчи гражданин Алимов сўроқ қилади! Хоҳлаган муддатни бўйнимга илади. Зўр-да, ўлдирсаям, дўст ўлдирсин!

Энди жойимга ўтираётган эдим, Шодивой илдам келиб қўлтиғимдан кўтарди.

Вой жинни-ей! Терговчи деганиям жиноятчини қучоқлайдими ҳеч замонда!

Бир маҳал қарасам, кўзига ёш тўлиб турибди.

— Шоди?— елкасига туртдим.— Жиннимисан?!

У юзимга диққат билан термулди.

— Қўшо!— деди овози хириллаб.— Биламан, сенда гуноҳ йўқ.

Жаҳлим чиқиб кетди.

— Э, эсинг жойидами, Шоди! Айбсиз одамни бу ерга обкеладими? Отангни урганим — рост! Қорнига пичоқ санчганим рост! Ўлмай қолган экан, эртасига Жовли иккининг бошини кетмон билан чопиб ташлаганимам тўғри! Ўша кетмон шийпонда турибди. Биров илиб кетмасидан топтириб қўй. Хотинимнинг қорнига тепганим ҳам — рост. Бўлмаса, тўрт ойда туғармиди!

— Ўчир!— Шодивой шусиз ҳам варварак бўлиб кетган қўйлагимнинг ёқасига ёпишди.

— Қўйлакни йиртдинг, хумпар!— дедим бақириб.

— Қўшо! Қўшшаева билан гаплашдим. Сенга ҳеч қанақа даъвоси йўқ,— Шодивой кўзимга тикилди.— Айб — бошқаларда! Сен бегуноҳсан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қарасам, йиғлаб юборадиган! Тўғрисини айтсам, жўрамга раҳмим келди.

— Шоди-и!— дедим ялиниб.— Битта хўп де, жон ўртоқ! Мени қаматги-ин! Неча йил берсанг ҳам ғинг демайман.

— Ўчир!

— Шошма, мундай ўтиргин, жўра!— Шодивойнинг елкасини силаб, ёнимга ўтқаздим.— Ўзинг ўйлаб кўр. Сен ёш кадр бўлсанг. Беш йил бекорга ўқидингми? Қанча қийналдинг, тўғрими? Таътил пайтдаям қишлоққа келмадинг. Отанг сени ўқитаман деб шунча овора бўлди...

— Отам?!— Шодивой шу қадар алам билан инграб юбордики, ўзимнинг ҳам кўзимга ёш қуйилиб келди. Жўрам темир каравотда чўкканича юзини кафти билан тўсиб, узоқ ўтирди. Нима дейишни, нима қилишни билмасдим.

— Қўй, Шоди-и, хафа бўлма...— дедим секин.

— Отам...— Шодивой қўлларини туширди. Кўзида одамнинг юрагини эзиб юборадиган алам бор эди.— Қандоқ бош кўтариб юраман бу ерларда, жўра!— деди инграб.— Ким деган одам бўлдим?! Ўн битта неваралик одам ўн саккиз яшар қизни шу аҳволга солса! Ҳамма нарсани пул билан ўлчаса. Ҳаром-ҳариш йўллар билан обрў топса. Энамнинг кўзига қандоқ қарайман, дўстим. Опаларимнинг кўзига қандоқ қарайман!

— Бўлди, жўра, бўлди!— дедим елкасига қоқиб.— Ҳаммаси яхши бўлади.

— Биласанми, Қўшо!— жўрам бақириб юбормаслик учун титраб турган лабини тишлади.— Вилоят ички ишлар бошқармасида шу ишни менга топширишди. Сенинг ишингни! Отам билан райком атайлабдан вилоятга боришган. Менинг кўлим билан сендан қасос олишмоқчи. Тушундингми?

— Яхши бўпти!— дедим енгил тортиб.— Мени қаматсанг, қутуласан! Отангни урганим рост-ку!

— Аҳмоқ!— Шодивойнинг кўзида ваҳимали ўт порлади.— Мениям ўзингга ўхшаган тентак деяпсанми, аҳмоқ!

Сал ҳовридан туширмасам бўлмайдиган.

— Шоди-и,— дедим ялиниб.— Отанг сени беш йил не умидлар билан ўқитди, жўра...

— Овсар!— Шодивой аламли кулди.— Биламан, ўқитди. Ҳар сессияда совға-салом, пачка-пачка пул жўнатди. Айтсам, барибир ишонмайсан! Мен ўша пулларни қайтариб юборардим. Ўқишга пул билан кирганим етади. Энди бу ёғига...— у бир нуқтага тикилганча узоқ жимиб қолди. Маъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

юс кулимсиради.— Мен юристлар энг ҳалол одам дердим. Адлия сўзи — адолат сўзидан олинган дердим. Қадимги юнонларнинг Фемида деган хотин худоси бор. Адолат ўшандан қолган, деб ўқитишарди. Рост, домлаларимиз орасида ҳалол одамлар кўп эди. Аммо ҳар зачетга пул йиғиб оладиган аблаҳлар ҳам бор эди, Қўшо! Ишонасанми шунга!— у алам билан бош чайқади.— Аввал боши мен ўқимоқчи эмасдим. Сен қаерда бўлсанг, мен ҳам шу ерда бўлмоқчи эдим. Кейин ўша таъмагир домлаларни кўриб, охиригача ўқишга қасд қилдим. Шунинг учун таътил пайтлари қурилишда ишладим. Бу ёқларга қайтмоқчи эмасдим.

— Барибир келдинг-ку,— дедим бошқа гап тополмай.

Шодивой хўрсинди.

— Келдим эмас, юборишди.

— Бўпти-да, ишлайвер.

Жўрам лабининг бир бурчи билан илжайди.

— Осон экан-да! Ўз отангни сўроқ қилиш ўйинчоқ экан-да! Ўша алдам-қалдамларда отамнинг ҳам қўли бор-ку! Ҳаммасининг илдизи бир-ку.

Қаранг, бу ёғини ўйламаган эканман. Шодивой шу қадар маъюс ўтирардики, жўрамга юрагим туздек ачиб кетди.

— Қўй, жўра!— дедим бошини силаб.— Хафа бўлма. Мени қаматсанг...

— Яна гапиради-я!— Шодивой еб юборгудек важоҳатда чақчайди.

— Қулоқ солсанг-чи, аҳмоқ!— дедим жаҳлим чиқиб.— Мени қаматсанг, ҳаммаси жойига тушади.

— Ўзинг аҳмоқ!— Шодивойнинг ҳам жазаваси қўзиб кетди.— Эшакка ўхшаган бефаҳм. Қаматмайман!

— Қаматасан! Айбим бўйнимда-ку!

— Йўқ!

— Қаматасан!— алам устида темир каравотга муштлаган эдим, қўлим чунонам санчиб кетдики, вой-войлаб қолдим.

— Нима қилди, Қўшо?— жўрам қўлимни кафтлари орасига олиб, силай бошлади.— Ёмон тегдими? Икки қулоғинг билан эшитиб қўй, дўстим, сени қаматиб қўймайман!

— Шоди!— дедим ялиниб.— Жон жўра! Дўстлигимиз ҳақи! Мени қаматгин. Битта жўралик қилгин. Шунда ўзингга яхши бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўн тўққизинчи боб

ГАПНИНГ ИНДАЛЛОСИ ЁКИ ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ХАБАРЛАР

Энди ишондингизми, дўхтиржон! Мен жиноятчи эмасман, жинни ҳам эмасман. Раисга пичоқ ўқталганимдан тонмайман. Урганим ҳам рост. Шунинг учун Раисдан тортиб Жовлигача, Райком бувадан тортиб обком вакилигача мени жиноят курсисига ўтқазишга хўп уринишди. Уч ойгина қамашди ҳам. Шодивой бекорга беш йил ўқимаган экан. Шунақанги ғайрат билан ишга киришиб кетдики, мени жиноятчи деганларнинг ўзи думини қисиб қолди.

Наргис — мард хотин экан. Судда мени оқлаб чиқди. "Салимовнинг қилчаям айби йўқ", деди. Очиқдан-очиқ шунақа деди.

Шундан кейин ҳам мени тўрт ой жиннихонада сақлашди. Баъзи бировлар кўздан узоқроқда туришимни хоҳлаган-да!

Онамнинг айтишича, қайнонам Раиснинг хотини билан роса юлишибди. "Эринг қизимга алимент берсин", деб тўполон қипти. Раиснинг хотини "бобоси тенги эркакнинг тўшагида ётган ғар қизинг кучала еган жойига бориб қотсин", дебди. Шундан кейин ҳаммаси бир-бирининг тагини кавлашга тушиб кетибди. "Ферма тоға" Шайдул — кассирни айблабди. Шайдул — кассир бошбухни, бошбух Раисни, раис Жовлини, Жовли завод директорини, завод директори Райком бувани, Райком бува обком вакилини! Хуллас, ҳаммаёқ тўс-тўполон бўлиб кетибди! Раис ҳовлисидаги токнинг темир сўриси орасига пул тиққан экан, сув сизиб, аллақанчаси чириб кетганини кўриб афсусланибди. "Аслида салапан халтани беш-олти қават қилсам бўларкан", дебди.

"Ферма тоға"нинг пичан ғарамидан яна битта "Волга" чиқибди. Буниси оқ эмас, қаймоқранг эмиш. Шайдул — кассир ўз ҳиссасини пат-патнинг эски баллонига тиқиб, чордоққа ташлаб қўйган экан. Пулни топиб олишганида иккита хотини билан қўшилишиб роса йиғлабди.

Ҳаммадан ҳам Жовли ғалати йўлини топган экан. Бор бисотини темир идишга жойлаб, ҳожатхонага ташлаб қўйган жойидан суғуриб чиқаришибди. Ҳайронман, бунақа жойда ётган нарсани нимага ишлатмоқчи бўлганийкин? Сасиб-бижиб, ҳаром бўлиб кетмайдими?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тақирбош Викторов — қув экан. Текшир-текшир бошланганида Шодивойга ариза кўтариб кепти. Раисдан тортиб Райком бувагача, обком вакилигача, ҳаммасининг сирини айтиб берибди. Шодивой, "ўзингиз шу ишларга аралашмаганмисиз?" деса, "мен кристалний, чистий коммунистман", деб туриб олибди. Эртасига Викторовнинг ҳовлисидаги чўчқахонадан саксон минг пул, яна алдақанча олтин-жавоҳирлар чиқибди. Текширувчилар "бу нима" дейишса, Викторов елка қисибди. "Дунёда чўчқадек аҳмоқ жонивор йўқ, кўчада учраган нарсани ташмалаб келаверади-да", деб тураверибди. "Беш метр чуқурни кавлаб, хазинани кўмган ҳам чўчқами", дейишса, индамай кулиб турганмиш.

Ўша — отинг ўчгур жиннихонада ётганимда жонимга яна Шодивой ора кирди. Катта профессорни чақириб, мени текширтириб кўрди. Хайрият, руҳий касал эмас эканман.

Уйга келсам... Уйга келсам, отам қазо қилганига қирқ кун бўлган экан. Шу гапни эшитдиму тўсатдан йиқилиб тушдим. Ҳушимга келиб, ойнага қарасам, ўнг юзим оқиб тушган нондек чўзилиб кетибди. Бир кўзим катта, биттаси кичик... Сизнинг нервологический баннисангизга қандоқ қилиб келганим ҳам эсимда йўқ.

Раҳмат сизга, дўхтиржон! Яхши даволадингиз. Мана, кўзим ҳам жойига келиб қолди. Аввал ғўлдираб гапирардим. Шукр, тилим ҳам бийрон... Фақат, биласизми, дўхтиржон... Баъзан кечалари уйқум ўчиб кетади. Отам нега ўлди? Наргис нега бахтсиз бўлди? Бегуноҳ бир қизалоқ нега туғилмасидан тавқи-лаънат олди? Биласизми... Айниқса Шодивойга ачинаман...

Икки ҳафта олдин Шодивой мени кўргани келди. Қиличдек жўрам нинадек бўп қопти. Рангида ранг йўқ. Катта тергов бошланганда раҳбарлардан илтимос қипти. "Мени шу ишдан озод қилинглар, ўз отамни қандоқ сўроқ қиламан?" дебди. Тўғри-да! У ёқда онаси, бу ёқда опалари "ўз отангдан айб излагандан кўра ўлганинг яхшимасми?" деб турса. Бошлиқлари жўрамнинг аҳволини тўғри тушунибди. Ишни бошқа терговчига олиб беришибди. Шунда Раис Шодивойга, "Янги терговчига шипшитиб қўй, шу ишни босди-босди қилиб юборса, эллик минг мендан, эллик минг Жовлидан, қирқ минг фермадан, ўттиз минг Шайдул — кассирдан, Райком бува билан обком вакили икки ҳиссадан беради, хоҳласанг бир ўзинг ол, хоҳласанг, бўлишиб оласанлар", дебди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ишонасизми, дўхтиржон! Жўрам менга шу гапни айта туриб, юраги ёмон бўлиб қолди.

Шунақа, дўхтиржон! Айниқса жўрамга жабр бўлди. Чарчадингиз-а, дўхтиржон! Майли, дам олинг. Энди... Битта илтимос бор. Сестраларингизга айтсангиз: тузалиб қолдим. Чап думбамга нина санчавериб, илматешик қилиб юборди. Нима? Ўнг томонга нина ўтмайди-да, дўхтиржон! "Қаллиқ ўйин"га бориб ўнг томондан айрилганмиз. Қоқ ярмиси Рекжоннинг оғзида қолиб кетган. Қолганиям — этикнинг тагчарми! Сестранинг нинаси синиб қолади. Хўп денг, бошқа укол қилмасин, дўхтиржон! Кеча Шодивой яна келиб кетди. Менга тезроқ жавоб беринг. Хўпми? Шундоқ қилинг, дўхтиржон! Ишни соғиниб қолдим. Далани, пахтазорни қўмсаяпман. Терлаб-пишиб ишлагим келяпти. Бўптими, дўхтиржон! Раҳмат! Қўлни ташланг...

1986

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲИКОЯЛАР



МУҲАББАТ

I

Узоқ, энтикиб ўпишдилар. Қизнинг соч толалари Тиркашнинг юзига тегиб турар, алланечук нотаниш, аммо тотли ис анқир, унинг бутун вужуди таранг тортилиб, оёқлари титрар, қизнинг ҳам елкалари билинар-билинмас силкинаётганини ҳис қилиб турарди. Тўсатдан қиз силтаниб қаддини ростлади-ю, зарб билан итариб юборди уни.

Тиркаш лайлак қилиб қўйилган аравага суяниб қолди. У ҳамон ўзига келолмас, аллақандай ички бир тўлқин борган сайин қаттиқроқ жўш урарди.

— Дадам сўйиб ташлайди,— деди қиз тўзиб кетган сочларини кафти билан текисларкан. Аммо дадасидан ҳеч қачон ҳайиқмаганлиги, бундан кейин ҳам ҳайиқмаслиги унинг овозидан билиниб турарди.

Тиркаш аравадан уч-тўрт қадам нарида, майсалар устига ташлаб қўйилган бир парча намат устида ухлаб ётган чолга қаради. Чол ола-була хуржунга бошини ташлаб, оёқларини керганича, чалқанча ётар, қоронғида юзи аниқ кўринмасди. Ундан ҳам нарироқда бир туп дўлананинг тўкилган хазонини шитирлатиб, шарпадай қоп-қора эшак ўтлаб юрарди.

Тиркаш қаддини ростлаб, қизга тикилиб қолди. Унинг катта-катта кўзлари ёниб турар, узун-узун киприклари, қирра бурни қоронғида яхлаям жозибали кўринар, Тиркаш ҳали ҳам ҳаяжонини босиб ололмас эди. Икковлари анчагача жимиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолишди. Арслонбоб тоғининг чўққиси ёниб кетди. Зум ўтмай дум-думалоқ тўлин ой чиқди. Чор атрофга нур аралаш сукунат сели қуйилгандай, ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Япроқлари тўкила бошлаган дўлана соядай қорайиб кўринар, ҳавода хазон, ғўзапоя иси анқирди.

Қиз сочини қайтадан ўриб, орқасига ташлади. Тиркашнинг ёнига келди-да, ниҳолдай нозик гавдасини эгиб, арава ичидан пахталик нимча олиб кийди. Тиркашга бир қараб қўйди-ю, оёқларини осилтириб, аравага ўтириб олди. У энди ҳамма нарсани унутгандай, Тиркашни кўрмаётгандай эди. Бошини баланд кўтариб, ойга тикилиб ўтирар, чеҳрасида бепарволик кўриниб турарди. Бояги тўлқин яна жўш уриб кетди. Тиркаш нима қилаётганини ўзи ҳам сезмай, тиз чўкиб, қизнинг оёқларидан маҳкам қучоқлаб олди.

— Дилор, кетма. Илтимос қиламан, ялинаман...— У қизнинг тиззасига бош қўйди. Негадир шу топда қизнинг қўллари сочини силашини кутар, орзу қиларди. Дилор эгилиб унинг елкасидан итарди.

— Кет бу ердан!

— Тушунсанг-чи, ахир, қаёққа борасан?! Нимага борасан?— Тиркаш қизнинг оёқларини маҳкамроқ қисиб илтижо билан бош чайқади.— Йўқ дема, Дилор. Иккаламиз бирга ишлаймиз. Сен нимани хоҳласанг...

— Кет, мен ухлайман!— Дилор тағин унинг елкасидан итариб юборди.

Тиркаш қизнинг чимирилган қошларига, қатъият билан қимтилган лабларига қараб, энди гапириш ортиқча эканини тушунди. Аста қаддини ростлаб, бошини қуйи солди. Ўзига ҳам эриш туюлган паст, ўкинч овозда пичирлади:

— Кетиб қолманглар, тонготарда келаман.

Шартта бурилди-да, тасмадай оқариб ётган тупроқ кўчадан соясини босиб, чопиб кетди. Ой коптокдай сакраб-сакраб унга эргашиб келаётгандек бўлар, қишлоқ томондан итларнинг акиллагани эшитилар, сой шовуллар эди. Қир устига чиққанида олд томондан қишлоқ чироқлари кўринди. У тўхтаб қолди. Орқасига бурилиб қаради. Пастликда, йўл ёқасидаги ўша бир туп дўлана қорайиб кўринар, Дилор ҳам, отаси ҳам дарахт кўланкаси тагида қолиб кетганди.

Тиркаш тез юрганидан нафаси қисиб, терлаб кетганини энди сезди. Кўйлагини ечиб елкасига ташлади-да, тағин қишлоқ томонга қаради. Катта йўлдан нур занжири билан боғланиб қолгандай қатор-қатор машиналар ўтиб борарди. "Пунктга пахта олиб кетишяпти", деб ўйлади у. Бирдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўнгли чўкди. "Йўқ!— деди у пичирлаб.— Ҳеч қаёққа бормайман. Бормайман! Уйга ҳам, Дилорнинг олдига ҳам. Ҳеч нима керакмас менга, ҳеч нима!"

У кўйлагини ерга ташлаб, қуриб, сарғайиб қолган кўкатлар устига ўтирди.

"Нима бўляпти ўзи? Қаёқданам шу қизни учратдим?! Наҳотки энди ҳамма нарсадан — уйим, қишлоғим, отамдан айрилсам? Наҳотки энди Тентаксойдан бир умр бошимни олиб кетсам? Нима бўляпти ўзи?"

У диққат билан қулоқ сола бошлади. Бу сафар сойнинг шовуллаши аниқ эшитилди. Кейин хўрозлар чўзиб-чўзиб қичқира бошлади. Эҳтимол, уларнинг ҳовлисидаги тоздор хўроз ҳам қўноқда туриб бўйнини чўзганча жўр бўлаётгандир. Эҳтимол, Қосим ота хирмондан қайтиб, унинг келишини кутиб, супада нос чекиб мудраб ўтиргандир.

Тиркашнинг хаёлида Қосим отанинг оппоқ қоши остидан ўйчанлик, мулойимлик билан боқиб турган кўзлари, сўлғинроқ, аммо нуроний юзи, чўққи соқоли жонланди. Шу кўзларнинг нурини олган Тиркашнинг ўзи эмасмикин? Шу соч-соқолга қиров қўндирган Тиркашнинг ўзи эмасмикин! Ахир уни одам қилган, ота ўрнида ота бўлган киши шу эмасмиди?.. Тиркашдан бошқа суянчиғи борми унинг...

Кошки эди, Тентаксойга ўша эски арава кириб келмаган бўлса... Кошки эди, Тиркаш шу аравада келаётган лўли қизни — Дилорни кўрмаган бўлса...

Тиркаш бирданига ўрнидан сакраб турғиси, қишлоқ томонга югуриб кетгиси келди. Лекин қачонлардир гўдаклик хотирасига маҳкам ўрнашиб қолган, унутилаёзган соғинч бир туйғу устун келди-ю, чалқанча ётиб олди. Ой ҳаволаб кетган, қатлам-қатлам куз булутлари оҳиста сузиб ўтар, намхуш тупроқ иси анқир эди.

II

Бу воқеага анча йил бўлиб кетган. Анча йиллар...

Тиркаш эсини танибдики, шу тупроқ вояга етказди уни. Дунёга қайси куни келганини, отаси ким, онаси ким эканини ҳалиям билмайди. Тўрт-беш ёшида одам ажратадиган бўлиб қолганида лўлилар чодирида кўрди ўзини. Ота-онаси аллақачон кўз юмиб кетганини шулардан эшитди. Ҳаммага эргашиб юргани учун Тиркаш деб чақиришаркан уни. Улар Тиркашни қўлма-қўл кўтариб катта қилишибди... Тиркаш ҳам шу лўлилардан биттаси эди. Ярим кечагача чилдирма

www.ziyouz.com kutubxonasi

чалиб, базм қилишни, қизил кўйлагининг этагини ҳилпиратиб рақс тушишни ҳеч нимага алишмайдиган хотинларнинг ҳаммаси унинг онаси эди. Гулхан атрофида давра қуриб ўтирган лўлиларнинг ҳаммаси ота эди унга.

Ҳазин қўшиқлар оғушида мудраган оқшомлар, ой нурига ғарқ бўлган осмон... Тиркаш дунёга келиб энг аввал шуларни кўрганди. Кун ботар-ботмас уларнинг элати кўкаламзор бир ерга чодир тикар, Тиркаш кўкатлар устига чалқанча тушиб оларди-да, чилдирманинг гумбирлашига, қувноқ қаҳқаҳаларга қулоқ солиб ётар, гулхан атрофида лип-лип айланаётган соялардан кўзи тиниб ухлаб қоларди.

Эрта тонгда одамларнинг ғовур-ғувури, эшакларнинг ҳанграшидан уйғониб кетарди. Шудрингдан ҳўл бўлиб кетган жингалак сочларини силаб ўрнидан турар, увишиб қолган қўлларини уқалаб-уқалаб қўярди.

Яна ўша узун-узун йўллар бошланарди. Дунёда йўлларнинг нега шунчалик кўплигига унинг ақли етмас, лўлилар элати бўлса бир зум ҳам тўхтамас, қаёққа кетишаётганини ҳеч ким билмасди.

Тиркашнинг сўнгсиз-ниҳоясиз йўллари Тентаксойда тўхтади. Баҳор оқшомларидан бирида лўлилар элати шундоққина сойнинг бўйига, тошлоқ соҳилга чодир тикди. Тентаксой сон-саноқсиз оролчалар ҳосил қилиб ҳайқирар, осмони фалакка марварид сочарди.

Тиркаш ўшанда етти-саккизларга бориб қолган, тишлари бир марта тўкилиб чиққан эди. Кун бўйи йўл юраверибми чарчаганиданми, ҳаммадан олдин ухлаб қолибди.

Тонготарга яқин энтикиб уйғониб кетди. Уйғонди-ю, тўлқинлар кетма-кет урилиб, сув қаърига тортиб кетаётганини билиб чинқириб юборди. Аммо овозини ўзи ҳам эшитолмади. Оғзига сув тўлиб ўқчий бошлади. Сой даҳшатли гулдуросдан титрар, еру кўк қоп-қора тўлқинларга кўмилган эди. Тиркаш сувдан қалқиб чиқиб, қоп-қора осмонни сўнгги марта кўрди-ю, типирчилаб чўкиб кетди.

У кўзини очганида бошига эгилиб турган нотаниш кишини кўрди. Элатида бундай одам йўқ эди. Бошига кўк духоба дўппи кийиб олибди. Юзлари қизариб кетган, оқ оралаган мўйлови ҳўл бўлиб, чўққи соқолига ёпишиб қолибди. У жиққа сув кўйлагининг этагини қайириб, Тиркашнинг пешанасини артди.

— Отинг нима, ўғлим?

Тиркаш ўзини шу одам сувдан олиб чиққанини энди тушунди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Кетаман!

У ўрнидан турмоқчи бўлган эди, мажоли келмади. Нотаниш киши унинг устига кўрпа ташлади.

— Элатларинг кетиб қолишди. Сени аллақачон ўлдига чиқаришган бўлса керак.— Нотаниш киши чуқур хўрсинди.— Сел ёмон қутурди-да! Тентаксой шунақа ўзи. Ҳар баҳорда жиловини йўқотиб қўяди.

Туркаш бегона уйнинг гулдор қоғоз ёпиштирилган шифтига тикилиб ёта-ёта кўзлари илинди.

...Бу воқеага анча йил бўлиб кетган... Анча йиллар...

Агар уч кун аввал қишлоққа яна битта лўли арава кириб келмаганида, агар Дилорни кўрмаганида, қиз кетаман деб туриб олмаганида, ўша дамларни эслаб ўтирармиди у?

III

Қуёш уфққа лаб босди. Кичкинагина шалақ арава тупроқ йўлдан имиллаб борар эди. Қора эшак чиллақдай ингичка оёқлари билан тупроқ чангитиб, аравани судраб борар, ғилдираклар нола чеккан каби ҳазин ғийқилларди.

Аравада ўтирган чолнинг ингичка, буришиқ бўйнидаги чуқурчаси, оқ оралаган сочи Туркашга кўриниб турарди. Дилорнинг отаси ҳеч қаёққа шошилмаётганини шама қилгандай эшакни қистамас, бошини ташлаб, мудраб борарди. Эрталабдан бери чол Туркашга бир оғиз ҳам гапирмади. Фақат ахён-ахёнда милки қизариб кетган кўзлари билан унга синчиклаб қараб қўяр, яна индамасдан тескари қараб оларди.

Араванинг кетида Туркаш билан ёнма-ён келаётган Дилор унга қараб жилмайиб қўяр, аллақаёқдан синдириб олган тол хивичи билан йўл четидаги гиёҳларни савалаб борарди. Унинг шапалоқ гулли қизил кўйлаги шафақда ловиллар, ўзи ҳам ўт бўлиб ёниб кетаётгандай кўринарди. Туркаш шу топда қизнинг нима ўйлаётганини билолмас, аммо бир кўзини сал қисиб, истеҳзоли, жозибали жилмайишидан ўзининг гўзаллигидан, йигитни эргаштириб келаётганидан мамнун эканлигини кўриб турарди.

Қуёш ер ортига юмалаб кетди. Оқшом шамоли уфқда ёниб турган шафақ алангасини пуфлаб ўчирди. Ҳамон ғилдираклар нола чекар, шалақ арава тепаликка чиқиб борарди.

Туркаш қишлоқдан чиқиб кетаётганида ҳозиргидек кўнгли ғаш бўлишини ўйламаганди. У Қосим отанинг кўзига кўринишдан қўрққан, Тентаксойдан чиқиб олгунча таниш шофёрларнинг учраб қолишидан юрак ҳовучлаб тур-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганди. Йўқ, ҳеч ким учрамади... У Дилорни энди ўзиники деб ўйлар, шу қиз учун дунёнинг нариги чеккасигача боришга ҳам тайёр эди. Лекин қишлоқдан узоқлашган сайин унинг қадами секинлашар, ўзи қилаётган гуноҳини энди тушунаётгандай бўларди. Гўё кимдир кўзга кўринмас нозик, жуда нозик иплар билан уни Тентаксойга боғлаб қўйгану, бу иплар борган сайин таранг тортилар, яна бир қадам юрса, узилиб кетаётгандай бўларди.

Шалақ арава тепалик устига чиққанда тўхтади. Тиркаш тағин бурилиб орқага қаради. Пастда қишлоқни тасмадай ўраб олган сой ялтиллаб кўринар, аммо уйлар кўзга ташланмас, қуюқ дарахтзор устига оқшом шарпаси қўнганди. Узоқда — катта йўл устида қуюқ чанг кўринди.

— Пода қайтяпти,— пичирлади у. Бирдан кўз ўнги қоронғилашиб, хотиралар қуюнидан боши айланиб кетди.

Бир вақтлар ўзи ҳам каттакон тарғил сигирни тонг-саҳарда подага қўшиб юборар, кечқурун сигирнинг ўзи эшикдан маъраб кириб келарди. Сигирни қўшни келин соғиб берар, Қосим отанинг кампири ўлиб кетган, сўққабош эди. Чолнинг ўзидан бошқа овунчоғи йўқлигини, унинг умиди ёлғиз Тиркашдан эканини эндигина тушунди у.

Ўша, сувдан олиб чиққан йилиёқ Қосим ота унга папка, "Алифбе" олиб берган, Тиркаш мактабга қатнай бошлаган эди. Тонг-саҳарлаб шудринг қўнган далалардан мактабга югурганлари, ёзлари колхоз боғида болалар билан узум узишгани, бултур ўнинчини битирганида мактабда ўтказилган кеча унинг хаёлида жонланди-ю, юраги гупиллаб уриб кетди.

Тиркаш куз кечалари хирмонда ишлашни яхши кўрарди. У баланд хирмон устига чиқиб, чалқанча ётиб олар, назарида осмон борган сайин пастлашиб тушаётгандай бўлар, пахтанинг елкаларига илиққина, юмшоққина ботиши ҳам, салқин шамолдан жунжикиб, сесканиб кетиши ҳам — ҳаммаҳаммаси жуда лаззатли эди.

У роҳат қилиб ётганида пастдан машинанинг бўғиқ овози эшитилар, кабина эшиги тарақлаб очиларди.

— Ухлаб қолдингми, ҳой лўли!

Тиркаш шофёрларнинг қўполлигига парво қилмас, ўзини шу қишлоқнинг бир ўзбеги, бир фарзанди ҳисобларди. У хирмон устидан сакраб тушарди-да, кузовга паншаха билан пахта ортарди...

Кейин тракторчига шогирд тушди. У плуг омочларини тўғрилаб борар, палахса-палахса бўлиб кўчаётган тупроқ иси, бензин ҳиди маст қилиб қўйгандай боши айланиб кетар, мо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

торнинг гувиллаши ҳам, трактор атрофида парвонадай айланаётган қора қарғаларнинг қағиллаши ҳам гаштли туюларди унга.

Йигит ўша тупроқ исини, баҳор қўнғироғидан уйғонган ернинг илиқ нафасини, Тентаксойнинг тишни қамаштириб юборувчи муздай сувларини ҳеч қачон, ҳеч нимага алишмаслигини, алиша олмаслигини энди тушунди. Тушунди-ю, тишлари ғижирлаб кетди.

...Тиркаш елкасига келиб тушган хивич зарбидан сесканиб кетди.

— Юрмайсанми?

Дилор бир қўлини биқинига тираб, бир қўлида хивич ўйнатиб жилмайиб турарди. Атроф қоронғилашиб қолган, шалақ арава аллақачон пастга тушиб кетганди.

Дилорнинг ҳукмрон жилмайиб туриши ҳам, ўтдай ёниқ кўзлари, қирра бурни ҳам биринчи марта хунук кўриниб кетди унга.

— Туртмасдан гапир! — деди у бўғилиб. Ғазабдан юзлари ловиллаб кетганини ўзи ҳам сезиб турарди.

— Бечора ошиқ!— Дилор бирдан қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Суқунат чўккан адирлар устидан оқшом шарпасидай сирли, бўғиқ акс садо келди.

Тиркаш бир силтаниб қизнинг хивичини тортиб олдида, майда-майда қилиб ерга отди. Дилор ҳеч нима бўлмагандай ҳамон жилмайиб турарди.

— Қишлоққа қайтамиз!— Тиркаш жуда муҳим, азиз бир нарсани тушунтирмоқчи бўлгандай, қизнинг елкаларидан ушлаб ўтинч билан силай бошлади.— Илтимос, Дилор, йўқ демагин! Кетишимиздан нима фойда, қаёққа борамиз? Жон Дилор, хўп дегин,— у бирдан қизни бағрига босиб шивирлай бошлади:— Тентаксойга қайтамиз. У ерда менинг отам, ўртоқларим, тракторим бор, биласанми,— у негадир бўғилиб кетди. Томоғига тиқилиб қолган илиқ бир нарсани ютиб аранг шивирлади,— биласанми, Дилор, у ерда менинг... менинг ватаним бор.— Қизнинг соч толалари яна юзига тегиб кетди. Яна ўша, қишини маст қилиб юборувчи майин ис гуркираги.— Дилор, хўп дегин, битта хўп дегин...

Қиз силтаниб чекинди. Энди у жилмаймас, кўзлари ўт бўлиб ёнарди.

— Ҳеч ким сени бошлаб келаётгани йўқ. Ўзинг келяпсан,— у бирдан чинқириб юборди.— Сен лўли эмассан, анқовсан!— кейин кўзлари қисилиб киноя билан овозини пасайтирди.— Ким қўйибди сенга дуч келган қизга эргашиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

юришни? Бор, қишлоғингга боравер! Сен билан ишим йўқ. Мен билан ҳам ишинг бўлмасин!

Дилор тупроқ йўлдан пастга қараб чопиб кетди. Тиркаш унинг шамолда ҳилпираб узоқлашиб бораётган кўйлагини кўриб турар, аммо нима бўлаётганига ҳали ҳам тушунолмасди. У бир нафас иккиланиб турди-да, қизнинг кетидан югурди. Тепанинг ярмига борганда, ҳаллослаб етиб олиб, қўлидан тортди.

— Дилор!

— Қоч!— қизнинг кўзлари нафрат билан ёниб турарди.

— Кетма, Дилор!

— Қоч, лайча!

Бирдан Тиркашнинг вужуди музлаб қолди. Бояги қайноқ ҳислар ўрнини аллақандай ёввойи куч эгаллади-ю, тарсакилаб юборди уни.

— Йўқол!— деди хириллаб,— йўқол!

У Дилорнинг кафти билан юзини ушлаб қолганини кўрди. Кейин кескин бурилди-да, қишлоқ йўлини мўлжаллаб чопиб кетди. Бир марта ҳам орқасига қарамади.

Арслонбоб чўққисидан қип-қизариб ой чиқиб келар, тупроқ йўл оқариб кўринар, Тиркашнинг соясигача қалтирарди.

IV

Қиш эрта тушди. Ҳали ғўзапоялар йиғиштириб олинмасдан туриб қор ёғди. Эртасига ҳаво чарақлаб очилиб кетди.

Тиркаш қор кўрпасига бурканиб эндигина уйқуга кетган ерни чўчитиб трактор ҳайдар, қор босган далалар офтоб нурида кўзни қамаштириб ярқирар, яккам-дуккам ғўзапоялар тақдиридан нолигандай шумшайиб турарди. Трактор ҳали яхламаган далада енгилгина сузиб, музёрар кемадай орқасидан қоп-қора из қолдириб борарди.

У тушликка чиқиш учун моторни ўчириб, кабинадан сакраб тушди-ю, пайкал бошидаги тутзор ёнида турган қизни кўриб қолди. Боя, моторга сув қуяётганида ҳам кўргандай бўлганди. Қиз сариқ пахталик кийиб, бошига кўк рўмол ўраб олганди. Унинг бир қўлини биқинига тираб туриши таниш-дай кўринди йигитга.

"Ўткинчилардан бўлса керак". Тиркаш шийпон томонга бурилиб кетаётган эди, қиз қўл силтаб имо қилди.

Тиркаш кирза этиклари билан қор кечиб, беш-ўн қадам юрди-ю, қизни таниб қолиб, югуриб кетди. Юраги яна ўша соғинч ҳислар билан жўш урар, этикнинг сирғанишига ҳам,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ғўзапояларга қоқилишига ҳам парво қилмасди. "Дилор, Дилор!"— дерди у пичирлаб. Негадир қувончдан энтикар, нимага қувонаётганини ўзи ҳам билмасди.

У нафаси тиқилиб югуриб келди-ю, Дилорнинг нозик, аммо чайир қўлларини кафтига олди.

"Қўли музлаб кетибди",— деб ўйлади қизнинг юзига тикиларкан. Дилорнинг ранги сўлғинлашган, кўзлари чўккан, аммо ҳамон жозибали табассум билан жилмайиб турарди. У исиб кетгандай пахмоқ рўмолининг тугунини ечаркан, тирсаги билан Тиркашнинг кўкрагига туртди.

— Ҳайдаб юбормайсанми?

— Қачон келдинг?

— Эрталаб.

— Бутунлайми?

— Бутунлай!— деди Дилор бепарво. Тиркаш қизнинг кўзларига бир қаради-ю, шу бир оғиз сўзга ишониш мумкинлигига тушунди.

— Жинни!— деди у кулиб.

Қизнинг елкасига оҳиста қўл ташлади-да, қор босган дала йўлидан қишлоққа — ўз ҳаётига бошлаб кетди.

1964

ЯНГА

Акмал қўнғироқ тугмасини босиши билан ичкаридан овоз эшитилди:

— Ана, Акмалхон келдилар.

"Келинойим", деб ўйлади у янгасини овозидан таниб.

Янгаси негадир унинг номига "хон" қўшиб гапирарди.

Акмал янгаси келганидан қувонди. Ҳар сафар уни кўрса онасини кўргандек бўларди.

Эшикни янгасининг ўзи очди. Акмалнинг елкасидан қучоқлаб кўришди. У яшил жемпер кийган, штапель дурра ўраб олган, қорача, озғин юзида ийманувчан табассум бор эди. Акмал унинг қўлидаги оддий хўжалик сумкасини кўриб, кетишга ҳозирланаётганини пайқади.

— Нега отланиб олдингиз?— деди астойдил ранжиб.

— Болалар ёлғиз,— деди янгаси туфлисини кияркан.— Қоронғи тушмасдан бора қолай.

— Акам бор-ку,— деди Акмал ҳамон унинг кетишини хоҳламай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Янгаси яна ийманган қиёфада жилмайди:

— Чойхонага чиқадилар, биласиз-ку.

Ёнбош томондаги ошхонадан парча гулли халат кийган, олдига клеёнка фартук тутган Клара чиқди.

— Овқатга туринг десам, кўнмаяптилар,— деди у гоҳ эрига, гоҳ овсинига қараб.

— Майли, ўзинглар боринглар,— янгаси эшик тутқичидан оҳиста тутиб, ташқари чиқди.

Акмал уни зинадан кузатиб қайтиб кирганида ошхонада жаз-буз эшитилар, уйни пиёздоғ ҳиди тутиб кетган эди.

— Келинойим қачон келувди?— сўради у гўшт қовураётган хотинидан.

Клара ачишган кўзини кафтининг орқаси билан артиб, унга юзланди.

— Яқинда.

— Бирон юмуши бор эканми?

— Нима юмуши бўларди, пул сўрайди-да...

Акмал хотинининг овозидаги пичингни пайқаб, кўнгли ранжиди.

— Неча марта пул сўради сиздан?— деди зарда билан.

Клара капгирни тарақлатиб столга ташлади.

— Сўрамаса, энди сўрайди. Бир марта берсангиз, келаверади. Нима, бизнинг пул заводимиз борми?!

Клара оиласида ёлғиз қизлиги учунми, келин бўлиб тушгандаёқ овсинини хуш кўрмаган эди. Секция олиб бу ёққа кўчиб келишгунча анча майда-чуйда гаплар ўтган, уларнинг кўпига хотини сабабчи бўлганини Акмал биларди, аммо индамаган эди. Ҳозир ғаши келди.

— Бизнинг пулимизга зор қақшаб қолган жойи йўқдир,— деди овози бўғилиб.— Муҳтож бўлгандир, бирон нарсага керак бўлиб қолгандирки, сўрагандир.

— Нега муҳтож бўлсин?! Эри ишлайди, ўзи ишлайди. Режаси билан ишлатсин!— Клара гап тамом, дегандек, индамай бурилиб қозонини кавлашга тушди.

Акмал хотинининг халат остидан тирсиллаб турган бўлиқ елкаларига, капгирни чаққон айлантираётган тилла узукли қўлига бирпас қараб турди-да, бурилиб, хонага кириб кетди. Ҳали уйга кирганида янгаси нимагадир ийманиб жилмайиб турганини, нима учун шошилиб кетиб қолганини энди тушунди. Хотинининг мих қоққандек қарсиллатиб муомала қилишидан, ўзи бўлса жиловини шунчалик бериб қўйганидан ғаши келди. "Бўйнини эгиб пул сўраб келиш осонми? Қиш келяпти. Болалардан бирontасига қишлик кийим ол-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқчидир. Топгани етмаётгандир. Бунинг устига акамнинг ичиши бор...” У диванга чалқанча ётганча шуларни ўйлар, ўйлаган сайин кўнгли ғаш бўлар эди.

Ўртадаги эшик очилди. Акмал хотини ўзига қараб турганини пайқаб, индамай ётаверди.

— Яна қанча ётасиз,— деди Клара тағин ўша ўйиб олувчи оҳангда.— Лолани ким олиб келади?

— Билмайман,— деди Акмал каравот тепасига илинган арабий гилам гулларини томоша қилган бўлиб.— Боғчага ҳар куни мен боришим шарт эмас.

— Бўлмаса, овқатни қилинг!

Акмал гилам томонга бутунлай ўгирилиб олди.

— Масалан, мен овқат емайман,— деди совуққонлик билан.

— Қаранг-а, мен сизнинг тўйиб келишингизни билмабман.— Клара эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди. Зум ўтмай эшикнинг калити шиқирлади.

Акмал ўша алфозда ётганича хотинини ҳам, қизини ҳам эмас, негадир янгасини ўйларди.

Адҳам акаси уйланганда Акмал учинчи курсга ўтган эди. Механика-математика факультетида фанлар оғир бўлгани учунми, ё ўзининг қобилияти сустроқмиди, хуллас, стипендияга илинмади. Онаси мактабда йигирма беш йил фаррошлик қилиб, пенсияга чиққан, унинг нафақаси Акмалнинг жонига ора кириб турарди.

Янгаси келин бўлиб тушганида ҳам қоп-қора, озғин қиз эди. Акмал ўзидан нари борса икки ёш катта бу қизга аввалига унчалик кўниколмай юрди. Негадир ундан ўзини олиб қочар, янгаси пайпоғиними, майкасиними юваётганини кўриб қолса, ийманар, онасига “ўзингиз ювмабсиз-да”, дерди. Аммо онасининг кун сайин нари кетаётганини, оёқ-қўллари шишиб, ётиб қолганини Акмал биларди. У ҳар куни ўқишга кетаётганида онаси ётган хонага кириб, ундан аҳвол сўраб ўтарди. Шунақа пайтларда ҳар доим онасининг тепасида янгаси ўтирганини кўрарди.

Худди шунақа эрта куз кунларидан бирида у ўқишдан қайтганида, эшик тагида тўпланиб турган одамларни кўриб ҳаммасига тушунди. У қачондир шу ҳодиса рўй бериши муқаррар эканини биларди. Аммо назарида бу нарса ҳеч кутилмаганда рўй бергандек, аллақандай адолатсизлик бўлгандек туюлди. У бир ҳовли хотинлар орасидан ўтиб, онаси ётган хонага отилиб кирди. Қизиқ, ўшанда у йиғламади. Йиғлай олмади. Фақат тонг-саҳарда ўқишга кетаётганида

www.ziyouz.com kutubxonasi

онасининг қилган дуосини эслади: "Тупроқ олсанг, олтин бўлсин, болам. Умринг узоқ бўлсин..."

Ўша кундан бошлаб Акмал энг катта таянчи йўқолганини тушунди. Энди унинг ҳаёти чалкашиб кетгандек, алланима ўзгариши керакдек туюларди. Ўқишдан кўнгли совий бошлади. Стипендия олмаса, кап-катта йигит бировга тирик товон бўлиб ўтирса...

Уйдаги ҳаёт ўша-ўша давом этарди. Худди онаси бор вақтдагидай ҳар куни каравотининг бошидаги стул суянчиғида дазмолланган шим, оппоқ рўмолча, ёқаси қордек тоза кўйлак, чўнтагида ҳар куни бир сўм пул...

Акмал буларнинг ҳаммасини янгаси қилаётганини биларди. Акасининг топгани ўзидан ортмайди. Янгаси қурилишда ишлайди. Ўз эрининг ташвиши етмагандай, тонг-саҳарлаб туради. Акмалнинг кир-чирига қарайди.

Янгаси оғироёқ бўлганидан кейин таътилга чиқди. Ҳамон Акмалнинг ёнидан пул аримасди. Лекин ўзи энди ортиқ бу аҳволда юриш мумкин эмаслигини тушунди. Ўқишдан бутунлай айниди. Бир куни акасига қатъий қарорини айтди:

— Мен заводга ишга кираман.

Акаси тайинли бир гап айтмаса ҳам, Акмал унинг қарши эмаслигини билди. Эртасига у кеч уйғонди. Ўша қиш тонги асло эсидан чиқмайди. Акмал уйғонганида чўян печкада ўт гувиллаб ёнар, янгаси печка олдида чўнқайиб ўтирганча хаёлга толган, гўё ухлаб қолганга ўхшарди. Акмал печка ғирасидан тушаётган ёғдуда янгасининг доғ босган юзини кўриб, янаям озиб кетганини, чеҳраси ғамгин эканини сезди.

Каравот ғирчиллаганини эшитиб, янгаси ярқ этиб, унга қаради. Аммо ўрнидан жилмади.

— Акмалҳон, мен эшитдим,— деди у паст товушда. Кейин бир зум жим қолди-да, уф тортди:— Майли, бизни ўйламай қўя қолинг. Ойимнинг арвоҳини чирқиллатгани кўрқмайсизми? Ойим сизни менга топшириб кетганлар. Тушундингизми?

Акмал янгасига қаради-ю, кўзларида ёш айланаётганини, бу гапларни юракдан эзилиб айтаётганини сезди. Сезди-ю, ўзининг ҳам юраги орзиқиб кетди. Шу тобда янгасининг кўксига бошини қўйгиси, доғ босган юзларини силагиси, нимадир деб узр сўрагиси келиб кетди. Ўшанда у мана шу янгаси ўз онасидай азиз бир одам эканини ҳис қилди. Мана, у ўқишни ҳам битирди. Бола-чақалик бўлиб, янгасидан кўпда хабар ҳам ололмайдиган бўлиб қолди...

Эшик қалити шиқирлаганини эшитиб, Акмал қаддини ростлади. Йўлакда Кларанинг товуши эшитилди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Телевизор кўрасанми, Лола? Ҳозир мультик бўлади.

— Йўқ, дадамга бораман...

Эшик очилиб, жамалак сочига оппоқ лента тақиб олган Лола чопқиллаб кирди-да, Акмални қучоқлади. Ўша томондан яна Кларанинг овози келди:

— Қўй, Лола, дадангга тегма, чақиб оласан.

Акмал қизини етаклаб йўлакка чиқди.

— Келинойим неча сўм сўради?

Ошхонага кириб кетаётган Клара, ҳалиям ўша гапми дегандек, бурилиб қаради.

— Эллик сўм, нимайди?

Акмал индамай ётоққа кирди-да, Кларанинг пардоз қутисини очди. Уларнинг пули одатда шу қутида турарди. Иккита йигирма беш сўмликни ажратиб олаётганида ошхона томондан тағин Кларанинг овози эшитилди:

— У пулга тегманг. Лолага шуба олишим керак.

Акмал индамай йўлакка чиқди. Туфлисининг боғичини боғлаётганида тепасига хотини келганини кўриб қаддини ростлади. Кларанинг ранги ўчиб кетган, нафис бўёқ юргизилган бежирим лаблари пирпираб турарди.

— Уларнинг боласи бола бўлганида меники бола эмасми,— деди у овози титраб.— Нега боланинг насибасини қиясиз, ё ўтқазиб қўйгани борми?

— Овозингни ўчирасанми, йўқми?!— деди Акмал бақириб.

Клара ҳайрон бўлганидан эрига тикилиб қотиб қолди. Улар лабораторияда бирга ишлашар, севишиб турмуш қуришган, тўрт йилдан буён бирон марта эри унга сан демаган, бақирмаган эди.

— Обора қолинг,— деди Клара йиғламсираб.— Бор-йўғингизни обориб бера қолинг, ўша гадойваччаларга!

Акмал яна бир дам турса катта жанжал чиқишини билиб, эшикни қарс этиб ёпиб, чиқиб кетди.

...Акмал шаҳар чеккасидаги ҳовлиларининг темир дарвозасини тақиллатганда вақт алламаҳал бўлиб қолган, сутдай тўлин ой пастак уй рўпарасидаги олчаларнинг сарғая бошлаган япроқларини аллалар, майин шабада эсиб турарди.

Эшикни нимча кийиб олган янгаси очди.

— Тинчликми, Акмалхон?— деди хавотирли оҳангда. Чамаси, Акмалнинг важоҳатидан жаҳли чиқиб турганини пайқаган бўлса керак.

— Ўзим,— Акмал ичкари кириб, гапни атайлаб бошқа ёққа бурди.— Акам келдиларми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Э, ҳали келмайдилар. Болаларни энди ухлатувдим. Юринг.

— Сўрида ўтира қолайлик,— деди Акмал олма тагидаги темир панжарали сўрига имо қилиб.

Янгаси уйдан дарров кўрпача олиб чиқди. Акмал чиннидай қилиб супурилган ҳовлидан юриб бораркан, димоғига гуп этиб райҳон иси урилди. Бу ҳид унга алланечук қадрдон, аллаловчи туйғуларни эслатди. Онаси ҳар йили райҳон экар, "Райҳон файзли бўлади, болам", деб қайта-қайта такрорлар эди. Чиндан ҳам мана шу ҳид бутун ҳовлига қандайдир осойишталик бахш этгандай бўларди.

Акмал сўридаги кўрпачада ёнбошлаб атрофни кузатди. Лой том устидаги шифер қоплаб, уйнинг замонавийлаштирилганини айтмаса, ҳеч нима ўзгармаган эди. Ўша икки уй, бир айвон, устундаги узун михга бир тутам исириқ илиб қўйилибди. Ўша кафтдеккина, озода ҳовли, бўйра бўйи жойга экилган райҳон. Олма шохига илинган лампочка. Ўша сўри... Сўрининг шундоқ ёнига икки дона олма тушибди. Сап-сариқ...

Ошхона томондан янгасининг ўтин ёраётгани эшитилди.

Акмал ўтирилиб қаради. Янгаси ҳовли этагидаги ошхона эшиги олдида чўнқайиб ўтирганча ўтин ёрарди.

— Қўйинг, келинойи, мен кетаман,— деди Акмал.

Янгаси ҳозир, деди-ю, ишини қилаверди.

Қизиқ, ошхона ҳам, унинг ёнбошида деворга тираб тикланган тандир ҳам ўша-ўша — ўзгармаган, тандир остига худди ўша кезлардагидай ўтин тахлаб қўйилган эди.

Бир маҳаллар, Акмал болалик чоғида, онаси шу тандирда зоғора нон ёпар эди. Тандирдан чиққан биринчи зоғоранинг ярмисини ушатиб, сопол пиёладаги сутга тўғраб берарди. Акмалга дунёда ивитилган зоғорадан лаззатлироқ таом йўқдек туюларди.

У ҳозир ҳам ўша лаззатли нон таъмини сезгандай ютиниб қўйди-да, секин энтикди.

Эрта куз кечасига хос чуқур сукунат чўкди. Фақат ондасонда бир шамол келиб, олма япроқларини дув тўкиб кетади. Кейин яна сукут қуйилади. Олисдан тепловоз товуши келди. Гулдираб ўтаётган поезднинг бир меъёрда гувиллаши эшитилди. Овоз пасая-пасая тиниб қолди. Бу товуш Акмалга яна болалик дамларини эслатди.

Бир вақтлар мана шу сўри ўрнида супа бўларди. Онаси ётар чоғида кўлоблатиб сув сепар, бутун ҳовлини райҳон ҳиди тутиб кетарди. Акмал онаси билан Адҳам акасининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўртасида кўрпадан бошини чиқариб, осмонга тикилиб ётар, узоқ вақт ухлай олмай хаёл сурарди. Акмал, ишчи батальонига кетиб, ўша ерда вафот этган отасини эслай олмас, аммо онасининг бир гапи гўдак хотирасига ўрнашиб қолган эди.

"Ўлган одамнинг жони осмонга чиқиб, юлдузга айланиб қолармиш". Акмалнинг назарида осмондаги энг ёрқин юлдуз отасининг жони бўлиб туюлар, ўша юлдузга учиб кетгиси келарди. Ҳозир ҳам негадир худди ўша туйғу юрагини қамраб олди. Ўша болалик дамларга бир зум қайтгиси келди. Лабораториядаги мураккаб тажрибалару Кларанинг инжиқликлари ҳам, бугунги дилсиёҳлик ҳам, ҳаммаси бачкана, майда нарсалар бўлиб кўринди. Қанийди онаси тирилиб келса-ю, бир кеча мана шу сўрида осмонга, юлдузларга, тўлин ойга тикилиб ётса.

Бир қўлида чойнак, бир қўлида тухум қовурдоқ кўтарган янгаси темир зиналардан чиқиб келди. Акмал қаддини ростлаб ўтирди. Янгаси нон ушатди, чой қуйди.

Акмал иштаҳасиз бир тарзда нон кавшаркан, гапни нимадан бошлашни билмай тараддудланарди. Тайин гапки, Клара пулимиз йўқ деган, энди нима дейди? Хотиним сизни алдаган экан, дейдими?

— Асқар катта бўп қолгандир,— деди у анчадан кейин. Янгасининг юзига табассум югурди.

— Ҳа, беш билан ўқийди. Дастёр бўп қолди.— У бир лаҳза жимиб қолди-да, яна жилмайди.— Бу йил Лайло ҳам мактабга боради.

Акмал бирдан баҳона топилганига суюниб кетди.

— Шунақами? Қаранг, дарров мактабга борадиган қиз бўлиб қолдими?— У ҳамон кулганча асосий мақсадга кўчди.— Лайлога биронта совға олмоқчи бўлиб юрувдим. Ҳали дурустроқ гаплаша олмадик. Кларанинг хабари йўқ, бугун мен ойлик олувдим.— У чўнтагидан пул чиқариб, дастурхон четига қўйди.— Ўзингиз биронта қишлик кийим олиб берарсиз, келинойи...

Акмал ёлғон гапираётганини, гаплари сунъий чиқаётганини билиб, тўхтаб қолди.

Янгаси ярқ этиб, унинг юзига қаради.

— Раҳмат, Акмалхон,— деди янгаси оҳиста товушда. Унинг овозида зарда ҳам, ўкинч ҳам йўқ эди.— Болаларнинг кийими етарли,— деди у дастурхон попугини ўйнаб.— Бошқа нарсага зарур бўлиб қолувди... Биласиз, индинга ойим вафот этган кунларига ўн йил тўлади. Шунга узоқ-яқин қариндошларни чақирмоқчийдик. Озроқ етмай турувди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Акмал сесканиб янгасига қаради-ю, ҳайкалдай қотиб қолди. Янгаси ҳамон дастурхон попугини ўйнаб ўтирар, чамаси, ҳозир ҳамма нарсани унутиб, қайнонасининг хотирасини ўйлар эди.

1975

ШУДРИНГЛИ ЎТЛОҚЛАР

(Бир саёҳат лавҳаси)

ТУЙНУКДАГИ ЮЛДУЗЛАР

Энг оғир кишанинг — уйингнинг остонаси, деган ҳикматни қайси донишманд айтган бўлса, топиб гапирган экан. Кундалик ташвишлар, югур-югурлар билан шу қадар ўралашиб қоласизки, остона ҳатлаб, узоқроқ жойга чиқишга юрагингиз бетламай туради. Лекин остона "кишанидан" чиқиб олгандан кейин, руҳингизда алланечук енгиллик сезасиз. Сафар гашти вужудингизга майин бир куй каби сингиб кетади.

Бизлар етти киши эдик. Бешовимиз тошкентлик "меҳмон"лар — Озод Шарафуддинов, Баҳодир Ғуломов, Абдуғафур Расулов, Бегали Қосимов ва мен. Яна икки киши — мезбон. Энг олдинда йил бўйи совутилган саман отининг жиловини маҳкам ушлаб Абдуманноп ака борарди. Унинг чинакам чавандозлар каби эгарга ёпишиб ўтиришини, офтобда қизарган силлиқ чеҳрасини кўрган киши бу одам неваралик эканига ишонгиси келмайди. Унинг бутун ҳаракатларида йигитлик шижоати жўшиб туради. Абдуманноп ака кўп йиллар Четсув қишлоқ оқсоқоли бўлиб ишлаган. Ниҳоятда ўқимишли, зиёли одам. Ҳамқишлоқлари уни ҳамон "оқсоқол" деб қаттиқ иззат қиладилар.

Чавандозларнинг энг охирида Шамат ака боради. Турмуш машаққатлари унинг кўз қарашларида, онда-сонда айтиб қоладиган гапларида, эрта оқарган сочларида ўз тамғасини қолдирган. У урушда қатнашган, бир қўлидан айрилган, бир неча йил илгари ўзи яшаб турган уйни тоғ оралиғидаги Эртош қишлоғининг бошланғич мактабига бўшатиб бериб, Оққўрғонга кетган, кейин яна қишлоғига қайтиб келган. Чавандозликда у ҳам "оқсоқол"дан қолишмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фақат биз — "меҳмонлар" бир соат юрар-юрмас, от миниш машинада ястаниб ўтириш эмаслигини билиб қолдик. Аввалига юмшоққина туюлган эгар энди шундай азоб беришга тушдики, бетоқат бўла бошладик. Аммо манзил олис. Олтмиш чақирим йўл босиб, Арашонбува деган жойга боришимиз керак.

Отлар пишқириб-пишқириб қўяди. Тоғ сўқмоғидан кўтарилаётганда, бўйни терлаб, ёли ёпишиб кетади. Ҳарсиллаб нафас олади.

— Эгарда ҳадеб қимирлайверманглар. Бир текис ўтириб, отни ўз ҳолига қўйиб беринглар,— деб маслаҳат беради Абдуманнон ака.

"Бир текис ўтиринглар..." Айтишга осон. От тикка кўтарилаётганда эгарнинг қошига ёпишамиз. Пастга тушиш ундан ҳам азоб. Негадир ҳозир от қоқилиб кетадигандай, бўйнидан отиб ташлаётгандай туюлаверади.

Атроф сокин. Белга урадиган ўтлар шабадада оҳиста тўлқинланади. Негадир, қушлар ҳам сайрамайди, чигиртқалар чирилламайди. Гўё табиат мана шу улуғвор сукунатни бузишни ман этиб қўйгандай. Фақат отлар пишқиради. Туёқ товушлари бўғиқ гурсиллайди. Аҳён-аҳёнда сой учрайди. Тошларга урилиб айқираётган сув товуши анчагача қулоқ остида шовиллаб туради.

— Мана шу қирдан ошсак, Қизилчага етамиз. У ёғи Келинчаккача ўн беш чақирим,— дейди йўл бошловчимиз қамчи билан имо қилиб.

Қўл чўзса етгудек "мана шу" қирдан ошиш учун ҳам беш чақирим юриш керак.

Яна ўша туёқ товушлари. Яна ўша сокин гўзаллик. Қирнинг тепасига чиққанда, орқага қарасангиз, бошингиз айланиб кетади. Ажиб ҳақиқат: одам босиб ўтган йўлига эмас, босиб ўтиши керак бўлган йўлига қараши керак. Аммо, барибир, олисда — пастликда қолган бахмал ўтлоқ, илон изи сўқмоқ оловдай иссиқ кўринади кўзингизга.

Ниҳоят, олдинда — ясси адир ўртасида ялтираб оқаётган сой, соҳилда турган уч-тўрт ўтов кўринди. Отлар манзил яқинлигини билгандай қадамини тезлатди.

— Уркинбойнинг ўтови,— деб тушунтирди ҳамроҳимиз.— Фарғонадан келган чўпонлар шу ерда тўхташган.

Сойдан ўтишимиз билан иккита каттакон ит акиллаганча югуриб келди. Ўрта бўйли, елкалари хиёл туртиб чиққан киши ўтовдан чиқиб қарши олди.

— Келинглар,— деди у қисиқроқ кўзларини йилтиллатиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Отдан тушгандан кейин бир лаҳза қадам босолмай қолдик. Оёқлар акашак бўлиб қолибди.

— Қалай, от қоқиб ташламадими? — деди уй эгаси табассум билан.

Бир соат дам олар-олмас, ҳамроҳимиз яна шоширди.

— Ҳаво айнияпти. Тезроқ етиб олмасак, қоронғига қолиб кетамиз. Йўл қалтис.

Мезбон ҳам қаршилик билдирмади:

— Келинчакда эртага қиёмат тўй бўлади. Улоқ бўлади.

...Яна ўша паст-баланд йўллар бошланди. Фақат, энди осмонни булут ўраган, аччиқ совуқ турган эди. Қизиқ, саратонда қаҳратон...

Кунботар чоғида тик жарлик тепасига келдигу, ажиб бир манзарани кўрдик. Уч юз метрча пастликда қатор ўтовлар тизилишиб турар, хотин-халаж, бола-чақалар товуши, отларнинг кишнаши қулоққа чалинар, ўтовлар олдида олов ялтирар эди.

— Улоқ катта бўладиганга ўхшайди. Қаранг, юздан ортиқ от тўпланибди.

Яқин келишимиз билан бир неча йигитлар югуриб-елиб жиловни тутишди.

Ўтов ичида дарров олов ёқилди. Совқотган баданга иссиқ югурди.

— Фарғонанинг чўпони борки, баҳор келиши билан шу томонга кўчиб чиқади,— деди ўтов эгаси Бўзвой ака тушунтириб.— Яйловлар кенг, ўт сероб. Мана энди тўй мавсуми бошланди. Тўйлар бир-бирига уланиб кетаверади.

...Тун яримдан оққанда атроф тинчиб қолади. Фақат итлар акиллайди. Совутилган отлар бетоқат кишнаб қўяди. Қўшни ўтовда бола йиғлайди. Онаси алла айтади. Ўртадаги арча ўтиннинг чўғи ёқут нуқралардай қизариб кўринади. Ўтов керагасига илиб қўйилган ялтироқ тақинчоқлар, бир чеккадаги сандиқ тунукаларида шафақ ўйнайди. Туйнукдан эса ёрқин, пастак юлдузлар мўралайди. Улар жимгина боқувчи ўйчан кўзлар каби тикилиб тураверади-тураверади, беихтиёр хаёл олиб қочади кишини.

Ривоят қилишларига қараганда қадим замонларда бир қишлоқни ёв босибди. Йигитларни қиличдан ўтказиб, қизларни оёқ ости қилишибди. Ёлғиз бир келинчак душманга бўйсунмабди. Тоғ-тошлар ошиб, мана шу ерга, икки тоғ орасидаги ўтлоққа келиб, у ёғига ўтолмай қолибди. Душман қўлига тушгандан кўра, тошга айланиб қолай, деб илтижо

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилибди. Чиндан ҳам тошга айланиб қолибди. Ўшандан буён бу ер Келинчак деб аталармиш.

Бора-бора ҳаммаёқ жимиб қолади. Ўчоқдаги чўғ сўнади. Ташқарида отлар кишнамайди, итлар ҳуримайди. Ҳамма уйқуга кетади. Фақат туйнукдан боқиб турган юлдузлар бедор. Вафодор келинчак хотирасини қўриқлагандай ўйчан тикилиб туради...

ҲАР НАРСАНИНГ ЎЗ ГАШТИ БОР

Яқин жойда бузоқнинг чўзиб маърашидан уйғониб кетдим.

Ўтов туйнуги ёришиб, унда кечаги юлдузлар ўрнида ложувард осмоннинг бир бўлаги кўриниб турарди.

Оқшомда ҳаммани қақшатган совуқ тугаб, илиқ, тароватли тонг отган эди. Ўтовлар аллақачон уйғонган, ҳаммаёқда тўй тараддуди сезилар, ҳар ер-ҳар ерда қозон осилган, болакайлар ирғишлаб ўйнашар, чамаси, кечаси тағин улоқчилар келишган бўлса керак, отлар янаям кўпайган эди. Кунчиқар томондаги тоғ ортидан қуёш мўралади. Шу ондаёқ унинг нурлари бутун ўтлоққа сепилгандай, майсалар юзида нурли нуқралар ярқираб кетди.

Қачондир болалигимда шудрингда ялангоёқ юриш даво, деган гапни эшитгандим. Ким билсин, балки ростдир. Тизза бўйи ўтлоқда шудринг кечиб югуриш чиндан ҳам гаштли экан. Қўл чўзса етгудек қорликлардан шалдираб тушаётган сойда сесканиб-сесканиб ювиниш ҳам, сувнинг шовиллашига қулоқ солиб узоқ хаёлга чўмиш ҳам ҳаёт гаштли эканини таъкидлаётгандек бўларди.

Пешинга яқин ўтлоқ янаям гавжум бўлиб кетди. Тўй хизматчилари елиб-югуради, биров лаганда ош ташийди. Биров келган меҳмоннинг отига ўт ташлайди. Яйловларда камёб бўладиган нарсаларни атайлаб олиб келган атторлар эгар, юган, бигиз, қамчисини мақтайди.

— Шоир келди, тўй ана энди қизийди,— деди кимдир тантана билан.

Эчкидеккина ихчам, аммо чайир от минган ўрта бўйли кўзи қисиқроқ одамни ҳамма ўраб олди. У беқасам тўн кийиб, қўш белбоғ боғлаб олган эди. "Шоир" илтифот кутиб ўтирмай, эгардан тушмасданоқ ўқиб кетди:

Менинг отим Болтавой,
Излаб келдим элингга,
Қувват берсин белингга...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўй эгаларидан бири "шоир"нинг оғзидан муттасил отилиб чиқаётган пала-партиш мисралар оқимини тўхтатиш учун бўлса керак, қичқирди:

— Шомақсудни бир мақтанг...

"Шоир" ўзига аталган пулни олди-ю, сахий Шомақсудни мақтаб кетди:

Бўзбошим бўлганида,
Бўз болам ўлмасмиди.
Ялпизим бўлганида,
Ёлғизим ўлмасмиди...

Сахий мезбон Шомақсуд,
Мақсудингга етарсан,
Илгарилаб кетарсан...

Хуллас, ким пул берса, ўшанга узоқ ҳамду санолар ўқилди. Охири мақтовталаб сахий қолмади шекилли, "шоир" тер қуйиб кетаётган пешанасини арта-арта эгардан тушди.

— Энди улоқ бўлади,— деди йўл бошловчимиз адир этагини кўрсатиб.— Қаранг, уч юзга яқин от тўпланипти.

"Мақтов" билан овора бўлиб сезмай қолибмиз. Ўтовлардан ярим чақиримча нарида тўда-тўда отлар тўпланиб турар, бошини қийиқ билан танғиб олган чавандозлар улоқ бошланишига ишора куттандай бетоқат югуришар эди.

Ниҳоят, отлар бир ерга тўпланди. Тўй эгаси улоқни ерга осилтиргудай судраб бориб ўртага ташлади-ю, ўзи чеккага чиқди. Гала-говур бўлиб кетди. Ҳамма отлар бир томонга қараб тўлқиндек сурила бошлади.

— Улоқ оғир кўринади,— деди йўл бошловчимиз синчиклаб қараб.— Чавандозларга қийин.— У мийиғида кулиб қўйди.— Совринига от қўйилибди.

Қамчи садолари, отларнинг нола чекиб кишнаши, қизишиб кетган чавандозларнинг сўкиниши осмонни титратди. Жийрон от минган бир чавандоз, энгашган кўйи, улоқни чангаллаганча даврадан чиқди. Анча жойгача судраб келди-ю, кейин бошқалари уни ўраб олишди. Бир оздан кейин отлар тўлқини терс томонга сурилиб кетди. Бояги жойда ўша жийрон от билан эгаси қолди. У негадир бошқа чавандозлар кетидан югурмас, юзини чангаллаганча, эгарда мункайиб қолган эди.

Яқинроқ келдигу, унинг қийиқча танғилган пешанасидан қон оқаётганини кўриб ҳайратдан оғиз очиб қолдик. Бу — ўн олти-ўн етти ёшлардаги қотмагина йигитча эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кимдир, яқин бориб, жийрон отнинг жиловидан ушлади-да:

— Ювиниб ол,— деди йигитчага.

Йигит бошини кескин кўтарди-да, кафти билан пешанасини артиб, жеркиб берди:

— Ишингиз бўлмасин!— у отига шундай шиддатли қамчи урдики, жийрон бир сапчиб, қуюндай учиб кетди.

— Парво қилманг,— деди Абдуманнон ака кулиб.— Бу йигитлар пишиб кетган. Ҳамма нарсанинг ўз гашти бор. Улоқнинг лаззати ҳам мана шунда... Аммо бугун кураш ажрим бўлмайди. Биронтаси маррага улоқни олиб чиқишига кўзим етмай турибди. Кетдик, йўлдан қолмайлик.

...Орқага, тўда-тўда отлар югуриб юрган водийга қарай-қарай яна йўлга тушдик. Қизиқ, улоқда чавандоздан кўра отнинг хизмати кўпроқ тақдирланади. Мабодо, учқур от эгаси ўзи тўдага киришни хоҳламаса, отини энг олғир чавандозга бериб туриши мумкин. Чавандоз эса ундан мукофот олади.

Отлар ҳам, ўзимиз ҳам толиққач, Ёйиқ деган жойда тўхтадик. Чиндан ҳам бу ерда тиниқ бир сой ёйилиб оқар, атрофда оппоқ гулхайрилар очилиб ётар, аммо дарахт кўринмас эди. Умуман, бу атрофларда дарахт ҳам, қушлар ҳам кўзга онда-сонда чалинарди.

— Ўша қорнинг тагига етсак, марра бизники,— деди йўл бошловчимиз кунботар томондаги чўққини кўрсатиб.

Энди отлиқ юришга анча кўникиб қолган бўлсак ҳам, яна эгарга ўтириш малол келар, аммо ўзга чора йўқ эди. Кун қайтиб, тағин совуқ турди.

Ўтлаб юрган отларимизни эгарлаётганимизда, саккиз-тўққиз ёшлардаги қирғиз қизалоқлар келиб қолишди. Қизил кўйлак кийган, майдалаб ўрилган сочига пилик тақкан бу қизалоқлар бирданига пайдо бўлганига ҳайрон қолдик. Улар узун этакларини қайириб тезак териб юришарди. Чамаси, пастроқда — сойнинг нариги бетида кўриниб турган овулдан келишган бўлса керак.

— Овулга қўниб ўтармишсизлар,— деди қизалоқларнинг тикроғи йўл бошловчимизга қараб.

Овул етти ўтовдан иборат бўлиб, сайҳон майдонга жойлашган, чекка-чеккада ўтин сочилиб ётар, ўтов панасида ўтирган хотин-халаж бири, кечки овқат пиширар, бири, шолча тўқиш билан банд эди.

— Арашонга кеч қолдиларинг, у ерда кўрпа-тўшак йўқ. Ҳамма йўловчилар шу ерда тунаб ўтишади. Сизлар ҳам қолинглар,— деди ўртадаги ўтов олдида ўтирган гавдали аёл.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Эркаклар кўринмайди-ку, ноқулай бўлмасмикин,— деди Абдуманнон ака иккиланиб.

— Келинчакка— улоққа кетишган. Эртага қайтишади.

Аёл бизнинг қололмаслигимизни эшитгандан кейин, ўтовдан кўрпача, пўстин олиб чиқди.

— Бўлмаса, совқотиб қоласизлар, қайтишда ташлаб ўтарсизлар.

Етти ёт бегона кишиларга шундай самимий муомала қилган қирғиз аёлига миннатдорчилик билдириб, тағин йўлга тушдик.

ДУНЁ КЕНГ

Қиррадор тошлар сочилиб ётган паст-баланд сўқмоқлардан юраверіб, отлар ҳам толиқди. Баъзиларининг туёқлари тушиб, оёғи қонаб кетган эди. Фақат йўл бошловчимизнинг саманигина ҳамон тизгинга бўй бермай илдам борар, қўйиб берса учиб кетгудек ҳоли бор эди. Энг орқада эса Шамат аканинг жийрони худди эгаси каби жимгина, аммо бир текис, собит қадамлар билан юриб келарди.

Манзилга етиб келганимизда қуёш ботиб кетди. Шундоқ бошимиз устида қад кўтариб турган тоғда қор кўринар, муздай шамол изилларди. Тоғ белида жойлашган кулбанинг тош девори орасидаги пастак эшик очилиб, ёши етмишлар атрофидаги чол пешвоз чиқди. У яктак кийиб олган, баланд гавдасини ғоз тутиб турар, ўсиқ қошлари остидан кўкишроқ кўзлари мағрур боқар эди.

— Келинглар,— деди у ҳаммамиз билан қўл олишиб сўрашаркан. Аммо таъзим-тавозе қилиб ўтирмади. Унинг юзида баъзи табаррук ҳисобланган жойларни эгаллаб олган "шайхлар"га хос тамагирлик мутлақо сезилмас эди. Чолнинг бутун вужуди "мен меҳнат кишисиман, бу ерда, ягона кулбамда одамларга паноҳ беришим мумкин, хоҳласанг шу, хоҳламасанг билганингни қил", деб турарди.

Тик турсангиз бошингиз шифтга тегадиган, ўртасида устун қаққайиб турган кулбага кирдик. Ҳужра деворлари тошдан тикланган, хом сувоқ ҳам қилинмаган, ёзув дафтаридек кичкинагина туйнукдан оқшомнинг ўлимтик нури аралаш совуқ кириб турарди. Девор ва томи қурумдан қорайиб кетган, зах ерга тўшалган намат устига икки-учта шапарак кўрпачалар ташланган эди.

Зум ўтмай қоронғилик чўкди. Чол ўнинчи лампа кўтариб кириб, устундаги михга осди. Абдуманнон ака эски таниш бўлгани учунми, чолни гапга солди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу ёққа чиққанингизга анча бўлгандир, ота?

Чол ўсиқ қошлари остидан унга қараб қўйди.

— Бир ҳафта бўлди,— деди босиқ овоз билан,— кеча қор ёғди.— У ҳаммамизга синовчан қараб қўйди-да, индамай чиқиб кетди.

— Бу ерда июлнинг бошида ҳам қор бўлади,— деб тушунтирди Абдуманнон ака.— Августнинг ярмидан бошлаб тағин қор босади.

Бир оздан кейин юзлари қип-қизил, кўҳликкина кампир кирди. У чолнинг тамомила акси эди. Қарашлари жонли, сўзамол экани кўриниб турарди. Косада эчки қатиғи узатаркан, Абдуманнон ака билан сўрашиб олди.

— Қишда бу атрофларда қор уч метрга чиқади-ку, уйни босиб қолмайдими? — деди йўл бошловчимиз ҳужранинг омонат деворларига имо қилиб.

— Э, босиб қолмайди, оқсоқол,— деди кампир кўзларида мулойим ўт ёниб.— Эриб, икки четидан оқиб кетаверади.

Қизиқ, тоғнинг қоқ белида жойлашган шу кулбани сув четлаб ўтишига ақл бовар қилмасди.

Овқатланиб бўлишимиз билан йўл бошловчимиз яна қистади.

— Бўлинглар, булоққа тушамиз.

Бисотимиздаги бор иссиқ кийимларга ўралиб олсак ҳам совуқ вужудимизни титратар, чамаси, кечаги қорнинг заҳри ҳали кетмаган эди.

Шоша-пиша ечиндигу, атрофи цементлаб ҳовузча қилинган булоққа ўзимизни урдик. Сув илиқ, ўттиз даражадан юқори бўлгани учун роҳатбахш эди.

— Шу кунларда Тошкентда одамлар иссиқдан қочиб, ўзини сувга уряпти. Бизлар бўлсак, совуқдан қочиб, иссиқ сувга тушиб ўтирибмиз,— деди кимдир.

Рост гап. Иссиқ минерал сувнинг тафти чарчаган танларга ором берар, киши бош кўтариб чиққиси келмасди.

Узоқда — Ёйиқ сойнинг тепасидаги қир ортида тўлин ой кўринди. Бир лаҳзадан кейин мулойим нур бутун водийни, узоқларда ялтираб ётган сойни, паст-баланд тепаликларни сукунат туманига буркади. Боя булоққа тушганда ҳаммамиз бир-биримизга гап бермай чуғурлашган эдик. Ҳозир бўлса ой нури ўзининг майин, сукутли юки билан елкамиздан босаётгандек жимиб қолдик. Ҳозир ҳар ким ўз хаёли билан банд эди. Аммо ҳаммамиз ҳам бир нарсани — дунё бепоён эканини, унинг ўз қонунлари, ўз сеҳри борлигини ўйламай иложимиз йўқ эди. Мана шу булоқ ҳам, ой нури ҳам, сутдек сукунат остида ўзининг муздай тўлқинларини ярақлатиб ёт-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган сой ҳам табиатнинг мангу бир сеҳри эмасми? Бизнинг оламга ўт сочгудек ташвишларимиз, ғам-кулфатларимизу қувончимиз, олижаноблигимизу худбинлигимиз — барчаси майда нарсалар эмасми? Табиатга яқин турган киши тозароқ бўлади, деганлари шу эмасмикин?

Ҳар ким ўз туйғуларига берилиб, узуқ-юлуқ савол-жавоблар билан ҳужрага қайтиб тушганимизда, тун ярмидан оғган эди.

Чол бизни кутиб турган экан.

— Кўрпа-тўшакнинг мазаси йўқ,— деди у хотиржам қиёфада.

— Булоқни сиз ҳовузча қилиб қўйганмисиз!— деди суҳбатдошларимиздан бири.

— Ҳа, мен.

— Цементни қаёқдан олгансиз?

— Вертолётда олиб келишган.

— Булоқ сувини дўхтирлар текшириб кўришганми?

— Қайдам,— чол совуққон жавоб қилди,— бир келишганди. Одамлар ўзича яра-чақага, бел оғриқ, оёқ оғриғига даво дейишади.

Чол бирпас қараб турди-да, чироқни пасайтирди.

— Отларга ўт ташлатиб қўйдим.— У шундай деди-ю, чиқиб кетди.

Кўрпача билан пўстин берган қирғиз хотин рост айтган экан. Амаллаб тиқилишиб олдик-да, донг қотиб ухлаб қолибмиз...

— Энди қорга чиқамиз,— деди йўл бошловчимиз нонушта устида.

Булоқдан юқорилаб яна бир қоядор тепаликни ошгач, кўмкўк кўлга кўзимиз тушди. Кўлнинг нариги соҳилида — новвот ранг қоялар қопланган тик жарликда қор оқариб ётарди.

— Бу Туморкўл,— тушунтирди ҳамроҳимиз.— Умуман, бу ерда кўл кўп. Туморкўл, Чуқуркўл, Тулпоркўл... Оҳангарон дарёси шу ердан бошланади. Кўлларнинг энг каттаси — Тулпоркўл.

Отлар сескана-сескана тик сўқмоқдан ўтгач, қаршимизда яна бир кўл пайдо бўлди. Кўл жуда чуқур бўлса керак, суви қорайиб ётар, нариги соҳилда палаҳса-палаҳса муз бўлаклари кўзга ташланар эди.

Қирғоққа етганимизда ҳамроҳларимиздан бири сувга қўлини тиқди-ю, дарров тортиб олди.

— Жуда совуқ экан.

— Шунинг учун бу ерда балиқ бўлмайди. Бу сувда ҳеч қандай жонивор яшамайди. Геологларнинг айтишича, Тулпоркўл денгиз сатҳидан 3200 метр баландда жойлашган экан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ривоят қилишларича, бу сувда фақат бир тулпор от яшармиш. У йилда бир марта — кечаси сувдан чиқиб, яна сув тубига кириб кетармиш. Қадим замонларда бир йилқичи шу тулпордан тойчоқ олиш ниятида ўз биясини олиб келиб, кўл бўйида тунаб қолибди. Чиндан ҳам келгуси йили бияси ажойиб бир тулпор қулунлабди. Қулун йил эмас, кун сайин ўсиб бораётганини кўрган йилқичи яна биясини олиб келибди. Той ҳам онасига эргашиб келибди. Йилқичи кўл соҳилида ётиб, кутиб турибди. Ярим кечада сув тулпори кўлдан чиқибди-ю, бияга қарамай, тойчоқни эргаштириб сув тубига кириб кетибди.

Неча кундан буён суҳбатимизга онда-сонда аралашаётган Шамат ака ҳозир ҳаяжонланибми, завқланибми, шу афсонани ҳикоя қиларкан, кўзларида ўт чақнаб кетди.

Кўл эса, бизнинг суҳбатимиздан бехабар, қуёш нурида майин мавжланиб жимгина тўлқинланар, фақат олисда нариги соҳилдаги музлар орасидан тушаётган сув бўғиқ шовиллар эди.

— Анави Келинчакдаги тўйда шеър ўқиган "шоир" эсингиздами?— деди Абдуманноп ака қайтаётганимизда.— Ҳар гапида бўзбошим бўлганида, бўз болам ўлмасмиди, деган эди-ку. Ҳозир ўша бўзбошни кўрасиз. У фақат қорга яқин жойларда ўсади.

Бўз ранг майда гулли гиёҳларни йиғиб яна кулбага тушдик. Чолда қуритилган бўзбош бор эди. Дамлаган эди, кўкчойдек тиниқ, каҳрабо рангли чой чиқди. Ичимликнинг ҳиди ўткир, хушбўй эди.

— Медицинада бўзбошдан фойдаланишадими, йўқми, билмайман,— деди йўл бошловчимиз.— Аммо бир ҳафта ичида ўзим синаганман. Қон босимини кескин тушираркан.

...Иссиқ Арашон булоғи ҳам, вазмин сукут сақлаб турган тошлар ўртасида тунлари чироқ порлатиб, одамларга йўл кўрсатган чол кулбаси ҳам, афсонавий Тулпоркўл ҳам орқада қолди.

Чол тадбирли экан. Отларни яхшилаб тўйғазганиданми, Ёйиқдаги қирғиз овулига тез етиб келдик. Балки юриб ўтилган йўлдан қайтиш ҳамиша осон туюлиши учун шундай кўрингандир. Ўзининг борини биздан аямаган қирғиз аёлига раҳмат айтиб, йўлимизда давом этдик.

Эрта оқшомда Келинчакка етиб келдик. Тўй пастдаги овулга кўчган экан...

1971

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЗУН КЕЧАЛАР

Ёш ёзувчи Марат Азизов нашриёт директоридан ранжиди. Шу йил унинг тўртинчи китоби чиқиши керак эди. Директор китобнинг тиражини ўн минг нусхадан оширолмаймиз, деб туриб олди. "Қоғоз етишмаяпти", деди у ночор қиёфада.

Марат китобига эллик мингдан ортиқ буюртма келганини билар эди. Ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилди. Барибир натижа чиқмади. "Министрга учрашинг,— деди директор.— Буни мен ҳал қилолмайман".

"Эгасини тополмай йиллаб дўконда чанг босиб ётадиган китобларни чиқаришади,— деб ўйлади Марат иккинчи қаватга, вазирликка чиқиб бораркан.— Тағин қоғоз етишмайди дейишади".

У вазирни танимас, аммо ёшларни яхши кўришини кўп эшитган эди. "Хотиржам гапиришим керак", деб ўйлади у залворли эшикнинг қуббадор тутқичидан ушлаб тортар экан.

Қабулхона эшигидан юқоригача гулдор пойандоз тўшалган эди. Хонанинг икки четида қатор-қатор стуллар. Дераза тагидаги стол ёнида котиба ўтирарди. У тирсакларини машинка қопқоғига тираганча аллақандай китоб ўқир, зангори дарпарда тутилган деразадан тушаётган қуёш нурида қизғиш ҳиндий рўмоли, калта енгли атлас кўйлаги ловиллаб ёнарди.

— Мумкинми?— деди Марат ҳамон эшик тутқичини қўйиб юбормай.

Қиз китобдан бош кўтарди-да, негадир жилмайди. Унинг чеҳраси тиниқ, жилмайганида кўзларида алланечук жозибали бир ўт порлаб кетар эди.

— Келинг,— деди у секингина.

"Чиройли қиз экан,— деб ўйлади Марат гулдор пойандоздан авайлаб юриб бораркан.— Нимагадир қабулхонада доим чиройли қизлар ишлайди". Шу пайт қизнинг қўлидаги китобни таниб қолди. Зангори муқовасиданоқ таниди. Бу ўзининг китобчаси, университетни битираётган йили чиққан қиссаси эди. Илгарилари у бировнинг қўлида китобини кўриб қолса ҳаяжондан юраги гурсиллаб кетарди. Йўқ, кейин-кейин кўникиб қолди. Ҳозир ҳам китобга қарамасликка ҳаракат қилиб, ёнбошдаги эшикка имо қилди.

— Домла бормилар?

— Қобил Қодирович шу ердалар,— қиз яна жилмайди.— Аммо бугун қабул йўқ. Чоршанба куни келасиз. Мен рўйхатга

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзиб қўяман.— У китобчани стол чеккасига қўйди-да, қалам-қоғоз олди.

— Фамилиянгиз?

— Азизов.

— Исмингиз?

— Марат.

Қиз ёзишдан тўхтаб, ярқ этиб бир унга, бир китобчага қараб қўйди.

— Қаерда ишлайсиз?

Марат қизнинг шубҳаланаётганини кўриб, жилмайди.

Қиз қошини чимириб, совуққина сўради:

— Касбингиз борми?

— Бор,— деди Марат. Кейин ийманиб айтди:— Ёзувчи... Ёш ёзувчи.

Қиз қаламини стол устига қарс ташлади.

— Ҳазилни ёмон кўраман!

— Мен ҳам...— Марат шартта бурилди-да, пойандоз бўйлаб шахдам-шахдам юриб кетди. Хона ўртасига етганида эшик очилиб, қизғиш сочли сепкилдор қиз бош суқди.

— Ҳилола...— У Маратни кўрди-ю, қизариб кетди. Салом бериб йўл бўшатди.

"Оти Ҳилола экан-да", деб ўйлади Марат. Аммо котиба томонга бурилиб қарамади. Эшикни оҳиста ёпиб, чиқиб кетди.

— Ким у, Замир?— деди Ҳилола ҳозиргина ёпилган эшикка имо қилиб.— Танийсанми?

— Вуй, танимадингми?— Замира хона ўртасида туриб қолган, сепкилдор юзи ҳамон ловиллаб ёнар эди.— Марат Азизов шу-да! Курсимизда учрашув бўлганида кўрганман.

— Мен бўлсам...— Ҳилола хижолатдан қизариб китобчани қўлига олди.— Ҳазиллашяпти деб ўйлабман.

— Уришдингми?

— Қаёқдан билай?— деди Ҳилола бўшашиб.— Мен Марат Азизов катта киши бўлса керак, деб юрардим.

— Вой, ҳали уйланмаган-ку.— Замира билағонлик қилиб унинг қўлидаги китобни кўрсатди.— Шу китобда ўзини ёзган-да! У доим ўзининг бошидан ўтганларни ёзади.— Замира бир нафас хаёл суриб турди-да, сўради: — Кимда иши бор экан?

Ҳилола унинг кўзидаги айёр табассумни кўриб, атайлаб бепарво гапирди.

— Қобил Қодировичнинг олдига кирмоқчи экан.

Замира секин уф тортди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен министр бўлсам, унинг илтимосига дарров хўп дердим... Чиройли-а?

Ҳилола ўзининг қизара бошлаганини пайқаб, дераза томонга қараб олди.

— Бор, хонангга чиқ!

Замира қарсак чалиб кулиб юборди.

— Эҳтиёт бўл, Марат Азизовнинг мухлислари кўп.

Ҳилола унга қайрилиб қарамас, аммо шу топда қилаётган тегажақлиги ёқар эди. У китобчани шошилинч варақлар, фақат бир нарсани ўйларди. "Ўзининг бошидан ўтганларни ёзар экан-да". Ҳилола Маратнинг бошқа ҳикояларини ҳам ўқиган, ҳар гал янги қўшиқ эшитгандай роҳат қилиб, ҳаяжонланиб ўқиган эди.

"Нега чоршанбада келасиз дедим,— деб ўйлади у дераза ортида оҳиста силкиниб турган сарғиш чинор япроқларидан кўз узмай.— Душанбада ҳам қабул бор эди-ку".

* * *

Чоршанба деган кун Ҳилоланинг хаёлида ҳеч қачон шунчалик кўп чарх урмаган эди. У тонг отиши-ю, кеч киришини ҳеч қачон шунчалик орзиқиб кутмаганди. Ора-чора Замира кириб қолар, худди Ҳилоланинг кўнглидагини билиб тургандай Марат Азизовдан гап очар, ҳар сафар: "Эҳтиёт бўл, ёзувчининг мухлиси кўп бўлади", деб қўяр эди.

Ҳилола парво қилмади. У ёзувчилар гўзалликни яхши кўради, деб кўп эшитган. "Шундоқ экан, бўпти-да, Ҳилола чиройли қиз".

Ўша куни у ўзига оро берди. Сочини чиройли қилиб турмаклади. Янги кофта кийди.

Марат кириб келганида у деразадан сершовқин кўчани томоша қилиб турар эди. Аммо эшикни очган киши худди шу — Марат эканлигини ички бир туйғу билан сезди-ю, кескин бурилиб қаради. Юраги типирчилаб уриб кетганини, юзлари ловиллаб ёнаётганини пайқаб, беихтиёр жилмайди.

— Мумкинми?— Марат худди ўша кундагидек оқ кўйлак, қора шим кийиб олган, эшик тутқичидан ушлаб турарди.

— Келинг,— Ҳилола овози титраб, салом берди.

Марат бўш стулларга қараб сўради:

— Менинг навбатим келдими?

— Қобил Қодирович чет элга кетдилар,— деди Ҳилола хотиржам гапиришга уриниб.— Ўн беш кунлардан кейин келадилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Майли, ўн беш кундан кейин келаман.

У энди бурилиб кетаётган эди, Ҳилоланинг кўзларида аллақандай савол борлигини билиб тўхтади.

— Бир нима сўрамоқчимисиз?— деди қизнинг кўзларига тикилиб. Шу ондаёқ хаёлига яна ўша фикр келди. "Чиройли қиз. Ким билсин, ақли қанақайкин. Кўпинча қизлар ўзининг гўзаллигини пайқаса, ақлини ишлатмай қўяди-ку..."

Ҳилола қизариб-бўзариб тортмадан китобчани олди.

— Шу сизнинг китобингизми?

Марат индамай бош силкиди.

— Қанақа қилиб ёзасиз?

Марат беғараз кулди.

— Стол ёнига ўтириб ёзаверади-да.— Шундай деди-ю, қизнинг ўзи билан гаплашгиси келиб турганини сезиб, юраги илиқ ҳаяжондан типирчилаб кетди. Ўша — биринчи марта кўрганидан буён бу қизни кўп ўйлаганини, аммо негадир унутишга ҳаракат қилганини эслаб, жилмайди.— Бу ҳам бир касб-да, Ҳилола.

— Бари бир тушунолмайман.

— Яхши,— деди Марат унинг кўришгиси келиб турганини сезиб.— Хоҳласангиз бугуноқ тушунтиришга ҳаракат қиламан. Кечқурун соат олтида Анҳор кўприги олдида кўришамиз.

У қизнинг розилигини сўраб ҳам ўтирмади. Бориши аниқлигини билиб, кескин бурилди-да, чиқиб кетди.

* * *

Улар Анҳор ёқалаб боришар эди. Сув жимгина оқар, қопқора тўлқинлар устида қирғоқдаги чироқлар шодасининг акси силкиниб турарди. Қаердадир трамвайларнинг ҳорғин ноласи эшитилади. Куз ҳавосида кеч очилган гулларнинг ўткир, нозик иси кезади.

— "Сўнган юлдуз шуъласи"да ўзингизни ёзганмисиз?

Марат таққа тўхтади-да, Ҳилоланинг кўзларига тикилди. Неон лампалар нури остида қизнинг чеҳраси бир оз рангсиз, аммо жозибали кўринар эди.

— Ким айтди сизга?

— Ўзим...— Ҳилола ёлғон гапирганидан уялиб, юзини ўгирди-да, секин-секин юриб кетди.— Мен ҳамма ёзувчилар ўзининг бошидан ўтганини ёзади, деб ўйлайман.

— Йўқ!— Марат кескин бош чайқади.— Унақа бўлса кундалик ёзиб қўя қолган маъқул эмасми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳилола тушунмади.

— Ҳаммасини ичингиздан тўқиб чиқарасизми? Бўлмаса, ёзганларингиз ёлғон экан-да.

Марат анчагача индамай борди-да, сўради:

— Ўша китобдаги гапларга ишондингизми, ахир?

Ҳилола ювош бош силкиди.

— Мен Ферузани худди ўзимга ўхшатдим.

— Демак, ёлғон эмас экан-да.

Ҳилола бари бир тушунмади.

— Сиз ёзувчиларга маза!— деди ўйланиб.— Илҳом келганда китоб ёзасизлар. Ҳамма сизларни мақтайди...

— Илҳомнинг ўзи нима?— деди Марат унинг гапини бўлиб.

Ҳилола соддалик билан елкасини учириб қўйди.

— Билмасам... "Илҳом париси", "илҳом гулшани", яна алланималар дейишади-ку.— У ўтирилиб қараб, яна елкасини учирди. Шу топда шунчалик содда, шунчалик яхши кўриниб кетдики, Марат уни билакларидан маҳкам ушлаганча қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Жимжит боғ устида Маратнинг кулгиси жаранглаб акси садо берди. Қайсидир чинор шохида мудроққа кетган қушлар "гув" этиб қоронғи осмонга кўтарилди.

— Ҳаммаси мавҳум гап!— деди Марат.— Илҳом ҳаммада ҳам бўлади. Илҳом — тез, осон, маза қилиб ишлаш дегани.— Кейин у жиддийлашди-да, секингина қўшиб қўйди:— Гоҳо ойлаб-йиллаб қийналиб, битиролмай юрган ишингизни бир кунда бажариб қўясиз. Шунақа ишлайсизки, ўзингиз ҳам роҳат қиласиз...

Қизғиш чироқ ёниб турган симёғоч тагидаги скамейкага ўтиришди.

Ҳилола унга зимдан қараб қўйди. Марат оёқларини чалиштириб, тиззасига кафтини қўйганча, жимгина ўтирар, сувга тикилиб ниманидир ўйлар эди. Ҳилола энди бояги гаплардан зерика бошлади. У Маратдан бошқачароқ, ўзи ҳам маъносини тушуниб етмаган сирлироқ гап кутар эди.

— Шу ерни жуда яхши кўраман,— деди Марат ўйчан овозда.— Нимагадир тинч, ёлғиз ҳис қилгим келади ўзимни. Шаҳарнинг шовқинидан безиб кетади одам.

— Дам олиш куни бизлар пахтага чиқамиз,— деди Ҳилола ишхонадаги янгиликни эслаб.

— Кеча университетда бирга ўқиган ўртоғимдан хат олдим,— деди Марат унинг гапини эшитмагандек, ҳамон сувдан кўз узмай.— Қишлоқда ўқитувчилик қилади. Раисни

www.ziyouz.com kutubxonasi

газетада танқид қилиб ёзгани учун колхоздан кўчиб қутулибди.— Марат чуқур хўрсинди.— Аслида айб фақат раисда эмас-ку...

Ҳилола унинг қийналиб, эзилиб гапираётганини кўриб, ачинди.

— Дунёда ёмон одамлар кўп-да... Қўйинг, ўйламанг...

Марат ярқ этиб қаради.

— Ёмон одам...— деди синиқ оҳангда.— Ҳали сиз ёзувчиларга маза, китобини ёзиб юраверади, дедингиз... Баъзан шунақа бўладики...— У афсус билан жилмайди.— Мана, сиз... Бировни ёмон кўрсангиз, гаплашмай қўя қоласиз. Унинг яхши томонларини қидириб ҳам ўтирмайсиз. Туғилганида ҳаммаям пок бўлади-ку. Ёзувчи душманидан ҳам дўст ахтаради. Ўшани тушунишга ҳаракат қилади.

Ҳилола яна зерика бошлади.

— Кетайлик-а,— деди Марат унинг истагини пайқаб.

Кўприкдан ўтиб кетишаётганида Марат панжарага суяниб тўхтаб қолди.

— Ана сиз!— деди болаларча хушчақчақ оҳангда.

Ҳилола муздай темир панжарага кафтини босганча ҳайрон бўлиб сувга қаради.

— Ана, ана, сузиб юрибсиз,— деди Марат сув юзида қалқиб турган ингичка ойни кўрсатиб.— Ўша сиз — сиз-да!

Ҳилола, юрагида илиқ туйғулар уйғониб, Маратга меҳр билан қараб қолди. Энди у боягидек ўйчан, вазмин эмас, гўдакдек содда бўлиб қолган эди.

* * *

— Кино ёқдими?— деди Ҳилола елкаси оша бурилиб қараб.

У нафис пуштиранг жемпер кийиб олган, сочини баланд қилиб турмаклаган эди.

Марат йўлкада сочилиб ётган хазонларни шитирлатиб босиб бораркан, орқага қараб қўйди. Санъат саройининг яхлит ойналаридан нур ёғилиб турарди.

— Йўқ,— деди у ўйчан овозда. Кейин яна хазонларни шитирлатиб босиб борди-да, ўша хаёлчан оҳангда давом этди:— Бир аёлнинг эридан ажралишини оқлаш учун бутун қишлоқ аҳлини қоп-қорага чиқариш шартмикин?

Ҳилола кулди.

— Агар ўша қишлоқда аёлни тушунадиган одам бўлмаса-чи?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Наҳотки?— Марат худди касбдошлари билан баҳслашаётгандек қизишиб кетди.— Наҳотки бутун бошли қишлоқ қоп-қора бўлса. Наҳот ўша хотиннинг ўз иззат-нафсини ҳимоя қилишга уринаётганини тушунадиган бирорта одам топилмаса?

Ҳилола бир нафас жим борди-да, ҳозир экранда кўрган воқеалардан яна ҳаяжонланиб кетди.

— Сизнинг "Бир лаҳзалик қувонч" ҳикоянгизда ҳам худди шунга ўхшаш воқеа тасвирланган эди. Лекин сиз унда хотинни эмас, эрни ҳимоя қилгансиз.— У жилмайиб Маратга қараб қўйди.— Ўша ҳикоянгиз менга ёқмаган.

Марат тўхтаб қолди. Ҳилола ҳам уч-тўрт қадам юриб борди-да, пастак арғувон соясида тўхтади. Марат унинг чеҳрасини аниқ кўрмаса ҳам, жилмаяётганини билиб турарди.

У бундан уч йил илгари журналда чиққан ҳикоясини эслади. Институтни энди битирган ўқитувчи қиз курсдошига турмушга чиқади-ю, дала ҳаётининг романтикасига берилиб, эрининг қишлоғига жўнаб кетади. Аммо қишлоқнинг оғир ҳаётига кўниколмай эридан ҳам, севгисидан ҳам воз кечиб, шаҳарга қайтиб келади. Ўша пайтлари танқидчилар ҳикоянинг реалистик асар эканини айтиб мақташган, Марат ёзувчилар даврасида олқиш қозонган эди.

— Нимаси ёқмади?— деди Марат имкон борича совуққон гапиришга уриниб. Кейин секингина Ҳилолани қўлтиғидан олди. У бу қиздан тополмай юрган фазилатни тўсатдан учратиб қолганига қувонар, Ҳилола ўзининг ижодига қизиқа бошлаганидан шод эди.

— Айтдим-ку,— деди Ҳилола ҳамон жилмайиб.— Сиз эрни ҳимоя қилиб, хотинни қоралагансиз. Эр хотинни ўз ҳукмига бўйсундиришга нима ҳаққи бор? Қишлоқ эрнинг ватани бўлса, шаҳар хотиннинг ватани эмасми?

Марат бошини қуйи солганча бораркан, чуқур хаёлга толди. У ҳикояда эрни ҳам, хотинни ҳам ҳимоя қилмаган, фақат институтларда, газеталарда айтиладиган ваъзхонликлар пуч гап эканини, ҳаётининг бўёқлари кўп эканини ёзган эди.

— Ёзувчи холис бўлиши керак, Ҳилола,— деди у хўрсиниб.— Мен ҳеч қачон бировни қоралаб, бировни оқламайман. Гурмушда фақат оқ, фақат қора бўёқ бўлади деган гап ёлғон.

— Билмадим,— Ҳилола билагини унинг кафтидан бўшатди.— Ҳар ҳолда сиз йигит томонини олгансиз.

Катта-катта ойналаридан нур сочилиб турган трамвай бекатга келиб тўхтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хайр,— деди Ҳилола Маратнинг қўлини қисиб.

"Ким билсин,— деб ўйлади Марат дуғаларидан чирсиллатиб чўғ сачратиб кетаётган трамвай кетидан қараб қоларкан.— Балки чиндан ҳам тарафгарчилик қилгандирман. Балки ноҳақдирман".

Унинг кўнглини доим тарк этмайдиган бир ғашлик, ўз ёзганларидан қониқмаслик туйғуси яна кемира бошлади.

* * *

Улар арғамчи учишарди. Қайиқча борган сайин баландроқ кўтарилиб тушар, Ҳилола қўрқув ичида арғамчининг ён тарафидаги йўғон симларни маҳкам ушлаб олган, юраги гупиллаб ураради. Ҳар сафар қайиқча тепага кўтарилаётганида Маратнинг қорача чеҳрасини, шабададан пешонасига ёйилиб тушган сочларини, ҳаяжонданми, қувончданми қисилиб кетган кўзларини кўрар эди. Арғамчи пастлаётганида эса, қўйлагининг этаклари шамолда кўтарилиб кетмаслиги учун энгашиб олишга ҳаракат қиларди.

— Бўлди!— деди у кулги аралаш қийқириб.— Бўлди, Марат ака.

Марат арғамчини янаям қаттиқроқ силкита бошлади. Ҳилоланинг боши айланиб кетди. Пастда навбат кутаётган бир тўда одамлар ҳам, арғамчи юқорилаганида аниқ кўринаётган дарахтларнинг учи, олисда, қуёш ботиб кетган уфқда ёниб турган шафақ ҳам хира бир туманлик ичида айлана бошлади. Унинг кўз ўнгида фақат Маратнинг чеҳраси қолди.

— Бўлди...— деди у ялиниб. Кейин бир қўлини қўйиб юборди-да, беихтиёр Маратнинг елкасидан ушлаб олди. Маратнинг терлаган сочлари пешонасига текканини сезиб, ҳаяжон билан оҳиста шивирлади:

— Тўхтатинг...

Шу пайт Маратнинг лаблари унинг қулоғи остида секин пичирлади:

— Соғинадиган бўлиб қолдим, Ҳилола.

Ҳилола унга қарамасликка ҳаракат қилиб, яна ялинди:

— Тушайлик...

Арғамчи секинлай бошлади. Ҳилола Маратнинг ўзига ҳамон тикилиб турганини билар, аммо йиқилиб кетишдан қўрқиб, қўлини унинг елкасидан тортиб ололмасди.

Марат бу қизни чиндан ҳам кўп соғинадиган бўлиб қолган эди. Ҳилола унинг қалбидаги совуқ бир бўшлиқни тўлди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ра бошлаган, у кўпдан буён битмай келаётган ярасига энди малҳам топгандай эди.

Ҳилола пастга тушганидан кейин бир лаҳза оёқлари титраб туриб қолди.

— Ернинг қадри ўтди-а,— деди Марат кулиб.— Доим уни тепкилаб юрамизу бир қадам узилсак, соғиниб қоламиз. Ҳар гал самолётга чиқишим билан шуни ўйлайман.— У бир нафас ўйланиб турди-да, сўради:— Қаёққа борамиз?

Ҳилола елкаларини учириб қўйди.

— Анҳорни яхши кўрасиз-ку.— У Маратнинг гапини эслатиб, тегажаклик қилди.— Тинч, ёлғиз ҳис қилгингиз келади ўзингизни...

Уларнинг скамейкаси банд эди: ёш жувон коляскадаги болакайни тебратиб ўтирарди. Излай-излай бир оёғи шундоқ сувга ботиб турган ўриндиқ топишди. Ўтиришлари билан Марат яна сувга тикилиб қолди.

Бир оздан кейин уларнинг ёнидан йўғон сочини битта қилиб ўрган қиз баланд пошналарини тақиллатиб ўтиб кетди. Нарироққа бориб тўхтади-да, улар томонга қараб қўйди.

Марат қизнинг ҳаракатларини кузата бошлади. "Кутган одами келмабди", деб ўйлади у. Қиз уч-тўрт қадам у ёқ-бу ёққа бориб келди-да, ингичка туфлисининг учи билан йўлакда ётган тошни тепди. Тош чилп этиб сувга тушди. Анҳордаги чироқлар маржони чил-чил бўлиб кетди. Нурли тасмадай силкина-силкина яна жойига келди. "Ҳикояга яхши деталь", деб ўйлади Марат.

— Яхши қиз эканми?

Марат бурилиб қаради-ю, Ҳилоланинг ўзидан кўз узмай ўтирганини кўрди. Аммо нимани сўраётганини дафъатан тушунмади. Кейин бирдан тушунди-да, бошини сарак-сарак қилди.

— Йўғ-е... Мен бутунлай бошқа нарсани ўйлаётгандим.

— Марат ака,— деди Ҳилола шубҳали оҳангда.— Институтни битиргунча ҳам ҳеч ким билан юрмаганмисиз?

Марат унинг кўзларида қатъий бир ифода кўрди-ю, қалбининг энг чуқур жойидаги ҳам аламли, ҳам соғинч туйғу яна туғён урди. Ҳа, у яхши кўрган эди. "Сўнган юлдуз шуъласи"да ўзининг ҳам натижасиз муҳаббати тасвир этилганди. Ҳозир ўша сўнган юлдуз шуъласи яна ярқ этиб кетди.

— Яъни бировни яхши кўрганмисиз, демоқчисиз-да,— деди у иложи борича хотиржам гапиришга уриниб.— Ҳа, яхши кўрганман.

— Кейин-чи?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Марат Ҳилоланинг овозида совуқ қатъият борлигини сезиб, янаям хотиржамроқ гапирди:

— Кейин узоқлашиб кетганмиз.

— Ундан кейин-чи?

— Ундан кейин яна иккита қизни учратдим.— Марат кулди.— Улар мени ёқтиришмади.

Ҳилола бошини қуйи солганча ўтирар, изтироб чекаётгани билиниб турарди.

Марат бирдан унинг қўлларини маҳкам ушлади-да, кафтини қаттиқ қисганча ҳаяжондан овози титраб, илтимос қилди.

— Ҳилола, қўйинг... Нима кераги бор шу гапларнинг!— У кафти билан қизнинг иягидан кўтариб, ўзига қаратди.— Ҳилола...

Ҳилола кўзларини чирт юмиб олди. Унинг қалби титрар, қозир Марат ўзини ўпишини билар эди. Энди унинг қаршисида ёзувчи Марат Азизов эмас, фақат Марат, мана шу "ғалати бола" қолган эди.

Мактабни битириш кечасида Бахтиёр деган бола Ҳилолани биринчи марта ўпган, тирноғининг учидан пешонасигача ўпиб чиққан, сен бўлмасанг ўзимни ўлдираман, деб йиғлаган эди. Ҳозир у Маратнинг ҳам ёлворишини кутарди.

Аммо Марат ўпмади ҳам, ёлвормади ҳам.

Ҳилола секин кўзларини очди-ю, Маратнинг бутунлай бошқа томонга қараб турганини кўриб ҳайрон қолди. Ўн қадамча нарида, қоронғи бурчакда елкалари туртиб чиққан бир чол ҳассасининг учи билан ариқчага тўлиб қолган хазонларни титкилаб турарди. Марат ҳамон Ҳилоланинг иягидан тутиб турар, аммо чолдан кўз узмас эди. У Ҳилоланинг ўзига қараётганини сезди шекилли, сўради:

— Биласизми, шу чол нимани ўйлаяпти?

Ҳилола кўнгли чўкиб, бош чайқади.

— Йўқ! Сиз ёзувчисиз. Сиз билинг!

Марат кулди.

— Мен ҳам билолмай қийналяпман-да! Балки хазон бўлган умрини ўйлаётгандир. Балки шу ерда биринчи бор севгилиси билан учрашгандир. Одам умри қисқа қолганини пайқай бошласа, қилган хатоларини кўп эслайди-ку...

Ҳилола нохушлик билан юзини ўгирди.

Марат унинг кўнгли чўкканини сезди. Бирдан Ҳилоланинг кафтини олди-да, юзига босди.

— Ҳилола, менга ҳамроҳ керак, кўмакчи керак,— деди ҳаяжон билан.— Баъзан ўзимга ўзим шунчалик хунук, ожиз кўриниб кетаманки!..

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳилола унинг юзлари ловиллаб турганини сезди-ю, кафтини тортиб олмади.

* * *

Гоҳо, сутдек ойдин ёз кечалари ҳовли ўртасидаги супадами, чорпоядами ётганингизда, бирдан уйғониб кетасиз. Узоқ-узоқларда поезд овози эшитилади. Кейин элас-элас узоқлашиб бораётган ғилдираклар товуши қулоғингизга чалинади. Шунда сиз юрагингиз кўксингизга сиғмай типирлаб кетганини ҳис қиласиз. Алланечук олис, эртак каби гўзал бир олам кўз ўнгингизга келади.

Марат кўпдан буён ана ўша олам тасаввури билан яшар эди. Шу кеча уйғониб кетди-ю, бирданига ўзи кўпдан буён аниқ тасаввур қилолмай юрган оламни кўзгудек равшан кўрди.

Каравотдан сакраб турди-да, қўшни хонага, куз ҳавосида муздай бўлиб қолган, пастак шифтли хонага ўтди. Титроқ қўллари билан чироқни ёқди-ю, устига газета тўшалган стол қаршисига ўтирди. Бир ярим йилдирки, мана шу стол ёнига келишга юраги бетламай юрар эди. Бир ярим йилдирки, ўша сирли олам хаёлида тунлари уйқусиз кезиб чиқар, аммо унга киролмай азоб чекар эди. Бу — ижод олами эди.

У бу оламга кириш учун Римнинг тенгдоши бўлган Афросиёбни қаричма-қарич кезиб чиқди. Ўрта Осиёда яқингача аниқ фанлар йўқ эди, деган бемаъни даъвони рад этиш дардида бир ярим йил ёнди. Тарихнинг чанг босган сўқмоқларини киприклари билан авайлаб тозалагудек бўлди.

Бир ярим йилдирки, бўлажак китобининг қаҳрамонлари унинг атрофида айланиб юрарди-ю, аммо тутқич бермасди. Мана, бугун улар бирданига ўз оёғи билан Маратнинг қалбига кириб келди. Марат уларнинг чеҳрасидаги ҳар бир ифодагача, кўнглидаги ҳар бир ниятигача аниқ кўра бошлади. Мавҳум бир оламда қочиб юрган қаҳрамонлар энди уни ўз кетидан эргаштириб кетди.

Марат шаршарадек оқиб тушаётган фикр-туйғуларини тўкиб сола бошлади. Қўллари титраб, эгри-бугри ҳарфлар билан ёза кетди.

Энди уни ҳеч ким, ҳеч нима бу азиз оламдан суғуриб ололмасди.

Эшик ғийқиллаб очилганидан кейин Марат тонг ёришиб қолганини билди. У ҳамон қоғоздан бош кўтармай, кўз қири билан қараб қўйди. Остонада бошига тивит рўмол ўраб олган онаси турар эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Келинг,— деди Марат вазиятни ўзгартирмай.

Она унинг кетинг деган маънода айтганини тушунди. Ўғлининг одатларига аллақачон кўникиб кетган эди. "Ётиб дам ол", демоқчи бўлди-ю, бунақа пайтларда унинг ўжар, инжиқ бўлиб қолишини билгани учун шарпадай силжиб чиқиб кетди.

Онаси бир қўлида чойнак, бир қўлида қанд кўтариб кирганида Марат икки бобни битирган эди. Унинг кўзлари ачишар, кўп чекканидан бўлса керак, юраги санчарди...

* * *

Ҳилола эшикдан кириб келди-ю, дераза супачасига тирсаги билан таяниб турган Замирани кўриб, қувониб кетди. Қобил Қодирович ҳали ишга келмаган, қабулхона бўш эди. Ташқарида ҳаво булут бўлгани учун оқиш қандиллар эрталабдан ёқиб қўйилибди. Замира унинг қаршисига югуриб келди-да қучоқлаб олди.

— Жерси пальто олдим,— деди сепкилли юзи қувончдан қизариб.

— Вуй, бир кўрай!

Замира дераза супачасида ётган ўроғлиқ қоғозни очди:

— Кийиб кўргин, сенга ҳам лойиқ шекилли.

Пальто Ҳилолага лоппа-лойиқ келди. Бу — ўзи қачондан буён орзу қилиб юрган тўқ кул ранг пальто эди.

— Қаёқда бор экан?— деди у ялингудек бўлиб.

Замира сарғиш қошларини учириб кулди.

— Ҳо-о, ёзувчи акангиз топиб берсин...— У яна тегажаклик қилди.— Топиб бўпти! Ижодидан бошқа нарсани билмайди. Кеча қанақа бўлди?— деди у пальтони қоғозга ўраркан.

Ҳилола ундан сир яширмас, кеча ҳам висолга кетаётганини айтган эди.

— Яхши.— У Маратнинг кечаги гапларини эслаб ширин жилмайди.— Ҳеч тушунолмайман бу болани. Бир қарасанг, чолларга ўхшайди, бир қарасанг, ёш болага айланиб қолади.

— Янги ҳикояга қаҳрамон излаётгандир-да,— Замира жилмайиб туриб, уф тортди.— Ўртоғим бечора!.. Кеча сен билан кўришган, бугун бошқаси билан учрашади. Ёзувчининг хотини битта бўлмайди. Группамизда учрашув бўлганидан кейин ҳам бир қиз Марат Азизовга хат ёзавериб, эси кетган эди.

Илгарилари Ҳилола Замиранинг ҳазилларига парво қилмаса ҳам, бора-бора жаҳли чиқадиган бўлиб қолганди. Ҳозир яна ғаши кела бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хат ёзса ёзаверсин!— деди атайлаб бепарво оҳангда.— Менга нима?!

Замира шодон кулганча уни қучоқлаб олди.

— Ростини айтяпман-да, ўртоқжон. Мана!— У сумкасини титкилаб, буклоғлик газета чиқарди.— Ёзувчининг қанақа одамлигини ёзганидан билиб олса бўлади.

Ҳилола газетани бепарвогина қўлга олди. Бу — университетнинг кўп нусхалик газетаси эди. Учинчи саҳифада Маратнинг "Изтироб" деган ҳикояси босилибди.

— Пальтони Ригадан олиб келишди,— деди Замира эшикдан чиқиб кетаётганида.

Ҳилола эшитмади. Эшик ёпилиши билан ҳикояни шошилиб ўқий бошлади. Бу Маратнинг талабалик даврида ёзган ўртамиёна ҳикояси эди. Воқеани бир курсдоши айтиб берганди. Ҳикояда севгисига хиёнат қилган йигитнинг изтироблари тасвирланган. Марат уни психологик тажриба учун ёзган, шу боис ҳикояни китобига киритмаганди.

Ҳилола ҳикояни ўқиди-ю, кўнглида оғир ғашлик уйғонди. Шу куни у кечгача қандай ишлаганини билмади.

* * *

Марат редакцияга тушдан кейин келди. Йўлакда муҳаррир билан кўришиб қолди. Муҳаррир совуққина саломлашди-да, ўтиб кетди.

Марат тушунди. "Уч кун ишга келмаганим учун ранжиган". Аммо у парво қилмади. Ҳозир дашном эшитишдан ҳам, ишдан ҳайдалишдан ҳам чўчимасди. Мана, тўрт кундирки, у ўзга бир оламда — ўз китобининг оламида яшаяпти. Тўрт кундирки, кеча-кундуз қулоғи остида майин бир куй жаранглаб турибди. Бу куй унга куч бағишлаб, қалбини нурли туйғуларга тўлдириб юборяпти. Бу куй тўхтамагунча у ҳеч нимани тан олмайди.

Кечқурун Марат Ҳилола билан учрашиши кераклигини эслади. Ўша — охирги марта кўришганларида у янги спектаклга тушамиз, деб ваъда берган эди.

Марат етиб келганида Ҳилола каттакон ойнабанд афиша олдида турарди. "Худди оққушга ўхшаб қолибди", деб ўйлади у Ҳилоланинг қўлини қисаркан. Чиндан ҳам Ҳилола оқ кўйлак, оқ кофта, оқ туфли кийиб олганди.

Марат Ҳилола ўзининг оёқларига тезгина қараб қўйганини кўрди-ю, беихтиёр шими дазмолланмаганини эслади. "Соқол масаласи ҳам чатоқ бўлса керак", деб ўйлади у.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бугун театрга тушмаймиз.

Ҳилоланинг кўнгли бир қалқиб тушди.

— Нега?— деди овози титраб. Ҳилола оилада кенжа қиз бўлганиданми, эрка эди. У кеча дадасига жанжал қилиб, театрга кийиш учун атайлаб оқ кўйлак олдирган эди.

— Нега?— деди Ҳилола алам билан Маратнинг кўзларига тикилиб. Шу топда унинг кўзлари қизариб кетганини, ранги сарғайиб, лабининг икки четида чуқур-чуқур чизиқчалар пайдо бўлганини пайқади.

Марат янги спектакль ҳам тарихий мавзуда эканини эшитганди. У китобини битирмагунча биронта томоша кўрмаслик, биронта китоб ўқимасликка қарор қилган эди. Фикри чалғиб кетишидан қўрқарди.

— Ишим бор,— деди у. "Янги нарса ёзяпман", дегиси келмади. "Туғилмаган болага от қўйишнинг нима кераги бор. Ким билсин, балки асар яхши чиқмас". У ёзаётганини бошқалар у ёқда турсин, ўзидан ҳам қизғанарди.

— Нима иш?— деди Ҳилола умидсиз оҳангда. У негадир Замиранинг гапларини эслади. "Бугун сен билан кўришади, эртага бошқаси билан..."

— Кетамиз,— Марат уни қўлтиқлаб олди-да, троллейбус бекатига бошлади.— Кейин,— деди у жилмайиб.— Кейин айтаман.

Ҳилола троллейбусга чиқиб кетди. Марат эса ўз оламига йўл олди.

* * *

Ниҳоят Марат қиссасига нуқта қўйди. Уч ҳафтадан буён вужудини ларзага солиб, кеча-кундузнинг фарқига бормай ишлашга мажбур этган фикру туйғулари ниҳоясига етди. Кўп қаҳрамонлар тақдири ўзи бошда ўйлаганидан ўзгачароқ бўлиб чиқди. Кўп қаҳрамонлар уни қўғирчоқдек ўйнатиб қўйди.

Марат қаттиқ толиққанини, йиқилгудек бўлиб қолганини шундагина пайқади. Аммо унинг руҳи тетик, кайфи чоғ эди. У яхши асар ёзганини биларди.

Шу кунлар давомида Ҳилола билан ҳам дурустроқ гаплашмаганини, қиз ундан қачондир негадир ранжиб қолганини туш каби ғира-шира эслади. Министр қабулига ҳамон кирмаганини, редакциянинг биронта ишини қилмаганини энди ўйлай бошлади.

Редакцияда чиндан ҳам иш тўпланиб қолган экан. Марат боши билан шўнғиб кетди. Хатларни кўздан кечирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёш қаламкашлар билан гаплашди. Кечга яқин Ҳилолага қўнғироқ қилиб, кўришамиз, деб тайинлади.

У энди кийиниб, чиқиб кетаётган эди, қўнғироқ жиринглаб қолди.

"Ҳаваскор шоирлардан биронтаси шеърининг тақдирини сўраса керак". У бир қўли билан ёмғирпўшининг тугмаларини қадаркан, бошқа қўли билан гўшакни кўтарди.

Қандайдир нотаниш аёл овози уни сўради:

— Мен эшитяпман,— деди Марат охирги тугмани ҳалқадан ўтказаркан.

Гўшак узоқ вақт жимиб қолди-да, йиғи овози эшитилди.

Марат ҳайрон бўлиб жойига ўтириб қолди.

— Кечирасиз, кимсиз?— деди Марат девордаги соатга тезгина қараб олиб. Беш минути кам олти эди.

— Сиз мени танимайсиз,— нотаниш овоз йиғи аралаш хўрсинди.— Сиз билан маслаҳатли ишим бор.

Марат эртага келинг демоқчи бўлди-ю, айтолмади, кўнгли бўлмади.

— Келинг ҳозир,— деди яна соатга қараб,— иккинчи қаватдаман.

Марат гўшакни қўйди-да, чироқни ёқди. "Ҳилола кутиб қоладиган бўлди-да", деб ўйлади кўнгли ғаш бўлиб.

Бир оздан кейин эшик очилиб, остонада кўҳликкина қиз кўринди. Ёмғирпўшининг елкалари, қўлидаги соябони жиққа сув эди. "Ёмғир ёғаётган экан,— Маратнинг кўнглидаги ғашлик яна кучайиб кетди.— Ҳилола хафа бўлади-да".

Қиз ичкарига киришга қўрққандек ҳамон остонада турарди.

— Ўтиринг,— деди Марат диванни кўрсатиб.

Қиз диваннинг бир чеккасига омонатгина ўтирди-да, қизариб кетган кўзлари билан унга қараб қўйди.

— Вақтингизни олдимми?

— Нима бўлди, синглим?— деди Марат ёмғирпўшини ечиб, стул суянчиғига ташларкан.— Нега хафа бўляпсиз.

Қиз унга бир қараб қўйди-ю, яна кўзларида ёш қалқиди.

— Мен сизни яхши биламан,— қизнинг ўпкаси тўлиб ҳиқиллаб қолди.— Сиз яхши, олижаноб одамсиз.

Марат гапининг давомини кутиб, индамай ўтираверди.

Қиз ёмғирпўшининг чўнтагидан рўмолча олиб, кўз ёшларини артди.

— Бир йигит бор эди.— Қиз юзини дераза томонга бурриб олди.— Бир-биримизни яхши кўрардик. Мен дарс тайёрлагани унинг ётоқхонасига бориб турардим...— Қиз жи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

миб қолди-да, бирдан ҳўнграб юборди.— У мени алдаб кетди. Армияга кетиб қолди.

Марат тушунди. Кўнглини кемираётган ғашлик бошини сирқиратиб юборди. У кафти билан пешонасини чангаллаганча сўради.

— Энди нима қилмоқчисиз?

Қиз ярқ этиб унга қаради.

— Ўзимни ўлдираман.

— Бўлмаган гап!— Марат қўлини шартта туширди-да, совуққина гапирди.— Ўзини ўлдирадиган одам аввал эълон қилиб, кейин ўлдирмайди.

Қиз аччиқ ҳақиқатни шундоққина кўз ўнгига келтириб қўйган Маратга ҳайрон қараб қолди.

— Онангиз бормилар?— деди Марат бир оз юмшоқ оҳангда.

Қиз асабийлик билан қўл силтади.

— Улар нимани тушунарди? Эски одам... Эрга берамиз деб ётишибди.

"Қачондан буён сен янги одам бўлиб қолдинг! — деб ўйлади Марат ғижиниб.— Дуч келган одамнинг олдида қучоғини очиш янгилигу номусли бўл дейиш эскиликми? Муҳаббат эркинлиги енгилтаклик дегани эмас-ку ахир!"

У сигаретанинг учини асабий эзғилаб, чекди. Марат кўпдан буён шу гапларни ўйлаб юрарди. Мана, яна бир мисол. У ўзини босиб олди. "Бу қиз танбеҳ эшитгани эмас, маслаҳат сўрагани келган-ку".

— Хат ёзяптими?— деди у хотиржам оҳангда.

— Эрга тегиб кетавер, дебди.— Қиз уф тортди.

— Нега шунақа деб ёзганини биласизми?

Қиз маъюс бош чайқади.

— Сизга ишонмаяпти!

Қиз бунисини ҳеч ўйлаб кўрмаган бўлса керак, киприкларини ҳайрон пирпиратди.

— Нега ишонмайди?

— Сиз ҳар сафар йиғлаб ёзаверманг,— деди Марат унинг саволини эшитмагандек.— Энди сиз қанча ялиниб ёзсангиз, у шунча узоқлашиб кетаверади.

— Нима қилай бўлмаса?— деди қиз ўкинч оҳангида.

— Эртага унинг хатларини олиб келинг,— деди Марат ўрнидан туриб.— Биргалашиб жавоб ёзамиз. Мен айтиб тураман, сиз ёзасиз.

У ёмғирпўшини кийди-да, эшикни очди.

— Келишдикми, эртага ёзамиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қизнинг кўнглида умид чироғи ярқ этиб кетди шекилли, секин шивирлади:

— Раҳмат...

* * *

Марат симёғоч тагида елкаларини қисиб, ёмғирдан жунжикиб турган Ҳилолани узоқдан кўрди-ю, юраги зириллаб кетди.

"Ёмғирпўш киймаган экан". У қоп-қора йўлкада ёмғирдан ялтираб ётган чироқ нурларини босиб югуриб борди-да, Ҳилолани билакларидан тутиб ўзига қаратди.

— Кечиринг!

Ҳилола Маратнинг қўлини силтаб ташлади. Унинг сочлари ҳам, пуштиранг жемпери ҳам ивиб кетган, ранги сўлғин кўринарди.

— Кечиринг,— деди Марат яна ялинч оҳангда. Кейин ёмғирпўшини ечиб, Ҳилоланинг елкасига ташлади.

— Қочинг! Уятсиз!— Ҳилола ёмғирпўшни силтаб ташлади. Унинг ҳўл енги Маратнинг юзига шапиллаб урилди.

— Хайр!— Ҳилола кескин бурилди-да, сумкасини силкитганча, кўлмак сувларни сачратиб чопиб кетди.

Марат нариги симёғоч тагида унга етиб олди. Муздай елкаларидан ушлаб, энтикканча шивирлади:

— Тушунсангиз-чи, ахир. Бир қиз билан гаплашдик. Биров ёрдам сўраб турганида ташлаб кетолмайман-ку.

Ҳилола шартта бурилиб қаради. Унинг сўлғин юзидан ёмғирми, кўз ёшими оқиб тушар эди.

— Сизнинг қизларингиз кўп,— деди у овози титраб.— Одамларингиз кўп!

— Бугун шунақа бўлиб қолди-да, нима қилай?— Марат ёмғирпўшини яна унинг елкасига ташлади. Ҳилола тағин силтаб юборди. Ёмғирпўш лойқа кўлмак сувга тушди.

— Шилқимлик қилманг!— деди Ҳилола йиғи аралаш.— Театрга борганда-чи, кутубхона олдида кўришганимизда-чи, музейга бормоқчи бўлганимизда-чи!— У яна чопиб кетди.

Марат эгилиб ёмғирпўшни олди. Ҳилоланинг қадам товушлари тез узоқлашиб борарди. Шундагина у бу қизни севиб қолганини, қаттиқ севиб қолганини чуқур ҳис этди. Юрагининг бир парчаси узилиб кетаётгандек яна унинг кетидан югурди. Боғ четида етиб олиб қўлидан тутди.

Ёмғир ҳамон шивалаб ёғар, Марат энди ёмғирпўш лой бўлганини, уни Ҳилолага кийгизиб бўлмаслигини ўйлаб қийналарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳилола... унда...— деди нафаси қисилиб.— Унда мен бир нарса ёзаётган эдим.

— Нарса ёзаман деб ҳаммадан кеча қолинг.— Ҳилола энди йиғламас, овозида темирдек қатъият бор эди.

— Бошқа иложим йўқ эди,— деди Марат секин.

— Иложим йўқ денг?

Марат унинг титраб турган лабларига қараб бошини қуйи солди.

— Йўқ.

Ҳилола бундай жавобни кутмаган эди. У Маратнинг ялинишини хоҳларди.

— Бўлмаса,— Ҳилола овози қалтираб такрорлади.— Бўлмаса мендан кеча қолинг!

Марат ҳамон бошини қуйи солиб турар, цемент йўлкага ёпишиб ётган хазонни оёғининг учи билан эзғилар эди.

— Мен айтгандим,— деди у сокин оҳангда.— Менга дўст керак, ҳамроҳ керак, дегандим...

— Йўқ, айтсангиз-чи, ижодингиз учун мендан кеча қолинг! Ўзингиздан бошқа ҳеч кимни ўйламай қўя қолинг!

Марат унинг кўзларида ғазаб борлигини кўриб, кўнгли оғриди. Наҳотки у чиндан ҳам фақат ўзини ўйлаётган бўлса?! У шу кунгача бирон марта дуруствроқ ўйлаб кўрмаган гапларни Ҳилоладан эшитиб ҳайрон бўлди. Ахир у одамларга ўхшаб башанг кийинишни, танцаларга боришни, уй-жой солишни шунчаки майда гаплар деб юрардику. Наҳотки келиб-келиб энг яқин одами бўлиб қолган, қалбининг нурли бир парчасига айланган мана шу қиз унга таъна қилса?

— Айтинг!— деди Ҳилола ҳамон лаблари титраб. Кўзларида совуқ ўт ялтираб кетди.

Шундагина Марат бу қиз уни ҳеч қачон тушуна олмаслигини, ўзи ўйлаганидан кўра каттароқ эътибор талаб қилишини аниқ ҳис этди.

— Ҳилола,— деди қизнинг кўзларига қарамасликка ҳаракат қилиб.— Мен бошқача яшай олмайман, балки иккимиз ҳам адашгандирмиз. Сиз тўғри айтяпсиз.— У бир лаҳза ўйланиб турди-да, негадир жилмайди.— Бир умрлик ташвишимга сизни шерик қилишимнинг нима кераги бор?

У кескин бурилди-да, чироқ нурида ялтираб ётган ҳалқоб устидан сакраб ўтди. Нарироққа бориб қайрилиб қаради. Ҳилола ҳалқоб олдида бошини қуйи солиб турарди.

Марат томоғини аламли бир ўт ёндираётганини пайқади-ю, ёмғирпўш ушлаган қўлини баланд кўтарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хайр,— деди овози титраб.— Мендан ранжиманг.— У охирги сўзларини иложи борича хотиржам айтишга ҳаракат қилди.— Бахтли бўлинг, Ҳилола!

Ҳилола у томонга сал эгилгандек, ишончсиз бир қадам қўйгандек бўлди. Аммо Марат энди қайрилиб қарамади. Илондек ялтираб ётган йўлкадан секин-секин юриб кетди.

Ҳамон ёмғир савалар, дарахтларнинг сарғайган япроқлари чироқ нурида хира йилтиллар эди. Аллақаёқда хазон тутаётган бўлса керак, аччиқ бир ис унинг димоғини куйдирарди.

У ёмғирпўшини осилтирганча, кўлмак кечиб борар, боя редакцияга йиғлаб келган бахти қаро қизнинг аччиқ қисматини ўйлар, ўзи эса қаёққа кетаётганини билмас эди.

1969

ДЕҲҚОННИНГ БИР КУНИ

Муяссар тонг-саҳарда уйғониб кетади-ю, Алижоннинг бир текис, чуқур-чуқур нафас олишига қулоқ солиб, жимгина ётади. "Қачон қайтганини билмабман ҳам", деб ўйлайди у сатин кўрпадан бошини чиқариб. Девордаги осма соат беш марта занг уради. Унинг титроқ садолари уйнинг шифтига, залдеворлар, кирпечлар осилган деворларга юмшоққина урилиб, сингиб кетади. Уй ичи яна жимжит бўлиб қолади. Соат капгири сукунат қўйнида гоҳ секин, гоҳ қаттиқроқ чиқиллаётгандай бўлади. Ой деразадан ўйчан мўралайди. Муяссар эрининг елкасидан қучгиси келади-ю, ўйлаб қолади: "Чарчаган, дам олсин..."

У ўрнидан оҳиста сирғалиб чиқади. Сандиқ устида ётган нимчасини кийиб олади-да, яна эрининг тепасига келади, узоқ қараб қолади. Алижоннинг кенг, таранг пешонасига майда тер тепчиб чиқибди. "Бечорагинам,— деб ўйлайди Муяссар ундан кўз узмай,— бирам толиқибдики, дўпписини ҳам олиб қўймабди".

У эрининг пешонасини кафти билан авайлабгина артади. Кейин айвонга чиқади.

Айвон лабига тегиб турган гултожихўрозлар бошида, ҳовли этагида уйиб қўйилган ғўзапоялар устида шабнам ялтирайди. Юм-юмалоқ тўлин ой қишлоқни ўзининг нурли йўргагига ўраб, уйқута, ширин тонг уйқусига чорлайди, ундамунда юлдузлар мудрайди. Аммо, қишлоқ аллақачон уйғон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган. Ҳар қайси ҳовлининг бурчагида туннинг бахмал пардасини парчалаб ўт ялтирайди: одамлар тандирларига олов ёқишган.

Муяссар ҳам айвондан чаққон сакраб тушади-ю, самоварга ўт ташлайди. Кейин ўчоқ бошидан супрани олиб келиб, чўккалаб ўтирганча хамир қоради. Тоғорани дастурхон билан ўраб-чирмаб, ҳовли бурчагидаги уйилиб ётган ғўзапоялар олдига боради. Бир кучоқ ғўзапоя олаётганида, қўлларини ҳавода муаллақ тутганча тўхтаб қолади. Пастак деворнинг орқасидаги, қўшни ҳовлидаги бир туп ўрикнинг дув тўкила бошлаган япроқлари тонг шамолида оҳиста пирпирайди. Муяссарнинг яқин ўтмишини, кечаги кунларини ёдига солгандай шивирлайди. Бир пайтлар мана шу ўрик шохига арқон илиб арғимчоқ учарди. Шу ўрикнинг ғўрасини биринчи бўлиб ўзи ерди.

Энди у шўх қизалоқ эмас, келин. Девор-дармиён қўшнисига тушган. Дадаси ҳам уларга — Муяссар билан Алижонга ўз қўли билан оқ фотиҳа берган. "Алижон яхши йигит, ўзимизнинг синашта бола. Етим ўсган. Бир-бирига кўнгил қўйибди, бўлди-да", деган.

Муяссар тўй куни дадаси қанчалик узундан-узоқ дуо қилганини эслаб жилмайиб қўяди-ю, ғўзапояни олиб тез-тез юриб кетади. Қоқ-қуруқ ғўзапоя гув ёнади, юзига олов тафти уради.

У энди уй томонга юрганида бузоқ маърайди. Сигир ҳам Муяссарнинг қадам товушларидан уйғонгандай аста мўъраб қўяди.

Муяссар айвон лабидаги каттакон сирли челакни кўтариб хашак иси анқиб турган оғилхонага киради. Нимқоронғи бурчакда ётган сигир ўрнидан туради.

"Таги ҳўл бўлибди, тозалаш керак", деб ўйлайди у. Кейин сигирнинг елинини ҳўлланган эски сочиқ билан тозалаб артади-да, чўққайиб ўтирганча соға бошлайди. Илиқ сут томчилари челакка шовуллаб тушиб, кўпириб кетади, билакларига сачрайди.

Челак тўлганидан кейин қозиқ атрофида айланиб, онасига талпинаётган бузоқчанинг арқонини ечиб юборади. Бузоқ шодон диканглаб, сигир тагига кириб кетади.

Муяссар болаликдан одат бўлиб қолган чаққонлик билан нон ясайди. Бир сават қилиб тандир олдига кўтариб боради, битта-биттадан ёпа бошлайди. Охирги нонни ёпади-ю, енгил нафас олади.

— Муяс!

www.ziyouz.com kutubxonasi

У эрининг овозини эшитиб, чаққон бурилиб қарайди. Беқасам тўнини елкасига ташлаб олган Алижон айвон лабида унга қараб турибди.

— Келинг!— дейди Муяссар обдастага сув қуя туриб.

Алижон айвондан илдам тушиб, гулзор лабига келади. Муяссарга тикилиб жилмаяди.

— Пунктда навбат кутиш ёмон-да, Муяс... Ҳар кеча юзталаб машина қаторлашиб кетади. Қўйиб берса тонг отгунча тураверасан, киши,— дейди секингина. Муяссар унинг кеча уйга барвақт қайтолмагани учун узр сўраётганини тушунади.

Эрининг бақувват елкасидан ушлаб жилмаяди...

— Энгашинг.

Алижон ҳам унинг аразламаганини пайқайди-ю, бошини қуйи солади.

— Мана, бошим сизники,— дейди кулиб.

Муяссар сув қуя бошлайди. Алижон муздай сувдан сесканиб, пишқира-пишқира ювинади.

— Ювинаётганингизда ҳар доим отга ўхшаб пишқирасиз-а... Қаранг, кўйлагимни жиққа сув қилиб юбордингиз,— дейди Муяссар ҳўл бўлган этакларини кўрсатиб.

Алижон бош кўтариб астойдил ялинади:

— Ҳеч бўлмаса тойчоқ денг, Муяс.

Муяссар унинг ёш болалардай бошини бир ёнга ташлаб туришига қараб, кулиб юборади.

Шу ондаёқ тандирдаги нон эсига тушади-да, югуради. Қўллари куя-куя бир сават нон узиб олади.

Тонг ёришади, тун қуши қоп-қора қанотларини йиғиб, қишлоқ устидан олисларга учиб кетади, чор-атроф одатдаги қий-чувга тўлиб-тошади.

Икковлари шоша-пиша ширчой ичишади. Алижон тушлик овқатини белбоғига тугади-да, машинасининг ёнига кетади. Дарвозахона томондан моторнинг гулдираган овози эшитилади. Кабина эшиклари қарсиллаб ёпилади.

Муяссар уйни наридан-бери йиғиштиради-да, икки четида қатор-қатор тераклар шовиллаб турган тошлоқ йўлдан дала томон юриб кетади. Узоқда, тоғ ортидан қуёш бош кўтаради. Қишлоқ сув қуйгандай жимиб қолади. Пахтазор катта-кичик — ҳаммани, ҳатто мактаб болаларигача ўз комига тортган.

Муяссар этакни белига боғлаб олганча пайкалга шўнғийди. Пахталар ёноғига илинган қиров секин-секин шудрингга айланади. У эсини танигандан бери ўрганиб кетган иши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни тағин қайтадан бошлайди. Зум ўтмай этак тўлиб-тошади. Бора-бора бели сирқиллаб оғрий бошлайди. Зах, юмшоқ эгат ичига этакни ағдаради-ю, яна қайта боғлайди. Кўз ўнгидан ўнлаб, юзлаб, минглаб чаноқлар бирма-бир ўтади. Гоҳо шундай боши айланиб кетадики, кўзини юмса, тасаввурида оппоқ чаноқлардан бошқа ҳеч нарса кўринмай қолади. Аммо у тўхтамайди. Энгашиб олдинга интилаверади.

Пешинга яқин кун қиздира бошлайди. Муяссар нимчасини ечиб ташлаб, тағин ғўзалар орасига шўнғийди.

Шу пайт мулойим куз қуёшида эриган юмшоқ ҳавони титратиб, ҳисобчи Шоқосим аканинг таниш овози янграйди.

— Ҳой, ҳо-ой қизларов, овқатга-е-е!

Унинг товуши пахтазор устида анчагача элас-элас садо бериб туради.

Муяссар терган пахталарини уйиб, этакка босади, юкнинг оғирлигиданми, ўйга толибми, бошини қуйи солганча, хирмонга чиқиб боради.

Шоқосим ака этакни темир тарозига қўйиб, тошни сураркан, салқи қовоқларини липиллатиб Муяссарга қараб қўяди. Бурушиқ юзи оқариб кетгандай бўлади:

— Қирқ саккиз кило... Мазангиз йўқ-ку, келин!

Муяссар унинг нимага шама қилаётганини билиб, ғижинади. "Ўйин-кулгидан бўшамай қолдинг", демоқчи-да.

У бир гап билан қайириб ташлагиси келади-ю, ёшини ҳурмат қилиб, ўзини тияди. "Майли, — деб ўйлайди пахтани хирмонга ағдара туриб.— Бу одамнинг одати шу. Юз йил асал билан боқсангиз ҳам оғзидан ширин гап чиқмайди".

Қизлар каттакон қайрағоч соясида, ҳовуз лабида ўтириб тушлик қилишади. Қайрағоч шохларида юз-юзлаб чумчуқлар чирқиллайди. Қаёқдандир шамол келиб, ҳовуз юзидаги майда-майда жилолар елкасига миниб олади.

Орқа томондан машина сигнали эшитилади.

— Раис бува келяптилар!— дейди қайсидир қиз қўнғироқдай овоз билан.

Баланд бўйли, қотма, тетик раис очиқ чеҳра билан ҳайқиради:

— Ҳормanглар, қизлар!

Қизлар қувноқ саломлашишади.

— Баракалла, қизлар!!! Яшанглар! План тўлган куни ҳаммангизни Тошкентга — томошага олиб бораман.

— Нақ Тошкентнинг ўзигами?— дейди орқароқда ўтирган қизлардан бири ишонқирамай.

— Нақ Тошкентнинг ўзига!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Панарамага ҳам тушамизми?

Раис беғараз қаҳқаҳа уради:

— Ўша панарамага тушамиз-да!

Раис яхши одам. Чиндан ҳам ҳар йили қизларни бирикки марта шаҳарга — театрга олиб боради.

— Қани,— дейди у ҳаммага бир-бир қараб.— Ким энг яхши ишласа, ўшани келин қиламан! Хоҳласа, механизаторлар курсига жўнатаман.

Ҳовузда косасини юваётган қоп-қора қиз — Эътибор елкаси оша ўгрилиб қараб, бижир-бижир қилиб гапириб ташлайди:

— Ўзи битта ўғлингиз бор, қайси биримизни келин қиласиз? Уям бўлса шаҳарда ўқийди. Ким билсин, ҳали болачақасини бошлаб келадими.

Ҳамма қаҳ-қаҳ уриб кулади, раис ҳам.

...Яна ўша пайкаллар, чаноқлар, пахталар... Муяссар тағин ишга шўнғиб кетади... Қўллари яна чаноқлар устида ўйнайди. Оқшом шафағи юзига кул тортганида пайкалдан чиқишади. Муяссар уйга қайтишдан олдин канал бўйига келади: сигирга ўт юлиш керак. Муяссарнинг ёнгинасида чигиртка наъмасини бошлайди. Оромли сукунатни чуқурлаштириб, узоқ, тинимсиз чириллайди. Сув юзида балиқ сакрайди. Чўлп этган овоз эшитилади-ю, яна сукунат қуйилиб келади. Аллақаёқдан учиб келган балиқчи қуш сувга шўнғийди. Шу ондаёқ қийқириб ҳавога кўтарилади. Муяссар қирғоқда ўсиб ётган барра майсаларни шарт-шурт юлишга тушади. Алланечук қадрдон, маст қилувчи кўкатлар исидан боши айланиб кетади. Сув юзи қоп-қорайиб қолади. Энг аввал уйғонган шошқалоқ бир юлдузча канал сувига шўнғийди. Гоҳ жилоларда кўмилиб кетади, гоҳ яна қайтиб чиқади.

Орқа томондан мотоциклнинг гуриллаган товуши эшитилади. Мотоцикл сукунатни тилка-пора қилиб яқинлашади-ю, унинг ёнида таққа тўхтайди.

— Яна колхознинг ўтини юляпсанми?

Муяссар қайрилиб қарамасданоқ танийди. Ўша — Шоқосим ака. У секин бошини кўтариб қарайди. Ҳисобчи мотоциклининг эгаридан тушгиси келмай, бир оёқлаб ерга тиралиб турган бўлади. Муяссар унинг юзини ғира-шира қоронғида аниқ кўрмаса ҳам, қовоқлари пир-пир учиб турганини пайқайди.

Бу одам шунақа ўзи: отдан тушса ҳам эгардан тушгиси келмайди. Бир вақтлар раис бўлган экан. Унда Муяссар қиза-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лоқ эди. Бир куни сигири пахтазорга тушиб кетгани учун Қоравой тақачининг тўққиз яшар ўғлини ўлар ҳолатда дўппослаган.

Шоқосим ака ҳалиям ўша кунларни қўмсайди. Менга одамларнинг димоғ-фироғи эмас, пахта керак, дейди. Муяссар бу сафар ҳам олишиб ўтирмай, қишлоққа қайтади. У энди ўчоққа олов ёққанида эшикдан ола сигир мўъраб кириб келади. Муяссар гулларни пайҳон қилиб ташламасин деб, дарров арқонлайди. Каттакон сирли челак яна илиқ, серкўпик сутга тўлади. Муяссар бузоқчани ечиб юборади.

Таом пишгандан кейингина Муяссар қаттиқ толиққанини сезади. Уч-тўрт жазни оғзига солади-ю, товоқни беркитиб қўяди. "Ҳали Алижон акам келса, биргалашиб овқатланамиз".

Лекин Алижон ҳали-бери қайтмаслигини ўзи ҳам билади. Терим кунлари шофёрлар кеча-кундузнинг фарқига бормай қолишади.

Гузар томондан баланд мусиқа янграйди. "Клубда кино бўляпти,— деб ўйлайди Муяссар жимгина қулоқ солиб.— Қанақа кино экан?"

У уйга кириб, чироқ ёқади. Бурчакдаги тошойнага ўзини солади. Қорақош, қоракўз, мўъжазгина қиз унга қараб жилмайиб туради. Бирдан унинг шўхлиги тутиб кетади-ю, ўзининг аксини ўзи масхара қила бошлайди. Тилининг учини чиқариб, бошини ликиллатиб қўяди. Кейин майин жилмайиб, ойна токчасидаги упани олади. Упага ботирилган пахтани юзига яқинлаштириши билан тўхтаб қолади.

"Яна қўлим ёрилибди". Ғўзапоя тирнаб ташлаган қўлларига қарайди. Тағин жилмайиб қўяди. Мана шу нозик, чайир бармоқлари, тиқмачоқдай қўллари билан аллақачон ўзига ҳайкал битгулик ишлар қилиб қўйгани, бугун ҳам ўша ҳайкалга яна жило бергани унинг хаёлига ҳам келмайди.

Кейин ухлаб қолишдан чўчиб, ечинмасдан ўрнига чўзилади-ю, кута бошлайди. Ана, кўчадан машина овози келди. Муяссар илдам қаддини ростлаб ўтириб олади. Мотор товуши кучая-кучая яқинлашади-да, яна секин-секин узоқлашиб кетади. "Йўқ, Алижон акам эмас. Идора томонга ўтиб кетди-ку".

У шифтга тикилиб узоқ ётади. Лекин энди мотор овози келмайди. Итлар акилламайди. Бедана ҳам сайрамайди. Қишлоқни уйқунинг сукунат тўлқинлари ўз бағрига олади.

Фақат қаердадир — узоқда алла эшитилади. Қайсидир она ўз кичкинтойининг бошида қўшиқ айтяпти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муяссар ширин жилмайиб қўяди. Мана, бир йилдан кейинми, икки йилдан кейинми ўзи ҳам она бўлади. Ўшанда ўзи ҳам шунақа сокин кечаларга жон киритиб, алла айтади. Бир вақтлар аяси кенжа укасига алла айтаётганида қулоқ солиб ўрганиб олган.

Уйқу унинг ҳам киприкларини алдаб-алдаб қовуштириб кетади. Муяссар толиққан оёқ-қўлларини ёзганча, донг қотиб ухлаб қолади.

У туш кўради. Тушида жажжигина қизалоқ эмиш. Ўрикнинг шохига арқон ташлаб арғимчоқ учаётганмиш. Ўрик қийғос гуллаганмиш. Арғимчоқ ҳар силкинганида унинг бошига бир дунё гул сочилармиш. Арғимчоқ борган сайин қаттиқроқ лопиллармиш. У борган сайин баландга, осмонфалакка чиқиб тушармиш. Ер ҳам, осмон ҳам, арғимчоқнинг арқони ҳам — ҳаммаёқ гул эмиш. Оқиш, пушти гул эмиш. У хандон уриб кулармиш. Кўзларидан ёш чиқиб кетармиш...

У туш кўради. Аммо ой фонусининг пилигини пасайтира бошлайди. Кунчиқар томонда осмон сутдай оқиш рангга киради. Янги кун бошланади.

1967

www.ziyouz.com kutubxonasi

САҲНА АСАРЛАРИ



ИНСОН САДОҚАТИ

Икки кўринишли руҳий драма

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Қатнашувчилар:

Элёр — олим, 28 ёшда.
Фарида — унинг шогирди, аспирант, 24 ёшда.
Қосимжон — савдо ходими, 28 ёшда.
Лола — талаба, 21 ёшда.
Аёл врач — 40 ёшларда.
Ҳамшира — 20 ёшда.
Элёрнинг отаси — ветеринария врачи, 55 ёшда.
Элёрнинг онаси — таржимон, гид, 50 ёшда.
Профессор — Фариданинг отаси, 60 ёшда.
Онанинг ёшлиги.
Отанинг ёшлиги.

Залда чироқ ўчгач тўсатдан сирена фарёди портлайди. Репродуктордан машинанинг гувиллаган овози, яна сирена янграйди. Кейин фарёд кескин тўхтайди. Репродуктордан соатнинг чиқиллагани эшитилиб туради. Шу аснода қоронғида Профессор билан Ҳамширанинг савол-жавоби эшитилади. Уларнинг ўзи кўринмайди.

Профессор. Ёзинг, ҳамшира, фамилияси — Маҳмудов.
Ҳамшира (*такрорлайди*). Маҳмудов.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Профессор. Элёр.

Ҳамшира. Элёр.

Профессор. 28 ёшда.

Ҳамшира. 28 ёшда.

Профессор. Космик нурлар хусусиятини ўрганиш лабораториясининг мудири. Техника фанлари номзоди.

Ҳамшира. Номзоди.

Профессор. Диагноз — стенокардия хуружи.

Ҳамшира. ...хуружи...

Профессор. Бирламчи текширишга кўра, қон таркиби шубҳали.

Ҳамшира. Бирламчи текширишга кўра...

Профессор (*жеркиб*). Ҳар битта гапни қайтаришингиз шартми?!

Ҳамшира. Кечирасиз, профессор.

Профессор. Ўн тўртинчи палатага ётқизилсин!

Парда очилади. Иккита каравот. Бирида — Қосимжон, иккинчисида Элёр ётибди. Профессор ухлаб ётган Элёрнинг оёқ томонида ўтириб унинг томир уришини эшитяпти. Аёл врач билан ҳамшира тик туришибди. Қосимжон ётган ерида бўйнини чўзиб, қараб-қараб қўяди, гапиришга ботинолмайди. Эшик оҳиста очилиб, елкасига оқ халат ёпинган Фарида киради.

Профессор (*жаҳл билан*). Тағин нима гап?! (*Эшик томонга ўгирилиб, ҳайратда қолади.*) Фарида, сен нима қилиб юрибсан?

Фарида. Кечирасиз, дада, Элёр ака... Биз бирга ишлаймиз...

Профессор. Шундай дегин... Бундан чиқди...

Фарида (*хавотирланиб*). Нима, "бундан чиқди?"

Профессор. Йўқ... Шунчаки ўзим. Хавф ўтди. Аммо...

Фарида. Дада, тўғрисини айтинг... Шу... ростми?

Профессор (*қизини эшик томонга етаклаб шивирлаб гапиради*). Афсуски, дастлабки анализлар оққон касаллиги борлигини тасдиқлаяпти. Нурланиш натижаси бўлиши мумкин.

Фарида (*изтиробда*). Дада, бу... бу — ракми?

Профессор (*бошини қуйи солиб*). Ҳа...

(*Фарида чўчиб Элёрга талпинади. Қосимжон қўрқиб қаддини ростлайди, аммо оҳ чекиб, қорнини чангаллаганча ётиб қолади.*)

Профессор (*Қосимжонга хавотирланиб қараб*). Нима бўлди? Нима гап?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қосимжон (*хавотирда*). Юқмайди-а?

Профессор. Нима юқмайди?

Қосимжон (*бармоғи билан кўрсатиб*). Анови... рак?

Профессор. Биринчидан, сиз ошқозони яра одамсиз. Ҳадеб безовта бўлаверманг. Иккинчидан, ўтакангиз ёрилмасин. Юқмайди. (*Эшик томон юради. Аёл врач билан ҳамшира унга эргашади.*)

Фарида. Дада, мен қоламан.

Профессор. Кўп ўтирма. Бемор ухлаши керак. (*Чиқади. Фарида Элёрнинг каравоти олдида тиз чўкади. Унинг қўлини олиб юзига босганча йиғлаб юборади.*)

Қосимжон. Тавба, ёшгина йигит рак бўлиб ўтирса-я! Ўн гулидан бир гули очилмай ўлиб кетади-да, энди...

Фарида (*кўз ёши аралаш казаб билан*). Овозингизни ўчиринг!

Чироқ ўчади. Соат чиқиллайди. Врачлар консилиуми кетяпти. Уларнинг овози эшитилади.

Профессор. Бемор Маҳмудовнинг аҳволи қалай?

Аёл врач. Стенокардия хуружи ўтди. Аммо Маҳмудовнинг қон таркиби мени ташвишга соляпти, профессор. Анализларнинг кўрсатишича, лейкоцидлар 50 мингдан ошиб кетибди. Ўзингиз биласиз: хатар жуда кучли.

Профессор. Мен бемор ишлайдиган лабораторияга бориб келдим. Қизим ҳам ўша ерда ишлайди. Ҳамкасбларининг айтишига қараганда, Маҳмудов кейинги пайтда муҳим бир тадқиқот устида ишлаган. Ҳеч кимга қулоқ солмай, бир ўзи янги тажрибалар ўтказган, эҳтиётсизлик қилган. Бу унинг нурланиб қолишига олиб келган бўлса эҳтимол.

Аёл врач. Нима қиламиз, профессор? Онкология марказига ўтказамизми?

Профессор. Ҳозирча — йўқ. Аввало унинг юрагини даволашимиз зарур. Юрак хуружидан кейин бемор анча вақт тинч ётиши керак. Қон таркибида ўзгариш бўлмаса, на илож, бемор оёққа тургач, уни ўша ерга юборишга тўғри келади.

Чироқ ёнади. Элёр кўзини очади. Қосимжон каравотида ўтирибди.

Қосимжон. Э, бормисиз, Элёржон, одамни қўрқитиб юбордингиз-ку... Тузукмисиз?

Элёр (*атрофга ҳайрон қарайди. Ҳорғин овозда*). Раҳмат...

Қосимжон. Нима, юракнинг мазаси йўқми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Элёр. Билмадим, ишлаб ўтириб, бирдан...

Қосимжон. Ҳа, энди, биродар, одам ўзиниям ўйлаши керак-да. Дунёнинг иши қачон битган...

Элёр (*эслаб*). Кечирасиз, мени бу ерга олиб келишганида портфелга кўзингиз тушмадими? Қора дипломат?

Қосимжон (*кулиб*). Нима бало, ичида олтини бормиди?

Элёр. Йўғ-е... Ишим...

Қосимжон. Э, ўлманг-е, биродар, шу ердаям ишингизни ўйлайсизми? Илмий иш деб, бу ёғи суробингиз тўғри бўлай деб қолибди-ку!

Элёр (*кулиб*). Қаёқдан билақолдингиз илмий ишимни?

Қосимжон. Ҳа, энди нима десам экан... Сиздек одамни танимай бўларканми? Адашмасам, ёшимиз ҳам тенг бўлса керак? Йигирма саккизга кирдингизми?

Элёр (*шубҳали қараб*). Нима бало, прокурормисиз?

Қосимжон. Худо сақласин! Прокурор зотини кўргани кўзим йўқ. Айтяпман-ку, сиздек одамни танимаслик — кони гуноҳ! Кимсан, машҳур ядрочи олим — Элёр Маҳмудов! Сўраганнинг айби йўқ. Неча йил ўқидингиз?

Элёр. Эсимни таниганимдан бери. Аммо хато қилганимни энди тушуняпман.

Қосимжон. Ана, отангизга раҳмат! (*Ўрнидан туриб, қорнини чангаллаб юради.*) Бир вақтлар мен ҳам унча-мунча китоб ўқиб турардим. Кейин ўйлаб қарасам...

Элёр. Тушунмадингиз. Мен умримнинг анча қисмини бекор ўтказиб юборибман, ҳали кўп нарса ўрганишим керак экан, демоқчиман.

Қосимжон. Ҳар ким ўз гўрига тушади-ю, аммо фикрингиз хато. Менам бир вақтлар ўқиб олим бўлмоқчи эдим. Кейин мундоқ дўппини ерга қўйиб ўйласам, ғирт аҳмоқлик қилган эканман. Ўн беш йил қаттиқ нонни сувга ботириб, институтнинг тупроғини ялаб ўқиганам бир, мундай қилиб, йўлини топиб кетганам бир. (*Қўлини илонг-билонг қилиб кўрсатади.*) Қайтага олий маълумотлилар папкасини қўлтиқлаб, автобусга осилиб юрса, ўшанақа қилиб, йўлини топиб кетганлар варанглатиб ўз машинасида юради! Қадамида жононлар қилпанглаб туради. (*Пауза.*) Раҳмат сизга, Элёржон!

Элёр (*ҳайрон бўлиб*). А?

Қосимжон. "Раҳмат сизга", дейман! Йўлимни топиб кетишимга сиз сабабчи бўлгансиз!

Элёр. Нима?

Қосимжон. Ҳаяжонланманг, Элёржон, ҳаяжонланманг. Сиз юраги хаста одамсиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Элёр (*асабийлашиб*). Кимсиз ўзи?

Қосимжон. Асабийлашманг. Элёр Маҳмудов, асабийлашманг. (*Ўйланиб.*) Шундай қилиб десангиз, бундан роппа-роса ўн йил илгари университетнинг физика-математика факультетига илм заҳматини чекишга бел боғлаган аллақанча чурвақалар ёпирилиб келишди. 63-аудиторияда математикадан кириш имтиҳони бўлди. Шимининг почасини қайтариб олган чигирткадек қилтириқ бир бола шундоқ дераза олдида ўтирибди, денг... (*Элёр ўрнидан турмоқчи бўлади. Кўксини чангаллаб ёнбошлаб қолади. Қосимжон киноя билан унинг елкасига қоқади.*) Ҳаяжонланманг, дўстим, ҳаяжонланманг, юрагингиз касал... Устига-устак (*шама қилиб*) Худонинг бандасига атаган дардларим кўп экан-да... Хў-ўш, шундоқ қилиб десангиз...

Элёр (*киноялиқулиб*). Ҳмм. Чигирткадек қилтириқ боланинг олдига башанг кийинган бир йигитча ҳам келиб ўтирди... Шимининг чўнтагидан то пайпоғининг орасигача титкилаб чиқди-ю, яширган қоғозларидан кераклисини тополмади.

Қосимжон. Имтиҳонда айнан ўша савол тушишини билмаган-да.

Элёр. Кейин қилтириқ йигитчага, қораламангни бериб тур, деб ялинди.

Қосимжон. Ялинмади, илтимос қилди. Қилтириқ нокаслик қилиб, бермади.

Элёр. Бермади эмас, оддий масалани ечишни эплолмасанг, сендан қанақа физик чиқади, деди.

Қосимжон. Хотирангиз зўр экан!

Элёр. Олифта йигитча тўртта масаладан учтасини ечолмади. Аммо икки кундан кейин маълум бўлдики, қилтириқ бола тўрт, башанг йигитча "беш" баҳо опти!

Қосимжон (*кулиб*). Наҳотки?

Элёр. Олифта йигитча бошқа имтиҳонлардан ҳам беш олиб, талабалик курсисини эгаллади.

Қосимжон. Қилтириқ ҳам илинди-ку, ўша факультетга. Олифтагарчилик қилиб, ҳамкурсига тинчлик бермай қўйди. Масаласини мажлисгача кўтариб чиқди. Ҳайронман, ўз аравасини тортиб тинчгина юрса ўлиб қолармиди мараз — Қилтириқ!

Элёр. Ўлиб қоларди! Биринчидан, ўша Қилтириқ адолатсизликни кўрса жим туролмасди. Иккинчидан, математика — аниқ фан. Башанг йигит нари борса, иккинчи курс-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан, боринги, учинчи курсдан ўқишни ташлаб кетишга мажбур бўлишини биларди.

Қосимжон. Қойил! Худди врачлик ўрнига қотилликни, юристлик ўрнига порахўрликни машқ қилаётган талабалар йўқдек.

Элёр. Бор. Аммо мен бари бир жим туролмасдим. Ҳалиям ўша гапим — гап. Хафа бўласизми-йўқми — буниси сизнинг ишингиз.

Қосимжон (*кулиб*). Нега хафа бўлай, нега хафа бўлай! Айтдим-ку, хурсандман сиздан! Сиз мендан ранжимасангиз бўлди. Энди билсам, менга яхшилик қилган экансиз. Жа сизчалик олим бўлиб, ихтиро қилмасак ҳам кунимиз ўтиб турибди. Бир қўлимизда залварли болта, бир қўлимизда — олмос тиғли пичоқ. Гўшт суяксиз бўлмайди, Элёржон! Биз камбағалга суякдан тушганиям бўлаверади.

Элёр (*ачитиб*). Баракали суяклардан ташлаб туришибдими?

Қосимжон. Жа, ҳазилкаш бўп кетибсизми, Элёр Маҳмудов!

Элёр. Беҳазил сўраяпман.

Қосимжон. Бўпти. Ўтган гапга — саловат. Уйланган-дирсиз?

Элёр. Йўқ.

Қосимжон (*сирли қилиб*). Фаридахонни қўлдан чиқарманг, Фаридахонни!

Элёр (*қувониб, қаддини ростлашга уринади*). Фарида келдими?

Қосимжон. Келиш ҳам гапми? Пешонангизни силаб шунча ўтирса-ю, сиз бўлсангиз, кўзингизни очай демайсиз... Шундоқ кетворган қиз...

Элёр (*кескин*). Мен бунақа учирма гапларни ёмон кўраман.

Қосимжон. Узр, биродар, узр... Бизам ўзингиз қатори уйланмаган бўлсак ҳам, унча-мунча қизларни кўрганмиз. Кўзимиз тўқ...

Элёр (*уф тортиб*). Чарчадим.

Қосимжон. Э, нимасини айтасиз, Элёржон. (*Тумба устидаги чойдан қуяди.*) Чойга қалайсиз? Тўқсон беш!.. (*Пауза.*) Кейинги пайтда менам сал нарсага чарчайдиган бўлиб қолганман. Ишонасизми, аввалларидилдек буқани шохидан ушлаб мана мундоқ (*кўрсатади*) қилиб қайирсам, гуп этиб оёғимнинг тагига тушарди. Падарига миллион, йўқ, юз

www.ziyouz.com kutubxonasi

миллион лаънат, ароқ деган нарсани ўйлаб топган одамнинг! Шу ароқ йиқитди-да, мени!

Элёр. Ким сизни мажбур қилади, ичманг!

Қосимжон. Ўзидан-ўзи баҳона топилади-да, биродар. Мана мен сизга санаб берай. Душанба куни бош оғриғига ичасизми, ичасиз! Сешанба куни тўртта хира улфат келиб қолади. Ичасизми, ичасиз! Чоршанба куни поқ этиб футбол бўлиб қолади. Ютса суюнчисига ичасиз, ютқазса, аламига! Ничья бўлса — двойной ичасиз. Пайшанба куни хўжайинлар ош буюриб қўйишади. Хўжайинлар билан ўтирганда олмай кўринг-чи!... Жума куни подвиходной. Шанба — отдих ўз йўлига. Шундоқ қилиб юриб бир куни қарасам, ошқозоннинг ярмиси қозончочиқдек чириб кетибди. Тамом бўлдинг, мулла Қосим, дедиму қоринни чангаллаб дўхтирга югурдим. Дўхтирлар ҳам ўлмасин, профессор минг хил доридармон бериб қозончочиқни жойига келтирди. Мана, салкам бир ойдан бери шифтга қараб тоқи санаб ётибмиз. Ароқни ҳидиям эсдан чиқиб кетди.

Элёр. Тузук, ақлингиз кирибди.

Қосимжон (*киноя билан*). Бе-е! Олимман, дейсизу, китобда ёзилган гаплардан нарига ўтмайсиз. Эртага тузалиб чиқса, шу билан ичкилик зотини оғзига олмайди, деб ўйлайсизми? (*Пауза.*) Футбол эмиш! Футболни бошимга ураманми? Дунёда шунақа ишлар борки, улфатчилик қилмасанг, тушим-киримдан ошириб турмасанг, жонажон улфатларинг ҳам қишда бир курак қорни раво кўрмайди!

Элёр. Қизиқ...

Қосимжон. Сизга қизиқ, менга қизиқ эмас. Сиз менга ейдиган суягимни пеш қилманг, хўпми, Элёр Маҳмудов? Мен суяк есам, тўйгунча ейман! Ўлгунча эмас! Сизга гўшт камлик қилаётган бўлса, қалбаки справкаларга жимжимадор қилиб қўл қўяётганларнинг ёқасидан олинг! Ҳар сигирдан иккитадан бузоқ оладиганларни, ҳар совлиқни уч яримтадан қўзилатаётганларни текширинг! (*Пауза.*) Ҳа, нега дамингиз ичингизга тушиб кетди!... Ахир сиз ҳақиқатпараст одамсиз-ку! (*Пауза.*) Сизга ўхшаган адолатпешаларнинг кўпини кўрдик, ўртоқ Маҳмудов! Минбарга чиқиб ҳақиқат, адолат деб дод соласизу шу билан ишим битди, деб чеккага чиқиб тураверасиз! Худди сизнинг ҳайқиришингиз билан бутун дунёда ҳақиқат барқарор бўладигандек.

Элёр (*ишонч билан*). Дунёда ҳеч қачон мутлақ ҳақиқат бўлган эмас. Лекин сиз айтаётган ноҳақликлар бугун бўлмаса, эртага барҳам топади. Ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қосимжон. Балли! Эгилади, букилади. Боринги, синмас! Боринги, қачондир тикланар. Лекин тиклангунча қовурғаси лат еб, беланги бўлиб қолади. Онангни қози ўйнаш тутса, додингни кимга айтасан? Фил ютса, хартуми кўринмай кетадиганларни бир кўрдим, икки кўрдим, уч кўрдим...

Элёр (*ўйланиб*). Кейин ўйлаб қолдингиз... Бошқалар фил ютганида мен туя ютсам нима бўпти дедингизу, ноҳақликни байроқ қилиб олдингиз. У ёғи ўзидан-ўзи юришиб кетди. Қарабсизки, ҳаммаси зўр! Ўн беш йил институтнинг тупроғини ялаб ўқиган олим ишга автобусга осилиб борса, сиз ўз машинангизни варанглатиб юрасиз. "Па-пап" этиб сигнал берсангиз, жононлар қилпанглаб келади. Жудаям ўн хонали бўлмасаям, беш хонали шоҳона уйингиз бор, чет эл гарнитурларингиз бор... Хуллас, ҳаммаси — жойида. Шундайми?

Қосимжон. Қўйсангиз-чи, биродар. Терговчилардан чарчаганман. (*Пауза.*) Майли, боринги, мен сиз ўйлаганчалик ёмон бўла қолай. Сизнинг китобий тилингизда нима дейди? Ҳа, боринги, биз — мешчан бўла қолайлик. Фақат айтиб қўяй. Уй-жой соламанми, машина оламанми, ҳар куни армянский коньяк ичаманми, кечирасиз, бу менинг шахсий ишим! Қўлингиздан келса, текшириб кўра қолинг. (*Пауза.*) Боринги, мен қилган улфатчиликларимнинг жазосини тортиб ётибман. Сиз-чи? Сиз шўрликда нима гуноҳ? Ичмасангиз, чекмасангиз... "Анавинақа" масалаларга ҳам тобингиз йўқроқ бўлса керак. Қайси гуноҳингиз учун бу ерда юрагингизни чангаллаб ётибсиз?

Элёр. Аввало, мен шўрлик эмасман. Қолаверса, чекаман. Кўп чекаман. Юрак масаласига келсак, одамнинг юраги темирдан эмас. Ҳадеб ишлайверганидан кейин чарчайди.

Қосимжон. Қаранг-а! Шунча йил питир-питир қилиб нимага эришдингиз ўзи? Мабодо яқин орада ҳайкал-пайкал қўйишмоқчи эмасми, сизга?

Элёр. Одам ҳайкал учун яшамайди.

Қосимжон. Яна — китобий гап! Ҳар ёмоннинг бир яхшиси бор дегани ҳақ-рост экан. Дунёнинг ишларини қарангки, мендек суяк териб юрган оми бир кимса, сиздек осмон сирларини кашф этиб юрган буюк олим билан бир палатага тушиб қолибмиз. Кўпдан буён сизга ўхшаган ҳақиқатпарвар, адолатпарвар, фидойи одам билан отамлашгим келиб юрувди. Малол келмаса, саволимга жавоб берсангиз. Мен-ку, қидирган суягимни аллақачон топганман. Сиз-чи? Осмоннинг тешигини топдингизми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Элёр (*ўйчан*). Топдик! Ҳали яна кўп сирларини қидиришимиз керак.

Қосимжон. Э, балли! Яна кўп сирларини қидирасиз. Айтинг-чи, битта ракетанинг пулига бутун бошли кушхона қурса бўлади, деб эшитгандим. Шу гап тўғрими?

Элёр (*кулимсираб*). Кушхона эмас, бутун бир шаҳарча қурса бўлади.

Қосимжон. Э, балли! Шу кунгача қанчадан-қанча шаҳарнинг пули осмонга учди, тўғрими?

Элёр. Тўғри.

Қосимжон. Ана баракалла, отангизга раҳмат! (*Тантана билан юриб, Элёрнинг тепасига келади.*) Яна аллақанчаси учади, тўғрими?

Элёр (*кулиб*). Қойил-е! Шунча ақл билан бошингиз торс ёрилиб кетмаганига ҳайронман. Тағин сиз бир вақтлар физик бўлмоқчи эдингиз.

Қосимжон. Унисини қўя туринг! Физиклик ўзингизга сийлов! Қулоқ солинг, ўртоқ Маҳмудов! Боринги, одамлар урина-урина Ойга учиб, бир бўлагини ушатиб ҳам тушишди. Боринги, Марсга бориб, ундан ҳам сўлақмондай бир бўлагини ушатиб олишар. Боринги, осмоннинг аллақайси бурчагида ивирсиб юрган одамзодга ўхшаган махлуқотлар билан имо-ишора қилиб гаплашдинглар ҳам. Хўш, бу билан нима ўзгаради! Нима? Агар осмонга бутун бир шаҳарнинг пули учирилмаганда сиз ҳам бу ерда кўкрагингизни чангаллаб ётмасдингиз. Мен ҳам суяк термасдим. Одамлар уй олишга йиллаб навбат кутмасди. Ордер учун пора бермасди. Ҳар ким ўзининг аравасини тортиб, маъмурчиликда тинчгина яшаган бўларди, тўғрими? Негаки, ҳеч ким дунёга икки марта келмайди, ҳар ким одамга ўхшаб яшашни хоҳлайди, тўғрими?

Элёр (*ўрнидан туриб кетади*). Нотўғри!

Қосимжон. Тўғри!

Элёр. Нотўғри! Шунинг учун нотўғрики, ҳар ким ўзи учун яшаса, кавагига тиқилиб олган шилликқуртдан одамзоднинг фарқи қолмасди. Шунинг учун нотўғрики, осмоннинг сирларини топиш учун учирилаётган шаҳарларнинг пули ҳам одамзод учун учириляпти. Шунинг учун нотўғрики, инсон заковатини ҳеч қачон тўхтатиб қолиб бўлмайди. Космик кемаларни бугун биз учирмасак, эртага барибир болаларимиз учирган бўларди.

Қосимжон (*истеҳзоли кулиб*). Йўқ болангизни нима қиласиз гапириб?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Элёр. Мен умуман келажак авлодни гапирдим. Қаричингиз мунча калта?

Қосимжон. Қаричимиз калта бўлсаям, қўлим узун! Узатган жойимга етади! (*Эшик очилиб, қоғоз халта кўтарган Лола киради.*)

Қосимжон (*кескин ўзгариб*). Ие-ие, Лолахон! Келинг, бормисиз? Ўқишлар яхшими?

Лола. Кечирасиз, Қосимжон ака, анчадан буён келолмадим. Имтиҳон бор эди. Тузукмисиз?

Қосимжон. Йе, қизиқмисиз, бўри ермиди мени? Отдайман! Ошқозоним ҳам бинойидек экан. Профессор дори бераётганида қошиғини ютиб, ҳазм қилиб юбордик. Ҳар куни қошиғимни топиб бер, деб жанжал қилгани-қилган. (*Кулишади, Элёрга ишора қилиб.*) Танишинглар, Элёр акангиз — машҳур физик.

Лола (*ҳурмат билан*). Салом, тузукмисиз? Гаплашаётган экансизлар, халал бермадимми?

Қосимжон. Йўғ-е, Лолахон, Элёржон билан баҳслашишни бизга ким қўйибди? Бу киши осмоншунос олим бўлса. Биз камбағаллар ерда ивирсиб юрган хашаки одам бўлсак. Бу киши фақат юлдузлар билан гаплашадилар.

Лола. Ўзингизни унчаям камситманг, Қосимжон ака!

Қосимжон. Нима, савдо ходими эканлигим ёлғонми?

Лола. Савдо ходими бўлиш гуноҳми?

Элёр. Рост-а, Қосимжон, нега энди ҳамма савдо ходимларини ўзингизга ўхшатасиз?!

Лола (*Элёрга*). Кечирасиз, сизнинг фамилиянгиз Маҳмудов эмасми? (*Элёр бош силкийди.*) Вой, мен сизни танийман. Йўқ, биласизми, сизнинг китобларингизни ўқиганман. Яқинда, физик Шермуҳамедов билан мунозарангиз босилган журналниям ўқидим. Биласизми, сизнинг фикрларингиз... (*Тутилиб қолади.*)

Элёр. Хўш?

Лола. Сизнинг фикрларингиз жудаям ажойиб!

Элёр. Сабаб?

Лола. Нима десам экан... Шермуҳамедов пульсарлар масаласида нуқул эски далилларга суяниб иш кўряпти. Сизнинг далилларингиз янги, ишончли. Биласизми, жудаям асосли...

Қосимжон. Ҳой-ҳой, ҳой! Бирпас жим турсак, ҳали Элёржоннинг ўзиям ёқиб қолади шекилли сизга, Лолахон?!

Лола (*уялиб, Қосимжонга ишора қилиб*). Бу киши шунақа ҳазилкашлар ўзи. (*Қосимжоннинг тумбочкасидан тарелка олиб, қоғоз халтани кўтариб чиқиб кетади.*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қосимжон. Аввалдан қадрдон экансизлару, мен овора бўлиб сизларни таништириб ўтирибман. (*Лола чиққан томонга имо қилиб.*) Буям сизнинг соҳангизда ўқийди, Элёржон! Қаранг, учинчи курс талабаси-ю, балога ақли етади!

Элёр. Бунинг нимаси ёмон!

Қосимжон. Шуни айтинг-а, ақлли бўлишнинг нимаси ёмон! Бу замонда ҳамма ақлли. Ҳар ким мен бўлмасам дунё остин-устун бўп кетарди, деб ўйлайди. Аслида беш кунлик умримиз борми, йўқми-ю, қўйиб берса оқиб турган сувни тескари бургимиз келади. (*Шама қилиб.*) Афсус, ер жониворнинг тили йўқ-да... Тили бўлса, ўл-е, ахмоқ, эртага муздай қучоғимга тушганингдан кейин овозинг ўчади, сендақаларнинг кўпини кўрганман, деган бўларди.

Элёр. Билмадим. Мабодо ернинг тили бўлгандаям шундоқ демасди. Агар дунёнинг ташвишларини ўйлайдиган одамлар бўлмаса, одамзот ёввойилигича қолиб кетарди.

Қосимжон. Сиз асли осмон сирларини қидиришдан кўра, файласуфлик қилсангиз бўларкан. (*Лола тарелкада ювилган олма кўтариб киради.*)

Лола. Қаранг, олма пишибди.

Қосимжон (*ҳидлаб кўриб*). Оббо жонивор-ей! Дарров олмаям пишибди-да! Ейишнинг иложи йўқ-да, Лолахон. Шунақа, биз жаннатга тушиб қолганмиз. Кўрмоқ бору, емоқ йўқ. (*Элёр томон имо қилиб.*) Акангизга бера қолинг. (*Лола олмани Элёрга олиб келади. Элёр Лола билан Қосимжоннинг ўзаро гапи борлигини пайқаб, узрли қарайди.*)

Элёр. Йўқ, раҳмат... Қосимжон тўғри айтадилар. Бу ер чиндан ҳам жаннатга ўхшайди. Кўрмоқ бору, емоқ йўқ. Ётмоқ бору, турмоқ йўқ. Узр, Лолахон! (*Тескари қарайди.*)

Қосимжон. Ие, ўлманг-е, биродар! (*Кулиб, бармоғи билан ясама пўписа қилади.*) Ўзларидаям жиндай ичқоралик... А? Лолахон билан менинг ҳеч қанақа сирим йўқ. Ё бирон сиримиз борми, Лолахон? Қалай, уй ичилар омонми? (*Лола бошини қуйи солиб, тараддудланади. Элёр тумба устидан журнал олиб, юзини тўсади.*)

Лола (*оҳиста*). Раҳмат... Улар яна ўша гапни бошлашяпти.

Қосимжон (*паст овозда жеркиб*). Яна қайси гап?

Лола (*секин*). Ўша...

Қосимжон (*жеркиб*). Уйдагилар жинни бўлганми ўзи? Ҳадеб битта гапни қайтараверадими?

Лола. Тезроқ соғайиб чиқсангиз, ўзингиз гаплашардингиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қосимжон. Ким, менми?

Лола (*индамай, бош силкийди*). Илтимос.

Қосимжон. Сиз ҳам эсингизни еб қўйибсиз. Менинг нима ҳожатим бор. Айтмайсизми, ҳой, эсини еган чол-кампирлар, ҳозир эркин замон, ҳар ким ўз тақдирини ўзи белгилайди, деб. Менинг аралашишим шартми?

Лола (*Элёр томонга хавотирланиб қарайди, бармоғини лабига босади*). Тишш... (*Икковлари имо-ишора билан узоқ тортишадилар. Охири бахс тугайди. Лола жаҳл билан сумкасини тумба устидан олади.*) Хайр.

Элёр (*журнални юзидан олиб*). Хайр, омон бўлинг.

Қосимжон (*қорнини ушлаб*). Вой қорним! Профессорнинг қошиғи чинданам ичимда қолиб кетганга ўхшайди. (*Лола эшик олдида бир зум тўхтаб тараддудланади-да, чиқиб кетади. Қосимжон қорнини ушлаб кулади.*)

Элёр. Нега куласиз?

Қосимжон (*ҳамон кулиб*). Кулмай бўладими? Хотин зотига ҳайрон қоламан-да. Подшо биттасини дорга осаётганида хотини дод солган экан, атлас кўйлак обермай ўлиб кетаверасанми, деб. Мен нима дардда-ю, бу эрга тегишнинг ҳасратини қилади!

Элёр. Кечирасиз, ким ўзи бу қиз?

Қосимжон. Жияним. Ота-онаси эрга бераман, дейди, бу йўқ дейди.

Элёр. Балки хоҳламаётгандир?

Қосимжон. Нега хоҳламас экан. Ичида жон деб турибди-ку. Мен бунинг ўрнида бўлсам, вақтни ўтказмай бирон йигитнинг этагидан маҳкам ушлаган бўлардим. (*Ўйланиб.*) Боринги, хоҳламасин ҳам. Келиб-келиб, касал одамдан кўмак сўрайдими? Нима, мен куёв боланинг камаридан ушлаб қолармидим? Одамлар ҳам қизиқ.

Элёр. Нима қипти? Балки, сиздан бошқа сирдоши йўқдир. Акам деб ёрдам сўраганига қувонмайсизми?

Қосимжон. Э, ўзимнинг дардим камми? Беш кунлик дунёда менга нима зарил?

Элёр. Намунча, беш кунлик дунёга осилиб қолдингиз? Беш кундан кейин ўласан, деб ким айтди сизга?

Қосимжон. Тирик жон. Одам эртага нима бўлишини билмайди. Балки мен ўларман, балки сиз... Бировнинг гўрига биров тушмайди.

Элёр. Кечирасизу, ўн йил илгариям шунақа худбин эдингиз. Ўзгармабсиз.

Қосимжон (*қўлини кўксига қўйиб*). Хўп, ака, биз бенават! Ўшандаям хўп деган эдик-ку! Тағин нима қасдингиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолди. (*Дераза олдига боради. Ташқарига қараб.*) Ие, анави одамни қаранг! Шундоқ иссиқ кунда терлаб-пишиб қаёққа кетяпти экан? Қўлида чамадоним бор, Элёржон?

Чироқ ўчади. Соат чиқиллаяпти. Врачлар консилиуми кетяпти. Овозлар эшитилади.

Аёл врач. Профессор, кейинги анализлар Маҳмудовнинг диагнозини аниқ тасдиқлади.

Профессор. Афсуски, шундай. Лейкоцидлар эллик мингдан тушмаяпти.

Аёл врач. Беморнинг юрак фаолияти яхшиланди. Онкология марказидан келган мутахассислар Маҳмудовни бизга топширинг, деб сўрашяпти.

Профессор. Йўқ, бемор ҳали заиф. Оққон касаллигига қарши даволаш курсини ҳам шу ерда бошлаб туришга тўғри келади. Қолаверса, Маҳмудовни онкология марказига жўнатсак, воқеани англаб, юрак хуружи такрорланади.

Аёл врач. Ростини айтсам, Маҳмудовга юрагим туздек ачияпти. Ажойиб одам экан. Ҳаёти сақланиб қолармикин?

Профессор. Мен бу соҳанинг мутахассиси эмасман. Лекин, ўйлашимча, энди иложи йўқ. Касаллик аллақачон хавфли ҳолатга ўтиб кетган.

Чироқ ўчади. Ўша палата. Қосимжон қоғоз халтадан алланима титкилаяпти. Элёр ўтириб журнал ўқияпти.

Қосимжон. Шу, шогирдларам жа аҳмоқ чиқди-да, Элёржон! Қази кўтариб кепти. Кошки, ҳазм қилолсам. Сизнинг ошқозонингиз яхши-ку. Икки парраккина, а?

Элёр. Йўқ, раҳмат. (*Эшик тақиллайди.*)

Қосимжон (*халтани тумбага қўйиб*). Кираверинг, қочадиган одам йўқ!

Ёмғирпўш кийган, чамадон кўтарган одам — Элёрнинг отаси оқсоқланиб киради. Чамадонини оёқ остига қўйиб туриб қолади.

Ота. Кечирасизлар, менга Маҳмудов... (*Элёрга тикилиб, ҳаяжонда.*) Элёр!

Элёр (*ҳайратда, ўрнидан туриб*). Дада!

Ота (*югуриб келиб Элёрни қучоқлайди*). Ўзингмисан, ўғлим! (*Пешонасидан ўпади.*) Қара-я, таниёлмай қолибман. Умринг

www.ziyouz.com kutubxonasi

узоқ бўларкан... Қани, яна битта қучоқлай! (*Бағрига босади.*) Бўйни қаранг, бўйни! Оббо азамат-ей! Мен сени келиб-келиб касалхонадан топаман, деб сира ўйламагандим.

Элёр (*ижирғаниброқ отанинг бағридан чиқади. Отаси буни сезади).* Мен ҳам сиз билан келиб-келиб шу ерда кўришамиз, деб ўйламагандим.

Ота (*Қосимжонга*). Сиз тузукмисиз?

Қосимжон. Раҳмат, отахон. (*Чой қуйиб.*) Бир пиёлагина...

Ота (*рад этиб*). Қуллуқ. Раҳмат. (*Элёрга.*) Оббо, сен-ей, шундоқ қилиб ётибман дегин... Зиёни йўқ. Иссиқ жон... Қалай, тузукмисан энди?..

Элёр (*ўйчан*). Тузукман, дада. (*Маъюс кулимсираб.*) Айниқса сиз сўрагандан буён жудаям тузукман. (*Асабий юра бошлайди.*)

Ота (*ноқулай аҳволда*). Уни қара-я! Жуда ўзгариб кетибсан, Элёр! Аранг танибман-а!

Элёр. Одамлар ўн беш кунда ўзгаради. Орадан ўн беш йил ўтади-ю, мен ўзгармайманми, дада!

Ота. Қўй, ўғлим, унақа пичинг қилаверма! Мен бунинг учун келганим йўқ. Атайлаб сени кўриш учун келдим. (*Элёр бориб деразани ёпади. Пардани суриб тўсади.*)

Қосимжон. Нима қиляпсиз. Элёржон? Шундоқ саратонда одамни димиқтириб ўлдирмоқчимисиз?

Элёр. Ҳайронман. Кейинги пайтда Тошкентнинг ҳавоси ғалати бўлиб қолди. Айни саратонда бирдан совуқ тушиб қолганини кўрмайсизми?

Қосимжон. Нима деяпсиз, Элёржон! Қанақа совуқ? (*Элёрнинг отаси хижолат тортиб ёмғирпўшини ечади.*)

Ота. Мен сен билан уришгани келганим йўқ, Элёр.

Элёр (*деразани очади*). Эҳтимол. Лекин махсус мени кўриш учун ҳам келмагансиз-ку, ахир, ростми? Болтиқ денгизи соҳилигами, Волга бўйигами, дам олгани кетяпсиз. Тошкентга тушганингизда бирдан Элёр деган ўғлим бўларди, аллақайси институтда ишларди, савоб учун бир кўриб ўтай, деб ўйлаб қолгансиз. Суриштириб билсангиз, мен касал эканман. Ке, мендан нима кетди, одамлар бегоналарниям йўқлайди-ку, деб шафқат қилгансиз. (*Ўиланиб, осойишталик билан.*) Қўйинг, дада, менинг шафқатга муҳтож пайтларим ўтиб кетди.

Ота. Элёр!

Элёр. Ўтиб кетди! Мен ўзимга қилинган мурувватни ҳақорат деб биламан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ота. Элёр, мен сен билан фахрланаман. Сенинг ҳақингда чиққан мақолаларни дўстларимга ўқиб бераман.

Элёр. Раҳмат, дада. Лекин мен бир нарсага тушунолмаяпман. Наҳотки одам ўзи уялган, ўзи жирканган нарса билан фахрланса?

Ота. Бас қил, Элёр!

Элёр. Кечиринг, дада. Балки мен қўполдирман. Заҳардирман... Начора, менга рост гапни дангал айтишни ўргатишган. Наҳотки, ёлғон гапираётган бўлсам?!

Ота. Бўлди. Кўнгилсиз ўтмишни ҳадеб титкилаш, янги кўнгилсизликка олиб келади.

Элёр. Тўғри айтасиз. Лекин келажак ҳамиша ўтмишдан бошланади. Эсингиздами, сиз онам билан ажрашиб кетганингизда мен энди мактабга қатнай бошлаган эдим. Ўша куни биринчи марта беш баҳо олиб келган эдим. Дафтаримни кўрсатиб, мақтанмоқчи эдим. Афсус, худди ўша куни сиз бизни ташлаб уйдан бутунлай кетган экансиз.

Қосимжон. Мен бир айланиб келай. (*Чиқади.*)

Ота. Билар-билмас менга айб тақайверма. Сен кўп нарсалардан бехабарсан, ўғлим. Бу масалада мен айбдор эмасман. Ҳамма айб — онангда. Онанг менга қанчалик азоб берганини, ўша туфайли бошимга қанчадан-қанча маломатлар ёғилганини биласанми? Билмайсан! Ҳеч нимани билмайсан! (*Ўйланиб.*) Элёр, мен оддий бир мол дўхтириман. Балки сен катта одамдирсан. Аммо бу нарсаларга ақлинг етмайди. Аввалambор, бунақа кунлар бошингга тушмасин. Тушса, биласан. Нима, мен дунёдан сўққабош ўтишим керакмиди! Менам ёш эдим. Бутун ҳаётим олдинда эди.

Элёр (*маъюс, ўйчанлик билан*). Яшашингиз керак эди. Эркин бўлишингиз керак эди.

Ота. Пичинг қилма! Эрк деган тушунча мен учун ҳамиша муқаддас бўлиб келган. Муқаддас бўлиб қолаверади ҳам. Инсоният пайдо бўлибдики, шунга интилади.

Элёр. Шунга интилди, шунга эришди ҳам. Эришди-ю, баъзилар эркнинг этагини ушлаб олиб, бурч деган ортиқча юкдан халос бўлиш йўлини излаб қолишди. Оила эркинлиги, муҳаббат эркинлиги, шахс эркинлиги... Қандоқ ширин сўзлар! Эркакдир, аёлдир, аввал бир-бирига кўнгил қўяди, шоша-пиша бола кўришади. Кейин қарасаки, адашган экан. Эр ўз эркини ўйлаб бир томонга кетади, хотин ўз бахтини излаб бошқа томонга кетади. Қисмат чорраҳасида эса бегуноҳ гўдак чирқиллаб қолаверади. (*Пауза. Ўйланиб.*) Аслида буям тўғри. Латта-путтани иккига бўлиш мумкин, қақир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қуқурни иккига бўлиш мумкин. Болани иккига бўлишнинг иложи йўқ-да. (*Киноя билан.*) Шунинг учун бу қалтис юмушнинг энг оқилона йўлини топишади. Болани ё етимхонага, ё бувисиникига ташлаб қочишади. Қойил!

Ота. Инсоф билан айтганда, мен сени қаровсиз қолдирмадим. Буни ўзинг ҳам биласан.

Элёр. Биламан, яъни, саксон яшар бувимга ой сайин йигирма сўмдан жўнатиб турдингиз. Кейин бувимниям Худо кўп кўрди. Ўн бир яшар боланинг ўлик чиққан уйда бир ҳафтагача ёлғиз ўзи кечалари даҳшатдан қўрқиб тонг оттиришини тасаввур қила оласизми?

Ота (*ҳайрон қолиб*). Ростданам, шунақа бўлганмиди, Элёр? Чин сўзим — бу гаплардан хабарим йўқ.

Элёр. Албатта, хабарингиз йўқ, негаки, вақтингиз йўқ эди. (*Пауза.*) Кейин мени тоғам олиб кетди. Ҳар оқшом тоғам ишдан қайтганида болалари унинг этагига осилаётганини кўрганимда, тоғам уларни бағрига босиб ўпаётганини кўрганимда, менинг қай аҳволга тушганимни биласизми? Ўшанда мен сизни бир марта, ақалли бир мартагина кўришни орзу қилардим. (*Пауза.*) Майли, дада, булар эски дард. Мен сизнинг дилингизни оғритмоқчи эмасман. Аммо баъзан ўзимча ўйлаб кетаман. Дунёда оила эркинлиги, севги эркинлиги, хотин муҳаббати, эр муҳаббатидан ташқари ота меҳри, она меҳри, умуман, одамнинг одамга меҳри деган гаплар ҳам бор.

Ота. Буни онангга айтасан!

Элёр. Керак бўлса, айтаман ҳам! Керак бўлса тоғамнинг сигирини боқиб, нонимни ҳалоллаб еганимни ҳам, ёзда мева сотиб, китоб олганларимни ҳам айтаман... Ҳа, эсимдан чиқай дебди. Бир куни мен орзуимга етдим. Ўша куни мен қўшни бола билан бозорга ўрик сотгани борган эдим. Худди ўша бозор биқинидан жой сотиб олганингизни, кейинги хотинингиздан иккита болангиз борлигини билардим. Билардиму, бу ҳовлига киришга қўрқардим. Ўша куни кирдим. Ўртоғимга менинг ҳам дадам борлигини кўрсатиб қўйгим келди. Ўгай онам қўшниникига чиқиб кетган пайтини пойлаб туриб, ичкарига кирдим. Эсингиздами, сиз райҳонга сув боғлаётган экансиз. Мени кўриб суюнгандай бўлдингиз. Аммо зум ўтмай қўлимга уч сўм бердингиз-да, аячанг келмасдан кета қол, кўрса, ғалва бўлади, дедингиз.

Ота. Сен ҳали ҳаётни билмайсан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Элёр. Сиз ҳам ўшанда менинг қай аҳволга тушганимни билмайсиз. Агар ўша аҳволда кетаверсам кимга айланиб қолардим, биласизми? Билмайсиз! Билишни хоҳламайсиз. Тошкентга нима учун қочиб келганимни, қандай қилиб келганимни ҳам билмайсиз.

Ота. Унисини биламан!

Элёр. Билмайсиз, дада, билмайсиз! Яхшиям интернат бор экан. Мен ўша ерда одамнинг одам олдидаги бурчини ҳис қилишни ўргандим.

Ота. Сен билган нарсаларга мениям оз-моз ақлим етса керак! Бурч эмиш...

Элёр. Интернатда Польшада бир қўлини ташлаб келган қоровул чол бор эди. "Одамзод икки хил бўлади, — дерди ўша чол.— Биров дунёга келиб яшайди, биров яшаб қолиш йўлини ўйлайди. Сизга тилагим шуки, болам, яшаб қолишни эмас, яшашни ўрганинг", дерди. Ўша гапларнинг мағзини энди чақяпман, дада! Кўпинча ўзимдан ўзим сўрайман: қани айт-чи, сен кимсан ўзи? Бу ёруғ дунёда инсон бўлиб одамларга бирон нафинг тегдими, ё ёлғиз ўз ғаминг билан ўралашиб юрибсанми?

Ота. Демак, сен эл ғамини ўйладингу, мен фақат ўзимни ўйлаяпман. Шунақами?

Элёр (*жуда паст, осойишта оҳангда*). Билмадим, дада, билмадим...

Ота. Билмасанг, билиб қўй! Боядан бери бурч-бурч дейсан! Сен айтаётган ўша нарсани менам оз-моз тушунсам керак! Агар тушунмаганимда балки шу аҳволга тушиб қолмасдим. Сен ҳам етим бўлмасдинг. Менинг ҳаётим шунчалик чалкашиб кетганига бир чеккаси худди шу нарса сабаб бўлганини биласанми? Билмайсан. Баҳорда қўшни республиканинг минглаб қора моли бруцеллёз касалига йўлиқиб, қирилиб кетганини эшитиб қолдим. Ўшанда икки юз чақирим нарига, тоғ ичкарисига нима учун борганимни биласанми? Касаллик юқиб, кузгача чўпонлар орасида қолиб кетганимни биласанми? Мени у ерга боришга ҳеч ким мажбур қилган эмас, биров илтимос ҳам қилган эмасди. Лекин мен бормаслигим мумкин эмаслигини, бормасликка ҳаққим йўқлигини билардим. Худди ўша — сен мактабдан биринчи марта беш баҳо олиб келган кунинг мен яйловдан қайтган эдим. Онангни шунчалик соғинган эдимки, сайёҳлар билан яна бирон ёққа кетиб қолишидан чўчиб, тўғри ишхонасига бордим. Йўқ, хайрият, уйга кетган экан. Ўшанда онанг мени қандоқ кутиб олганини, нималар деганини биласанми?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чироқ ўчиб ёнади. Иккинчи манзара. Уй. Элёрнинг онаси тошойна рўпарасида ўтириб пардоз қиляпти. У сўнгги модада кийинган. Ёш, гўзал аёл. Хонага Элёрнинг отаси кириб келади. Оёғида кирза этик. Эгнида пахталик. Елкасида қопчиқ.

Ота. Раъно! (*Рюкзакни ерга қўяди. Қучоқ очади.*) Мана, мен келдим.

Она (*ўрнидан туради. Унга ҳайратланиб қарайди. Аммо унинг чеҳрасидаги қувонч ва ҳайрат киноя ва ясама лоқайдлик билан алмашади. У қайтиб жойига ўтиради*). Хайрият, уч ой деганда уй-жойингиз борлиги эсингизга тушиб қопти.

Ота (*ҳайрат билан*). Сенга нима бўлди, Раъно? Сизларни шундай соғиндимки... Сен бўлсанг...

Она. Мен бўлсам ҳалиям ишонмай турибман. Келган ўзингизми ё арвоҳингизми?

Ота. Қўй, хафа бўлма, хизматчилик-да! (*Пауза.*) Эшикни тақиллатавериб қўлим толди. Охири сабрим чидамай боғ эшикдан кирдим. Эшитмадингми?

Она. Сизнинг зим-зиё бўлиб кетишингизга шунчалик ўрганиб қолибманки, эшикка ҳам қарамайдиган бўлиб кетдим.

Ота. Элёр мактабга қатнаяптими? Катта бўлиб қолгандир?

Она (*чимирилиб*). Нима, сиз бўлмасангиз ўсмай қолармиди?

Ота. Қўй, унақа аразламагин, Раъно. Кел, кўришайлик. Жудаям соғиндим. (*Аста юриб, тепасига келади. Она ижирғаниб юзини ўгиради.*) Сочларингдан анқиб турадиган мана шу муаттар исни шунақанги соғиндимки! (*Кулиб.*) Француз атиримиди? Оти нимайди?

Она. Дуруст. Димоғингиз ҳалиям атир ҳидини пайқаркан. Бутунлай тезак ҳидига ўрганиб кетгансиз деб ўйловдим.

Ота (*ранжиб ўзини тортади*). Яна ўша гапми? Касбим қанақалигини олдиндан билардинг-ку?

Она. Шунчалик бўлишини билмаган эканман. Ҳамма ветврачлар ҳам тезак ичида юрмайди-ку. Мен шошиб турибман. (*Соатига қараб.*) Икки ссатдан кейин Хивага учишим керак. (*Ўрнидан туради.*) Аргентинадан туристлар келишган.

Ота. Бу сафар бошқа одамни юбориша қолсин. (*Кулиб.*) Бугун сенинг туристинг мен бўламан. Ҳар қалай қўшни республикадан келдим-ку. Ўзинг Бухородан қайтганингга энди икки кун бўпти-ку. Бугун сенга тегишмасин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

О н а (*хавотирда, сесканиб, эрига қарайди*). Бухородан яқинда келганимни айтган жосусларингиз қулоғингизга яна нималарни қуйди?

О т а. Ҳеч қанақа жосус-посус йўқ. Сени яна уйда учратолмай қолишимдан қўрқиб ишхонангга боргандим. Бу гапни ўша ердан эшитдим. Хивага бошқа таржимонни юборишсин. Сендан бошқаям гид бордир ахир.

О н а (*кескин оҳангда*). Бошқа одам йўқ! (*Ота секин нари кетади. Она унинг оқсоқланаётганига разм солади.*) Ҳа, оёғингизга нима қилди?

О т а (*вазминлик билан*). Тоққа борган кунларим бруцеллёз юққанди. Қайтиб кетинг дейишди-ю, кўнглим бўлмади. Аҳволни кўриб туриб қочгим келмади. (*Оёғига қарайди.*) Майли, тузалиб кетади.

О н а. Ҳали шу аҳволда ишхонамгаям бордингизми?

О т а. Нима қипти?

О н а (*эрининг қопчиғини олиб улоқтиради*). Нима қиларди? Яна бир марта ўзингизни кўрсатибсиз-да! Илгари одамлар эринг тезак теради дейишарди. Худога шукур, лақаб ҳам орттирибсиз. Энди эринг чўлоқ деган таънани эшитишим қолувди!

О т а (*шиддат билан столни муштлайди*). Бас! Ҳали мендан ор қиладиган бўлиб қолдингми?

О н а. Дўқ қилманг! Мен сизга қул эмасман.

О т а (*кескин оҳангда*). Биламан, қул эмассан! Замонанинг олди одамисан. Киборсан! Чет эллик меҳмонларга, қўлингни ўптириб саломлашадиган таржимонсан. Лекин билиб қўй, мен сенинг меҳмонинг эмасман, эрингман! Сен менинг таржимоним эмас, хотинимсан! Тушундингми, хотинимсан!

О н а. Менга бақирманг! Сизга хотин бўлишим оёғимни оёғингизга боғлаб ўтиришим деган гап эмас.

О т а. Сенга эр бўлиш ҳам менинг оёқ ости бўлишим дегани эмас. Мени масхара қилишни ким қўйибди сенга? Ўзинг кимсан?..

О н а. Ҳо-о! Тилингиз бурро бўп қоптими? Қани, бир эшитайлик-чи, мен ким эканман...

О т а (*изтиробда*). Раъно, тушунсанг-чи! Сен туфайли қанақа таъналар эшитаётганимни, одамлар сенинг тўғрингда нималар деяётганини биласанми?

О н а. Шунчалик ёмон хотин билан нега турибсиз бўлмаса! Ҳа, мен ёмонман, ҳеч нимани тушунмайман. Бўлдими, қутулдимми? (*Эшик томон юради.*)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ота (*унинг йўлини тўсиб*). Шунақами? (*Киноя билан.*) Киши севган одамининг кўнглини очиқ китобдай ўқийди деган ким эди?!

Она. Киши қачондир севгани учун бир умр жавоб беради деб ким айтди сизга?

Ота (*бирдан сергакланиб*). Нима? Бу нима деганинг?

Она. Қўйсангиз-чи! Нега ўзингизни гўлликка соласиз? Бир-биримиздан узоқлашиб кетганимизга анча бўлган-ку. Нима қиламиз беркинмачоқ ўйнаб? (*Чиқа бошлайди. Ота унинг қўлидан тутади.*)

Ота (*ҳаяжонда*). Раъно! Эсингни йиғ, Раъно! Ўртада бола бор, Элёр бор, Раъно! Эшитяпсанми, болада нима гуноҳ?

Она. Хотинларга ўхшаб болани ўртага суқманг. Итдан бўлган қурбонликка ярамас!

Ота (*унинг қўлини силкитиб*). Нима-нима?! Аблаҳ, виждонсиз! Мараз!!!

Чироқ ўчиб ёнади. Биринчи манзара. Палатада Элёр ва отаси. Ота ўша вазиятда турган ҳолда сўзида давом этади.

Ота. Онангнинг шу муомаласидан кейин кетмай иложим бормиди?.. Ўша кезлари қанчалик азоб чекканимни, сени қанчалик соғинганимни, келай десам онангга кўзим тушишини хоҳламаганимни биласанми. (*Пауза.*) Хафа бўлмагину, ўғлим, сен бари бир ҳаётни билмайсан. Агар билганингда бурч, садоқат деган чучмал гапларни достон қилиб ўтирмасдинг! (*Ёмғирпўшини қўлига олади.*) Дам олиш масаласига келсак, тўғри, дам олишга кетяпман. Мен ҳам дам олиш ҳуқуқига эгаман! (*Қосимжон киради.*)

Қосимжон. Вой-бў! Ҳалиям масала талашяпсизларми? (*Элёрнинг отасига.*) Қўяверинг, ўғлингизнинг ўзи сал анақароқ бўп қолган. Касал-да, касал!

Ота (*Элёрга*). Сен ҳали ёшсан. Ҳадеб осмонга тикилавермай, оёғингнинг тагига ҳам ора-чора назар ташлаб қўй. Ҳаётда бурч, садоқат, яхшилик деган гаплардан кўра разиллик, хиёнат, ёмонлик деган гаплар кўпроқ. Ҳаёт шундай бир денгизки, ақл бовар қилмас тўфонлари бор. Одамлар шу денгизга сочилиб кетган оролчаларга ўхшайди. Ҳаммасининг ўз шодлиги, ўз алами бор. Агар денгиз бир оролни кўмиб кетса, бошқаси унга кўмак бермайди. Беролмайди. Қўлидан келмайди.

Элёр. Дада! Шунгача айтган ҳамма гапларингиз рост бўлса бордиру, аммо буниси — туҳмат! Бўҳтон! Дунёда ёмон

www.ziyouz.com kutubxonasi

кимсалар бор. Аммо бу — бутун инсоният ёмон деган гап эмас. Инсоният орол эмас, қитъа бўлиб яшаши керак. Агар денгиз қитъанинг бир бўлагини ўпириб олса, нариги бўлагиям зил кетади. Негаки, бир бўлагидан жудо бўлганини билади. Бировнинг тўйи — бошқа бировнинг тўйи, бировнинг азаси — бошқа бировнинг ҳам азаси бўлади.

Қосимжон. Бўлди ахир. Бунақа қайсарлик қилманг-да, Элёржон!

Элёр. Дада! Сиз-ку менинг отамсиз. Агар етти ёт бегона бўлганингизда ҳам сизнинг соғлиғингиз менинг ҳам соғлиғим деган бўлардим. Шунинг учун курортингизга бориб дамингизни олаверинг.

Ота. Хайр, ўғлим, омон бўл. Фақат битта гапим! Мени ёмон деб ўйлама. (*Чиқади.*)

Элёр (*ўзича*). Орол эмиш, орол, орол...

Қосимжон. Ғирт телба экансиз-ку. Одам ўз отасига ҳам шунақа муомала қиладими. Қолаверса, дадангиз — ҳақ. Сиз осмонга тикилавериб, ердаги гапларни унутиб қўйгансиз...

Элёр. Орол эмиш... Минг афсуски, мана шунақа ёнғоқнинг бир палласидай майда-чуйда, кимсасиз ороллар йўқ эмас.

Парда

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Биринчи манзаранинг ўзи. Қосимжон қоғоз халтани титкилаяпти. Элёр газета ўқияпти.

Қосимжон. Қанақа аҳмоқ-а, бу шогирд бола. Қази емайман, деганимга пўстдумба пиширибкепти. Ие, мана, памилдориям бор экан. Ҳозир бир қўлбола аччиқ-чучук ясаймиз. (*Ўзича минғиллаб помидор тўғрай бошлайди.*) Бу замоннинг мева-чеваларигаям ҳайрон қоламан-да, Элёржон. Нима есангиз, дорининг ҳиди келади. Бодринг — дори, памилдори — дори.

Элёр (*кулиб*). Буниси ҳали ҳолва. Йигирма биринчи асрга бориб овқат ўрнига таблетка ўйлаб топиларкан.

Қосимжон. Ҳай-ҳай-ҳай! Худо ўша кунларни кўрсатмасин.

Элёр (*кулиб*). Нима қипти, бир жуфт таблеткани еб олассизу, кун бўйи юраверасиз. Вақт тежалади, ошқозонга ортиқча юк тушмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қосимжон. Ўлманг-е, биродар, сиз ҳам жа ошириб юбордингиз!

Элёр. Ҳазил. Ростини айтсам, сиз ҳақсиз. Гап қайси мевада қанча дори борлигида ҳам эмас. (*Ўйланиб.*) Энг ёмони, Қосимжон, ерни зўрлаяпмиз. Пахта плани деймиз — ерни заҳарлаймиз, сабзавот плани деймиз — ерни заҳарлаймиз. Ер шунчаки тупроқ эмас. Униям жони бор. Эртага шунақанги жазомизни берадики...

Қосимжон. Шуни айтаман-да, ҳой қўлинг сингур ноинсоф! Тош боссин деб тагига дори тиқаверасанми!

Элёр. Шуни яхши билингки, шахсий манфаат деган жойда инсоф деган тушунча ўлади.

Эшик тақиллайди. Очилиб Фарида пайдо бўлади. Қўлида бир даста оқ гул.

Фарида. Мумкинми, салом!

Элёр (*суюниб кетади*). Салом, Фарида, келинг.

Қосимжон. Бормисиз, Фаридахон! Элёржоннинг юрагини касал қилишга қилибсиз, давосини ҳам ўзингиз топинг-да! (*Помидор солинган тарелкани қўлига олиб, юради.*)

Фарида. Тузук, дадил-дадил юрадиган бўлиб қобсиз-ку.

Қосимжон (*Элёрга қарайди*). Нима, мениям шунақаси тўппа-тўғри арши-аълога равона бўлади, деб ўйлаганмидингиз? Йўқ, мен унақа анойилардан эмасман!

Фарида (*жиддий*). Мен ҳам сизни унақа деяётганим йўқ. Тузалиб қолган одам, йўлакларни бир айланиб келса, кўнгли очилади, деб эшитгандим.

Қосимжон (*кулиб*). Қаранг-а, боядан бери нима эсимдан чиқди, деб ўйлаб турувдим-а, яхшиям ёдимга солдингиз. (*Тарелкани кўтариб чиқиб кетади.*)

Элёр. Фарида, эшикдан кирмасингиздан ишга тутсам хафа бўлмайсизми?

Фарида. Йўқ, бемалол.

Элёр. Лабораторияда менинг папкам қолиб кетибди. Кўзингиз тушмадими?

Фарида. Олиб қўйдим. Тажрибалар натижаси ёзилган экан. Ўқиганим учун узр.

Элёр. Раҳмат. Мен сиздан яширармидим. Сиздан-а?!

Фарида гулдастани Элёрга тутқазади.
Элёр қалдини ростлаб, ҳидлайди.

Элёр. Раҳмат, Фарида, оқ гулни яхши кўришимни қаёқдан билдингиз?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фарида. Ўзим ҳам яхши кўраман. Оқ гулдан онанинг ҳиди келади дейишади.

Элёр. Қаранг, ҳозиргина Ерни гаплашиб турувдик. Баъзан ҳайрон қоламан. Қоп-қора ер шунча рангни қаёқдан оларкан? Неча минг хил гул бўлса, шунча хил ранг...

Фарида. Афсуски, мана шу ернинг ўзи баъзан ортиқча сахийлик қилиб юборади. Фақат гул эмас, тикан ҳам ўстиради. Гул билан баравар тикангаям меҳр беради. Нурга тутади.

Элёр. Начора, онага боланинг яхши-ёмони йўқ. Қолаверса, бутунлай ёмон одам бўлмаганидай бутунлай ёмон тикан ҳам бўлмайди.

Фарида. Ёмон одамлар нега бўлмас экан! Масалан, анави Шермуҳамедовга ўхшаганларнинг кимга фойдаси тегяпти! Қайси куни бошлаган тадқиқотларни тўхтатишни талаб қилиб туриб олди.

Элёр (*ўрнидан туриб кетади*). Ним-ма! Нега тўхтатилар экан? Нима учун!

Фарида (*ташвишланиб*). Элёр ака, илтимос. Жон, Элёр ака, ташвишланманг, хўпми? Биламан, бу гапни айтмаслигим керак эди. (*Ўйланиб.*) Элёр ака, мен... бошқа маънода, Элёр ака. Сиздан рухсат олмоқчи эдим. Бу ердан чиққунингизча мен...

Элёр (*унинг кўзига узоқ тикилиб қолади*). Йўқ.

Фарида. Ахир...

Элёр (*кескин*). Рухсат бермайман, вассалом.

Фарида. Ахир, мен сизнинг аспирантингизман, менга ишонмайсизми?

Элёр. Ишонаман, Фарида. Лекин рухсат бермайман.

Фарида. Демак, ишонмайсиз.

Элёр (*қийналиб*). Тушунсангиз-чи, Фарида, иложим йўқ. Сиз менга шунчаки аспирант эмас... Бу... Хавфли, тушуняпсизми... (*Ўйланиб.*) Йўқ, рухсат бермайман, касалланиб қолишингиз мумкин.

Фарида (*ўйланиб*). Дадам айтдилар. Сиз тез кунда соғайиб кетармишсиз.

Элёр. Дадангизнинг олдида бир умр қарздорман.

Фарида. Буни дадамнинг ўзига айтманг. Бунақа гапларни ёқтирмайдилар. (*Узоқ ўйланиб.*) Дадам яхши одамлар-а?

Элёр (*кулиб*). Сизнинг дадангиз бўладилар-у, ёмон одам бўладиларми. Ойингиз янаям яхши бўлсалар керак. Бу ердан чиққанимдан кейин таништириб қўясизми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фарида (*паузадан кейин*). Дадам... умуман уйланган эмаслар.

Элёр (*ҳайратда*). Кечирасиз, тушунмадим.

Фарида. Ҳа, уйланган эмаслар. Менинг ота-онам бутунлай бошқа одамлар бўлган экан. (*Ўйланиб.*) Онам мен туғилган замони ўлган эканлар. Дадам профессор билан бирга ишларканлар. Мен икки ёшга чиққанимда "Тез ёрдам" машинасида қишлоққа, бир беморга ёрдам бергани кетаётганларида авария бўлиб... Кейин мени етим болалар яслисига бермоқчи бўлишганида бу дадам йўл қўймабдилар. (*Ўйланиб.*) Кейин... Билмадим, қизим бировнинг қўлига қараб қолмасин, деганмилар, уйланмабдилар. (*Пауза.*) Шунақа, менинг дадам яхши одамлар.

Элёр. Кечирасиз, Фарида (*ҳаяжонда*). Ахир, ахир, шунча пайтдан бери айтмовдингиз-ку, буни.

Фарида. Элёр ака, нима деб айтаман? Дадамни бегона дейманми?!

Элёр. Мен сизни хафа қилмоқчи эмасдим.

Фарида (*ўйланиб*). Нега хафа бўлай. Эсингиздами, Элёр ака, баҳорда — лола сайлига чиққанимизда дунёда энг қимматли нарса нима, деб сўрагандингиз. Мен кўп ўйладим. Менимча, одам учун энг қимматли нарса — меҳр экан.

Элёр. Фарида...

Фарида. Элёр ака, ростини айтсам, ёмғирни соғиндим.

Элёр. Мен ҳам жуда-жуда соғиндим. Фарида...

Фарида (*Элёрнинг қўлидан тутиб*). Эсингиздами, Элёр ака! Умиднинг олдига биринчи марта борганимизда ҳам ёмғир ёққанди. Умид бизларни ёмғирдан пана қилганди... Эсингиздами, ўша куни нарироқдаги скамейкада бир йигит билан қиз шундоқ ёмғир тагида ўтириб олиб, бир-бировлари билан роса жанжаллашишган эди. Сиз уларнинг қилиғини кўриб жаҳлингиз чиқиб кетганди.

Элёр. Одам қизиқ. Бир-бирига жиндай меҳр қўйиб улгурмай туриб кўнглига олам-олам озор бера бошлайди. Бир қарасанг, бир-бирларига жон фидо қилишади. Бир қарасанг, бир-бирини отишга ўқ тополмай қолишади.

Фарида (*кулиб*). Бора-бора садоқат деган нарса қаҳрамонликка айланиб кетади, шекилли...

Элёр. Менга қолса, садоқат деган нарса кундалик эҳтиёжнинг ўзи бўлиши керак. Одамни одам қилиб турган нарса — шу-ку, ахир!

Фарида (*ўкиниб*). Сиз мени ёш бола деб ўйлайсизми, Элёр ака! Наҳотки, шуниям тушунмасам. Биласизми, кеча яна Умиднинг олдига боргандим...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қосимжон киради. Қўлида бўш тарелка.

Қосимжон. Помидор емай мен ўлай. Эски қозончиқнинг авра-астарини ағдариб юборяпти-ку!

Элёр. Қалай, яхшими?

Фарида. Умидми? Яшнаб кетибди. Олдида анча ўтирдим. (*Туради. Қосимжонга.*) Сизга доктор айтиб юборайми?

Қосимжон (*ўрнига ётиб*). Йўғ-е, шарт эмас, ўтиб кетади.

Фарида. Ҳозирча, хайр.

Элёр. Раҳмат.

Фарида чиқади.

Қосимжон. Умид ким, Элёржон? (*Элёр эшитмайди. Хаёли банд.*) А, Элёржон?

Элёр. Нима?

Қосимжон. Умид ким, дейман?

Элёр. Умидми? Дарахт. (*Ўйчан.*) Стадионнинг кунботар томонида бир туп эман дарахти бор. Бу — бизнинг дарахтимиз. Унга ўзимиз от қўйганмиз.

Қосимжон. Тавба! Одамлар итга, сигирга, эчкига от қўйганини эшитгандим. Дарахтгаям от қўйиларкан-да. Тагида скамейкасиям бордир? А. Элёржон? (*Элёр ўз хаёллари билан банд, эшитмайди.*) Э, нима бўлди сизга, лип этиб кириб шунчалик хаёлингизни эргаштириб кетдими? (*Ўйланиб.*) Илло, хаёл тугул одамнинг ўзиниям эргаштириб кетса арзийдиган қиз... (*Ярим овозда.*) Раҳмим келади.

Элёр. Кимга?

Қосимжон. Фаридахонга-да...

Элёр. Нега энди?

Қосимжон. Ёш, гулдай қиз...

Элёр. Менга қаранг, нимага нуқул чистон гап қиласиз? (*Туриб тепасига келади.*) Нима демоқчисиз?

Қосимжон. Ҳай-ҳай, ўзингизни босинг, биродар.

Элёр. Айтинг, нега раҳмингиз келиши керак экан?

Қосимжон. Мана шунақа феълингиз бор-да! Арзимаган нарсага 93 бензиндай лов этиб ёниб кетасиз. Ўн йил илгариям худди шу эдингиз. Ҳайронман, шундоқ қиз нимангизни яхши кўради?

Элёр. Бир қарашда ғирт аҳмоқ одамга ўхшайсиз, лекин сиз аҳмоқ эмассиз. Тошни ёрадиган ақлингиз бор. Бор-у, фақат айёрликка ишлатасиз! Сиз маккор одамсиз!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қосимжон. Тўхтанг, тўхтанг! Мен бу гапни илгариям эшитгандим. Ким айтувди-я? Ҳа, бир қиз айтган эди. Тавба, худди шунақа деганди-я.

Элёр. Отасига раҳмат. Эсли қиз экан.

Қосимжон. Яхши кўрардим. Ўзиям дурустгина эди. Пешонага сиғмаган экан. Тақдир-да.

Элёр (*жиддий*). Ўлдими?

Қосимжон. Ие, нега ўлади? Узатиб юбордим.

Элёр. Яхши кўрсангиз нега энди "узатиб юборасиз?"

Қосимжон. Э, ўлманг-э, одам яхши кўрганига уйланаверса, амир Олимхоннинг арвоҳи қўш қўллаб урмайдими?

Элёр. Тушунмадим.

Қосимжон. Шунақасиз-да! Нуқул осмонга тикилавериб, ердаги гапларни унутиб қўйгансиз. Дунёда ўйин- кулги, хурсандчилик деган гаплар бор...

Чироқ ўчади.
Репродукторда овозлар.

Ҳамшира. Профессор, бир аёл қабулингизга кирмоқчи, нима дейсиз?

Профессор. Марҳамат, кирсин.

Элёрнинг онасининг овози. Салом, профессор. Мен бемор Маҳмудовни кўрмоқчи эдим. Рухсатимсиз ҳеч ким кирмасин, деган экансиз.

Профессор. Деганман. Сиз унинг...

Она. Онасиман, ўғлимни кўришим керак.

Профессор. Шунақами? Майли киринг. Аммо қайси куни отаси келиб кетганидан кейин беморнинг аҳволи оғирлашиб қолди. Сизларнинг муносабатларингиздан хабарим йўқ. Лекин бемор учун биз жавобгармиз. Илтимос, уни ҳаяжонлантирманг.

Она. Профессор, ростини айтинг. Элёрнинг касали чинданам... Ўшанақами?

Профессор (*оҳиста овозда*). Ҳа...

Она (*йиғлаб юборади*). У тузаладими? Айтинг, профессор, тузаладими?

Профессор. Ҳаракат қиламиз... Эрта-индин онкология марказига ўтказамиз. Илтимос, бемор ҳозирча бу гапни эшитмасин.

Она. Болам, шўрлик болам...

Чироқ ёнади. Элёр палата деразаси олдида кўчани томоша қилиб, чекиб турибди. Қосимжоннинг ўрни бўш. Қаёққадир чиққан. Эшик очилиб она киради. Элёр бурилиб қарайди. Она югуриб келиб уни қучоқлайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эл ё р. Ассалом, онажон! Ҳозир деразадан қараб туриб негадир сизни ўйлаётгандим. Юрагим сезган экан. Менинг бу ердалигимни қаёқдан билдингиз?

О н а. Ёмон гап тез тарқалади... Тузукмисан, болам?

Эл ё р. Ў-ҳў! Машҳур бўлиб кетибман-ку. Арзимаган дард билан касалхонага тушганимнинг хабари дарров Самарқандга етиб борса!

О н а (*унинг сочини силайди*). Озиб кетибсан, болам, кўзларинг ғалати. Ўттизга етмасдан сочларинг оқариб кетибди.

Эл ё р. Ўттиз дейсизми, онажон! Сиз мени бошқа одам билан адаштиряпсиз чоғи. Мен элликдан ошиб кетдим. (*Она ҳайратланиб қарайди.*) Шунақа, онажон. Аллақайси донишманд айтган экан. Сочнинг эрта оқариши нодонлик белгиси деб. Негаки, ақлли одам яшашни билади, тез қаримайди. Одамнинг ёши бир ерга бориб қолгандан кейин хотираси сусайиб қоларкан. Қаранг, сизни охирги марта қачон кўрганим ёдимда йўқ...

О н а. Элёр!

Эл ё р. Шошманг, эсладим. Диссертация ёқлаётган куним, бир зум сизни кўриб қолдим. Келдингизу, кетдингиз. Худди саҳар палласидаги ширин тушдай. Билсангиз, сизни яна бир марта кўриш учун яна минглаб одамлар билан баҳслашиб, юзлаб диссертация ёзишга тайёрман, онажон... Ўшанда шошилиброқ турган экансизми? Туристлар билан келганмидингиз?

О н а. Болам, хафа бўлма. Ўшанда сени узоқдан кўрганимгаям шод бўлдим. Рост, шошилиб турувдим. Бунинг устига яқин боришга... уялгандим.

Эл ё р (*жилмаяди*). Мана энди шошиладиган жойимиз йўқ. Қалай, тузукмисиз? (*Ўйланиб.*) Тузуксиз... Аҳволингиз яхши. Сочларингиз ҳам оқармабди.

О н а. Ғалати бўлиб қолибсан.

Эл ё р. Наҳотки, ёмонга яқин юрсанг, балоси юқар, деган гапни эшитмаган бўлсангиз, онажон! Мен аҳмоқ одамлар орасида кўп бўлдим. Яқинда энг қадрдон бир оғайним уйланди. Отаси милицияда ишлаган экан. Хавфли бир жиноятчини тутиш пайтида ҳалок бўлган экан. Шундоқ қилиб дўстим ҳали туғилмасидан отасиз бўлиб қопти... Ўша ўртоғим уйланди. Ҳамма ўйин-кулги қиляпти-ку, куёвнинг онаси йиғлаб ўтирибди. Нима бўлди, деб сўрасам, баттар йиғлайди. Бева қолганимда 19 ёшда эдим, шу боламни деб умримни ўтказдим. Боши иккита бўлганидан, суюнганимдан йиғлайман, дейди. Телба хотин экан! Боласи нима қилиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

берарди! Ёш умрини хазон қилишининг нима кераги бор эди!

Она (*ўғлининг бошини силаб*). Жон болам, ўзингни бос. Жон болам!

Элёр. Ўзи менда Худонинг қасди борга ўхшайди. Нимадан қочсам, ўшанга йўлиқаман. Бу ерга келиб ҳам худди шунақа бефаросат бир одамнинг қўлига тушдим. Профессорни туппа-тузук одам деб юрсам, телба экан. Бировнинг етим қолган қизчасини одам қиламан, деб сўққа бош ўтибди. Шу ҳам инсофданми, онажон, нима дедингиз.

Она. Ўзингни бос, болам. Тинчлан. Сенга тинчлик керак.

Элёр. Қайси куни қўлимга бир китоб тушиб қолди. Уруш пайтида одамлар хўп нодон бўлган экан-да, онажон! Аллақаёқлардан келтирилган икки юз минг етим болани талашиб-тортишиб фарзанд қилиб олишибди. Ўз боласи нима қилиб беряпти-ю, бегона нима каромат кўрсатарди?!

Она. Бўлди, Элёр!

Элёр. Э, тушундим, у пайтларда етимхоналарнинг мазаси бўлмаган. Ҳозирги етимхоналар замонавий! Ҳамма нарса муҳайё! Ташлаб кетаверишади. Туғдириш — отадан, туғиш — онадан, боқиб олиш — давлатдан. Рост-да, давлатга бола керакми, боқиб олсин!

Она. Юрагимни аброр қилма.

Элёр. Ҳа, яна битта овсар эсимга тушиб қолди. Орқаворатдан эшитган бўлсангиз керак. Мен ота-онасидан юз ўтирган, икки пулга қиммат безори болалар ўқийдиган интернатга жойлашгандим. Ўша интернатда бир қоровул чол бор эди. Ёши етмишга кирсаям, ақли қуйилмаган довдир чол эди. Мияси айниган ўша чол менга ҳар хил олди-қочди гапларни айтиб берарди.

Эмишки, Худо бир йигитдан сўраганмиш: "Ҳой йигит, сен тонг отганини қаердан биласан?" "Ёрим тушимга кирганидан". Бир қиздан сўрабди: "Ҳой қиз, тонг отганини қаёқдан биласан?" "Деразам олдидан ёрим қўшиқ айтиб ўтганидан". Бир онадан сўрабди: "Ҳой она, тонг отганини сен қаёқдан биласан?" "Боламнинг бешиги ғирчиллаганидан". Шуям гап бўлди-ю! "Эрим туртиб уйғотганидан", деб ростини айтса ўладими? Нима, боласи мармартош қўярмиди унга?

Она. Мени бунчалик қийнама, жон болам! (*Узоқ ўксиб йиғлайди.*) Нима, сенга ачинмайманми, жоним болам!

Элёр. Йиғламанг, онажон. Сизнинг кўз ёшингизни кўришга чидолмайман. Сиз йиғлаяпсиз. Билсангиз, мен ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

йиғлаяпман. Аммо мен кўз ёши тўкмасдан, овоз чиқармасдан йиғлашга ўрганиб қолганман. Охирги марта овоз чиқариб йиғлаганимга анча бўлди. Сизнинг тўйингиздан буён қанча йил ўтган бўлса, бунгаям шунча бўлди. Эсингиздами, сиз ўзингиз билан маслакдош одамга турмушга чиққанингиздан кейин Самарқандга кетиб қолдингиз. Бир ойлар ўтиб қайтиб келдингиз. Ярим кунга. Сизни жудаям соғингандим. Йиғлагим келди-ю, негадир овозим чиқмади. Қайтиб кетаётганингизда бувим сизга нима дегани эсингизда борми? (*Она йиғлашдан тўхтаб, унга тикилиб қолади.*) Бувим — яъни сизнинг онангиз айтдики, ўғлинг ичикиб қоляпти. Ақалли бир ҳафтага бўлсаям олиб кет, ўйнаб қайтиб келар, деди. Ўшанда сиз нима деганингиз эсингизда йўқ, тўғрими?

О н а (*унинг оғзини кафти билан тўсиб*). Бўлди, Элёр, бас қил!

Э л ё р. Эсингизда йўқ! Сиз "Битта итвачча деб умримни хазон қилайми, катта бўлса, йўлини топиб кетаверади", дедингиз.

О н а. Элёр!

Э л ё р. Мен ўшанда ҳам овоз чиқармай йиғлаган эдим. Шундай қилиб, мен итвачча, бувим билан, яъни сизнинг онангиз билан — муштдай кампир билан қолдим. Эсингиздами, биз бувим билан каталакдек хонада турардик. Эсингиздами, ўша уй вассажуфтига қоқилган узун михга қалдирғоч ин қурганди. Мен чалқанча ётиб уларни томоша қилишни яхши кўрардим. Қалдирғочлар ўз полапонларига шунчалик чаққонлик билан емиш ташмалашларига ҳайрон қолардим!

О н а. Бўлди, Элёр! Тинчлан, болам. Толиқиб қоласан! Унақа беҳуда нарсаларни ўйлайверма, жон болам!

Э л ё р. Кечалари бувим кўйлакларимни ямаб ўтириб қўшиқ айтарди. Бу жуда мулойим, жуда дақшатли қўшиқ эди. Ҳадеб бир гапни қайтараверарди: "Отанг ўлсин, болам! Онанг ўлсин, болам! Тирик етим болам!"

О н а. Бас, деяпман! Чидолмайман! (*Йиғлайди.*)

Э л ё р. Мен ўша қўшиқ оҳангига маст бўлиб ухлаб қолардим!

О н а. Отанг ўлсин, болам! Отанг ўлсин! Ҳаммасига отанг айбдор! Аввалига бир-биримизни яхши кўргандек эдик. Бир-биримизни яхши тушунардик. Орамиз бузилди. Ҳар хил одамлар. Ҳар хил гаплар. Нима қилай, мен — замонавий — илғор одам бўлишга мажбур эдим. Отанг бўлса бориб турган тўпори эди. Олий маълумотли одамгаям ўхшамасди. Беҳуда рашклар билан жонимни оларди. Уйимиз кунора

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўполон. Охирги жанжал ҳам шундан чиқди. Сен мактабда эдинг. Мен туристлар билан Хевага учишим керак эди. Энди отланиб турсам отанг тоғдан келиб қолди.

Чироқ ўчиб ёнади. Иккинчи манзара. Хонанинг бир бурчаги. Ўша аввалги ҳолатнинг ўзи. Элёрнинг онаси оддий кийимда. Иш тикиб ўтирибди. Элёрнинг отаси қопчиқ кўтариб киради. Қопчиқни жаҳл билан улоқтиради. Она чўчиб бурилиб қарайди.

Она. Вой! Ассалом алайкум! (*Югуриб бориб эрининг бўйнига осилади.*)

Ота. Ўлиб қолганмисан, нима бало! Эшикни тақиллатаверіб қўлим толди-ку! Ўғрига ўхшаб ўз уйимга боғ эшикдан кириб ўтирсам!

Она. Сизни кутаверіб кўзим тўрт бўлди. Баъзан кечалари дарвоза тақиллаётгандай бўлади. Югуриб бориб очаман. Шунча кутиб-кутиб келганингизни билмай қолганимни қаранг. Уч ой бўлди кетганингизга. Ҳазилми... Элёр ҳар куни дадам қачон келадилар дейди... Мактабга қатнаяпти. Сизни бирам соғинганки... (*Келиб яна қучоқлайди.*) Озибсиз, қорайибсиз. Биласизми, сизнинг мана шу тер исингизни соғиндим.

Ота (*юзини артади*). Сендан бўлса аллақанақа янгича атир иси келяпти. Арабча атирми, французчами? Ким совға қилди?

Она. Яна ўша гапми? Нима қилай, касбим шунақалигини олдиндан билардингиз-ку.

Ота. Бунчалик бўлишини билмаган эканман. Ҳамма таржимонлар ҳам ажнабийлар билан шаҳарма-шаҳар тентираб юрмайди-ку!

Она. Ювининг, дам олинг. Қўйинг, йўқ ердаги гаплар билан ўзингизни қийнаманг.

Ота (*бақириб*). "Бор гапми, йўқ гапми, барибир! Тоғ-тошларда юрганингда хотининғни ўйлашга мажбур бўларкансан. Айниқса, хотининг бу шаҳар билан у шаҳар ўртасида липиллаб учиб юрса. Унинг тўғрисида бир гал у шаҳардан, бир гал бу шаҳардан "янгилик" эшитиб турсанг. (*Шубҳа ва ғазаб аралаш*). Бухорога қайси группа билан боргандинг?

Она. Жазоирликлар билан. Қайтганимга икки кун бўлди. (*Кулиб.*) Дарров етказишибди-да.

Ота (*ғижиниб*). Етказишди... Бу сафар ҳам уйда бўлмасанг меҳмонхонага бориб ёта қоламан, деб ишхонанга кирувдим.

Она (*соатига қараб олади*). Ростини айтсам, шу югур-югурлардан ўзим ҳам чарчадим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ота. Ҳа, яна эгарланган отдек бўливобдилар!

Она (*афсус оҳангда*). Икки соатдан кейин Хевага учишимиз керак. Аргентинадан туристлар келишган.

Ота. Ҳеч қаёққа учмайсан! Бугун сенинг туристинг мана мен бўламан. Хевага юборишга бошқа таржимон топишсин!

Она (*кулиб*). Кошкийди. Бошқа одам йўқ-да, бу ёғи борйўғи икки соат вақт қолди. Қўйинг, сиқилманг. Шундай борамизу, келамиз.

Ота. Йўқ, бормайсан ҳам, келмайсан ҳам. (*Жаҳл билан у ёқдан-бу ёққа юра бошлайди*).

Она (*унинг оқсаётганини кўриб*). Вой, шўрим, оёғингизга нима қилди? (*Илдам келиб унинг оёғини силайди.*) Айтсангиз-чи, нима бўлди?

Ота (*тескари қараб*). Тоққа борганимда брюцеллёз юққанди...

Она. Оғрияптими? Шу алпозда қийналиб юргандан кўра эртароқ қайтсангиз бўлмасмиди. Яна шу аҳволда қўлингизда юк билан ишхонамга кириб юрибсизми? Нима қилардингиз ўзингизни қийнаб?

Ота (*шиддат билан*). Нима? Ҳали мендан ор қиладиган бўлиб қолдиларми?

Она. Ё тавба! Нима деяпсиз, нега ор қиларканман?

Ота. Мен ҳам шунга ҳайронман! Нега энди мендан ор қилишинг керак экан. Билсанг, сендан мен ор қилишим керак! Ҳаммаси жонимга тегди. Чет элликлар билан судралишиб юришинг ҳам, сендан мана шундай ажнабий атир иси келиб туришиям, туристларнинг эгилиб қўлингни ўпишиям жонимга тегди! (*Столни муштлайди.*) Таъна-дашномлардан қутуламанми, йўқми?

Она. Нега менга дўқ қиласиз? (*Йиғламсираб.*) Нега кун бермайсиз?

Ота. Билиб қўй! Мен сенга чет эллик меҳмон эмасман. Мен сенинг эрингман!

Она (*эрини қучоқлайди*). Нима қилай, жон дадаси! Менам ишли одамман-ку! Зиммамда турган вазифам бор-ку!

Ота. Бўлмаса ўша ишингни эр қил! (*Уни итариб юборади.*) Вазифангни эр қил! (*Ўшқириб.*) Ҳеч қаёққа бормайсан.

Она. Тушунинг ахир, бормасам бўлмайди.

Ота. Бормайсан!

Она. Мени деб бутун группани тўхтатиб бўлмайди. Чет элликлар-ку, улар, дадаси!

Ота. Шунақами! Кетадиган бўлсанг, уйга қайтиб қадам босма!

www.ziyouz.com kutubxonasi

О н а (*сергакланиб*). Нима? Бу нима деганингиз?

О т а. Бу деганим шуки, одамлардан ҳазалак деган лақаб эшитиб яшаш жонимга тегди. Орамиз очиқ! Йўқол!

О н а. Эсингизни йиғинг! Сизларни ташлаб қаёққа кетаман!

О т а. Сен кетмасанг, мана, мен кетдим. (*Юлқиб қопчиқни олади.*)

О н а (*йиғлаб унга ёпишади*). Эсингизни йиғинг, жон дадаси! Бўҳтонларга ишонманг! Ўртада бола бор. Элёр бор! Эшитяпсизми, Элёр бор!

О т а. Итваччанг ўзингга буюрсин!

Қопчиқни олиб чиқиб кетади. Она унинг кетидан югуради. Чироқ ўчиб ёнади. Биринчи манзара. Палата. Э л ё р билан о н а с и. Она ўша алпозда ўйчан ўтирибди.

О н а. Ноҳил отанг ўша кетганча қайтиб келмади. Йиғладим-сиқтадим. Охири кўндим. Начора, бўлак иложим йўқ эди.

Э л ё р (*ўйланиб*). Онажон, бир нарсани сўрасам хафа бўлмайсизми?

О н а. Сўра, болам! Сен мендан ҳамма нарсани сўрашга ҳақлисан.

Э л ё р. Сиз менинг туғилишим олдида тошга бошқоронғи бўлмаганмисиз?

О н а. Бу нима деганинг?

Э л ё р. Бувим менинг бошимни силаб, ҳар доим бошинг тошдан бўлсин, дерди. Чиндан ҳам мен тош бўлдим. Сиз олиб отамга отасиз, отам олиб сизга. Отамга тегиб, отамга озор бераман, ўзим озор чекаман. Сизга тегиб, сизга озор бераман. Ўзим озор чекаман...

О н а. Наҳот, сенга озор бергим келса? Наҳот, сени ёмон кўрсам?

Э л ё р. Асло! Фақат икковларинг бир-бировларингни шунчалик зўр бериб қоралаётганларингга ҳайрон қоламан. Майли, онажон, мен сизни тушунаман. Сиз жуда тўғри қилгансиз. Одамга бахт керак. Шахсий бахт керак! Ота-онанинг бола олдидаги, умуман одамнинг одам олдидаги бурчи занглаб кетган кишан-ку! Бу кишан ҳалқаларини улоқтириб ташлашнинг нимаси ёмон. Ҳар ким ўзини ўйлаши керак. Ҳеч ким дунёга икки марта келмайди.

О н а. Элёр, бас, деяпман. Тириклайин ўлдирма мени! Сенга оналик меҳрини беролмаганим учун мен айбдор эмасман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Элёр. Мен сизни айблаётганим йўқ. Мен шунчаки ўзим ўйлаган гапни айтдим. Ҳаётда биров беради, биров олади. Биров кўпроқ беради, биров кўпроқ олади. Интернатда ўқиб юрганимда, ҳаётга кўпроқ нарса беришни ўргатишди. Бунинг учун хафа эмасман, бахтиёрман, онажон. Шунинг учун ҳам диссертация ёқлаганимдан кейин ишхонамга, "Ўғлимнинг ойлиги уч юз сўмдан ошибди, муштипар онасига ёрдам бериб турса бўларди" деган маънода хат ёзганингизда ҳам — қувондим.

Она (*сесканиб кетади. Бошини чангаллаб*). Мен бу ишни ўгай отангнинг маслаҳати билан қилувдим. Бу кунимдан кўра ўлганим яхшимасмиди.

Элёр. Ундоқ деманг, онажон! Сиз хат ёзмасангиз ҳам мен барибир шундоқ қилган бўлардим. Оқ сутингизни оқлаш деган нарса эсимдан чиққан эмасди. Мен сизга ҳамма нарсамни беришга тайёрман. Ҳаммасини. Фақат битта нарсани беролмайман. Академиклар шаҳарчасидаги ҳужрамда катта бир хазинам бор. Каравотимнинг тепасида турибди. Атлас кўйлак, чамандагул дўппи кийган аёл сурати. Мен бу суратни бувим ўлганида сандиғидан олганман. Уни ҳамиша яшириб юрганман. Бу сизнинг суратингиз. Ўшандан бошқа ҳамма нарсам — сизники!

Она (*Элёрни қучоқлайди, узоқ ўксиб йиғлайди, ўпади*). Бўйларингдан онанг ўргилсин, болам! Сен касал бўлганингдан кўра мен бўлсам яхшимасмиди. Сени шу аҳволда кўрган кўзларим оқиб тушса бўлмасмиди?!

Элёр. Унда мен кўпроқ азоб чеккан бўлардим, онажон.

Она (*йиғлаб*). Элёр, болам, айт, кечирдим, де. Сиздан розиман де. (*Яна қучоқлаб бағрига босади.*)

Элёр. Онажон, мен чарчадим. Профессор кўриб қолса койийди.

Она. Ёт, болам, ёта қол. Мен бирпас тепангда ўтирай. Бирпас дийдорингга тўйиб олай. (*Йўлакда Қосимжоннинг йўтал товуши эшитилади.*)

Элёр. Кеч бўлиб қолди, онажон. Шеригим палатага киришга ийманяпти. Сиз ҳам бориб дам олинг.

Она. Ҳеч кетолмаяпман, ўғлим. Ҳеч кўнгил узолмаяпман... Кўнгил узолмаяпман.

Элёр. Йўқ, онажон. Эрталаб яна кўришамиз. (*Она тараддудланиб ўрнидан туради. Қосимжон киради.*)

Қосимжон. Ассалом алайкум, она.

Она (*Қосимжонга оғир бош силкиб саломлашади. Элёрга қараб*). Майли, болам, эрта билан яна келаман. Хайр.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Элёр. Хайр, ойи, яхши кўришайлик.

Чақмоқ чақади. Момақалдироқ гумбурлайди. Палата деразасидан шамол кириб, дарпарда ипини узиб юборади.

Элёр билан Қосимжон дераза олдига келишади.

Элёр. Ёмғир қуйиб кетди. Онам ёмғирда қоладиган бўлди.

Қосимжон. Зиёни йўқ. Ёз ёмғири. Қайтага одамни свежий қилади. (*Кўксини тўлдириб, нафас олиб.*) Оҳ-оҳ, қаранг, қандоқ мазали. Ўн етти яшар қизнинг сочидан таралган ҳидга ўхшайди.

Элёр. Кўнглим ғаш. (*Момақалдироқ гумбурлайди, юрагини ушлайди.*) Юрагим сиқилиб кетяпти.

Қосимжон. Э, ўлманг-э, биродар! Юракнинг размериниям нинанинг тешигидан олганмисиз, нима бало!

Элёр (*уф тортиб*). Йўқ, бир бало бўлади, юрагим сезиб турибди.

Қосимжон. Қип-қизил ваҳима экансиз-ку, Элёржон! Нафасингизни иссиқ қилинг.

Элёр. Билмадим... Билмадим. (*Чуқур нафас олади. Эшик очилиб Лола отилиб киради. Сочлари ҳўл. Икковлари чўчиб қарашади.*)

Қосимжон (*қўрқув аралаш*). Ие, Лолахон! Қадамларига ҳасанот! Нечук Худо ярлақади? Шундоқ жалада. Ярим кечада...

Лола. Сиз билан гаплашиб олишим керак.

Қосимжон. Хўп-да, Лолахон! Бажонидил, фақат ўзингизни босиб олинг. Типчликми, ахир?!

Элёр (*эшик томон юради*). Кечирасизлар...

Лола. Тўхтанг, Элёр ака, сиз ҳам шу ерда бўлишингиз керак.

Қосимжон. Ие, буёғи неча пулдан тушди, Лолахон! Ким билан гаплашмоқчисиз, ўзи? Мен биланми, Элёр акангиз биланми?

Лола. Сиз билан!

Элёр. Кечирасизлар, мен айланиб келай. (*Юради.*)

Лола (*эшикни тўсиб*). Илтимос, Элёр ака. Тўхтаб туринг! (*Элёр беихтиёр тўхтайди.*)

Қосимжон. Мен билан гаплашсангиз даллолнинг нима кераги бор!

Лола. Шунақа қўрқоқмисиз?

Қосимжон. Нега қўрқай. Нима, Элёр ОБХССмидики, қўрқаман! Ана, кўнглингиз шуни тусаса қолаверсин. Хўш, нима дейсиз?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лола (*шиддат билан*). Замира ким?

Қосимжон (*чўчиб*). Қанақа Замира?

Лола. Ўзингизни гўлликка солманг.

Қосимжон. Мен ҳеч қанақа Замира-памирани танимайман.

Лола. Одам бўлиб бир марта рост гапиринг сиз ҳам.

Қосимжон. Нима ишингиз бор? Хўжайинмисиз?

Лола. Нега ишим бўлмасин? Айтинг, ахир?

Қосимжон. Жудаям билгингиз келяптими? Ана, билиб ола қолинг. Собиқ хотиним! ЗАГСи йўқ хотин хотин эмас, ҳозир орамиз очиқ. Энди кўнглингиз тинчидими?

Лола. Иккита болангиз-чи? Уларда нима гуноҳ?

Қосимжон. Болаларга нима қипти? Думалаб-сумалаб катта бўлиб кетаверади. Худога шукур, ҳозир замон тўқчилик... Балки сиз уларни эмас, ўзингизни ўйлаётгандирсиз. Парво қилманг, ҳозир бунинг йўли осон. Пули биздан... Дўхтир топиш — сиздан. Кейин... Уйдагилар кўймаётган бўлса, нимаям дердик! Бу — кўнгил иши. Эрга тегаверасиз. Тўйингизда ўзимиз бош бўламиз. Ундан кейин. Дилингиз қўмсаса, яна кўришиб турамиз.

Лола (*тепасига келиб тарсакилайди*). Алдоқчи! Виждонсиз! (*Йиғлайди.*) Виждонсиз!

Қосимжон (*юзини чангаллаб*). Э, кўп бақираверма. Ё тавба, хотин кишиям шунақа шатарама бўладими! Палакат босиб, уйланиб қолсам, охиратим куйиб кетаркан-а?

Лола. Виждонсиз! (*Кўчага отилади. Момақалдироқ гумбурлайди. Кўчадан унинг овози келади.*) "Виждонсиз!" (*Бу сўз 3—4 марта акс-садо беради.*) "Виждонсиз", "Виждонсиз!"...

Қосимжон. Кўрдингизми, Элёржон! Оз бўлмаса тузоғига илинтираркан-а! Ўзим-ку, биттасидан зўрға қутулувдим. Қаранг, шаллақилигини. "Виждонсиз" эмиш. (*Ўйланиб.*) Йигит киши эриб кетганида ҳар хил гапларни айтаверади-да. Ўзингга эҳтиёт бўл, ёш бола эмассан!

Элёр (*секин, аммо кескин*). Қайтаринг!

Қосимжон. Айтдим-ку, ўзи хоҳлаган. Пандавақироқ йигитни топиб тегиб кетаверади-да. Нима, шу билан осмон узилиб ерга тушармиди?

Элёр. Лолани қайтар, деяпман!

Қосимжон. Ие, қизиқ бўлди-ку! Менга буюряпсанми? Нима, хўжайинмисан менга?!

Элёр. Қайтар деяпман!

Қосимжон. Ие, даллолликни ким қўйибди сенга?! Осмонингни тешигини қидирсанг-чи, осмоншунос! Бизнинг ишга нега аралашасан?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Элёр. Нега бировнинг фожиасига томошабин бўлишим керак! Нега бир қизнинг булғанган иффатию икки гўдакнинг кўз ёшини кўриб индамай туришим керак! (*Тепасига келиб.*) Жавоб бер, ярамас!

Қосимжон. Оғзингга қараб гапир! Ўн йил аввал тақдиримга аралашган эдинг. Энди аралашолмайсан. У хоҳлади, мен хоҳладим, сенга нима.

Элёр. Шиллиққурт! Бармоқ билан бир босса шилтанг чиқиб кетади-ю, мулойим бўлиб олиб, бутун бошли чинорнинг илдизини қуритсам дейсан. Хотиржам бўл, ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайсан. Сенинг масаланғни ўзим ҳал қиламан!

Қосимжон. Сенми?

Элёр. Мен.

Қосимжон. Сен-а?

Элёр. Ҳа, мен! (*Унинг ёқасидан олиб бўғади. Қосимжон силкиниб чиқиб кетади.*)

Қосимжон. Оҳ-ҳо, қўрқиб кетяпман-ку! (*Майна қилиб.*) Войдод, ёрдам беринглар, одамлар! Жаҳонга машҳур осмоншунос Элёр Маҳмудовнинг дастидан до-од! (*Қаҳ-қаҳ уриб.*) Бировга ўлим тилагандан кўра ўзингга умр тила, осмоншунос! Шунча пайтдан буён анави аҳмоқ профессор, жазманинг Фарида яшириб юрган сирни энди мендан эшитиб қўй. Менинг ёқамдан олгунча ўзинг гўрга кирасан, ҳақиқат посбони! Сен аллақачон тамом бўлган одамсан. Раксан, билдингми, раксан. Раксан! (*Момақалдироқ гумбурлайди. Элёр юрагини ушлаб бир лаҳза каравотга ўтириб қолади. Кафти билан юзини тўсиб бир зум титраб тураді-да, бошини кўтаради.*)

Элёр (*титраганча қўлини туширіб*). Раҳмат... Мен бу гапни Фаридадан эмас, профессордан эмас, сендан эшитганимга хурсандман.

Қосимжон. Хурсандсан?! Воҳ-воҳ-воҳ! Ичингни ит таталаяпти-ю, хурсанд бўлармишсан... Мана шунақа! Ўлим кўзига кўринганида одам ювош тортиб қолади. Не-не гижинглаган буқалар қушхонага кираді-ю, бўзрайиб қолади. Одамнинг ҳам молдан фарқи йўқ. Эртага ўлишидан бехабар бугун ерга сиғмайди. Осмонга сапчийди.

Элёр. Бир одамнинг ўлими билан дунё остин-устун бўлиб кетмайди. Мен бундан қўрқмайман. Аммо ер юзида сенга ўхшаган махлуқлар борлигига ачинаман.

Қосимжон. Вой-вой-вой! Биз шиллиққурт бўлдигу, сиз чинормисиз! (*Кескин ўзгариб.*) Кимсан ўзи, вей! Дунёда адо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лат ўрнатаман деб мени ўқишдан ҳайдатдинг! Бурч деб алжираб туғдирган отангни моховга ошна қилдинг! Садоқатдан лекция ўқиб онангнинг дилини оғритдинг. Хўш, ўзинг нима бўлдинг! Кўриб қўй! Мана! (*Кўксига уриб.*) Мана, мен борман. Эртага сен йўқсан! (*Ҳаҳҳаҳа отади. Момақалдироқ гумбурлайди.*) Сен билан қўшилиб Умид дарахтинг ҳам қурийди. Жазманинг Фарида эртага бошқа бировнинг қучоғида жилпанглаб ётади. (*Кулади. Момақалдироқ гумбурлайди.*)

Элёр (*секин, аммо кескин*). Йўқол! Йўқол деяпман! Мен ер юзида сендай шилliққуртлар борлигига уяламан. Сен билан бир ҳаводан нафас олаётганимга уяламан. Йўқол! Йўқол! (*Стулни кўтариб, отмоқчи бўлади, ўзи йиқилиб қолади.*)

Қосимжон бир лаҳза унга қараб қолади-ю, кейин бақиради.

Қосимжон. Войдод! Ким бор! Тезроқ келинглар.

Кислород ёстиғи кўтарган ҳамшира, врач югуриб кирадилар. Элёрни кўтариб олишади. Чироқ ўчади ва ёнади. Элёр ўрнида ётибди. Оёқ томонида Фарида ўтирибди. Қосимжоннинг ўрни бўш.

Фарида (*маҳзун жилмайиб*). Элёр ака! Эрталаб Умиднинг олдига бордим. Ёмғирдан кейин янаям чиройли бўлиб кетибди. Скамейкамиз бўш турган экан. Чиқишингиз билан энг аввал ўша скамейкага бориб ўтирамиз. Албатта борамиз-а! Бирга борамиз-а. (*Хавотирланиб.*) Нега индамайсиз?

Элёр. Гапиравер. Сенга тикилиб ётиб, эшитгим келяпти.

Фарида. Умиднинг олдига борамиз-а, бўптими? (*Ялиниб.*) Айтинг, Элёр ака! Борамиз-а? (*Йиғламсираб.*) Бир нима десангиз-чи, Элёр ака!

Элёр. Яхшиям, ҳар инсоннинг ўз дарахти бор. Умид дарахти...

Фарида. Дадам айтдиларки, яна икки-уч ҳафтадан кейин сиз чиқаркансиз. Кейин Қора денгизга бориб, дам олишимиз шарт экан. Мен ҳам бирга борар эканман. Бўлмаса сизни бирон таси ўғирлаб кетармиш. Майлими, бирга борсам? Хўп дея қолинг!

Элёр. Шундай қилиб, қитъанинг бир бўлаги денгизга йиқилай-йиқилай деб турибди. На чора? Ҳар қалай қитъанинг ўша бўлагида битган озми-кўпми мева одамларга қола-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди-ку. Сен, Фарида, майда-чуйда оролчаларга эмас, қитъага қўшилгин, хўпми?

Фарида (*ваҳимада*). Тушунмадим...

Элёр. Тушунасан. Ҳаммасини тушунасан. Раҳмат сенга, Фаридам! Дунёда борлигинг учун раҳмат. Минг раҳмат сенга, жоним!

Фарида (*унинг сочини силайди*). Элёр ака, эсингиздами, Тошкент денгизида катерда сайр қилиб юрганимизда "Мени сал бўлсаям яхши кўрасизми? деб сўрагандингиз. Ўшанда мен "йўқ" дегандим. (*Шивирлаб.*) Ёлғон гапиргандим. Мен сизни сал эмас, бутунлай яхши кўраман, Элёр ака! Жудаям! Жудаям! (*Унинг сочини силайди.*) Жудаям яхши кўраман, Элёр ака!

Элёр. Ишонаман, Фарида, ишонаман! Ишонаман, менинг шўрлик Фаридам. Ишонаману... Ачинаман... Ачинаман... Мен ҳаммасини эшитдим.

Фарида (*чўчиб*). Ёлғон! Ёлғон гап! Ишонманг. Улар адашган. Адашган. (*Йиғлаб юборади, қучоқлайди.*) Адашган, Элёр ака, адашган.

Элёр. Йиғлама, Фарида. Бу масалада адашиш мумкин эмас. Йиғлама, жоним. Фақат битта нарсага ваъда бер. Қитъа билан бирикиб яшагин. Хўпми? Хўп, де, жоним.

Фарида. Ишонмайман! Дадамгаям, медицинагаям, анализларгаям ишонмайман. Сиз яшайсиз, яшайсиз! Ҳаммаси ёлғон!

Элёр. Йиғлама, жоним. Ҳаммаси рост.

Элёр дераза томон оҳиста юради. Фарида унинг кетидан отилади.

Фарида (*фарёд чекади.*). Ёлғон, ёлғон, ёлғо-о-он!

Парда

1970

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҲАЖВИЙ ҲИКОЯЛАР



“Шумлик” туркумидан

“ШПАНА”

Дорилфунунни янги битирган кезларим эди. “Одамлар нима деркин” деган қиссам китоб бўлиб чиққан... Озод Шарафиддинов, Субутой Долимов, Умарали Норматов, наманганлик қадрдонимиз — Нуриддин Бобохўжаев, бир-икки мезбонлар билан Саричелакка бордик. Тоғ устидаги кўл бўйида ётиб дам олдик. Кун бўйи чўмиламиз, ош-овқатни ўзимиз қиламиз. Бутун оламдан ажралиб, бир ҳафта радио эшитмасликка, соқол олмасликка, хуллас, “ёввойи” бўлиб юришга қарор қилганмиз... Ўн кунлардан кейин юк машинасида тоғдан қайтиб тушдик. Соч-соқоллар ўсган, кийимлар афтодаҳол.

Янгиқўрғон марказида тўхтаб тамадди қиладиган бўлдик. Йўл-йўлакай аллақандай магазинга кирдик. Чиройли қиз пештахта ортида китоб ўқиб ўтирган экан. Озод ака одатдаги “қитмирлик” билан сўради:

— Синглим, нима китоб ўқияпсиз?

Қиз ғаши келиброқ бошини кўтарди. Индамай китобнинг муқовасини кўрсатди. Бу — менинг китобим эди. Ёш ёзувчи бунақа пайтда қандай аҳволга тушишини биласиз. Хурсандман. Нуқул илжаяман!

— Бунақа бемаъни китобларни ўқиманг,— деди Озод ака “шумлик” қилиб.

Қизнинг жаҳли чиқиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўзингиз бемаъни! Китобни тушунмасангиз гапириб нима қиласиз!

Бизнинг оғиз — қулоқда.

Озод ака менга қараб кулди.

— Кўрдингми, мухлисларинг кўпайиб қопти.— Кейин қизга тушунтирди.— Қўлингиздаги китобни мана шу бола ёзган. Беринг, дастхат ёзиб беради.

Қиз менга бошдан-оёқ қараб чиқди-да, жаҳл билан бижиллади:

— Э, йўқол, шпана!

Довдираб қолдим. Қийқириқ, кулги... Айниқса, кекса Субутой домла тиззасига уриб-уриб кулади.

Йўқ, Озод ака амаллаб қизни ишонтирди. Қўлидан китобни олиб, "Ҳурматли фалончихонга..." деб энди дастхат ёза бошлаганимда ичкаридан башанг кийинган, тилла тишли киши чиқди. (Магазин мудири бўлса керак.)

— Хўш, нима шовқин?— деди қовоғини солиб.

Озод ака нима гаплигини тушунтирди. Мудир ҳаммамизга бир-бир қараб чиқди-да, мендан сўради:

— Ҳужжатинг борми?

— Обке паспортингни!— деди Озод ака жаҳли чиққан бўлиб.

Машина кабинасида қолган паспортимни олиб келишга мажбур бўлдим. Мудир аввал паспортга, кейин менга, ундан кейин китоб муқовасига қаради. Узоқ ўйланиб қолди.

— Фамилияси ўхшайди,— деди салмоқланиб,— сурати ҳам ўхшайди, аммо кўриниши ёзувчига ўхшамайди.

— Ана!— Субутой домла тантана билан кўрсаткич бармоғини осмонга бигиз қилди.— Ана! Одам танишни биларкансан-ку, ўғлим. Ёзган дастхатини кўргин! Ёзувчиям шунақа хунук ёзадими? Афтини қара, афтини! Тошканнинг хулигани-ку бу! Ҳа, қизим-а, содда қизим-а! Шунинг гапига ишондингми?!

Сотувчи қиз жаҳл билан мен дастхат ёзган варақни йиртди-да, ғижимлаб ерга улоқтирди...

"БЕМОР" ПИЁЗ

Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур дачаси ҳозир Саид Аҳмадники. Бу биринчидан. Иккинчидан, дача Ёзувчилар боғининг шундоқ кираверишида жойлашган. Учинчидан, Саид Аҳмад ака паловни "сайратиб" юборади. Чўпгаранинг гуру-

www.ziyouz.com kutubxonasi

чию зайтун ёғидан қилинган ошни кўп адиблар еган. Нега деганда устоз пиширган ошини барибир битта ўзи емайди. Боққа дам олишга борган ёзувчилардан кўнгил яқинларини албатта чақириб чиқади. Баъзан ё Эркин Воҳидовга, ё менга қўнғироқ қилади.

— Ке, болам, юртга ош дамлаяпман, икки кишилик...

Ошхўрлар жудаям ноинсоф эмас. Ошга ҳар ким баҳоли қудрат "ҳисса" қўшади. Биров тўрттагина сабзи, биров Ёзувчилар боғининг ошхонасидан олиб чиқилган бир кафтгина туз, биров бир қути гугурт дегандек... Қолган "арзимас" харажатлар — гўшт, ёғ, девзира гуруч, ароқ, коньяк ва бошқалар Саид Аҳмад акадан.

Кунларнинг бирида Эркин Воҳидов қўнғироқ қилиб қолди.

— Юринг, оқсоқолнинг дачасига бориб пиёздан хабар олиб келамиз.

— Қанақа пиёз?— деган эдим, тушунтирди:

Эркин ака устознинг дачасига бир эмас нақ олтита пиёз олиб борган экан. Пиёз бўлгандаям зўридан. Олтиариқнинг пиёзи!

Эркин Воҳидов, Раҳматулла Иноғомов, мен — узун-қисқа бўлиб кириб бордик. Пиёздан хабар олгани келганимизни айтдик. Устоз пешанаси тиришироқ ош дамлади. Маълум бўлишича, бу Эркин ака билан Раҳматулла аканинг тўртинчими-бешинчими марта "пиёздан хабар олиши" экан.

Мен ҳам мазахўрак бўлиб қолдим. Текин ош кимга ёқмайди! Келаси шанба Эркин Воҳидовга қўнғироқ қилдим.

— Пиёздан хабар олиб келмаймизми?

— Иложи йўқ,— деди Эркин ака,— "пиёз операцияси" барбод бўлди.

Кейин воқеани тушунтирди. Эрталаб кўчага чиқса, дарвоза олдида чиройли лента билан ўралган қоғоз қути турган эмиш. Эркин ака ҳайрон бўлиб қутини очса, қат-қат қоғоз орасидан сарғайиб кетган битта пиёз, ёнида конвертга солинган хат чиқибди. Хатда шундай сўзлар ёзилган экан: "Эркин, болам, пиёзинг уйимга кетаман, деб хархаша қилаверіб юрагимни сиқиб юборди. Шунча ялинсам ҳам кўнмади. Сени қаттиқ соғинибди. Ичикиб, касал бўлиб қолди. Хафа бўлма, уч-тўрт кун табибга қаратсанг, ўзига келиб қолади. Сен пиёзингни яхшилаб даволатиб тур. Келаси ҳафта ўттиз-қирқ киши кўргани борамиз".

— Энди нима қиласиз?— десам, Эркин Воҳидов топган чорасини айтди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳозир оқсоқолга қўнғироқ қилмоқчи бўлиб турувдим. "Пиёзнинг дарди оғир экан, шўрлик ўлиб қолди", деб қўя қоламан.

— Эсингиз жойидами?— дедим капалагим учиб.— Оқсоқол пиёзингнинг таъзиясига келдик, деб беш юз кишини бошлаб келса нима қиласиз?

— Буёғиям бор,— деди Эркин ака ўйланиб.— Майли, бир йўлини қиларман.

Уч кундан кейин Саид Аҳмад акага Эркин Воҳидовдан хат борибди. Хатда шундай сўзлар битилган экан:

"Устоз! Пиёзимни шунча боққанингиз учун раҳмат. Икки кунда оёққа туриб кетди, келиб овора бўлиб юрманглар. "Ёшлик — бебошлик", деб шуни айтади-да! Ҳайронман, тенгини топибдими, битта пиёз билан Олтиариққа қочиб кетди!"

ЙЎЛИ ТОПИЛДИ

(Эркин Воҳидов эллик ёшга тўлишига бағишлаб Тошкент Давлат дорилфунуни талабалари билан ўтказилган учрашувда сўзланган нутқ.)

Эркин Воҳидов университетни энди битирган пайтидаёқ таниқли шоир эди. Ўзингиз биласиз, олий ўқув юртини битирган одам олдида уйланиш муаммоси қўндаланг бўлади. Шу масала юзасидан Эркин ака Саид Аҳмад акага маслаҳат солибди.

— Оқсоқол,— дебди.— Хабарингиз бор, бир-иккита китобим чиқди. Уч минг сўмча пулим ҳам бор. (У пайтда уч минг сўм — каттагина пул эди.) Лекин қайси бирига етказишни билмаяпман. Машина олайми, уй солайми, хотин олайми? Машина олсам, уй сололмайман, уй солсам, уйланолмайман, уйлансам, машинага пул қолмайди... Нима қилай?

Саид Аҳмад ака пешонасини Рашид абзининг гармонидай тириштириб чуқур ва узоқ ўйга толибди. Охири чеҳраси ёришиб бундай дебди:

— Болам, мен хў-ў-ў-п ўйладим. Ҳисоблаб кўрсам, уч минг пулинг ҳаммасига етаркан. Маслаҳат шуки, сен автобус сотиб олгин! Автобус дегани машина бўлади. Рулини қаёққа бурсанг кетаверади. Бу — биринчидан. Автобуснинг ичи кенг-мўл бўлади. Кўч-кўронингни олиб кирсанг, тайёр уй бўлади. Бу — иккинчидан. Учинчидан, ростки автобус бўлганидан кейин ичида кондуктори ҳам бўлади. Ўша кондукторни хотин қилиб обқўя қоласан!

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЕҲИ

Наманганлик шоир Ҳабиб Саъдулла билан ишхонада суҳбатлашиб ўтирсак, Саид Аҳмад ака қўнғироқ қилиб қолди. Ҳабибжон келганини эшитиб, боғига таклиф этди.

— Бир соатда етиб келларинг. Ош дамлаб қўяман.

Борсак, чиндан ҳам ош дамланган экан.

— Беҳиям солдим,— деди устоз мақтаниб.— Есанг, оғзингда эриб кетади. Жонивор, ўзиям бошини еб мева сопти-да бу йил!

Дачада беҳи борлиги эсимга тушиб, гапни айлантирдим:

— Қоронғи тушиб кетяпти. Кеч қолсам, уйимдагилар хавотир олмасмикин?

Саид Аҳмад ака жўяли маслаҳат берди:

— Ана телефон! Қўнғироқ қил. Меникида ўтирганингни айт. Ош бўляпти, де.

— Тўғри-ку,— дедим "маъюс тортиб".— Уйдагилар сизнинг боғингизда ўтирганимизга ишонади. Ош бўлаётганигаям ишонади. Аммо устоз ошга беҳи солибдилар, беҳи "бошини еб" мева қипти, десам бари-бир ишонмайди-да!

— Оббо! Ҳар келганингда бир нима юлиб кетмасанг кўнглинг жойига тушмайди-а!— Саид Аҳмад ака шундай деб ўрнидан турди. Аллақаердан салафан қопчиқ топиб чиқди.— Сен Ҳабиб билан чой ичиб ўтиргин, хўпми!— деди боғ томон юриб.— Қоронғи тушмасидан сенга ўзим беҳи узиб бераман.

Бунақа "меҳрибонлик" бежиз эмаслигини билиб секин кетидан бордим. Қарасам, битта беҳини шохдан узяпти-да, иккитасини ердан олиб қопчиққа соляпти. Иригарноқ, заҳа еганроқ...

— Устоз!— дедим икки қўлимни кўксимга қўйиб.— Одамни хижолат қилманг, устоз! Шу беҳи сабилни ўзим уза қолай!

Саид Аҳмад ака кескин бош чайқади.

— Йўқ-йўқ, сен уринма! Менинг қўлим чанг бўлишга бўлди. Қара, кўйлагинг ҳам оппоққина экан.

— Сизнинг табаррук қўлингиз чанг бўлгунча менинг кўйлагим йиртилиб, дабдала бўлиб кетгани яхшимасми!— дедиму энг сархил беҳиларни узиб халтага солавердим.

Қопчиқ тўлаверган сайин, оқсоқолнинг пешонаси сандалга тушган маҳсидек тиришиб кетаётганини кўриб гапни чалғитдим:

— Устоз! Анави тепа шохдаги беҳининг сарғайиб пишганини қаранг! Нақ Носир Фозиловнинг калласига ўхшайди-я! Нарвон қаёқда эди?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сен тополмайсан. Ўзим опкеламан!— Саид Аҳмад ака шахдам қадам босиб нари кетди.

Шохга тирмашиб яна уч-тўртта беҳи узган эдим, ёнбош томондан устознинг овози келди:

— Жа-а, қийналиб кетдинг-а, болам...

Мундай қарасам, Саид Аҳмад ака занглаб кетган каттакон аррани қўлтиқлаб турибди.

— Ушла!— деди арранинг бир дастасини менга узатиб.— Бир томондан сен торт, бир томондан мен тортай... Сенам қутуласан, менам қутуламан, беҳиям қутулади!

"ПАМИЛДОРИ" ОПЕРАЦИЯСИ

Ўғлимнинг тўйи куни саҳарлаб дарвоза олдида машина тўхтади. Чиқсам, Озод Шарафиддинов "Волга"нинг чап эшигини очиб рулда ўтирибди.

— Дачадан келяпман,— деди домла.— Қани, дарров капотни очинг.

Юкхонани очсам, икки пақир памилдори турибди.

— Ўз қўлим билан тердим,— деди Озод ака тантанавор оҳангда.— Идишларни тез бўшатинг-да, қоғоз-қалам олиб чиқинг!

Қоғоз олиб чиққан эдим буюрди:

— Ёзинг! "Тилхат. Менким, ушбу ҳужжатга имзо чекувчи фалончи пистончиев шуни эътироф этаманки, Озод Шарафиддинов тўйимизни жамики сабзавот маҳсулотлари билан тўла таъминлади". Ёздингизми? Энди қўл қўйинг!

Табиийки, бу гап ўша заҳоти тўйхонага тарқалди. "Памилдори" операцияси пишитиб қўйилди. Эрталабки ош дастурхонига памилдори ҳам тортилди. Домла ёнимда турган эди, маҳалла оқсоқолларидан бири келиб, у киши билан қўшқўллаб кўришди.

— Ўғлим,— деди менга қараб,— ошинг яхши бўпти-ю, аммо памилдориси айниқса зўр экан-да! Экканнинг қўли дард кўрмасин!

Озод ака мамнун томоқ қириб қўйди.

Зум ўтмай иккинчи одам келди.

— Илоё ёшлар бахтли бўлсин!— деди қироат билан.— Дастурхон хў-ў-ўп тўкин бўпти-да, укам. Раҳмат! Айниқса памилдорини айтгин! Асал-а, асал! Ишонсанг, мен ош еганим йўқ, нуқул памилдори едим!

Озод ака камтарона ерга қараб турибди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қариндошлардан бири памилдорини мақтаб-мақтаб, жиндай танқид қилиб ҳам ўтди.

— Памилдори хўп яхши пишибди-ю, сал майдароқ эканми? Олхўри деб ўйлапман.

Шу пайт Эркин Воҳидов келиб қолди.

— Ўткиржон!— деди гапни узоқдан бошлаб.— Ёзда тўй қилишнинг шуниси яхши-да. Қовун-тарвуз мўл, мева-чева кўп... Манови олчанинг чиройли пишганини қаранг, деб, тўрттагинасини кафтимга олиб еб кўрсам, данаги йўқ! Қарасам, памилдори экан! Қаёқдан топдингиз бунақасини?

Зимдан қарасам, Озод аканинг қовоғи тушиб кетяпти.

Саид Аҳмад ака узоқдан мени койиб келаверди.

— Сан болага қачон ақл киради-а? Янгилик яратаман деб, ҳар балони ўйлаб топаверасанми? Ош дастурхонига итузум қўйиш қаёқдан чиқди! Қаёққа қараса талинка-талинка итузум!

Озод ака бунисига чидай олмади.

— Чўрт побери!— деди қўл силтаб.— Мен тўйга памилдори эмас, тариқ обкелганман! Бўлдими? Қутулдимми энди?!

"ЯҚИН КЕЛМА!"

Избоскандаги учрашувдан кейин ўтириш бўлди. Андижонга қайтиб юрмасдан ўша ерда қоладиган бўлдик. Мезбонлар бизни меҳмонхонага кузатиб қайтиб кетишди. Шунда аллакимдан Андижонга кетайлик, деган таклиф тушди. Вақт ярим кечадан ошган, машина йўқ.

— Хоҳласанг, машинани мен топаман!— деди Саид Аҳмад ака.

Кўчага чиқдик. Бунақа бетартибликларни унча ёқтирмайдиган Носир Фозилов — тажанг. (Носир аканинг сочи ҳам, ўзи ҳам, борингки, гапиям сариқ. Тез жаҳли чиқади. Аммо ниҳоятда ростгўй, дангалчи одам.)

— Қўй, сариқ болам, хуноб бўлма, ҳозир йўлини қиламиз,— деди Саид Аҳмад ака юпатиб.

Ниҳоят "Тез ёрдам" машинаси учради.

— Жон акалар!— деди ҳайдовчи эланиб.— Сизлар учун ҳар қанча хизматга тайёрман. Аммо бу "дежурний" машина. ГАИ тўхтатса, правамни олиб қўяди.

— Ишинг бўлмасин!— деди Саид Аҳмад ака.— ГАИ тўхтатса ўзим гаплашаман. Сен Носир, бу ёққа ўтир, сен бу ёққа чиқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳайдовчи билиб гапирган экан. Шаҳарга кираверишда чиндан ҳам машинани ГАИ тўхтатди.

— Ана, расво бўлдим!— деди ҳайдовчи йиғламсираб.

— Сен жим ўтир, мелиса билан ўзим гаплашаман,— Саид Аҳмад ака машина ёнига келаётган ёш лейтенант йигитга пешвоз чиқди. Йигит ҳали гап бошламасидан олдиноқ тўхтатди.— Яқин келма, жон укам, яқин келма! Сенга ачинганимдан айтяпман, яқин келма. Бола-чақанг бўлса керак, яқин келма!

Лейтенант довдираб қолди. "Нима гап?" деган эди, Саид Аҳмад ака тушунтирди:

— Бир укамиз сариқ бўлиб қолди. Ишонмасанг ўзинг қараб кўр!

Лейтенант иккиланиброқ машина кажавасининг эшигини очди. Сап-сариқ хира чироқ остида, сап-сариқ кушеткада хўмрайиб ўтирган сап-сариқ Носир акани кўрди-ю, дарров орқага чекинди.

— Вой-бў, жудаям ўтиб кетганга ўхшайди, тезроқ оборинглар!

"ГУРУЧ" ОПЕРАЦИЯСИ

Саид Аҳмад ака девзира гуруч танлашга уста. Бир гал азза-базза Қўқон бозорига кириб, Чўнғаранинг гуручидан харид қилдик. Саид Аҳмад ака — 30 кило, мен 30 кило. Мезбонлар гуруч солинган қоғоз қопларни вагонга чиқариб беришди. Поезд жилганидан сўнг устоз билан аллапаллагача гурунглашиб ўтирдик. Кейин ухлаб қопман.

Бир маҳал ғалати шатир-шутур товушдан уйғониб кетдим. Қарасам, купе шифтида хира чироқ ёниб турибди. Саид Аҳмад ака майкачан бўлиб ўриндиққа ўтириб олган. Олдида иккита қоп. Менинг қопимдаги гуручдан ҳовучлаб-ҳовучлаб олади-да, ўзининг қопига солади.

— Ҳорманг, устоз?— дедим.— Нима ҳаракат?

— Уйғондингми?— деди оқсоқол кироий меҳр билан.— Ухлайвер, болам, чарчагансан, ухлайвер.— Шундай деб юмушини бамайлихотир давом эттираверди.— Мен билан ишинг бўлмасин,— деди тушунтириб.— Одамнинг ёши бир жойга борганидан кейин шунақа бўларкан. Ярим кечадан кейин эсим жиндай кирарли-чиқарли бўлиб қолади. Нима қилаётганимни ўзим билмайман.

Ҳайрон бўлдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Эсингиз кирарли-чиқарли бўлса, нега ўзингизнинг гуручни менинг қопимга солмайсиз-да, меникини ўзингизнинг қопингизга соласиз?

Саид Аҳмад ака хотиржам қараб қўйди:

— Унда сапсем жинни бўламан-да, болам!

1970—1995

"МУШТИПАР"

— Мумкинми? Салом!

Рухсатингиз билан ўзимни таништирсам. Жонетта Кабуловна Халтаева... Мен, к сожалению, сизнинг сочинениялаpингизни ўқиган эмасман. Хотя эшитганман. В основном мамашкалар тўғрисида ёзаркансиз...

Менинг ҳам тўртта болам бор... Нима? "Унақага ўхшамайди-ку", дейсизми? Раҳмат, комплимент учун! Ҳамма шунақа дейди. Мен мамамга ўхшайман. Мамам олтмиш ёшидаям аппетитний эди. Как куколка!

Кечирасиз, оловингиз борми?.. Йўқ-йўқ, мен "Морэ" чекаман... Сенкю! Зажигалкангизга гап йўқ!

Итак, тўртта болам бор. Маратик — Нукусда. Интернатда. Ёши... минуточку... Ёши по моему... ўн тўртда. Шу йил ўн тўртга киради. Папасига ўхшаган красавчик, Маратик! Смуглийлиги, кўзларининг разрези... Папаси билан биринчи встречамиз практикага борганимда бўлган. Зам министр эди. Шунақа абаятельний, шунақа интеллигентний!.. Икки йилча турдик... Цивилизованний ажрашдик. Тўғрисини айтди. "Жанночка, жоним, — деди, — буёғи прокол бўладиганга ўхшайди, хотиним ЦЭКАга жалоба ёзибди, двоежонства учун партиядан ўчиришлари мумкин", деди. Биласиз, у пайтда бунақа масалалар строгий эди. "Маратик учун волноватся қилма, ўзим опекамга оламан, сен Тошкентга кетавер, тез-тез бориб тураман", деди. "О-кей", дедим...

...Нигорочка — Самарқандда. Тоис, Нигорочка эмас, Наргизочка! Нигорочка — Кўқонда...

Где-то икки йил олдин Самарқандга бордим. Наргизочканинг детдомига кирдим. Детдом — так себе, аммо директори ништяк экан! Дылда! Бўйи почти икки метр! "Братан, — дедим, — Наргизочкадан хабар олишим қийин, ишим кўп", дедим. "Хотиржам бўлинг, Наргизочкага ўзим оталик қиламан", деди. Уч кун меҳмон бўлдим. Крутой эркак экан! Молодец!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Наргизочканинг папасиям крутой эди. Межрайонний нефтебазада директор бўлиб ишларди. Ёши элликдан ошган бўлсаям как огурчик эди! Самарқандниинг пахани эди. Хотинидан қўрқмасдан шиккарний тўй қилди. Ресторанда! Ёмон яшамадик... Қамалиб кетгани чатоқ бўлди... Ўша ёқдан "ксива" келди. Как будто ҳаммасига мен виновата эмишман. Э, тўкил, дедим! Бензинга дизтопливо қўшишни сенга мен ўргатдимми, дедим!

Аммо Нигорочкадан анчадан бери хабар ололганим йўқ. Қўқонга йўлим тушмаяпти. Отаси предпринематель эди. Такой паслушний... Киримни юварди, овқатимни қиларди. Кеч келсам, пойлаб ўтирарди... Қарасам, менга нотация ўқийдиган одат чиқардилар. Ҳар куни минғирлайди: "Жаннатхон, бегоналар билан гаплашманг, қоронғида кўчага чиқманг"... Томи кетган фанатик! Э сирпал, дедим! Обберган бир хонали квартирангга как дурочка иккинчи хотин бўлиб ўтиришим керакми!

...Кечирасиз, яна оловингиздан... Сенкю! Между прочим, зажигалкангизга гап йўқ!.. Кўп чекасизми? Шавкатикнинг папаси ҳам кўп чекарди... Мана буни настоящий мужик деса бўлади! Қомат бесподобний! Бизнесни синдириб қўяди! Ҳамма иши "дода!" Тўртта хотинни вот так обеспечить қипқўйган! Разумеется, загсимиз йўқ эди. Впрочем, буниси неважно... Иккита "Мерси" бор эди. Бир йилча бўлди. Россияга кетганча дараги йўқ. Ўша ёқдаги братанлардан суриштирсам, кўрганимиз йўқ, дейди...

Шавкатик — ўзимда. Икки ёшга чиқди. Шустрий. Ходячий бомба! Между нами, бир гап айтайми? Уйга нотаниш "дядя"лар келса, ҳалитдан мени ревновать қилади, паразит! Сизни "фазендам"га "ходячий бомба" йўқлигида чақираман, о-кэй?!

Вобщем майли. Ближе к делу! Менга сизнинг паддержкангиз керак. Ҳокимиятга заявление берган эдим. "Мен мать-одиночкаман. Шаҳар марказидан квартира беришингизни сўрайман", деб. Борсам, бир пацан ўтирибди. Ўн кундан кейин келинг, деди. Бугун борсам, нима дейди, денг? "Тўрт хонали уйингиз бор экан-ку", дейди! Мен уни сенинг пулингга опманми? Худога шукур, бошимда эрларим, тоис эрим бор... Тоис бор эди. Бу уйни ўз пулимга сотиб олганман! Ўн беш минг "бакс"га! Тағин нима дейди, денг! "Опажон, монетний двордан чиқиб келдингизми, ҳамма ёғингиз бриллиант-ку", дейди! Менга комплимент қиляпти, сопляк! Бриллиантни сен совға қип қўйибсанми! Аёл бошим билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

бизнес қиляпман. "Челнок"ка боряпман. Пекинга. Стамбулга. Дубайга... Осонми? Ҳар қадамда "мент!"

Кстати... Дубайда бўлганмисиз? Обязательно боринг! Техника — пачти даром! Тилла — навалом! Араблар темпераментний бў... Ну майли, буниси неважно...

Короче, ҳокимиятдаги ўша пацан "сизга уй йўқ, қаёққа борсангиз катта кўча", деди. Шуни боплаб бир фельетон қилинг! "Мать-одиночка"ни унижать қилиш қанақа бўлишини билиб қўйсин! Фамилияси... Минуточку... Ёзиб олганман...

...Нима? Ёзмайсиз? Тоис как ёзмайсиз?! Нима? Нима дедингиз?! "Мен инкубатор тузатадагиан уста эмасман", дединг изми? Ким "инкубатор?" Нега аёл кишини ҳақорат қиласиз! Нахал! Писака несчастний! Ма, зажигалканг бошингда қолсин!

1996

МУСОФИР БЎЛМАГУНЧА...

Эскилар билиб айтган. "Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан". Тўғри, бизнинг замонда мусофир бўлишдан осони йўқ. Хоҳласангиз, "соцстран"га боринг, хоҳласангиз "капстран"га! Фақат битта-иккита қоғоз тўлдирсангиз — бас.

Аввал ўн бештами, йигирматами суратингизни олишади. Кейин ўн бештами, йигирматами саволга жавоб бериб, қоғоз тўлдирасиз.

Кимсан? Нимасан? Қаерда туғилгансан? Қачон? Отанг ким? Онанг-чи? Улар инқилобдан илгари нима юмуш билан машғул бўлган? (Отам улуғ инқилоб даврида чиллак ўйнаб юрган, онам эса, эшитишимча, 1917 йили ўзининг онасини — яъни, менинг бувимни эмиб ётган, чақалоқ бўлган экан, деб ёзиш мумкин эмас.) Мабодо отанг ўлган бўлса, қачон ўлган-у, нега ўлган, қаерга кўмилган? Онанг-чи? Авлод-аждодингда қамалганлар ёки чет элда яшайдиганлар борми? Сизларни билмадиму, шахсан мен ўйлаб қарасам, ҳаммаси жўяли саволлар. Рост-да! Аллақачон бандаликни бажо келтирган отам раҳматлининг катта бобоси Америкадами, Мексикадами, ҳамон ҳасса таяниб юрган бўлса-чи? Яхшимиёмонми, инглиз тили ўқитувчиси деган номимиз бор, ахир. Мени ўғирлаб кетиб, Советлар юртига ашаддий душман бўлмиш агентларга тилмоч қилиб олишса-чи?

Хайрият! Анкетамдан биттаям ишкал чиқмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Московнинг чет элларга самолёт учирадиган аэропортида тўпланган тумонат одам орасидан ўтиб, омон-эсон божхона эшигига етиб келдик. Кўк шапка кийган сезгир ҳарбий кўзимга шунақанги узоқ, шунақанги синчиклаб тикилдики, беихтиёр ерга қарадим. (Бултур ҳайвонот боғига болаларни саёҳатга олиб борганимда олти қулочлик бўғма илон қуёнга шунақа чақчайгани эсимга тушди.)

— Гражданин!— деди ҳушёр чегарачи ҳамон кўзимга чақчайиб.— Доллар борми?

— Йўқ!

— Олтин борми?

— Йе, менда олтин нима қилади?

— Саволга жавоб беринг!

— Олтин йўқ!

— Антиквар? Хоч борми?

— Нима у?

— Наркотик модда-чи?

— У нима дегани?

— Ароқ борми?

— Бор. Икки шиша. Ҳамма олгани учун мен ҳам...

— Бу ёққа!— ҳушёр чегарачи ияги билан имо қилди.

— Чамадонингни кўтар! (Тамом бўлдинг, мулла Алижон!)

... Совуққина хонага кирдик. Жомадон титкиланди. Сочиқ уёққа ташланди, соқол машина буёққа... Келинингиз "мусофир юртларда тишингизнинг кирини сўриб юрасизми", деб иккитагина қази пиширибберган эди. Ўшанга айниқса қизиқиб қолишди. Тўғри-да! Колбаса деса колбасага ўхшамайди, гўшт деса — гўштга! Орасига тилла тангалар тиқиб қўйилган бўлса-чи? Қази шўрлик обдан текширилди. Жомадон "шубҳадан холи топилгач", янги буйруқ бўлди: "Ечин!" Пайпоғимнинг орасигача қараб кўрдилар. Ҳеч бало топилмагач, божхона ходими буюрди:

— Бўпти, ўтаверинг, гражданин!

Хайрият-эй!

Жомадонни чала-чулпа ёпиб югурдим.

Шу пайт радиода биз учадиган тайёрага таклиф қилиб қолди. Гапиради-гапиради-да, охирида "сенкъю" деб қўяди. Вой овсар-ей! Ўзи таклиф қилиб, ўзи раҳмат дейишга бало борми?

Итқувиган соқовдек ойнабанд эшик томон чопдим. (Ҳарна олдинроқ борганим.) Узундан-узоқ йўлакдан ўтиб, узундан-узоқ автобусга чиқиб олдим.

Автобус ғириллаб борди-да, тайёра олдида тўхтади. Ерга тушай десам, эшиги очилмайди... Қарасам, ҳамма бир то-

www.ziyouz.com kutubxonasi

монга силжиятти. Биз ҳам одоб сақлаб (айни пайтда шошилиб) оломонга қўшилдик. Тавба! Бунақа автобусни биринчи кўришим! Эшигини тўппа-тўғри самолёт туйнугига рўпара қилиб қўйса-я!

Буни қаранг! Хушрўй стюардесса тайёрага кириб бораётган ҳар бир йўловчига салом беради.

— Хэлло! Хуш келибсиз, жаноб!

Менга қараб алоҳида таъзим қилди.

— Хэлло, сэр!

Ҳа, маккор! Ҳозир илжаясан-да, беш минутдан кейин: "Кечирасиз, гражданин, жойни бўшатишингизга тўғри келади, паттани адашиб беришибди, кейинги рейсда учасиз", деб тушириб юборасан! Ўрнимга ўзингни паттасиз танишингни ўтқазиб қўясан. (Кўрганмиз бунақасини! Аҳмоғингни ҳаммомдан қидир.) Югуриб бориб ўриндиққа ўтириб олдим. Шоша-пиша тасмани белимга боғладим. Эндиям тушириб кўр-чи!

Нафасимни ростлаб олмасимдан бояги хоним тепамда пайдо бўлди.

— Яхши жойлашиб олдингизми, сэр? Чанқамадингизми?

— Но! Но!— дедим тўнғиллаб.

Шундаям илжаяди.

— Чеккингиз келса, марҳамат! Ёнингиздаги қўшнингиздан рухсат сўраб, чекаверинг!

Тамаки хумор қилаётганини қаёқдан билди бу? Ё синамоқчими? "Гражданин фалончи жамоат жойида чекди", деб эртага газетангда дўмбира қилмоқчисан-да! Овора бўласан! Бақириб бердим.

— Но! Айм нот смокинг!— дедим инглизчани "қойил қилишимни" намойиш этиб.

Зум ўтмай димоғимга тамаки ҳиди кирди. Бирам ширин, бирам хушбўй лаънати! Мундай қарасам, ёнимда ўтирган семиз ажнабий бемалол сигарет тутатяпти. "Пэл-мэлл!" Бор-э, ажнабий чекканда, мен индамай ўтираманми, дедиму, ўзимизнинг "Космос"ни бурқситишга тушдим.

Тайёра осмонга кўтарилиб улгурмасдан бояги хоним ялтироқ бандли аравачани судраб ёнимга келди.

— Кўнглингиз нима тусайди, сэр? Пиво? Енгил вино? Коньяк, виски?

Вой алвасти-ей! Қаранг маккорлигини! Бизнинг юртда ичкиликка қарши кураш бошланганини билиб туриб атайлаб қиляпти. Бир қултум ичсам борми, дарров хўжайинларига хабар қилади. Хўжайинлари Совет ҳукуматига, ҳукумат мактаб директорига... Қарабсизки...

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Но!— дедим сиполик билан қўл силтаб.

Қўшним узунчоқ бокалдаги винони, пластмасса стакандаги пивони олиб, кетма-кет иккаласини бўшатди. Ҳузур қилиб кекирди.

— Нима, сиз чанқамадингизми?— деди тўсатдан.

Ия, мен буни ажнабий деб ўтирсам, ўзимиздан экан-ку! Минг йиллик қадрдонимни топгандек, қувониб кетдим. Бирпасда апоқ-чапоқ бўлдик-қолдик! Сашавой кўриниши савлатли бўлгани билан — мендан уч ёш кичкина экан. У ҳам бизнинг гуруҳда — турист экан. Ўша мамлакатга аввал ҳам борган экан.

— Сашавой, укам!— дедим орзумандлик билан.— Бир шиша пиво бўлса-ку жон деб ичардим-а, менда доллар йўқда! Долларга алмаштириб берган ўттиз сўмга ўғлимга шим олишим керак. Жинси шим...

Сашавой қорнини лиқиллатиб, масза қилиб кулди.

— Эй, Али! Али! Пиво билан сухой вино текин! Билдингми! Коньяк, виски — у бошқа масала. Валюта керак! — Шундай деди-да, тугмачани босган эди, сертабассум хоним пилдираб етиб келди. — Жанобга...— Ҳамроҳим менга имо қилди.— Икки шиша пиво, икки бокал вино! (Қойилман! Инглизчани сувдек биларкан.)

— Момент, сэр...— Хоним таъзим бажо айлаб зипиллаб кетди.

— Нега... икки шиша?— дедим талмовсираб.

— Мен ҳам чанқаброқ турибман.— Сашавой қорнини силаб қўйди.

Тонготар палласи чириб бораётган капитализмнинг ириб битиш арафасида турган мамлакатига қўндик. Божхонага кирдик... Ҳозир бошланади! Қаердан келдинг? Нима мақсадда келдинг? Неча кунга келдинг? Отанг ким? Онанг қачон ўлган? Нечта боланг бор?

Одамга алам қиларкан! Вой, каллаварамлар-ей! Ақалли биттаси "кимсан" демаса-я!

Кутиш залита чиқишимиз билан Сашавой қўлимдан судради.

— Юр! Машина кутиб турибди.

Жон-поним чиқиб кетди.

— Жомадоним!— дедим бақириб.— Жомадоним! Ичида иккита қази, тўртта патир, писта-бодом бор!

— Ўчир-ей! Чамадонингга ит ҳам тегмайди. Юравер!

...Автобусда кетяпмиз. Кўзим осмонўпар иморатлар, бирбиридан чиройли машиналарда-ю, хаёлим жомадонда. Эсиз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

эсиз иккита қази, тўртта патир, хотиним ўз қўли билан думба ёғига қовуриб берган ярим тоғора бўғирсоқ... қулоғини ушлаб кетди-да!

Сашавой бўлса, парвойи палак! Суянчиққа бош ташлаб, мудраб кетяпти. Ора-сира ўртачароқ хуррак ҳам отиб қўяди. Э, хомсемиз! Ўзингни юкинг йўқ-да! Менинг шунча нарсам гумдон бўлса майли-а!

Қаранг, ўзи семиз бўлсаям, уйқуси зийрак экан! Машина тўхташи билан дарров кўзини очди.

— О, "Виктория!"— деди автобус деразасидан қараб.— Беш юлдузли меҳмонхона! Во! Ташвиш қилма, Али! Мен сенга ҳамроҳ бўламан!

Ҳамроҳ бўлармиш! Ундан кўра жомадонимни топ!

Ўзун-қисқа бўлиб мусофирхонага кирдик.

Ё, тавба! Жинними булар?! Ҳе йўқ-бе йўқ, ҳар биримизнинг қўлимизга биттадан калит тутқазяпти. Бошпурт текшириш — йўқ. Қоғоз тўлдириш — йўқ... Ўғрилик шунақадан бошланади-да!

— Мана, хонамиз ҳам ёнма-ён экан!— Сашавой елкамга қоқди.— Юравер!

Ғижиниброқ кетидан эргашдим. Йигирма олтинчи қаватга кўтарилдик. У ўзининг, мен ўзимнинг хонамни очдим. Қарасам, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, шундоқ кираверишда жонажон, қадрдон жомадоним ярақлаб турибди-да!

...Уёғи нима бўлди, демоқчимисиз? Нима бўларди! Музейларга бордик, театрларга... Тўғри, сафардошларимиз ўнг келди дегунча гуриллаб ўзини дўконга уради. Нима зарил! Биз — интеллигентмиз! Педагогмиз! Унақа очкўз эмасмиз...

Шунақа-ку... Ўғилчанинг буюртмаси нима бўлади? Амриқоча жинси шим? Буёғи сафаримиз ҳам қариб қолди.

Сашавойга ялиндим. "Шундоқ-шундоқ! Сен дунё кўрган одамсан. Мениям дўкон-пўконга олиб кирсанг-чи!"

Сашавойнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Ну, Али! Вот дурак! Алмаштириб берган 30 сўмни қайтиб олиб кетмоқчимидинг? Уёқда биласанми, нима бўлади?— (Бармоқларини панжара қилиб кўрсатди).— Валюта олиб ўтдинг, деб, тиқиб қўйишади, овсар! Юр, тезроқ қутул ўша сабил қолгур долларингдан!

...Бир дўкон олдида тўхтадик.

— Бу озиқ-овқат магазини! Гастроном! — Сашавой қўлимдан тортди.— Жинси шим бошқа жойда сотилади.

— Ҳай, бир кирайлик, дўстим,— дедим ялиниб.

Эҳ-ҳа! Дўконмас, томошахона-ку бу! Сут — ўн хил! Қаймоқ — саккиз хил! Гўшт — ўн икки хил! (Боринғки, беданаю

www.ziyouz.com kutubxonasi

какликкача бор!) Пишлоқ — йигирма хил! Колбаса — ўн саккиз хил! Кокос ёнғоғи, банан, гилос (кузда гилос қаёқдан келганийкин), нок, шафтоли, узум...

Йўқ! Бу ерда бир гап бор. Атайлаб, бизга ўхшаган туристларга кўз-кўз қилиш учун очиб қўйган бу дўконни! Мени анойи деб ўйлаяпсанми? Қани, сот мард бўлсанг! Ўғлимга жинси олмасам — олмабман!

— Саша! — дедим ҳовлиқиб.— Қоғозинг борми?

— Нимайди?— Сашавой киссасидан ёндафтарини чиқарди!

— Очирид! Гражданлар, очирид!— Сашанинг қўлидан дафтарчани юлқиб олиб, ёза бошладим.— Мен биринчиман. Саша — иккинчи.— Ҳаяжонланиб кетганимдан ўзбекча, русча, инглизча сўзларни аралаш-қуралаш қилиб, бақиравердим:— Гражданлар! Очиридга турингланр! Менга пишлоқ керак! Банан! Кокос ёнғоғи! Келаверинглар! Учинчи ким, учинчи? Фақат илтимос, тартиб сақлансин!

Бир маҳал қарасам, Сашавойнинг кўзи ғилай бўлиб кетяпти, нуқул қорнини лиқиллатиб, ҳансирайди. Тили калимага келмайди.

Калта юбка кийган қиз югуриб келди.

— Хэлло, сэр! Ким сизни ранжитди? Марҳамат, ичкари киринг! Э кап оф кофе, плиз...

Сашавой шундагина тилга кирди.

— Но, миссис, но,— деди ясама табассум билан.—Бу сэр ўзи шунақа... ҳазилкашроқ...

Судрагудек бўлиб, кўчага олиб чиқди.

— Эсинг жойидами?— деди қизариб-бўзариб.— Одамни шарманда қилдинг-ку!

— Нега шарманда қиларканман? Озиқ-овқат программасини ёзмасдан туриб, қаёқдан топибди шунча нарсани? Ҳаммаси ёлғон!

— Ўғлингга шим олмоқчимисан?— Сашавой чуқур хўрсинди.— Бер, ўша долларларингни! Юр буёққа! Фақат, илтимос, энди кўчада пойлаб турасан.

На илож?! Кўндим... Ишонсангиз, тўрт қаватли эмас, беш қаватли эмас, ўттиз қаватли универмаг олдида тўхтадик. Сашавой "шу ерда қимирламай тур" деди-ю, ичкари кириб кетди.

Ростини айтсам, узоқ кутганим йўқ. Сашавой чиройли "салапан" қопчиқ кўтариб чиқди.

— Ма! Қирқ саккизинчи размер. Сдачини ол: тўрт доллар. Кетдик энди. Группа бошлиғидан балога қолиб юрмайлик!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қаёққа кетамиз?— дедим мазахўрак бўлиб.— Хотинимга кўйлак олмаймизми?

Сашавой кўзимга тикилиб турди-турди-да, ҳасрат аралаш чуқур уф тортди. (Назаримда, қорни ҳам пучқайиб қолгандек бўлди.)

— Қайси аҳмоқ сенинг тўрт долларингга яхши кўйлак беради?

Баланд келдим.

— Бўлмасам, хотинимнинг олдига икки қўлимни бурнимга тиқиб бораверайми?

— Э-э, бошга битган бало бўлдинг-ку! Юр-чи, шу атрофда комиссион дўкон бор эди.

Юриб-юриб бир дўконга кирдик.

Дўмбоққина сотувчи қиз югуриб келиб, салом берди.

— Гуд ивнинг, сэр! Виски, кофе?

Вискига бало борми? Матоҳингни кўрсатмайсанми? Ажаб, ҳайҳотдек дўконда харидор йўқ. Япон телевизорлари, жанубий Қурия магнитофонлари, Амриқо камералари. Хайрият, латта-путталар ҳам бор экан. Мана, ўша кўйлак! Худди хотиним орзу қилгани! Бежирим, гулдор! Биз томонларда камида икки юз сўм туради! Тепасига ўн доллар деб ёзиб қўйибди. Инглизчани қойил қилишимни билдириб қўйиш учун сўрадим:

— Хау мач даз ит кост, неча сўм туради?

— Тэн доллар.

Тэн доллар эмиш! Ўн долларим бўлса, сенга ялиниб ўтирармидим! Магнитофон олиб қўя қолмасмидим, аҳмоқ? Қарасам, хонимча кўйлакни қопчиққа солиб, қўлимга тутқазяпти.

— Но! Но!— дедим ваҳимага тушиб.— Ай хэв но тэн доллар. Менда тэн доллар йўқ!— Шовқин-суронни эшитиб, ичкаридан сумакдек найнов йигит чиқди. Совет савдо ходимини (ие, кечирасиз, миссис — бизнесменни) нега хафа қиляпсан, деб қулоқ-чаккамга тушириб қоладими, десам; йўқ, азза-базза салом бериб, қўлини чўзяпти!

— Сенкью сэр!— дедим жонҳолатда.— Менга кўйлак но!

Орага Сашавой тушди. Кўйлак ўн долларга қимматлик қилишини айтди.

— О-кэй! Севен доллар!— капиталист илжайди.

— Но! Но!

— Сийкс доллар!

— Но, керакмас, менда олти доллар йўқ, ай хэв онли фо доллар, фақат тўрт доллар!— дедим тўртта бармоғимни диккайтириб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— О кэй!— капиталист тағин қўлимни қисди.— Майли, ҳозир фо доллар, қолганини эртага ташлаб кетасиз.

Қўрқиб кетдим.

— Но-о-о!— дедим тажанг бўлиб.— Биз эртага учиб кетамиз. Ай вонт ин хоум. Уйга! Тю-тю-тю!! Советюнион! Москау!

— О-о-о! Советюнион! Сувенир, сэр, сувенир!

Қарасам, кўйлакни қўлтиғимга қистиряпти. Садақа қиляпти, шекилли?!

— Но!— дедим ер тепиниб.— Но! Хоҳласанг фо доллар. Хоҳламасанг, катта кўча! Бунақа кўйлаклар бизда твенти цент — йигирма тийин туради. Тушундинг?

— О-кэй, сэр! Фо доллар...— капиталист дўстона илжайди. — Кофе, виски?...

Фирибгар! Ўзинг тўрт долларга жон деб турган экансанку, тағин олифтагарчилик қиласан!

...Эртасига саҳарлаб она юрт томон учдик.

Тайёрадан тушишим билан жонажон Москванинг қор аралаш мусаффо ҳавосини тўйиб-тўйиб симирдим. Оҳ-оҳ-оҳ! Қандай мазали! Қандай муаттар! Хаёл суриб турсам, кўк шапка кийган аэропорт ходимаси елкамга туртди.

— Эй, баран! Сенга алоҳида таклиф керакми? Чиқ автобусга!

Бор экансиз-ку, опажон! Бир ҳафтадан бери ўнг елкам қичишиб юрган эди, ўзи!

Меҳмонхонанинг эшигига "Жой йўқ" деб ёзиб қўйилган бўлса-да, бизга жой топилди. (Ҳар қалай мусофир юртдан мозор босиб келяпмиз.) Анкета тўлдирдик. Кимсан? Нимасан? Қаерда яшайсан? Қаердан келдинг? Нима учун борган эдинг? Бу ерда қанча бўласан? Қачон кетасан? Нимага кетасан?

Жонажон саволларни шунчалик соғиниб қолган эканманки, анкетани узоқ, завқ билан, чиройли ҳуснихат билан тўлдирдим. Мундай қарасам... жомадоним... Ё алҳазар! Шундоққина оёғим остида турган эди-я!

Майли, садқайи сар! Қази еб бўлинган! Бўғирсоқни Сашавой билан баҳам кўрганмиз. Соқол машина уйдаям бор! Бир кун соқол олмасак... Биров куёв қилармиди бизни! Фақат жинси шим билан хотинимнинг кўйлаги... Майли, буниям яраси осон. Эртага ГУМга кирамиз... Харид қиламиз...

Магазин дегани бундоқ бўпти-да! Уч юзтача одамдан кейин навбатга турдим. (Бор экансан-ку, ақагинанг айлангур очирид!)

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Охири сизми?— дейишим билан лаби бўялган хотин бобиллаб берди:

— Ҳа, нимайди? Қоп кўтариб келгандирсан?

— Жонга тегди булар!— Юзи тиришиб кетган чол оёқ-қўли асабий қалтираб чийиллади.— Мешочниклар! Нима кўрса ташмалаб кетади. Биз, москваликларга нима қолади? Тўғри айтяпти! Қийин шуларга! Тулалик ўзи тайёрлаган колбасани Москвадан олиб кетса, Ярославллик ўзи ишлаган пишлоқни Москвадан харид қилса, дўппи кийган аллақандай ўзбек ўзи экқан пахтадан тикилган шимни Москвадан сотиб олса? Олис Америкадан олиб келганини жонажон пойтахтда биров "шмон" қилиб кетгани билан кимнинг иши бор? Ўзингга эҳтиёт бўл! Жомадонингни бутингга қистириб, устига миниб ол!..

Уч юз киши бирдан гапирса, ғалати бўларкан. "Мешочник" бўлдим, "азиат" бўлдим, "приписчик" бўлдим, "басмач" бўлдим... Чидадим. Начора, айб ўзимда! Жомадонимга ҳушёр бўлсам-ку... Икки соатчада омон-эсон ичкари кириб олдим. Мана ўша шим! Жинси! Ранги ҳам ўша, бичими ҳам. Тўғри, чоклари жиндай қийшиқроқ, баҳоси жиндай баландроқ... Нима қипти? Этикеткасини олиб ташлаймиз. Кейин, учинчи қаватга чиқиб, яна бирон соат очирид турсам, хотиннинг кўйлаги ҳам... Кассага югурдим.

Шапалоқдек олтин балдоқ таққан қизалоқ узатган пулимни нари сурди.

— Паспорт!

— Нима?

— Паспорт! Московская прописка!

— Ахир мен Москвада...

— Ўтинг, гражданин! Следующий!

...Домодедово деган аэропортда тайёрамиз жиндек кечикди. Аввал бир соатга, кейин уч соатга, ундан кейин етти соатга... Ростини айтсам, диктор қизга ачиниб кетдим. "Фалон рейс билан Тошкентга учадиган самолёт..." деб қайта-қайта гапираверіб оғзи қуруқшаб кетди, шўрликнинг!

Палакатни қаранг! Тайёрага чиққан заҳоти тугмачани босишга бало бормиди! Ҳалиям чет элда юрибман, дедим шекилли. Илжайдим.

— Миссис! Иложи бўлса чой... Совқотиб кетдим... Плиз...

— Нима?— Стюардессанинг ипдек қоши чимирилди.— Ким "плиз?"

— Миссис,— дедим ялиниб.— Иложи бўлса битта чой... Плиз... Марҳамат...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Стюардесса ўсиб кетган соқолимга, бошимдаги дўппимга тикилиб турди-да, ажиб бир табассум ҳадя этди.

— Балки кофе ҳам сўрарсиз! Тасмани тақинг, граждани!

Капитализмнинг касали тез юқаркан-да! Стюардессанинг жаҳли чиққанини-ку кўриб турибман. Чекишни ким қўювди менга! Ўша заҳоти тепамда пайдо бўлди.

— Гражданин!— деди лаблари гезариб.— Ҳозир самолётдан улоқтириб юбораман!

Хайрият! Улоқтириб юбормади.

Бир соатдан кейин тайёра радиосидан баджаҳл стюардессанинг мулойим овози янгради:

— Ҳурматли пассажирлар! Тайёр бўлиб туришингизни сўраймиз. Ҳозир сизларга прохлодительний напиток берилади!

Стюардесса қанча баджаҳл бўлса, шунча меҳрибон экан. Биз ҳам бир стакан "прохлодительний" сувдан, жиндак қариқоқ, жиндак чандирроқ бўлсаям оч қорин билан йиғлаб кўришадиган товуқ оёғидан бенасиб қолмадик.

Тошкентда эса каминани айрича иззат-икром билан кутиб олишди. Бир эмас, иккита милиционер! Тушунадиган болалар экан. Атиги эллик сўм жарима солиб, қўйиб юборишди.

...Мана энди туппа-тузук мусулмон бўлиб ўтирибмиз. Ҳар куни мачитга қатнайман... Мактаб-чи, дейсизми?

РайОНОдан хат келибди. Директоримиз ётиғи билан тушунтирди. "Самолётда безорилик қилибсиз. Чекибсиз! Педагог ҳам шунақа бўладими? Соқол олмасангиз, хизмат бурчини бажараётган аэрофлот ходимини "плиз" деб ҳақорат қилсангиз... Биламиз, сиз яхши ўқитувчисиз. Лекин... Бунақа одам совет мактабида ишласа... Ёшлар тарбиясига... Мениям ўйланг! Тобуткашмиз... Кўздек қўшнимиз, Мендаям бола-чақа бор".

Ростини айтсам, директор шўрликка ачинганимдан йиғлаб юбордим.

Ҳозир ота касбини қиляпман — сандиқчиман. Битта сандиқ бозорда уч юз сўм. Топиш-тутишим ёмон эмас. Ойига учта сандиқ ясасам, аввалги маошимдан тўрт ҳисса кўп бўларкан... Яхшиям "мусофир" бўлганим!

1987

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕКНИНГ СОДДАСИ

Тошкент дорилфунунининг (ҳозирги ЎзМУ) домласи Баҳодир Ғуломов боладек беғубор, содда одам эди. (Афсус, бевақт вафот этди.) Сафарга чиқадими, ўтиришга келадими, деярли ҳар гал навбатдаги "шумлик"нинг "қурбони" бўлиб, ё чойхона паловга, ё зиёфатга "тушар", "тушмагани"га қўймас эдик.

Баҳодир ака уйига меҳмон келса, ўтирғизгани жой тополмай шошиб қоларди. Бир гал Озод Шарафиддинов, Бегали Қосимов, Абдуғафур Расулов қандайдир байрам баҳона домлани кўргани бордик. Баҳодир ака келинойига дастурхон ёздирди. Очилиб, жиндай ичилган "Плиски" коньягини келтириб қўйди.

— Коньяк деганни узум билан ичсанг-да!— деди Озод ака.

— Ҳозир, домлажон, ҳозир!— Баҳодир ака пилдираб ҳовлига тушди. Дераза олдидан инқиллаб нарвон кўтарганча ўтиб сўриток томон юрди. Пайтдан фойдаланиб, коньякни тўртта пиёлага бўлдик. Лўқ этиб ичиб олдик-да, ўрнига совуқ чой қуйиб қўйдик.

Баҳодир ака узум кўтариб кирди.

— Қани, меҳмонлар,— деди илжайиб.— Жиндай-жиндай олайлик бундоқ. Бугун байрам...

Ҳаммамиз "қандай бўларкин", деб бирпас ноз қилган бўлдигу, мезбон қистайверганидан кейин "ноилож" кўндик. Абдуғафур ака "коньяк" сузди.

— Хуш кепсизлар! Қадамларингизга ҳасанот!— деди Баҳодир ака тантана билан. "Коньякни" бир қултум ичди-ю, афти буришиб кетди.

— Нима бу?— деди кўзойнагини йилтиратиб.

Биз ҳам жиндай-жиндай тотинган бўлиб пиёлаларни дастурхонга қўйдик.

— Мазаси ғалатироқми?— Баҳодир ака ҳаммамизга бирбир мўлтираб термулди.

— Шу коньякми?— деди Озод ака қовоғини уйиб.

— Менгаям ғалатироқ туюлди,— деди Бегали.

— Ҳидиям бошқача...— деди Абдуғафур ака.

— Йўғ-э, кеча ўзим ичувдим-ку!— Баҳодир ака азза-базза шишанинг оғзини ҳидлаб кўрди. Тўсатдан бир нима эсига тушгандек ҳовлига қараб келинойига қичқирди.— Уканг қачон келувди?— Кейин бизга ҳасрат қилди.— Қайнимнинг шу одати ёмон-да! У киши сурат олишга қизиқадилар!— деди зарда билан.— Биламан, ўшандан бошқа ҳеч ким қилмайди бу ишни! Коньякни ичган-да, ўрнига фотодори қуйиб қўйган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нима? Фотодори?!— Озод ака ўрнидан туриб кетди.— Заҳар-ку бу! Ҳали бизни заҳарламоқчи бўлдингизми?

— Қиёматлик ака-укамиз-а?— деди Абдуғафур ака бош чайқаб.

— Мазасидан билувдим...— деди Бегали маъюс минғиллаб.

Баҳодир ака довдираб қолди. Нуқул бир гапни такрорлайди:

— Мен билмай қолдим-да... Билмай қолдим-да...

Домла янги шиша очганида ҳам, қовурдоқ олиб келганида ҳам чеҳрамиз "ёришмади".

Яхшигина "қизишиб" олганимиздан кейин мавзу тағин "фотодори"га келиб тақалди.

— Чўрт побери!— деди Озод ака.— Энди "Плиски"ни кўрсам кўнглим айнийдиган бўлди-да.

Баҳодир ака астойдил ялинди.

— Қўйинглар энди, шу гап шу ерда қолсин, эшитган қулоққа яхшимас.

— Албатта-да,— деб тасдиқлади Озод ака.— Баҳодир Ғуломов дўстларини заҳарламоқчи бўпти, деган гап тарқалса, биров ишонмаса, биров ишонади-да!

Баҳодир ака бирпас иккиланиб турди-да, таклиф киритди.

— Шанба куни Ўринбой аканинг чойхонасида ош қила қолсаммикин?

— Мана бу бошқа гап!— дедик ҳаммамиз жонланиб.

Озод ака Баҳодир аканинг "тарафини олди".

— Текин ош бўларкан деб талтаймаларинг! Майли, домла-ку ош қилади. Албатта қилади! Аммо сенлар ҳам бу сирни ёймасликка ваъда бериб тилхат ёзиб берасан. Ҳозир оғзаки гапга ишониб бўлмайди.

Шанба куни чиндан ҳам Ўринбой аканинг чойхонасида ош бўлди. Фақат беш киши эмас, ўн беш киши тўпланди. Ош устида Баҳодир ака нега "эриётгани", бизни қандай қилиб "заҳарламоқчи бўлгани" ҳақидаги батафсил ёзилган тилхатларни тантана билан, баланд овозда ўқиб бердик. Бу сир ўша куниёқ бутун факультетга ёйилди.

* * *

Боботоғда, арча тагида давра қуриб ўтирибмиз. Баҳодир ака тандир пишгунча "жиндак мизғиб олиш" учун ёнбошлади-ю, пинакка кетди. Кейин мотори яхшилаб созланган

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Жигули"дек бир текис, осойишта хуррак ота бошлади. Қарасак, пиджагининг ич чўнтагидан паспорти кўрпачага тушиб қолибди. Табиийки, паспортни "ўғирладик".

Озод Шарафиддинов "текширув" операциясини ишлаб чиқди. Бизни тоққа олиб чиққан "РАФ" машинасида мезбонлардан бири азза-базза пастга тушиб, бўлажак ҳангомани пишитиб чиқди.

Тандир пишганда домла ҳам уйғонди. Ейилди, ичилди. Кечга томон шариллатиб жала қуйиб берди. Машина сирғалиб-сирғалиб, амаллаб пастга тушиб олди. Ҳамон момақалдироқ гумбурлайди, ёмғир челаклаб қуйиб турибди. Бийдек даланинг қоқ ўртасида бир милиционер машинани тўхтатди. "РАФ"га чиқиб совуқдан тишлари такиллаганча гапирди:

— Кечирасизлар, ҳужжатларингизни кўрсатинглар!

Жаҳлимиз чиққан бўлиб, паспортларимизни кўрсата бошладик.

Баҳодир ака типирчилаб қолди.

— Бошпуртим йўқ-ку!— деди хавотирланиб.— Ҳалигина ёнимда эди.

Худди шу пайт милиционер йигит домланинг яқинига келди.

— Марҳамат, сизнинг ҳужжатингиз!

— Ҳалигина бор эди,— деди Баҳодир ака аланглаб. — Мана, булар гувоҳ, бошпуртим бор эди.

— Нима гап ўзи, чўрт побери?— деди Озод ака аччиқланган бўлиб.

— Хавфли жиноятчи тоққа қочган, деган хабар бор.— Милиционер йигит Баҳодир акага қараб қўйиб давом этди.— Ўзи кексароқ, кўзойнак тақиб юради, тилла тиши бор, дейишган.

— Вой, бу мени айтяпти шекилли!— Домла бутунлай эсанкираб қолди. Яйловнинг қоқ ўртасида милиционер нима қилади, нега энди машинани текшириши керак, деган гап хаёлига ҳам келмади.— Мен жиноятчи эмасман, укажон,— деди ялиниб.— Олимман, Тошкентдан келганмиз. Мана, ҳаммалари гувоҳ.

— Мен бу одамни танимайман!— деди Озод ака жиддий қиёфада. — Ҳозир йўлдан машинага чиқди.

— Вой, домла, эсингизни едингизми?— Баҳодир ака ҳаммамизга жавдираб қаради.— Унақа ҳазил қилманглар. Мени ҳаммаси танийди.

Биз ҳам Баҳодир акани "танимадик".

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Пастга тушишингизга тўғри келади.— Милиционер кулиб юбормаслик учун тескари қаради.

Домла хўп ялинганидан кейин уни "кафилликка" оладиган бўлдик. Эвазига битта зиёфат қилинадиган бўлди.

Милиционер шофёр ёнига ўтириб уф тортди.

— Қойил-е, икки соатдан бери кутаман-а! Ҳаммаёғим шилтаи шалаббо бўлди-ку!

— Нима деяпти?— сўради Баҳодир ака овозини пасайтириб.

— Жим!— дедим лабимни тишлаб.— Жаҳли чиқиб турибди. Мелиса билан ҳазиллашиб бўладими? Омон қолганингизга қувонмайсизми?

— Рост айтасиз. Қуруқ туҳматдан асрасин!— Баҳодир ака қунишиб ўтириб олганича шаҳарга киргунимизча бир оғиз ҳам гапирмади.

Эртасига домланинг паспортини "топиб", суюнчисига яна битта ош қарздор қилдик.

* * *

Қоракўлга борадиган бўлдик. Озод ака, Баҳодир ака, Абдуғафур Расулов, Бегали Қосимов поездга ўтириб жўнадик. Бир маҳал, тонг палласида проводник купе эшигини тақиллатди.

— Жон акалар,— деди ялиниб.— Вагон йўлагида югуриб юрган одам сизларнинг шеригингизми? Айтинглар, бир соатдан бери у ёқдан-буёққа чопади. Қийналиб кетди-ку бечора... Устига-устак, хотин-халаж ювингани ўтишга қийналяпти.

Норозилик билан тўнғиллаб ўрнимиздан туришга мажбур бўлдик.

— Бирон нарсасини ўғирлаб қўйинг, иккинчи саҳарлаб ҳаммани безовта қилмайдиган бўлади,— деди Озод ака.

Баҳодир аканинг яп-янги дўпписи вагон токчасида ётган экан. Олиб портфелимга солиб қўйдим. Домла терлаб-пишиб кириб келди.

— Ҳа, дангасалар, турдингларми?— деди илжайиб.

Қоракўл станциясида поезд икки минут тўхтар экан. Ҳаммамиз тушиб кетяпмизу, Баҳодир ака нуқул тимирскиланади. "Нима бўлди", десак, "Дўппим бор эди, тополмаяпман", дейди.

Озод ака жеркиб берди:

— Қанақа одамсиз ўзи, сизнинг дўппингиз деб поезд тўхтаб турармиди? Бўлинг тезроқ!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пастга тушишимиз билан Озод ака жуда жиддий қилиб гап бошлади.

— Бу томонларда менингит касали тарқалган дейишади, эҳтиёт бўб юринглар.

— Менингит нимадан бўлади?— сўради Абдуғафур ака "соддалик" билан.

— Нимадан бўларди, шамоллашдан-да!

— Энг кераклиги бош-да,— деди Бегали фалсафий оҳанг-да.

— Менингитга йўлиққан одам уч кунда ўлади.— Озод ака қаттиқ тайинлади.— Айниқса бошни эҳтиёт қилинглар!

Баҳодир ака секин ёнимга келди.

— Ўткиржон,— деди,— мабодо биронта ортиқча дўппингиз йўқми?

— Ортиқчаси йўқ-ку, ўзимники бор. Сизга кичкина келармикин дейман...

— Майли, вақтинчага бўлсаям,— деб домла энди гап бошлаши билан Озод ака мени уришиб берди:

— Бош кийимни бировга бериб бўлмайди. Тем более, сафарда юрганда.

Кимдир бояги гапни давом эттирди:

— Уч кунда дейсиз-ку, одам бир кунда ўлиши ҳам мумкин.

— Албатта, ҳар кимнинг организми ҳар хил-да...

Баҳодир ака ялинишга тушди:

— Хўп десангиз дўппингизни сотиб олардим, укажон.

Оғринган киши бўлиб портфелимни очдим.

— Йигирма беш сўмга олувдим,— дедим иккиланиброқ.

— Ўттиз сўм!— Озод ака гапни кесди.— Бу ёқларда дўппи қиммат.

Ўттиз сўмга "бор-барака" қилдик. Пул менга, дўппи Баҳодир акага ўтди.

— Ие, ўзимники шекилли?— домла юпқа кўзойнагини тақиб дўппига узоқ термулиб қолди.

Озод аканинг "жаҳли" чиқиб кетди:

— Беринг, пулини қайтариб беринг! Бир одам ўз ҳаётини хавф остида қолдириб яхшилик қилса-ю, бу киши...

— Йўқ, йў-ўқ,— Баҳодир ака дўппини маҳкам чангаллаб олди. Бошига кийиб мамнун жилмайди.— Тўғри айтибсиз, сал кичкинароқ экан. Майли, бўлаверади.— Дўппини ечиб яна томоша қилди.— Қаранг, сизникини гули ҳам бошқачароқ экан.

Мени ранжиди, деб ўйлади шекилли, кўнглимни кўтарди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хафа бўлманг, укажон, эрталаб йўлакка чиқиб кетаётганимда купе эшиги олдида афти хунукроқ бир одам турганди. Меникини ўша ўгирлаган. Тошкентга борсак сизга ўзим яхши дўппи олиб бераман. Раҳмат, укажон!

* * *

Оҳангарондан қирқ чақиримча нарида, тоғ тепасида Арашон бува деган булоқ бор. У пайтларда Арашон бувага машина бормас эди. Беш-олти киши отлиқ йўлга тушдик. Келинчак деган жойда фарғоналик чорвадорларнинг ўтовида тунаб қолдик. Алламаҳалгача гурунглашиб ўтирдик. Баҳодир ака эса ўтовнинг бир чеккасида масза қилиб уйқуни уриб ётибди. Ора-сира ўртачароқ хуррак ҳам тортиб қўяди.

— Чўрт побери, ҳозир уйқуни уради-да, сўфитўрғай уйғонмасдан туриб олиб ҳаммани безовта қилади,— деди Озод ака.— Бир иш қилмаймизми?

Эрталаб бажарилиши керак бўлган "операция" пишитилди. Унга иштирок этишга ўтов эгасини ҳам кўндирдик.

Эрталабки чой устида ўтов эгаси салмоқланиб гап бошлади:

— Меҳмонлар, сизларни кўриб бошимиз осмонга етди. Қанийди, сиздек улуғ одамлар ҳар куни келса... Кўриб турибсизлар, бизда гўшт кўп. Сўрасангиз ўзимиз берамиз. Ўғирлаш шарт эмас. Тоғликлар қўли эгри одамни ёмон кўради.

— Нима, ҳали сиз бизни ўғри гумон қиляпсизми?— деб ўрнимиздан туриб кетдик.

Мезбон кулиб юбормаслик учун ўзини зўрға тутиб давом этди:

— Биламан, сизлар таниқли одамсизлар. Биринғиз олим, биринғиз ёзувчи... Шундоқ бўлганидан кейин сўрасангизлар ўзимиз...

— Э, оч чамадонингни!— Озод ака бақириб юборди.— Ҳамманг оч!

Ўзи биринчи бўлиб портфелини очиб ичидаги нарсаларни тўкиб ташлади. Сочиқ, тиш чўтка, бало-баттарлар ҳар ёққа сочилиб кетди. Кейин Умарали ака, Абдуғафур ака, Бегали, мен жаҳл билан портфелимизни тўкиб кўрсатдик. Баҳодир ака каттакон портфелини шахт билан очиб бир силтаган эди, ичидан эски газетага наридан-бери ўралган тўртта каттакон пишган гўшт бўлаги лоп этиб ерга тушди. (Кечаси ўзимиз солиб қўйган гўштлар.)

— Ие? Вой? Во-о-ой!— Баҳодир ака турган жойида тахта бўлиб қолди. Юпқа кўзойнаги ортидан ҳаммамизга жавдираб қарайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мезбон "ана", деди-ю, уёғини гапирса кулиб юборишини билиб ўтовдан қочиб чиқиб кетди.

— Кўрдингизми, мезбон сизнинг қилиғингизга чидолмай қочиб кетди!

— Шунинг учун ҳаммадан олдин тураркансиз-да!

— Сиз бизни шарманда қилдингиз!

— Ўғри деган ном орттирдик!

Ҳаммаёқдан талаб ташладик, "айбини" бўйнига қўйдик. Баҳодир ака минбаъд бошқалардан аввал уйғонмасликка, Тошкентга борганидан кейин битта чойхона палов қилишга ваъда бериб аранг қутулди.

...Тилла одам эди раҳматли Баҳодир Ғуломов!

1965—1985

"КЎКЙЎТАЛ"

Телевизор томоша қилиб ўтирсам, шахсий фермерни кўрсатиб қолди. Қашқадарёдами-ей, Сурхондарёдами-ей, биттаси саккизта новвос боқибди, азамат! Ҳар новвосларки, филдек келади! Қандини урсин!

Шуни кўриб, кўнглимда бир ният туғилди. Мен ҳам хусусий корхона очсам-чи? Тўғри, шаҳар жойда новвос боқиш қийин. Аммо теплица қуриб, кичик корхона очсам бўлмайдими? Худога шукр: ҳовлим каттагина. Олти сотих. Ярми ҳангиллаб ётибди. Барибир ҳали-вери иморат қуришга чоғим келмайди. Хизматим ҳам жа унчалик қийин эмас. Қоровулчилик... Бир кун ишлаб, уч кун бекор ўтиргандан кўра... Иссиқхона қурсам. Қишда кўк пиёз, редиска, кашнич, укроп дегандек... Эрта баҳорда памилдори, бодринг... Қарабсизки... Йўқ, мен ноинсофлик қилмайман. Бошқалардан арзонроқ сотаман. Корхонамнинг номини ҳам ўйлаб қўйдим: "Инсоф!" Тўғри-да, инсоф сари барака, деганлар...

Катта жойда ишлайдиган ён қўшнимга маслаҳат солсам, маъқул келди.

— Фақат,— деди қўшним,— теплица очиш ўзидан-ўзи бўлмайди. Маблағ керак.

Маблағ топдим: эскироқ бўлса ҳам юриб турган машинам бор эди: "Жигули, ноль олти". Шуни сотдим. Пулни белга тугиб, ҳовли этагини қазиб ётсам, қўшним чиқиб қолди.

— Ака,— деди,— хусусий корхона очишдан олдин лицензия олиш керак: рухсатнома. Бўлмаса, кичик корхонангиз незаконний бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Корхона законний бўлиши учун ҳокимликка боришим керак экан.

Туман ҳокимлигига бордим. Ўғлим тенги йигит хушмуомалалик билан кутиб олди:

— Хизмат, почча?— деди.

Бу боланинг опасини қачон кўрган эканман, деб турсам, ўзи тушунтирди:

— Теплица очмоқчимисиз? Менинг дидом ҳам очганлар. Номонгонда. Биз гул экамиз.

Тушундим: бу йигит наманганлик. Наманганликлар ҳурмат қилган одамини "почча" дейди. Худди Фарғонада "тоға", Тошкентда "амаки", Хоразмда "дойи" дегандек... Яхши йигит экан. Йўл-йўриғини тушунтирди. Энг аввал маҳалладан испарапка олишим керак экан. Яъни, фалончи пистончиеп чиндан ҳам шу ерда туради. Иссиқхона очадиган жойи бор, деб...

Маҳаллага чиқсам, испарапка берадиган ўзимнинг собиқ синфдош дўстим экан. Қучоқлашиб кўришдик. Ўқувчилик пайтларимизни эсладик.

Ниятимни айтган эдим, синфдошим негадир бирдан жиддий тортди. Столнинг нариги томонига ўтиб ўтирди.

— Справка дейсизми?— деди негадир сизсираб.— Фамилиянгиз? Исми шарифингиз?

— Жиннимисан?— десам, қошини чимирди.

— Фамилиянгизни сўраяпман!

Начора, айтдим.

— Турар-жойингиз? Иш жойингиз? Мутахассислигингиз? Қарамоғингизда неча жон бор?

Ҳаммасини айтдим.

— Шамолладингизми?— деди у тўсатдан.

Ҳайрон бўлдим.

— Шамоллаганим йўқ.

— Бўлмаса, нега йўталяпсиз?

— Қани йўталганим?

У қўлидаги қаламни зарда билан столга ташлади.

— Ҳамма гап шунда-да, хумпар! Нега йўталмайсан?

— Нега йўталишим керак?

— Мактабда ҳам аҳмоқ эдинг, аҳмоқ!— деди у бақириб.— Йўтал дегандан кейин йўталгин-да!— Шундай деб икки бармоғини ишқалаб кўрсатди.

Энди тушундим. Чўнтагимдан битта юз сўмлик чиқарган эдим, хийла чеҳраси ёришди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Яна йўтал, хумпар!

Тағин икки марта "йўталган" эдим, испарапка қўлимга тегди. Дўстим мен билан қайтадан қучоқлашиб кўришди.

— Бу дунёда бормисан, ўртоқ? Соғлиғинг яхшими? Нега ҳеч кўринмайсан, ўртоқ? Неваралар яхшими? Қайси куни ўртанча қудангни ошда кўрган эдим. Жа зўр одам-да, қуданг, ўртоқ. Кўрсанг, мендан мингдан-минг салом айтгин, ўртоқ!

Эшикдан чиқиб кетаётганимда қаттиқ тайинлади:

— Тез-тез кептур, ўртоқ! Испарапка керак бўлса, бемалол...

...Ҳокимликдаги "қайним" яна очиқ чеҳра билан кутиб олди.

— Энди иш жойингиздан справка олиб келасиз, почча. Бу одам шу ерда ишлайди, кичик корхона очишга вақти бор, дегандек...

Ишхонадаги испарапка берадиган қиз тушга яқин келди.

— Бланка йўқ, амаки,— деди ниятимни эшитиб.— Машинка ишламаяпти. А ваапше, ҳозир абед пайти...

Синфдош дўстимнинг гапи эсимга тушди. Секинроқ йўталган эдим, испарапка қўлимга тегди...

... "Қайним" бу гал ҳам мулойим кутиб олди.

— Энди райгаздан справка керак, почча!

— Райгазнинг нима дахли бор?— десам, тушунтирди:

— Теплицани таппи билан иситмайсиз-ку, поччажон! Мени дидом ҳам газ билан иситуттила.

Райгаздаги йигитнинг юзи ичига газ тўлатилган шардек дўмбоққина экан.

— Ҳа-а-ай!— деди салмоқлаб.— Акун теплица қуропман денг?

— Энди қурмоқчиман.

— Акун газ сўропман денг?

— Теплицани газ билан иситади-да, укажон,— дедим "қайним"нинг гапини эслаб.

— Иби!— деди у елкасини қисиб.— Ман сизга газни қайдан олай? Манга газ йўқ! Ичимдан чиқариб берайми, оҳе?! Газни давленаси қун сайин пасайиб кетобди-ку...

Қаттиқроқ "йўталган" эдим, газнинг давлениями кўтарилди-қолди!

...Бу сафар "қайним" жиндай хомушроқ қарши олди. Қўлидаги ҳужжатларни варақлаб, тўсатдан сўраб қолди:

— Ие, неваралар ҳам боми, почча?

— Бор! Худога шукр, иккита!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Икковиям боғчага боруттими?

— Боради, икковиям боради.

— Боғчадан справка оласиз, почча!

— Теплицани боғчада қураётганим йўқ-ку!— дедим ҳайрон бўлиб.

— Тўғри, поччажон,— деди "қайним",— теплицани ҳовлига қурасиз. Аммо теплицангиздаги патинжонни неварангиз ушласа, неварангиз, худо кўрсатмасин оқар сувда хўп этиб, сариқми, дизентериями бўлган бўлса, патинжонни еган харидор касал бўбқолса...

...Боғча опа мени кўриб суюниб кетди. Невараларимни роса мақтади. Жаҳончик жуда шўх эмиш. Ухла, деса калаватнинг тагига кириб кетармиш. Нигоричка паслушний эмиш.

— Батарея ўлгур ишламаяпти, мана, ушлаб кўринг, амаки!— деди батареяни чангаллаб.— Шу бугун Жаҳончикдан айттириб юбормоқчи эдим. Радителлардан юз сўмдан йиғаяпмиз. Жон бошига, тоис бола бошига... Ундан кейин, байрам келаяпти. Утренникка сиз ҳам қатнашинг.

Саккизинчи Мартга бир ҳафта қолгани энди эсимга келди. Начора, "йўталдим"... Беш марта...

..."Қайним" аввалгидан ҳам хомушроқ кутиб олди.

— Табиатни муҳофаза қилиш ташкилотидан справка керак,— деди совуққина қилиб...

...Табиатни муҳофаза қиладиган ташкилотнинг каттакон хонасида, каттакон стол ортида каттакон одам сигарет чекиб ўтирган экан.

— Галинг, ёшулли,— деди овози гулдираб.— Нечиксиз?

Ҳаммасини бир бошдан тушунтирдим. Каттакон одам сигаретини баттар бурқситиб, норизо бош чайқади:

— Теплисани найтасиз, ёшулли, кўчангиза ёп борми?

— Нима у, "ёп?"

— Ёп-да, ариқ! Теплисани гўнги ариққа тушами, ахир?

— Ариқ йўқ!— дедим тушунтириб.— Канализация бор.

— Товуқ ферма очсангиз-а?— деди тўсатдан...

— Товуқ ҳам яхши-ю,— дедим муросага чақирувчи оҳангда,— аммо ҳаммаёқни ифлос қилгани чатоқ.

— Қўйсангиза, ёшулли!— деди у каттакон кафти билан тутун ҳайдаб.— Теплиса ифлос қилмайми? Гўнг сасимайми? Газ ҳавони бузмайми, ёшулли?!

Қарасам, гап чалкашиб кетадиган. "Йўталдим". Ғайрат билан, ҳафсала билан "йўталдим".

www.ziyouz.com kutubxonasi

Теплица ҳеч қаерни ифлос қилмайдиган, гўнг сасимайдиган, газ ҳавони бузмайдиган бўлди...

Сотилган машинанинг пули тугади ҳисоб...

Ҳокимликдаги "қайним" бу гал салом-алик ҳам қилмади.

— Налоговой инспекцияга боринг!— деди тўнғиллаб.

Налоговой инспекция дегани арининг уясига ўхшаркан. Бири киради, бири чиқади... Менга кечга яқин навбат келди.

— Теплицада нима етиштирмоқчисиз?— деди рангпар йигит қоғоз титкилаб.

— Шу... қўкатлар, резавор...

— Қанақа ревизор?

— Ревизормас, резавор. Кўк пиёз, кашнич, укроп...

— Хрен-чи?

— Нима?— дедим ҳеч балога тушунмай.

— Хрен экасизми-йўқми?— деди жеркиб.

— Экмайман.

— Нега экмайсиз?

— Билмасам... Кейин памилдори, бодринг...

— Йиллик даромадингиз қанча?— деди у гапимни бўлиб.

— Қанақа даромад?

— Теплицадан оладиган даромад!

— Ҳали теплица қурганим йўқ.

— Барибир қурасизми ахир!

Қарасам, "йўғалиш"дан бошқа чорам йўқ.

..."Қайним" менга қайрилиб ҳам қарамади.

— Землемерга учрашинг,— деди қоғоздан бош кўтармай.— Иккинчи қават...

Сўраб-сўраб, землемернинг хонасини топдим. Сариқ мўйлови ўзига ҳўп ярашган одам экан.

— Килигиз,— деди этакдаги курсига имо қилиб.— Исанмисиз?

Ҳужжатларни обдан кўздан кечириб, сўради:

— Земельний участок позволять итами?

— Ҳовлим катта,— дедим тушунтириб,— олти сўтих.

— Постройка қилган чиқарсиз олай?

— Бор. Икки уй, бир айвон.

У қоғозларни яна шошилмай варақлади.

— Теплицани нишатасиз? Проект разработка итарға тигиш, пожарний охранадан справка оларға тигиш. Сигиз-тўғиз қушнидан разрешение оларға тигиш... Ай, сплошной валакита, паразит! Лучше всево дополнительний постройка

www.ziyouz.com kutubxonasi

итинг-да и всё! Олти соток земельний участок жилой помещение қура деб бирилған...

— Ҳозирча уй-жойим етарли,— дедим ётиғи билан. — Устига-устак уй қуришга пул масаласи...

— Интересно!— у сариқ мўйлови қийшайиброқ кулимсиради.— Теплица строить итарға оқча бор. Постройка қурарға юқ. Шулайми?

— Энди... шу... машинани сотувдим...

Землемернинг юзи ёришди.

— Неужели? "Волга"ми, "Мерседес"ми?

— "Жигули" эди. Эскироқ...

— Сумға сотдиғизми или долларға?

...Бўлмади! Машинамнинг охирги пулини "йўталдим".

...Бу сафар "қайним" айниқса хуноб бўлиб ўтирган экан. Қўлимдан қоғозларни юлқиб олди-да, ирғитиб юборди.

— Қанақа одамсиз ўзи!— деди йиғлагудек бўлиб.— Уч ойдан бери қатнайсиз-у, нега йўталмайсуз?! Нега бошқаларга йўталасиз-у, менга йўталмайсуз, поччажон?! Сизда инсоф деган нарса борми-йўқми, поччажон?!

Ростини айтсам, "қайним"нинг олдида ерга кириб кетай дедим. Мен аҳмоқ, мен каллаварам, ҳамманинг олдида "йўталибману", шунча хизмат қилган "қайним"га "йўталиш" эсимга келмабди.

Эрталаб йўлга чиқаётиб, теплица қуришни маслаҳат берган қўшнимдан беш юз сўм қарз олган эдим. Ҳар эҳтимолга қарши... Шуни чиқарган эдим, "қайним" баттар тутақиб кетди!

— Йўталингиз шуми, почча! Местний йўтал кетмайди! Кўкидан йўталунг, билдингизми, кўкидан!

...Кўчага чиқсам, ёмғир қуйиб ётибди. Уйга келдиму, ўзидан ўзи йўтал тута бошлади. Йўқ, идоралардаги йўталмас, росмана йўтал. Нафас олсам, ўпкам уч йил олдин қазо қилган раҳматли холамнинг амиркон маҳсисидек ғижиллайди. Ярим кечага бориб, иситма кўтарилиб кетди. Хотиним "тез ёрдам"га телефон қилиб, ярим соатча гаплашди. Икки гапнинг бирида "аҳволи оғир" дейди. Охири телефонни кўтариб бошимга келди.

— Мана, ўзингиз тушунтиринг,— деди гўшакни қўлимга тутқазиб.

Бир амаллаб гўшакни қулоғимга босдим.

— Камида ўн литр!— деди аллақандай аёл шанғиллаб.

— Нима ўн литр?— дедим нафасим қисиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Боядан бери қулоғингизга танбур чертяпманми? Бензин! Ўн литр бензин!

— Бу бензоколонка эмас,— дедим ҳарсиллаб.

— Тушуниб турибман!— аёл баттар шанғиллади.— Машинада бензин йўқ. Ярим кечаси йўлда қолиб кетайликми?

Машина сотганимда гаражда ярим канистр бензин қолгани эсимга тушди.

— Келаверинг, барака топгур,— дедим инқиллаб,— бензин бор!

Ҳайтовур икки соатгинада "тез ёрдам" дарвоза олдида тўхтади.

Уйга дўхтирдан олдин шопир кирди. Буёқдан мени суяб олиб чиқишди. Уёқдан шопир канистр кўтариб чиқди.

— Тўқсон учми, ока?— деди-да, жавобимни кутмай, машинасига бензин қуйди. Канистрни юкхонага ташлаб қўйди:— Янаги сафар "визов" қилганингизда ташлаб кетарман, ока. Биз шошиб турибмиз. Яна уч жойдан бензин... тоис касал олишимиз керак.

Инсофли одамлар экан. Ғир этиб "гўрбанниса"га олиб боришди. "Гўрбанниса"нинг навбатчи дўхтири ёш бўлса ҳам тажрибали экан. Бир қарашда касалимни аниқлади-қўйди.

— Ташвиш қиманг, кеннойи,— деди хотинимга қараб.— Окам кўкйўтал бўлтила. Т-а-к, палатада жой йўқ, аммо окамизни қабул қиламиз. Каридорга кушетка қўйиб беровуз. Яхши одамга ўхшайсизлар... Та-а-к... Ёзиб олинг, кеннойи, бўмаса эсингиздан чиқиб қолади.— Шундай деб тортмадан қоғоз-қалам олиб, хотинимга тутқазди.— Осма уколга система. Олтита, ну, дапустим ўнта. Шприц — ўттизта. Ҳозирча етади. Кейин яна бир гап бўлар... Никотинка, баралгин, атеф... Та-а-ак... таблеткалар... Аналгин (амидопирин бўлса яна яхши), валерианка (иложи бўлса, анаприлин олинг: эффекти кучли), окамни юрак безовта қилиб турибди. Та-а-ак... Раунатин (окамда давления баланд: кўзлари қизариб турибди), демидрол... У бўмаса тазепам ҳам заменять қилавуради...

Дўхтирнинг оғзидан муттасил отилиб чиқаётган сўзларни ғира-шира эшитяпман. Нафасим қисиб, бошим ғувиллаб боряпти...

— Ёздизми, кеннойи?— деди дўхтир бир нафас тин олиб.— Та-а-ак... коридор биздан. Кушетка биздан. Матрас биздан... Та-а-ак... Ёзинг, кеннойи: ёстиқ-аврa. Чойшаб. Пододиялник. Сочиқ (иложи бўлса иккита). Та-а-ак... Бинт, йод, пахта (медицинский, стерилний)...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Уёғи нима бўлганини билмайман. Бир маҳал қарасам, тепамда хотиним йиғлаб ўтирибди. Дўхтир билагимни ушлаб томир санаяпти. Ўпкам оғзимга тиқилгудек йўтал тутди.

— Ташвиш қиманг, кеннойи. Ташвиш қиманг,— деди дўхтир хотинимни юпатиб.— Окамни бир ҳафтада отдек қиворамиз.— Кейин менга юзланди.— Йўталинг, ока, қаттиқроқ йўталинг. Иложи бўлса кўкидан йўталинг! Қанча кўп йўталсангиз, шунча тез тузаласиз!

1997

МЕҲМОН ОТАНГДАН УЛУҒ

Биз азал-азалдан боймиз. Давлатимиз мил-мил! Бой бўлмасак Оқпошшо ҳазрати олийларининг мўътабар назарлари Туркистонга тушармиди? Қайси аҳмоқ қашшоқ юртга азза-базза лашкар тортиб келади!

Ўшанда, десангиз, музаффар аскарлар Тошкентга "мужджика" чалиб кирибди. Ҳамма хурсанд! Ўйин-кулги... Бир кампир тандирдан янги узилган иккита нон кўтариб, остонага чиқибди. Меҳмон — атойи худо! Сийлаш керак. Шоп-шалоп таққан аскар қилич билан бир урибдию кампирни чопиб ташлабди. Қани, инсоф билан айтинг-чи, аскар болада нима гуноҳ? Ҳамма айб кампирнинг ўзида! "Ассалому алайкум, саллот болам, хуш кепсан, уруш қилавериб, одам ўлдираверіб чарчаб кетгандирсан, қорнинг очгандир, иссиғида еб олақол, онагинанг ўргилсин", демайдими? Умрида патир нон кўрмаган саллот шўрлик қаёқдан билсин, бу ёввойи хотин нон беряптими, заҳарми?

Оқпошшо олий ҳазратлари хўп инсонпарвар бўлган эканлар-да! Тошкент босқинини эшитиб, диллари оғрибди. Полковник Черняевни қаттиқ койибдилар ва унга "генераллик унвонини" бериб, бриллиант сопли олтин қилич ҳадя этибдилар. Шаҳримиз биқинидаги Черняевка деган ном ҳамон ўша "шонли ғалаба"дан дарак бериб турибди.

...Кейин инқилоб бўлди, замонлар ўзгарди, ҳамма тенг бўлди. Ҳамма бир-бириникига меҳмонга борадиган одат чиқарди.

Йигирманчи йиллари Тошкентга Самара деган жойдан меҳмонлар келди. Минг-минг меҳмон... Тошкент — нон шаҳри, деганлари рост экан. Бозорлар тўлиб кетган. Бир томонда — ширмон бозор, бир томонда — қаймоқ бозор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фақат бу юртнинг одамлари ғалати. Новвой саватга нонини уюб қўяди-да, қўшниси билан гап сотади. Оғзида нос. Деҳқон қовун тўла аравасини қаровсиз ташлаб, чойхонада ёнбошла-аб, кўк чой ичади. Заргарни айтмайсизми, заргарни! Дўконига қулф осишга ақли етмайди, тентак! Эшигини ип билан боғлаб, пешинда мачитга югуради. Бу ёқда нима бўлаётганидан хабари йўқ, намоз ўқийди фанатик!

Йў-ўқ! Одам бир нарсани астойдил хоҳласа, тез ўрганаркан. Меҳмонлар бир "шмон" қилган эди, мезбонлар кундуз куниям эшигига қулф солиб ўтирадиган бўлишди. Қўнғироғини боссанг, аввал дурбинда мўралаб қарайди. Кейин эринмасдан етти пуштингни суриштиради. Ундан кейин камида олтита қулфни шарақ-шуруқ қилиб очади. Ана ундан кейин эшигини қия қилади-ю, ичкаридан ўртачароқ бузоқдек ит югуриб чиқади-да, "қўлингни кўтар!" дейди. Мана буни чинакам сивилизасия деса бўлади!

Фалокатни қаранг! 66-йили Тошкентда ер қимирлади. Ёмон қимирлади! Тошкентдай шаҳри азим ялписига қурилиш майдонига айланиб кетди. Кошоналар, осмонўпар иморатлар... Каллахонадаги овсар бўлса, тайёр уйга кўчмайди. "Ҳа, нима гап?" — "Маҳалламдан чиқмайман, дўмингга кўчмайман. Тобутқашларимдан ажралмайман!" Э, ўргилдим димоғ-фироғингдан. Шундоқ уйлар бўш ётса-ю, сен ноз қилсанг! Бекор ётсинми энди? Ана, тақсимлашни биздан кўр! Битта уйга мезбон, иккита уйга — меҳмон. Яна битта уйга мезбон, тағин учта уйга — меҳмон. Кўнглинг тўлдими, энди! Нима? Участка керак? Марҳамат, хоҳласанг Қурбақаободга кўч, хоҳласанг — Тошбақаободга! Лой теп, ғишт қуй, сомон сувоқ қил... Битиб қолар ахир, ўша участканг! Беш йилдами, ўн йилдами... йигирма йилдами... Сенда нима кўп — бола кўп! Эрта-индин ёнингга кириб қолади. Биргалашиб лой чангаллайди... Вой-бў! Шу чурвақаларнинг ҳаммаси сеникими? Қачон улгурдинг, хумпар?! Худо ҳаққи, ҳайронман! Қайси хонадонга кирсанг, атрофингда бола ўралашади. Тўртта, олтита, ўнта, ўн иккита. Биттасининг хотини ўн олтита туғибди-я, тавба! Бу юртнинг эркаклари белига матўр боғлаганми, нима бало?! Бир гап айтаймми? Обке қулоғингни! Ажойиб мутахассислар келган. Ўшаларга хотинингни обор! Бор-йўғи икки марта учрашса бас. Матўринг қизимоқ тугул портлаб кетсаям, хотининг туғмайди. Тамом-вассалом! Тўғри-да, хотинни авайлаш керак. Уям дам олсин-да, феодал!

Қайси куни шу гапни айтиб, балога қолдим! Зўрға қочиб қутулсам, денг. Ерга ётқизиб савалардиям-да! Бўлмасам-ку,

www.ziyouz.com kutubxonasi

оддий калхўзчи экан ўша "қаҳрамон ота!" Э, қаҳрамон бўлмай, ҳар нима бўл! Салкам бир соат баҳслашиб, ниятимни тушунтиролмасам-а! Нима дейди денг? "Нега энди бошқа томонларда ўн болали оилани мақтаб, дунёга достон қиладию, сен менинг ишимга аралашасан? Нега эр-хотиннинг тўшагини ҳидлайсан?" Э, тўшагинг бошингда қолсин-э! Ичим ачиганидан айтяпман-да, нодон! Ўн битта болани бошингга урасанми, шунча болани боқишнинг ўзи бўладими? Боланг кўпаймаса "порахўр" бўлмасдинг, "қўшиб ёзувчи" бўлмасдинг, "боқиманда" бўлмасдинг. Яхшиям Гдлян, Иванов деган азаматлар бор экан! Минглаб одамларни қамоққа тиқди. Нима? Туҳмат дейсанми? "Ўзбек иши" ҳақорат дейсанми? Туҳматми, баломи-баттарми, ишқилиб, адолат ўрнатди-ку! Ҳа, энди, тўқайга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади-да! Сен айтган бегуноҳлар беш йил ётар, ўн йил ётар... Жони соғ бўлса, чиқиб келади-да, бир кун... Оббо! Яна гапиради-я! Бошқа юртлар билан нима ишинг бор? Порахўрлик Масковда бўлган бўлса, бўлгандир. Қўшиб ёзиш Ростовда бўлган бўлса, бўлгандир. Текинхўрлик Қовқозда бўлган бўлса — бўлгандир. Сенга нима? Ўзингни билсанг-чи, овсар. Қара, қандоқ яхши бўлди. Марказдан ишнинг кўзини биладиган "раҳбар кадрлар" келди. Эшитяпсанми, мар-каздан! Хўп, инженер бўлса нима қипти? Пиллачига йўл-йўриқ кўрсатса нима бўпти? Ё ўзиям қуртга айланиб, пилла ўрасинми? Денгизчи, дейсанми? Аввалambор, денгизчи полизчига ақл ўргатаётгани йўқ. Иш талаб қиляпти. Қолаверса, қовун деган сабил сув ичадими? Ҳа, баракалла! Сувнинг қадрини аллақандай саводсиз деҳқон биладими ё ўн етти йил уммонда сузган денгизчими? Ўйлаш керак-да, дўстим... Уф-ф! Одамни қонига ташна қилиб юбординг-да, ўзинг ҳам! Хўш, тил билмаса нима қипти? Айт! Нима бўпти шу билан? Биринчидан, у раҳбар кадр! Ўзбекистонни тозалаш учун келган! Иккинчидан — меҳмон! Тушундингми? Меҳмон! Бугун Ўзбекистонда адолат ўрнатади, эртага Тожикистонда, индинга Туркманистонда...

Менга қара, ука! Сен-чи, ақлинг етмаган ишларга аралашма, маъқулми? Пахтангни суғор, узумингни хомток қил, томорқангдаги жўхорингни қайир... Кейин... хотинингни дўхтирга обор. Бола туғавериб, минорка товуққа ўхшаб қопти, шўрлик!

Ундан кейин... Ўз кўзим билан кўрдим. Ҳасан-Ҳусанингни мўйлови чиқиб, овози дўриллаб қопти. Биласан, бу юртларда одам кўп, иш йўқ. Акаларча маслаҳат берайми? Бе-

www.ziyouz.com kutubxonasi

корга кўча чангитиб юрмасин-да, бориб, бепоён шимолий минтақаларни обод қилсин. Ботқоқликларни қуритиб, янги ерлар очсин... Ҳарна уй-жой ташвишидан қутуласан. Ана, қардош Русиянинг қанчадан-қанча қишлоқлари ҳувиллаб ётибди. Ёшлар шаҳарга кўчиб кетган. Сенинг болаларинг қишлоқни яхши кўради. Лой томли каталакка тиқилиб ётгандан кўра харидан ясалган хуторларда масза қилиб яшайди. Кенг-мўл...

Нима? Вей! Қанақа нодонсан ўзи-я! Боядан бери қулоғингга танбур чертяпманми? Хўп, ўзимиздаги завўдларга ишчи кучлари келтирилса, нима бўпти? Аввало, ишчи кучлари эмас, мутахассислар! Тушундингми, мутахассислар! Қани, айт-чи, алгоритм нима? А? "Алгоритмнинг отаси Хоразмий дейсанми?" Ким у Хоразмий? Йўқ-ў-ўқ! Сен гапни айлантирма! Шахсан сен ўзинг ғилдирак ясай оласанми? Эплолмайсан! Бунақа иш фақат мутахассисниНг қўлидан келади. Тошкентда шина завўди очиляпти, тушундингми? Мутахассислар шунақанги ғайрат қиладики, машинанг тўртта эмас, саккизта ғилдирак билан юрадиган бўлади. "Менда машина йўқ", дейсанми? Сенда бўлмаса, қўшнингда бордир, қариндош-уруғингда бордир... Хўп, қизинг индийский ашулани яхши кўрадими? Мутил-мутилни? Бўпти-да! Ўшанақа "мутил-мутил" чаладиган магнитафўнни сенинг ўғлинг ясай оладими?

Вой, маҳмадона-ей! Гапини эшитдингизми? "Биз ҳеч қачон миллат айирган эмасмиз, шунча йилдан бери ким келса, эшигимизни очиб қўйдик. Энди ўзимизнинг ҳам аҳволимиз танг бўлиб қолди", деди. "Минг-минг одамни кўчкўч қилгунча ўзимизнинг кадрлар ҳунар ўрганса бўлмайдими", дейди. Қаранг, кадргаям ақли етиб қопти! Тағин нима эмиш? "Хўп, болаларим ўша юртларга борса, ўзбекчиликдан чиқиб кетмайдими, тилини йўқотмайдими, ота-онасининг удумларини эсдан чиқармайдими?.."

Кўнглингнинг кўчасидан аканг! Қўйиб берса марказда ўзбекча мактаб очилсин дерсан? Балки ўзбек театри қуриб бериш керакдир сенга?

Бу ёққа келаётганларми? Униси бутунлай бошқа масала! Айтиб қўяй — сиёсий масала! Тушунарлими, ўртоқ механизатўр! Сиз, сиёсий масалаларга бурнингизни суқманг! Хўпми? Қолаверса, сиз — ўзбексиз! Ўзбек меҳмондўст халқ. Меҳмон хоҳласа боғча очади, хоҳласа мактаб, хоҳласа театр қуради, хоҳласа варйетта, тушунарлими?

www.ziyouz.com kutubxonasi


Нима? Улар ҳам мутахассис эмас, дейсанми? Ҳой, одам! Нима ишинг бор: мутахассисми, мутахассис эмасми. Бугун бўлмаса, эртага бўлади-да! Аввал келсин. Бошпана олсин шаҳар марказидан... Қариндош-уруғларини чақирсин. Уйлансин, эрга тегсин. Бола-чақа қилсин. Ўрганади-да, секин-секин...

Э, биродарлар! Нимасини айтасиз! Ошкоралик, демократия деган гаплар чиқдию одамлар бузилди. Пўристой бир калхўзчига гап тушунтираман деб миям ачиб кетса-я! Ота-боболаримизнинг одатини унутдик. Тушунинглар ахир: Меҳмон дегани отангдан улуғ бўлади! Менга қолса ҳалиям ўша гапим — гап: келаверинглар, азиз меҳмонлар! Марҳамат! Уйимизнинг тўри — сизники! Бизга остона ҳам бўлаверади. Агар остонага сиғмай қолсак, ҳовлига чиқамиз. Ҳовлига сиғмасак, кўчага чиқиб кетамиз. Бордию кўчага сиғмай қолсак, буниям йўли бор. Осмони фалакдан пайдар-пай учар ликопчалар тушиб турибди. Ўшанга ўтирамизу ҳайё-ҳайт деб, ўзга сайёраларга учиб кетамиз!

1988

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЙЛАР



МАРДЛИК

ёхуд Истиқлолни авайлаш масъулияти

“Ўзбекистоннинг бошига тушган кулфатни унинг айби дейишга уринишди. “Ўзбек иши”, “пахта иши” деб аталмиш гаплар бунга мисол бўла олади. Жумҳурият, унинг меҳнаткашлари пахтанинг ялпи ҳосили кетидан қувишнинг азоб-уқубатидан, партия, давлат нормалари ва қонунлари, ижтимоий адолат тизимларининг айнаб кетиши ва бузилишидан ҳали нафасларини ростлаб олмай туриб, худди ўша пахта билан боғлиқ қонунсизлик ва хўрлашнинг тегирмон тоши уларнинг бошида яна айлана бошлади...

...Буларнинг ҳаммасини биз қатъиян рад этамиз ва асоссиз тарзда репрессияларга дучор бўлган кишиларнинг ор-номуси, қадр-қиммати, покиза номини тиклашни, уларга етказилган маънавий ва моддий зиён ўрнини қоплашни ўзимизнинг биринчи галдаги бурчимиз деб биламиз!” *(И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида қилган маърузасидан. 1990 йил 5 июнь.)*

Бугун тўртинчи синфда ўқиётган боладан Наврўз қанақа байрам, деб сўрасангиз, бу энг чиройли, энг хушчақчақ байрам эканини, яқинда ҳам барчага сумалак тарқатилганини, ҳатто бир синфдоши телевизорда қўшиқ айтганини бийронлик билан сўзлаб беради. Сен туғилган кезлари Наврўз тақиқлаб қўйилган эди, десангиз, ҳайрон бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бугун еттинчи синфда ўқийдиган ўсмирдан Амир Темур ким, деб сўрасангиз, Темур бобо буюк саркарда, қудратли ва адолатли подшо бўлганини фахрланиб гапиради. Сен туғилган кезлари Амир Темур номини тилга олиш мумкин эмас эди, десангиз тушунмайди.

Бугун олий ўқув юртида таҳсил олаётган ўн саккиз яшар талабадан экология нима, деб сўрасангиз, бу тушунчани илмий асослар билан далиллаб беради, Орол денгизининг фожиаси ҳақида ўкиниб гапиради. Сен туғилган кезлари юртимизда Орол фожиасидан баттарроқ кулфатлар бўлган, ҳалол меҳнат қилиб, пахта экқан минглаб боболарнинг қатағон қилинган, десангиз, нега шундай бўлганини ақлига сиғдиролмайди...

Булар-ку, ёшлар. Ҳаётнинг пасти баландини кўрган, ёши бир жойга бориб қолганлар ҳам бундан атиги ўн-ўн беш йил аввал юртимизда қандай талотўплар бўлганини кўп ҳам эслайвермайди. Гўё мустақиллик ўз-ўзидан, осмондан тушгандек. Гўё куни кеча ёппасига мутелик руҳи онгимизни заҳарламагандек. Начора, инсон хотираси унутишга мойил бўларкан, шекилли... Аммо халқ ҳаётида, жамият тарихида шундай воқеалар бўладики, уларни унутиш мумкин эмас. Унутишга ҳаққимиз йўқ. Уни фарзандларимизга вақти-вақти билан эслатиб туришимиз керак.

Яқинда Оқсарой қароргоҳида бўлган катта йиғинда Юртбошимиз миллий мафкура асосларини одамларга сингдирмай туриб, онгу тафаккурни янгиламай туриб, қуллик асоратларидан қутулиш мумкин эмаслигини таъкидлади. Миллий истиқлол мафкураси мана шу азиз Ватаннинг ҳар бир фуқароси, айниқса ёшларни ўз юртини севишга, ўз қадриятларини авайлашга, ўзлигини англаб етишга, керак бўлса, ўз Ватанининг Истиқлоли йўлида жон фидо қилишга даъват этувчи мафкура бўлмоғи керак.

Юртбошимиз бу ҳақда кеча ёки бугун гапираётгани йўқ.

"Олдимизда турган энг муҳим масала, бу — миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишдир. Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдиришга лозим..." *("Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик", Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII сессиясида сўзланган нутқ. 1993 йил 6 март.)*

"Янги мафкуранинг асл мазмуни — янгича, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи,

www.ziyouz.com kutubxonasi

мустақил инсонни тарбиялашдир...» *(«Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати». Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқ. 1993 йил 7 декабрь.)*

Жон куйдириб айтилган бу гаплар тагида улуғ ва нурли мақсадлар ётибди. Оқсаройдаги ўша йиғинда ўтириб, ўзим гувоҳи бўлган, кўзим билан кўриб, қулоғим билан эшитган воқеалар, ўз қўлимга олиб ўқиган ҳужжатлар ёдимга тушди.

* * *

Саксонинчи йилларнинг ўртасига келиб Ўзбекистон устида қора булутлар тўплана бошлади. Оммавий "қама-қама"лар авжига чиқди. "Пахта иши", "ўзбек иши" деган таққирли иборалар дунёга достон қилинди. Бу кампаниянинг туб моҳиятини дафъатан англаб етиш қийин эди. Кейин тушунсак, бу — мустабид тузумнинг навбатдаги "ўйини" экан. Бир томондан, СССР деган қудратли империя Афғонистонга бостириб кириб, жаҳон жамоатчилиги назарида "босқинчи" деган тамғага "сазовор" бўлди.

Нисбатан қисқа фурсатда шўро мамлакатига ўн мингдан ортиқ темир тобут келтирилди. Булар афғон урушида ҳалок бўлган йигитларнинг жасади эди. Иккинчи томондан, шўро мамлакати ичида "дефицит", "коррупция", "порахўрлик" деган иллатлар болалаб кетди...

Шундай экан, жамоатчилик фикрини чалғитиш, жамики кулфатлар учун "айбдор" топиб, кимнидир қурбон қилиш керакми, ахир? Бундай ишлар биринчи марта бўлаётгани йўқ-ку! Ўттизинчи йиллардаги мажбурий коллективлаштириш миллионлаб деҳқонларни очликдан шириб ўлдирди. Ҳамма айб "қулоқ"ларга тўнкалди. Бу билан ҳам шўролар диёри гуллаб-яшнаб кетмагач, "халқ душмани" деган янги қатағон бошланди. ГУЛАГ лагерларида миллионларнинг ўлиги қолиб кетди... Совет давлати иккинчи жаҳон урушида халқларнинг мислсиз фидойилиги билан ғолиб чиқди... Ажаб, шундай қаттол урушда енган халқни давлат бошига кўтариши лозим эди. Бунинг ўрнига энди "янги айбдор"лар кашф этилди. Буни қарангки, ҳаммасига зиёлилар "айбдор" экан. Тағин қатағон бошланди...

Сталин қатағонларини қўмсаб қолганлар саксонинчи йиллар ўртасида Ўзбекистонни мўлжалга олдилар. Сабаб — Ўзбекистон шу минтақадаги энг нуфузли, кўп жиҳатдан қудрат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ли республика. Обрўси баланд. Одатда, оиладаги энг обрўли фарзанд калтакланса, бошқалари қўрққанидан пусиб қолади. Устига-устак ўзбек ўта андишали, сабр-тоқатли халқ. Лекин бундай "катта юмуш"ни бошлашдан олдин унинг ипидан игнасигача пишитиб қўйиш керак-да! Бу масалада шўро давлатининг ҳам, компартиянинг ҳам тажрибаси етарли. Бу гал ҳам шундай бўлди.

1983 йил 23 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг "тарихий" ўн олтинчи пленуми бўлди. КПССнинг раҳбарларидан бири Лигачев бошчилигида Тошкентга биринчи "десант" туширилиб, "пахта иши", "ўзбек иши" деган тамғани бутун бошли халқнинг пешонасига ёпиштирдилар. Эҳҳе, қандай таъна-маломатлар бўлмади бу йиғилишда дейсиз. "Ўзбек халқига ишонч йўқ", дейилди. "Ўзбекистон чириб кетган республика", дейилди. "Ҳаммаёқ эскилик сарқитига ботиб ётибди", дейилди. Боринги, Наврўз байрами ҳам "ғоявий зарарли" тадбир, дейилди... КПСС Марказқўмининг Тошкентдаги лаббайчилари эса сут оқ эмас, қоралигини жон куйдириб "исботладилар". Бизга ўхшаган нотавонларга ўзларинг ёрдам бермасангиз бўлмайди, деб тавалло қилдилар.

Шундай қилиб, "ишнинг кўзини биладиган", "тажрибали кадр"лар "ёрдамга" етиб келишди.

Учқўрғонда шундай "кадрлар"дан бири билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдик. Райкомнинг иккинчи котиби қилиб юборишган экан. Ўзи Воронеждаги аллақайси заводда инженер бўлиб ишларкан. Тавба! Воронежлик инженер наманганлик пахтакорга ғўза суғоришни ўргатса, узоқ шарқлик балиқчи сурхондарёлик чўпонга қўй боқишдан дарс берса. Хуллас, ўша инженер билан узоқ суҳбатлашдик. Дилкашгина йигит экан. Келганига уч ой бўлмай бинойидек анор сўйишни ўрганиб олганини айтди...

Дастурхон устида жиндай "қизиб" олгач, ғалати гапларни айтиб берди. "Буёққа юборишаётганда ҳушёр бўл, иложи бўлса хотинингни кўчага камроқ чиқар, у ердагилар ёввойи, босмачи, хотинингни ўғирлаб кетиши ёки сўйиб қўйиши мумкин, дейишганди. Аслида ўзбеклар ажойиб халқ экан. Меҳмондўст, бағрикенг..."

Мана шундай бағрикенг халқнинг юзини қора қилган ўн олтинчи пленумдан кейин одамлар баттар безиллаб қолди. Айниқса, бир коммунист отасининг тобутини кўтариб, қабристонга боргани, жаноза ўқиттани учун партиядан ўчирилиб, фельетон қилингач, ҳаммаёқ ваҳима бўлиб кетди. У пайтда партиядан ўчиш одамлик сафидан чиқиш ёки қама-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лиш деган маънони англатар эди... Ажаб, инсонни ўз падарининг тобутига елка тутиб сўнгги манзилга кузатишдек фарзандлик бурчидан жудо этган бунақа тузумнинг отини нима деб аташ керак?

Ўша кезлари шундай "ҳангомалар" бўлдики, эласанг, йиғлашниям билмайсан, кулишни ҳам.

Бир ҳамкасбимизнинг онаси қазо қилди. Кўнгил сўрашга уйига бордик. Энди фотиҳага қўл очган эдик, ҳамкасбимиз минғиллади: "Ҳа, энди ўзлариям кексайиб қолгандилар. Майли, қўя қолинглар..." Шунда ўзбек тилини яхши биладиган рус адиби "Момони Худо раҳмат қилсин!" деб фотиҳа ўқиди...

КПСС Марказий қўмитаси, ўша пайтдаги шўролар давлатининг "доно сиёсати" билан Ўзбекистонга юборилган "кадрлар" неча пуллик наф келтирганини билмаймизу, "чекланмаган ҳуқуқлар" билан жўнатилган Гдлян, Иванов бошчилигидаги "десантчилар" мислсиз бедодликлар қилдилар. "Чекланмаган ҳуқуқ" дунёнинг ҳеч қайси мамлакатида ҳеч кимга берилиши мумкин эмас. Аммо "энг адолатли", "энг гуманний" совет юртида мумкин экан! "Десантчилар" ноқонуний усулларни қўллаб, миғлаб бегуноҳларнинг "айбини бўйнига қўйди". Ҳўлу қуруқни баравар ёндирди.

Мана, ўша жабрдийдалардан айримларининг гувоҳликлари:

"Сўроқ вақтида терговчи бундай деди: "Агар Исмоиловга қарши гувоҳлик беришга кўнмасанг, қизларингни зўрлаймиз!" *(Жўманиёзова Зуҳра хотирасидан.)*

"Сени ҳозир турмага олиб кетадилар. Сен болангни ўша ерда туғасан!" деганларида қўрқиб кетдим". *(Ҳомиладор аёл Нуримбетова Аважон хотирасидан.)*

"Яна бир сафар навбатдаги дўппослашдан кейин Иванов ёнидагиларга қараб айтди: "Йигитлар, агар у айбини бўйнига олмай ҳеч нима ёзиб бермаса, уни учинчи қаватдан ташлаб юборинглар. Кейин ўзини ўзи ташлади, деб акт тузиб қўямиз". *(В. Иззатов хотирасидан.)*

"Агар қайсарлик қилаверсанг, пешонангга сиёҳ сурамизда, қоқ миянгдан отиб ташлаймиз!" деди Иванов дағдаға қилиб. *(Т. Қаҳрамонов хотирасидан.)*

"Шахсан Гдляннинг топшириғи билан 75 ёшли Туркменов, 70 ёшли Жўраев, 83 ёшли Жуманиёзов, 91 ёшли кампир Иброҳимова уриб-сўкиб тергов қилинган... Эмизикли боласи бор Камолова 1988 йил 2 июндан 5 июнгача тўхтовсиз сўроқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган. Кечалари болани атайлаб чирқиллатиб йиғлатганлар ва эмизишга қўймаганлар...» *(Кейинчалик Ўзбекистон Олий суди олиб борган тафтиш пайтида тасдиқланган ҳужжатдан.)*

«Ўзбекистонни тиканли симлар билан ўраш, миноралларга эса соқчилар қўйиб қўйиш керак. Чунки бу ерда ўғрилар ва порахўрлар яшайди!» *(Гдляннинг «ўнг қўл» ёрдамчиси Карташян «баёнотидан».)*

Савол туғилади. Бутун бошли халқни бадном қилган, икки қўли билагигача қонга ботган бу «адолат посбонлари»нинг ўзи ким эди?

«Учта дипломат қўлга киритилди. Биттасида — тилла тангалар. 50—100 сўмлик совет пуллари, заргарлик буюмлари... Иккинчисида — заргарлик буюмлари, тилла тангалар. Учинчи дипломат 1982 йилда чиқарилган заём облигациялари билан тўла». *(Гдлянчилар гуруҳи тўлдирган актдан.)*

Ҳуқуқшуносликнинг кўчасига яқин келмаган одамда ҳам савол пайдо бўлади. Юрист деган жонивор расмий ҳужжатни шунақа тўлдирадими? Тилла тангалар қанча эди? Пул неча сўм эди? Заём қанча сўмлик эди. Заргарлик буюмлари нималар эди ва кимдан олинди? Бир бечоранинг ўлимлигига атаб қўйганими ёки ўғлимни уйласам, келинимга бераман, деб тишида тишлаб юрган момомерос билагузугими? Ўша тақинчоқ ва пулларнинг қанчасини «десантчи ҳуқуқшунослар»нинг ўзи гумдон қилди?

Хунрезлик давом этар, халқнинг фиғони фалакка етган, афсуски, ўша пайтда республикага раҳбарлик қилганлар бу оҳу нолаларни эшитмас эди... Эҳтимол, улар КПСС деган қудратли ташкилотнинг зуғумидан чўчиган бўлиши мумкин.

Лекин барибир армонли бир савол одамни қийнайди. Шўро давлатидан, КПСС Марказқўмидан қўрқиб, минглаб ўз фуқароларини, бегуноҳ одамларни кишанлаб, бедодликка йўл очиб бериш шартмиди? Юртимиз айниб кетди, бизга жаллод юборинг, деб илтижо қилиш шартмиди? Инсоф билан айтганда, қайси ота ўз хонадонида нохушлик рўй берса, қўшнини чақириб чиқиб, мана бу боламни отиб ташла, бунисини қамоққа тиқ, манавинисини хумордан чиққунча савала, дейди?!

Қизиғи шундаки, «десантчилар» ниятига етгач, халқнинг қўлига кишан солган айрим раҳбарларнинг ўзини ҳам қамоққа тиқдилар. Бу ҳам сийқаси чиққан усул эди. Аввал

www.ziyouz.com kutubxonasi

бировнинг қўли билан олов ушлайдилар, сўнг ўша қўлнинг ўзини кесиб, алангага ташлайдилар. Гулхан баттарроқ ловуллаши учун...

Ниҳоят, 1989 йил июнь ойида Ўзбекистонга Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбар бўлиши билан вазият тубдан ўзгарди. Мамлакат раҳбари ўтказган биринчи мажлисидаёқ халқнинг дилини ўртаб ётган масалани — "пахта иши", "ўзбек иши" масаласини кўтарди. Унга бутунлай бошқача — адолат нуқтаи назаридан қарашни талаб қилди. Орадан ҳеч фурсат ўтмай республика раҳбариятининг халққа мурожаати эълон қилинди.

"Ифтихор билан айтиш мумкинки, жаҳон халқлари олдида бўлганидек, Ватан олдида ҳам ўзбек халқининг юзи ёруғ, кўнгли покиза!" (*"Меҳр риштолари узилмасин!" мурожаатномасидан.*)

Эслаб қолинг, бу воқеа 1989 йил июль ойида, Ислом Каримов республикага раҳбар бўлган дастлабки кунларда бўлган эди. Ҳали Истиқлол йўқ эди.

Ўша кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий судида махсус ҳайъат тузилиб, минглаб жилд "жиноят ишлари" қайта кўриб чиқилганида тўрт ярим мингдан ортиқ фуқаро ноҳақ ҳибсга олингани, Гдлян гуруҳидагилар уларни азоблаб, йўқ "айби"ни бўйнига қўйгани, аслида бу "ҳуқуқ посбон"ларининг ўзи каззоб, жиноятчи шахслар экани аён бўлди. Табиийки, уларни "чекланмаган ҳуқуқ"лар билан юборганлар ўз шотирларининг бундай чуви чиқишини истамас эди. Ўша пайтдаги СССР Бош прокурори Трубин Ўзбекистон Олий Советига хат йўллаб, бундай қилиш иттифоқ қонунларига зид эканини таъкидлаб, дағдаға қилганида Ислом Каримов ўша хатнинг тепасига "Архивга!" деб ёзиб қўйди...

Бу воқеа 1989 йили бўлган эди. Ҳали Истиқлол йўқ эди.

* * *

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг биринчи сессияси Ислом Каримовни Ўзбекистон Президенти қилиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Собиқ шўро республикалари орасида Ўзбекистон биринчи бўлиб Президентлик бошқаруви тизимига ўтди.

Бу воқеа 1990 йил 24 март куни бўлди. Ҳали Истиқлол йўқ эди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

"Пахта иши", "ўзбек иши" компанияларининг дарду ташвиши камлик қилганидек, республиканинг ўзида ҳам алғов-далғовлар авж олган, Фарғона, Қўқон, Бўка воқеалари катта фожиаларга олиб келиши мумкин эди.

Тошкент вилояти прокуратурасининг масъул хо'дими Нурали Эргашев ҳикоя қилади:

"У пайтда мен Бўка туманининг прокурори эдим. Ростини айтсам, Фарғона фожиалари ҳам, Бўкадаги тўполонлар ҳам арзимаган сабаб билан бошланган тасодифий, "стихияли" воқеалар, деган гапга ишонган эдим. Аслида бундай эмаслигини кейинроқ пайқадим. 1990 йил февралида Бўкада кўтарилган ғалаённи аланга олдиришга уринган, "ур!", "ёқ!", "ўлдир!", "қириб ташла!" деб айюҳаннос солаётганлар орасида ўзини Ватан "эрки" учун, халқлар "бирлиги" учун камарбаста деб майдонга чиққан бақироқлар оз эмаслигини кўрдим. Қолаверса, бу "халқ ҳаракати"ни узоқдан туриб бошқараётган кучлар ҳам бор эканини англадим. Бўлмаса, бўкаликлар номидан "адолат" талаб қилаётган Оломоннинг саксон фоизи бегоналар эканини нима билан изоҳлаш мумкин? Оломон орасидаги ёш-яланглларга шиша-шиша арақларни ким тарқатди?

1990 йилнинг 17 февраль куни Бўкадаги ҳолат таҳдидли тус олди. Оломон жунбушга келса, туппа-тузук одамлар ҳам эс-ҳушини йўқотиб қўяркан шекилли, ур-сур, ёндир-куйдир бошланди! Бўка марказида, собиқ райком биноси олдида қарийб минг кишилик оломон тўпланди. Вилоят, туман, борингки, республика вакиллари гап бошламасидан оғзига уришди. Бизга Каримовнинг ўзи керак, дейишди.

Ислом Каримов етиб келганда оломон тағин ҳам кўпайган, ғалаён авжига чиққан эди. Вазият шундай бўлдики, шаҳардан келган республика раҳбарлари, Тошкент вилояти бошлиқлари, Бўка райони раҳбарлари бино ичида қолиб кетди. Ислом ака эса бир ўзи халқ олдига чиқди! Ёнида милиция ходими ҳам, бирорта соқчи ҳам йўқ эди. Халойиқ Ислом Каримовни бир зумда ўраб олди. Бирови пахта экиб, косаси оқармаганини айтади, бирови туман раҳбарларининг адолатсизлигидан шикоят қилади, яна бири нима хоҳлаётганини ўзи билмайди. Биттаси айниқса баланд овозда ҳайқиргани эсимда:

"Ўртоқ Каримов! Сиз ҳам марказдагилардан қўрқасиз. Сиз ҳам ўшаларнинг айтганини қиласиз!" "Мен улардан

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўрқмайман,— деди Ислом Абдуғаниевич осойишта қатъият билан.— Мен уларнинг айтганини қилмайман!"

Шунда ғалати иш бўлди. Қозондек қайнаб турган оломон бир зум жимиб қолди. "Нима дединг из?— деди бояги чинқироқ овоз.— Яна бир марта қайтаринг!"

"Мен улардан қўрқмайман!— Ислом ака яна ўша осойишта қатъият билан давом этди.— Менга пахта эмас, сизлар кераксиз! Менга халқим керак! Менинг кўнглимда халқимга атаб қўйган кўп яхши ниятларим бор. Шу ният йўлида жонимни ҳам аямайман! Фақат орзуим ушалиши учун тинчлик керак. Билиб қўйинглар, агар сизлар бошқа кучларнинг сўзига кириб қон тўксангиз, биродаркушлик қилсангиз, юртимизда ҳеч қачон тинчлик бўлмайди!"

Ўша қалтис паллада Ислом ака "бошқа кучлар" деганда кимларни назарда тутганини, кўнглида халққа атаб қўйган яхши ният эса юртимиз мустақиллиги эканини кейин англаб етдим...

Оломон билан мулоқот қарийб ярим кечагача давом этди. Президент одамларнинг гап-сўзларини сабр-тоқат билан тинглади. Ҳар бир саволига муносиб жавоб берди. Охироқибат тўпланганлар "Ислом ака, биз Сизга ишондик", деб тарқалди..."

Бу воқеа 1990 йил 17 февраль куни бўлган эди. Ҳали Истиқлол йўқ эди...

* * *

Ўша йили Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди бўлди. Кўп делегатлар бу мажлис руҳи ҳам аввалгилардан фарқ қилмайди, тағин КПСС Марказий Комитети шаънига ҳамду санолар ўқилади, "пахта иши", "ўзбек иши" учун "юқори"дан узр сўралади, деб ўйлаган бўлса, эҳтимол... Лекин бу мажлис бутунлай бошқача бўлди.

Ислом Каримовнинг ўша съездда қилган маърузасини ҳозир ҳам ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас. Мамлакатимиз раҳбари ўзбек халқининг, умуман, Ўзбекистоннинг ҳеч кимдан тили қисиқ жойи йўқлигини баралла айтиб, одамларни мутеликка, ўз қақини талаб қилиш, ўз нафсониятини ҳимоя қилишни ўрганишга чақирганда залда ўтирганлар дафъатан эсанкираб қолгани эсимда.

Назаримда, шу куни бўҳтон ва зулмлардан қадди букилган халқнинг кўнглида неча ўн йиллардан бери мудраб ётган ғурур туйғуси уйғонгандек бўлди. Кўкрагига шамол те-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гиб, қадди ростланди. Дунё олдида юзи ёруғ бўлди. Яқин кишилари қамоққа тиқилганларнинг кўнглида, хайрият, дунёда адолат бор экан-ку, деган умид пайдо бўлди.

Бу воқеа 1990 йил 5 июнь куни рўй берди. Ҳали Истиқлол йўқ эди...

Сўнг КПССнинг XXVIII съезди бўлди. Ҳозирги ёшлар билмаслиги мумкин: у пайтда КПСС съезди "тарихий воқеа" саналар, унга дунёнинг деярли барча мамлакатларидан вакиллар келар эди. Ислом Каримов бу анжуманда ҳам нутқ сўзлади.

"Жуда бой хом ашё ресурсларига, ноёб табиат-иқлим шароитига эга бўлган Ўзбекистон жумҳуриятда етиштирилган маҳсулотнинг асосий қисмини хом ашё ва ярим тайёр маҳсулот сифатида ташқарига чиқараётганини нима билан изоҳлаш мумкин?..

Мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаган жумҳурият "пахта иши", қатағонлар, оммавий қонунсизликлар майдонига айланиб қолдики, бу — одамларнинг миллий қадр-қимматини камситмоқда... Нима учун аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад Ўзбекистонда иттифоқдаги ўртача даражадан икки баравар кам, асосий истеъмол моллари ва хизмат билан таъминлаш даражаси эса мамлакатда нима учун энг паст даражада? Меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшаётган жумҳурият қандай қилиб ана шундай аҳволга тушиб қолди?" *(И. А. Каримовнинг КПСС XXVIII съезди эрталабки мажлисида сўзлаган нутқидан.)*

Съезд ҳайъатида айнан ўша "пахта иши"ни ўйлаб топганларнинг ўзи ўтирар, бундай гаплар уларга асло-асло ёқмас эди! Ислом Каримов ўз нутқида Орол денгизининг қуриб бораётгани Чернобиль фожиасидан кам эмаслигини, бу муаммони бутун мамлакат миқёсида ҳал этиш лозимлигини ҳам куйиниб гапирди. Ўзбекистон делегацияси Оролни қутқариш масаласини яқин беш йиллик программасига киритишни таклиф қилди. Модомики, денгиз пахта ҳосилини ошириш йўлида қурбон бўлаётган экан, пахта эса фақат Ўзбекистон учун эмас, бутун шўролар мамлакати учун керак экан, демак, денгизни экологик ҳалокатдан қутқариб қолиш ҳам СССР даражасида ҳал этилмоғи керак... Мана шу оддий мантиқ ҳам ҳисобга олинмади. Таклиф овозга қўйилган эди, "қабул қилинмади!" деган ёзув пайдо бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамон кўз ўнгимда турибди. Шу паллада Ислом ака Горбачевнинг ёнида ўтирган эди. Шу ёзув пайдо бўлиши билан шартта ўрнидан туриб, президиумдан залга тушиб кетди. Ўзбекистон делегацияси съезд залидан чиқиб кетди!.. Бу ҳақда матбуот ёзгани йўқ, телевизор кўрсатгани йўқ. Негаки, КПССнинг яқин олтмиш йиллик тарихида бундай воқеа бўлмаган эди.

Бу воқеалар 1990 йил 4 ва 5 июль кунлари бўлган эди. Ҳали Истиқлол йўқ эди.

Президентимизнинг ақл-заковати, қатъият ва шижоати туфайли "ўзбек иши" туҳмат экани исботланди. Табиийки, бу айб билан ноҳақ азоб чекаётганлар фақат ўзбеклар эмас, улар орасида турли миллат вакиллари бор эди. Ва уларнинг ҳаммаси Ўзбекистон фуқаролари эди. Бири Тайга ўрмонларида, бири Қозоғистон чўлларида, бири Нижний Тагил қамоқларида ётган маҳбуслар Ватанига қайтарилди. Битта қўймай! Ҳаммаси!..

Ўйлаб қарасангиз, мана шу ишнинг замирида ҳам миллий мафкура борлигини кўрасиз.

Буларнинг барчаси Юртбошимиз олиб бораётган кўпқирарли фаолиятнинг бир қирраси, мустақиллик арафасидаги бўронли даврда амалга оширилган улкан ишларнинг бир қисми, холос.

Шу муносабат билан бир фикрни айтгим келади. Ўша воқеаларнинг гувоҳи бўлган, ҳатто ноҳақ азоб чекканларнинг ўзи ҳам негадир хотираларини ёзмайдилар. Ҳадиси шарифда "Илмни қалам билан боғлаб қўйинглар" деган ибора бежиз айтилмаган. Инсон хотираси унутишга мойил. Агар бошқа бирон халқ шундай фожиани бошидан кечирган бўлса, уни бутун дунёга достон қилган бўлур эди. Негаки, бу гапларни эслаш авлодлар учун керак. Улар бугуннинг қадрига етиши, Истиқлолни авайлаши учун керак.

Оқсарой қароргоҳида миллий мафкурага бағишланган йиғилишда ўша воқеаларни эсладим. Сўнг унутиб бўлмайдиган тағин бир ҳодиса — 1999 йил 16 февраль воқеаси ёдимга тушди.

Ўша куни бир гуруҳ олчоқлар Президент тимсолида Ўзбекистон истиқлолига тажовуз қилдилар. Бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди, бинолар вайрон қилинди... Вазирлар Маҳкамасининг шу кунга белгиланган йиғилишини эртасига кўчириш мумкин эди. Қолаверса, ҳар ким ҳам тирик жон, Ислом ака ўша куни толиққан асабларига ақалли бир неча соат ором бериб, дам олса, буни ҳамма тўғри тушунган бўларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йўқ, ҳукумат мажлиси худди ўша куни, икки соатдан кейин Олий Мажлис биносида бўлди. Президентнинг осойишта оҳангда биринчи айтган гапи тўпланганларга далда бериш бўлди.

Қани эди, каттами-кичикми, ҳар бир раҳбар сабот ва қатъиятни, фидойиликни, иш услубини Юртбошимиздан ўрганса!

Қани эди, ҳаммамиз шундай қилсак...

2000 йил

АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ ВОРИС БЎЛАЙЛИК

"Имом ал-Бухорий сабоқлари" журналининг бош муҳаррири Зоҳидулло Мунавваров билан мулоқот

— Ўткир ака, Сизнинг аждодларингиз орасида машҳур дин арбоблари бўлган, дейишади...

— Чиндан ҳам менинг боболарим ғоят обрўли дин арбоблари бўлишган экан. Лекин, буни кечикиб эшитганман. "Дунёнинг ишлари" китобим онам, қолаверса, умуман, ўзбек аёллари ҳақида.

Отам масаласига келсак, аввало, китобда отам ҳақида ҳам бир қадар қисқа, бироқ анча аниқ саҳифалар бор. Уларда отамнинг ҳалол одамлиги, ҳақпарастлиги тасвирланган. Болалигимда, рўза кунлари эрталаб отамнинг жуда гўзал қироат билан Қуръон тиловат қилганлари эсимда қолган. Лекин, Атоуллоҳхон эшон исмли отам бирон марта эшонлик даъво қилганлари ёки бу билан махсус шуғулланганлари эсимда йўқ. Бунинг сабабини кейинроқ англаганман.

1991 йили 50 ёшга тўлишим арафасида зукко журналист ва иқтидорли олим Сирожиддин Аҳмедов менга шажарамизни келтириб берди. "Тошкентдаги машҳур Абулқосимхон мадрасасини қурган сиймо бобокалонингиз экан",— деди. ("Халқлар Дўстлиги" саройи ва Республика Олий Мажлиси биноси яқинидаги гўзал тарихий обида "Абулқосимхон мадрасаси" деб аталади. Атоқли адибимиз Абдулла Қодирий ҳам шу мадрасада таҳсил кўрган.) Мен мадрасани бунёд этган машҳур Абулқосимхон эшоннинг эвараси эканман...

Кейинчалик бу тарихни ўрганишга ҳаракат қилдим. Абулқосимхон эшон нафақат Тошкентда, балки бутун Туркис-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тонда катта нуфузга эга бўлган эканлар. Бу ҳақда 1899 йили Санкт-Петербургда нашр этилган "Мусулмончиликка оид материаллар" тўпламининг 68-саҳифасида шундай деб ёзилган: "1892 йили вафот этган Абулқосимхон эшоннинг Тошкент ва бошқа шаҳарларда ўн минглаб муридлари бўлиб, улардан келган маблағлар ва вақф ерларидан тушган даромадлар ҳисобидан эшон ўттиз минг олтин сўмга мадраса қурдирган. Бу мадрасада 100—150 талаба таҳсил кўрган. Унинг аҳоли ўртасидаги нуфузи ниҳоятда баланд эди". Бу битта манба. Бошқа манбаларда 1865 йили Черняев бошчилигидаги Чор Россияси аскарлари Тошкентга ҳужум қилган пайтда шаҳар аҳлини босқинчиларга қарши оёққа турғизган ғоявий раҳбарлардан бири Абулқосимхон эшон бўлганлиги қайд этилган.

1892 йили Тошкент аҳли келгиндилар зулмига қарши бош кўтаради. Устига-устак шу паллада шаҳарда вабо тарқалади. Шундай қилиб, тарихга "Вабо қўзғолони" номи билан кирган миллий озодлик ҳаракати бошланади.

"Зўрники тегирмон юргизади", деган гап бор. Ўшанда қўзғолон шафқатсиз бостирилади. Эски шаҳардаги барча амалдорлар қатағон қилинади. Олтмиш киши ҳибсга олиниб, кўплари Сибирга сургун қилинади. Ўрис лашкарлари эски шаҳарга бостириб киради. Шундай мушкул бир паллада араб, форс, рус ва бошқа тилларни мукаммал билган Абулқосимхон эшон муқаррар ўлимни бўйнига олиб, генерал-губернатор Вревскийга рус тилида ариза ёзиб, унинг ҳузурига киради. Унда губернаторга бу иш охир-оқибат фожиага олиб келишини англатади. Шу тариқа босқинчи аскарлар эски шаҳардан олиб чиқилади.

Яна бир ниҳоятда ҳайратомуз далил. Моддиюнчи худосизлар ишонадими — йўқми, унисини билмайман-ку, тарихда "Худодан тилаб олиш" деган удум бўлган. Шоҳ Бобур ўлим тўшагида ётган ўғли Ҳумоюн атрофидан етти марта айланиб, ўғлининг ажалини Оллоҳдан ўзига тилаб олгани кўп манбаларда ёзилган. Чиндан ҳам Ҳумоюн тезда тузалади, соппа-соғ Бобур эса орадан кўп ўтмай вафот этади...

Абулқосимхон эшон ҳам халқ бошига ёғилган кулфатни ўзига тилаб олади. 1892 йил 30 июнь куни Хўжа Аҳрор жомеъ масжидида минг-минглаб одамлар олдида ғайридинларни шаҳардан чиқариб юборишга эришилгани муносабати билан элни қутлайди ва халойиқ яқин кунларда вабо балосидан ҳам қутулишини башорат қилади, вабони ўзи билан олиб кетишни Оллоҳдан тилаётганини баён этиб, Яратганга

www.ziyouz.com kutubxonasi

нола қилади. "Туркистон вилоятининг газети" муҳаррири Н. Остроумовнинг "Фон Кауфман — Туркистон ўлкасининг ташкилотчиси" китобида бу ҳодиса шундай тасвирланади: "Мункиллаган ёшида "Вабо қўзғолони"дан қаттиқ ларзага тушган муҳтарам Абулқосимхон шундан сўнг тезда — 4 июль куни вабо касалидан вафот этди. Қизиқарлиси шундаки, вабо барҳам топганини тошкентлик сартлар унинг вафотига нисбат беришди..."

Энди суҳбатимизнинг бошидаги гапга қайтадиган бўлсак, нима учун то 50 ёшга чиққунимча Абулқосимхон эшон бобокалоним эканлигини, яъни Ҳошимхон эшоннинг отаси эканлигини айтишмаган, деган савол туғилиши табиий. Мен кексароқ одамлардан буни сўраганимда, улар, "Сен ёзувчисан, агар бу ҳақда сенга хабар берганимизда, матбуотда чиқиш қилишинг, бу ҳақда ёзишинг мумкин эди, оқибатда сенинг ҳамма йўлинг тўсиб ташланган бўлар эди", деб жавоб беришди. Чиндан ҳам шўро сиёсати то юртимиз Мустақилликка эришгунча шундай бўлиб келди.

— Шўролар замонида дин вакиллари қаттиқ зулм кўрган. Бу мавзу Сизнинг асарларингизда қандай акс эттирилган?

— Менимча, шўро сиёсатининг энг катта хатоларидан бири унинг дахрийлигида эди. Чунки Худога ишонмаган одамда имон бўлмайди. Имонсиз одамда ишонч бўлмайди. Ишончсиз одамдан ҳар қандай қабоҳатни кутиш мумкин. Яъни, ҳеч нимага ишонмайдиган одам ҳар қандай разилликка қодир бўлади. Айнан шу нарса шўролар сиёсатини ўзига-ўзи гўр қазишига олиб келди. Ҳақиқатан ҳам совет замонида дин вакиллари, қайси динга мансуб бўлишидан қатъи назар, қаттиқ қатағон остига олинган. Масжидлар бузилган, ёқилган, эшонлар сургун қилинган. Менинг амакиларим ҳам бундан "бенасиб қолишмаган". Шунинг учун ҳам, ҳали айтганимдек, аждодларим ҳақида отам ҳам, онам ҳам менга бирор сўз айтмаганлар.

Асарларда бу мавзунинг акс этиш масаласига келсак, мен бу мавзуда алоҳида китоб ёзган эмасман. Лекин, "Тушда кечган умрлар" романида жуда қизиқ, бир-бирига қатъиян қарама-қарши икки қутб, иккита чизиқ бор. Биттаси Қурбоной хола чизиғи, яна биттаси Комиссар чизиғи. Китобни диққат билан ўқиган зукко китобхон имони пок фаррош Қурбонойнинг маънавий дунёси имонсиз, эътиқодсиз илмли манқурт — Комиссарга нисбатан минг марта устунлигини пайқаб олади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳали Мустақилликка эришмай туриб, Сиз раҳбарлик қилаётган "Шарқ юлдузи" журналида Қуръони Каримнинг маъно таржимаси биринчи марта чоп этилган эди. Ўша пайтда бундай хайрли юмушни бажариш осон кечмагандир...

— "Шарқ юлдузи" журналида муқаддас Қуръони Каримнинг ўзбек тилидаги изоҳли таржимасини чоп этиш ҳаракати 1989 йилда бошланган. Дастлабки суралар журналнинг 1990 йил март сонида эълон қилинди. Аммо, ҳали ойнома тарқалмасиданоқ бу ишнинг рақиблари бош кўтарди. Даҳрий атеистлар "Ўзинг коммунист бўлатуриб, динни пропаганда қиляпсан", деса, айрим жоҳил диндорлар "Қуръони Каримни таржима қилиш мумкин эмас, уни фақат араб тилида ўқиш керак", дейди. Дунёнинг ўнлаб тилларига таржима қилинган Китобни ўзбекчага ўгириш гуноҳми, одамлар уни тушуниб ўқиса яхши-ку, десангиз қулоқ солмайди. Айрим "академик"ларнинг баҳонаси янаям ғалати. "Қуръонни парчалаб босиш мумкин эмас". "Ҳой, барака топкур, инқилобгача бўлган даврда мактабларда "Ҳафтияк" ўқитилган-ку, бу китоб Қуръони Каримнинг еттидан бири-ку, талай мамлакатлардаги газеталарда ҳар куни оятлардан парчалар босилади-ку", десангиз, янги ишкал топади. "Журналингизни биров йиртиб, нопок жойда ишлатса-чи? Унда нима бўлади?", "Ҳой биродар, аллақандай бетамиз нонни ахлат қутисига ташламасин, деб новвой нон ёпмай қўйиши керакми?" деганингиз билан фойдаси йўқ. А. Рустамов, О. Шарафиддинов, Н. Иброҳимов каби таниқли олимлар журнални ҳарчанд ҳимоя қилмасин, иш жиддийлашиб кетди. Қарасак, нашр тўхтатиб қўйиладиган... Охири Ислом Абдуғаниевич ҳузурига киришга мажбур бўлдим. Ислом ака ҳаммасини диққат билан тинглаб, бу ишга кимлар монелик қилаётганини сўрадилар. Номма-ном бўлмаса-да, умумийроқ қилиб айтдим. "Унисиям, бунисиям бекор айтибди!— дедилар Ислом ака қатъият билан,— бу хайрли ишни тўхтатманг!"

Мустақилликка эришгач, Юртбошимиз бундай хайрли юмушларни янада кучайтирди. Ўзбекистонда истиқомат қилувчи фуқароларга миллати, диний эътиқодидан қатъи назар, тўлиқ виждон эркинлиги берилди. Қанчадан-қанча масжидлар қурилди. Ўттизинчи йиллари авж олган динни қатағон қилиш кампаниясида вайрон этилган мадрасалар, қадамжолар қайта тикланди... (Кези келганда, Наманган марказидаги улуғ шоир Машрабнинг устози Мулла Бозор

www.ziyouz.com kutubxonasi

Охунд номи билан боғлиқ мадрасани даҳрийлар чўчқахона қилиб қўйганлиги ва у ерда қарийб қирқ йил чўчқа боқилганлигини эслатиб ўтиш жоиз.) Янги масжид ва мадрасалар қурилиши, Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайитининг байрам деб эълон қилиниши, Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасини тиклашнинг ўзига миллионлар ажратилгани, буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий ҳазратларининг хотирасига мислсиз мақбара бунёд этилгани, ҳар йили муқаддас Ҳаж сафарига боручилар учун шароит ва имтиёзлар яратилгани...

Бундай юмушларнинг бошида ким турганини Оллоҳ ҳам, бандалари ҳам кўриб турибди. Буни қарангки, 1999 йил 16 февраль куни бир тўда олчоқлар Тошкентда қонли портлашлар уюштирди. Юртбошимиз жонига қасд қилди.

Орадан икки ҳафта ўтиб, 2 март куни Греция Президенти Константинос Стефанопулоснинг юртимизга ташрифи муносабати билан ўтказилган матбуот конференциясида "Франс-пресс" агентлиги мухбири Ислом Каримовга "Жаноб Президент, Тошкентдаги воқеаларда ислом фундаменталистларининг қўли борлиги таъкидланаяпти. Шундан сўнг Сизнинг ислом динига муносабатингиз қандай?" деган қитмир савол берди. "Дин бошқа, диний фундаментализм, диний экстремизм бошқа,— деб қатъий жавоб берди Юртбошимиз,— биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини — ислом динига ҳамиша содиқ қоламиз".

— Ўткир ака, кейинги пайтда диний экстремизм Мустақиллигимизга ошкора қарши чиқиб, хунрезликлар қилишда давом этмоқда. Айниқса, қора кучлар тажрибасиз ёшларимизни бу нобакорликка жалб қилаётгани кишини ташвишлантиради. Бу масалада Сизнинг фикрингиз...

— Кунларнинг бирида собиқ мактабдош дўстим анчайин нозик масалада маслаҳат сўраб келди.

"Тўрт қиз орасида Худодан тилаб-тилаб олган бир ўғлим бор. Шу... кейинги пайтда сал ғалатироқ бўлиб қолди. Нима бўлаётганини тушунмайман... Шуни бир йўлга солсанг, хурсанд бўлардим..."

Бировнинг оилавий ишига аралашишдан нохуш нарса йўқ. Баҳона изладим.

"Ўғлинг ёшлик қилиб, нобопроқ даврага қўшилиб қолган бўлиши мумкин. Ёшликда нималар бўлмайди. Яхшиси, ўғлинг билан ўзинг чин дилдан гаплашиб олганинг маъқулмикин..."

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Нобоп даврамас,— деди дўстим хўрсиниб,— аксинча, мен уни имон-эътиқодли бўлсин, десам... Ёлғизгина ўғлим билан бир суҳбатлашгин, ўртоқ..."

...Бир ҳафталардан кейин "ёлғизгина" ўғил билан суҳбатлашдик. Ёши йигирманинг у ёқ-бу ёғида. Кўриниши эл қатори йигит... Сийраккина соқоли ҳам бор (нима қипти, соқол қўйиш ҳар кимнинг ихтиёри...). Фақат... кўзлари ғалати. Юзингизга қараб тураги-ю, аллақандай бўшлиққа тикилаётганга ўхшайди. Гўё сиз йўқсиз!

Гапни отасининг "минг йиллик" қадрдони эканимдан бошлаб, секин мақсадга кўчдим:

"Яхши йигитга ўхшайсиз, ўғлим... Отангиз сиздан жиндак ранжиган кўринадилар. Менга қолса, ота-онангизнинг дуосини олиб қолганингиз маъқулмикин... Шулар сизни дунёга келтирган. Боқиб, вояга..."

"Мени ота-онам эмас, Худо яратган, тақсир!— деди йигитча кутилмаганда беписандлик билан.— Ота-онам воситачи, холос".

Ростини айтсам, эсанкираб қолдим. Йигитчанинг кўзларига синчиклаб қарасам, тағин ўша бўшлиққа тикилган "соқ-қа"га айланиб қолибди.

"Тўғри,— дедим муросага чақириб,— ҳаммамизни ҳам Худо яратган. Қуръони Каримда ҳам шундай дейилган. Аммо, бу — ота-она ҳеч нарса эмас, деган маънони англатмайди, шекилли?"

"Мени Худо яратган!— деди йигитча пинагини бузмай.— Агар бу ота-она бўлмаса, бошқа ота-она воситасида дунёга келган бўлардим!"

Ғашим кела бошлади.

"Менга қаранг, мулла! Бундан чиқди, отангиз электр токи, онангиз инкубатор экан-да! Унда сиз — тухум бўласизми? Албатта, ҳаммани Худо яратган. Гулниям, тиканниям, одамниям, эшакниям... Оллоҳ сизни эшак эмас, инсон қилиб яратганига шукрона қилмайсизми? Тангри сизга ақл-заковат, тил-забон берганига хурсанд бўлмайсизми?!"

Ажаб! Йигитчанинг бирон туки қилт этмади.

"Ўша, сизга устозлик қилган "мулла"га айтиб қўйинг,— дедим куюниб,— муқаддас Қуръони Каримни, Пайғамбаримизнинг Ҳадиси шарифларини ўқисин, саводи бўлса! Оллоҳнинг каломида ҳам, ҳадисларда ҳам ота-онани қадрлаш, рози қилишга қайта-қайта даъват этилган-ку! "Жаннат оналарингиз оёқлари остидадур!" деган доно гапни жаноби Пайғамбаримиз марҳамат қилганлар-ку!"

www.ziyouz.com kutubxonasi

"Ота-онам воситачи!" — деди йигитча пашша қўригандай қўл силтаб.

Шунда... кўнглимга ғалати иштибоҳ тушди. Ким бунчалик заҳарлаб ташлади бу ниҳолни? Оппоқ қоғоздек қалбига ким ёзди бундай қора тушунчани? Мақсади нима? Улуғбекдек буюк алломани ўз пуштикамаридан бўлган ўғлининг ҳукми билан бўғизлатганлар шулар эмасмиди? Нодирабегимни сўйганлар, Машрабни дорга тортирганлар, Насимийни тириклай терисини шилдирганлар, ибн Сино даҳрий, деб фатво берганлар шулар эмасмиди? Динни ниқоб қилиб олган жоҳил "мулла" эртага йигитчанинг қўлига пичоқ тутқазса-да, "Жиҳод йўлида отангни қурбон қилсанг, жаннатга тушасан", деб фатво берса, бу бола ўз падарига тиғ кўтаришдан тоймайдиган кўринади-ку?!

Тошкентда портлашлар қилиб, бегуноҳ қон тўкканлар, муқаддас динимиз равнақи учун жон куйдирган Юртбошига суиқасд қилганлар, ёшларни йўлдан адаштириб, ўз Ватанига қурол ўқталишга ундаган иблислар шулар эмасми?

...Улуғ Қодирий ёзган "меҳробдан чаёнлар" яна ғимирлаб қолди, шекилли... Начора, чаёндан қутулиш йўлини изламоқ керак.

Сиз яхши биласизки, ислом, муқаддас динимиз, ҳеч қачон халқлар ўртасига нифоқ солиш, бегуноҳ қон тўкиш, одамларнинг дилини оғритишни тарғиб қилган эмас, аксинча, ҳамиша қоралаган. Диний экстремистлар ғаразли мақсадлар йўлида ислом динини ўзига ниқоб қилаётганлиги икки ҳисса мунофиқликдир. Ҳақиқий дин арбоблари билан чалламулла "дин пешволари" ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Шу боисдан, мен, биринчи навбатда, дин вакилларига, айниқса, имом-хатибларга мурожаат қилган бўлардим. Мана шу нарсани ҳар битта намозда, ҳар битта йиғинда алоҳида тушунтиришлари керак. Абдулла Қодирийдек буюк ёзувчи, ўзи ниҳоятда диндор бўлатуриб, нима учун асарларида Калвак Маҳзумга, Абдураҳмон Қорига ўхшаган одамларни нафрат билан тасвирлаган? Бунинг сабаби шундаки, Абдулла Қодирий чалламуллалар, ислом динини чуқур билмасдан туриб, уни ўзининг манфаати йўлида хизмат қилдиришга уринадиган кимсаларнинг ўта зарарли қора куч эканлигини ҳис қилган. Шу боисдан ҳам масжидларда ишлайдиган ёки умуман ўзини исломга алоқадор деб биладиган ҳар битта шахснинг аввало ўзи динимизни чуқур тушунишини, сўнгра унинг инсонпарварлик ғояларини, мақсадларини бошқаларга тушунтиришини илтимос қилган бўлур эдим. Шундагина экс-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тремистларга қарши курашувчи янги бир қудратли куч пайдо бўлади, деб ўйлайман.

— Аввало мулоҳазаларингизни янги таъсис этилган "Имом ал-Бухорий сабоқлари" журнали орқали халқимизга етказишга розилик берганингиз учун миннатдорчилик билдирамиз. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу журнал ҳақидаги фикрларингизни ҳам билдиришингизни илтимос қилардик...

— Журнал нашр этилишининг ўзиёқ мамлакатимиз Мустақиллигидан кейин ислом динига, миллий-диний қадриятларимизга муносабат масаласида рўй берган жиддий ўзгаришлардан дарак беради. Менимча, янги журналнинг йўналишларидан бири — динимизнинг ҳеч қачон ҳаётдан ажралиб қолмаганлигини, диний қадриятларнинг инсон руҳий-маънавий камолотининг марказида турганлигини кўрсатиш бўлмоғи лозим. Бунинг учун дин арбоблари фақат диний илмлардан эмас, балки дунёвий илмлардан ҳам мукаммал хабардор бўлишлари керак. Ўтмишда ҳам шундай бўлган. Бобокалонимнинг халқ озодлиги учун жон куйдиргани, генерал-губернаторга рус тилида ариза ёзиб чиққанлиги ҳам бунга мисол бўла олади. Шу боисдан, менимча, журнал олиб бораётган фаолиятнинг аҳамияти жуда катта. Мумтоз адабиётимизни ўрганиш ҳам ислом дини, Қуръони Карим билан чамбарчас боғлиқ. Ҳазрат Алишер Навоий шеъриятини тушуниш учун ҳам, албатта, исломни теран билиш керак. Бунга ўхшаган мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Янги журнал диний ва дунёвий тушунчалар ўртасида узилиш эмас, аксинча, чамбарчас ҳаётий боғланиш борлигини кўрсатиб бераётгани — унинг илк ютуқларидан деб ўйлайман.

2000 йил

НОН — ИМОН

ИШОНИШ ҚИЙИН БЎЛГАН ВОҚЕА

Ишонмасдим. Бу воқеани ўз кўзим билан кўрмаганимда асло ишонмасдим. Эсимда, бундан бир неча йил илгари "Литературная газета"да худди шундай манзара тасвирланган мақола чиққан эди. Бироқ уни ўқиганимда шубҳалангандим. "Ўлибдими энди шунчаликка бориб етса", деган

www.ziyouz.com kutubxonasi

эдим. Ўзим кўрганимдан кейин ишондим. Йўқ, аввал ўз кўзимга ишонмай гарангсиб турдим-да, кейин...

Бу воқеа Чилонзорда бўлди. Ишдан қайтаётиб, темир гаражлар олдидаги майдончада футбол ўйнаётган болаларга кўзим тушди. Одатда кун ботиш олдида ҳамма бола ҳам онасининг кўзини шамғалат қилиб, кўчага шаталоқ отиб қолади. Булар ҳам қий-чув қилиб ўйнашар эди. Бири — тўққизўн ёшда, бири тикроқ... Терлаб кетишган, бақириб-чақириб югуришади. Начора, ҳамма бола ҳам ўйнайди, ҳамма бола ҳам қий-чув солади. Бироқ болалар тепаётган "копток"ни кўрдиму вужудим сирқираб кетди, ўз кўзимга ишонмай серрайиб туриб қолдим. Улар... ярим буханка нонни копток қилиб тепарди. Ўшанда қай аҳволга тушганимни идрок этолмайман. Гўё болалар менинг бошимни ўртага олиб тепаётганга ўхшаб кетди. Кейин нима қилганим, нима деганим аниқ эсимда йўқ. Болалар ҳар ёққа тирқираб қочиб кетишди. Тупроққа беланган нонни қўлимга олдим. Нонниг суви қочган, аммо ҳали жудаям қотмаган, шунинг учун "копток" вазифасини ўтаганда майдаланиб кетмаган, фақат қиррала-ри тепки зарбидан, думалайверганидан силлиқланиб кетган, қора тупроққа беланган эди.

— Нима гап, гражданин?

Бошимни кўтариб қарасам, рўпарам-да юпқа гардишли кўзойнак таққан эллик ёшлардаги киши турибди!

Нонни кўрсатдим:

— Футбол қилиб ўйнашяпти, қаранг.

Мен унинг ҳам "ёниб" кетишини кутган эдим. Қизиқ, кўзойнакли киши тутақмади.

— Яхшимас, гражданин,— деди бош чайқаб.— Болаларни нега қўрқитасиз!

— Ахир бу нон-ку!— дедим йиғламоқдан бери бўлиб.— Нон-ку!

Кўзойнакли киши бир қадар хижолат чеккандек бўлди. Аммо яна ўша гапини қайтарди:

— Қаранг, қўрқиб қочиб кетишди. Бола-да, ўйнаса ўйнабди.— У бир зум жимиб қолди-да, қўшиб қўйди:— Нон топилади. Боладан азиз бўптими?

Унинг қирраси чиқариб дазмолланган шимига, юпқа кўзойнак ортидан таънали боқиб турган кўзига узоқ қараб қолдим.

Эҳтимол, бола — боладир. Аммо ёруғ дунёда шунча яшаган, турмушнинг паст-баландини кўрган бу одамга нима деса бўлади!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Индамай бурилиб кетаётган эдим, ёнбош томондаги баланд уйнинг иккинчи қаватидаги қайсидир дераза шарақшуруқ қилиб очилди. Шанғиллаган овоз келди:

— Милиция чақириш керак! Ўн беш суткага қамаш керак, ёш болани қўрқитган безорини!

Гулдор халат кийган, кўкраги катта аёл деразадан қўлини чиқариб мени кўрсатар, борган сайин авжига чиқиб бобиллар эди.

Нонни қўлимда тутган кўйи кетавердим. Қизиқ, таппи таппидан узоққа тушмайди, деганлари шу эмасми? Боласининг "ҳуқуқини" ҳимоя қилаётган анави кўзойнакли киши билан танимсиз шовқин солаётган манави хотин ўзи ким, фарзандига қанақа тарбия беради? Тупроққа беланган қўлбола "копток"ни кўтариб борарканман, хаёлимни бир-биридан маъюс фикрлар чулғаб олган эди.

ДАДАМ АЙТИБ БЕРГАН ДАҲШАТЛИ ҲОДИСА

Урушдан кейинги йилларни эс-эс биламан. Онам арпа нон ёпган куни уйда байрам бўлиб кетар эди. Ота-онамиз, нон — табаррук, деб қайта-қайта қулоғимизга қуйишгани учунми, кейинчалик замон тўкинчилик бўлиб кетганидан кейин ҳам болалигимда ўрганган бир одатни ҳеч тарк этолмадим. Ерда нон бурдаси ётган бўлса, эҳтиётлаб кўтариб оласиз. Аввал уч марта ўпасиз, пешонангизга босасиз, кейин озодароқ жойга олиб қўясиз. Нима бу? Шунчаки бошкетининг тайини йўқ, асоссиз эътиқодми? Ё мавҳум ақидами? Шошманг, бу сўроқларга жавоб излашга шошилмайлик.

...Ўша, оғир йиллар эди. Ҳали мактабга қатнамасдим. Қирқ ямоқ бўлиб кетган дастурхонни ўртага қўйиб, нонушта қилиб ўтирардик. Ўша куни онам арпа нон ёпган, яъни уйимизда байрам эди. Бир маҳал дадам жеркиб қолди:

— Нимага нонни тескари қўясан?

Қарасам, дадам менга гапиряпти. Дамим ичимга тушиб кетди. У — биз болаларни ҳеч қачон уриб-сўкмас, аммо ҳаммамиз дадамдан қаттиқ ҳайиқар эдик.

— Кўзинг борми!— деди у янаям зардалироқ оҳангда.— Нега нонни тескари қўйдинг?

Дастурхонга қарадим. Ҳозиргина ўзим тишлаган нон бурдасини тўнкариб қўйган эканман. Шоша-пиша ўнгини ағдардим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Билмаган-да, адаси,— деди онам одатдагидек юпатиб.— Энди унақа қилмайди...

Дадам индамади. Бироқ анчагача қовоғини солиб ўтирди. Эртасими-индиними, бостирмада арра қайради. Мен аррани босиб турдим. Дадам эгов билан занглаб кетган арранинг тишларини чархларкан, даҳшатли воқеани гапириб берди. Ҳозир бу ҳодисани сўзма-сўз айтиб беролмайман. Эҳтимол, дадамнинг номидан, айнан, сўзма-сўз ҳикоя қилсам, ёлғон туюлар. Аммо отам ҳеч қачон ёлғон гапирган эмас.

Ўттиз учинчи йилда (дадамнинг айтишича, ҳали катта акам туғилмасидан олдин) қаттиқ қаҳатчилик бўпти. Баҳор экан. Дадам аллақайси ўртоғи билан Паркат томонга (у айнан "Паркат" деган, кейин билсам Паркент экан) тоққа равоч, исмалоқ излаб боришибди. Баҳорда очарчилик айни авжига чиққан, исмалоқ ҳам талаш экан. Ҳар ким тоққа чиқиб талашиб-тортишиб исмалоқ, равоч тераркан. Ўша ерда дадам кўз кўриб қулоқ эшитмаган воқеани кўрибди. Очликдан шишиб кетган мўйловли бир одам мен тенги боласи билан (дадам "худди сен қатори эди", деб бир неча марта қайтарди. Бундан чиқди олти ёшларда экан-да) исмалоқ қидириб чиқибди. Қўлида ўроғи бор экан. Бола нуқул битта гапни қайтариб йиғлармиш: "Нон, нон, нон, нон!" Отаси бўлса, тажанг бўлиб нуқул "Ўчир!" дермиш. Бола жим бўлиш ўрнига яна ўша сўзни қайтарармиш: "Нон, нон, нон..." Отаси баттар тажанглашиб ўзининг тиззасига муштлармиш. "Ўчир, ҳароми, ўчир!" Бола худди эсдан оғиб қолгандек тўхтовсиз ҳиқиллармиш: "Нон, нон, нон..." Шунда бояги мўйловли одам қўлидаги ўроқни бир отган экан... боланинг қорнига санчилиб қопти! Дадам билан ўртоғи югуриб боришса бола бечора қора қонига беланиб ётганмиш. Шўрлик бирпас типир-типир қипти-ю, жон берибди. Дадам бояги одамга бақирибди. "Инсофингиз борми, ўлдирдингиз-ку болани", деса, мўйловли киши йиғламабди ҳам, додламабди ҳам. Фақат боласининг бошидан қучоқлаб инграбди. "Яхши бўлди, қутулди шу азобдан, уч кун олдин онаси ўлган эди, мозорга оборишга одам тополмай ҳовлига кўмган эдим", дебди. Кўплашиб бориб болани мўйловли одамнинг ҳовлисига, онасининг ёнига кўмишибди.

Билмадим, эҳтимол бу ҳодисага кўпчилик ишонмас. Аммо бир нарса аниқ: дадам ҳеч қачон ёлғон гапирмаган... Тепки зарбидан қирралари силлиқланиб кетган, қора тупроққа беланган нонни кўтариб борарканман, бешихтиёр шу ҳодисани

www.ziyouz.com kutubxonasi

эсладим. Кейин Ленинграддаги Пискарёв қабристонидаги воқеа ёдимга тушди.

Ленинградда катта қабристон бор. Унда қамал пайтида очликдан ўлган марҳумлар ётади. Бу ерда оқ мармар, қора мармар, кўк мармардан ўрнатилган хотира тошлари оз эмас. Қабристонни айланиб юриб, соч-соқоли оқариб кетган кекса киши билан ёши бир жойга бориб қолган аёлга кўзим тушди. Бу қабристонда зиёратчилар кўп бўлади. Бироқ айнан шу одамлар эсимда қолганининг боиси бор. Улар ҳеч қандай дабдабали мармартош ўрнатилмаган жажжи қабр бошидаги пастак ёғоч ҳарракда жимгина ўтиришар, устида эса... бир бурда нон бўлаги ётар эди. Ҳайрон қолдим.

Чол-кампир билан саломлашдик. Қабр устида нима учун нон ётганини сўрадим. Шунда чол-кампир аламли воқеани айтиб беришди.

Ленинград қамалида очликдан ўлган марҳумларга тобут ясаш учун тахта ҳам, кўмиш учун куч ҳам қолмаган. Мана шу чол-кампир (ўша пайтда ёш бўлишган) етти яшар қизчаларини етаклаб кетишаётганда, қизча қор босган кўча ўртасида ўлиб ётган одамнинг қўлида маҳкам чангаллаб ётган нонни кўриб қолган. Бола — бари бир бола-да! Нонни кўриб ўша томонга югурган. Ота-онаси уни тутиб қолишолмаган. Қизча айни нонга етиб борганида душман отган снаряд ёрилгану...

...Уруш битди. ...Ўшандан буён ота-она бир бурда нон учун қурбон бўлган қизчанинг қабрига ҳар куни бир бурда нон олиб келишади... Бир бурда нон...

Инсон боласи хотирасиз яшай олмайди. Айниқса мушкул дамлар одамзоднинг эсида узоқ сақланиб қолади. Ленинград қамалида бўлган одамлар ҳали ҳам ўша дамларни яхши эслашади. Тўққиз юз кун давом этган қамал... Бир суткага ажратилган 125 грамм нон... Яқин кишиларининг очликдан силласи қуриб ўлаётганини кузатган, охири ўзи ҳам вафот этган қизча Танянинг кундалиги. Қирқ иккинчи йилнинг январь — февраль ойларида бир шаҳарнинг ўзида очликдан ҳалок бўлган 200 минг киши... Уруш бўлаётган жойлардан келтирилган 240 минг етим болага ўзи еб турган нонни егизган ўзбек халқининг мислсиз саховати... Бу кунларни унутиб бўлармикин? Донишманд халқ "Эски чориғингни унутма", дегани бежиз эмасдир...

Чилонзорда нонни копток қилиб футбол ўйнаётган болаларни кўрганимда, шимининг қирраси чиқариб дазмолланган зиёлинамо киши менга дашном берганида, кўкраги семиз хотин мен "безорини" милицияга топширмоқчи бўлганида шуларни эсладим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

НОН ИСИ

Кунлардан бирида султон Ҳусайн Бойқаро дунёда энг ёқимли ҳид таратувчи нарсани келтиришга амр этибди. Вазиру вузаролар сандал дарахтидан тортиб энг муаттар гулгача саройга олиб келибдилар. Бироқ шаҳаншоҳ таскин топмабди. Сарой аъёнлари нима қилишини билмай, охири Алишер Навоийдан мадад сўраб боришибдилар. "Султонга тандирдан янги узилган бир сават нон олиб боринглар", дебди ҳазрат Алишер. Чиндан ҳам подшо дунёда энг ёқимли бўй тандирдан янги чиққан нон иси эканини эътироф этибди.

Бу бир афсона. Бироқ ҳар қандай ривоят заминида ҳақиқат бўлади.

...Халқимизнинг ажойиб удумлари бор. Янги фарзанд кўрган онанинг кўксига дарров иссиқ нон қўядилар. Нимага? Эҳтимол ёруғ дунёга энди келган боланинг вужудига она сути аралаш нон иси ҳам кирсин, деб шундай қилишар. Гўдак кечаси босинқирамасин деб бешикка, ёстиғининг тагига бир бурда нон қўйишади. Бола йўлга кириш билан оёғининг орасидан кулча юмалатиб тикроқ болаларга обқочтиришади. Бола эсини таниши билан "Нон — табаррук, нонни оёқ ости қилиш — гуноҳ", деб қулоғига қуйишади... Сафарга чиққан одам, йўлда ҳамроҳ бўлсин, деб нон олволади. Кўпкарига кирган чавандоз белига нон тугиб, кейин отга минади. Оналаримиз совчиликка борса, тугунига албатта нон тугиб боради. Икки ёшнинг бошини қовуштиришдан олдин садоқатга, бахтга қасам сифатида ўртада нон ушатилади. Кексалар бировни алқиса "Нондай азиз бўл!" деб дуо қиладилар. Олис юртларга кетаётган кишига, насибаси қайтиб қўшилсин, деб нон тишлатиб қолишади... Хизмат юзасидан республикамизнинг турли чеккаларида бўламан. Баъзи хонадонларда ҳали ҳам бир чети тишлаб кетилган нон деворга илиб қўйилганини кўраман. Ҳар кўрганда вужудим бир ларзага келади. Бу — бизнинг бахтимиз учун жангга кетган оталаримиз, акаларимиз тишлаб кетган нон. У ўзининг эгаси қайтиб келишини кутяпти. Неча йиллардан бери умид билан кутяпти...

Халқимиз нонни беҳурмат қилган одамни энг разил кимса ҳисоблайди. Эл ўртасида "нонкўр", "нонтепки" деган тамғадан ортиқ ҳақорат йўқ. Одам энг мушкул пайтда нон номи билан қасам ичади. "Нон урсин", деган онт энг оғир қасам! Нима, бу ҳам шунчаки асоссиз эътиқодми! Йўқ! Инсоният

www.ziyouz.com kutubxonasi

нонни кашф этганига 15 минг йил бўлибди. У пайтда динниng ўзи йўқ эди! Нонни имон даражасига, виждон даражасига кўтарган халқ бу ишни онгли равишда — билиб қилган. Буни қарангки, гўдак боланинг ёстиғи остига нон қўйишнинг хосиятини замонавий тиббиёт тўла тасдиқлайди. Нон исида ҳавони тозаловчи, инсон асабини тинчлантирувчи барча элементлар бор экан. Қизиқ, нима учун инсон боласи гўштсиз, ёғсиз, бошқа озиқ-овқатларсиз бемалол яшайди-ю, нонсиз яшай олмайди? Ахир оқсил ёки крахмал деймизми, углевод ёки витаман деймизми, бошқа нарсаларда ҳам борку! Қизиғи шундаки, нонда инсон ҳаёти учун зарур бўлган барча нарсалар бор экан. Улар шу қадар мутаносиб жойлашган эканки, нон инсон боласининг меъдасига ҳеч тегмас экан. Буни ҳам замонавий медицина тасдиқлайди.

Нонни конток қилиб футбол ўйнаётган болаларни кўрганимда, шимининг қирраси чиқариб дазмолланган зиёлинамо киши менга дашном берганида, кўкракдор хотин мен "безорини" милицияга топширмоқчи бўлганида шуларни эсладим.

АРЗОН, АММО БЕБАҲО

Бизда нон арзон. Эҳтимол шунинг учундир, боласи гиламга лойли оёғи билан чиқса, бир тарсаки урадиган одам, худди ўша боласи нонни лойга ташлаб юборса парво қилмас. Тўғри, балки ўша гилам икки минг сўм турар, балки боласи ерга ташлаган нон икки тийин турар. Аммо одам оч қолганида икки минг сўмлик гиламни пиширириб еёлмайди, жонига икки тийинлик нон ора киради.

Бизда нон ўзининг таннархига қараганда бир неча баравар арзон. Бир кило ун етиштириб олиш учун тўрт квадрат метр майдонга буғдой сепиш керак. Агар ҳар куни ҳар бир оилада ҳар бир одамдан ярим бурда нон "ортиб қолса", бир ойда неча кило бўлади? Бир йилда неча тонна бўлади? Бир тонна унга кетадиган буғдойни етиштириш учун тўрт минг квадрат метр майдонда деҳқончилик қилиш зарур бўлса, ҳар йили ахлатга ташланаётган нонга кетадиган буғдойни етиштириш учун неча минг гектар майдон керак? Бироқ нон дегани буғдой сепишнинг ўзи эмас. Шунча майдонни ҳайдаш керак, бороналаш керак, ўғитлаш, суғориш, ўриб олиш, янчиш, хирмонга ташиш, тозалаш, ун қилиш, заводга олиб келиш... Ниҳоят, нон ёпиш, магазинга элтиб бериш... Шун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ча иш учун қанча ер, қанча ўғит, қанча техника, қанча ёнилғи, ниҳоят, қанча одамнинг меҳнати сарф бўлади? Инсоф билан айттанда, бир кило нонниng қиммати бир кило олтин қимматидан паст эмас.

Ҳисоб-китоб қанақа бўлишини чет элга борганлар яхши билишади. Манаман деган энг бадавлат капиталистик мамлакатга боринг. Манаман деган ресторанга киринг. Ҳар бурда нонни "қулоғингизга ўлчаб" беради!

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ахборотини ўқиганимда ўзим ҳам аввалига ҳайрон қолдим. Фақат бир йил мобайнида — 1979 йилда ер юзида 50 миллионга яқин одам очликдан қирилиб кетибди. Кейинги пайтларда Ҳиндистонда "Яшил революция" амалга оширилгани, яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш кескин кўпайганлигига қарамай, бу мамлакатда 350 миллион одам тўйиб овқат емас экан. Индонезияда 33 миллион, Бангладешда 27 миллион, Нигерияда 14 миллион, Бразилия, Эфиопия, Покистонда 12 миллиондан зиёд одам очлик азобидан қийналаркан. 1983 йили Ер куррасида ҳар куни 40 минг бола очликдан ўлган экан. Ҳар куни! Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги қатор мамлакатларда-ку, бир бурда нон учун тиланчилик қилиб "бахшиш" сўрайдиган болалар ҳар қадамда учрайди. Ҳатто тараққий этган Италияда ҳам бир ярим миллион бола бир бурда нон топиш учун энг оғир меҳнат қилади. Жаҳондаги энг бой мамлакат Америка Қўшма Штатларида ҳар йили 150 минг бола дуч келган юмушларни бажаради. Ўн уч-ўн тўрт яшар қизалоқлар нон топиш учун разил бойваччаларнинг қурбонига айланади. Ўн уч яшар қизчанинг бўйида бўлиб қолиб, боласи ўлик туғилганида аламдан юм-юм йиғлагани, тирикчилик важидан шу йўлга киришга мажбур бўлганини ўқиганимда вужудим сирқираб кетди. Йўқ, бу гапларни "ичимдан тўқиб" чиқараётганим йўқ. Бунақа даҳшатли далилларни Америка журналисти Дотстон Рэйджер ёзган. Бу гаплар юз йил олдинги воқеалар эмас, бизнинг замонамизда, йигирманчи асрнинг сўнгги чорагида юз бераётган воқеалар...

Боласи икки минг сўмлик гиламга лойли оёғи билан чиқса жазолайдиган, аммо худди ўша бола нонни ерга улоқтириб юборса парво қилмайдиган одамларни кўрганимда, нонни футбол қилиб тепаётган болаларни тириқтириб қувлаганимда, шимининг қирраси чиқариб дазмолланган зиёлинамо киши дашном берганида, иккинчи қаватда яшайдиган ўша хотин мен "безори"ни милицияга топширмоқчи бўлганида

www.ziyouz.com kutubxonasi

шуларни ўйладим. "Нон боладан азиз бўптими?" деб қошини чимирадиган одамларни ҳам кўп кўрдим. Ўшанда шундай деб ҳайқиргим келди: "Ҳа, нон — боладан азиз бўлиши мумкин!" Жудаям мумкин! Боласини очлик азобидан қутқариш учун ўз қўли билан ўлдирган отани дадам кўрганига ишонаман! Машаққатли уруш йилларида болам очликдан ўлмасин деб бировларнинг эшигига, чойхоналарга, етимхоналарга ташлаб кетган одамлар бор! Ҳали улар тирик. Фақат бу тўғрида гапиргиси келмайди! Тўқликка шўхликнинг ҳам чегараси бўлади. Болангиз эсини танимасиданоқ қулоғига қуйинг: нонтепки бўлмасин.

ТЎҚЛИККА — ШЎХЛИК

Ленинградда ажойиб одат бор. Дўконга кириб икки буханка нон олсангиз, дарров сўрашади: "Оилангизда неча киши бор, шунча нонни нима қиласиз?"

Бу ҳам инсон хотирасининг барқарорлигидан нишона. Азбаройи нон тахчиллигидан эмас, нонни исроф қилиш кони гуноҳ эканидан нишона. Бизда сал бошқачароқ. Нон дўконига кирган одам хоҳлаганча олади. Битта, учта, ўнта... Иккитасини бола-чақалари билан ейди, қолганини... молга беради. Қарабсизки, ярим йил ичида буқасини нон билан семиртириб, мўмай даромад қилиб турибди. Ана сизга нондан келадиган "соф фойда".

Фалон ташкилотнинг бошлиғи ўртоқ фалончиев "бой касал" бўлиб дам олишга ётдилар. Бошлиқ "касал" бўлганида хабар олиш фарзми — фарз! Қарзми — қарз! Бориб кўрганда ҳам энг сархил патирлардан оласиз. Албатта, битта эмас, камида иккита! Ҳар куни ўн киши кўргани келса, йигирмата энг мазали нон олиб келинади. Шўрлик "бемор"нинг қорни битта. Бир кунда яримта патир ейди. Орадан икки-уч кун ўтиб, нон қотади. "Бемор" уни уйига жўнатади. Уйдагилар эса "банниса"дан қайтган нондан ҳазар қилади. Ўша сархил патир нари борса молга ем бўлади...

Кўпинча ёшлардан нолиймиз: "Ёшлар ундоқ бўп кетди, бундоқ бўп кетди, қадр-қимматни билмайди..." Очиғини айтсам, ёшлардан ҳадеб нолийдиган одамларни унчалик ҳурмат қилмайман. Тўғри, ёшлар орасида олифта, такасалтанг, текинхўрлари бўлиши мумкин. Бироқ бу ҳамма ёшлар ёмон, деган гап эмас.

Виждонни ўртага қўйиб айтайлик: тўйлардаги исрофгарчиликларга, айниқса нон исрофгарчилигига ким сабабчи:

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёшларми, кексаларми?! Мен отахонларимизу онахонларимизни, умуман, кексаларимизни, ажойиб удумларимизни чуқур эҳтиром билан ҳурмат қиламан. Аммо, айтайлик, тўй ёки маъракада неча қоп ун ёпишни ким ҳал қилади? Ёшларми, кексаларми! Ҳар бир меҳмоннинг олдига албатта нон синдириш, дастурхонда тайёр нон турганига қарамай "иссиғидан" тағин ушатишни ким ҳал қилади! Бировнинг айбини топиш қийинмас, ўзимизга ҳам четдан бир қараб кўрайлик!

НОН... АРАҚ ШИШАСИДАН АРЗОНМИ!

Қишлоқларда, маҳаллаларда қотган нонни "бекор кетказмаслик" йўли бор: молга берилади. Дўкондан қоп-қоп ун олиб, новвос боқадиганлар қанча?! Аслида бу бориб турган нонкўрлик! Нон — молнинг эмас, одамнинг насибаси. Шаҳар жойда — "дом"ларда бу муаммо яна ҳам чигалроқ. Авваллари "ортиб қолган" нон ахлатга ташланар эди. Энди кўпқаватли уйлар олдида махсус нон ташланадиган қутилар бор. Лекин унга ташланган нонлар узоқ вақтгача олиб кетилмайди. Ора-чора нон машинаси келади. Темир қутидаги нон қолдиғи (аллақачон моғорлаб кетган нон) бортга ортилади. Шунда юракни эзувчи манзарани кўрасиз. Этик кийган хизматчи оёғи билан нонни (нонни!) тепиб у ёққа суради, бу ёққа суради. Босиб-босиб шиббалайди. Шундай қилиб нон чўчқа фермасигами, мол фермасигами олиб кетилади!

Тескари ҳақиқатни қарангки, арақдан бўшаган шишани қабул қилиб оладиган махсус жойлар бор. Қаттиқ нонни эса ҳеч ким сариқ чақага олмайди. Наҳотки, нон арақ шишасидан беқадр бўлса! Ахир ортиб қолган нонни алоҳида навларга ажратиб дўконларда сотиб олиш мумкин-ку. Қайта ишлаш, кекс қилиш, квас пиширш наҳотки мумкин бўлмаса! Эҳтимол, икки кило қотган нонга бир кило янги нон бериш мумкиндир! Билмадим, хоҳиш бўлса ҳар ишни қилса бўлади.

Яна бир тескари ҳақиқат: нонинг исроф бўлишига... нон заводлари ҳам айбдор. Нонни ёмон дейиш — гуноҳ. Аммо, инсоф билан айтганда, заводларда ёпилаётган нонлар жудаям сифатли эмас. Мен Тошкентдаги нон заводларидан бирининг директори билан очиқчасига суҳбатлашдим. "Ростини айтинг-чи,— дедим кулиб,— дастурхонингизда ўз заводингиздан чиққан нон бўлса-ю, яна хонаки тандирда

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёпилган нон турса, қайси бирини ердингиз?!" Директор бир лаҳза жим турди-да, охири чидолмади. Ўзи ҳам кулиб юборди: "Тандир нонни ердим!"

Тўғри, бир кунда беш-олти тандир нон ёпиш бошқа, ҳар куни 300 тонна ундан нон тайёрлаш — бошқа. Лекин модомики техника бор экан, энг аъло сифатли ун бор экан, нонни шундай ёпиш керакки, бурдаси ҳам, увоғи ҳам увол бўлмасин!

Албатта, бу гаплар ҳеч қачон ўзимизнинг зиммамиздаги масъулиятни сусайтирмайди. Аслида, бу катта масъулият ҳам эмас, инсоннинг оддий қоидаси. Нонни эъзозлаш — имонни маҳкам тутмоқ, демак, виждонни мустаҳкам ушламоқ демакдир.

* * *

Дунёда одамларни бир-бири билан боғлаб турувчи иплар кўп. Қариндошлик ипи, қадр-қиммат ипи, яна нима десак экан... манфаат, мол-дунё, пул... Хуллас, тури кўп. Лекин замонларни замонлар билан, инсонларни инсонлар билан боғловчи энг мустаҳкам восита бор. Бу — эътиқод! Эътиқоди пок, имони бут инсонлар Ер юзида ҳамиша бўлган. Бундан кейин ҳам бўлади. Аслида дунёни шундай кишилар елкасида тутиб туради.

"... Дон сепувчи деҳқон Одам Ато фарзанди, балки ундан ризқ еганлар — шу деҳқоннинг фарзанди. Унинг ўзи эса Одам Атодир!"

Бу сўзларни ҳазрат Алишер Навоий айтганлар. Навоийдек вали инсон дон сепувчи деҳқонни Одам Атога қиёслаяпти! Бу бежиз эмасдир, ахир!

Модомики, орамизда биттами, ўнтами, юзтами нонтепки одам бор экан, улар эътиқодимизни ҳақорат қилган бўлади. Модомики шундай экан, нонни кўзга суртиб эъзозлаш доимий удумимиз бўлиб қолаверади. Шундай экан, биз бировга энг яхши тилак билдирганимизда "Нондай азиз бўлинг!" деймиз.

1984

www.ziyouz.com kutubxonasi

МЕНГА НИМА?!

(Ёхуд ўйлашга эринадиган оломон фалсафаси)

Бир куни Афанди кўча эшиги тагига чиқиб, хаёл суре-е-б ўтирса, бир одам ҳовликиб келиб қолибди.

— Мулла Насриддин!— дебди.— Кўча бошида бир арава келяпти. Ичи тўла ноз-неъматлар!

— Менга нима? — дебди Афанди пинагини бузмай.

— Қизиқмисиз? — дебди бояги одам.— Ўша ноз-неъматларни ҳоким тўра сизга юборибди!

— Сенга нима?!— дебди Афанди...

Бу-ку, бир латифа. Лекин "Менга нима?", "Сенга нима?" деган фалсафа қонимизга шу қадар сингиб кетганки, баъзан дод деб юборгинг келади. Қачондан бошлаб бу қадар лоқайд бўлиб қолдик? Кечами? Бугунми?

Ким билсин! Қайсари Рум лашкарлари юртимизни босиб олганида, Спитаменнинг боши хиёнаткорона кесилиб, душманга тантанавор тақдим этилганида ҳам "Менга нима?" деб, бир чеккага чиқиб турганлар оз бўлмагандир...

Эҳтимол араб босқинчиларидан ўз Ватанини ҳимоя қилган Муқаннанинг сафдошлари орасида "Менга нима?" деб пана-панага уриб кетганлар ҳам оз эмасдир?

Ярим ёввойи мўғуллар гуллаган воҳаларни пакана отининг туёғи остида топтаганини кўриб туриб, чеккага чиқанлар қанча бўлганийкин? Тарихнинг гувоҳлик беришича, душман қўлига тушиб қолган бир аёл саҳройи босқинчилардан жон сақлаш умидида илтижо қилган экан. "Агар мени ўлдирмасанглар бир сирни айтаман. Мен ярим жаҳонга тенг гавҳарни ютиб юбордим. Сабр қилсанглар..." Шунда мўғуллар фақат ўша бечора аёлнинг эмас, атрофдаги жамики хотин-халажнинг қорнини ёриб, гавҳар излашган экан. Ўша паллада "Менга нима?" деб четга чиқиб турган ва бу ҳам етмагандек, ўз халқига хиёнат қилган Маҳмуд Ялавочлар қанча бўлганийкин?

Ўтган асрнинг ўрталарида Россия босқинчилари Оқ мачитни забт этди, деган хабар келганида Қўқон хони саройида базми жамшид қилиб ўтирган аъёнлар "Олса олибди-да, шу билан еримиз камайиб қолармиди?" деб қўл силтаб қўйишганига ишонмай илож йўқ. Акс ҳолда Тошкентда босқинчиларга қарши қонли жанглар кетаётганида, уёғи Қўқон, буёғи Марғилону Андижондан келган сарбозлар ҳарбий аслаҳалари жиҳатидан тенгсиз рақибга қарши жон олиб, жон бераётганида Бухоро амирлиги Қўқон хонлиги билан жиқ-қамушт бўлмасди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қандингни ур, амир! Баракалла, хон! Офарин, беклар! Ўртачароқ йўталсанг, овозинг сарҳад нарисига чиқиб кетади-ю, ҳар биринг ўзингча "шаҳаншоҳ" бўлгинг келади! Ўзингни осмонда сезасан! Тўғри қиласан! Бир-биринг ни ур, ўлдир, бир-биринг нинг гўштини хомлигича еб ётавер! Сенга нима?

Қодирий домланинг Юсуфбек ҳожиси, остонанг тагида қандай баттол душман турибди-ю, сенлар бир-биринг нинг гўштингни ейишдан бўшамайсан, эсингни йиғсанг-чи, нодон оломон, деб инграганида нақадар чуқур ҳақиқат бор.

Яна ғувоҳлик беришларича, Тошкентни босиб олган ўрис аскарлари шаҳарга "муждика чалиб" кириб келганмиш. Такяхонада ёнбошлаб ётган банги: "Вой-вой-ей, баччағарни карнай чалишини қаранг, одамни сел қилиб юборади-я, отангга раҳмат-е!" деб хитоб қилган эмиш... Сизларни билмадим-ку, мен бу гапга ҳам ишонаман. Такяхонада сасиб ётган бир бангига юрт ғамини ўйлашга не ҳожат? Бир чимдим наша, бир дамлам кўкнор кифоя. Унга деса шаҳар вайрон бўлмайдими? Эл қирилиб кетмайдими?

Астағфирулло! Наҳот ҳаммамизнинг вужудимизда озмикўпми бангилик қони оқса?!

...Бундан бир неча йил илгари Сочига дам олишга бордим. Мева-чева харид қилиш ниятида бозорга кирдим. Шляпа кийган, бўйинбоғ таққан зиёлинамо харидор саватга солиб қўйилган зарғалдоқ шафтолини бармоғи билан шошмай эзғилади.

— Қанчадан сотяпсан?— деди беписандлик билан.

Сотувчи озарми, арманими, гуржими (ҳар қалай, кавказлик) харидорнинг қўлига тушириб қолди.

— Торт қўлингни!— деди ғазаб билан.— Биринчидан, мен сенинг уканг эмасман, сансирама! Иккинчидан, шафтолини меҳнат билан етиштирганман. Дуч келган ислоқи эзғилашига йўл қўймайман!

Ажаб, харидор дарҳол ҳушёр тортди. Узр сўради...

...Сочида магнолия деган дарахт ўсади. Гуллари чинни пиёладек, нимпушти, нафис... Ольга Бергольц "Кундузги юлдузлар" китобида уни "жаннат гули" деб таърифлайди...

Санаторийда мени даволаган кекса ўрис дўхтир — собиқ жангчи экан. Устига-устак йигирманчи йиллар охирида Тошкентга келган, ўз ибораси билан айтганда, "самариска"лардан экан. Қадрдон бўлиб кетдик. Ҳатто Сочи телевидениесида биргалашиб суҳбат ҳам қилдик.

Уйга қайтаётганимда дўхтир ўз боғидан бир дона магнолия гулини совға қилди. Болаларингга олиб бор, деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эртаси, аэропортда Тошкент самолётидан тушириб юборишларига бир баҳя қолди. Қонун бўйича ҳеч кимнинг Сочи набототини ўғирлашга ҳаққи йўқ экан...

Бу ҳангомаларни бежиз эсламадим.

Шу йил айни қулупнай пишиғида Тошкент ҳалқа йўлидан бораётиб, қаторлашиб тўхтаб турган машиналарга кўзим тушди. Қарасам, катта йўлнинг ўнг томони — қулупнай пайкаллари. Деҳқонлар шундоқ пайкалдан қулупнай териб чиқиб, сотяпти. Ҳавасим келди. Яқин бордим... Лаб-лунжини бўяган, юзига беармон "шпаклёвка" суркаган, чапанича айтганда, "қулоғидаги сирғаси калласидан ўн ҳисса" қиммат хонимча ёши тахминан мен тенги деҳқон билан савдолашяпти.

— Эй, бабай! Қулупнайинг неча сўм?

"Бобой" ўрисчани сувдек биларкан.

— Олинг, сестра, олинг, йигирма сўм!— деди илжайиб.

— Йигирма бешдан оламан. Бир соатдан кейин самолётга чиқишим керак. Аммо танлаб оламан.

— Пажалиста, сестра, пажалиста! Сиздек чиройли баришня оламан дейдию мен йўқ дейманми?— Деҳқон капгирча билан тарозига энди қулупнай солаётган эди, "баришня"-нинг ипдек қоши таҳдидли чимирилди.

— Қўлингни торт!— деди жеркиб.— Ўзим танлайман.— Шундай деб энг сара қулупнайларни битта-битталаб тарозига қўя бошлади.

Қоним қайнаб кетди.

— Ҳой, инсон! Қизингиз тенги хоним сизни нега "сен" дейди-ю, сиз нега уни "сиз"лайсиз? Орият деган нарса борми ўзи?

"Бобой" киприкларини пирпиратди.

— Така бўлсин, сут берсин, домла! Йигирма бешдан оляпти-ку!

...Йиғлагим келди... Нима десам бўлади бу одамга? Ҳой, барака топкур! Чайқовчи бўлсанг-ку, айтардим: ҳа, энди чайқовчи беш сўм учун имонини сотмаса, чайқовчилиги қаёқда қолди, дердим. Сен деҳқонсан-ку, инсон! Худо берган ақл-идрок деган неъматни ишлатсанг-чи! Уч чақирим нарида шаҳарда яшайдиган синглингнинг болалари, акангнинг фарзандлари қулупнайга оғзи тегдими? Йў-ў-ўқ! Сенга барибир! Беш сўм ортиқроқ ҳақ берганнинг товонини ялайсан! "Бабай" дейдими, "басмач" дейдими, барибир... Така бўлсин, сут берсин!..

Хонимча саватини тўлдириб жўнаб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Менга беш кило!— дедим ғазабимни аранг босиб.

— Йигирма бешдан, домла...— Қулупнайчи тағин киприкларини кирпиратди.— Ўзингиз кўрдингиз, одамлар йигирма бешдан оляпти...

... "Шаҳар бедарвоза эмас" деган гап бор. Бир замонлар Тошкентнинг тўққиз дарвозаси бўларкан. Ҳозир дарвозадан кўра "тешиклар" кўп.

Сочидан бир дона гул олиб чиқаётганимда йўлимни тўсганлардан ранжиган эдим. Энди ранжимайман. Тўғри қилишган экан!

Ҳар юртнинг ўз тош-тарозуси бўлмоғи керак экан.

"Известия" рўзномасининг хабар қилишича, 1992 йилнинг тўрт ойи ичида Россияда ўтган йил шунча фурсатдагига нисбатан 2 миллион 800 минг бош қорамолни кўпроқ сўйиб юборибдилар. Бир қисми ҳаром ўлибди. Сабаб — хашак етишмаган эмиш...

Бундан бир неча йил аввал поездда Москвага — ёзувчилар анжуманига бордик. Россия минтақасига кирганимиз замон қозоқ шоири вагон деразасидан қараб, хитоб қилди: "Шўп. Ой-баёв. Шўп кўп экан-ғўй!"

Қарасам, темир йўлнинг икки томони ўтлоқ. Одам бўйи келади. Кўзинг илғагунча ўтлоқ.

"Известия"даги ўша хабарни ўқишим билан бепоён ўтлоқлар кўз ўнгимга келди. Майли, Қозоғистонда қурғоқчилик бўлиб, ўт унмаслиги мумкин. Ўзбекистон ерларини пахта "еб қўйган" бўлиши мумкин. Лекин бу бепоён юртда ҳар бир оила камида ўн бош мол боқишга қудрати етади шекилли. Бутун дунёни гўшт билан сутга тўлдириб ташлашга қодир шекилли...

Бу билан ҳеч кимга иддао қилиш ва айниқса, Худо асрасин, камситиш ниятим йўқ. Мажбурий коллективлаштириш деган зуғум деҳқонларнинг ердан кўнглини совутганига, Россия қишлоқлари айнан шунинг оқибатида ҳувиллаб қолганига ақлим етади. Лекин бошқа ҳақиқат ҳам бор. Бир юрт қишлоқлари ҳувиллаб ётса-ю, деҳқончилик маҳсулотлари нуқул бошқа юртлардан ташиб келтирилаверса, униси ҳам, буниси ҳам охир-оқибат қашшоққа айланмайдими?

Ўзбекистон божхонаси ходимлари кирди-чиқдини тартибга солиш учун қўлдан келганча уриниб ётишибди. Лекин шаҳар, барибир — бедарвоза! Бир эшикни ёпсанг, минг тешиги очилади. "Бобой" деҳқон ҳар кило қулупнайига ортиқча беш сўм олгани учун оғзи қулоғида. Вокзал, аэропорт, автовокзал деган дарвозаларда эса шундайлар борки,

www.ziyouz.com kutubxonasi

биров қўлига минг сўм тутқазса, миллион сўмлик неъматни бемалол юклаб беради! Унга нима! Киссасига чойчақа тушса бас!

Хўп майли... Бу — масаланинг моддий томони. Маънавий жиҳатдан-чи?

Яқинда болаликдан бирга ўсган дўстим Салоҳиддин ўғлини уйлантирди. Каминанинг "хизмати" шу бўлдики, холи бир хонага кириб ўртоғимнинг қайнотаси билан узоқ суҳбатлашдик.

Ёши етмишдан ошган отахоннинг қисматини бафуржа эшитсангиз, бутун бошли китоб ёзиш мумкин. Мунгли ва даҳшатли китоб...

— Отам машҳур кўнчи бўлганлар. "Кулоқ" қилиш бошланганида бор буд-шудимизни давлатга топширдилар. Терилар, отлар, туялар... Ўшанда тўрт-беш ёшлардаги бола эдим. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Битта қўзичоғим бўларди. Ишонсангиз, ёнимда олиб ётардим. Мени кўрса, дикир-дикир сакраб, чопиб келарди. Қўзичоқни олиб кетишаётганида дод солиб йиғладим. Ёдимда бор, кўклам эди, ёмғир ёғиб турувди, кўчага чиққанда "Сельсовет амаки"нинг этагига осилиб ялиндим. "Жон амаки, қўзичоғимга тегманг", дедим. Сельсовет: "Йўқол, унсурнинг боласи!" деди-да, ёқамдан олиб улоқтириб юборди. Лойга шалоплаб тушдим. (Ўша "амаки" ўзбек эди.) Қўшнилар бу ҳангомани бамайлихотир томоша қилиб туришарди...

Қозон шаҳрига "висилка" қилиндик... Фалакнинг гардиши билан қайтиб келгач, мактабда ўқидим. Аълочи эдим. "Эски турмуш иллатлари"га қарши фаол курашишни ягона шиор деб билардим, "Бой-феодал" оиламиз адолатли жазоланганига чиппа-чин ишонардим. Ўша кезлари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовларга қарши "вос-вос" бошланди. Мактабда митинг бўлиб, "Халқ душманларига ўлим!" деган қийқириқлар янгради. Мен ҳам кучим етганча чинқирдим. Фақат битта одам — адабиёт муаллимимиз бир чеккада ранги ўчиб турарди. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Индамай турди-турди-да, "ёлғон, туҳмат, ишонмайман" деб инграб юборди... Орадан кўп ўтмай муаллим тўсатдан ғойиб бўлиб қолди...

Оқсоқолнинг гапига нимаям қўшиш мумкин? Ҳаммаси ҳақиқат. Аччиқ ва аламли ҳақиқат... Зулм системаси одамларнинг оғзини боғлаб ташлагани, ғиринг десанг хонумонинг куйиб кетиши, Файзулла Хўжаевлар устидан олиб борилган "суд" моҳиятини тушуниб етган ва изтироб билан инграган адабиёт ўқитувчисининг бир кечада ғойиб бўлиши...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин... Беш яшар бола "Кўзичоғимни ташлаб кетинг, жон амаки", деб ёлбораётганини кўриб турган қўшнилар ўз ҳамқишлоғи, тобуткаши бўлмиш "Сельсовет амаки"га бир оғиз айтиши мумкинмиди? "Қўйинг энди, биродар, бир ердаги одаммиз, шу норасидани чирқиллатманг", деса бўлармиди? Билмайман... Назаримда, ўша паллада ҳам "Менга нима?" деган ақида устувор бўлган эса ажабмас.

Чамаси, бу ўринда зулм системасининг оддий механизми ишга тушган. "Доҳий" Ленин "пайғамбарона" башорат қилган: "Биз ушбу жамиятнинг оддий винтчаларимиз!" Доҳийнинг яна бир башорати, тўғрироғи, башоратомуз ибораси бор: "Вайсақи интеллигентлар..."

Қаранг, нақадар оддий ҳақиқат. Бизнинг жамиятда ҳар ким — винтча. Инсон эмас, темиртак! Муттасил айланиб туради. Хоҳласанг уёққа, хоҳласанг — буёққа. Ора-чора мойлаб турсанг — бас. Айлангиси келмаганини улоқтириб юборасан. Бизда нима кўп — винтлар кўп. Зиёлилар эса винтча бўлишни унчаям хоҳламайди. Олим, ёзувчи, шифокор, муаллим, инженер... ўйлайди. Шўрога эса ўйлайдиган "винтча" керакмас. Ўйламайдигани, "менга нима", дейдигани керак! Иккита ақлли одамни бошқаришдан кўра икки миллион, икки юз миллион ўйламайдиган оломонни бошқариш осон! Яхши-да! Бугун "Яшасин!" деса, эртага "Йўқолсин!" дейди!

Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Элбек, кейинроқ Ҳамид Сулаймонлар, Шайхзодалар, Саид Аҳмадлар, Шуҳратлар қатағон қилинганида нима бўлди? "Менга нима?" деган оломончилик психологиясидан ошиб тушганлар, ўз ҳамкасбларини сотган "замонавий Маҳмуд Ялавочлар" озмиди?

Саксонинчи йиллар ўртасида авж олган "ўзбек иши" ушбу юртга кўп йиллар раҳбарлик қилган одамни гўрдан олиб, гўрга тиқди. (Бундай лўттибозлик фақат социалистик жамиятда бўлиши мумкин. Тириклигида амал отига миниб юрганида "доҳий" ясайди, вафот этгач, қабрини кавлайди. Фақат шўро тузумигина марҳумдан қасос олади!)

...Ўтган йил кузида неча юз йилликлар тарихида илк бор Ўзбекистон муқаддас тарихий ҳужжатни қабул қилди. ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ деб эълон қилинди! Қизиғи (аниқроғи, аламли жойи) шундаки, Президент Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бу гапини чоғроқ залда тинглаб ўтирганлар мунғайиб тураверди.

Ўйлайман... Нега шундай бўлди? Ва, ўзимча жавоб излайман. Балки оддий халқ бу хабарни "расмий" гаплардан бири деб қабул қилганлар? Бўлиши мумкин!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лекин биз-чи? "Доҳий" Ленин таърифлаган "вайсақи интеллигентлар"-чи?...

...Ўша кезлари район (ноҳия, туман, бало-баттар — номининг аҳамияти йўқ) раҳбарлари, олимлар, хўжалик бошлиқлари даврасига кириб қолдим. Бир олим жон куйдириб, мустақиллик ақидаларини ҳимоя қилди. Бошқалар (асосий кўпчилик) уни "талаб ташлашди". Гапнинг асл моҳияти шу эди: Ўзбекистон мустақил бўлса моддий жиҳатдан қийналиб қоламиз.

Даврадагиларнинг ҳаммаси дипломли мутахассислар эди: агроном, инженер, иқтисодчи, малакали сиёсатдон... Ҳаммаси зиёли эди. Аммо деярли ҳар бири мустақилликдан шахсий манфаат, ақалли ўз ҳузурини излаётгани кўриниб турарди.

Мен борман — дунё бор, қора қозоним қайнаб турибдими — бас, деган тушунчадан воз кечиш осон эмас экан. Бошқа минтақаларда, дейлик, Болтиқбўйида академик билан этикдўз тафаккури орасидаги фарқ — бир қарич. Бизда эса — бир чақирим! Ўйлайдиганлар бир ҳовуч, ўйлашга эринадиганлар — миллионлаб! Боринги, бизнинг баъзи зиёлилар Болтиқбўйининг этикдўзи даражасида тафаккур қилолмайди. (Бошқаларни ранжитмаслик учун эътироф эта қолай, менинг тафаккурим ҳам қойил қоларли эмас.)

Ўша суҳбатдан армонли хулосага келдим. "Ўзбек иши" мантиқан тўғри бўлган экан. Негаки "арман иши", "ўрис иши", "латиш, эстон, литвалик, молдован, гуржи, украин ва бошқа бало-баттар ишлар" бўлиши мумкин эмас экан! "Асрга татигулик сенсация"ни фақат "ўзбек иши" сифатида дунёга достон қилиш мумкин экан.

Ҳозир "турғунлик йиллари" деб таърифланаётган палладa Ўзбекистонда пахтачилик соҳасида қинғирликлар рўй бергани рост. Марказдан "чекланмаган ҳуқуқлар" билан келган Гдлян гуруҳи чекланмаган зуғумлар қилди. Ҳўлу қуруқ баравар ёнди. Гуноҳи борлар қатори бегуноҳлар — оддий бригадирдан тортиб давлат арбобларигача, барчасига "антиқа усуллар" қўллаб "айбини" бўйнига қўйдилар. "Миллион сўм топмасанг, ҳозир хотинингни, қизингни, келинингни рецедивистлар зўрлайди. Ўз кўзинг билан кўрасан!" Бунақа "томошага" қайси ўзбек чидайди? Ажаб! Пахтакор заҳмати етти ухлаб тушига кирмаган, пахтани "вата" деб юрган Гдлян қандай қилиб ўзбекка ҳакам бўлиб қолди?!

Бу ҳам мустабид тузумнинг навбатдаги "ўйини" эди. Бошқаларни қўрқитиш учун кимнингдир бурнини қона-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тиш керакми, ахир? Кўп ўйлаб ўтирмай, ўзбекни танлаб қўя қолдилар. Ҳолбуки, "қўшиб ёзиш" ҳамма ерда бор эди. Марказдан осмон баравар план берилар экан, планни бажармаган партбилетини топширади (яъни қамалади) деган талаб қўйилар экан, қўшиб ёзиш бўлаверган! Ҳамма ерда! Ҳар куни!

Етмишинчи йилларда бир латифа удум бўлгани эсимда. Арман радиосидан сўрабдилар: "Париждаги кўргазмада уч юлдузли арман коньяги олтин медаль олди, беш юлдузлиги шимолдириқ ҳам ололмади, сабаби нима?" Арман радиоси жавоб берибди: "Ва-а-аҳ! Ўзимиз ҳам ҳайронмиз! Иккаласи битта бочкадан қуйилган эди-ку!" Бунинг оти "қўшиб ёзиш" бўлмай, нима? Шундай экан, мустабид тузум нега айнан ўзбекнинг ёқасидан олди? Минглаб бегуноҳлар турмага нима учун тиқилди?!

Гап шундаки, ўзбек ювош. Биров кўз ўнгида қўшнисини итдек хор қилса, тескари қараб тураверади. "Менга нима?"

Тўғри қиласан! Биласан, ён қўшнинг бригадир — яхши одам эди, инсофли эди! Ҳалол эди! Ҳаммасини биласан. Лекин ўша бригадирнинг уйига аллақайси гўрдан келган каллакесарлар бостириб кирса-ю, ҳе йўқ-бе йўқ қўлига кишан солиб опчиқиб кетса, бола-чақаси чирқиллаб қолса, ининингга уриб кетасан. Ақалли, "Ҳой, бу қандоқ бедодлик", демайсан. Сенга нима?

Иккитагина адиб, иккитагина олим марказ минбарларида, марказ матбуотида "бутун бошли халққа зуғум қилинаяпти-ку "ўзбек иши" деган гапнинг ўзи бутун бир миллатни ҳақорат қилиш-ку", деб овоз чиқарса, ичингда суюнгандек бўласан. Лекин бунга қарши бир гуруҳ пиёниста оломон Москва кўчаларига "Гдляндан қўлингни торт!" деган шиор кўтариб чиқса, пуси-и-б қоласан... Сенга нима?!

Марказий газеталар Ўзбекистон устидан тоғора-тоғора мағзава ағдарса, ушбу юртда жанжал қўзғаш ниятида минг бир хил иғволар уюштирса, миқ этмайсан. Иложи бўлса, ҳимоя қилиш уёқда турсин, мағзавага ўз ёнингдан жиндай кўпик қўшиб ҳам юборасан. Унинг уёққа тортасан, бунинг буёққа... Сенга нима?!

Ўз халқига таъна қилиш — туққан онасига маломат қилиш билан тенг. Начора, бу гапларни куйганимдан айтаман. Негаки, қўрқаман... Худо кўрсатмасин, диктатура деган аждаҳо қайтадан бош кўтарса, "винтча" бўлиб яшашга кўникиб қолган, ўйлашга эринадиган оломон ўйлайдиган фарзандларини осиш учун ўз қўли билан дор ясаб бермасмикин?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

...Ушбу гапларни нашрга топширишдан олдин бир қадрдон дўстимга ўқиб бердим. Дўстим эътибор билан тинглади. Икки гапнинг бирида "Офарин, айниқса шу ерини боплабсиз", деди-да, охиригача эшитиб бўлгач, ўйланиб қолди.

— Биласизми?— деди вазминлик билан.— Халқ сиздан асарлар кутади. Романлар... Қиссалар... Нима қиласиз, бошингизни қотириб... Худога шукр... Эл таниган адибсиз. Бола-чақангиз бор... Сизга нима?!

1992

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Саид Аҳмад. Ижод ва жасорат 5

Қиссалар

Баҳор қайтмайди 7
Икки карра икки — беш 120

Ҳикоялар

Муҳаббат 296
Янга 304
Шудрингли ўтлоқлар 311
Узун кечалар 321
Деҳқоннинг бир куни 339

Саҳна асарлари

Инсон садоқати 346

Ҳажвий ҳикоялар

"Шумлик" туркумидан 384
"Шпана" 384
"Бемор" пиёз 385
Йўли топилди 387
Беҳи 388
"Памилдори" операцияси 389
"Яқин келма" 390
"Гуруч" операцияси 391
"Муштипар" 392

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мусофир бўлмагунча 394
Ўзбекнинг соддаси 404
"Кўкйўтал" 410
Меҳмон отангдан улуғ 417

Ўйлар

Мардлик 422
Аждодларга муносиб ворис бўлайлик 433
Нон — имон 440
"Менга нима?" 451

www.ziyouz.com kutubxonasi

Адабий-бадиий нашр

Ўткир Ҳошимов

САЙЛАНМА

Икки жилдлик

БАҲОР СОҒИНЧИ

Биринчи жилд

Қиссалар, ҳикоялар, саҳна асарлари,
ҳажвий ҳикоялар, ўйлар

Муҳаррир *Маъсуда Йўлдошева*
Мусаввир *Татьяна Герасимова*
Бадиий муҳаррир *Анатолий Бобров*
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*
Кичик муҳаррир *Назми Фозилова*
Мусаҳҳиҳ *Мавжуда Насриддинова*
Компьютерда тайёрловчи *Эля Ким*

ИБ № 3987

www.ziyouz.com kutubxonasi

Босишга 3.08.2001 да рухсат этилди. Бичими 84x108$^{1}/_{32}$. Таймс гарнитура. Офсет босма. 24,30+0,42 вкл. шартли босма тобоқ. 29,0+0,5 вкл. нашр босма тобоқ. Жами 5000 нусха. 150 рақамли буюртма. 92-2001 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида босилди. 700194, Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳошимов, Ўткир.
Сайланма: Икки жилдлик: Қиссалар, ҳикоялар, саҳна асарлари, ҳажвий ҳикоялар, ўйлар.— Т.: F. Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2001 —
Жилд I. Баҳор соғинчи.— 464 б.

Халқимизнинг атоқли ва ардоқли адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, талай мукофотлар совриндори Ўткир Ҳошимов асарлари элимизнинг маънавий мулкига айланган. Адибнинг қарийб қирқ йиллик ижодий фаолияти давомида 50 дан ортиқ китоблари 2 миллиондан кўпроқ нусхада турли тилларда нашр этилди.

Ўткир Ҳошимовнинг бундан қирқ йил аввал ёзилган ҳикоя, қисса, романлари, драматик ва публицистик асарларини ўқисангиз ҳам, бир йил аввал эълон қилинган асарларини мутолаа қилсангиз ҳам бирдек ҳаяжонга тушасиз. Бунинг сабаби шундаки, адибнинг ўзи таъкидлаганидек, ҳақиқий бадиий асар ёзилмайди, фарзанд каби туғилади. Бўлажак асарни ёзувчининг кўнглига Аллоҳ солади.

Бугун 60 ёшга қадам қўйган севимли адибингизнинг асарлари сизларни ларзага солишига, қўлингиздаги 2 жилдлик "Сайланма" севимли китобларингиз бўлиб қолишига ишонамиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi